Таълим хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқ ишга солинади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-

услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-ҳунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

## 3. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

- шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;
- давлат ва жамият - таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;
- узлуксиз таълим-малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;
- фан-юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;
- ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

### 3.1. Шахс

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-ҳунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутади.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-ҳунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

### 3.2. Давлат ва жамият

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Давлат ва жамият қуйидагиларга, чунончи:

услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-ҳунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

## 3. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

- шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;
- давлат ва жамият - таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;
- узлуксиз таълим-малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;
- фан-юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;
- ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

### 3.1. Шахс

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-ҳунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутади.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-ҳунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

### 3.2. Давлат ва жамият

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Давлат ва жамият қуйидагиларга, чунончи:

Фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига;

- Мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишга;

- Давлат грантлари ёки пуллик-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим олиш ҳуқуқига;

- Давлат таълим муассасаларини маблаг билан таъминлашга;

-Таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;

- Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга;

- Соғлиқ ва ривожланишда нуқсони бўлган шахслар таълим олишига кафолат берадилар.

### 3.3. Узлуксиз таълим

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

### 3.3.1. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва келажак интеллектнинг нуфузи;

- таълимнинг демократлашуви таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

-таълимнинг инсонпарварлашуви инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

- таълимнинг ижтимоийлашуви таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

- таълимнинг миллий йўналтирилганлиги таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

- таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

- иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

### 3.3.2. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари

Узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар қуйидагиларни назарда тутади:

- таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

- давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

- таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш;

- мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

- махсус, касб-ҳунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш;

- илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ, янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

- таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

- таълим олишда, шунингдек болалар ва ёшларни маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

- таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

- таълим тизимини молиявий, моддий-техника ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш;

- узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

- туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

- таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

### 3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошлангич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I-IX синфлар), ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини қамраб олади.

**Мактабгача таълим**

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади;

- малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;
- мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;
- болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

- замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;

- мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;

- мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;

- мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

**Умумий ўрта таълим**

Тўққиз йиллик (I-IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (I-IV синфлар) қамраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуйидагилар зарур:

- мактабнинг I-IX синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим;

- юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш;

- ҳудудларнинг жўғрофий ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;

- ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш;

- таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;

- ўқувчилар касб-ҳунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.

**Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими**

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши – академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ, ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-ҳунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

- академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-ҳунар дастурларни, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

- академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-ҳунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

- ҳудудларнинг жуғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

- академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

**Олий таълим**

Олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалавриат ва магистратура) босқичга эга.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизида ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалавриат – мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб- ҳунар фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

«Магистр» даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интиҳосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- бакалавриат ва магистратура учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

- олий таълим муассасаларида таркибий ўзгартиришлар ўтказиш;

- олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассислар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

- таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

- янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш;

- халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

**Олий ўқув юртидан кейинги таълим**

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эхтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичлари (аспирантура, докторантура) диссертация ҳимояси билан якунланади.

Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

- касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

- ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

- фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

**Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш**

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

- юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитни шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнииг малакасини оширишни таъминловчи давлат

ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

- профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек мураккаб фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

**Мактабдан ташқари таълим**

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

- миллий педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

**3.4. Кадрлар тайёрлаш тизимида фан**

Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада:

- табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади:

- олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

- кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;

- мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши учун қуйидагилар зарур:

- илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбиларини ишлаб чиқиш;

- илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш орқали илмий тадқиқотлар натижаларини ўқув-тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмини рўёбга чиқариш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

- юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўёбга чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрў эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш;

- мамлакат илм-фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга ннтеграциясини фаоллаштириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро алмашинув жараёнини кучайтириш;

| 3. Олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларида тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳа муҳандис-техник кадрларининг малакасини ошириш ҳамда тармоқнинг янги истиқболли йўналишларини ривожлантириш | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 3.1 | Малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи профессор-ўқитувчилар ҳамда Уюшма таркибига кирувчи корхоналарда фаолият кўрсатаётган муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш | 2010-2014 йиллар | Олий таълим муассасалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари. «Ўззэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар | Таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчилар ҳамда ассосация тизимидаги муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ишлари йўлга қўйилади |
| 3.2 | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарда келишув асосида тегишли олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари профессор-ўқитувчиларининг қисқа муддатли малакасини оширишни йўлга қўйиш | 2010-2014 йиллар | Олий таълим муассасалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар | Корхоналарда олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари профессор-ўқитувчиларининг қисқа муддатли малака ошириши йўлга қўйилади |
| 3.3 | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар учун кичик мутахассис, бакалавр ва магистрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш | 2010-2014 йиллар III-IV чорак | Олий таълим муассасалари, Малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар | Кичик мутахассис, бакалавр ва магистрларни мақсадли тайёрлаш тизими такомиллаштирилади |
| 3.4 | Касб-ҳунар коллежлари ва Олий таълим муассасаларида Ахборот-ресурс марказларини замонавий ўқув адабиётлари билан бойитиш ҳамда таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш. | 2010-2014 йиллар I-II- чорак | Олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари. | Ахборот-ресурс марказлари замонавий ўқув адабиётлари билан бойитилади ва таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологиялари жорий этилади |

3-илова

**«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг муҳандис-техник кадрлар ҳамда ўрта махсус маълумотли техник мутахассисларга бўлган асосий эҳтиёжларига мос келувчи таълим йўналишлари ва мутахассисликлари рўйхати:**

**1. Касб-ҳунар коллежлари бўйича:**

шамоллатиш тизимлари, совутиш криоген техникалари агрегатлари ва машиналарини монтаж қилиш, созлаш ва ишлатиш;

металл кесувчи дастгоҳлар
пуфлаб шиша пластикларга ишлов бериш.

**2. Олий таълим муассасаларининг бакалавриати бўйича:**
электр энергетикаси (тармоқлар бўйича)
машинасозлик технологияси, жиҳозлари ва машинасозлик ишлаб чиқариши;
электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича);
метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш (тармоқлар бўйича);
электроника ва микроэлектроника;
автоматлаштириш ва бошқарув (тармоқлар бўйича);
информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича);
радиотехника;
кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича);
маҳсулот сифати менежменти (маҳсулот турлари бўйича);
экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича);
иссиқлик энергетикаси;
машинасозлик технологияси, жиҳозлари ва машинасозликда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш;
технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича);
энергия тежамкорлиги (тармоқлар бўйича):
электрокимё;
менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича);

**3. Олий таълим муассасаларининг магистратураси бўйича:**
иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
электр таъминоти (тармоқлар бўйича);
машинасозлик технологияси (тармоқлар бўйича);
электр механикаси (тармоқлар бўйича);
метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (тармоқлар бўйича);
саноат электроникаси;
физик электроника;
электрон техника яримўтказгичлари ва материаллари технологияси;
технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича);
экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича);
бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари;
ахборотни бошқариш ва ишлов бериш;
кимёвий технология жараёнлари ва ускуналари;
электр ва электрон аппаратлар;
қаттиқ жинсли электроника, микроэлектроника;
электр станциялари;
электр энергетикаси тизимлари ва мажмуалари;
рангли ва нодир металлар металлургияси;
композицион ва кукунли материаллар, қопламалар;
пайвандлаш ишлари технологияси ва жиҳозлари.

**2010-2014 йилларда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарда олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжлар тўғрисида маълумот**

| Вилоят, туман (шаҳар) номи | № | Корхона номи | Корхона манзили | Корхона учун зарур бўлган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар | | | | Таълим йўналишлари ва мутахассисликларига мувофиқ йиллар бўйича олий маълумотли кадрларга бўлган жорий ва истиқболли эҳтиёжлар (бўш иш ўринлари) сони | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бакалавриат йўналишлари | | Магистратура мутахассисликлари | | | | | | | | | | | |
| | | | | шифр | номи | шифр | номи | 2010 | | 2011 | | 2012 | | 2013 | | 2014 | |
| | | | | | | | | Б | М | Б | М | Б | М | Б | М | Б | М |
| | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 5 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 6 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | n | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | Уюшма бўйича жами: | | | | | | | | | | | | | | | |

**Изоҳ:** Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг шифри ва номи «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Таснифлагичи» бўйича аниқланади

**Б** - Бакалавриат йўналишига мос лавозимларда бўш иш ўринлари сони

**М** - Магистратура мутахассислигига мос лавозимларда бўш иш ўринлари сони

Таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устуворлиги таъминланади.

**4.2. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш**

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг касб сифатини қўллаб-қувватлаш таъминланади.

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича махсус факультетлар, шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан махсус марказлар ташкил этилади.

**4.3. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш**

Кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади. Таълим олувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Педагог кадрларнинг обрў-эътибори, масъулияти ва касб кўникмасини ошириш юзасидан собитқадам давлат сиёсати олиб борилади. Илгор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув, шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади.

**4.4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар**

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади.

Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар.

**4.5. Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар**

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собитқадам фаолият амалга оширилади. Академик лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва

фаннинг аниқ. йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади.

**4.6. Таълим тизимини бошқариш**

Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-ҳуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия-хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгаяди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакилларини ўз ичига олувчи васийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

**4.7. Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш**

Таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган, касб-ҳунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи давлат хизмати ташкил этилади. Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқбол талабларига монанд давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади ўқув юртлари фаолиятини, профессор-педагог кадрлар сифатини ҳамда таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тадбиқ этилади. Кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоат шакллари ривожлантирилади. Таълим муассасалари битирувчиларини якуний аттестациялаш тизими такомиллаштирилади.

**4.8. Таълим тизимини молиялаш**

Таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизими такомиллаштирилади, унинг кўп вариантли (бюджетдан ажратиладиган ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилади, таълим муассасаларининг ўзини ўзи пул билан таъминлаши ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбатлантирилади.

Республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимига асосланган таълим кредитлари бериш механизми шакллантирилади. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийларнинг мавқеи кучайиб боради.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда уставда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадлари кўпайиши таъминланади.

**4.9. Моддий-техника таъминоти**

Ҳар бир минтақанинг демографик ва жўғрофий хусусиятларидан келиб чиқиб, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари тармоғи барпо этилади. Таълим олувчиларни оиладан ажралмаган ҳолда ўқишга имкон қадар кўпроқ қамраб олинади.

Мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасалари қуриш, уларни норматив талабларга мувофиқ, замонавий техника ва технологияларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш юзасидан ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш қўллаб-қувватланади. Барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади.

**4.10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш**

Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тар-

моқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади. Фан ва таълимнинг нашриёт базаси ривожлантирилади, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилади.

### 4.11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади, таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилади. Асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консультатив ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш тизими ривожлантирилади.

### 4.12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Педагогик фаолиятнинг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини ошириш юзасидан давлат сиёсати рўёбга чиқарилади. Таълим олувчиларнинг ва педагогларнинг ўқиши, соғлиги ва дам олиши учун зарур шароитлар яратилади.

Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш органлари болалар ҳамда ўқувчи ёшларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрадилар. Ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштиришга қаратилган йўналишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шароитлар таъминланади. Таълим олувчиларнинг тиббий-гигиена маданиятини ошириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт бобидаги фаоллигини кучайтириш ҳамда жисмоний камолот даражасини ошириш учун ташкилий-услубий ёндашувлар такомиллаштирилади. Соғлиқ ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун муносиб муҳит яратилади.

### 4.13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

### 4.14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб-қувватланади. Илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб борилади.

### 4.15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгаяди. Таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар халқаро миқёсда эътироф этилиши учун асос яратилади. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналарининг кадрлар тайёрлаш соҳасига чет эл инвестицияларини бевосита ва билвосита кенг жалб

қилиш борасидаги фаолият кучайтирилади.

## 5. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Миллий дастурни амалга ошириш мақсадида:

- Миллий дастурнинг йўналиш ва босқичларини амалга оширишнинг аниқ механизмлари, муддатлари, ижрочилари, молиявий ва ресурслар таъминоти ифодаланган ечим ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади;

- Миллий дастурни бажариш юзасидан давлат ва жамоат институтларининг фаолияти ҳамда вазифалари белгиланади;

- Миллий дастурнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнига малакали чет эл экспертлари жалб этилади;

- Миллий дастурни бажаришда давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилиб, халқаро ташкилотлар қатнашуви ташкил этилади;

- Миллий дастурнинг мониторинги ва бажарилишини экспертиза қилиш асосида унинг айрим қоидалари ва тадбирларига тузатишлар киритилади;

- оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, кадрлар тайёрлаш миллий модели рўёбга чиқарилишини таъминлаш масалалари юзасидан семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали Миллий дастурнинг принципиал ёндашувлари ҳамда асосий қоидаларини кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилади;

- Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш жараёнига жамоат бирлашмалари ва марказлари, республика аҳолиси кенг табақаларининг фаол иштироки таъминланади;

- оммавий ахборот воситаларида Миллий дастурнинг бажарилиши мунтазам ёритиб борилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан Республика комиссияси ташкил этилади, Бу комиссиянинг зиммасига дастурни бажаришга доир барча ишлар ва тадбирларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, шу жумладан қуйидаги вазифалар юкланади:

- узлуксиз таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартларига қўйиладиган умумий талабларни ишлаб чиқиш;

- умумий ўрта таълим учун давлат таълим стандартларини ва бошқа зарур норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун давлат таълим стандартларини, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан иборат таълим тизимини жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

- ўрта умумий таълимга эга бўлган ўқувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизими билан тўла қамраб олиш тадбирларини, бу тизимни ҳудудларнинг демографик, жўғрофик хусусиятлари ва кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, унинг моддий-техника асосини яратиш;

- академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишлайдиган ўқитувчилар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун таълим муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш;

- олий таълим муассасалари тизимини Миллий дастур талабларига биноан ислоҳ қилиш, бу борада тегишли давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

- мактабгача таълим ва тарбия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, болалар тарбиясида ва уларни мактабга тайёрлашда оила, маҳалла ҳамда жамоат ташкилотларининг масъулиятини ошириш;

- таълим муассасаларини зарур дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлаш, бу ишга йирик олимлар, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, таълим ва илм-фан соҳасининг нашриёт базасини ривожлантириш;

- профессор ва педагог кадрларни ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида махсус Республика жамғармаси ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш;

- узлуксиз таълим тизимида чет тилларни фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш, уларни ўргатишнинг жадаллаштирилган услубларини жорий этиш, ўзбекча-чет тиллар

луғатларини, давлат тилидаги махсус адабиётларни нашр этиш;

- узлуксиз таълим соҳаси ўқитувчилари ва педагог кадрларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш, кадрлар тайёрлашнинг малака талабларини аниқлаш ҳамда сифатини баҳолаш ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича таълим тизими бошқарувига боғлиқ бўлмаган ягона давлат хизматини ташкил этиш;

- таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш;

- касб-ҳунар таълими соҳасида кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишни ташкил этиш, таълим хизмати кўрсатиш ва касбий меҳнатнинг рақобатга асосланган бозорини ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда)*

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 26 январда қабул қилинган. Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган 463-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 11-12, 295-модда) 4.4-бандининг иккинчи хатбошисидаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази» деган сўзлар «Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**Ислом КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2007 йил 9 апрель, ЎРҚ-87-сон

## 1.1.3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 29-сон, 332-модда; 2006 й., 40-сон, 396-модда; 2010 й., 23-сон, 183-модда; 2011 й., 4-5-сон, 33-модда)*

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасининг талаб этиладиган даражасини таъминлаш, ўқитишнинг инновация усулларини жорий этиш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда талаба ёшлар ўртасида тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш

масалаларидаги фаолияти устидан назорат бўшаштириб юборилганлигини, бу мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатаётганлигини қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликларига мувофиқ кадрларни сифатли ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарорига кўра ходимларнинг умумий сони 387 нафар бўлган 8 та хўжалик ҳисобидаги Вазирлик тасарруфидаги ташкилот унинг тузилмасидан чиқарилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган, ҳозирги замон бозор шароитларида ишни ташкил этишнинг илғор усуллари ва шаклларини эгаллаб олган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

илғор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республикада олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мўлжалланган вазифалар бажарилишини таъминлаш;

идоравий бўйсунишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, республиканинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқув-педагогик ва илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда давлат таълим стандартлари талаблари ва таълим даражасига ва мазмунига, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатига қўйиладиган бошқа талаблар бажарилишини таъминлаш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликларига мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мавжуд ва истиқболли йўналишлари бўйича корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан таълим хизматларига бўлган талабни ўрганиш ва унинг қондирилишини таъминлаш;

ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шаклларини, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш шаклини, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиёти яратиш концепцияси талабларига мувофиқ дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши, таржима қилиниши ва нашр этилишини ташкил этиш;

педагог кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

барча манбалар, айниқса тўлов-контракт шакли бўйича олий таълим муассасалари даромадлари шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ ;

*(3-банднинг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 октябрдаги 207-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 396-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига айлантирилсин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга талабларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, шунингдек мамлакат лицейлари, коллежлари ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг ўзаро боғлиқлиги ва узлуксизлигини методик таъминлаш;

ўқитишнинг интерактив методларини, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган мультимедий ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

лицейлар, коллежлар, бакалавриат ва магистратура таълим дастурларига кирувчи барча фанлар бўйича янги авлод ўқув адабиётлари тайёрлашни ва улар билан таълим муассасаларини таъминлашни ташкил этиш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг фаолият кўрсатишини илмий-методик таъминлаш, рақобатбардошли кадрлар тайёрлашга йўналтирилган тадқиқот ишларини амалга ошириш;

илғор жаҳон тажрибаси асосида республикада юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма даромадлари хайрия берувчилар маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари, шунингдек олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларининг 5 фоизи миқдоридаги ажратмалари ҳисобига шакллантирилади ҳамда янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратишга, ўқув бинолари ва талабалар яшаш жойларининг моддий ҳолатини яхшилашга, шу жумладан уларни жорий ва мукаммал таъмирлашни амалга оширишга, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга, олий таълим муассасаларида ижтимоий, тарбиявий, психологик ва бошқа ўқув-услубий, илмий лойиҳалар ҳамда тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига кўра ўтказиладиган спорт-соғломлаштириш ва бошқа тадбирларга сарфланади.

*(5-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги 18-сонли қарори таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 4-5-сон, 33-модда)*

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда:

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказининг Низомини ҳамда унинг тузилмасини;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда – Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси даромадларини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**Ислом КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2004 йил 20 июль, 341-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил
20 июлдаги 341-сон қарорига 3-ИЛОВА

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда матнда Вазирлик деб юритилади) республикада олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига раҳбарлик қилувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Вазирлик тизимига Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, идоравий мансуб олий ўқув юртлари киради.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Вазирлик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Вазирлик фаолияти Вазирликка ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

6. Вазирлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## II. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган, ҳозирги замон бозор шароитларида ишни ташкил этишнинг илғор усуллари ва шаклларини эгаллаб олган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

илғор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республикада олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мўлжалланган вазифалар бажарилишини таъминлаш;

идоравий бўйсунишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, республиканинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқув-педагогик ва илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда давлат таълим стандартлари талаблари ҳамда таълим даражаси ва мазмунига, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатига қўйиладиган бошқа талаблар бажарилишини таъминлаш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликларига мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мавжуд ва истиқболли йўналишлари бўйича корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан таълим хизматларига бўлган талабни ўрганиш ва унинг қондирилишини таъминлаш;

ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шаклларини, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиёти яратиш концепцияси талабларига мувофиқ дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши, таржима қилиниши ва нашр этилишини ташкил этиш;

педагог кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

барча манбалар, айниқса тўлов-контракт шакли бўйича олий таълим муассасалари даромадлари шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш.

8. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

олий таълим муассасаларида ва Вазирлик тизимидаги бошқа идоравий мансуб ташкилотларда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бажарилишини таъминлайди;

бакалавриат таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари бўйича давлат таълим стандартларини, олий таълим фанларининг намунавий ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек олий таълим муассасалари фаолиятининг аниқ турларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бакалавриат таълими ва магистратура мутахассисликларининг истиқболли йўналишлари рўйхатини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Олий таълимнинг йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, янги авлод ўқув ва ўқув-методик адабиётлар, электрон кутубхоналар жорий этилишини таъминлайди;

олий таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилиши мониторингини олиб боради;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида миллий мустақиллик ғояларига, халқнинг бой миллий ва маданий-тарихий анъаналари ва умуминсоний қадриятларга асосланган ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ташкил этилишини амалга оширади;

олий таълим муассасасининг намунавий уставини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда олий таълим муассасаларининг ва Вазирлик тизимидаги бошқа идоравий мансуб ташкилотларининг уставларини тасдиқлайди;

Давлат тест маркази билан биргаликда олий таълим сифатини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республиканинг олий таълим муассасаларига абитуриентларни танлаш ва қабул қилишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартлари ва олий ўқув юртидан кейинги таълимга, шунингдек педагог кадрлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари амалга оширилишини таъминлайди;

педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этишнинг самарали шаклларини, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш шаклини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбарлари, педагоглари ва муҳандис-педагог ходимларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

олий таълим муассасасининг ректори, проректори ва факультет декани лавозимига номзодларни танлаш ва кўрсатиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

таълим сифатини оширишга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, педагог кадрларнинг самарали фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва ўқув жараёнига жорий этади;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог кадрларини ишга қабул қилишнинг танлов тизими тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этади ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

олий таълим соҳасида маркетинг тадқиқотларини ташкил этади, республиканинг олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг мавжуд ва истиқболли йўналишлари бўйича қабул кўрсаткичларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Вазирлик тизимининг олий таълим муассасаларини, шунингдек ўқув-тарбия жараёнини моддий-техник жиҳозлашни молиялаштиришнинг давлат нормативларини белгилаш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

олий таълим муассасалари, Вазирлик корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

идоравий мансуб олий таълим муассасалари ва ташкилотларининг таъминотига харажатлар сметасини тасдиқлайди ҳамда белгиланган тартибда уларни молиялаштиришни амалга оширади;

Вазирликнинг идоравий мансуб муассасалари ва ташкилотлари бошқарув ходимлари сонини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ўқитишнинг тўлов-контракт шакли даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлайди ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар тушуми ва сарфланиши устидан назорат қилади;

Вазирликка марказлаштирилган тартибда ажратиладиган маблағларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш учун Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкида жорий, ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамлари очади;

республика илмий-техник дастурлари бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни бажаришда олий мактабнинг илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланилишини таъминлайди;

мутасаддилик қилинадиган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг илмий-техника дастурларини шакллантиради ва амалга оширади;

*(8-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги 18-сонли қарорига мувофиқ йигирма бешинчи хатбоши билан тўлдирилган – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 4-5-сон, 33-модда)*

талабалар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиатларини аниқлайди;

*(8-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги 18-сонли қарорига мувофиқ йигирма олтинчи хатбоши билан тўлдирилган – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 4-5-сон, 33-модда)*

илмий ва илмий-педагог кадрлар аспирантура ва докторантура орқали белгиланган тартибда тайёрланишини ташкил этади;

олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимлари асосида хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатади;

идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, республиканинг олий таълим муассасаларида хорижий мамлакатлар учун мутахассислар тайёрланишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда давлат тилида ва бошқа тилларда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш ва уларнинг нусхаларини кўпайтиришнинг йиллик ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади;

Вазирлик тизими ходимларини Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тақдим этишга материалларни кўриб чиқади ва хулоса беради;

талабалар учун белгиланган тартибда универсиадалар ва бошқа спорт тадбирларини ўтказади, уларнинг ғолибларини халқаро танловлар ва мусобақаларга юборади;

олий мактабни ривожлантириш, фан ва техниканинг долзарб масалалари бўйича белгиланган тартибда республика ва халқаро кенгашлар, конференциялар, симпозиумлар ўтказади;

идоравий мансуб таркибий бўлинмалар,

марказлар, Вазирлик тизимига кирадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларини тайинлайди.

9. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасалар орқали ҳал қилади.

**III. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

10. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун республикада олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тузилмасини такомиллаштириш ва бошқариш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

ҳайъат мажлисларида олий ва ўрта махсус ўқув юртларига эга бўлган республика вазирликлари ва идоралари раҳбар ходимларининг ахбороти (маърузалари)ни кўриб чиқиш;

давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан шартнома асосида тайёрланган мутахассисларнинг ишга жойлаштирилиши мониторингини юритиш учун зарур бўлган таҳлилий материалларни ва бошқа материалларни сўраш ва белгиланган тартибда олиш;

идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;

идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари бўйича эксперт хулосалар бериш;

барча манбалар, айниқса ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича олий таълим муассасалари даромадлари шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш факультетлари ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхатини белгилаш;

республика вазирликлари, идораларидан ва бевосита олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидан Вазирликка юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материалларни ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўйича белгиланган статистика ҳисоботини олиш ва Вазирликнинг таълим муассасаларида ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳолати устидан назорат қилиш;

янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратиш, ўқув бинолари ва талабалар яшаш жойларининг моддий ҳолатини яхшилаш, шу жумладан уларни жорий ва мукаммал таъмирлашни амалга ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий таълим муассасаларида ижтимоий, тарбиявий, психологик ва бошқа ўқув-услубий, илмий лойиҳалар ва тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига кўра ўтказиладиган спорт-соғломлаштириш ва бошқа тадбирларни ўтказиш мақсадида хайрия берувчилар маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари, шунингдек олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларининг 5 фоизи миқдоридаги ажратмалари ҳисобига шакллантириладиган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш;

*(10-банднинг ўнинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги 18-сонли қарори таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 4-5-сон, 33-модда)*

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк муассасаларида ва бошқа кредит муассасаларида валюта ҳисоб рақамларига эга бўлиш;

мутахассисларни шартнома асосида мақсадли тайёрлаш учун идоравий мансуб олий таълим муассасаларида белгиланган тартибда махсус курслар, кафедралар, факультетлар ва лабораториялар очиш;

муаммоли лабораториялар ташкил этиш ва уларни ёпиш ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда – Вазирлик тизимининг олий таълим муассасаларида тармоқ илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этиш ва уларни ёпиш;

*(10-банднинг ўн учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 октябрдаги 207-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 396-модда)*

Вазирликда республиканинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун етакчи олимлар, юқори малакали ўқитувчилар ва мутахассислардан илмий-методик кенгашлар ташкил этиш;

марказий аппаратнинг тасдиқланган тузилмасига Вазирликнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва аппарат ходимларининг чекланган сони доирасида бошқарувнинг технологияси ва техникасини такомиллаштириш зарурияти туфайли келиб чиққан ўзгартиришлар киритиш;

идоравий мансуб муассасаларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари, Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилиш;

белгиланган тартибда Вазирликнинг мукофотлари, кўкрак белгилари ва фахрий ёрлиқларини таъсис этиш ҳамда улар билан илғор ходимларни ва профессор-ўқитувчилар тартибини, шунингдек энг яхши илмий ва экспериментал конструкторлик ишлари учун олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг талабалари ва ўқувчиларини мукофотлаш;

олий таълим муассасаларининг талабаларини белгиланган тартибда бир ўқув муассасасидан бошқасига ўтказиш, талабаликка тиклаш ва талабаликдан чиқариш, якуний давлат аттестациясини қайта топширишга рухсатнома бериш;

олий таълим муассасалари фаолиятини белгиланган тартибда текшириш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Вазирлик ўз ваколатлари доирасида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар бажариши мажбурий бўлган, таълим сифатини оширишга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, педагог ходимларнинг самарали ишини рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлашга ҳақлидир.

12. Вазирлик, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

13. Вазирлик олий таълим соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши, Вазирлик маблағларидан самарали фойдаланилиши, шунингдек ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

## IV. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

14. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Вазир бошчилик қилади.

Вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган тўрт нафар ўринбосарлари, шу жумладан икки нафар биринчи ўринбосарлари бўлади. Биринчи ўринбосарлардан бири Вазирликнинг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори ҳисобланади.

*(14-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 июндаги 108-сонли қарори таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 23-сон, 183-модда)*

15. Вазир:

Вазирлик фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг Вазирлик фаолияти алоҳида участкаларига раҳбарлиги ва тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар ишлари учун жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Вазирлик тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппаратининг штат жадвалини, шунингдек Вазирлик марказий аппаратининг, тасарруфидаги органлар ва муассасаларнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Вазирликнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Вазирлик тизимига кирадиган тасарруфидаги бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг низомлари (уставлари)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

олий таълим муассасасининг ректори лавозимига тайинлаш учун номзодларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади, Вазирлик марказий аппарати ходимларини, олий таълим муассасалари проректорларини, Вазирлик тизимига кирадиган бошқа идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади, уларни аттестациядан ўтказишни ташкил этади (ректорлардан ташқари);

педагог кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида хорижий шериклар билан ҳамкорлик тўғрисида идоралараро битимлар, шартномалар тузади.

Вазир қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Вазирликда Вазир (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек Вазирлик фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Вазирнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

Вазирлик фаолиятининг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган, ҳозирги замон бозор шароитларида ишни ташкил этишнинг илғор усуллари ва шаклларини эгаллаган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, илғор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республикада олий ва ўрта масхус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мўлжалланган мақсад ва вазифалар бажарилишини таъминлаш бўйича ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Вазирлик ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Ҳайъат мажлисига Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколат-

ли бўлади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Вазир пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хабар қилишлари мумкин.

Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

*(16-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 июндаги 108-сонли қарори таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 23-сон, 183-модда)*

17. Вазирликнинг идоравий мансуб олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлари ўз фаолиятини белгиланган тартибда Вазирлик томонидан тасдиқланадиган уставлар ва низомларга мувофиқ амалга оширадилар.

18. Вазирлик фуқароларнинг мурожаатларида ўртага қўйилган масалалар тўғри ва адолатли ҳал этилишига эришиб, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг хатлари, шикоятлари ва аризалари ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этади ҳамда Вазирлик тизимининг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради.

19. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 1.2. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

### 1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим муассасасининг Иамунавий ички тартиб қоидалари ҳамда Уставини тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 1 июндаги 257-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 174-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган таълим муассасаси уставини ишлаб чиқиш тартибига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ идоравий бўйсунишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар республиканинг олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий таълим муассасасининг Намунавий Ички тартиб қоидалари ҳамда Устави 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига: олий таълим муассасаси Ички тартиб қоидаларини ҳамда Уставини ишлаб чиқишда ушбу ҳужжатлардан фойдаланиш тавсия этилсин.

3. Ушбу ҳужжатларда тавсия этилаётган тартиб асосида ишлаб чиқилган олий таълим муассасасининг Ички тартиб қоидалари ҳамда Устави Илмий кенгашда муҳокама қилиб, шунингдек таълим муассасасининг касаба уюшмаси қўмиталари билан келишиб ректор томонидан тасдиқланган (Устав – давлат рўйхатидан ўтказилган) кундан бошлаб кучга кириши ва қўлланиши белгилаб қўйилсин.

4. Вазирликнинг 1998 йил 19 январдаги 15-сонли «Меъёрий ҳужжатни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари У.Ташкенбаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 1 июлдаги 257-сонли буйругига 1- илова

# ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ НАМУНАВИЙ УСТАВИ

______________________________________________

*(олий таълим муассасасининг тўлиқ номи )*

## I. Умумий қоидалар

1.______________________________________________

(олий таълим муассасасининг номи ва кейинги ўринларда унинг қисқача номи. ОТМнинг тўлиқ номи лотин алифбосида ёзилади. ***Масалан: Toshkent arxitektura qurilish instituti (кейинги ўринларда матнда ТАҚИ деб юритилади***)

______________________________________________

(таъсис этилиши тўғрисидаги ҳужжат ким томонидан қабул қилинган, унинг номи, санаси, рақами )

асосида ташкил қилинган ва______________________________ нинг

(вазирлик ёки идоранинг номи)

ташкилий тузилмасига киради.

2.______________________________ давлат олий таълим муассасаси

(олий таълим муассасасининг номи)

ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча (ёки фақат асосий) таълим Дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик ва илмий-методик, шунингдек бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3.______________________________ ўз фаолиятида

(олий таълим муассасасининг номи)

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар таёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қилади.

4.______________________________ юридик шахс

(олий таълим муассасасининг номи)

ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

______________________________ жойлашган

(олий таълим муассасасининг номи)

манзил:______________________________

(олий таълим муассасаси амалда жойлашган юридик манзили ва реквизитлари)

______________________________________________

_________________________________________________________________ нинг ўзбек,

(олий таълим муассасасининг номи)

рус ва инглиз тилларидаги расмий тўлик (қисқа) номи:

_________________________________________________________________

_________________________________________________________________

_________________________________________________________________

## II. Олий таълим муассасасининг асосий вазифалари

5. _________________________________________________________________ нинг

(олий таълим муассасасининг номи)

асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни қондириш;

- ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

- илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

-иқтисодиётнинг мувофиқ соҳаларидаги олий маълумотли мутахассисларни ва илмий - педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятдарини сақлаш ва бойитиш;

- аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини кўтариш.

## III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларининг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

***а) Талабалар:***

6. _________________________________________________________________ ректорининг

(олий таълим муассасасининг номи)

буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс_________________________________
_________________________________________________________________нинг талабаси

(олий таълим муассасасининг номи)

ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси берилади.

_________________________________________________________________ га

(олий таълим муассасасининг номи)

қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

7.________________________________________________________________нинг

(олий таълим муассасасининг номи)

**талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;
- олий таълим муассасаси ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;
- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олишга;
- аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;
- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;
- олий таълим муассасаси ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;
- илмий тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда қатнашишга ва уларнинг натижаларини нашр этишга ва бу ҳақда ахборотлар бериш;
- олий таълим муассасасида қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш.

Талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

8. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талабалар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва Беруний, Ибн Сино, Навоий ва Улуғбек номидаги Давлат стипендиялари, шунингдек, ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

9. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга олий таълим муассасасида ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

11. Олий таълим муассасасининг Талабалар турар жойига муҳтож талабалар олий таълим муассасасининг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойларида талабаларга коммунал-маиший хизматлар учун тўловларни инобатга олиб, олий таълим муассасаси томонидан белгиланади. Турар жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, олий таълим муассасасининг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга ўқишдан бўш вақтларида олий таълим муассасасининг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат этилади.

12. ____________________________________________________дан ўз хоҳиши

(олий таълим муассасасининг номи)

ёки узрли сабабларга кўра четлаштирилган талаба, талабалар ўқишини кўчириш, қайта

тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишга тикланиш ҳуқуқига эга.

Илгари олий таълим муассасасидан маъмуриятнинг ташаббуси билан четлаштирилган шахсларни, барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

________________________________________________ нинг талабалари
(олий таълим муассасасининг номи)

белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишларини кўчириш (ўқишга қайта тикланиш) ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларни

____________________________ га ўқишини кўчириш (ўқишга тиклаш) мумкин эмас.
(олий таълим муассасасининг номи)

Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

13. ________________________________________________талабалари
(олий таълим муассасасининг номи)

олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур ҳамда ________________________________________________ нинг Уставига,
(олий таълим муассасасининг номи)

ички тартиб қоидалари ва талабалар турар жойлари қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

14. Ушбу Устав ва олий таълим муассасасининг Ички тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузгани тақдирда талабага нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари кўрилади: ҳайфсан ҳамда талабалар сафидан четлатиш.

Талаба олий таълим муассасасидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

а) ўз ҳоҳишига биноан;

б) ўқишнинг бошқа таълим муссасасига кўчирилиши муносабати билан;

в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);

г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;

д) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

ж) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

з) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

и) вафот этганлиги сабабли.

Олий таълим муассасаси маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур қоидаларнинг 14-банди «д» кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, таълим муассасасининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

Интизомий жазога тортилган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги

ва адолатлилиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда хатти - ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва хатти - ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик пайтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боглиқ бўлган таътил пайтларда талабалар сафидан четлаштириш мумкин эмас.

Касаллик пайти талаба (ёки унинг ота-онаси) ариза ва тегишли маълумотномалар билан, одатда, бир ҳафтадан кечиктирилмасдан олий таълим муассасасига маълум қилинади.

15.________________________________________да таълимнинг
(олий таълим муассасасининг номи)
ишлаб чиқаришдан ажралган ёки ажралмаган ҳолдаги ўқув шаклларида муваффақиятли ўқиётган талабаларга уларнинг иш жойидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган имтиёзлар (маош сақланган ёки сақланмаган ҳолда қўшимча таътил, олий таълим муассасаси жойлашган манзилга бориш ва келиш учун йўл ҳақи ва бошқалар) берилади.

***б) Тингловчилар:***

16.________________________________________ қошида малака
(олий таълим муассасасининг номи)
ошириш ва қайта тайёрлаш институти (маркази, факультети)да ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Тингловчиларнинг мақоми таълим хизматларини олиш қисми бўйича олий таълим муассасасида мувофиқ ўқув шаклида таълим олаётган талабанинг мақоми билан тенглаштирилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиш шартлари ва ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

***в) Аспирант (адъюнкт)лар, докторантлар, мустақил тадқиқотчилар:***

17.________________________________________нинг
(олий таълим муассасасининг номи)
аспирант (адъюнкт)лари, докторантлари ва мустақил тадқиқотчилари бўлиб, муайян йўналиш бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган ва тегишли илмий даражани олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар ҳисобланади.

Олий маълумотли мутахассис ёки магистр дипломига эга, олий таълим муассасасининг аспирантурасида таҳсил олаётган ва фан номзоди илмий даражасини олиш учун илмий тадқиқот ишини олиб бораётган шахс - аспирант ҳисобланади.

Фан номзоди илмий даражасига эга бўлган ва фан доктори илмий даражасини олиш мақсадида диссертация тайёрлаш учун олий таълим муассасасининг докторантурасига қабул қилинган шахслар - докторант ҳисобланади.

Олий таълим муассасасига (кафедрага) бириктирилган ва фан номзоди ёки доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахс – мустақил тадқиқотчи ҳисобланади.

18. ________________________________________ аспирантура
(олий таълим муассасасининг номи)
(адъюнктура)сига олий маълумотли мутахассис дипломига ёки магистр даражасига эга бўлган, илмий изланиш олиб бориш қобилиятини намоён эта олган шахслар уч йиллик муддатга қабул қилинадилар.

Аспирантурада ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда амалга оширилади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқиш уч йилдан ошмаслиги керак. Магистрлик

дипломини тақдим этишда, бакалаврлик дипломини ҳам кўрсатиш лозим.

______________________________________________ докторантурасига
(олий таълим муассасасининг номи)
докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, фундаментал тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган истеъдодли илмий ва илмий-педагогик ходимлар қабул қилинади.

Докторантурада ўқиш муддати бир йилдан уч йилгача ҳисобланади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш аспирантура ёки докторантурадан ташқари, мустақил тадқиқотчилик шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Фан номзоди илмий даражасини олиш учун мустақил тадқиқотчиликка магистр даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган, номзодлик диссертацияси устида мустақил изланишлар олиб бораётган, фан ва техниканинг тегишли соҳасида етарли билимга ҳамда танлаган ихтисослиги бўйича камида бир йиллик стажга эга бўлган шахслар иштирок этишлари мумкин.

Фан доктори илмий даражасини олиш учун мустақил тадқиқотчиликка докторлик диссертацияси устида мустақил изланишлар олиб бораётган, фан ва техниканинг долзарб муаммолари ҳамда назарий масалалари бўйича илмий тадқиқотлари юзасидан салмоқли натижаларга эришган, шунингдек тегишли фан ва техника соҳасида чуқур билимларга эга бўлган фан номзодлари даъвогарлик қилишлари мумкин.

Аспирантура ва докторантурага қабул қилиш, шунингдек олий таълим муассасасига мустақил тадқиқотчиларни бириктириш ҳамда аспирантлар, докторантлар ва изланувчиларга диссертация устида ишлаётганликлари учун имтиёзлар бериш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш «Аспирантура (докторантура) тўғрисидаги низом»га мувофиқ амалга оширилади.

***г) Олий таълим муассасасининг профессор - ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий - хўжалик ходимлари (персонали)***

19.______________________________________________да профессор-ўқитувчилар
(олий таълим муассасасининг номи)
таркиби, илмий ходимлар, муҳандислик - техника, маъмурий - хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув - ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор - ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ва *ўқитувчи-стажёр* лавозимлари киради (ўқитувчи-стажёр лавозими ЎзР ВМнинг 2008 йил 1 август «Республика олий таълим муассаслари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 164-сон қарорига асосан киритилди).

20. Профессор - ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март Ф-137-сонли фармойишига мувофиқ олий таълим муассасасининг проректори ректор тавсиясига кўра ____________
______________________________________________ раҳбари томонидан
(ОТМ бўйсунадиган вазирлик ёки идоранинг номи)
Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани ______________________ билан келишилган ҳолда
(олий ОТМ бўйсунадиган вазирлик номи)
таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тайинланади.

21. ____________________________________________ нинг профессор-
(олий таълим муассасасининг номи)
ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- белгиланган тартибда олий таълим муассасаси ва факультет Илмий кенгашларига сайлаш ва сайланиш;
- олий таълим муассасасининг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- олий таълим муассасасининг ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;
- ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- олий таълим муассасаси маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;
- ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);
- хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;
- ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;
- назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;
- талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

22. ____________________________________________ нинг
(олий таълим муассасасининг номи)
профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат ва технология интизоми, муассаса Устави, Ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш; ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;
- иш жараёнида мулоқот қиладиган муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш;
- иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув юкламалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаш, ўқув абадиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда;

д) Илмий кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;
- муассасанинг мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;
- иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

- муассаса жамоатчилик ишларида қатнашиш;
- педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;
- замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;
- чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш;
- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;
- «Устоз-шогирд» тизимида иштирок этиб, ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;
- ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнак бўлиш;
- кийиниш маданиятига риоя этиш;
- республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;
- муассаса, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;
- ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;
- дарсларни юқори савияда ўтиш;
- фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;
- ҳар ўқув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календарь режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;
- рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;
- талабалар билимини холисона баҳолаш;
- янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;
- илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;
- талабалар илмий-тадкиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш;

23. Муассаса профессор-ўқитувчи ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Вазирликнинг 2005 йил 13 апрелдаги 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби тўғрисида»ги муваққат Йўриқнома асосида амалга оширилади.

24. ____________________________________________ олий таълим
(олий таълим муассасасининг номи)
муассасасининг профессор-ўқитувчилари таркиби уч йилда камида бир маротаба малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

25. ____________________________________________ нинг
(олий таълим муассасасининг номи)
маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари олий таълим муассасасининг Ички тартиб-қоидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

## IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишлар

26. ____________________________________________ қуйидаги
(олий таълим муассасасининг номи)
йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

***1) Олий таълим (бакалавриат ва магистратура):***

а) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (бакалавриат) ўқув шакли ______________

(йўналишлар номи)

б) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (бакалавриат) ўқув шакли ___________

(йўналишлар номи)

в) магистратура ______________________________________________

(мутахассисликлар номи)

27.______________________________________________________________

(олий таълим муассасасининг номи)

таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалавриат ва магистратура.

Бакалавриат – таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура – йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалавриат негизида, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича тайёрланган муайян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

28. ____________________________________________________ да таълим

(олий таълим муассасасининг номи)

жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, олий таълим муассасаси ректори (ўқув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуб ва воситаларни танлаш йўли билан олий таълим муассасаси талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитларини яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Олий таълим муассасасининг ижтимоий - иқтисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига, раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

29. __________________________________________________________ да

(олий таълим муассасасининг номи)

ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, якка машғулот (амалий ижрочилик билан боғлиқ бўлган санъат йўналишларида), назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 45 (ёки 40 минутлик танаффуссиз қўшма маъруза) дақиқалик академик соат белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар:
ўзбек ҳамда ________________________________________ ҳисобланади.
(тилларнинг номи)

30.________________________________________да
(олий таълим муассасасининг номи)

кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва «Узстандарт» агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

31.________________________________________да
(олий таълим муассасасининг номи)

ўқув йили икки (ёки уч) семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назорати шаклида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруги билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги низомга мувофиқ тартибга солинади, «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида»ги низомга асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

32. ________________________________________ да
(олий таълим муассасасининт номи)

илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

***2) Олий ўқув юртидан кейинги таълим:***

а) аспирантура ________________________________________
(ихтисосликлар номлари)

б) докторантура ________________________________________
(ихтисосликлар номлари)

33.________________________________________да
(олий таълим муассасасининг номи)

олий ўқув юртидан кейинги таълим доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан тасдиқланган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассисликлари рўйхати»га мувофиқ тегишли вазирлик (идора) рухсати асосида аспирантура ва докторантура орқали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, шунингдек фан номзоди ёки доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун олий таълим муассасасига изланувчиларни бириктириш ишлари амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга оид муносабатлар ўрнатилган тартибда тасдиқланган ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган «Аспирантура (докторантура) тўғрисидаги низом» билан тартибга солинади.

________________________________________ да
(олий таълим муассасасининг номи)

(ихтисосликларнинг номлари) ихтисосликлар бўйича фан номзоди ҳамда (ихтисосликларнинг номлари) ихтисосликлар бўйича фан доктори илмий даражасини бериш юзасидан ихтисослашган кенгаш(лар) фаолият кўрсатади.

34. ________________________________________________ Ўзбекистон Республикаси
(олий таълим муассасасининт номи)
Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 феврал 25-сонли «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетида ходимлар учун қўшимча касбий таълим дастурлари амалга оширилади.

____________________________________________________________
(ишлаб чиқариш мутахассисликлар бўйича)

______________________________________________________ мутахассисликлари
(мутахассисликларнинг номлари)
бўйича ______ ой (йил) гача қисқа муддатли пуллик касбий курслар ташкил этилган.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (марказ, факультети)да ўқиш натижаларига кўра ўрнатилган тартибда тасдиқланган давлат намунасидаги сертификат (диплом) берилади.

35. ____________________________________________________________ илмий
(олий таълим муассасасининг номи)
кенгашнинг тематик режалар бўйича, бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар, аспирантлар ва докторантларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

Илмий тадқиқотлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

- фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;
- шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари.

## V. Олий таълим муассасасининг таркиби

36.____________________________________________________________нинг
(олий таълим муассасасининг номи)
таркибига қуйидагилар киради:

а)____________________________________________________________
(факультетларнинг номи)

б)____________________________________________________________
(кафедраларнинг номи)

в)____________________________________________________________
(илмий лабораторияларнинг номи)

г)____________________________________________________________
(бошқа бўлинмаларнинг номи)

д)____________________________________________________________

Олий таълим муассасаси қошида академик лицей фаолият кўрсатади (қисқача маълумот берилади).

__________________________________________ қошида академик лицей
(олий таълим муассасасининг номи)
очилган (уларнинг қисқача тавсифи).

## VI. Олий таълим муассасасини бошқариш

37. ____________________________________________________________ни
(олий таълим муассасасининг номи)
бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ якка

раҳбарлик ва олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши, Васийлар кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

38. ________________________________________________________________ ни
(олий таълим муассасасининг номи)
бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 1992 йил 9 март 137-ф фармойишида белгиланган тартиб асосида тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор олий таълим муассасаси фаолиятига, шунингдек, олий таълим муассасасининг Ички тартиб қоидалари, Олий таълим тўғрисидаги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олий таълим муассасаси номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, олий таълим муассасасининг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида олий таълим муассасасининг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Ректор олий таълим муассасасининг ваколати доирасида:

- олий таълим муассасасининг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;
- бўйсунувчи вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтерни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;
- олий таълим муассасаси проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;
- олий таълим муассасаси ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек илмий-педагогик ходимларини Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;
- олий таълим муассасаси таркибига кирган илмий тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;
- олий таълим муассасаси ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва қўшимчаларни белгилайди;
- касаба уюшма қўмитаси ёки олий таълим муассасасининг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда Ички тартиб қоидаларини тасдиқлайди;
- олий таълим муассасасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилади;
- олий таълим муассасасида Намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган олий таълим муассасаси ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида олий таълим муассасаси профессор - ўқитувчилари таркиби ва олий таълим муассасаси ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;
- олий таълим муассасаси Илмий кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиқлайди.

«Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги низом» талабларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаси Илмий кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тугатилади.

Олий таълим муассасаси ректорига ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий -методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

39. «Олий таълим тўғрисидаги Низом»га мувофиқ ______________________
(олий таълим муассасасининг номи)
да олий таълим муассасаси фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Илмий кенгаш ташкил этилади.

Илмий кенгаш таркибига ректор киради ва Илмий кенгаш раиси ҳисобланади, проректорлар, факультетлар деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва олий таълим муассасаси ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вакиллари киради. Илмий кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Илмий кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Илмий кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган «Олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши тўғрисидаги Низом» билан белгиланади.

40.______________________________________ да
(олий таълим муассасасининг номи)
Васийлар кенгаши олий таълим муассасасини бошқарувчи жамоатчилик органи ташкил этилади ва унинг таркибига муассис вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар, бошқа таълим муассассаларининг вакиллари киради.

Васийлар кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти «Васийлар кенгаши тўғрисидаги Низом» билан белгиланади.

41. ______________________________ да касаба уюшмалари ва
(олий таълим муассасасининг номи)
бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни таълим ва фан касаба уюшмалари ҳамда уларнинг олий таълим муассасасида сайланган органлари амалга оширади. Талабалар ва ходимларни ваколат органларининг ҳуқуқлари ва уларга нисбатан олий таълим муассасаси маъмуриятининг мажбуриятлари қуйидагилардир:

______________________________________________
(ҳуқуқ ва мажбуриятлари саналади)

Амалдаги низомларга мувофиқ ______________________________ да
(олий таълим муассасасининг номи)
илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин.

Ректорат ва Илмий кенгаш ўз фаолиятида олий таълим муассасаси жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олади.

42.______________________________________ нинг
(олий таълим муассасасининг номи)
факультетини ______________________ вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда
(ваколатли орган)
ректор томонидан тайинланадиган декан бошқаради.

Факультет декани ўз фаолиятида «Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида»ги Низомга амал қилади.

«Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида»ги Низомга мувофиқ факультетда Илмий кенгаш ташкил этилиши мумкин.

Илмий кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фоалиятининг тартиби «Олий таълим муассасаси факультетининг Илмий кенгаши тўғрисида»ги низом билан белгиланади.

Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши

томонидан сайланадиган мудир раҳбарлик қилади.

Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби «Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги низом» билан белгиланади.

## VII. Молия - хўжалик фаолияти ва моддий-техник база

43.______________________________________________________________ га ушбу

(олий таълим муассасасининг номи)

Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкий мажмуалар, олий таълим муассасасининг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

______________________________________________________________________

(олий таълим муассасасининг номи)

фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган.

______________________________________________________ га ажратилган

(олий таълим муассасасининг номи)

ер участкалари олий таълим муассасасига муддатсиз текин фойдаланиш учун бириктирилган.

44._______________________________________________ жисмоний ва юридик

(олий таълим муассасасининг номи)

шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкий объектларга, олий таълим муассасаси фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинадиган мулкий объектларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган.

45.________________________________________________________ мол-мулкни

(олий таълим муассасасининг номи)

ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ олий таълим муассасаси ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни Илмий кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш ҳуқуқисиз, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблаглар таълим жараёнини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

46.________________________________________________________________ нинг

(олий таълим муассасасининг номи)

таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

47.________________________________________________________ олий таълим

(олий таълим муассасасининг номи)

муассасасининг асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. Олий таълим муассасаси шугулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Олий таълим муассасаси ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Олий таълим муассасасининг пуллик таълим хизматлари кўрсатишни бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

Олий таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

48.____________________________________________________ да

(олий таълим муассасасининг номи)

лавозим маошлари меҳнат шарномаси (битими) тузилаётганда «Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида»ги Низом ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади. Олий таълим муассасаси ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча маош, устама ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини олий таълим муассасаси мустақил, иш ҳақи фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

Белгиланган маошлар аттестация натижасига кўра фақат уни ошириш мақсадида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

49.________________________________________________ олий таълим

(олий таълим муассасасининг номи)

муассасасида ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни ажратади ва уларни тозалашни ташкил этади.

Олий таълим муассасаси қошидаги тиббий - санитар муассасасига, шунингдек, унинг ҳудудида жойлашган ёки олий таълим муассасасининг балансида бўлган ҳамда талаба, тингловчи ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таьминланган хоналар ажратилади.

Олий таълим муассасасининг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## VIII. Халқаро ҳамкорлик

50. ________________________________________________ Ўзбекистон

(олий таълим муассасасининг номи)

51.________________________________________________________

(олий таълим муассасасининг номи)

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддасига мувофик таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий - педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий - тадқиқотчилик ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар,

шунингдек ______________________________________________________ нинг
(олий таълим муассасасининг номи)
қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

52. ______________________________________________________ қуйидаги
(олий таълим муассасасининг номи)
ҳуқуқларга эга:

- халқаро нодавлат ташкилотларга кириш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;
- хорижий шериклар иштирокида олий таълим муассасасининг таркибий бўлинмалари (марказлар, лабораториялар, техник саройлар ва бошқа бўлинмалар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш.

53. ______________________________________________________ Ўзбекистон
(олий таълим муассасасининг номи)
Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу Уставда назарда тутилган ва «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

54. ______________________________________________________ нинг
(олий таълим муассасасининг номи)
ташқи иқтисодий фаолиятидан тушган валюта, моддий тушумлари қонунчиликка биноан унинг уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

## IX. Якуний қоидалар

55. ______________________________________________________ Ўзбекистон
(олий таълим муассасасининг номи)
Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қуйидагиларга жавоб беради:

- унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;
- таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;
- таълим жараёни вақтида олий таълим муассасасида таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиги;
- таълим олувчилар ва олий таълим муассасаси ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳатти-ҳаракатлар.

56. ______________________________________________________ Ўзбекистон
(олий таълим муассасасининг номи)
Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

57. Олий таълим муассасасининг Устави ушбу намунавий Уставда белгиланган тавсияларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши мумкин.

Олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилган Устав тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади ва кучга киритилади.

Олий таълим муассасасининг Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

58. Мазкур Уставни ишлаб чиқиш жараёнида тасарруфида олий таълим муассасала-

ри мавжуд бўлган Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Давлат солиқ қўмитаси, Бадиий академия, Навоий кон-металлургия комбинати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлигидан тушган таклифлари ва фикр-мулоҳазалари инобатга олинган.

2- илова

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ НАМУНАВИЙ ИЧКИ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ

### I. Умумий қоидалар

1.1.Олий таълим муассасасининг Намунавий ички тартиб қоидалари «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар таёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг олий таълим тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июнь 746-тартиб рақами билан рўйхатга олинган «Корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидалари»га мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Олий таълим муассасасининг (кейинги ўринларда матнда – муассаса деб юритилади) Намунавий Ички тартиб қоидалари:

а) ходимларга нисбатан: меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни, иш вақти ва дам олиш вақтидан фойдаланишни;

б) талабалар, аспирантлар, тингловчиларга (кейинги ўринларда матнда – таълим олувчилар деб юритилади) нисбатан ўқиш жараёнини ташкил этишни, уларни ўқишга қабул қилишни, бошқа таълим йўналишига ўқишини кўчиришни, қайта тиклашни ва ўқишдан четлаштиришни, ҳомиладорлик ва туғиш таътилларидан, бола парваришлаш таътилларидан фойдаланишни, меҳнат ва ўқув интизомини, иш берувчи билан ходим ҳамда таълим олувчилар ўртасида юзага келадиган бошқа ҳуқуқий муносабатлар масалаларини тартибга соладиган асосий норматив ҳужжат ҳисобланади.

1.3. Қоидалар муассасанинг ходимлари ва талабалари касаба уюшма қўмитаси билан келишиб, ректор томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради ва муассасада қўлланилади.

1.4. Қоидаларга риоя қилиш иш берувчи, ходим ҳамда таълим олувчилар учун мажбурий ҳисобланади, уни бажармаслик қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**2. Иш берувчи (ректор)нинг мажбуриятлари:**

2.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент қарорлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги қарорларини амалга оширишни ташкил этиш;

2.2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тадбирларини босқичма-босқич амалга оширишда Давлат таълим стандартлари бажарилишини таъминлаш;

2.3. Ходимларнинг меҳнатини, таълим олувчиларнинг ўқишини ташкил этиш, ўқиш сифатини ошириш ҳамда меҳнат унумдорлигини юксалтириш, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида, тўлов-контракт асосида мутахассис тайёрлаш бўйича контрактда кўзда тутилган шарт-шароитларни яратиш;

2.4. Ходимга у бажарган иш учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш ҳамда таълим олувчилар стипендияларини белгиланган муддатда берилишини таъминлаш;

2.5. Меҳнат, ижро ва ўқув интизомини, меҳнатни муҳофаза қилиш шарт-шароитини таъминлаш;

2.6. Қонунчиликда кўзда тутилган тартибга мувофиқ хўжалик ва молия-иқтисодиёт фаолиятини бошқариш, таълим муассасасининг барча моддий-техник базаси ва мол-мулкини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда молия-хўжалик фаолият натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар бўйича тўлиқ жавоб бериш;

2.7. Қонунчиликда ва университет Уставида белгиланган ваколат доирасида молия-хўжалик фаолият билан боғлиқ масалаларни ҳал этади, фаолиятнинг баъзи йўналишлари бўйича масъул ўринбосарлари ва бўлинмалар бошлиқларини масъул деб белгилаш ҳамда улар томонидан юклатилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш;

2.8. Қонунчиликка, жамоа ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимлар томонидан дам олиш ҳуқуқини амалга оширишни, уларга кафолатли ва бадал тўловлари тўланишни таъминлаш;

2.9. Меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унга етказилган зарар учун ходимга ҳақ тўлаш;

2.10. Ходимлар ҳамда таълим олувчиларининг ваколатли органлари ҳуқуқларига риоя қилиш, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш, меҳнат, ўқиш ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича музокаралар олиб бориш;

2.8. Меҳнат Кодексига мувофиқ жамоа шартномаларини тузиш;

2.9. Ўқув тарбиявий ишларни ташкил қилиш, меҳнат ва ўқув маданияти ва интизоми, таълим сифатини кўтарилишига эришиш, ходимларнинг касб маҳоратини юксалтириш;

2.10. Ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

2.11. Профессор-ўқитувчиларнинг «Истеъдод» жамғармаси, Давлат грантлари ва талабаларни Давлат ва номдор стипендиялари, жамоат ташкилотлари кўрик танловларида қатнашишини ташкил қилиш;

2.12. Муассаса Илмий, Васийлик ҳамда ихтисослашган кенгашларга раҳбарлик қилиш;

2.13. Факультетлар ва кафедраларни, бошқа таркибий бўлим ва бўлинмаларини бошқариш;

2.14. Қонунчиликда кўзда тутилган тартибга мувофиқ ногирон ходимнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишини таъминлаш, ногирон билан меҳнат шартномаси тузишдан ёки хизмат юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришдан бош тортишга, маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга, ногиронлиги учун уни ўз розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўймаслик (Тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра ногироннинг саломатлиги бу касб вазифаларини бажаришга монелик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа кишиларнинг саломатлиги ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно);

2.15. Меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблаглар билан ўз вақтида таъминлаб бориш, муассасанинг молиявий аҳволи ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиш;

2.16. Барча ходимлар меҳнат таътилини белгиланган тартибда расмийлаштириш;

2.17. Муассаса ходимлари ва талабалари Касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида кўриб чиқиш;

2.18. Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини Ўзбекистон Республикасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунда белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталаш;

2.19. Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини белгиланган тартибда ва муддатда холисона кўриб чиқишни таъминлаш;

2.20. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, шунингдек муассаса бўйсунадиган вазирлик ва идоралар лавозимлари номенклатурасига қарашли бўлган проректор, декан лавозимларига номзодларни ўрнатилган тартибда мутасадди вазирлиги ва идорасига

киритиш ҳамда уларнинг қарорлари билан тайинланган (деканлар учун - келишилган) номзодлар билан меҳнат шартномасини тузиш;

2.21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ муассаса ходимлари томонидан ижро интизомига риоя этиш ҳамда ходимлар томонидан ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

**3. Ходимлар ва таълим олувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

**3.1. Ўқув ишлари бўйича проректор:**

3.1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

3.1.2. Давлат таълим стандартлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, давлат таълим стандартларига мувофиқ билимлар мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини барча деканлар, кафедра мудирлари ва педагог кадрлар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишини ташкил этиш;

3.1.3. Ўқув жараёнларига оид масалалар бўйича муассасанинг Илмий кенгаши қарорлари ва ректор буйруқларининг бажарилишини ташкил қилиш;

3.1.4. Илғор мамлакатлар таълим тизимининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги услуб ва воситаларини ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш;

3.1.5. Ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илгор шаклларини, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

3.1.6. Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиётларини яратиш концепцияси талабларига мувофиқ дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши, таржима қилинишини, дарслик, ўқув-услубий мажмуалар таъминоти бўйича нашриёт ишларини ташкил этиш;

3.1.7. Педагог кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

3.1.8. Барча таълим йўналишларини ўқув режа ва дастурлари билан таъминлаш;

3.1.9. Услубий кенгашга раҳбарлик қилиш, ўқув жараёнини таъминлайдиган бўлимлар, деканатлар ишларини мувофиқлаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш;

3.1.10. Ўқув услубий бўлимлар, факультет ва кафедралар иш режаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишига раҳбарлик қилиш;

3.1.11. Талабаларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш;

3.1.12. Ўтилаётган дарсларнинг сифатини ошириш, профессор-ўқитувчилар томонидан шахсий иш режалари мазмуни бўйича жавоб бериш ҳамда бажарилиши устидан назорат олиб бориш ва бажарилишини таъминлаш;

3.1.13. Ўқув режаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

3.1.14. Ўқув ва услубий конференцияларни ташкил этиш, муассасанинг услубий комиссияси кенгаш ишларига раҳбарлик қилиш, илгор услубий тажрибаларни умумлаштириш;

3.1.15. Илмий ишлар бўйича проректор билан биргаликда талабаларни Республика ва халқаро миқёсдаги олимпиада танловларига мақсадли тайёрлаш, олимпиада натижаларини таҳлил қилиш, талабаларни Президент ва давлат стипендияларига тайёрлаш ишларини узлуксиз шаклда ташкил этиш ва бошқариш;

3.1.16. Талабалар билимини баҳолашнинг замонавий рейтинг тизимларини татбиқ этиш, талабаларни билимларини объектив баҳолашни ташкил этиш;

3.1.17. Фанларни ўзлаштира олмаётган талабаларни олий таълим муассасасидан четлаштириш, ўқишдан четлаштирилганларни ўрнатилган тартибда қайта тиклаш, талабаларни курсдан курсга ўтказиш, стипендия тайинлаш ишларини ташкил этиш ҳамда назоратини олиб бориш;

3.1.18. Ўқув машғулотлари жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва бажарилишини назорат этиш, кафедралар ўқув юкламалари ва йиллик ҳисоботларини таҳлил қилиш ва ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

3.1.19. Талабаларни мустақил таълим олишлари учун замонавий усул ва воситаларини татбиқ этишни ташкил қилиш;

3.1.20. Профессор-ўқитувчилар ва ўқув ишига ёрдамлашувчи ходимлар штатлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, кафедралар, бўлимларни малакали кадрлар билан таъминлаш ишларини ташкил этиш, кафедра мудири ва факультет декани лавозимларига истиқболли ёшларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш;

3.1.21. Педагог кадрлар вакант лавозимларига танлов асосида ишга қабул қилишни ташкил этиш, аспирант ва магистрларни ишга олиб қолиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

3.1.22. Ўқув хоналаридан унумли фойдаланиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

3.1.23. Биринчи курсга талабаликка қабул қилиш ишларини ташкил қилиш, деканларнинг талабаларни ўқишдан четлаштириш, академик таътил бериш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиш;

3.1.24. Муассаса Илмий кенгаши режаси асосида ўқув жараёнига тегишли масалаларни белгиланган муддатда сифатли тайёрлашни ташкил қилиш;

3.1.25. Талабалар амалиётларини ташкил этиш ва ўқув ишларни ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграциясини ташкил этиш;

3.1.26. Ўқув-услубий ҳисоботларни белгиланган шаклларда ректоратга тақдим этишни таъминлаш;

3.1.27. Ўқув жараёнларини самарали ва сифатли ташкил этиш, бўйича кафедралар фаолиятини назорат этиш;

3.1.28. Меҳнат ва ўқув интизомини бузган педагогларга нисбатан чора кўриш, ва улар билан шартномани бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

3.1.29. Кафедралар ва факультетларнинг йиллик фаолияти ҳисоботларини ўтказиш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш, профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий фаолиятини замонавий усулларда баҳолашни амалга ошириш;

3.1.31. Олий таълим муассасалари билан ўқув-услубий йўналишда доимий ҳамкорликни амалга ошириш, конференция, семинарларда профессор-ўқитувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаб бўлган маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда ишлаш;

3.1.32. Олий таълим муассасасини ўрнатилган тартибда доимий ички аттестациядан ўтказиш, ташқи аттестацияга тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этиш;

3.1.33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, меҳнат ва ўқув интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

**3.2. Маънавий-ахлоқий ва тарбия ишлари бўйича проректор:**

3.2.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

3.2.2. Юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

3.2.3. Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларни муассасанинг маънавий-маърифий ишларида фаол қатнашишларини таъминлаш;

3.2.4. Талабалар онгига миллий ғояни сингдириш, маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб боришнинг амалий, таъсирчан механизмларини шакллантириш, маънавий-маърифий жараённи бошқариш ва изчил такомиллаштириб бориш;

3.2.5. Маънавий-маърифий ишларнинг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг қатъий амалга оширилишини назорат қилиш тизимини вужудга келтириш;

3.2.6. Маънавий-маърифий ишлар тизими учун зарур меъёрий ҳамда услубий ҳужжатларни, амалий тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш;

3.2.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини талабаларга, профессор-ўқитувчиларга ўз вақтида тушунтириш ишларини ташкил қилиш. Бунинг учун доимий ҳуқуқий саводхонликни ошириш махсус курслар ташкил этиш, турли мавзулардаги маънавий-маърифий учрашувлар, баҳс-мунозаралар, мулоқотлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечаларини уюштириш;

3.2.8. Вазирликнинг маънавий-маърифий масалалар бўйича қабул қилган ҳужжатларини олий таълим муассасаси жамоасига ўз вақтида етказиш ва улардаги тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

3.2.9. Таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида жамиятни эркинлаштириш талабларига мос ижтимоий муҳитни шакллантириш учун керакли шароитларни яратиш;

3.2.10. Талабаларда маънавий боқимандалик кайфиятини йўқотиш ва уларда ўз тафаккурини доимий ривожлантириш эҳтиёжини шакллантириш;

3.2.11. Ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ишлаш;

3.2.12. Мамлакат ва халқаро ҳаётга оид ахборотларни кенг жамоатчиликка, педагоглар ва талабаларга етказиш тизимини ташкил этиш;

3.2.13. Маънавий-маърифий масалаларга оид илмий, услубий ва амалий адабиётлар, қўлланмалар тайёрлаш ҳамда уларни чоп эттириш ишларини йўлга қўйиш;

3.2.14. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраларининг услубий ва информацион (адабиёт, қўлланма ва ҳ.к.) таъминлаш, профессор-ўқитувчилар салоҳияти ва малакаси масалаларини ўрганиш, таҳлил қилиш, тегишли таклифлар тайёрлаш;

3.2.15. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлардан якуний давлат аттестацияси комиссиялари таркибини шакллантириш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

3.2.16.Талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил қилиш бўйича маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш, ижодий-бадиий, спорт-соғломлаштирш тўгаракларини ташкил этиш;

3.2.17. Муассаса спорт клублари фаолиятини такомиллаштириш, талабаларни спорт турлари бўйича тайёрлаш, «Универсиада» спорт мусобақаларида фаол қатнашишини таъминлаш;

3.2.18. Таълим муассасасида талабалар турар жойларининг шароитларини унда истиқомат қилаётган талабалар талабларига хар томонлама жавоб беришини мунтазам назорат остига олиш;

3.2.19. Талаба-ўқувчилар орасида бадиий адабиётни, хусусан Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган юксак савияли бадиий асарларни ўқиш ва ўрганиш ишларига алоҳида эътибор бериш. Бу мақсадда бадиий асарларнинг энг яхши талқини, таҳлили ва тақризи учун махсус кўрик-танловлар, китобхонлар конференциялари, муаллиф ва адиблар билан учрашувлар уюштириш, голибларни рагбатлантириш. Таълим муассасаси ахборот ресурс марказини турли бадиий, публицистик асарлар, илмий-оммабоп нашрлар билан бойитиб бориш;

3.2.20. Таълим муассасаси спорт-соғломлаштириш, маиший хизмат, овқатланиш, дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш тизимларининг узлуксиз ва сифатли ишлашини таъминлаш масалаларини назорат қилиш;

3.2.21. Кам таъминланган, кўп болали оилалардан чиққан талабаларнинг моддий аҳволи ҳақидаги маълумотларни олиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича мунтазам иш олиб бориш;

3.2.22. Талабаларнинг ота-оналари, маҳаллий ҳокимиятлар, хайрия жамғармалари, маҳаллалар билан факультетлар ва таълим муассасасининг ҳамкорликда олиб борадиган ишларини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш;

3.2.23. Кўп нусхали ва деворий газеталарнинг мунтазам чиқишини таъминлаш, уларда таълим муассасасида маънавий-маърифий масалалар бўйича амалга оширилаётган ишларни доимий ёритиб бориш;

3.2.24. Конкурслар, фестиваллар, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари кўрикларини ва олимпиадаларни мунтазам ўтказишни ташкил этиш;

3.2.25. Республика, вилоят ва шаҳар миқёсида бўладиган турли жамоат ишларида, тадбирларда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

3.2.26. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар йўналишлари ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритиш;

3.2.27. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар муносабатида одоб-ахлоқ меъёрлари ва юқори муомила маданиятини таркиб топтириш;

3.2.28. Университет ходимлари, талабаларини чет элга юбориш, шунингдек университетда элчихоналар, чет эл ташкилотлар ҳамда чет мамлакатлар вакиллари иштироки билан тадбирларни (семинар, учрашув, суҳбат ва ҳ.к.) ўрнатилган тартибда ўтказилишини таъминлаш;

3.2.29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, меҳнат ва ўқув интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

**3.3. Илмий ишлар бўйича проректор:**

3.3.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

3.3.2. Муассасанинг муаммоли илмий лаборатория, кафедра ва бошқа илмий бўлинмаларининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва назоратини олиб бориш ҳамда илмий лойиҳалар ва грантларни жалб этиш, тадқиқот ишларининг натижавий самарадорлиги юзасидан мунтазам мониторинг олиб бориш, ишлаб чиқариш корхоналари билан инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларини ҳал қилиш, илмий-технологик ишланмаларни турли ярмарка ва кўргазмаларда тақдимот этилишини таъминлаш;

3.3.3. Илмий ишлар материалларини, шу жумладан, журналлар ва илмий ишлар тўпламларини муассаса ходимлари томонидан тайёрлаш ва нашр этиш жараёни ҳамда муассасанинг барча таълим ва илмий фаолияти йўналишлари бўйича ўқув-услубий ва илмий даврий нашрлар билан кутубхона фондини тўлдириб бориш бўйича умумий раҳбарликни олиб бориш;

3.3.4. Илмий, илмий-амалий анжуманларни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказишни мувофиқлаштириш ҳамда бошқа ташкилот ва корхоналарда ўтказиладиган илмий анжуманларда муассаса профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг қатнашишини таъминлаш, муассасада илмий мактабларни шаклланишига кўмаклашиш, ҳар қандай самарали илмий фаолиятни рағбатлантириш ишларини олиб бориш;

3.3.5. Муассасада магистратура, аспирантура ва докторантурани ривожлантириш орқали юқори малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрланишини таъминлаш ҳамда

муассаса ходимларининг ўз вақтида илмий унвонларни олишига ва ихтисослашган кенгашларни очилишига кўмаклашиш;

3.3.6. Иқтидорли ёшларни қидириш, саралаш ва улар билан ишлаш жараёнларини бошқариш ва уларга кўмаклашиш;

3.3.7. Халқаро бўлим билан ҳамкорликда чет эл грантларининг илмий тадқиқот қисми мавзусини ва мазмунини шакллантиришда ҳамда тасдиқлашда қатнашиш, барча илмий тадқиқот ишлари, лойиҳалари ва грантларни бажариш, илмий анжуманларни ўтказиш мониторингини олиб бориш, юқори ташкилотлар учун барча зарур ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш;

3.3.8. Аспирантлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, талабалар орасидан Навоий, Беруний, Улугбек, Зульфия ва бошқа номдор нуфузли стипендия совриндорларини тайёрлаш жараёнини бошқариш;

3.3.9. Муассасада илмий фаолиятни ривожлантириш учун зарур моддий техника базасини яратиш, тегишли илмий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва тақсимлаш жараёнларини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

3.3.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, меҳнат ва ўқув интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

**3.4. Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор:**

3.4.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

3.4.2. Таълим муассасаси молия-иқтисодиёт ишларини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

3.4.3. Режа-молия бўлими, бизнес мактаблари, бухгалтерия, хўжалик, шунингдек ректор буйруги асосида бириктирилган бошқа бўлимлар ишини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

3.4.4. Қурилиш таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш;

3.4.5. Олий таълим муассасасининг мавжуд моддий-техник базаси имконияти доирасида қўшимча пулли хизматларни (ноширлик, маиший хизматлар, пулли ўқитиш курслари, ижара, ҳомийлик, дивидент ва ҳ.к.) йўлга қўйиш орқали бюджетдан ташқари маблагларни жалб қилишни кенгайтириш ва шу орқали профессор-ўқитувчилар ва ишчи хизматчиларни моддий рагбатлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

3.4.6. Талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган бюджетдан ташқари маблағлар ва бошқа махсус бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш;

3.4.7. Давлат бюджети, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган ва тадбиркорлик асосида топилган маблағларнинг даромадлар ва харажатлар сметаларини ишлаб чиқиш, Молия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш;

3.4.8. Олий таълим муассасаси харажатлар сметаларининг бажарилиши, молиявий хўжалик фаолияти, валюта операцияларини ҳисобини олиб борилишини назорат қилиш;

3.4.9. Олий таълим муассасасининг ўқув лаборатория бинолари, талабалар турар жойлари ҳамда бошқа ёрдамчи бино ва иншоотларни куз-қиш мавсуми ва янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

3.4.10. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида олий таълим муассасасини моддий техника базаси ҳолатини ўрганиб, уни ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва бажарилишини назорат қилиш;

3.4.11. Таълим муассасасига инвестициялар жалб қилиш бўйича фаолиятни таш-

кил этиш, мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари лойиҳа – смета ҳужжатларини кўриб чиқиб, шартномалар тузиш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва сифатини назорат қилиш;

3.4.12. Штат, бюджет ва ҳисоб интизомига тўғри риоя қилинишини ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини назоратини ташкил қилиш;

3.4.13. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан, шунингдек коммунал хизмат турларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

3.4.14.Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шароитларини яхшилаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда амалга ошириш;

3.4.15. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ойлик маошлари ва талабалар стипендияларини ўз вақтида тўланишини таъминлаш;

3.4.16. Пулли контракт асосида ўқиётган талабалардан ўқиш учун тўловларни амалга ошириш устидан назорат қилиш;

3.4.17. Қурилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш, қора ва рангли металл чиқиндиларини топшириш режасининг бажарилишини таъминлаш;

3.4.18. Мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини кўриб чиқиб, шартномалар тузиш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва сифатини назорат қилиш;

3.4.19. Талаба ва ходимларни фавқулоддаги ҳолатларда ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар режасини тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

3.4.20. Университет биноларини барқарорлигини таъминлаш, ёнғинга қарши кураш жиҳозлари билан таъминлаш, уларнинг санитар-гигиеник ҳолатларини талаб даражасида тутишни таъминлаш;

3.4.21. Талабалар ошхоналари, буфетлари, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, тиббий пунктлар ишларини режасини тузиш ва уларнинг ишлашини таъминлаш, талабалар турар жойи эҳтиёжларини доимий таъминлаб бориш;

3.4.22. Университетда маданий-ҳордиқ чиқариш тадбирларни ташкил этиш;

3.4.23. Ўқитишни замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган махсус ўқув аудиторияларда ташкил қилиш;

3.4.24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, меҳнат ва ўқув интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

**3.5. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор:**

3.5.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини амалга ошириш;

3.5.2. Олий таълим муассасаси ва академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ўқув, методик, илмий ва профессионал алоқаларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

3.5.3. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув жараёнига жалб этиш;

3.5.4. Илғор мамлакатлар таълим тизимининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги услуб ва воситаларини ишлаб чиқиши ва уларни амалга оширилишини таъминлаш;

3.5.5. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини Олий таълим муассасаларига кириш ва иш билан таъминлаш ишларига кўмаклашиш;

3.5.6. Ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шаклларини, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишда ОТМ, ва АЛ, КҲК ҳамкорлигини ташкил этиш;

3.5.7. Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиёти яратиш концепцияси талабларига мувофиқ дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши, таржима қилинишида ҳамкорликни ташкил этиш;

3.5.8. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун педагог кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ҳамкорликни ташкил этиш;

3.5.9. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида самарали ўқув жараёнини таъминлаш учун олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик ишларини мувофиқлаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш;

3.5.10. Дарслик, ўқув-услубий мажмуалар таъминоти ишларида ҳамкорликни ташкил этиш;

3.5.11. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқув режаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, дарсликлар, ўқув қўлланмаларни тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этиш;

3.5.12. Ўқув ва услубий конференцияларни ташкил этиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларини педагогик маҳоратни ошириш ишларида салоҳиятини жалб қилиш, илғор услубий тажрибаларни умумлаштириш;

3.5.13. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув хоналаридан унумли фойдаланиш, аудитория ва лабораторияларни техник жиҳозлашни такомиллаштириш масалаларида ҳамкорлик режаларини ишлаб чиқиш;

3.5.14. Таълим мазмунини такомиллаштириш, мутахассис-кадрларни халқаро талаблар асосида тайёрлашни таъминлаш мақсадида чет мамлакатлар турдош академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда кафедралар ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

3.5.15. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ўқув-услубий йўналишда доимий ҳамкорликни амалга ошириш, конференция, семинарларда олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

3.5.17. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ўрнатилган тартибда доимий ички аттестациядан ўтказиш, ташқи аттестацияга тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этиш;

3.5.18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январ 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, меҳнат ва ўқув интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

**3.6. Факультет декани:**

3.6.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

3.6.2. Меҳнат интизомига риоя қилиш, иш берувчининг қонунга мувофиқ келадиган фармойишлар ва кўрсатмаларини ўз вақтида ҳамда аниқ бажариш;

3.6.3. Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларга риоя қилиш;

3.6.4. Муассасанинг мол-мулкига авайлаб муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш;

3.6.5. Муассаса жамоаси аъзолари (маъмурият, ходимлари, талабалари) ва иш жараёнида алоқа қиладиган бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш, кийиниш маданиятига риоя этиш;

3.6.6. Факультетда ўқув-илмий, маънавий-маърифий ва илмий-услубий ишларга раҳбарлик қилиш, тарбиявий ишларни ташкил қилиш;

3.6.7. Факультетни тамомлаганлар билан алоқа ўрнатиш, уларнинг амалий ишлари сифатини таҳлил қилиш;

3.6.8. Факультет ихтисослиги бўйича халқ хўжалигида банд бўлган олий маълумотли мутахассисларининг малака оширишини ташкил этиш;

3.6.9. Ўз ваколати доирасида, факультетнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа ўқувчилари учун мажбурий бўлган фармойиш, йўриқнома ёки кўрсатмалар чиқариш;

3.6.10. Таълим мазмунини давлат таълим стандартлари асосида шакллантириш;

3.6.11. Факультетда ўқитиладиган фанларни мазмунан ва ўқув аудитория соатлари ҳажми бўйича замонавий ахборот, услублар, янгилик ва бошқалар билан бойитиш чораларини кўриш;

3.6.12. Таълим тизимида ахборот-ресурс манбалари базасини кенгайтириш ва янгилаб бориш;

3.6.13. Таълимни ривожлантириш бўйича устувор илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва истиқбол режаларини тузиш;

3.6.14. Талабалар турар жойларида яшаётган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва фойдали меҳнат машғулотлари билан шуғулланишларини таъминлашга йўналтирган тадбирлар ташкил этиш, талабаларни ҳар хил норасмий оқимларга қўшилиб қолишларининг олдини олиш;

3.6.15. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида қўйилган талаблари асосида талабаларнинг ҳафталик ўқув юкламалари ва мустақил иш соатлари ҳажмини ўқитиладиган фанлар тизимига мувофиқлаштириш;

3.6.16. Ўқув интизомини яхшилаш механизмини янада такомиллаштириш, талабалар фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларини амалиётга тадбиқ қилиш;

3.6.17. Ўқув-тарбия тизимига янги ахборот технологияларининг жорий этилишини назорат қилиш;

3.6.18. Факультет илмий-услубий кенгаши қошида устозлар тажрибасини ўрганиш, янги педагогик технологияларни жорий қилиш ва малака ошириб келган профессор-ўқитувчиларнинг ҳисоботларини муҳокама қилиш бўйича семинарлар ташкил этиш;

3.6.19. Муассаса ва факультет Илмий кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

3.6.20. Ўқув-тарбия жараён ҳамда талабаларнинг битирув малакавий иши, магистрлик диссертацияси ва амалиёти устидан назорат қилиш;

3.6.21. Ўқув машғулотлари жадвалини тузишга раҳбарлик қилиш, унинг бажарилишини назорат қилиш, талабалар давомати учун масъуллик;

3.6.22. Талабаларнинг мустақил иши, шунингдек уларнинг билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш устидан назоратни ташкил этиш;

3.6.23. Талабаларни курсдан курсга ўтказиш, давлат аттестациясига, битирув малакавий ишларини ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилишга киритиш, академик таътил бериш ва стипендия тайинлаш, исми, шарифи, фамилиясини ўзгартирган талабалар тўғрисида буйруқ лойиҳаларини тайёрлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли Низомларида кўзда тутилган ҳолларда маъмурият ташаббуси билан талабалар сафидан четлаштиришга тавсия бериш, факультетда хорижий талабалар мавжуд бўлган ҳолларда, улар билан ишлашни таълим муассасасининг халқаро бўлими билан келишилган ҳолда амалга ошириш;

3.6.24. Иқтидорли талабаларни излаш ва улар билан ишлаш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси, номдор стипендиялар, «Истеъдод» жамғармаси ҳамда фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадалар танловида иштирок этишга тайёрлаш тадбирларни ташкил этиш;

3.6.25. Талабалар илмий-ижодий фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш, иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни илмий тадқиқотларга жалб этиш, ижодий фаолиятини рўёбга чиқариш учун зарур ташкилий, услубий ва моддий-техникавий шарт-шароитлар яратиш;

3.6.26. Аспирантлар ва докторантларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, алоҳида ўрнак кўрсатганларни турли танловларда иштирок этишлари учун тавсия этиш;

3.6.27. Факультет таркибига кирувчи кафедраларнинг фанлари бўйича, шу жумладан хорижий олимлар билан ҳамкорликда, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмаларни тайёрлашга умумий раҳбарликни амалга ошириш, компьютер саводхонлиги бўйича машғулотлар ташкил этиш;

3.6.28. Факультет Илмий кенгашига раҳбарлик қилиш, кафедралараро йиғилишлар, илмий-услубий конференцияларни (шу жумладан, хорижий мутахассислар иштирокида) ташкил этиш;

3.6.29. Муассасанинг маркетинг хизмати билан ҳамкорликда корхона ва муассасаларнинг факультетда тайёрланаётган малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, шунингдек педагог кадрлар, талабалар ва илмий ахборотлар билан ўзаро алмашиш учун бошқа таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш;

3.6.30. Таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга оширишга жавоб бериш, бюджетдан ташқари маблағларни топиш ва уларни ўқув мақсадларида фойдаланишини амалга ошириш;

3.6.31. Маънавий-маърифий ишларга раҳбарлик қилиш; шу жумладан, факультетга бириктирилган талабалар турар жойларида;

3.6.32. Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ фуқароларни қабул қилиш ва белгиланган муддатда мурожжатларни кўриб чиқиш;

3.6.33. Муассаса ҳудудининг факультетга ажратилган ҳудудини ободонлаштиришни таъминлаш;

3.6.34. Олий таълимга оид қонунчиликда белгиланган бошқа мажбуриятлар ва ҳуқуқлардан фойдаланиш;

3.6.35. Деканларнинг элчихоналар, чет эл ташкилотлар ҳамда чет мамлакатлар вакиллари иштироки билан ўтказиладиган тадбирлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 12 августдаги 183-сонли буйруғига биноан халқаро алоқалар кенгаши қарори билан ёки истисно тариқасида ректор фармойиши асосида Вазирлик орқали амалга оширилади;

3.6.36. Декан ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Вазирликнинг 2005 йил 13 апрелдаги 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби тўғрисида»ги муваққат йўриқнома асосида амалга оширилишига тўла риоя қилиш;

3.6.37. Декан фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 30 май 159-сонли буйруги билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаси факультети тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширишни таъминлаш;

3.6.38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, ўқув ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

**Профессор-ўқитувчилари (кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент):**

**3.7. Кафедра мудири:**

3.7.1. Меҳнат интизомига риоя қилиш, иш берувчининг қонунга мувофиқ келадиган фармойишлар ва кўрсатмаларини ўз вақтида ҳамда аниқ бажариш;

3.7.3. Муассасанинг мол-мулкини авайлаб муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш;

3.7.4. Муассаса жамоасининг аъзолари (маъмурият, ходимлари, талабалари) ва иш жараёнида алоқа қиладиган бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш, кийиниш маданиятига риоя этиш;

3.7.5. Муассаса миқиёсида кафедра фаолиятига тааллуқли масалалар муҳокамаси ва ҳал этилишида иштирок этиш;

3.7.6. Кафедра иш режаси, профессор-ўқитувчи ва ходимларининг шахсий иш режалари ҳамда кафедра фаолияти доирасидаги бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

3.7.7. Кафедра педагог ходимларига ўқув юкламаларини тақсимлаш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;

3.7.8. Кафедрага ишга олиш, ишдан бўшатиш ва ходимларни янги вазифаларга тайинлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, шунингдек, интизомий чора қўллаш тўғрисида муассаса раҳбариятига белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

3.7.9. Муассасанинг тегишли хизмат бўлинмаларидан ўқув-тарбиявий ва илмий-тадқиқот жараёнини талаб даражасида ўтказиш учун зарур бўлган шароитларни таъминлашни талаб этиш;

3.7.10. Белгиланган тартиб ва муддатларда ўқув йилидаги фаолияти бўйича кафедра ҳисоботини тайёрлаш, Илмий кенгаш мажлисларида ҳисобот бериш;

3.7.11. Тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини ишлаб чиқариш муаммолари билан боғлаган ҳолда олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини таълим, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини- инновацион ҳамкорликни таъминлаш;

3.7.12. Кафедра ўқитувчиларининг шахсий иш режаларидаги ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишларини кўриб чиқиш, тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш, умумлаштириш ва илғор тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган ишларни ташкил этиш;

3.7.13. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этиш, педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ёш ўқитувчиларга педагогик малака ва кўникмаларни эгаллашда ёрдам бериш, ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотларида замонавий ўқув-техника воситаларидан, якка тартибда ўқитиш ва мустақил таълим олиш услубларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, масофали ўқитиш элементларини ривожлантириш;

3.7.14. Илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, кафедра мутахассислигига мос ёки турдош ихтисосликлар бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини илмий семинарларда муҳокама қилиш, таълим ҳужжатларининг меъёр талабларига жавоб беришини белгилаш бўйича эксперт гуруҳлари таркибида иштирок этиш;

3.7.15. Битирувчиларни ишга тақсимлаш, битирув малакавий иш, магистрлик диссертациялар мавзуларини шакллантириш, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек, илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

3.7.16. Олий таълим муассасаси ва мазкур кафедрада аспирантурани битирганлар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш, битирувчилар мониторингини олиб бориш;

3.7.17. Кафедра ихтисослиги бўйича мутахассислар малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўтказиш;

3.7.18. Хорижий таълим муассасалари билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

3.7.19. Талабаларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда турли мавзулар, йўналишлар ва ихтисосликлар, касб-ҳунар турлари бўйича тўгараклар ташкил қилиш, талабаларни дарсдан бўш вақтини унумли ва фойдали меҳнат билан банд қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

3.7.20. Кафедрада ўқитиладиган фанлардан лаборатория ишларини тўлиқ ва сифатли ўтказилишини таъминлаш ҳамда кафедра лабораторияларини замонавий ускуна, қурилма ва жиҳозлар билан жиҳозланиши бўйича таклифлар киритиш;

3.7.21. Муассаса ахборот ресурс марказини кафедра таълим йўналишлари ва мутахассисликларига оид янги ўқув, илмий-техникавий ва даврий адабиётлар билан узлуксиз тўлдириб бориш ва янгиланишини доимий ўрганиб бориш;

3.7.22. Барча ўқув шакллари (ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолларда) бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режалардаги фанлар бўйича белгиланган машғулот турларини юксак назарий, илмий-услубий ва касбий даражада ўтказиш, таълим сифатини таъминлаш;

3.7.23. Талабаларнинг малакавий амалиёти, курс лойиҳалари (ишлари), битирув малакавий ишлари, магистрлик диссерта-

цияларига, шунингдек мустақил ишлари ва илмий-тадқиқот ишларига раҳбарликни ташкил қилиш;

3.7.24. Талабалар билимининг рейтинг назоратини жорий этиш, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

3.7.25. Кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш, шунингдек турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларга тақриз ва хулосалар тайёрлаш;

3.7.26. Дарслик, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш, қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётларга хулосалар тузиш;

3.7.27. Кафедра йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ДТС, ўқув режалари ва дастурларини ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим дастурлари билан қиёсий таҳлилини олиб бориш ва такомиллаштириш;

3.7.28. Иқтидорли талабаларни танлаш ва уларни тарбиялаш, олимпиада ва танловларда иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил ишлаш шакл ва услубларини такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

3.7.29. Талабалар илмий-ижодий фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш, иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни илмий тадқиқотларга жалб этиш, илмий-тадқиқот ишларини индивидуал ва жамоа бўлиб бажаришга ўргатиш, уларнинг илмий-ижодий фаолиятини рўёбга чиқариш учун зарур ташкилий, услубий шарт-шароитлар яратиш;

3.7.30. Меҳнат қонунчилигида белгиланган бошқа мажбуриятлар ва ҳуқуқлардан фойдаланиш.

3.7.31. Кафедра мудирининг элчихоналар, чет эл ташкилотлари ҳамда чет мамлакатлар вакиллари иштироки билан ўтказиладиган тадбирлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда матнда «Вазирлик» деб юритилади) томонидан белгиланган тартибда халқаро алоқалар кенгаши қарори билан ёки истисно тариқасида ректор фармойиши асосида Вазирлик орқали амалга оширилади;

3.7.32. Кафедра мудирининг чет эл хизмат сафарлари Вазирликнинг 2005 йил 13 апрелдаги 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби» тўғрисидаги муваққат йўриқнома асосида амалга оширилади;

3.7.33. Кафедра мудирининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 30 май 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилади;

3.7.34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, ўқув ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

**3.8. Профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент:**

3.8.1. Белгиланган тартибда муассаса ва факультет Илмий кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

3.8.2. Муассасанинг фаолиятига таалluқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

3.8.3. Муассасанинг кутубхонаси, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

3.8.4. Ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

3.8.5. Муассаса маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан Қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

3.8.6. Қонунчиликда белгиланган тар-

тибда лавозимларни эгаллаш, танловларда қатнашиш;

3.8.7. Ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш;

3.8.8. Хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

3.8.9. Ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;

3.8.10. Назарий билимларини, амалдаги тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини тараққий қилдириш;

3.8.11. Грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

3.8.12. Ўзбекистон Республикаси олий таълимга оид қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

3.8.13. Иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув юкламалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаш, ўқув адабиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда;

д) Илмий кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;

3.8.14.Муассасанинг мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

3.8.15. Иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

3.8.16. Муассаса жамоатчилик ишларида қатнашиш;

3.8.17. Педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

3.8.18. Замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;

3.8.19. Чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш;

3.8.20. Таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

3.8.21. Ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнак бўлиш;

3.8.22. Кийиниш маданиятига риоя этиш;

3.8.23. Республикада амалга оширилаётганислоҳотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;

3.8.24. Муассаса, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

3.8.25. Ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

3.8.26. Дарсларни юқори савияда ўтиш;

3.8.27. Фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

3.8.28. Ҳар ўқув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календар режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;

3.8.29. Рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;

3.8.30. Талабалар билимини холисона баҳолаш;

3.8.31. Янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;

3.8.32. Илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;

3.8.33. Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш;

3.8.34. Муассаса профессор-ўқитувчи ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Вазирликнинг 2005 йил 13 апрелдаги 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби» тўғрисидаги мувaққат Йўриқнома асосида амалга оширилади;

3.8.35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, ўқув ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

**3.9. Илмий кенгаш котиби:**

3.9.1. Янги ўқув йили учун Илмий кенгаш иш режасини ҳамда ҳар бир Илмий кенгаш йиғилишининг кун тартибини тузиш (режа асосида);

3.9.2. Ҳар бир Илмий кенгаш кун тартибида кўриладиган масалаларни тайёрлайдиган масъул шахслар билан биргаликда ишлаш ҳамда ҳужжатларни сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини таъминлаш;

3.9.3. Илмий кенгаш бўлиб ўтгандан кейинги материал ва маърузаларни қарорга асосан тайёрлаш ва нашр қилинишини таъминлаш;

3.9.4. Илмий кенгаш қарорларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш;

3.9.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февраль 20-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари ҳақида факультетлар ва кафедралар кесимида тушунтириш ишларини ўтказиш ҳамда ушбу Низомга қатъий риоя қилган ҳолда университетнинг кафедра мудири, профессори, доценти, катта ўқитувчиси, ўқитувчиси (ассистенти) лавозимларига ўз вақтида танлов ўтказилишини таъминлаш:

а) Оммавий ахборот воситалари орқали вакант лавозимларга, шунингдек танлов муддати тугаётган лавозимларга камида икки ой илгари танлов эълон қилиш;

б) Университет педагог кадрлари лавозимларига танловда иштирок этиш учун тушган аризаларни қабул қилиш;

в) номзодларнинг «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16 банди асосида тегишли кафедраларда муҳокамасини тўғри ташкил этилиши ҳамда ҳар бир альтернатив номзод бўйича кафедранинг тавсияси (ижобий ёки салбий) ни берилиши устидан назорат олиб бориш;

г) Илмий кенгашда танловда иштирок этаётган номзодлар ҳақида, шунингдек кафедранинг хулосаси юзасидан ахборот бериш;

д) ходимлар бўлими билан биргаликда вакант педагог кадрлар лавозимларига ўз вақтида танлов ўтказилганлиги ҳамда танлов натижасида улар билан тузилган шартномаларнинг мониторингини олиб бориш ҳамда маълумотлар банкини яратиш ва янгилаб бориш;

е) кафедра мудирлиги лавозимига, профессор, доцент илмий даражасини бериш учун профессор-ўқитувчиларнинг номзодини бериш ва конкурс асосида танлаш ва қайта танлаш билан боғлиқ кераклн ҳужжатларни тайёрлаш;

3.9.6. Илмий кенгаш мажлиси баённомаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш, Илмий кенгаш мажлисида аспирант ва докторант, тадқиқотчиларнинг мавзулари тасдиқланганлиги тўғрисида Илмий кенгаш қароридан кўчирма тайёрлаш;

3.9.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, ўқув ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

**3.10. Илмий ходимлари:**

3.10.1. Белгиланган тартибда муассасанинг Илмий кенгашига сайлаш ва сайланиш;

3.10.2. Муассасанинг фаолиятига таал-

луқли масалаларни муҳокама этиш ва ҳал қилишда иштирок этиш;

3.10.3. Муассасанинг ахборот ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинма лабораторияларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва муассаса тузилмасидаги бошқа бўлимлар хизматидан фойдаланиш;

3.10.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

3.10.5. Ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва ўз шаънига доғ туширмаслик;

3.10.6. Иш жараёнида мулоқот қиладиган муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш;

3.10.7. Иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариш;

3.10.8. Белгиланган муддатда илмий-тадқиқот ишларини юқори сифатда бажариш;

3.10.9. Илмий-тадқиқот натижаларини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқариш ва ўқув жараёнида қўллаш;

3.10.10. Ўқув жараёнида иштирок этиш, турли нашрларда илмий мақолаларни нашр эттириш;

3.10.11. Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш;

3.10.12. Кийиниш маданиятига риоя этиш. Муассаса ҳудудида, жумладан дарс ўтаётган хоналар ва бошқа бинолар ва ташқи жойларида ибодат либосларини (ўранган ҳолда) ёки диққат эътиборни ўта жалб қилувчи кийимларда юрмаслик;

3.10.13. муассаса бинолари ва лабораторияларидаги жиҳозларни асраш ва шикаст етказмаслик, иш жойини озода тутиш, иш вақтини тўлақонли, унумли ўтказиш;

3.10.14. Илмий ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Вазирликнинг 2005 йил 13 апрелдаги 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби» тўғрисидаги муваққат Йўриқнома асосида амалга оширилади;

3.10.15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, ўқув ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

**3.11. Ўқув-ёрдамчи ходимлари:**

3.11.1. Жамоатчилик ташкилотларига сайлаш ва сайланиш;

3.11.2. Ўқув жараёнида амалий машғулотларни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш ва уларни ҳал қилиш бўйича таклифлар киритиш;

3.11.3. Муассасанинг ахборот ресурс маркази, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан фойдаланиш;

3.11.4. Муассаса маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

3.11.5. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

3.11.6. Иш жараёнида мулоқот қиладиган муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан ҳушфеъл муносабатда бўлиш;

3.11.7. Иш берувчининг қонунга мувофиқ келадиган фармойиш ва кўрсатмаларини ўз вақтида ҳамда аниқ бажариш;

3.11.8. Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларга риоя қилиш;

3.11.9. Кийиниш маданиятига риоя қилиш. Муассаса ҳудудида, жумладан, дарс ўтаётган хоналар ва бошқа бинолар ва ташқи жойларида ибодат либосларини (ўралган ҳолда) киймаслик (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида Кодексининг 184-1-моддаси) ёки диққат эътиборни ўта жалб қилувчи кийимларда юрмаслик;

3.11.10. Муассаса бўлимлари, факультет, кафедра ва лаборатория мол-мулкига авайлаб муносабатда бўлиш;

3.11.11. Муассаса лаборатория асбоб-ускуналари ва бошқа жиҳозларини бинодан ташқарига олиб чиқиб кетмаслик;

3.11.12. Амалий машғулотлар бошланиши олдидан дарс мавзусига мос қурилма ва асбобларни ўз вақтида тайёрлаш;

3.11.13. Лаборатория ишлари тавсифномаларини тадбиқ қилиш;

3.11.14. Талабаларга амалий ва лаборатория машғулотларини бажаришда ёрдам бериш;

3.11.15. Дарс тугагач, лаборатория хоналарини тартибга келтириш;

3.11.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, ўқув ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, университетнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

**3.12. Олий таълим муассасаси талабалари:**

3.12.1. Муассаса таълим олувчилари сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиши учун зарур бўлган ҳуқуқлардан фойдалананиш;

3.12.2. Фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

3.12.3.Олий таълим муассасаси АРМида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

3.12.4. Бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;

3.12.5. Аудиториялар, таълим воситалари саналувчи ашёлардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

3.12.6. Таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;

3.12.7. Муассаса ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

3.12.8. Илмий тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда қатнашишга ва уларнинг натижаларини нашр этишга ва бу ҳақда ахборотлар бериш;

3.12.9. Олий таълим муассасасида қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш;

3.12.10. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш;

3.12.11. Ватанига ва халқига ҳалол хизмат қилишга тайёр, юқори билимли ва юксак маънавиятли мутахассис бўлиб етишиш учун фидокорона билим олиш, ўз касбий салоҳиятини шакллантириш ва такомиллаштириш;

3.12.12. Таълим олиш жараёнида жамиятнинг ахлоқий принципларига, маънавий қадриятларимизга, қонун талабларига, ўзаро муносабатларнинг юксак талабларига жавоб берувчи қоидаларига қатъий амал қилиш;

3.12.13. Танлаган ихтисослиги бўйича чуқур назарий билим олиш, бўлғуси касби бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш;

3.12.14. Ўқув жараёни талабларига бўйсуниши, ўқув машғулотларини узрли сабабсиз қолдирмаслик, дарсларга кеч қолиб келмаслик, машғулотлар тамом бўлмасидан аввал кетиб қолмаслик;

3.12.15. Таълим жараёни билан боғлиқ вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, ўқитувчиларнинг фанни ўзлаштириш билан боглиқ топшириқларини ўз вақтида ва талаб даражасида бажариш, машгулотларга зарур ўқув қуроллари билан келиш;

3.12.16. Тегишли кафедра ва деканат билан мустаҳкам алоқада бўлиш, деканатнинг топшириқларини ўз вақтида бажариш;

3.12.17. Билимларни эгаллашда ташаббус ва ғайрат кўрсатиш, лоқайдликка йўл қўймаслик;

3.12.18. Ўз курсдошлари, бошқа талабалар, профессор-ўқитувчилар билан хушмуомалада бўлиш;

3.12.19. Муассаса мулкларига эҳтиёткор ва тежамкор муносабатда бўлиш, уларга қасддан ёки эҳтиётсизликдан зиён етказмаслик, зиён етказгани тақдирда зарар ўрнини ўрнатилган тартибда қоплаш, ашёларни аудиториядан ёки бинодан ташқарига олиб чиқмаслиги;

3.12.20. Бино ичида, йўлакларда, аудиторияларда санитария қоидаларига риоя қилиши, ифлослантирмаслиги, тамаки чекмаслик;

3.12.21. Кийиниш маданиятига риоя қилиш, диний ибодат кийимларида юрмаслик, безак ва тақинчоқларга ҳирс қўймаслик. Ташқи кўриниши ва ёмон хулқ-атвори билан бошқалардан ажралиб турмаслиги, ахлоқ-одоб нормаларига сўзсиз бўйсуниши;

3.12.22. Ўқув машғулотига келмаган (шу жумладан, касаллиги туфайли) уч кундан кечикмасдан бевосита ўзи ёҳуд гуруҳ раҳбари орқали деканатни ёзма равишда хабардор қилиш, қатнашмаслик сабабларини кўрсатиш;

3.12.23. Хорижий ташкилотлар грантларида қатнашгани тақдирда бу ҳақда факультет деканини хабардор қилиш, грант билан боғлиқ ҳолда чет элга жўнаб кетишдан аввал ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбариятининг розилигини олиши;

3.12.24. Ўз илмий, маънавий-ахлоқий, ғоявий-сиёсий савиясини мунтазам ошириб бориши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислоҳотлар ва янгиланишлардан хабардор бўлиш;

3.12.25. Муассаса Устави, ички тартиб қоидалари, ўқув интизомига, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг мажбуриятларига риоя этиш.

**4. Олий таълим муассасаси ҳудудида қуйидагилар таъқиқланади:**

4.1. Муассаса ҳудудида, биноларда, йўлакларда, аудиторияда, махсус ажратилмаган бошқа жойларда сигарет чекиш;

4.2. Алкоголли ичимликлар (пиво, вино ва бошқалар), гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилиш, шунингдек шу ҳолатда бўлиш;

4.3. Безорилик қилиш, уятли сўзлар айтиш, сўкиниш, ўзгаларга шилқимлик қилиш, одамлар осойишталигига путур етказадиган ҳатти-ҳаракатлар содир этиш;

4.4. Диний мазмундаги ёзма ёки электрон воситалардаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш;

4.5. Миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай шаклдаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва тарғиб этиш;

4.6.Беҳаёликни тарғиб қилувчи порнографик материалларни қандай шаклда бўлишидан қатъий назар (расм, аудио, видео, босма нашр) тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш, тарғиб қилиш;

4.7. Муассаса ҳудудида азарт ўйинларни ўйнаш;

4.8. Бино ичида бош кийимда ва устки кийимда (пальто, пўстин, куртка) юриш, баланд овоз билан гапириш, шовқин солиш, машғулотлар бўлаётган чоғда коридор бўйлаб юриш, аудитория эшигини сабабсиз очиб қараш;

4.9. Муассасага диний ибодат либосларида келиш;

4.10. Муассаса ҳудудида одамлар диққатини тортадиган майка, мини юбка, шортик ва бошқа умумэътироф этилган ахлоқ-одоб нормаларига зид келувчи кийимларда юриш, ғайритабиий тақинчоқлар тақиб олиш, пардоз-андознинг экстравагант усулларини қўллаш;

4.11. Талабалар одми, аммо покиза кийинишлари, соч турмакларни ғайриоддий бўлишига йўл қўймаслик;

4.12. Зебу-зийнатдан фойдаланишда меъёрга риоя қилишлари, ўзларининг дидсизликларини кўрсатиб қўймаслик;

4.13. Муассаса ҳудудига уяли алоқа воситалари билан келиш мумкин, бироқ, ўқув юрти ҳудудида уларни «овозсиз» режимга ўтказиш;

4.14. Ўқув машғулотлари чоғида уяли алоқа воситалари тўлиқ ўчириб қўйилиши

лозим ва рухсатсиз фойдаланиш. Фақат фавқулодда ҳолларда (касаллик юз бериши ва бошқа ҳолларда) алоқа воситаси орқали ота-онаси ёки бошқа яқинларига хабар бериш учун алоқа воситасидан фойдаланишга рухсат берилиши мумкин.

4.15. Уяли алоқа воситасидан фойдаланганда ҳақоратомуз ва уятли сўзларни сўзлаш, овозини баланд кўтариб гаплашиш;

4.16. Уяли алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда инсон шаъни ва қадр-қимматини ерга урувчи, маънавий бузуқликнинг ҳар қандай кўринишларини (порнография, алькоголизм, кашандалик, гиёҳвандлик,) тарғиб этувчи, талаба ёшларнинг маънавий камол топишига зиён етказувчи, умумэътироф этилган ахлоқий қадриятларга путур етказувчи, миллий, диний, этник низолар келтириб чиқарувчи, диний ақидапарастлик, миссионерлик, фундаментализмни тарғиб қилувчи ҳар қандай маълумотларни олиб кириш, тарқатиш, тарғиб этиш;

4.17. Уяли алоқа воситасини безатишда (фон расмлари) ёшига мос бўлмаган, ахлоқий зарарли бўлган тасвирлардан фойдаланиш.

Талабалар турар жойида соат 22.00 дан 06.00 гача фуқаролар осойишталигини бузадиган, дам олишларига халақт берадиган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйиш (радиоприёмник, телевизор, магнитофон ва бошқа овоз кучайтириш воситаларидан фойдаланиш); муассаса ҳудудига, машғулотларга бегона (ОТМга алоқадор бўлмаган) шахсларни бошлаб келиш маън этилади.

**5. Ўқиш ва дам олиш вақтини тартибга солиш талаблари**

5.1.Муассасада ўқув машғулотлари белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси асосида тузилган дарс жадвали бўйича олиб борилади.

5.2. Кундузги таълим шаклида талабаларга ўқув йили давомида икки мартадан кам бўлмаган микдорда умумий давомийлиги ўқув режаларида тасдиқланган муддатга тенг таътил белгиланади.

5.3. Дарс жадвали семестр учун тузилади ва семестр бошланишидан 10 кундан кечиктирмай осиб қўйилади. Факультатив машғулотлар ўтказиш учун алоҳида жадвал тузилади.

5.4. Академик соатнинг давомийлиги 40 минут (танаффуссиз қўшма дарс 80 минут). Ўқув машғулоти бошланиши ва тугаши ҳақида ўқитувчи ва талабалар қўнғироқ билан огоҳлантирилади. Ҳар жуфтлик машғулотлар ўртасида 10 минут танаффус белгиланади.

5.5. Ўқув куни давомида тушлик танаффус 40 минутдан ошмаслиги керак. Дарс бошлангандан кейин барча ўқув хоналарида тинчлик ва тартиб таъминланиши лозим. Ўқув машғулотларини бўлиш, дарс пайтида аудиторияга сабабсиз кириш ва чиқиб кетишга йўл қўйилмайди.

5.6. Ҳар бир ўқув машғулоти бошлангунга қадар (машғулотлар орасидаги танаффус пайтида) аудитория, лаборатория, ўқув устахоналари ва кабинетларида лаборантлар зарур ўқув қўлланмалар ва ускуналарни дарсга тайёрлайдилар.

5.6. Аудитория, лаборатория, ўқув устахоналарида амалий машғулотлар ўтиш учун ҳар бир курс икки гуруҳга бўлинади. Талабалар гуруҳининг таркиби амалий машғулотлар характеридан келиб чиқиб тегишли буйруқ асосида белгиланади.

5.7. Ҳар бир гуруҳда факультет декани томонидан интизомли ва дарсга улгурувчи талабалар ичидан гуруҳ раҳбари (сардори) белгиланади.

Гуруҳ раҳбари (сардор)и бевосита факультет декани, декан муовинлари ва гуруҳ мураббийсига бўйсунади, ўз гуруҳида уларнинг барча кўрсатма ва буйруқларини бажаради.

5.8. Гуруҳ раҳбари (сардори)нинг вазифасига қуйидагилар киради:

а) ўқув машғулотларининг ҳамма турлари бўйича талабаларни шахсан ҳисобга олиш;

б) ҳар куни факультет деканига дарсга келмаган ва кечиккан талабалар тўғрисида, уларнинг сабабларини кўрсатган ҳолда маълумот бериш;

в) маъруза ва амалий машғулот дарсларида гуруҳда ўқув фанининг боришини кузатиш, шунингдек, ўқув ускуналари ва жиҳозларнинг сақланиши ҳақида жавобгарлик;

г) гуруҳ талабалари ўртасида дарслик, ўқув қўлланмаларини ўз вақтида олиш ва тарқатишни ташкил қилиш;

д) факультет декани томонидан машғулотлар жадвалига киритилган ўзгаришларни талабаларга етказиш;

е) ҳар куни тартиб бўйича гуруҳ навбатчисини белгилаш;

ж) гуруҳ талабаларининг стипендияларини ўз вақтида олинишини назорат қилиш;

Ҳамма гуруҳ талабалари учун гуруҳ раҳбари (сардор)нинг юқорида кўрсатилган вазифалари деканнинг буйруғи асосида етказилади.

5.9. Ҳар бир гуруҳ учун белгиланган шаклдаги гуруҳ журнали шакллантирилиб, унда барча дарслар бўйича дарсга келмаган талабалар гуруҳ раҳбари (сардори) томонидан белгилаб борилади. Мазкур журнал деканатда сақланади. Ҳар кунлик дарслар бошланиши олдидан гуруҳ раҳбари (сардори) деканатдан журнални олиб, шу куни дарслар тугагач деканатга топширади.

Аудитория, лаборатория ва ўқув хоналаридаги жиҳозлар ва бошқа ашёлар бутлиги, мавжудлиги ва яроқли ҳолдалиги учун гуруҳнинг барча талабалари моддий жавобгардирлар.

**6. Талабаларни ўқиш ва жамоат ишларидаги ютуқлари учун рағбатлантириш.**

6.1. Талабалар ўқишда юқори кўрсаткичларга эришганлиги, илмий-тадқиқот ишлари ва олий таълим муассасаси ижтимоий ҳаётида фаол иштироки учун қуйидаги тартибда рағбатлантирилади:

- ташаккурнома эълон қилиш;

- стипендияга қўшимча қилиш ёки мукофотлаш;

- фахрий ёрлиқ ёки қимматбаҳо совға билан тақдирлаш.

6.2. Рағбатлантириш олий таълим муассасаси «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти, Хотин-қизлар қўмитаси, талабалар Касаба уюшмаси томонидан ёки уларнинг тавсиялари асосида ректор буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

6.3. Рағбатлантиришга тегишли маълумот ва буйруқдан кўчирма талабанинг шахсий ҳужжатлар тўпламида сақланади.

**7. Интизомий таъсир чоралари.**

7.1. Талаба ўзига юклатилган юқоридаги мажбуриятларни бузгани тақдирда унга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари кўрилади: ҳайфсан ҳамда талабалар сафидан четлатиш.

Талаба олий таълим муассасасидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

а) ўз ҳоҳишига биноан;

б) ўқишнинг бошқа таълим муссасасига кўчирилиши муносабати билан;

в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);

г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;

д) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

ж) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

з) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

и) вафот этганлиги сабабли.

7.2. Олий таълим муассасаси маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур қоидаларнинг 7.1-банди «д» кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, таълим муассасасининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

7.3. Интизомий жазога тортилган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ёки суд идораларига мурожаат этиши мумкин.

7.4. Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий ҳужжатлар тўпламида сақланади.

7.5. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шу-

нингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

**8. Меҳнат муносабатлари.**

**8.1.Меҳнат шартномасини (контрактини) тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.**

8.1.1. Ишга қабул қилиш иш берувчига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш орқали амалга оширилади;

8.1.2. Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади;

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун - улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. (ЎзРнинг 24.09.2009 йил ЎРҚ-239-сон Қонунининг 1-моддасини 1-бандига асосан таҳриргa 2 қисм киритилди). Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш Меҳнат Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

8.1.3. Ишга қабул қилинаётганда ишга кирувчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

паспорт (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат), ўн олти ёшга етмаган шахслар эса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва яшаш жойидан маълумотнома.

чет эл фуқаролари, паспортдан ташқари, Ўзбекистон Республикасида яшаш ва меҳнат гувоҳномасини тақдим этишлари шарт. Фуқаролиги бўлмаган шахслар эса фуқаролиги йўқ шахснинг гувоҳномаси ва Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномани тақдим этадилар;

8.1.4. Ишга биринчи марта кираёттан шахслардан бошқалар меҳнат дафтарчасини тақдим этадилар;

8.1.5. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахс меҳнат дафтарчасининг ўрнига асосий иш жойидан маълумотнома тақдим этиши керак;

8.1.6. Ҳарбий билет (ҳарбий хизматчилар учун) ёки қайд гувоҳномаси (армияга чақирилувчилар учун);

8.1.7. Бажариш учун қонунчиликка мувофиқ фақат махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга бўлган шахсларгина қўйилиши мумкин бўлган ишга кириш пайтида маълумот тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат (диплом);

8.1.8. Профессор-ўқитувчилар (кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент) таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади. Танловдан ўтган мутахассислар билан меҳнат шартномаси беш йилга тузилиб, ректор буйруғи асосида тегишли лавозимда ишлаш учун расмийлаштирилади;

8.1.9. Меҳнат шартномасига мувофиқ ишга қабул қилиш иш берувчининг буйругига асосан расмийлаштирилади (ЎзР Меҳнат Кодекси 82-модда).

Иш берувчи ишга кираётган шахсдан бошқа ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас.

*Қуйидаги ҳолларда ишга қабул қилишга йўл қўйилмайди:*

8.1.10. Мазкур қоидаларнинг 8.1.3-8.1.7; педагог кадрлар учун – 8.1.3.-8.1.8 бандларида кўрсатилган ҳужжатлар бўлмаганда.

8.1.11. 15 ёшга тўлмаган шахслар (8.1.2-банди иккинчи хат бошида кўрсатилган таълим олувчи ёшлар тоифасидан ташқари).

8.1.12. Тиббий кўрикдан ўтиш қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда тиббий кўрикдан ўтмаган шахслар, шунингдек, тиббий хулосага мувофиқ мазкур ишни бажаришга соғлиги йўл қўймайдиган ходимлар.

8.1.13. Суд ҳукмига кўра муайян лавозимни эгаллаш ёки уни бажариши таъқиқланган, ишда муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар.

8.1.14. Агар уларнинг иши бевосита бўйсуниш ёки бирининг иккинчисига назорати остида бўлиши билан боғланган бўлса, ўзаро яқин қариндош бўлган шахслар (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзанддари).

8.1.15. Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

8.1.16. Ишга кирувчининг ишга қабул қилиш тўғрисидаги мурожаати махсус ҳисоб дафтарида рўйхатга олиниши, рақамланиши, тикланиши ва корхонасининг муҳри билан тасдиқланиши керак, у кадрлар бўлимида, девонхонада ёки раҳбарнинг қабулхонасида иш берувчи томонидан ўрнатилган тартибда белгиланган жойда сақланади.

Кадрлар бўлимининг ходимлари (мурожаатни рўйхатга олган бошқа шахслар ишга кирувчини бўлажак меҳнат шартномаси тўғрисида иш берувчи ваколат берган тегишли мансабдор шахслар билан музокаралар юритиш учун шарт-шароитни таъминлашлари шарт.

8.1.17. Меҳнат шартномаси томонларнинг келишувлари бўйича музокараларида белгилаб олинади:

а) иш жойи;

б) ишга кирувчининг меҳнат мажбуриятлари у ишлайдиган ихтисослик, малака, лавозим;

в) меҳнатга ҳақ тўлашнинг микдори ва шартлари;

г) меҳнат шартномасини муайян муддатга тузиш вақтида унинг амал қилиш муддати;

д) ишни бошлаш куни;

е) ўриндошлик бўйича ишга қабул қилиш пайтида ҳар кунги ишнинг давомийлиги;

ё) меҳнат шартномасини тузиш пайтида меҳнатга доир бошқа шартлар ҳам тилга олиниши мумкин;

8.1.18. Меҳнат шартномасида кўзда тутилган меҳнат шартлари даражаси қонунчиликда, жамоа келишувида, шунингдек, жамоа шартномасида, бошқа ҳужжатларда меъёрий белгиланган даражадан паст бўлиши мумкин эмас;

8.1.19. Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, у номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади;

8.1.20. Фақат қуйидаги ҳолларда муддатли меҳнат шартномалари тузилиши мумкин:

8.1.21.Бўлажак иш муддатли характерда бўлганлиги сабабли меҳнат шартномасини тузишни талаб қилса (касаллиги, малакасини ошириш учун юборилганлиги, таътилда шу, жумладан болага қараш бўйича таътилда бўлган вақтинчалик иш жойида бўлмаган бошқа ходимнинг ўрнига ишга қабул қилиш ва ҳ.к.);

8.1.22. Ходим ана шундай шартнома тузишдан манфаатдор бўлса ва унинг ёзма аризаси мавжуд бўлса;

8.1.23. Муддатли шартномани тузиш қонунда кўзда тутилган бўлса.

8.1.24. Ишга қабул қилинаётган ҳар бир ходим (шу жумладан, ўриндошлик йўли билан кирувчилар) билан меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган, камида икки нусхада ёзма шаклда тузилади, улар томонларнинг ҳар бирига сақлаш учун топширилади. Меҳнат шартномаси ходим ва муассаса раҳбарининг имзолари билан тасдиқланади. Раҳбарнинг имзоси муассаса муҳри билан тасдиқланади. Ходимнинг талабига кўра меҳнат шартномаси у билган тилда тузилади ва давлат тилида тузилган шартнома нусхаси билан бир хил юридик кучга эга бўлади;

8.1.25. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси уни томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходим меҳнат шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб меҳнат мажбуриятларини бажаришга киришади. Агар унда ишнинг бошланиш санаси кўрсатилмаган бўлса, ходим шартнома имзоланган кундан кейинги иш кунидан (сменани) кечиктирмай ишга киришиши керак. Муассаса раҳбари томонидан ёки унинг рухсати билан ишга қабул қилишни тегишлича расмийлаштирмасдан туриб ишга қўйилган

шахс ишга тушган биринчи кундан бошлаб ишга қабул қилинган деб ҳисобланади;

8.1.26. Меҳнат шартномаси тузилганидан кейин иш берувчи меҳнат шартномасининг мазмунига мувофиқ ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради ва шахсни (имзо қуйдирган ҳолда) бундан хабардор қилади.

8.1.27. Иш берувчи қуйидаги ҳолларда ишга қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас:

а) агар рад этиш ходимнинг амалий хислатлари билан боглиқ бўлмаган сабаблар бўйича амалга оширилган бўлса;

б) иш берувчининг ўзи томонидан ишга қабул қилинган шахсларни;

в) ногиронларни, 18 ёшдан ёш бўлган шахсларни ва жойлардаги давлат ҳокимияти органи томонидан муассасага белгиланган энг кам миқдордаги иш ўринлари ҳисобига ишга маҳаллий меҳнат органлари юборган бошқа шахсларни, шунингдек, муқобил хизматдаги хизматчиларни ва ҳ.к.

г) ҳомиладор аёлларни ва 3 ёшдаги болалари бўлган аёлларни;

д) қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

8.1.28. Ходим иш берувчидан ишга қабул қилиш рад этилганлигининг сабабларини ёзма равишда асослашни талаб қилишга ҳақлидир. Иш берувчи уч кун ичида унга ёзма асос кўрсатиши шарт. Ҳомиладор аёлларга ва уч ёшгача боласи бўлган аёлларга иш берувчи, агар улар шундай талаб билан мурожаат этмаганлари тақдирда ҳам ишга қабул қилишни рад этиш сабабини ёзма шаклда хабар қилади. Ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганда ходим назорат қилувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақлидир;

8.1.29. Ишга қабул қилиш пайтида меҳнат шартномасида дастлабки синов тўғрисидаги шарт таъкидланиши мумкин. Бундай таъкид бўлганида синов шарти ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда акс эттирилади. Бироқ дастлабки синов билан ишга қабул қилинган ходимнинг меҳнат дафтарчасида дастлабки синов тўғрисидаги шартлар кўрсатилмаган ҳолда ишга қабул тўғрисида ёзилади;

Дастлабки синов муддати уч ойдан ошмайдиган муддатга белгиланиши мумкин. Дастлабки синов муддатининг аниқ давомийлиги (уч ой доирасида) меҳнат шартномаси томонларнинг келишуви бўйича белгиланади ва улар томонидан синов муддати белгиланган даврда иш берувчи ҳам, ходим ҳам меҳнат шартномасини бекор қилиб, бу ҳақда бошқа томонни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантиришга ҳақлидир. Бунда иш берувчи синовнинг қониқарсиз натижаси хусусида ишончли исботларга эга бўлиши керак. Ходим эса ишни давом эттиришдан бош тортиш сабабини иш берувчига тушунтиришга мажбур эмас.

Агар томонлар тарафидан белгиланган синов муддати тугагунига қадар томонларнинг бирортаси меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида баёнот бермаса, шартноманинг амал қилиши давом этади.

Ходим узрли сабаблар билан (вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, ҳарбий йиғинларда қатнашиш, донорлик вазифаларини бажариш, суд маслаҳатчиси сифатида судда қатнашиш ва ҳ.к) ишда бўлмаган даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди.

Дастлабки синов шарти билан ишга қабул қилинган ходим бошқа ходимлар билан баравар меҳнат қонунчилигида белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланади ва жавобгар бўлади.

Қуйидагиларга нисбатан ишга қабул қилиш пайтида синов муддатини белгилашга йўл қўйилмайди:

Профессор - ўқитувчи лавозимига танловдан ўтган педагог ходимларга, хомиладор аёллар, шунингдек, уч ёшгача болалари бўлган аёлларга;

корхона учун белгиланган иш жойларининг энг кам миқдори ҳисобига маҳаллий органлари томонидан ишга юборилган шахсларга;

улар билан меҳнат шартномаси 6 ойгача муддатга тузиладиган ходимларга.

Ходим бошқа ишга ўтказилаётганида дастлабки синов белгиланмайди.

8.1.30. Ишга биринчи марта тушган ва муассасада беш кундан ортиқ ишлаган шахсларга иш берувчи меҳнат дафтарчаларини

юритиши шарт, ўриндошлар бундан мустасно.

Кадрлар бўлимининг ходимлари етти кунлик муддатдан кечиктирмай ходимнинг меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувни киритишлари ва у киритилиши керак бўлган шахсий варақа-Т-2-шаклига имзо қўйдирган ҳолда ёзувнинг меҳнат дафтарчасидаги ёзув билан аниқ мувофиқлигини таништиришлари шарт.

Ходимнинг хоҳишига қараб меҳнат дафтарчасига корхона ичида ўриндошлик бўйича ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ ёки бошқа корхонада ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисидаги маълумотнома асосида ўриндошлик бўйича ишлаш даврлари тўғрисидаги ёзув киритилади.

8.1.31. Иш берувчи ва унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган бошқа мансабдор шахслар ходимидан унинг меҳнат мажбуриятларига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга зид ҳаракатларни содир этишни, шунингдек, ходимнинг ёки бошқа шахснинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўядиган, орномуси ва шаънини камситадиган ҳаракатлар содир этишини талаб қилишга ҳақли эмаслар.

8.1.32. Қуйидаги ҳолларда ва тартибда иш берувчининг ёки ходимнинг талабига кўра меҳнат шартларини ўзгартиришга йўл қўйилади:

8.1.32.1. Иш берувчи, агар меҳнат шартларини сақлашнинг имкони бўлмаса ёки бундай ўзгаришларни технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги, ходимлар сонини ёки иш тарзини ўзгартиришга олиб келган ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмини қисқартиришдаги ўзгаришлар белгиланган бўлса, уларни ўзгартиришга ҳақлидир. Меҳнат шартларини кейинги ўзгартириш тўғрисида ходим камида икки ой олдин ёзма равишда, тилхат берган ҳолда огоҳлантирилиши керак. Бу муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Бу ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилишга қуйидаги мажбурий шартлар мавжуд бўлганда йўл қўйилади:

а) агар ходим меҳнатнинг янги шарт-шароитида ишлашни давом эттиришга рози бўлмаса;

б) агар корхонада меҳнатнинг илгариги шарт-шароитини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса.

8.1.33. Ходим қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда меҳнат шартларини ўзгартиришни ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидир (ҳомиладор аёл ёки 14 ёшгача боласи бўлган 16 ёшгача ногирон боласи бўлган) аёллар илтимосига кўра тўлиқ бўлмаган иш кунини ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтасини белгилаш, тиббий хулосага кўра ҳомиладор аёлларга, ногиронларга ВТЭК тавсияларига кўра меҳнат шартномасини ўзгартириш ва ҳ.к.

8.1.34. Иш берувчи ходимнинг талабини у берилганидан кейин уч кун ичида кўриб чиқиши шарт. Талабни қондиришдан бош тортилган ҳолда иш берувчи ходимга бош тортиш сабабини маълум қилиши шарт.

8.1.35. Ходим иш берувчи томонидан меҳнат шартлари ўзгартирилиши, шунингдек, унинг ходим талабига кўра меҳнат шартларини ўзгартиришни рад этиши хусусида судга шикоят қилишга ҳақлидир.

8.1.36. Иш берувчи ходимнинг фақат унинг розилиги билан бошқа доимий ёки вақтинчалик ишга ўтказиши мумкин.

8.1.37. Томонларнинг келишувига биноан ишга қабул қилиш пайтида ҳам, ундан кейин ҳам ходим томонидан асосий иш бўйича вазифалардан ташқари касблар (лавозимлар)ни ўриндошлик асосида олиб бориш, хизмат кўрсатиш ҳудудини кенгайтириш, бажариладиган ишлар ҳажмини кўпайтириш (бундан кейин-касбларни ўриндошлик асосида олиб бориш) тартибида қўшимча мажбуриятларни бажариши келишиб олиниши мумкин.

Кўрсатилган ишларни ходим асосий иш учун ажратилган вақтда бажаради. Уларни бажариш тартиби ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори томонларнинг келишуви билан белгиланади.

Касбларни бирга олиб бориш тартибида ишларни бажаришнинг қанча давом этиши муайян муддатга ҳам, уни чекламасдан ҳам шартлаб қўйилиши мумкин.

Шартланган муддат тугаганидан сўнг касбларни бир-бирига қўшиб олиб бориш хусусида мазкур ходим билан белгиланган шартлар бекор қилинади.

Касбларни ўриндошлик асосида олиб бориш ва уни бекор қилиш меҳнат шартномасида акс эттирилади ва иш берувчи муассасанинг тегишли буйруғи билан расмийлаштиради.

8.1.38. Ходим мазкур қоидаларнинг 4.25-бандида белгиланган тартибда меҳнат шартномасини исталган вақтда бекор қилишга ҳақлидир.

8.1.39. Ўзининг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги нияти хусусида ходим тегишли аризани кадрлар бўлимига (иш берувчи томонидан белгиланган бошқа жойга) топшириш йўли билан икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантиришга мажбурдир Ҳатто томонлар келишилган тақдирда ҳам бу муддатни узайтиришга йўл қўйилмайди.

8.1.40. Ходимнинг берган аризаси рўйхатга олиниши шарт. Ариза рўйхатга олинишидан қатьи назар у берилган кундан бошлаб огоҳлантириш муддати бошланади.

8.1.41. Ходим томонидан берилган ариза у берилган кундан кейинги кундан кечиктирмай муассаса раҳбариятига топширилади.

Ходимнинг аризаси узрли сабаблар бўйича ишни давом эттириш мумкин эмаслиги билан шартланган ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини аризада кўрсатилган муддатда бекор қилишга мажбурдир.

Узрли сабабларга қуйидагилар киради: ўқув юртларига ўқишга қабул қилиниш;

пенсияга чиқиш;

сайланадиган лавозимга сайланиш;

ходим ёки унинг яқин қариндошларининг тиббий хулосага кўра парваришга муҳтож бўлган саломатлиги, бу хулосани ВТЭК, ВКК беради;

мазкур ишни давом эттириш мумкин эмаслигини белгилайдиган бошқа узрли сабаблар.

Қонун билан белгиланган огоҳлантириш муддати ходим билан муассаса раҳбари (меҳнат шартномасини бекор қилиш хуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс) ўртасидаги келишувга кўра қисқартирилиши мумкин, бу эса ходимнинг аризасида меҳнат шартномасини бекор қилишнинг аниқ санасини кўрсатган ва меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг тегишли рухсати кўринишида акс эттирилиши керак.

Мазкур бандда кўрсатилган шахслардан ташқари бошқа мансабдор шахслар, шу жумладан, мазкур ходим меҳнат қиладиган таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари огоҳлантириш муддатини қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмаслар.

8.1.42. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани ходим исталган вақтда, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, таътилда, хизмат сафарида бўлган даврда ва ҳоказоларда топширишга ҳақлидир. Кўрсатилган даврларнинг ҳаммаси меҳнат шартномасининг бекор қилиш тўғрисида белгиланган огоҳлантириш муддатига ҳисобланади.

8.1.43. Огоҳлантириш муддати мобайнида меҳнат шартномасининг шартларини томонлар одатдаги тартибда бажаришда давом этадилар.

Ходимнинг огоҳлантириш муддати мобайнида аризани қайтариб олиш ҳуқуқи сақланади.

Агар қонунчиликда белгиланган муддатлар тугаганидан сўнг меҳнат шартномаси бекор қилинмаса, меҳнат муносабатлари давом эттирилади.

8.1.44. Муайян муддатга ёки муайян ишни бажариш вақтига тузилган шартноманинг муддати тугаганда томонларнинг исталган меҳнат муносабатларини шартнома бўйича ишлаш муддати тугаган кунда ҳам, у тугагандан сўнг етти календар кун мобайнида ҳам бекор қилишга ҳақлидир.

Етти кунлик муддат шартнома муддати тугагандан кейинги кундан бошланади. Агар етти кунлик муддатнинг тугаши ишланмайдиган кунга тўғри келса, унинг тугаши кейинги ишланадиган кунга кўчирилади.

Иш жойи сақланиб турадиган ходимнинг йўқлиги вақтида тузилган меҳнат шартномасининг муддати ана шу ходим ишга қайтиб келган кундан бошлаб тугайди.

8.1.45. Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек муддатли меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра унинг муддати тугашидан олдин бекор қилишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штатлари) ўзгаришига ёки ишлар тарзларининг ўзгаришига ёҳуд корхонани тугатишга олиб келган иш ҳажмларининг қисқариши;

малакаси етарли эмаслиги ёки соғлиғининг ёмонлиги оқибатида ходимнинг бажараётган ишга мувофиқ эмаслиги;

ходимнинг айбли ҳатти-ҳаракатлари;

иш берувчининг ташаббуси билан ЎзР МКодексининг 100-моддаси 2-қисмида акс эттирилган сабабларнинг бирига кўра муассаса ходимлари, шу жумладан педагог ходимлар билан меҳнат шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинади ҳамда ЎзР МК нинг 67-69, 101-105, 107-119, 237- моддалари асосида қўшимча кафолатлар қўлланилади;

илгари эгаллаб келган лавозими учун танловдан ўтмаган, шунингдек танловда қатнашиш учун ариза бермаган педагог кадрлар билан меҳнат шартномаси янги муддатга танловдан ўтмаганлиги ёхуд танловда қатнашишни рад этганлиги сабабли ўқув йили тугагандан кейин меҳнат қонунчилигига мувофиқ бекор қилинади;

педагог ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли, меҳнат шартномасининг бекор қилиниши аниқ далиллар билан исботланиши лозим, яъни белгиланган тартибда ўтказилган аттестация натижалари ҳамда Илмий кенгаш қарорига кўра;

иш берувчининг ташаббусига кўра ўриндошлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга, кўрсатилган ҳоллардан ташқари, шунингдек ўриндош бўлмаган бошқа ходимни ишга қабул қилиш муносабати билан ёки меҳнат шартларига кўра ўриндошлик бўйича ишларни чеклаш натижасида йўл қўйилади.

8.1.46. Меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш, корхонани тугатиш ва корхона раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳолатидан ташқари, касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олмасдан туриб йўл қўйилмайди. Иш берувчи меҳнат шартномасини касаба уюшма қўмитасининг розилигини олган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай, айбли ҳатти-ҳаракатлар учун эса, бундан ташқари, интизомий жазони белгилаш учун кўрсатилган муддатлардан кечиктирмай бекор қилишга ҳақлидир.

8.1.47. Иш берувчининг ташаббусига кўра қуйидаги ҳолларда меҳнат шартномасини бекор килишга йўл қўйилмайди:

вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даврида ёки ходимнинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган таътилда бўлган вақтида;

корхона тўлиқ тугатилиб, ходимларни мажбуриятли равишда ишга жойлаштириш билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳоллардан ташқари ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача болалари бўлган аёлларга нисбатан меҳнат шартномаси бекор қилинмайди.

8.1.48. Иш берувчи ходимни меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти тўғрисида ёзма равишда (тилхат олиб) қуйидаги муддатларда огоҳлантириши шарт.

Технологиянинг ўзгариши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, иш ҳажмларининг қисқариши, ходимлар сони (штати) ўзгариши ёки ишлар тарзининг ўзгариши ёҳуд корхонани тугатиш муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилаётганда, камида икки ой олдин;

Ходимнинг малакаси етарли эмаслиги ёки соғлиғининг ёмонлашгани оқибатида бажараётган ишига мувофиқ келмаслиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганида, камида икки ҳафта олдин.

Ходимнинг огоҳлантириш муддатига вақтинчалик лаёқатсизлик даврлари, шунингдек, унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти киритилмайди.

8.1.49. Агар тиббий хулосага кўра ходимнинг ўз зиммасига юкланган ишни бажаришни давом эттириши мумкин бўлмаса, иш берувчи меҳнат шартномасини огоҳлантиришсиз бекор қилиши ва ходимга икки ҳафталик иш ҳақи ҳажмида бадал тўлаши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра ушбу қоидаларда кўзда тутилган огоҳлантириш муддатлари ҳам уларнинг давом этиш муддати билан ўлчанадиган пулли бадал билан алмаштирилиши мумкин.

8.1.50. Ходимнинг айбли характерлари оқибатида меҳнат шартномасини бекор

қилиш ҳолатида иш берувчи камида уч кун олдин ходимни меҳнат муносабатларининг бекор қилиниши тўғрисида хабардор қилиши ёки бунинг ўрнига керакли ҳажмда бадал тўлаши керак.

8.1.51. Иш берувчи ходим айбли ҳатти-ҳаракатлар қилган тақдирда у билан меҳнат шартномасини қуйидаги асослар бўйича бекор қилишга ҳақлидир:

ходим ўзининг меҳнат мажбуриятларини (муассаса ички меҳнат тартиб қоидаларини) мунтазам бузиб келган бўлса;

ходим ўзининг меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол бузса.

8.1.52. Бир марта қўпол бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин бўлган қўпол бузишларга қуйидагилар киритилади:

ижро интизомини бузиш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, фармойишлари ва топшириқларида, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари ва фармойишларида, юқори орган, ҳокимлик ва иш берувчининг қарорларида қўйилган вазифаларни амалга оширишни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда таъминламаганлик);

ишга узрсиз сабаблар билан чиқмаслик (ишда узрсиз сабаблар билан иш куни мобайнида узлуксиз ёки вақти-вақти билан жами 3 соатдан кўпроқ бўлмаганлик);

ишга алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик воситаларини истеъмол қилиб келиш, буни гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида тузилган далолатнома ёки тиббий хулоса тасдиқлаган бўлса;

иш жойида муассасанинг мол-мулкинн ўғирлашни содир этиш, буни гувоҳлар тасдиқлаган бўлса;

тарбиячилик вазифаларини бажараётган профессор-ўқитувчи, ходимнинг мазкур ишда ишлашини давом эттириш мумкин бўлмаган ғайриахлоқий иш ҳаракатни содир этиши;

профессор-ўқитувчилар, ходим томонидан таълим олувчиларга руҳий ва жисмоний таъсир ўтказган бўлса;

муассаса ходимларининг, таълим олувчиларнинг шу жумладан, тартиббузарнинг ҳам ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган тарзда хавфсизлик техникасини, ишлаб чиқариш технологиясини қўпол равишда бузиш;

махфийлиги меҳнат шартномасида шарт қилиб қўйилган сирининг ходим томонидан ошкор қилиниши;

бевосита пул ёки товар бойликларига хизмат кўрсатадиган ходим томонидан айбли ҳатти-ҳаракатлар содир этилиши, агар бу ҳатти-ҳаракатлар иш берувчи томонидан унга нисбатан ишончнинг йўқолиши учун асос бўлса.

8.1.53. Меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин:

ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилганда;

илгари шу ишни бажарган ходим ишга қайта тиклангнда;

ходим илгариги ишини давом эттиришига имкон бермайдиган жазога ҳукм қилиниб, қонуний кучга кирганда, шунингдек, суднинг қарорига кўра ходим ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига юборилганда;

ишга қабул қилишнинг белгиланган қоидалари бузилганда, агар йўл қўйилган бузилишни бартараф этиш мумкин бўлмаса ва ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса;

ходим вафот этганида;

агар ишни давом эттириш уларнинг соғлиғига хавф солса ёки улар учун бошқа зарар келтириш билан боғлиқ бўлса, ота-оналарнинг, васийлар (ҳомийлар), меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш органлари, 18 ёшдан ёш бўлган шахслар билан ишлаш бўйича комиссиялар талабига кўра.

8.1.54. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқда Меҳнат Кодекси ёки бошқа меъёрий ҳужжатларнинг тегишли банди ва моддасини ҳавола қилган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асоси кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббусига кўра мазкур қоидаларда кўзда тутилган узрли сабабларга кўра ва қонунчиликда муайян имтиёзлар ва афзалликларни бериш билан боғлиқ бошқа сабабларга кўра бекор қилинганида меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқда ушбу сабаблар кўрсатилади.

Муассаса ходими билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ЎзР МКнинг 106-моддасига биноан тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича ҳам амалга оширилади. Шунингдек, ЎзР МКнинг 97-моддаси 6-бандига биноан янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёҳуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан педагогик ходимлар билан меҳнат шартномаси ўқув йили (семестри) тугаганидан кейин бекор қилинади.

8.1.55. Муддатли меҳнат шартномасида уни муддатидан олдин бекор қилиш пайтида жарима тўлаш тўғрисида тарафларнинг ўзаро мажбурияти кўзда тутилган тақдирда:

иш берувчи мазкур қоидаларда кўзда тутилган асослар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида ходимга жарима тўлаши шарт, бундан меҳнат муносабатларини ходимнинг айбли ҳатти-ҳаракатлари учун бекор қилиш ҳолатлари мустасно;

агар меҳнат шартномаси унинг муддати тугашига қадар ходимнинг ташаббусига кўра, шунингдек, унинг айбли ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ асослар бўйича бекор қилинган бўлса, ходим иш берувчига жарима тўлаши шарт;

агар меҳнат шартномасида жариманинг ҳажми белгиланмаган бўлса, томонлар уни тўлашдан озод этилади.

## 9. Меҳнат интизомини таъминлаш ва жавобгарлик

9.1. Муассасада меҳнат интизоми меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига, жамоа шартномаси шартларига, ушбу қоидаларга ва технология интизомини, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси бўйича талаблар, шунингдек, ҳар бир ходим билан тузилган меҳнат шартномаси шартларини кўзда тутадиган муассасанинг бошқа локал ҳужжатларига риоя қилишни ўз ичига олади.

9.2. Меҳнат мажбуриятларини тегишли равишда бажариш, меҳнатда юқори натижаларга эришиш, муассасада узоқ муддат намунали ишлаш ва ишдаги бошқа ютуқлари учун муассаса ходимларига нисбатан қуйидаги рағбатлантиришлар қўлланиши мумкин.

миннатдорчилик;

пул мукофоти билан тақдирлаш;

қимматбаҳо совға билан мукофотлаш.

Жамият ва давлат олдидаги алоҳида хизматлари учун ходимлар қонунчиликда белгиланган тартибда давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин.

9.3. Тақдирлашлар одатда мазкур ходим ишлаётган таркибий бўлинма раҳбарининг ёки меҳнат жамоасининг тавсияномасига кўра муассаса раҳбари томонидан чиқариладиган буйруққа биноан муассаса Илмий кенгашида эълон қилинади.

9.4. Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) ҳайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Меҳнат интизомини мунтазам равишда бузган ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади; (ЎзР 20.08.1999 й. 832-1-сон қонуни таҳриридаги банд).

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш таъқиқланади (ЎзР МК нинг 181-моддаси).

9.5. Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади (ЎзР МК нинг 182-моддаси).

9.6. Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг содир қилган ножўя ҳатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди. Ходимнинг тушунтириш беришдан бош тортиши далолатнома билан расмийлаштирилади.

9.7. Интизомий жазони қўлланишда содир этилган ножўя ҳатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу ҳатти-ҳаракат со-

дир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

9.8. Ҳар бир ножўя ҳатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

9.9. Интизомий жазо бевосита ножўя ҳатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу ҳатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

9.10. Ножўя ҳатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

9.11. Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тушунтириш хати олинади. (ЎзР МКнинг 182-моддаси)

9.12. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолда интизомий жазони бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилмайли.

9.13. Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли (ЎзР МКнинг 183-моддаси).

Ходимдан интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

9.14. Интизомий жазо устидан ходим Ўзбекистон Республдикаси Меҳнат Кодексининг 184-моддасида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

9.15. Иш берувчига ходим бевосита тўғридан-тўғри зарар етказган ҳолда интизомий жазо ва таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини қўллашдан қатъи назар, ходим, бундан ташқари, қонунчиликда белгиланган тартибда моддий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

9.16. Меҳнат интизомини бузганлик учун ходимларга нисбатан, интизомий жавобгарликдан ташқари, локал ҳужжатлар билан таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ҳам қўлланиши мумкин (мукофотдан, иш якунлари бўйича йил учун мукофотдан тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш ва ҳ.к.).

9.17. Муассасанинг мансабдор шахслари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун қонунга биноан кўзда тутилган ҳолларда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Бундай жавобгарлик қуйидаги ҳолларда юзага келади:

меҳнат шартномасини ғайриқонуний эканлигини билиб туриб бекор қилиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик, шунингдек, ҳомиладорлиги ёки болага қараши кераклигини важ қилиб аёлларни ишга қабул қилишдан билиб туриб ғайриқонуний тарзда бош тортиш; ишга қабул қилишнинг белгиланган тартибини бузиш (маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган шахсларни қабул қилишдан бош тортиш);

муқобил хизмат хизматчилари, ҳарбий хизматга мажбурларни ҳужжатсиз ёки ҳақиқий бўлмаган шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар билан қабул қилиш;

қонуний кучга кирган суд ҳукми билан муайян лавозимларни эгаллаш ёки фаолият билан шуғулланиш тақиқланган шахсларни ишга қабул қилиш;

ёнғинга қарши қоидалар ва хавфсизлик техникасини, ишлаб чиқариш санитарияси ёки ходимга зарар келтиришга сабаб бўлган бошқа меҳнат қоидаларини бузганлик учун;

ходимнинг мурожаатини кўриб чиқишдан бош тортиш ёки уни ўз вақтида кўриб чиқмаслик ёҳуд улар бўйича асоссиз зид қарор қабул қилиш, ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ижро этмаганлик ва ҳоказолар учун.

**10. Бино ичидаги тартиб**

10.1. Ўқув биноларининг зарурий жи-

ҳозлар (мебель, ўқув ускуналари, нормал температура, ёритилиш ва бошқалар) билан таъминланиши учун муассаса молия-иқтисодий ишлар бўйича проректори жавобгардир.

Лаборатория ва кабинетларда ўқув жиҳозларининг мавжудлиги ва бутлиги учун лаборатория мудири ҳамда моддий жавобгар шахслар жавоб беради.

муассаса биноси ичида:

а) бош кийимда ва устки кийимда (пальто ва ҳ.к.) юриш;

б) қаттиқ гапириш, шовқин, дарс пайтида коридор бўйлаб кезиш;

в) чекиш;

г) спиртли ичимликлар ичиш, шунингдек шу ҳолатда бўлиш қатъиян маън этилади.

Муассасанинг маъмурияти бинони қўриқлашни, жиҳозлар, ускуналар ва бошқа зарур нарсаларнинг сақланиши, шунингдек, ўқув ва маиший бино ичида зарур тартибни таъминлашга мажбур.

Бинони қўриқлаш жиҳозларнинг сақланиши ва ёнғинга қарши ҳамда санитария қоидаларини таъминлаш муассаса ректори буйруғи асосида маъмурий-хўжалик бўлим ходимлари томонидан амалга оширилади.

10.2. Муассасада фуқароларни оғзаки мурожаатлари билан қабул қилиш учун қуйидаги қабул вақтлари белгиланади:

10.2.1. Муассаса ректори:

ҳафтанинг белгиланган куни:

жума: соат 14:00 дан 16:00 гача.

10.2.2. Муассаса проректорлари ва ҳуқуқшунос маслаҳатчи:

ҳафтанинг жадвалда белгиланган кунлари.

10.2.3. Факультет деканлари ва уларнинг ўринбосарларининг қабул вақти ҳафта давомида белгиланади.

10.3. Ўқув биноси хоналари, лаборатория ва кабинетларнинг калитлари навбатчи-қўриқлаш ходимида сақланади.

10.4. Ички тартиб қоидалари ёки ундан кўчирма муассасанинг порталида, факультет ва бўлимларида кўринарли жойга осиб қўйилади.

## 11. Иш вақти ва дам олиш вақти

11.1. Ходим ушбу қоидаларга, навбатчилик жадвалларига ва меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўзининг меҳнат мажбуриятларини бажариши керак бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

11.2. Муассасада ҳар кунги иш вақти 7 соатни ташкил этадиган олти кунлик иш ҳафтаси белгиланган. Профессор-ўқитувчилар таркибига 6 соатлик иш куни белгиланган.

Барча ходимлар учун ҳар ҳафталик дам олиш вақти бир дам олиш кунини (якшанба) ташкил этади. Ходимнинг иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ошмаслиги керак. (ЎзР МКнинг 115-моддаси)

11.3. Муассасанинг қуйидаги ходимлари учун иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади:

16 дан 18 ёшгача бўлган шахсларга-ҳафтада 36 соатдан ошмайдиган (ЎзР МКнинг 242-моддаси);

I ва II гуруҳ ногиронларига-ҳафтада 36 соатдан ошмайдиган (ЎзР МКнинг 220-моддаси);

ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати. (ЎзР МКнинг 117-моддаси);

профессор-ўқитувчилар учун иш вақти муддати ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги лозим. (ЎзР МКнинг 118-моддаси);

11.4. Ҳар кунги ишнинг давомийлик вақти қуйидаги ҳолларда бир соатга қисқартирилади:

байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида;

тунги вақтда ишларни бажарганда (соат 22.00 дан то 6.00 гача бўлган вақт тунги вақт ҳисобланади);

қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

11.5. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича ишга қабул қилиш пайтида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланиши мумкин.

Иш берувчи қуйидаги ҳолларда тўлиқсиз иш вақтини белгилаши мумкин:

ҳомиладор аёллар; 14 ёшгача боласи (16 ёшгача ногирон боласи) бўлган аёллар, шу жумладан, унинг ҳомийлигида ёки тиббий хулосага мувофиқ оиланинг касал аъзоси-

ни боқаётган шахснинг илтимосига кўра, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда.

Тўлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш ходим учун ҳар йилги таътил муддатини меҳнат стажини ҳисоблаш ва бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирор-бир тарзда чеклашларга сабаб бўлмайдиган ва ишланган вақтга мутаносиб ҳолда ҳақ тўланади.

11.6. Муассасада ҳар кунги ишнинг бошланиш ва тугаш ҳамда дам олиш ва овқатланиш учун танаффус вақти қуйидагича белгиланади, масалан:

ҳар кунги ишнинг бошланиш вақти: соат 9:00.

ҳар кунги ишнинг тугаш вақти: соат 17:00 (шанба 15.00).

овқатланиш учун танаффус вақти: соат 13:00 дан 14:00 гача.

Дарс машғулотлари тасдиқланган жадвалга мувофиқ бошланади ва тугайди. Профессор-ўқитувчилар кунлик иш режаси дарс жадвалига мувофиқлаштирилади.

11.7. Иш шароитларига кўра тушки танаффус вақтини белгилаш мумкин бўлмаган ходимларга овқатланиш учун иш вақтида камида 30 минут берилади. Бундай ишлар рўйхати, овқатланишнинг бошланиш ва тугаш вақти ҳамда жойини иш берувчи касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқлайдиган навбатчилик жадвалига биноан белгиланади.

11.8. Навбат билан ишлайдиган бўлинмаларда (участкаларда) иш навбатининг вақти, уларнинг навбатланиш тартиби, тушки танаффус вақти ёки овқатланиш вақти, дам олиш кунларини бериш корхона раҳбари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқлаган навбатчилик жадвалига кўра белгиланади.

Ходимни ишга икки навбат давомида кетма-кет жалб этиш таъқиқланади.

Ишнинг тугаши билан унинг кейинги кунда бошланиши (навбатда) ўртасидаги ҳар кунги дам олиш вақти 12 соатдан кам бўлмаслиги керак.

11.9. Ҳар кунги иш вақти (навбат) дан ортиқча белгиланган иш ходим учун иш кунидан ташқари меҳнат вақти ҳисобланади.

Иш кунидан ташқари меҳнат қилишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Иш кунидан ташқари ишлашнинг вақти икки кунда ҳар бир ходим учун тўрт соатдан (зарарли ва оғир меҳнат шароитларида ишлашда-кунига икки соатдан) ва бир йилда 120 соатдан ошмаслиги керак.

Муассаса ходимлари, шу жумладан, профессор-ўқитувчилар таркибининг қуйидаги ишлари ўриндошлик иши ҳисобланмайди:

йилига 240 соатдан ошмаган ҳажмда соатбай тартибидаги педагогик иши;

мустақил тадқиқотчиларга йилига 25 соат, аспирантларга йилига 50 соат ҳажмда соатбай илмий раҳбарлик.

Қонунчиликка мувофиқ бошқа иш бажариш.

Иш вақтидан ташқари ишлашга қуйидагиларга рухсат берилмайди:

Иш навбатининг вақти 12 соатни ташкил этадиган ходимлар;

18 ёшгача бўлган ходимлар;

ноқулай меҳнат шароитларида иш бажараётган ходимлар.

11.10. Ходимларнинг айрим тоифаларини дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга жалб этишга фақат фавқулодда ҳолларда иш берувчининг ёзма фармойиши билан ўрнатилган тартибда йўл қўйилади.

11.11. 18 ёшгача бўлган шахсларни тунги ишларга ҳамда дам олиш ва байрам кунларида ишлашга жалб этиш тақиқланади.

Ногиронлар, ҳомиладор аёллар ва 14 ёшгача болалари бўлган аёллар кўрсатилган ишларга фақат уларнинг розилиги билан жалб этилиши мумкин.

Бунда ногиронлар бундай ишлар тиббий тавсиялар билан уларга тақиқланмаслиги шарти билан жалб этилади. Шунга ўхшаш тиббий тавсияси бўлган ва ўзи розилик билдирган ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача болалари бўлган аёллар кўрсатилган ишларга жалб этилиши мумкин.

11.12. Барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошларга ҳам иш жойи ҳамда ўртача иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда ҳар йилги меҳнат таътиллари берилади.

11.13. Ҳар йилги таътиллар (асосий ва қўшимча) вақти уларга ҳақ тўлаш ва ҳисоблаш тартиби, шунингдек, таътил олиш-

га ҳуқуқ берадиган иш стажини ҳисоблаш қонунчиликда кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

11.14. Ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг қанча давом этиши томонларнинг келишуви билан белгиланади.

11.15. Ҳар йилги асосий таътил қуйидагича берилади: ишланган биринчи йил учун олти ой ишлагандан кейин;

иккинчи ва кейинги йиллардаги иш учун таътиллар жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида, педагог ходимларга ўқув йили тутугандан кейин берилади.

11.16. Таътил ҳар йили у бериладиган иш йили тугашига қадар берилиши керак. Таътил ходимнинг ёзма аризасига кўра қисмларга бўлиб берилиши мумкин. Таътил қисмларидан биринчиси камида 12 иш кунини ташкил этиши керак.

Фақат ходимнинг розилиги билан таътилдан чақириб олиш мумкин. Таътилнинг фойдаланилмаган қисми жорий йилда берилади ёки кейинги йилга кўчирилади.

Шунингдек, таътилдан чақириб олинган ходимнинг хоҳишига қараб энг кам муддатдан (15 иш кунидан) ортиқча йиллик таътил учун пул бадали тўланиши мумкин.

11.17. Ижтимоий таътилларнинг барча турлари, шунингдек, ноқулай иш шароитларида ишлаш, ишнинг алоҳида тарзи, оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитларида ишлаганлик учун қўшимча таътилларнинг барча турларидан албатта фойдаланилиши керак, уларни пул бадали билан алмаштиришга йўл қўйилмайди;

-ўқиш билан боғлиқ таътиллар (ЎзР МКнинг 254-257-моддалари);

-ижодий таътил (ЎзР МКнинг 258-моддаси);

11.18. Ҳар йили бериладиган таътиллар календарь йили бошланишига қадар муассаса касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда раҳбар томонидан тасдиқланган жадвал асосида белгиланади.

Ходим таътилни бериш вақти тўғрисида унинг бошланишидан кўпи билан 15 кун олдин хабардор қилиниши керак.

11.19. Таътил учун ҳақ таътил бошланадиган кундан олдинги кунда тўланиши керак.

Ходимнинг унга таътил вақти учун ҳақ тўлангунгача берган аризасига кўра таътил бошқа муддатга кўчирилиши мумкин.

11.20. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги, келишувга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра меҳнат муносабатларини кейин тугатган ҳолда ҳар йилги асосий ва қўшимча таътиллар берилиши кўзда тутилиши мумкин.

Мазкур ҳолда таътилнинг тугаш куни меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси деб ҳисобланади.

Кейин ишдан бўшатиш шарти билан таътилга ёки томонларнинг келишувига кўра белгиланган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш муддати тугаган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани қайтариб олишга ҳақли бўлмайди.

**12. Якуний қоидалар**

**12.1. Низоларни ҳал этиш тартиби**

12.1.1. Ҳар бир ходим ва таълим олувчи қонунчиликда, мазкур қоидаларда, муассасанинг бошқа локал ҳужжатларида ҳамда меҳнат ва мутахассис тайёрлаш бўйича шартномаларида кўзда тутилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

12.1.2. Ўзининг ҳуқуқларини бузилган деб ҳисобловчи ходим ва таълим олувчи мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси орқали иш берувчига оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақлидир. Ходимнинг мурожаати қонунчиликда кўзда тутилган тартибда рўйхатга олиниши керак.

12.1.3. Ёзма жавоб ходимга унинг мурожаати моҳиятига кўра, бевосита кўриб чиқилгандан кейин юборилади.

Меҳнат шароитларини ўзгартириш тўғрисидаги мурожаатга жавоб ходимга бундай ўзгаришга бўлган ҳуқуқ қонунда кўзда тутилган уч кундан кечиктирмай жўнатилиши керак.

Ходим билан иш берувчи ўртасида кўрсатилган ҳолдаги ихтилоф пайтида ёки иш берувчининг жавобидан қониқмаганда ходим ўзининг танлашига кўра меҳнат низосини ҳал этиш учун меҳнат низолари бўйича

комиссияга (бундан кейин МНК) ёки бевосита судга, шунингдек, ваколатига кирадиган муассаса ходимларини ҳимоя қилиш бошқа органларга мурожаат қилишга ҳақлидир.

12.1.4. Ходим томонидан берилган ариза МНКда рўйхатга олинади ва ариза берган ходим иштирокида у берилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ходимнинг аризасини кўриб чиқишда иштирок этмаслигига фақат унинг ёзма аризасига кўра йўл қўйилади. Комиссиянинг мажлисига ходим узрли сабабларсиз келмаган тақдирда мазкур аризани кўриб чиқмаслик тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, бу эса ходимни қайтадан ариза топшириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

12.1.5. МНК қарори устидан манфаатдор ходим ёки иш берувчи МНКнинг кўчирма нусхасини олгандан кейин 10 кун ичида судга мурожаат қилиши мумкин.

12.1.6. Ходим судга ёки МНКга қуйидаги муддатларда мурожаат қилишга ҳақлидир:

ишга тиклаш тўғрисидаги низолар бўйича ходимга у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан бошлаб кўпи билан бир ой ичида;

бошқа низолар бўйича – ходим ўз ҳуқуқининг бузилгани тўғрисида билган ёки билиши керак бўлган кундан бошлаб уч ойдан кечиктирмай;

ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги низолар бўйича судга мурожаат қилиш муддати белгиланмайди.

## 1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Вазирлик Регламентини тасдиқлаш ҳақида»ги 2011 йил 11 ноябрдаги 447-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим ходимлари, олий таълим муассасалари ва ташкилотлари раҳбарлари:

- ўз фаолиятларини ушбу Регламентга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширсин;

- ҳужжатлар лойиҳаларини юзаки, сифатсиз тайёрлаш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилсин;

- ҳужжатларни тайёрлашда уларнинг тўғрилиги ва сифати учун лойиҳани тайёрловчи шахс жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин;

- зарур ҳолларда, ўзига юкланган вазифаларни ва функционал вазифаларни талаб даражасида бажарилишини таъминламаётган мутахассислар бўйича раҳбариятга тегишли таклифлар киритилсин.

3. Вазирликнинг 2007 йил 25 январдаги 15-сонли, 2008 йил 10 июндаги 169-сонли, 2009 йил 8 сентябрдаги 309-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари М.Арипджанов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 11 ноябрдаги 447-сонли буйруғига илова

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

## 1.Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Регламенти Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли ҳамда 2006 йил 7 август «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-436-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 341-сонли, 2004 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги 484-сонли, 2011 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 20 июлдаги 341- сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 18-сонли қарорлари ҳамда таълим тизимига доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, вазирлик фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Вазирлик Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, Маънавият ва маърифат маркази, Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси ва олий таълим муассасаларини бошқаради. Идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатьи назар, олий таълим муассасаларига ўқув-услубий раҳбарликни амалга оширади ҳамда улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги қонунчилигига риоя этилишини таъминлайди ва назорат қилади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олдида жавобгардир.

3. Вазирликка юклатилган вазифалар Вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари, вазирнинг биринчи ўринбосари - Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори, вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлимлар ходимларининг ташкилий-амалий иши билан амалга оширилади.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятига раҳбарликни Вазир амалга оширади. Вазир топширигига биноан вазирнинг биринчи ўринбосари вазирлик аппаратининг ишини ташкил қилади ҳамда Вазирлик бошқарма ва бўлимлари ишларини мувофиқлаштириб боради. Вазир бўлмаган ҳолларда (хизмат сафари, меҳнат таътили вақтида) – вазир вазифасини бажаради.

5. Вазирлик аппарати ва унинг таркибий бўлинмаларининг иш тартиби вазир томонидан тасдиқланган тегишли низомлар ва режалар билан белгиланади.

## II. Вазирлик ишини режалаштириш

6. Вазирликнинг иши ярим йиллик режаларига мувофиқ олиб борилади. Иш режалар вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари томонидан, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази (ЎМКҲТМ) раҳбари, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази (ОЎМКҲТРМ), Маънавият ва маърифат маркази (МваММ), Буюртмачи хизмати ягона инжиниринг компанияси (БХЯИК) раҳбарлари ва олий

таълим муассасалари ректорларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар йили 20 июнгача биринчи ярим йиллик ҳамда 20 декабргача иккинчи ярим йиллик иш режасига киритилган таклифлар асосида июль ва январь ойларининг биринчи ўн кунлигида Вазир томонидан тасдиқланади.

7. Иш режаларида белгиланган вазифаларни ҳамда бошқа топшириқларни барча ходимлар ижро интизомига қатъий риоя қилган ҳолда ўз вақтида, сифатли ҳамда зарур даражада бажариши лозим.

8. Ҳужжат лойиҳаларини сифатсиз тайёрлаш ҳолатларига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан ўрнатилган тартибда интизомий жазо чоралари кўрилади.

9. Муҳим давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий муаммоларни ҳал этиш учун вазирликнинг комплекс ёки мақсадли тадбирлари ишлаб чиқилади, улар вазирнинг ўринбосарлари томонидан вазирлик Ҳайъатига кўриб чиқиш учун киритилади.

10. Вазирликнинг марказий аппарати, олий таълим муассасалари ва ташкилотларида ижро интизоми ҳолатини мақсадли ва комплекс ўрганишлар бўйича ҳар чоракда режа тузилади ҳамда вазир буйруғи билан тасдиқланиб амалга оширилади. Ўрганиш натижалари бир ой муддат ичида муҳокама қилинади ва тегишли чоралар кўрилади.

11. Иш режаларига қўшимча масалаларни киритиш тўғрисидаги таклифлар вазирлик бошқарма ва бўлим бошлиқлари томонидан ўрнатилган тартибда раҳбариятга тақдим этилади.

12. Тасдиқланган режага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазирнинг кўрсатмаси билан ёки вазир рухсати билан вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан амалга оширилади.

**III.Вазирликка масалаларни киритиш тартиби**

13. Вазирликка ҳужжатлар олий таълим муассасалари ректорлари, вазирлик тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, улар бўлмаган (буйруқ асосида хизмат сафари, меҳнат таътилида бўлган) ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилади.

14. Вазирликка кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳар бир масала давлат тилида аниқ баён қилинган, зарур бўлганда, асосланган қарор ёки буйруқ (хат) лойиҳаси, шунингдек ҳужжатнинг моҳияти баён этилган кисқача хат билан тақдим этилади. Янги таълим йўналиши (мутахассислик) очиш ёки амалга оширилиши қўшимча моддий харажатларни талаб қиладиган қарорлар, буйруқлар лойиҳаларини тақдим этишда молиявий-иқтисодий ва бошқа асослар илова қилинади.

15. Олий таълим муассасаларини ривожлантириш Жамғармасидан маблағ ажратишга оид мурожаатлар билан бирга ушбу харажатларни мақсадли ишлатиш учун тузилган харажатлар сметаси, лойиҳа-смета (проектно-сметная документация) ва бошқа тегишли ҳужжатлар тақдим этилади.

Вазирликка киритиладиган ҳужжатлар Ўзбекистан Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартиб ва қоидаларига жавоб бериши лозим.

16. Ҳужжатларнинг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўғрилиги учун Вазирлик олдида шахсан олий таълим муассасалари ректорлари ҳамда ташкилот ва муассасалар раҳбарлари жавоб берадилар.

17. Ушбу Регламентда кўрсатилган талабларга риоя қилинмасдан вазирликка киритилган ҳужжатлар кўриб чиқилмасдан қайтарилади.

18. Вазирликнинг топшириқлари олий таълим муассасалари, вазирлик тасаррруфидаги ташкилот ва муассасалари томонидан ҳужжат жўнатилган кундан бошлаб, (агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса) 10 календарь кун мобайнида бажарилиши керак.

19. Вазирликда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқлари ва Ҳайъат қарорлари мониторингги ташкил этилади. Ушбу ҳужжатларни ижроси юзасидан олий таълим муассасалари ва ташкилотларининг ҳисоботлари 1 ва 2-жадвалларга мувофиқ электрон шакли ҳар ойнинг 2-сана-

сида, қоғоз шакли ҳар ойнинг 5-санасигача Назорат ва мониторинг бошқармасига топширилади.

20. Ҳужжатларнинг бошқа турларини тайёрлаш ва вазирлик раҳбариятига тақдим этиш, шунингдек улар бўйича ижрочиларга топшириқлар (кўрсатмалар, резолюциялар) ни етказиш вазирликнинг иш юритиш тартиби бўйича амалга оширилади.

**IV. Вазирлик Ҳайъати ва Аппарат Кенгаши йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби**

21. Вазирлик Ҳайъатида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга оид муҳим устувор вазифалар, қабул қилинган қарорлар бажарилишини текширишнинг, кадрларни танлаш ва улардан фойдаланишнинг асосий масалалари, энг муҳим буйруқлар ва йўриқномалар лойиҳалари, Вазирлик бошқармалари ва бўлимларининг, таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботлари кўриб чиқилади ва улар бўйича қарорлар қабул қилинади. Ҳайъатнинг йиллик иш режаси вазирлик бошқарма ва бўлимларининг таклифлари асосида шакллантирилади ва Ҳайъат раиси томонидан тасдиқланади.

22. Вазирлик Ҳайъат йиғилишлари, одатда, ҳар ойнинг учинчи жума кунида ўтказилади. Йиғилишларни вазир ёки унинг топширигига биноан вазирнинг биринчи ўринбосари олиб боради. Ҳайъат йиғилишларига, одатда, олий таълим муассасалари ректорлари, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилади. Зарурат туғилганда шошилинч масалаларни кўриб чиқиш учун Ҳайъат режасидан ташқари йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

23. Ҳайъат йиғилишига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни мувофиқлаштириш мақсадида вазир ёки вазир топшириғига биноан вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан вазир ўринбосарлари ёки бошқарма бошлиқлари таркибидан масъул ходим белгиланади. Масъул ходим Ҳайъат йигилишининг кун тартибидаги масалалар бўйича маълумотнома ва қарор лойиҳаларини тайёрлаш сифатини, йиғилиш бўлиб ўтадиган жойни белгилаш, йиғилишга таклиф этиладиган ходимларни белгилаш ҳамда Ҳайъат қарорларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, жойларга ўз вақтида етказишга оид барча ишларни назорат қилади. Амалга оширилган ишлар ҳақида вазирликнинг Аппарат Кенгашига ахборот беради.

Ҳайъат қарорлари ва уларга оид ҳужжатлар аниқ ифодаланиши, қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши, кўриб чиқилаётган масаланинг пухта таҳлилини ва холис баҳосини ўзига олган бўлиши, ижрочилар олдига аниқ мақсад ва вазифалар қўйиши, уларни бажаришнинг аниқ муддатларини белгилаши керак.

Йиғилишнинг кун тартиби, одатда, йиғилиш ўтказиладиган кундан 10 кун олдин тайёрланади ва Ҳайъат аъзоларига Ҳайъат котиби томонидан тарқатилади.

Йиғилишда куриладиган масалалар бўйича 5 кун олдин Ҳайъат қарорлари лойиҳалари тааллуқли маълумотномалар ва асослар билан масъул бошқарма (бўлим) томонидан келишиш учун Ҳайъат раиси ва аъзоларига тарқатилади. Ҳайъат қарорлари бўйича Ҳайъат аъзолари ўртасида жиддий келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улар бу ҳакда Вазирга ёзма ахборот беришлари лозим. Ҳайъат аъзоси бир соат ичида лойиҳа билан танишиб, тегишли қўшимча ва таклифлар билан қайтаради. Масалани Ҳайъат муҳокамасига киритувчи масъул бошқарма (бўлим) лойиҳа юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда уни қайта ишлаб чиқиб, Ҳайъат аъзоларига имзога (визага) киритади.

24. Ҳайъат қарори лойиҳалари Ҳайъат аъзолари томонидан имзоланган (асосан қарор қисмидан иборат бўлган) тегишли маълумотнома (илова шаклида) киритилаётган масаланинг қисқача ахбороти билан, Ҳайъат йиғилиши ўтказиладиган кундан 3 кун илгари Ҳайъат котибига топширилади. Ҳайъат котиби кун тартибидаги масалалар бўйича тайёрланган қарор лойиҳаларини Ҳайъат раиси ва аъзоларига йиғилишдан олдин тарқатилишини таъминлайди.

Йиғилишда Ҳайъат аъзолари ва вазир топшириғи билан таклиф этилган олий таълим муассасалари ректорлари, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этади.

Таклиф этилганлар рўйхати вазир ёки унинг топширигига кўра вазирнинг биринчи ўринбосари билан келишилади.

25. Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Ҳайъат котиби Ҳайъат йиғилишига тайёргарлик кўришда ўз фаолиятини ушбу Ҳайъат йиғилишини ўтказишга масъул бўлган ходим билан келишилган ҳолда амалга оширади.

26. Йиғилишда сўзга чиқувчилар Ҳайъат кун тартибига қуйидагича риоя қилади:

- муҳокама этиладиган асосий масала бўйича маъруза - 10 дақиқа;
- таклиф ва мулоҳазалар учун - 5 дақиқа;
- маълумот (саволлар) учун - 3 дақиқа.

Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруғи билан тасдиқланади ва ижро учун жойларга етказилади.

27. Ҳайъат қарорлари одатда Ҳайъат йиғилишларида муҳокама қилинади. Муҳокама даврида уларни қабул қилиш бўйича овозга қўйилади. Ҳар бир Ҳайъат аъзоси битта овозга эга бўлган ҳолда овоз беришда иштирок этади. Олий таълим муассасалари ректорлари, шунингдек бошқа таклиф этилган шахслар овоз беришда катнашмайди.

Айрим шошилинч масалалар ёки муҳокама этилиши зарур бўлмаган масалалар бўйича қарорлар лойиҳалари йигилиш ўтказилмасдан, Ҳайъат аъзолари билан келишилган ҳолда Ҳайъат раисига тасдиқлаш учун киритилиши мумкин.

Ҳайъат қарорини, Ҳайъат йиғилиши баёнини расмийлаштириш, йиғилиш қатнашувчиларини таклиф этиш, ҳужжатларни ўз вақтида тегишли муассаса ва ташкилотларга тарқатиш, Ҳайъат қарорларида белгиланган топшириқларни бажарилишини назорат қилиш учун Ҳайъат котиби масъул шахс деб ҳисобланади.

28. Вазирлик ҳамда унинг тасарруфида бўлган муассаса ва ташкилотларда ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар ҳафтада бир марта, одатда, сешанба куни соат 09-00 да вазир ёки вазир топшириғига биноан вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан вазир ўринбосарлари, ЎМКҲТ Маркази, ОЎМКҲТР Маркази, МваММ ва Буюртмачи хизмати ягона инжиниринг компанияси раҳбарлари, бошқарма бошлиқлари, ҳуқуқшунос ва Ҳайъат котиби (илова 1) ҳамда йиғилишга таклиф этилган маърузачилар иштирокида Аппарат Кенгаши йигилишлари, шунингдек Аппарат Кенгашининг кенгайтирилган таркиби (илова 2) иштирокида ҳар куни соат 9-00 да тезкор йиғилишлар ўтказилади. Уларда Ўзбекистан Республикаси ҳукумати топшириқлари, фуқаролар мурожаатларининг кўриб чиқилиши, ижро, меҳнат ва молия интизоми мониторинги, Вазирлик Ҳайъатида муҳокама этиладиган қарор лойиҳалари, вазирлик иш режасининг ўтган давр мобайнида қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда вазирлик аппаратининг жорий фаолияти масалалари вазирликнинг Аппарат Кенгаши йиғилишида мунтазам равишда кўриб чиқилади.

Вазирлик Аппарати Кенгаши йиғилишлари баён билан расмийлаштирилади ва йиғилиш ўтказилган куни соат 16-00гача ижрочиларга тарқатилади. Кун тартиби йиғилиш ўтказилишидан камида 3 кун илгари тайёрланади. Белгиланган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан навбатдаги Аппарат Кенгаши йиғилишида Ҳайъат котиби ва масъул ходимлар ахборот беради (3 мин.).

Аппарат Кенгаши йиғилишларини расмийлаштириш ва топшириқларнинг бажарилишини назорати Ҳайъат котиби зиммасига юклатилади.

## V. Олий таълим муассасаларини ривожлантириш Жамғармаси Кенгаши йиғилишларини ўтказиш тартиби

29. «Олий таълим муассасаларини ривожлантириш Жамғармаси тўғрисида»ги Низомда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Вазирликда Олий таълим муассасаларини ривожлантириш Жамгармаси Кенгаши ташкил этилади. Жамғарма Кенгаши аъзолари вазир томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Жамғарма Кенгаши йиғилишлари одатда, ҳар чоракнинг учинчи ойининг охирги ўн кунлигида ўтказилади. Зарур ҳолларда Жамғарма Кенгаши йиғилишлари навбатдан ташқари ўтказилиши ҳам мумкин. Йиғилишларни Жамғарма Кенгаши Раиси – Вазир ёки унинг топшириғига биноан вазир ўринбосари олиб боради.

30. Жамғарма Кенгаши йиғилишларига керакли ҳужжатлар: смета лойиҳаси, ҳисоботлар, маблағ ажратиш ҳақидаги олий таълим муассасаларининг мурожаатлари, Жамғармадан ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилиши ҳақида маълумотномалар – Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси томонидан; Вазирлик аппарати ва таълим тизими ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш бўйича таклифлар – Кадрлар бошқармаси ҳамда Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси билан келишилган ҳолда Вазирликнинг Касаба уюшмаси томонидан киритилади.

31. Жамғарма Кенгашида кўриб чиқилиши учун «Олий таълим муассасаларини ривожлантириш Жамғармаси тўғрисида»ги Низомда курсатилган қуйидаги масалалар киритилади:

- Жамғарма харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш – ҳар йили декабрь ойида;
- Жамғарма харажатлар сметасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш – зарурат бўлғанда ҳар чоракда бир марта;
- Жамғарма харажатлар сметасини ижроси бўйича ҳисобот–ҳар чоракда бир марта;
- Жамғарма харажатлар сметасини бажарилиши бўйича йиллик ҳисоботни Вазирлик Ҳайъатига киритиш учун тасдиқлаш – ҳар йили февраль ойида;
- Жамгарма Кенгашига янги аъзоларни қабул қилиш – зарурат бўлганда;
- Вазирлик аппарати ва тизими ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида маблағ ажратиш ҳақида - байрам кунларидан 10 кун олдин, шунингдек зарурат бўлганда;
- Жамғармадан олий таълим муассасаларини ривожлантирилишига йўналтирилган мақсадли маблағ ажратиш ҳақида ва ҳ.к. – навбатдаги Кенгаш йиғилишида;
- Жамғармадан ажратилган маблағларни ишлатилиши ҳақида ҳисоботлар – ҳар чоракда.

32. Жамғарма Кенгаши кўриб чиқиши учун ҳужжатларни киритиш тартиби Регламентининг 14-16 бандлари талабларига катъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Жамғарма Кенгаши йиғилишлари баёни Кенгаш аъзолари имзолагандан сўнг Раис томонидан тасдиқланади ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади. Баённинг асл нусхаси маблағ ажратиш ҳақидаги буйруқнинг асл нусхаси билан – девонхонага, буйруқнинг нусхаси асослари билан бирга Молиялаштириш ва бухғалтерия ҳисоби бошқармаси (бош ҳисобчи)га топширилади. Кенгаш баёнининг қарори Вазирнинг буйруғи билан жорий этилади ҳамда нусхаси Назорат ва мониторинг бошқармасига назорат учун берилади.

Жамғармадан ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси томонидан амалга оширилади.

## VI. Вазирлик буйруқларини ва қарорларини расмийлаштириш ва тарқатиш

33. Вазирлик буйруқлар чиқаради ҳамда Ҳайъат қарорлари ва Аппарат Кенгаши йиғилиши баёнларини қабул қилади. Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари буйруқ шаклида чиқарилади. Умуммажбурий тусдаги буйруқлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланади. Тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар вазирлик Аппарати Кенгаши йиғилиши баёни шаклида расмийлаштирилади.

34. Вазирлик Ҳайъати йиғилишларида муҳокама этиш давомида мулоҳазалар билдирилган, қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритилган қарорлар лойиҳалари, тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқлари томонидан қайта ишлаб чиқилади ва икки кун муддат ичида ўрнатилган тартибда Ҳайъат Раиси – Вазирга имзолаш учун тақдим этилади.

35. Вазирлик Ҳайъати йиғилишларида қисқа баён олиб борилади. Йиғилиш баёнини расмийлаштириш икки кун ичида амалга оширилади. Унга Ҳайъат Раиси - Вазир ва Ҳайъат котиби имзо қўяди.

36. Буйруқ лойиҳалари, одатда, бошқарма ва бўлим бошлиғи томонидан вазир топширигига мувофиқ ёки ўзининг ташаббуси билан вазир ўринбосарлари, бошқа бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ҳуқуқшунос билан келишилган ҳолда киритилади. Кели-

шиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги лозим. Имзоланган буйруқ девонхонага асослари билан рўйхатдан ўтказиш учун асл нусхаси тақдим этилади ва тарқатиш рўйхати (реестри) бўйича дарҳол Ишлар бошқармаси оператори томонидан олий таълим муассасалари, девонхона томонидан Назорат ва мониторинг бошқармасига ҳамда вазирлик аппарати ходимлари (ижрочиларига) ва бошқа мутасадди ташкилотларга тарқатилади.

37. Вазирлик буйруқ ва Ҳайъат қарорларининг асл нусхалари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган Вазирликнинг муҳри билан тасдиқланади ва девонхонада темир шкафларда ўрнатилган тартибда сақланади. Ҳар чорак архивга топшириш талабларига риоя қилган ҳолда тўпламга жамлаб борилади ва ўрнатилган муддатда архивга сақлаш учун топширилади ва фаолиятда буйруқ, Ҳайъат қарори ва Аппарат Кенгаши йиғилиши баёнларининг иккинчи нусхаларидан фойдаланилади.

39. Раҳбарият томонидан олий таълим муассасалари ва ташкилотларига юборилаётган топшириқлар вазирликнинг хат бланклари орқали расмийлаштирилади.

40. Вазирликнинг буйруқлари, Ҳайъат қарорлари, агар уларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, имзоланган вақтидан бошлаб кучга киради ва электрон почта орқали рўйхат асосида юборилади. Ишлар бошқармаси томонидан ҳар ой брошюра шаклида тасарруфида олий таълим муассасалари бор вазирлик ва идораларга ҳамда олий таълим муассасаларига тарқатилади.

Вазирликнинг умуммажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий буйруқлари рўйхатдан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган, аммо Давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий кучга эга эмас деб ҳисобланади.

41. Вазир, Вазир бўлмаган ҳолларда вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан Олий таълим муассасалари бош бошқармаси билан биргаликда ўқув жараёнига оид қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланади:

- Давлат таълим стандартлари;
- Намунавий ўқув режалари ва ўқув дастурлари.

42. Ўрнатилган тартибда тасдиқланган таълим ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган мухр қўйилиб барча олий таълим муассасаларига етказилади. Ҳар бир таълим ҳужжатларининг турлари намуна шаклида вазирликда сақланади.

43. Вазирликда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳри, «Девонхона» ва вазирликнинг бурчак тамғаси (девонхона мудирида), «Ходимлар бўлими» муҳри (Кадрлар бошқармаси бошлиғида), «Пакетлар учун - Махфий бўлим» ва «Биринчи бўлим» мухрлари (махфий-сафарбарлик бўлими бошлиғида) сақланади. Муҳр ва тамғадан фойдаланиш тартиби ҳамда уларни сақлаш учун масъул шахслар белгиланган тартибда буйруқ билан расмийлаштирилади.

Вазирликнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳри билан вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарлари томонидан вазирликнинг тегишли ҳужжатларига қўйилган имзолари тасдиқланади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа мутасадди идоралар томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган шакллар бўйича Вазирлик томонидан фақат бош ҳисобчи имзоси билан топшириладиган ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳр билан тасдиқланади.

### VII. Вазирликнинг доимий, вақтинчалик комиссиялари ва бошқа ишчи органлари

44. Ҳукумат қарорлари, вазирлик топшириқларини хаётга татбик этишга кўмаклашиш, қабул қилинган ҳужжатларнинг олий таълим муассасалари ва вазирлик тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларида қандай бажарилаётганини назорат килиш ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича вазирлик томонидан унинг доимий комиссиялари, ишчи гуруҳлари тузилиши мумкин.

Вазирлик уларнинг вазифаларини, функцияларини ҳамда фаолият тартибини алоҳида буйруқлар билан белгилайди.

## VIII. Вазирликда ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқилиши

45. Вазирликка келиб тушган ҳукумат қарорлари, топшириқлари девонхонада рўйхатга олинади ва зудлик билан раҳбариятга киритилади. Вазир ёрдамчиси иштирокида Олий Мажлис, Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларини бажариш бўйича, ҳужжатлар олинган вақтдан бошлаб бир соат мобайнида, бўлинмалар бажариши керак бўлган топшириқлар тайёрланади. Вазир резолюцияси билан девонхона томонидан бир соат ичида масъул ходимларга етказилади ва бир нусхаси ўрнатилган тартибда назорат учун тақдим этилади.

46. Олий Мажлис, Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси ва вазирликнинг ҳужжатлари бўйича ижро муддати, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, 10 кунгача этиб белгиланади.

Агар топшириқ бир неча ижрочига таааллукли бўлса, у ҳолда уни бажаришга масъул бўлган раҳбар, мувофиқлаштириш (чақириш) учун топширилган мансабдор шахс, унинг бажарилишини ташкил этишга мажбурдир. Ижрочилар топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши учун баробар жавоб берадилар. Бажариш муддати фақат топшириқни имзолаган раҳбар ёки унинг рухсати билан биринчи ўринбосари томонидан узайтирилиши мумкин.

Топшириқда қўйилган масалалар ҳал қилинган ёки асосий масала бўйича жавоб берилган тақдирда у бажарилган ҳисобланади.

47. Олий Мажлис, Президент Девони, Вазирлар Маҳкамасига таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг регламентига қатъий риоя қилган ҳолда вазир томонидан, вазир бўлмаган ҳолларда вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан киритилади.

48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари билан бирга ушбу ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши ҳамда уни келишуви хронологияси ҳақида маълумотнома тайёрланади.

49. Ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 28 августда тасдиқданган «Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизоми аҳволи мониторингини олиб бориш тартиби»га мувофиқ амалга оширилади.

50. Ижро интизомини узрсиз сабабларга кўра қўпол бузилишига йўл қўйган вазирлик аппарати, шунингдек номенклатурасида бўлган раҳбар ва масъул шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари меҳнат қонунчилигига мувофиқ Вазир буйруғи асосида қўлланилади.

## VIII. Вазирлик томонидан назорат қилиш ваколатларини амалга ошириш тартиби

51. Вазирлик ўзининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича олий таълим муассасалари, ЎМКҲТМ, ОЎМКҲТРМ, М ва ММ ва БХЯИКнинг фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга оширади.

52. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, Вазирлик буйруқлари, Ҳайъат қарорлари ва Аппарат Кенгаши баёнлари бажарилишини ташкил этиш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида қонунчиликка риоя қилиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишларнинг аҳволини аниқлаш мақсадида таълим муассасалари ва ташкилотларида мақсадли ва комплекс ўрганишлар ўтказилади.

53. Ўрганиш якунлари Ҳайъат ёки Аппарат Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишларида кўриб чиқилади.

54. Хукумат ва вазирлик топшириқларида қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминламаган олий таълим муассасалари ректорлари, ташкилот

ва муассаса раҳбарлари, мансабдор шахслар, шунингдек вазирлик ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларининг кўрилишини таъминлайди.

### IX. Фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда фуқароларни қабул қилиш

55. Вазирлик аппаратида Фуқароларнинг ёзма ва огзаки мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда фуқароларни қабул қилиш тартиби «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва шу асосда ишлаб чикилган Вазирликнинг тегишли Низоми билан белгиланади.

56. Фуқароларни оғзаки мурожаатлари билан қабул қилиш вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

57. Фуқароларнинг хатлари, аризалари ва шикоятлари билан ишлашни ҳамда фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш учун масъулият Ишлар бошқармаси (девонхона)га юклатилади.

### X. Иш юритиш

58. Вазирлик аппаратида иш юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги «Ўзбекистан Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида ва иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сон, 1999 йил 12 январь «Ижро интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида»ги 12-сон қарорлари, шунингдек Ўзбекистан Республикаси Бош вазири томонидан 2009 йил 28 августда тасдиқланган «Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартиби» талаблари асосида ишлаб чиқилган Вазирликнинг Иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади.

### XI. Жавобгарлик

59. Ушбу Регламент талабларини бузган ходимларга нисбатан ўрнатилган тартибда тегишли интизомий жазо чоралари кўрилади.

**1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим тизимида бошқарув кадрлари захирасини узлуксиз тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида»ги 2010 йил 25 февралдаги 86-сонли**

**БУЙРУҒИ**

Олий таълим муассасалари фаолиятини замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш ва истиқболли режалар асосида ривожлантиришга муносиб ҳисса қўша оладиган бошқарув лавозимларида фаолият кўрсатаётган, шунингдек, бошқарув лавозимларига тайёрланаётган ва заҳирага олинган ҳалол, пок, фидоий, билимдон, мустақил фикрлай оладиган, масъулиятли, маънавий етук кадрларни бошқарув маҳоратини эгаллашга ўқитишни узлуксиз ва босқичма-босқич ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий таълим муассасаси раҳбар ходимлари (кафедра мудири, декан, проректор) ни узлуксиз тайёрлаш тажрибавий ўқув режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тажрибавий ўқув режасига киритилган ўқув курслари мавзулари бўйича дастурлар, ахборот ва ўқув-услубий таъминотни яратиш, ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига киритиш вазифаси 2-иловада келтирилган олий таълим муассасаларига топширилсин.

3. Ўқув курслари мавзулари бўйича дастурлар, ахборот ва ўқув-услубий таъминот Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, «Истеъдод» фонди, малака ошириш институтлари ҳамда таянч олий таълим муассасалари материаллари ва тажрибасидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилсин.

4. Заҳирага олинган номзодларда бошқарув маҳорати ва компетентликни шакллантириш мақсадида семинар, тренинг, стажировка, малака орттириш машғулотлари бўйича тайёрланадиган ўқув-услубий материалларнинг амалий малака ва кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилганлигига асосий эътибор қаратилсин.

5. Ўқув курслари бўйича тайёрланган ўқув-услубий материалларни умумлаштиришга масъул олий таълим муассасаси ректорларига материалларни ўрнатилган муддатларда Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига топшириш вазифаси юклатилсин.

6. Олий таълим муассасалари ректорларига:

кафедра мудири, декан, проректор ва ректор лавозимларига муносиб, бошқарувчилик, раҳбарлик қобилиятларига эга бўлган кадрларни танлаш, номзодлар билан суҳбат ўтказиш;

бошқарув фаолияти учун истиқболли деб топилган номзодни заҳирага киритиш ва уларга тегишли лавозимларда стажировка ўтишлари ва тажриба орттириши олий таълим муассасаси бўйича ташкилий ишларга фаол жалб этиш, илмий фаолиятларини жадаллаштириш имкониятларини яратиш;

заҳирага олинган кадрлар бўйича маълумотларни умумлаштириш, маълумотлар базасини шакллантириш;

заҳира кадрлар фаолияти мониторингини олиб бориш, раҳбар ходимларни узлуксиз тайёрлаш курсларига тавсиялар бериш вазифалари топширилсин.

7. Вазирликнинг Кадрлар бошқармаси (К.Ғофуров)га бошқарув лавозимлар заҳирасига номзодлар базасини яратиш, фаолияти мониторинги ва ўқувларини ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш топширилсин.

8. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари А.Марахимов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2010 йил 25 февралдаги
86-сонли буйруғига 2-илова

**Олий таълим муассасаси раҳбар ходимлари (кафедра мудири, декан, проректор)ни узлуксиз тайёрлаш намунавий ўқув режасига киритилган ўқув курслари мавзулари бўйича дастурлар, ахборот ва ўқув-услубий таъминотни яратиш**

| № | Ўқув курслари ва мавзулари | Ижро муддати | Масъул олий таълим муассасалари |
|---|---|---|---|
| 1 | Олий таълим муассасалари ишини ташкил этиш ва бошқариш<br>Олий таълим муассасалари фаолиятини режалаштириш<br>Кафедра фаолияти<br>Факультет фаолияти<br>Ректорат фаолияти<br>Олий таълим муассасаси бўлимлари фаолияти<br>Олий таълим муассасасида тадбирлар турлари, уларни ўтказиш технологиялари<br>Хўжалик юритиш<br>Ижрони ташкил этиш, назорати ва мониторинги<br>Хорижий таълим тажрибаси | 2010 йил август | ЎзМУ, ГулДУ, АндДУ (ЎзМУ - умумлаштирувчи) |
| 2 | Олий таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш<br>Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш дастури<br>Мафкуравий иммунитет ва гоявий курашчанликни шакллантириш<br>Сиёсий-ҳуқуқий билим ва маданиятни шакллантириш масалалари<br>Соғлом турмуш тарзи ва жисмоний маданиятни шакллантириш<br>Шахснинг маънавий камолоти<br>Экологик билим ва маданиятни шакллантириш<br>Диний бағрикенглик (толерантлик) маданиятини шакллантириш | 2010 йил август | ТДШИ, ЎзДЖТУ, ТДМИ (ТДШИ - умумлаштирувчи) |
| 3 | Иқтисод ва молия<br>Умумий Иқтисодий билимлар<br>Олий таълим муассасасини молиялаштириш<br>Олий таълим муассасаси моддий-техник базаси<br>Маркетинг ва таълим хизматлари<br>Таълим менеджменти<br>Профессор-ўқитувчилар меҳнатини меъёрлаш ва хақ тўлаш<br>Таълимда инвестициялар<br>Солиқ ва Солиқка тортиш | 2010 йил август | ТМИ, Солик академияси (ТМИ - умумлаштирувчи) |
| 4 | Кадрлар сиёсати ва бошқаруви<br>Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси<br>Кадрларни излаш, танлаш ва мақсадли тайёрлаш<br>Кадрлар заҳирасини шакллантириш ва тайёрлаш<br>Профессор-ўқитувчилар лавозимлари малакавий талаблари<br>Профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш<br>Профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ижтимоий ҳимояси<br>Кадрларни бошкариш | 2010 йил август | ТДИУ, АндМИИ, Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академияси филиали (ТДИУ - умумлаштирувчи) |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5 | Илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва бошқариш<br>Илмий-тадқиқот ишлари ва уларни ташкил этиш<br>Аспирантура ва докторантура<br>Илмий лойиҳалар, грантлар тайёрлаш<br>Чет эл лойиҳаларида иштирок этиш<br>Иқтидорли талабаларни излаш, танлаш ва мақсадли тайёрлаш<br>Илмий-тадқиқот ишларини бошқариш | 2010 йил август | ТТЕСИ, ТДТУ, СамДУ (ТТЕСИ - умумлаштирувчи) |
| 6 | Инсон ресурсларини бошқариш<br>Бошқарув психологияси<br>Ижтимоий психология<br>Раҳбар ва ташкилот маданияти. Раҳбар меҳнатини ташкил этиш<br>Лидерлик. Жамоа бўлиб ишлаш<br>Бошқарув қарорларини қабул қилиш<br>Мажлисни ташкил этиш ва ўтказиш<br>Низоларнинг олдини олиш<br>Бошқарувда ахборот тизимлари | 2010 йил август | ТДИУ, Плеханов номидаги Россия иқтисодийт академияси филиали (ТДИУ - умумлаштирувчи) |
| 7 | Қўшимча курс (танлов мавзулари)<br>Бошқарувнинг иқтисодий-математик усуллари<br>Бошқарувнинг асосий принцип ва усуллари<br>Ташкилот маданияти<br>Бошқарувда инсон омили<br>Бошқарувни такомиллаштириш<br>Ҳужжат юритиш<br>Ҳуқуқ асослари<br>Патентшунослик | 2010 йил август | «Истеъдод» фонди, ТДЮИ («Истеъдод» - умумлаштирувчи) |

### 1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 26 февралдаги «Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш тўғрисида»ги 93-сонли

### БУЙРУҒИ

Таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш, идоравий бўйсунишдан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар республика олий таълим муассасаларида ўқув-педагогик ва илмий-методик ишларни замонавий талаблар даражасида йўлга қўйиш ва ривожлантириш, барча олий таълим муассасалари ўқув жараёнида илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, эришилган илғор тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва мамлакатимиз олий таълим муассасаларида кенг ёйиш, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда улар ихтиёридаги замонавий технологиялар, моддий-техник база, молия, кадрлар ва бошқа ресурсларни жалб этган ҳолда узлуксиз таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. «Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш чора-тадбирлари» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур чора-тадбирларни тайёрлашда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклиф ва мулоҳазалари инобатга олинганлиги ва улар

билан келишилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Чора-тадбирлар ижроси юзасидан бажарилган ишлар натижалари август ойида ўтказиладиган проректорлар семинарида тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида муҳокама қилинсин.

4. Мазкур буйруқнинг назорати вазир ўринбосари А.Марахимов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### Тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомилаштириш чора-тадбирлари

| № | Тадбирлар | Ижро шакли | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **1. Норматив-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш** | | | | |
| 1. | Олий таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (ДТС, ўқув режа, фан дастурлари, Низомлар, Йўриқнома ва ҳ.к.)ни ҳамкорликда ишлаб чиқишни ташкил этиш | 1. Таянч олий таълим муассасаларида ишчи гуруҳлар тузиш.<br>2. ДТС, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш.<br>3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тегишли вазирлик, буюртмачи ташкилот ва корхоналар келишувидан ўтказиш.<br>4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. | 2010 йил март-апрель Ўқув йили давомида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази (ОЎМКҲТРМ), таянч ОТМлари |
| 2. | Олий таълим муассасаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни татбиқ этиш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш | 1. ОТМларида тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этиш.<br>2. Кафедра, факультетлар кесимида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тадбиқи бўйича семинар-тренинглар ўтказиш режасини тузиш.<br>3. Талабаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш | Режа асосида (ўқув йили давомида 2-3 марта) | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари |
| 3. | Олий таълим муассасаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни татбиқ этиш ҳолатини ўрганиш | 1. Вазирлик буйруғи билан ишчи гуруҳлар ташкил этиш.<br>2. Ишчи гуруҳлар таркибига вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ОТМлари вакилларини киритиш.<br>3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тадбиқ этиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш.<br>4. Ўрганиш натижаларини ўқув ишлари бўйича проректорларнинг ҳар йилги август семинарларида муҳокама қилиш.<br>5. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, янгиларини яратиш бўйича бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | Ўқув йили давомида Август ойининг 3 декадаси | Тасарруфида ОТМлари бўлган. Вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **II. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш** | | | | |
| 4 | Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга оид норматив ва ўқув-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш | 1. Ишчи гуруҳлар тузиш.<br>2. Иш режасини тузиш.<br>3. Ҳужжатлар лойиҳасини келишувдан ўтказиш<br>4. Ҳужжатларни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш | Режада белгиланган муддатларда | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, таянч ОТМлари, Малака ошириш, қайта тайёрлаш муассасалари (МОҚТМ) |
| 5 | Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасиии ошириш жараёни мониторинги олиб бориш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини белгилаш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш ишларини йўлга қўйиш | 1. Мониторинг натижаларини таҳлил қилиш асосида тегишли тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш<br>2. Ўзаро тажриба алмашиш ишларини йўлга қўйишга багишланган семинар ва қўшма анжуманлар ташкил этиш | Доимий режа асосида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари, МОҚТМ |
| 6 | Вазирлик ва идоралар ҳамда улар тасарруфида бўлган корхона ва ташкилотлар мутахассисларини кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида ўқув жараёнига жалб қилиш | 1. Вазирлик ва идоралар ҳамда корхона ва ташкилотларнинг малакали мутахассислари рўйхатини тузиш<br>2. Тегишли дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва мутахассисларни бириктириш<br>3. Ўқув жараёнини ташкил этиш | Режа асосида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари, МОҚТМ |
| 7 | Вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда малака ошириш курслари тингловчиларининг ўқув амалиётларини ташкил этиш | 1. Корхона ва ташкилотларда ўтказиладиган ўқув амалиёти дастурларини ишлаб чиқиш<br>2. Ўқув амалиётини ўтказиш ва натижаларини кенгайтирилган ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиш | Ўқув амалиёти режаси ва дастурлари асосида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТ-Млари, МОҚТМ |
| 8 | Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасиии ошириш муассасаси йўналишлари бўйича хорижий мутахассисларни муассасанинг ўқув жараёнига жалб қилиш | 1. Йўналишлар бўйича хорижий малакали мутахассислар рўйхатини тузиш<br>2. Тегишли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш<br>3. Ўқув жараёнини ташкил этиш | Режа асосида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари, МОҚТМ |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9 | Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш | 1. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаси таълим жараёни учун зарур бўладиган замонавий ўқув-лаборатория воситаларини аниқлаш.<br>2. Мазкур воситаларни харид қилиш манбаларини топиш.<br>3. Ушбу воситалар билан кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини жиҳозлаш. | Режа асосида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари, МОҚТМ |
| 10 | Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган умумий ҳайъатлар ўтказиш ва муаммоларни биргаликда ҳал этиш чора-тадбирларини белгилаш | 1. Умумий Ҳайъатга қўйиладиган масалаларни келишиб олиш.<br>2. Масалаларга тайёргарлик кўриш.<br>3. Ҳайъатни ўтказиш ва Ҳайъат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилаб, уларни амалга ошириш. | Режа асосида | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ), тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ |
| **III. Олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга тақсимлаш** | | | | |
| 11 | Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларда битирувчиларни ишга тақсимлаш ва ёш мутахассислар фаолияти мониторингини олиб бориш ишларини мувофиқлаштирувчи Махсус комиссиялари фаолиятини амалий йўлга қўйиш. | 1. Махсус комиссиялар иш режасини қайта кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш.<br>3. Битирувчиларни битирув олди амалиёти ва битирув ишларини ишга тақсимланган корхона фаолиятидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш. | 2010 йил январь-февраль | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар раҳбарлари, уларнинг масъул бўлинмалари, ОТМлари |
| 12 | Вазирликлар ва идоралар ҳамкорлигида олий таълим муассасаларининг иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлигига доир тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш | 1. «Олий таълим муассасасининг иш берувчилар билан ҳамкорлигига доир тадбирлар комплекси»ни ишлаб чиқиш.<br>2. Тадбирлар комплексини тегишли вазирлик, идора буйруғи билан амалиётга жорий этиш. | 2010 йил март<br><br>2010 йил май | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 13 | Вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигида олий таълим муассасалари битирувчилари ҳақида (таълим йўналишлари ва мутахассисликлар кесимида давлат гранти ва тўлов-шартнома асосида кундузги ва махсус сиртқи таълим шакллари бўйича фамилияси, исми-шарифи кўрсатилган ҳолда) аниқ маълумотлар (электрон) банкини яратиш ва манфаатдор вазирлик ва идораларга узатиш тизимини йўлга қўйиш. | 1. «Битирувчилар» маълумотлар (электрон) банкини яратиш ва жорий этиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш.<br>2. Йўриқномани қўшма қарор билан амалиётга жорий этиш.<br>3. Битирувчилар маълумот базасини яратишда вазирлик, идораларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш. | 2010 йил май<br>2010 йил июль<br>доимий | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОТМлари |
| 14 | Вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигида олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашганлик ҳолатини инвентаризациядан ўтказиш тартиби бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш | 1. «Битирувчиларининг ишга жойлашганлик ҳолатини инвентаризациядан ўтказиш тартиби бўйича йўриқнома» ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2010 йил август | ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари |
| 15 | Вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигида олий таълимни корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардаги унумли меҳнат билан, шу жумладан ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш орқали битирувчиларни ишга тақсимлаш ва жойлаштиришга кўмаклашишни йўлга қўйиш | 1. Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнатини рағбатлантириш.<br>2. Битирувчиларни амалиёт ўтган корхонасига ишга тақсимлаш ва жойлаштиришда вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш. | Малакавий амалиёт даврида<br>тақсимот жараёнида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОТМлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **IV. Кадрлар тайёрлаш, янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларини очиш** | | | | |
| 16 | Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган талаб-эхтиёжларидан келиб чиққан ҳолда вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар таклифлари асосида янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича таклифлар тайёрлаш | 2. Тасарруфидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан кадрларни мақсадли тайёрлаш бўйича таклифлар олиш.<br>3. Таклифларни муҳокама қилиб умумлаштириш ва раҳбариятга тақдим этиш. | 2010 йил февраль-март<br>2010 йил апрель | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОТМлари |
| 17 | Вазирлик ва идоралар тасарруфидаги потенциал иш берувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардаги бўш иш ўринлари ҳамда бакалавр ва магистр кадрларга бўлган реал эҳтиёжларга мувофиқ шартномалар асосида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар, туманлар (шаҳарлар) ва вилоятлар кесимида «буюртмалар портфели» ҳақида маълумотлар (электрон) банки ва олий таълим муассасаларининг қабул квоталарига таклифларни шакллантириш. | 1. «Бўш иш ўринлари», «Буюртмалар портфели», «Қабул квоталарига таклифлар» маълумотлар банкини, уларнинг электрон вариантини яратиш ва жорий этиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2010 йил октябрь | ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари |
| **V. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш** | | | | |
| 18. | Маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишнинг услубий асосларини такомиллаштириш | Маънавий-маърифий ишларни самарадорлигини оширишга қаратилган долзарб мавзуларда яратиладиган услубий адабиётлар рўйхатини тузиш. Талаба ёшларнинг мазкур адабиётларга бўлган қизиқишларини орттириш учун уларни тайёрлашда замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш.<br>Услубий адабиётларни яратиш бўйича ижодий гуруҳлар таркибини шакллантириш ва уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш.<br>3. Услубий адабиётларни нашрга тайёрлаш ва чоп этилишини таъминлаш. | 2010 йил январь<br>2010 йил февраль<br>2010 йил август | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари, Маънавият бўлимлари, «Устоз-шогирд» кенгаши |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 19. | Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини аниқлаш ва баҳолаш механизмини такомиллаштириш | 1. Соҳа мутахассислари ва олимларидан иборат таркибда Илмий-ижодий гуруҳ шакллантириб, маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини аниқлаш ва баҳолашнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш. Маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини аниқлаш ва баҳолашни тизимли йўлга қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш.<br>Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини аниқлаш ва баҳолаш механизмини такомиллаштириш учун ҳар бир академик гуруҳда ҳар ойда ўтказиладиган йиғилишларда сўровнома ўтказиш ва талабалар таклифларини ўрганиб чиқиш учун ишчи гуруҳ ташкил этиш.<br>4. Талабалар таклиф ва истаклари асосида тузилган маънавий-маърифий ишлар режасининг асосий ижрочилари этиб ташаббускор талабаларни тайинлаш ва улар фаолияти мониторингини мунтазам олиб бориб, керакли кўрсатмалар бериб бориш. | 2010 йил май<br><br>2010 йил сентябрдан бошлаб<br><br>Мунтазам | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари, Маънавият бўлимлари, «Устоз-шогирд» кенгаши |
| 20. | «Маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишнинг шакл ва усуллари» мавзуида илмий-назарий ва услубий конференцияни ўтказишни йўлга қўйиш | 1 .Конференцияни ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш.<br>2. Ҳар ўқув йилининг май-июнь ойларида «Маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишнинг шакл ва усуллари» мавзусида илмий-назарий ва услубий конференция ўтказиш. Конференцияда билдирилган таклифларни янги ўқув йили режасини тузишда эътиборга олиш.<br>3. Конференция материалларини чоп этиш. | 2010 йил февраль<br><br>2010 йил май-июнь<br><br>2010 йил август | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари, Маънавият бўлимлари, «Устоз-шогирд» кенгаши |
| **VI. Илмий-педагог кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш ва иқтидорли ёшлар илмий ижодиётини ташкиллаштириш** | | | | |
| 21. | Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш соҳасини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш | 1. Олий ўқув юртидан кейинги таълимга Давлат талаблари лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Республиканинг барча олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари аспирантура ва докторантураларига умумий илмий-услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ваколатини амалга оширувчи давлат бошқарув органини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш.<br>3. Аспирантура ва докторантураларни даврий равишда (ҳар 5 йилда) аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2009-2010 ўқув йили давомида. | ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОТМлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 22. | Мақсадли аспирантура ва докторантурада илмий кадрлар тайёрлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш | 1. Мақсадли аспирантура ва докторантурага эҳтиёж бўйича таклифларни йигиш ва умумлаштириш.<br>2. Мақсадли аспирантура ва докторантураларга бўлган эҳтиёжни ҳам инобатга олган ҳолда қабул бўйича буйруқ лойиҳасини тайёрлаш.<br>3. Танловни эълон қилиш ва қабул жараёнини амалга ошириш. | Ҳар йили аспиран-тура ва докторан-тура қабулида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОТМлари |
| 23. | Ўзаро ҳамкорликда олий таълим муассаса (ОТМ)лари иқтидорли талабалари, аспирант ва докторантлари илмий ишларининг республика танловини ташкил этиш | 1. Танловни ташкил қилиш бўйича ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш.<br>2. Танловни ўтказиш тартибини белгиловчи Низом ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>3. Танловни эълон қилиш, ҳужжатларни қабул қилиш.<br>4. Танловни ўтказиш, ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш. | 2010 йил май | ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОТМлари |
| 24. | Идоравий бўйсинувидан қатъий назар республиканинг барча ОТМларида ўтказиладиган илмий анжуманларда тасарруфдаги ОТМларда тегишли йўналишларда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг иштирокини таъминлаш | 1. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши асосида ички буйруқларни расмийлаштириш.<br>2. Тасарруфдаги ОТМларда ўтказиладиган илмий анжуманлар бўйича ўзаро ахборот алмашинувини амалга ошириш.<br>3. Анжуманлар тўғрисидаги маълумотларни ОТМларга етказилишини таъминлаш. | Ҳар йили Вазирлар Маҳкама-сининг тегишли Фармойи-ши ва ички буйруқ-лар билан тасдиқла-надиган илмий анжуман-лар режаси асосида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари |
| **VII. Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш** | | | | |
| 25 | Ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги республика ёки минтақа миқёсидаги тадбирларни (семинар, конфренция, танлов,. чемпионат) ташкил этиш ва ўтказишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорликда иштирок этишини таъминлаш. | 1. АКТ йўналишидаги тадбирлар ўтказиш бўйича режа ишлаб чиқиш.<br>2. Тадбирларда вазирлик ва идоралар иштирокини таъминлаш. | 2010 йил январь Режа асосида | ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари |
| 26 | Вазирликлар ва идоралар томонидан ўз тасарруфидаги ОТМлар ахборот-таълим ресурсларини шакллантириш, веб-сайтларини такомиллаш-тиришга алоҳида мақсадли маблағ ажратилишини ҳамкорликда ташкил этиш. | 1. ОТМ веб-сайти ҳамда яратилаётган ахборот-таълим ресурслари сифатини ўрганиш.<br>2. Веб-сайти ҳамда яратилаётган ахборот-таълим ресурсларини ривожлантириш учун ҳамкорликда таклифлар тайёрлаш ва амалга ошириш чораларини белгилаш. | Ўқув йили давомида Ўқув семестри ва йили якунида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 27 | Вазирликлар ва идоралар томонидан ўз тасарруфидаги ОТМда ўқув жараёнида фойдаланиладиган компьютер техникаларини янгилаш, тармоқ техникалари билан таъминлаш учун мақсадли маблағ ажратилишини ҳамкорликда ташкил этиш. | 1. ОТМда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича қатор ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида талабаларнинг компьютер билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича режа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.<br>2. Интернет ва турли тармоқларга уланиш масалалари бўйича ҳамкорликда режа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Ўқув йили давомида режа асосида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари |
| 28 | Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалга оширилаётган ишлар, тадбирлар, янгиликлар, лойиҳалар ҳақидаги маълумотларни вазирлик идоралараро алмашинувини таъминлаш. | 1. Вазирлик идоралараро ахборот алмашинуви чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.<br>2. Режага биноан тегишли муддатларда маълумотларни жамлаш ва ОТМларда ёритиш. | Ўқув йили давомида, режа асосида | Тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг масъул бўлинмалари, ОЎМКҲТРМ, ОТМлари |

## II БОБ

## 2.1. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, АТТЕСТАЦИЯ ВА ДАВЛАТ АККРЕДИТАЦИЯСИДАН ЎТКАЗИШ

### 2.1.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ДАВЛАТ АККРЕДИТАЦИЯСИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 37-модда; 2011 й., 25-сон, 261-модда; 2012 й., 37-сон, 429-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 10 февраль, 21-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 10 февралдаги
21-сон қарорига илова

**Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида**
**НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасалари (кейинги ўринларда – таълим муассасалари)ни давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Таълим муассасалари давлат аккредитацияси Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 11 мартдаги 109-сон, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 24 июндаги 293-сон қарорлари ҳамда мазкур Низом асосида ўтказилади.

3. Таълим муассасасини аккредитациялаш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда – Давлат тест маркази) томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Аттестация таълим муассасаси фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асо-

сий шакли ҳисобланиб, таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

4. Давлат аккредитацияси таълим муассасаси фаолиятининг давлат таълим стандартлари мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда унинг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳуқуқини беришдан иборат.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ташкил этилган таълим муассасалари биринчи аттестациядан ўтгунга қадар аккредитацияланган деб ҳисобланади.

6. Лицензияга эга бўлган, давлат аккредитациясидан ўтмаган нодавлат таълим муассасалари битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича имтиҳонлар топширгандан кейин берилади.

7. Таълим муассасалари аттестацияси Давлат тест маркази томонидан ташкил этилади ҳамда ўтказилади.

**II. Аттестация ўтказиш тартиби**

8. Таълим муассасаси 5 йилда бир марта режа бўйича аттестациядан ўтказилади.

9. Янги ташкил этилган таълим муассасаси аттестацияси биринчи битирув якунларига кўра таълим олувчилар тайёрлаш даври тўла тугагандан сўнг ўтказилади.

10. Аттестация жараёнида таълим турлари бўйича таълим муассасаларининг охирги уч йиллик фаолиятини комплекс таҳлил этиш асосида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

а) мактабгача таълим муассасаларида:

-таълим-тарбия жараёнининг давлат талабларига мувофиқ ташкил этилганлиги;

-тарбияланувчиларнинг таълим-тарбия дастурларини ўзлаштириш даражаси;

-тарбиячи-педагог кадрлар салоҳияти;

болалар ривожи учун ўйинчоқлар, услубий қўлланма ва болалар адабиёти билан таъминланганлиги, спорт майдончалари ва зарур шароитларнинг яратилганлиги, овқатланиш ҳамда дам олиш хоналарининг белгиланган санитария-гигиеник ва эстетик талабларга мослиги, шунингдек, фойдаланиш ҳолати;

б) умумий ўрта таълим муассасаларида:

-таълим жараёнига давлат таълим стандартларининг жорий этилганлиги;

-ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги;

-ўқув-услубий ишларнинг олиб борилиши ва ўқувчиларнинг дарслик ҳамда услубий қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси;

-педагог кадрлар салоҳияти;

-таълим жараёнига замонавий ўқитиш услублари ва ахборот технологияларининг жорий этилганлиги;

-моддий-техник салоҳиятни ривожлантириш бўйича давлат дастурининг бажарилиш ҳолати;

-маънавий-маърифий ишларнинг ташкил этилиш сифати;

-ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг сифати;

-рейтинг баҳолаш тизимининг қўлланилиш сифати;

в) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида:

-ўқув-тарбиявий жараённинг давлат таълим стандартларига мувофиқ ташкил этилганлиги;

-таълим муассасаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлик даражаси ва уларнинг таълим-тарбия жараёнига жорий этилганлик ҳолати;

-ўқувчиларнинг ўқув режасидаги фанларни ўзлаштириш даражаси (билими);

-педагог, муҳандис-педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси ва уларнинг сифат таркиби;

-ўқув режасидаги фанлар бўйича зарур ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, луғат, маърузалар тўплами, услубий қўлланма, электрон дарслик)нинг мавжудлиги ва кутубхона фондининг улар билан тўлдирилганлиги;

-кутубхонанинг ўқитиш тилига мос ҳолда ўқув, услубий, сиёсий-ижтимоий, маънавий-

маърифий ва бадиий адабиётлар билан бойитилиши;

-моддий-техник таъминоти, ўқув, лаборатория ва амалиёт хоналари ҳамда устахоналарнинг жиҳозланиши, ахборот коммуникацион технологияларининг жорий этилганлиги, компьютерлаштириш даражаси, моддий-техник базасининг мавжуд таълим йўналишларига мослиги;

-мавжуд ўқув-лаборатория жиҳозлари, дастгоҳ, асбоб-ускуна ва техникаларнинг ўқув жараёнида ишлатилиши;

-замонавий педагогик технологияларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши;

иқтидорли ўқувчилар, республика ва халқаро фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ғолиблари салмоғи;

-таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси, таълим муассасаларида васийлик кенгашларининг ташкил этилганлиги ҳамда улар фаолиятининг самараси;

-касбга йўналтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлиги, таълим муассасасига ўқувчилар қабул қилиш жараёнининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши;

-битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга кириш ҳамда ишга жойлашиш даражаси;

-маънавий-маърифий ишларнинг режа асосида ташкил этилганлиги ва унинг самараси;

-ўқитувчи ва ўқувчилар учун яратилган ижтимоий-маиший шароитлар ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳолати;

г) олий таълим муассасаларида:

-давлат таълим стандартларининг ўқув жараёнига жорий этилиши;

-талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими);

-профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳияти;

-илмий-тадқиқот ишларининг истеъмолчилар талабларидан келиб чиқиб олиб борилаётганлиги;

-талабаларнинг дарслик (жумладан, электрон дарсликлар) ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражаси;

-моддий-техник таъминоти, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютерлаштириш салмоғи, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан тўлдирилиш ҳолати ва улардан фойдаланилиши ҳамда фойдали ўқув-лаборатория майдони билан таъминланганлик даражаси;

-замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши;

-таълимнинг ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграцияси;

-аспирантура ва докторантура орқали ҳамда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолияти;

-ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан ҳамкорлиги;

-маънавий-маърифий фаолияти;

-битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга ёки ишга жойлашиши;

-халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги;

д) кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларида:

-давлат талабларининг ўқув жараёнига жорий этилиши;

-моддий-техник, ўқув-лаборатория таъминоти, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш ҳолати;

-илмий-педагогик кадрлар салоҳияти ва улар фаолиятининг самарадорлиги;

-ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши (жумладан, мультимедиа ва бошқа услубларнинг қўлланилиши);

-таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси ҳамда халқаро ҳамкорлик фаолияти.

11. Таълим муассасалари аттестацияси холислик, тўла ошкоралик, даврийлик ва педагогик этика меъёрларига амал қилинган ҳолда ўтказилади.

12. Давлат тест маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда тасарруфида таълим муассасалари бўлган бошқа вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологияларини ишлаб чиқади ҳамда аттестация улар асосида ўтказилади.

13. Тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар аттестация жадвалини ҳамда аттестация текширувига

оид ҳужжатларни аттестация бошланишидан 3 ой олдин Давлат тест марказидан оладилар.

14. Давлат тест марказида аттестация қилинувчи таълим муассасаси учун аттестация билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар йиғма жилди расмийлаштирилади. Унда:

Давлат тест маркази директорининг комиссия тузиш ҳақидаги буйруғи;

таълим муассасасининг комиссияга тақдим этган ҳужжатлари нусхалари;

аттестация натижалари бўйича комиссия хулосаси;

аттестация натижалари бўйича Давлат тест маркази директорининг буйруги жамланади.

Ҳужжатлар йиғма жилди навбатдаги аттестация ўтказилгунга қадар Давлат тест марказида сақланади.

**III. Аттестация комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг таркиби**

15. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш учун Давлат тест маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилади. Аттестация комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия)лари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мутахассислари, фан ва таълим касаба уюшмаси ҳамда жамоатчилик вакиллари жалб этилади. Комиссияни туман (шаҳар) ҳокимининг масъул ўринбосари бошқаради.

Давлат тест маркази таълим муассасалари аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

*(15-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 20 июндаги 184-сонли қарори таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2011 й., 25-сон, 261-модда)*

16. Бевосита Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта мактаб таълим муассасалари учун Комиссиялар таркибига ушбу вазирлик ҳамда унинг вилоятлардаги бошқармалари мутахассислари, таълим муассасалари педагоглари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари жалб этилади. Комиссия Давлат тест маркази томонидан тузилиб, унга Давлат тест маркази ходими раҳбарлик қилади.

17. Олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун Комиссиялар таркибига таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари, таълимни бошқарув бўйича ваколатли давлат органларининг масъул ходимлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари ва тегишли ишлаб чиқариш корхоналарининг юқори малакали мутахассислари жалб этилади ҳамда улар аттестация қилинаётган таълим муассасаларига алоқадор бўлмаслиги лозим.

Комиссия Давлат тест маркази томонидан тузилиб, унга Давлат тест маркази ходими раҳбарлик қилади.

18. Комиссия аъзоларининг хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлган харажатлар уларнинг асосий иш жойи маблағлари ҳисобидан қопланади. Бюджет ташкилотларида тасдиқланган харажатлар сметасида хизмат сафари учун кўзда тутилган маблаглар доирасида амалга оширилади.

19. Комиссиялар таркиби ва иш муддати таълим муассасаларининг тури ҳамда таълим йўналишларига қараб белгиланади.

**IV. Аттестация якунлари**

20. Комиссия таълим муассасасидаги таълим дастурлари, йўналишлар ва мутахассисликларни аттестация қилиб, уларда кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлиги ҳақида хулоса тайёрлайди.

21. Комиссия таълим муассасаси раҳбарияти билан биргаликда аттестациядан ўтмаган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда таълим муассасаси фаолиятида аниқланган камчиликларни барта-

раф этиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқади. Давлат тест маркази аттестациядан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш устидан назоратни ташкил қилади.

22. Мактабгача таълим муассасалари аттестацияси бўйича экспертлар томонидан тарбияланувчилар учун ўтказилган назорат ишлари натижалари, давлат талабларини ўзлаштириш даражаси, таълим муассасаси уставида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича таълим муассасаси тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

ўтказилган назорат ишларида тарбияланувчиларнинг 80 фоизи ва ундан кўпи ижобий баҳоланиб, таълим муассасаси фаолияти мезонда белгиланган умумий баллнинг 80 фоизи ва ундан юқори балл тўплаганда «Аттестациядан ўтди»;

ўтказилган назорат ишларида тарбияланувчиларнинг 60 фоизи ва ундан кўпи ижобий баҳоланиб, таълим муассасаси мезонда белгиланган умумий баллнинг 65 фоизи ва ундан юқори баҳоланганда «Аттестациядан шартли ўтди»;

ўтказилган назорат ишларида тарбияланувчиларнинг 60 фоизидан ками ижобий баҳоланиб, таълим муассасаси мезонда белгиланган умумий баллнинг 65 фоизидан паст баҳоланганда «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

23. Мактабгача таълим муассасалари «Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилганда, улар бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилади.

24. Мактабгача таълим муассасалари «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилганда:

уларни тугатиш ёки қайта ташкил этиш;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (нодавлат таълим муассасалари учун);

лицензия муддатини узайтиришга рад жавобини бериш (нодавлат таълим муассасалари учун) масаласи қўйилади.

25. Умумий ўрта таълим муассасалари аттестацияси бўйича сўнгги уч йилда таълим муассасаси битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси ва экспертлар томонидан ўтказилган назорат ишлари натижалари, таълим муассасаси давлат таълим стандартлари ва уставида белгиланган вазифаларнинг бажарилиш даражаси асосида таълим муассасаси тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

битирувчиларнинг 75 фоизи ва ундан кўпи, назорат ишларида ўқувчиларнинг 60 фоизи ва ундан кўпи ижобий баҳоланиб, таълим муассасаси мезонда белгиланган умумий баллнинг 70 фоизи ва ундан кўпини тўплаганда «Аттестациядан ўтди»;

битирувчиларнинг 60 фоизи ва ундан кўпи, назорат ишларида ўқувчиларнинг 50 фоизи ва ундан кўпи ижобий баҳоланиб, таълим муассасаси мезонда белгиланган умумий баллнинг 55 фоизи ва ундан кўпини тўплаганда «Аттестациядан шартли ўтди»;

битирувчиларнинг 50 фоизи ва ундан ками «қониқарли» баҳоланган бўлиб, назорат ишларида ўқувчиларнинг 50 фоизи ва ундан кўпи «қониқарсиз» баҳоланиб, таълим муассасаси мезонда белгиланган умумий баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаганда «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

Умумий ўрта таълим муассасалари «Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилганда, улар бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилади.

26. Умумий ўрта таълим муассасаси «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилса:

таълим муассасаси раҳбарларини навбатдан ташқари аттестацияга жалб этиш;

таълим муассасаси битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини бошқа таълим муассасаси битирувчилари билан қўшиб ўтказиш;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (нодавлат таълим муассасалари учун);

лицензия муддатини узайтиришга рад жавобини бериш (нодавлат таълим муассасалари учун) масаласи қўйилади.

27. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги мавжуд таълим йўналишларининг 70 ва ундан кўп фоизи аттестациядан ўтган ҳолда таълим муассасаси «Аттестациядан ўтди», 30 дан 70 фоизгача – «Аттестациядан шартли ўтди», 30 ва ундан кам фоизида «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

28. «Аттестациядан ўтди» ва «Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилган ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг аттестациядан ўтмаган таълим йўналишлари бўйича кўрсатилган камчилик ва нуқсонларни тугатиш учун бир йил муддат берилади ва ушбу муддат тугагандан сўнг бу йўналишлар қайта аттестациядан ўтказилади.

29. Қайта аттестация натижаларига кўра «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган таълим йўналишлари тугатилади.

30. «Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилган таълим муассасалари бўйича таълимни бошқарув давлат органларига таълим муассасаси раҳбарияти, аттестациядан ўтмаган йўналишларга масъул бўлим бошлиқлари ва кафедра мудирларининг ўз лавозимларига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш ҳамда аттестация жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларни тугатиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия қилинади.

31. «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

таълим муассасаси фаолиятини қайта ташкил этиш бўйича таълимни бошқарув давлат органларига таклиф киритиш;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (нодавлат таълим муассасалари учун);

лицензия муддатини узайтиришга рад жавобини бериш (нодавлат таълим муассасалари учун).

32. Олий таълим муассасасида мавжуд йўналишлар ва мутахассисликларнинг умумий сонига нисбатан 75 ва ундан кўп фоизи «Аттестациядан ўтди» деб хулоса қилинса, таълим муассасаси «Аттестациядан ўтди», 67 фоиздан 75 фоизгача – «Аттестациядан шартли ўтди», 67 ва ундан кам фоизида «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

33. «Аттестациядан ўтди» деб эътироф этилган олий таълим муассасасининг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликларига кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун бир йил вақт берилади. Ушбу муддат тугаганидан сўнг олий таълим муассасасининг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликлари қайта аттестациядан ўтказилади ҳамда таълим муассасаси фаолиятида қайд этилган бошқа камчиликларнинг бартараф этилганлиги ўрганилади.

34. «Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилган олий таълим муассасасининг проректорлари, аттестациядан ўтмаган йўналишлар ва мутахассисликларга масъул деканлари навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилади. Тегишли мутахассис чиқарувчи кафедралар мудирларининг ўз вазифаларини қониқарсиз бажараётганликларини қайд этиб, олий таълим муассасаси ректорига келгусида уларнинг кафедраларни бошқариши ёки бошқармаслиги масаласини олий таълим муассасаси Илмий кенгашига киритиш бўйича тавсия берилади.

Аттестациядан ўтмаган йўналишлар ва мутахассисликлар бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

35. Қайта аттестация натижаларига кўра «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ёпилади.

36. Барча ҳолларда олий таълим муассасаларининг аттестациядан ўтмаган йўналиш ва мутахассисликлари битирувчилари якуний давлат аттестациясини Давлат тест маркази вакиллари иштирокидаги давлат аттестация комиссияси ўтказади.

37. «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган олий таълим муассасаси тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

таълим муассасасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш;

таълим муассасасининг мақомини ўзгартириш;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (нодавлат олий таълим муассасалари учун);

лицензия муддатини узайтиришга рад жавоби бериш (нодавлат олий таълим муассасалари учун).

38. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассаса (МОМ)лари бўйича:

МОМ нинг давлат талаблари ва уставида белгиланган вазифалари, ўқув жараёнининг ташкил этилиши, илмий-педагог кадрлар

салоҳияти ва улар фаолиятининг самарадорлиги, моддий-техник ва ўқув-лаборатория таъминоти, маънавий-маърифий ишлари, ишлаб чиқариш билан интеграция ва халқаро ҳамкорлик бўйича фаолияти Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилган мезонда белгиланган максимал баллнинг 75 фоизидан кам бўлмаган балл билан баҳоланса, МОМ «Аттестациядан ўтди», максимал баллнинг 55–75 фоизи билан баҳоланса, «Аттестациядан шартли ўтди» ва максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл билан баҳоланса, «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

«Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилган МОМ бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилади.

«Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган МОМ тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

таълим муассасасини қайта ташкил этиш;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (нодавлат олий таълим муассасалари учун);

лицензия муддатини узайтиришга рад жавоби бериш (нодавлат олий таълим муассасалари учун).

39. Давлат тест маркази таълим муассасалари аттестацияси жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилишини мунтазам назорат қилади.

40. «Аттестациядан ўтди» деб эътироф этилган таълим муассасасини аккредитациялаш учун зарур ҳужжатлар Давлат тест марказига тақдим этилади.

**V. Давлат аккредитациясини ўтказиш тартиби**

41. Таълим муассасасини аккредитациялаш учун Давлат тест маркази қошида доимий фаолият кўрсатувчи Аккредитация комиссияси тузилади. Комиссия таркиби Давлат тест маркази буйруғи билан тасдиқланади. Ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасаларини аккредитациядан ўтказишда Аккредитация комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими жалб этилади. Давлат тест маркази директори Аккредитация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

*(41-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2012 й., 37-сон, 429-модда)*

42. Давлат аккредитацияси таълим муассасасининг аттестацияси хулосаларига кўра амалга оширилади. Аккредитация комиссияси таълим муассасаси фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари мезони ҳамда талабларига жавоб беришини эътироф этиш билан биргаликда унинг мақомини ҳам белгилайди.

43. Таълим муассасасини аккредитациялаш учун Аттестация комиссияси томонидан Аккредитация комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ўқув концепцияси, ўқув режалари ва дастурлари;

таълим муассасаси аттестацияси хулосаси;

нодавлат таълим муассасасига берилган лицензия нусхаси.

44. Таълим муассасасини давлат аккредитациясидан ўтказиш ҳақидаги қарор ҳужжатлар топширилгандан кейин бир ой муддатда қабул қилинади.

Таълим муассасасини аккредитациялаш юзасидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, таълим муассасасига 2 ҳафта давомида давлат аккредитацияси ҳақида ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклдаги сертификат берилади.

Сертификатда таълим муассасасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, тури, мақоми ва сертификатнинг амал қилиш муддати қайд этилади.

Сертификатга таълим муассасасининг таълим дастурлари, йўналиш ва мутахассисликлари рўйхати илова қилинади (2-илова).

Сертификат 5 йил муддатга берилади.

Сертификат бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Сертификат бланкалари намуналари Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилади ва унинг буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Давлат тест маркази директори сертификат бланкалари

ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

45. Таълим муассасаси қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат ўз кучини йўқотади.

46. Давлат аккредитациясидан ўтган таълим муассасаси томонидан таълимга оид қонунлар бузилганлиги ёки амалга оширилаётган таълим хизматлари Давлат таълим стандартлари талабларига мос келмаслиги ёки сертификатда белгиланган кўрсаткичлар доирасидан четга чиқишлар аниқланган тақдирда Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат бекор қилиниши мумкин.

47. Давлат аккредитациясидан ўтган таълим муассасалари Давлат тест марказида рўйхатга олинади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

48. Таълим муассасалари аттестацияси ва давлат аккредитацияси натижаларидан норози бўлган таълим муассасалари раҳбарлари ёки уларнинг таъсисчилари белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕРБИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ**

***Давлат аккредитацияси ҳақида***

**С Е Р Т И Ф И К А Т**

200__ й. «___» ___________ № 0000

Ушбу ҳужжат аттестация натижаларига кўра ________________________________

_______________________________________________________________

*(юридик манзили)*

манзилида жойлашган ____________________________________________

*(таълим муассасасининг номи)*

_____________________________________________________________нинг

давлат аккредитацияси____________________________________________

*(таълим муассасасининг тури)*

_______________________________________________________________

*(таълим муассасасининг мақоми)*

мослигини тасдиқлайди ва битирувчиларга мазкур сертификат иловасига мувофиқ таълим йўналиш (мутахассислик)лари, дастурлари, босқичлари бўйича давлат намунасидаги таълим ҳақидаги ҳужжатларни бериш ҳуқуқини кафолатлайди (сертификат иловаси билан ҳақиқийдир).

Амал қилиш муддати ______ йил

М.Ў.

Давлат тест маркази директори ___________ *(имзо)* ____________________ *(Ф.И.Ш.)*

**Серия № 0000**

Ўзбекистон Республикаси
таълим муассасаларини давлат
аккредитациясидан ўтказиш тартиби
тўғрисида низомга 2-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ**
**ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ**

200__ йил «____» ___________ да №____ - рақами билан қайд этилган

Давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификатга илова

_______________________________________________

*(таълим муассасасининг тулиқ номи ва юридик манзили)*

**Таълим йўналиш (ихтисослик, мутахассислик)лари**
**Р Ў Й Х А Т И**

| Т/р | Таълим йўналиш (ихтисослик, мутахассислик)лари шифри ва номи | Таълим шакли (кундузги, сиртқи) | Кадрлар тайёрлаш даражаси |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | | | |

### 2.1.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ўқув юртлари ректорларининг республика ва минтақавий кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1998 йил 22 апрелдаги 101-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тўғрисида»ги Қонунларини бевосита бажарилишини ҳамда республика ва минтақаларнинг истиқболли ривожланишини назарда тутган ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг аниқ ва равшан дастурларини тузиш ва уларни босқичма-босқич амалга оширишни таъминлаш, шунингдек олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни барча олий ўқув юртлари фаолиятида бир тарзда татбиқ этиш ва таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро узвийлигини янада такомиллаштириш ва шу тариқа олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалардаи юқори малакали, рақобатбардош ва атрофлича камол топган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий ўқув юртлари ректорларининг республика ва минтақавий кенгашларининг таркиблари ва Низомлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимликларидан Минтақавий ректорлар кенгашларининг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш сўралсин.

3. Олий ўқув юртлари ректорларининг республика ва минтақавий кенгашлари фаолиятининг йиллик ҳисоботлари Вазирлик Хайъати мажлисларида муҳокама этилсин.

4. Ушбу буйрук бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 22 апрель 101-сонли буйруғига 1-илова

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ РЕКТОРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНҒАШИ ТЎҒРИСИДА

## НИЗОМ

1. Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши (бундан буён матнда Республика кенгаши деб юритилади) олий ўқув юртлари фаолиятини энг мақбул тарзда мувофиқлаштириб бориш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳужжатлари ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалиётга жорий этиш, олий ўқув юртларининг ижобий тажрибаларини умумлаштириш ва оммалаштириш мақсадида ташкил қилинади.

2. Республика кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва фармойишлари, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари, ушбу Низом ва бошқа норматив ҳужжатларга амал қилади.

3. Республика кенгашининг асосий мақсади ва вазифалари:

3.1. Республика кенгашининг асосий мақсади:

Республика кенгашининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури»ни амалга ошириш мақсадида олий ўқув юртлари фаолиятларини мувофиқлаштириш, ўқув жараёнларини, маънавият ва маърифат ва илмий-тадқиқот ишлариии такомиллаштириш, олий ўқув юртлари ўқитувчиларини «Устоз» жамғармаси орқали малакаларини ошириш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этишнинг ижобий тажрибаларини умумлаштириш ва тарқатиш, ҳамда иқтидорли талабаларни «Умид» жамгармаси орқали чет элларга ўқишга юбориш, янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий қилиш, республика ривожи учун рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш.

3.2. Республика кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

3.2.1. Ўзбекистон Республикасида олий таълимни янада равнақ топтириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва юқори органлар муҳокамасига киритиш ҳамда ўз ваколат доирасида ушбу Низомда белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш;

3.2.2. Мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш юзасидан олий ўқув юртларининг ўзаро ўрганиш ва тажриба алмашиш ишларини ташкил этиш ҳамда илғор тажриба ва ибратли ташаббусларини республика миқёсида кенг ёйиш;

3.2.3. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур талабларига риоя қилган ҳолда таъминлаш.

3.2.4. Касб-ҳунар коллежларга патронат қилишни таъминлаш.

4. Республика кенгаши ўз олдига қўйилган мақсадларга мувофиқ равишда:

4.1. Республика халқ хўжалигининг мутахассисларга бўлган талабларини инобатга олиб, ёшларни касбга йўналтириш ишлари самарадорлиги ва савиясини устиришда, олий ўқув юртларининг ўзаро ҳамкорлик усулларидан фойдаланиб, олий ўқув юртларига иқтидорли талабалар қабул қилишга қаратилган фаолиятини изчил амалга оширади.

4.2. Таълим сифатини яхшилаш, ўқитишнинг илғор усуллари ва воситаларини жорий зтиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва улардан талаб даражасида фойдаланишда олий ўқув юртларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан алоқасини мустаҳкамлаш борасидаги ижобий тажрибаларни аниқлаш ва кенг ёйишда кўмаклашади.

4.3. Олий ўқув юртлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш асосида ўқитувчилар малакаси ва касб маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштиришда ёрдам беради ва бу ишга тажрибали педагог кадрлар, таниқли олимлар, мутахассислар, раҳбар ходимлар ва ишлаб чиқариш ташкилотчиларини жалб этишда кўмаклашади, илмий-педагог кадрларни жойлаштириш ва улардан талаб даражасида фойдаланиш масалаларини мукаммаллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади.

4.4. Олий ўқув юртлари маблағларини ва моддий-техник ресурсларини бирлаштириш, олий ўқув юртлари ҳамкорлигининг илғор шаклларини ривожлантириш асосида фаннинг муҳим йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ва сифатини оширишга, фанни ўқув жараёни билан узвий бириктиришга, илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга кўмак берувчи олий ўқув юртлараро марказлар ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга йўналтирилган фаолиятни амалга оширади.

4.5. Олий мактабнинг долзарб масалалари, ҳамда республика олий ўқув юртларида хорижлик талаба, аспирант ва тажриба орттирувчи тадқиқотчиларни ўқитиш муаммолари бўйича хорижий давлатлар олий ўқув юртлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

4.6. Талабаларнинг яшаш ва маиший шароитини, уларга маданий ва тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга, олий ўқув юртларининг соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантиришга ёрдам беради; олий ўқув юртларининг олий ўқув юртлараро ўқув-моддий негизини, шу жумладан ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва яшаш ҳамда маиший хизматга мўлжалланган негизларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларини бирлаштиради ва мувофиқлаштиради.

5. Республика кенгаши таркибига республика олий ўқув юртлари ректорлари, тегишли йирик корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари кирадилар.

Республика кенгаши таркиби Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Олий ва ўрта махсус таьлим вазирлиги Ҳайъати томонидаи 5 йиллик муддатга тасдиқланади.

6. Республика кенгаши фаолиятига Кенгашнинг умумий мажлисида тасдиқданган режага мувофиқ раис раҳбарлик қилади. Жорий ишларни олиб бориш ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун раис тажрибали илмий-педагог ҳодимлардан Ректорлар кенгаши котибиятини тайинлайди.

7. Ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун республика кенгаши раёсати фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича шуьбалар, турдош кафедралар, ўқитувчиларнинг илмий-услубий кенгашлари каби жамоатчилик асосида ишчи органлари тузиши мумкин.

Ишчи органларининг таркиби, вазифа ҳамда ваколатлари, режа ва дастурлари, шунингдек фаолият юзасидан ҳисоботлари республика кенгашининг умумий мажлисида тасдиқланади.

8. Республика кенгашининг алоҳида маъмурий аппарати бўлмайди. Кенгаш ўз аьзолари – олий ўқув юртлари ректорлари ўртасидаги фаолият турлари тақсимотини ҳисобга олган ҳолда, Кенгаш таркибига кирувчи олий ўқув юртлари негизида ишлайди.

9. Республика кенгаши ўз иши ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ва унинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таьлим вазирлигига ҳисобот беради.

Ўқув йилида қилинган ишлар юзасидан ҳар йили 15 июлгача ҳисобот берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 22 апрелдаги 101-сонли буйругига 2-илова

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ РЕКТОРЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

## НИЗОМ

1. Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгаши (бундан буён матнда Минтақавий кенгаш деб юритилади) олий ўқув юртлари фаолиятини энг мақбул тарзда мувофиқлаштириб бориш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳужжатлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга жорий этиш, ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ижобий тажрибасини умумлаштириш ва кенг ёйиш, тарбиявий ва илмий-тадқиқот ишларини яхшилаш, олий ўқув юртлари ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва ташқи алоқаларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

2. Минтақавий Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, фармойиш ва кўрсатмаларига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарор ва буйруқларига, ушбу Низом ва бошқа норматив ҳужжатларга асосланиб иш юритади.

3. Минтақавий кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

3.1. Минтақа олий ўқув юртларида олий таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва улар белгиланган тартибда маъқулланганидан кейин амалиётга жорий этиш.

3.2. Мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш юзасидан олий ўқув юртларини ўзаро ўрганиш ва ижобий тажриба алмашиш ишларини ташкил қилиш ҳамда илғор тажриба ва ибратли ташаббусларни республика миқёсида кенг ёйиш.

4. Минтақавий кенгаш ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

4.1. Минтақа бўйича тўғриқ хўжалигининг мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртлари талабаларини комплектлашни яхшилашга, ёшларнинг касб танлаш даражаси ва самарадорлигини ошириш, курс ишларини такомиллаштиришга йўналтирилган фаолиятни амалга оширади, шу мақсадда олий ўқув юртлараро ҳамкорлик усулларидан фойланади.

4.2. Таълим сифатини яхшилаш, ўқитишнинг илғор усуллари ва воситаларини жорий этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва улардан талаб даражасида фойдаланишда олий ўқув юртларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан алоқасини мустаҳкамлаш юзасидан саъй-ҳаракатларини бирлаштираётган олий ўқув юртларининг ижобий тажрибасини аниқлаш ва кенг ёйишда кўмаклашади.

4.3. Минтақадаги олий ўқув юртлари фаолиятини талаба ёшлар билан олиб борилаётган маънавият ва маърифат ишларидаги ижобий тажрибани алмашиш, ижтимоий фанларни ўқитишнинг энг яхши усулларини ривожлантириш сари йўналтиради.

4.4. Олий ўқув юртларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш асосида ўқитувчиларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу ишга тажрибали педагог кадрларни, таниқли олимлар, мутахассислар, раҳбар ходимлар ва ишлаб чиқариш ташкилотчиларини жалб этишда кўмаклашади, илмий-педагог кадрларни жойлаштириш ва улардан талаб даражасида фойдаланиш юзасидан таклифлар тайёрлашда иштирок этади.

4.5. Илмий-тадқиқот ишлари сифати ва самарадорлигини оширишда олий ўқув юртларининг моддий-техника ресурсларидан,

фаннинг устувор йўналишидаги, олий ўқув юртлараро илғор усулларни ривожлантириш асосида фан ва ўқув жараёнини бирлаштирган ҳолда фойдаланишга ҳаракат қилади, амалий натижаларга эришмоқ учун олий ўқув юртлараро марказлар имкониятларидан кенг фойдаланиш чораларини кўради.

4.6. «Умид» жамгармаси орқали чет элларда талабалар, аспирант ва стажёрларни ўқитиш, олий мактаб муаммолари бўйича хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қилади.

4.7. Талабаларнинг яшаш шароитини, уларга маданий ва тиббий хизмат кўрсатишни, оммавий соғломлаштириш ва спорт ишларининг ўқув-моддий базасини, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот негизлари билан таъминланиш шароитини яхшилашга имкон яратади.

5. Минтақавий кенгаш таркибига олий ўқув юртларининг ректори, профессор-ўқитувчилари, тегишли йирик корхона, муассаса, ва ташкилотларнинг раҳбарлари киритилади.

Минтақавий кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан 5 йиллик муддатга тасдиқланади.

6. Минтақавий кенгаш илмий-педагогик тажрибага эга бўлган, тегишли режани амалга ошириш учун йўл кўрсата оладиган, кенгаш раиси раҳбарлигида иш олиб боради.

7. Минтақавий кенгаш зиммадаги вазифаларни тўғри ҳал этиш учун: Кенгаш Раёсати, фаолиятнинг асосий йўналиши бўйича ҳайъат, мутахассислигига яқин кафедра ўқитувчиларининг илмий-услубий кенгаши сингари жамоатчилик асосида ишчи органлар тузиши мумкин.

Ишчи органларнинг вазифалари, режалари ва таркиби, шунингдек қилинган ишлар юзасидан ҳисоботлари Минтақавий кенгашнинг ялпи мажлисида тасдиқланади.

8. Минтақавий кенгашнинг алоҳида маъмурий аппарати бўлмайди. Кенгаш ўз аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаган ҳолатда иш олиб боради.

9. Минтақавий кенгашнинг мажлиси сайёр (кўчма) тартибда камида ҳар уч ойда бир марта ўтказилади. Кенгаш мажлиси ўтказиладиган олий ўқув юртининг ректори шу сайёр (кўчма) мажлисга раислик қилади ва вилоят ривожланиши талабларидан келиб чиқадиган илмий, педагогик кадрлар ва ўз илм даргоҳининг фаолиятига доир масалаларни мажлис муҳокамасига қўяди.

10. Минтақавий кенгаш ўз фаолияти ҳақида Ўзбекистон Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши Раёсатига ҳисобот беради. Ўқув йилида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот ҳар йили 15 июлгача тақдим қилинади.

**Олий ўқув юртлари ректорларининг республика Кенгаши шўъбаларининг мақсадлари ва асосий вазифалари**

1. 1997 йил 29 августда қабул килинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни хаётга татбиқ этиш, ўқув жараёнларини такомиллаштириш бўйича билдирилган ғоя ва таклифларнинг шўъбалар мавзулари мажмуасига тегишли қисмларини олий ўқув юртлари томонидан амалга ошириш тадбир-чораларини ишлаб чиқиш.

2. Олий ўқув юртлари фаолиятига тегишли масалаларни ўрганиб чиқиш ва Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши раёсатининг мажлисларида кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасида олий таълимни рнвожлантириш ва тараққий қилдириш концепциясини амалга ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни киритиш.

3. Олий ўқув юртлари олдида турган масалаларни ҳал этиш учун олий ўқув юртлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш.

4. Ҳар бир шўъба мавзулари мажмуаси бўйича олий ўқув юртлараро тадбирлар тайёрлаш ва ўтказиш (анжуманлар, семинар, танловлар ва ҳоказо).

**Шўъбалар ишларини ташкил қилиш**

1. Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши шўъбалари «Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши тўғрисидаги Низом»га мувофиқ масалаларни ҳал этиш учун олий мактаб фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тузилади.

2. Шўъбаларни барпо этиш ва қайта ташкил қилиш, уларнинг фаолиятлари йўналишларини белгилаш ва таркибларини тасдиқлаш Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши раёсати томонидан амалга оширилади.

3. Шўъбалар раҳбарияти таркибига шўъба раиси, унинг ўринбосари ва илмий котиб киради.

4. Шўъбалар ўз фаолиятида Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши ягона иш режаси билан мувофиқлаштирилган, белгиланган тартибда тасдиқланган иш режасига амал қиладилар.

5. Шўъба раиси шўъба мажлисларини ўтказишни ташкил қилади ва доимий ишчи гуруҳлари раҳбарлари орқали уларнинг ишларига раҳбарликни амалга оширади.

6. Шуьба ўзининг иш йўналишига мувофиқ олий мактабнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун мунтазам равишда мажлислар ўтказиб туради. Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгашига бериш учун таклифлар ва олий ўқув юртлари учун тавсиялар ишлаб чиқади, заруратга қараб муваққат ишчи гуруҳлари тузади, олий ўқув юртлариаро режалаштирилган тадбирлар ўтказади.

7. Шўъбанинг барча ташкилий ишларини унинг илмий котиби амалга оширади. Кўрсатилган ишларни бажариш учун котиб ҳафтада бир кун дарс машғулотларидан озод этилади.

8. Барча илмий котиблар Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши қошидаги назорат гуруҳи таркибига кирадилар.

9. Ўқув жараёнлари ва олий ўқув юртлари моддий-техника базасини такомиллаштириш борасида шуьбалар олдига қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

ўқув жараёнини Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуни асосида такомиллаштириш;

мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишни таьминловчи ўқув жараёнларини ташкил этишнинг самарали шаклларини ўрганиш ва кенг ёйиш. Талабаларнинг мустақил равишда самарали ишлаши учун зарур бўлган ўқув жараёнининг қўшимча услубий таьминотини тайёрлаш;

маърузавий дарслар ўтиш сифатини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш, энг яхши маърузавий дарс ўтишга эришган ўқитувчилар тажрибасини кенг ёйиш. Ўзбекистон Республикасининг атоқли олимлари ва олий ўқув юртлари педагогларининг очиқ маърузавий дарсларини ўтказиш;

ўқув жараёнини компьютерлаштириш ва ўқитишнинг замонавий техник воситаларини тадбиқ қилиш, амалий ва тажриба ишлари самарасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

имтихон сессиясини, ўқув жараёнини ташкил қилишни, талабалар билимини рейтинг назорати орқали аниқлашни такомиллаштириш;

иқтидорли талабаларни саралаш ишларини такомиллаштириш ва «Умид» жамғармаси орқали хорижий давлатларнинг етакчи университетларига юборишга тайёрлаш;

олий ўқув юртлариаро илмий - услубий семинарлар ўтказиш, услубий ўқув қўлланмалари ва бошқа ўқув адабиётларининг кўргазмаларини ташкил этиш;

олий ўқув юртларининг кутубхоналари фаолиятларини мувофиқлаштириш;

шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитларини инобатга олиб, ёш муттахассисларнинг тақсимоти ва улардан талаб даражасида фойдаланишни назорат қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

сиртқи таълим тизимида умумтаълим фанларини ўқитиш услубидаги илғор тажрибаларни умумлаштириш ва кенг ёйиш;

мамлакатимиз ва хорижий давлат университетларида «Устоз» жамғармаси орқали ўқитувчилар малакасини ошириш, юқори малакали мутахассисларни педагогик ишга жалб қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

факультетлар ва бўлимларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ишларини мувофиқлаштириш;

олий ўқув юртларининг техник таъминотини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида таклифлар ишлаб чиқиш;

янги ўқув-тажриба, асбоб-ускуналарни, ўқитишнинг янги педагогик технология ва техник воситаларини яратиш бўйича илмий-конструкторлик режаларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича олий ўқув юртлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

олий ўқув юртларидаги капитал қурилиш режаларини кўриб чиқиш;

олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгашига капитал қурилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

маънавият ва маърифат ишларини юқори савияда олиб бориш;

талабаларни Ватанга садоқатли килиб тайёрлаш, миллий қадриятларга чуқур эътибор бериш;

олий ўқув юртларида бажарилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларининг боришини назорат қилиш;

олий ўқув юртларининг вестибюль ва дарсхоналар, махсус ўқув ва тажриба хоналарини эстетик безаш борасида тажрибаларини умумлаштириш ва кенг ёйиш;

олий ўқув юртларининг ўқув-моддий асослари кўрикларини ўтказиш;

олий ўқув юртлариаро муассасалар, шу жумладан технопаркларни лойиҳалаш ва қуришни ташкил этишда иштирок этиш.

10. Шўъбалар ўз ишларини олий ўқув юртларининг йўналишлари таклифлари асосида олиб боради.

**1. Маънавият ва маърифат ишларини такомиллаштириш шўъбаси**

Республика олий ўқув юртларида олиб бориладиган маънавият ва маърифат ишларини ўқув жараёни орқали талабалар ва профессор-ўқитувчилар орасида кенг жорий этиш;

Гуманитар фанлар дастурларини мувофиқлигини ўрганиб чиқиш ва таклифлар бериш;

Таълим ва тарбия ишларини юқори савияда ўтказиш ва бу соҳада юқори кўрсаткичларга эришган олий ўқув юртларининг тажрибасини бошқа олий ўқув юртларига татбиқ қилиш.

**2. Давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш шўъбаси**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида:

йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича классификаторни қайта кўриб чиқиш ва Миллий дастур талабларига жавоб берадиган мутахассисликлар рўйхатини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳларни ташкил қилиш ва уларнинг ишини бошқаришда фаол иштирок этиш;

касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари эгаллайдиган касб-ҳунар йўналишларини белгилаш, уларнинг дастурларини тузиш, таълим муассасаларини жиҳоз ва дастгохлар билан таъминланишини ташкил қилишда фаол иштирок этиш;

таълим йўналишлари бўйича давлат стандартларини қайта ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш;

намунавий ўқув режа ва дастурларини тузишда фаол иштирок этиш ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш.

**3. Академик лицейларнинг ўқув стандартларини такомиллаштириш ва тажриба алмашиш шўъбаси**

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида Академик лицейлар давлат стандартларини, намунавий ўқув режаси ва предметлар бўйича намунавий дастурлар тайёрлашда фаол иштирок этиш.

Академик линейлар ўқитувчиларини қайта тайёрлашда, моддий – лаборатория базаларини ташкил этишда, замонавий ускуналар ва дастгоҳлар билан таъминлашни режалаштириш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш.

**4. Малака ошириш ва «Устоз» жамғармаси ишида фаол иштирок этиш шўъбаси**

Амалдаги илғор тажрибани ўрганиш ва ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича ўқув-услубий марказ булиб қолган ўқитувчилар малакасини ошириш факультетларининг ижобий тажрибаларини умумлаштириш ва кенг ёйиш;

олий ўқув юртларида маърузалар ўқиш ва ссминарлар олиб бориш учун юқори мала-

кали крижий мамлакатлар ўқитувчиларини таклиф этиш;

профессор-ўқитувчиларни ривожланган хорижий давлатларнинг университетларига малака ошириш ва стажировкаларга «Устоз» жамғармаси орқали юбориш ва жамғарма ишида фаол иштирок этиш;

малака ошириш институтларининг ишларини қайта кўриб чиқиш;

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини амалга ошириш ишларини ташкил қилишда фаол иштирок этиш;

олий ўқув юртлари ва тармоқ ўқув юртлари малака ошириш тизимларининг халқ хўжалиги ходимлари билимларини узлуксиз янгилаб бориш, уларни фан, техника, маданият ва илғор тажриба ютуқларини ўзлаштиришларига йўналтирилган ишларни мувофиқлаштириш;

малака ошириш ва халқ хўжалиги кадрларини қайта тайёрлаш тизимида ўқув машғулотларининг илмий-услубий савиясини ошириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш соҳасида олий ўқув юртларининг корхоналар, турдош корхоналар гуруҳлари, тармоқлар ёки ҳудудий идоралар билан ҳамкорлик тажрибаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва кенг ёйиш;

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимида ишлайдиган ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш.

**5. Халқаро алоқаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш шўъбаси**

Республика олий ўқув юртлари билан хорижий олий ўқув юртлари ҳамкорлигини ҳамда ўзаро ўқитувчилар ва талабалар билан алмашишни мувофиқлаштириш;

Ривожланаётган давлатлар учун миллий кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш;

Республика олий ўқув юртларини битирган хорижлик мутахассислар билан алоқаларни кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Чет эллик талабалар учун ўқув жараёнини ташкил этиш, уларни ўқитиш услубларидаги ижобий тажрибаларни умумлаштириш ва кенг ёйиш;

Ривожланаётган давлатлар миллий байрамларига бағишланган олий ўқув юртлараро тадбирлар ташкил қилиш;

Хорижлик талабаларни ўқиш ва яшаш шароитини яхшилаш масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

Чет давлатлар олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик шартномаларини амалга ошириш бўйича ижобий тажрибаларни умумлаштириш ва кенг ёйиш;

Чет элга хизмат сафарига бориш учун мутахассисларни танлаш ва тайёрлаш;

Чет давлатлар олий ўқув юртлари билан халқаро илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш.

**6. Бюджетдан ташқари маблағдан самарали фойдаланиш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш, талабалар ва ўқитувчилар жисмоний тарбияси шўъбаси**

Олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағини кўпайтириш масалаларини ҳал қилиш билан бир қаторда, бундай маблағни ўқув жараёнининг моддий-техника базасини ривожлантириш, компьютерлаштириш, замонавий ўқув-илмий лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, маънавият ва маърифат ишларини талаб даражасида йўлга қўйиш, профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш, профессор-ўқитувчиларни «Устоз» жамғармаси орқали малака оширишга юбориш каби муҳим муаммоларни тўғри қилишда тежамкорлик билан сарфлаш режаларини ишлаб чиқиш. Минтақалардаги олий ўқув юртларига ўқув лабораторияларини жиҳозлашда кўмаклашиш;

талабалар ётоқхоналарининг маъмурияти, ётоқхоналардаги талабалар кенгаши раисларининг малакаларини ошириш, уларнинг тажриба алмашишини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

талабалар ётоқхоналарининг кўрик-танловларини ташкил қилиш;

олий ўқув юртларида умумий овқатланиш тармоқдари ишининг сифатини яхшилаш ва хизмат кўрсатишнинг илғор шаклларини тадбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

олий ўқув юртларидаги талабалар ошхоналари ва буфетларининг ишини назорат қилишни ташкил этиш ва улар ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

талабалар ошхоналарининг кўрик-танловларини ташкил этиш;

олий ўқув юртларининг талаба ёшлар билан оммавий-маданий тадбирлар ўтказишни ташкил этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

олий ўқув юртлари жамоаларининг бадиий-ҳаваскорлик кўрикларини ташкил этиш ва ўтказиш, талабалар бадиий-ҳаваскорлик ишларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

ётоқхоналарда маданий-маърифий ишларни ташкил қилишнинг илгор тажрибаларини умумлаштириш ва кенг ёйиш;

олий ўқув юртлари талабаларига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

талабалар соғлигини сақлаш ишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва уни ташкил этишнинг оқилона шаклларини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг касалланиш сабабларини таҳлил қилиш ва улар саломатликларини сақлаш тадбирлари тўғрисида тавсиялар тайёрлаш;

талабалар орасида санитария-гигиена билимларини ташвиқотини ташкил этиш;

санаторий-профилакторийлар, спорт-соғломлаштириш базалари ва лагерлари ташкил қилиш, олий ўқув юртларининг тиббий шаҳобчалари моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олий ўқув юртлари тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларнинг иш тажрибаларини кенг ёйиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

энг яхши санаторий-профилакторий, спорт-соғломлаштириш базаси ва лагерларининг иш тажрибаларини кенг ёйиш;

олий ўқув юртларининг тиббий шаҳобчалари шифокорлари учун хизмат фаолиятига тегишли долзарб масалалар бўйича тавсиялар тайёрлаш;

олий ўқув юртлари талабалар поликлиникалари иши устидан назоратни амалга ошириш;

олий ўқув юртлари жамоалари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасида тадбирлар ишлаб чиқиш;

жисмоний тарбия кафедраларининг ўқитувчилари, спорт шўъбалари раҳбарлари малакасини ошириш ва тажриба алмашишни ташкил этиш тадбирларини такомиллаштириш;

талаба – ёшлар жисмоний тарбиясининг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш мақсадида жисмоний тарбия кафедралари ўқитувчиларининг олий ўқув юртлараро шўъбаларини ташкил қилиш;

олий ўқув юртларида оммавий-жисмоний тарбия ишлари энг яхши йўлга қўйилганлигини аниқлаш бўйича кўрик-танловлар ўтказиш;

олий ўқув юртлараро спорт мусобақаларини ташкил этиш;

олий ўқув юртлараро спорт муассасаларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш;

Республика олий ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш ва жисмоний тарбия бўйича Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши таклифларини ишлаб чиқиш.

**7. Иқтидорли талабаларни саралаш ва «Умид» жамғармаси орқали чет элларга ўқитишга тайёрлаш шўъбаси**

Олий ўқув юртларида иқтидорли талабалар билан мунтазам иш олиб бориш мақсадида уларни аниқлаш ва саралаш усулларини ишлаб чиқиш;

иқтидорли талабаларни якка тартибдаги ўқув режаси асосида ўқитишни ташкил қилиш масалаларини мувофиқлаштириш. Уларни илмий ишларга жалб қилиш, илмий маърузалар билан анжуманларда чиқишларини ташкил қилиш ва маколаларини чоп этиш масалаларини ҳал қилиш. Саралаш асосида Президент ва давлат стипендияларига лойиқ кўриладиган иқтидорли талабалар номзодини тайёрлаш тартибини ишлаб чиқишда иштирок этиш. «Умид» жамгармаси орқали: хорижий давлатларга ўқишга юборишда фаол иштирок этиш.

**8. Ўқув жараёнини такомиллаштириш, сессиясиз ўқув услубиётини кенг тарғиб этиш шўъбаси**

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, педагогик технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини имтиҳон сессиясисиз ташкил қилиш, талабалар билимини рейтинг назорати орқали аниқланишини такомиллаштириш. Блокли ва модулли ўқув жараёнини ўрганиб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида таклифлар бериш. Олий ўқув юртлараро илмий-услубий семинарлар, услубий ўқув қўлланмалари ва адабиётларини кўргазмаларини ташкил этиш, ўқув жараёнида компьютерларни қўллаш ва таълимнинг замонавий техник воситаларини татбиқ қилиш.

**9. Ўқув дарсликлари ва қўлланмалари билан таъминлаш шўъбаси**

Кўп босқичли таълим тизимидаги бакалавр ва магистрлар учун намунавий ўқув режалари ва ўқув дастурлари асосида ўқув дарсликларини ёзишга етук олим ва професор-ўқитувчиларни жалб қилиш, дарсликларни танлов асосида аниқлаш ва уларни керакли нусхада чоп этиш масалаларни тўғри қилишда фаол иштирок этиш. Ўқув фанлари бўйича дарсликлар тайёрланишига қадар, маъруза матнларини тайёрлаш ва чоп этишни ташкил этиш масалаларини режалаштириш.

Олий таълим йўналишлари бўйича ўқув қўлланмалари ва услубий кўрсатмаларни тайёрлаш ва тарқатишни режалаштириш.

Ўқув дарсликлари ва қўлланмалари муаллифларини моддий рағбатлантириш масалаларини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар бериш.

**10. Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш шўъбаси**

олий ўқув юртларида табиий ва умуммуҳандислик ва умумкасбий фанлар бўйича лаборатория ускуналарини тайёрлайдиган ва таъмирлайдиган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш масалаларини ўрганиб чиқиш ва таклифлар киритиш. Ўқув жараёнида қўлланиладиган плакат ва бошқа қўлланмаларни тайёрлаш масаласини ўрганиш ва таклиф бериш, уларни тайёрлашни имконият доирасида ташкил этиш масаласини тўғри қилиш.

бюджетдан ташқари маблағлардан, ҳомийлар орқали, хорижий давлатларнинг илмий дастурлари ёрдамида мутахассислик ва йўналиш бўйича ўқув-илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш масалаларини режалаштириш ва бу ишда фаол иштирок этиш.

**11. Илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш шўъбаси**

Республика олий ўқув юртлари илмий ишларининг мавзулари режасини таҳлил қилиш. Олий ўқув юртлари олимларининг салоҳияти ва имкониятларини, фан ва техниканинг устувор йўналишлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш борасидаги ҳаракатларини бирлаштириш, халқ хўжалигининг муҳим муаммолари бўйича фундаментал ва амалий ишларини ҳар томонлама ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этиш юзасидан олий ўқув юртларида олиб борилаётган илмий ишларни мувофиқлаштириш;

шартномалар бўйича бажариладиган илмий тадқиқот ва синов-конструкторлик ишларини яхши ташкил қилишга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

олий ўқув юртлараро синов-конструкторлик ишлари базасини яратиш имкониятларини ўрганиш ва тегишли таклифлар киритиш;

олий ўқув юртларининг тармоқлараро илмий-техникавий тизимлар бўйича иш тажрибаларини умумлаштириш ва кенг ёйиш;

Илмий тадқиқот ишлари натижаларини тезкорлик билан ўқув жараёнига тадбиқ қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси институтлари билан ҳамкорликни кенг доирада ташкил этиш:

талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш, талабалар илмий жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш. Олий ўқув юртлараро талабалар илмий ишлари ва диплом лойиҳалари кўрик-танловларини ўтказиш, талабаларни республика ва халқаро олимпиадаларда фаол иштирок этишини таъминлаш;

докторантура ва аспирантура бўйича кадрлар тайёрлаш борасидаги аҳволни таҳлил қилиш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

илмий-педагог кадрларни жойлаштириш ва улардан талаб даражасида фойдаланишга эришиш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

профессор-педагог кадрларнинг таркибини мос негизли маълумотга эга бўлган мутахассислар билан жамлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва малака ошириш (биринчи навбатда умумилмий кафедраларда);

олий ўқув юртлараро мавзули семинарлар ва маърузавий тизимлар, педагогик маҳорат мактаблари ташкил қилиш;

олий ўқув юртларининг илғор ўқитиш услубларини, ўқитувчиларнинг услубий маҳоратини ошириш борасида ижобий тажрибаларни кенг ёйиш;

олий ўқув юртларини ўқитувчилар билан жамлашнинг энг мақбул тизимига эришиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Олий ўқув юртлари ректорларининг Минтақавий кенгаши илмий котибининг лавозим йўриқномаси**

1. Олий ўқув юртлари ректорларининг Минтақавий кенгаши режалаштираётган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш.

2. Олий ўқув юртлари ректорлари минтақавий кенгаши ҳайъатининг ялпи ва оддий мажлисини тайёрлаш ва ўтказишни ташкил қилиш.

3. Олий ўқув юртлари ректорларининг Минтақавий кенгаши ҳайъатининг ялпи ва оддий мажлисларини юритиш.

4. Олий ўқув юртлари ректорларининг Минтақавий кенгаши мажлисида ҳамда Кенгаш ҳайъатида қабул килинган қарорлар ва тавсияларни расмийлаштириш ва уларни кенгаш аъзоларига тарқатиш.

5. Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгаши томонидан олий ўқув юртларида ўтказиладиган тадбирларни тайёрлаш ва бу тадбирларда иштирок этиш.

6. Олий ўқув юртлари ректорларининг Минтақавий кенгаши иши тўғрисида йиллик ҳисобот ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ахборот ва маълумотномалар тайёрлаш.

7. Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгашининг ишлари рўйхатига мувофиқ иш юритишни ташкил қилиш.

Олий ўқув юртлари ректорларининг Минтақавий кенгаши ҳайъати пленумлари ва мажлислари қатнашчилар ҳисобини олиб бориш.

## 2.1.3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Меъёрий ҳужжатни тасдиқлаш тўғрисида»ги 1998 йил 9 декабрдаги 345-сонли

## БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини жадаллаштириш ҳамда олий ўқув юртларини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

«Олий ўқув юртининг Илмий кенгаши тўғрисида»ги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 9 декабрдаги 345-сонли буйруғига илова

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ИЛМИЙ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

## НИЗОМ

1. Олий таълим тўғрисидаги Низомга мувофиқ олий ўқув юртининг фаолиятига тегишли асосий масалаларни кўриб чиқиш учун ректор раислигида Илмий кенгаш ташкил этилади.

2. Илмий кенгашнинг асосий вазифаси - олий ўқув юрти жамоаси саъй-ҳаракатларини қуйидаги масалаларни бажаришга қаратилган фаолиятни бирлаштириш ҳисобланади: Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, замонавий педагогик технология ва компьютерлаштириш асосида юқори сифатли бакалавр ва магистрлар тайёрлашни таъминлаш, илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, ёшларда ватанпарварлик, фуқоролик, ўз Ватани билан фахрланиш, маънавий-маърифий ва маданий хусусиятларни шакллантириш.

Низом бўйича Илмий кенгаш таркибига қуйидагилар киради: ректор (раис), проректорлар, факултет деканлари, олий ўқув юрти таркибига кирувчи мустақил ташкилот ва тармоқлар директорлари, мутахассис чиқарувчи кафедралар мудири, шунингдек, олий ўқув юрти талабалари ва ходимлари касаба уюшмаларининг вакиллари. Илмий кенгашнинг бошқа аъзолари факултетнинг умумий мажлисида (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Илмий кенгашга сайланувчи аъзоларнинг сони ректорнинг буйруғи билан белгиланади. Илмий кенгаш таркибига олий ўқув юртининг муайян йўналиш муаммолари бўйича ишловчи, йирик олим ва мутахассислар, шунингдек, давлатлараро ва бевосита алоқалари бўлган хорижий ўқув юртларининг вакиллари киритилиши мумкин. Ваколат муддати – 5 йил.

3. Илмий кенгаш таркиби олий ўқув юрти ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Ҳар ўқув йилининг бошида, ҳар хил сабабларга кўра Илмий кенгаш таркибидан чиққанлар ўрнига, янги аъзолар сайланади ёки низом бўйича киритилади.

4. Олий ўқув юртларининг кенгаши:

- Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларнинг қатъий бажарилишини кўриб чиқади;
- хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари билан бирлашган Илмий кенгашларни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди;
- факультетларнинг ўқув илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишлари тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек, лицейлар, олий

ўқув юрти қошидаги илмий жамиятларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиб боради, қабул натижалари тўғрисида қабул комиссиясининг, халқ хўжалигининг битирувчи мутахассисларга бўлган эҳтиёжи, буюртмалар билан алоқалар тўғрисида маркетинг хизматининг ҳисоботларини эшитади;

- талабаларнинг йирик малакавий амалиётига якун ясайди ва уларни яхшилаш бўйича тавсиялар беради;

- илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишларнинг режаларини ва профессор-ўқитувчилар таркибининг малака ошириш масалаларини муҳокама этади;

- хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртлари билан алоқаларни ўрнатиш бўйича қарорлар қабул қилинади;

- факультет ва кафедраларни очиш, бекитиш, ўзгартиришга боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарор қабул қилади;

- маркетинг хизмати таклифларини ҳисобга олган ҳолда янги таълим йўналишларини (мутахасисликларни) очиш тўғрисида таклиф киритади;

- дарслик, ўқув қўлланма ва илмий ўқув-услубий адабиётларни тайёрлаш ва нашр этиш масалаларини кўриб чиқади;

- «олий ўқув юртлари педагогик ходимларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ профессор-ўқитувчилар лавозимларини эгаллаш учун танловлар ўтказади;

- профессор, доцент илмий унвонини олишга интилаётган изланувчиларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва белгиланган тартибда илмий унвонга тасдиқлашга тақдим этади;

- аспирантура, докторантура ва олий ўқув юрти таълимидан кейинги бошқа шаклларга номзодни тавсия этади;

- аълочи-талабалар сафидан ва профессор-ўқитувчилар таркибидан номзодларни «Устоз», «Умид» жамғармалари орқали хорижий олий ўқув юртларига стажировкага тавсия этади;

- таълим хизматлари билан шуғулланувчи кичик корхоналар, фирма ва курслар фаолияти ҳақида раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитади;

- ушбу олий ўқув юртининг битирувчилари сафидан номзодларни аспирантурага қабул қилишга тавсия этади, шунингдек, олий ўқув юрти факультетларга бўлинмаган ёки факультетда кенгаш ташкил этилмаган ҳолларда, аспирантларнинг шахсий режаларини ва номзодлик диссертацияси мавзуларини тасдиқлайди;

- олий ўқув юртининг аълочи-талабалари ва аспирантлари сафидан номзодларни номли стипендияларни олишга тавсия этади;

- факультет деканларининг факультетни тамомлаганлар ва аспирантурани битирганлар билан алоқалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади, кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади;

- «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда талабаларнинг жисмоний тарбияси ва уларнинг соғлиқларини янада яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади;

- олий ўқув юрти талабалари ва ходимларининг техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини такомиллаштириш бўйича тадбирларни белгилайди;

- олий ўқув юрти ривожланишининг жорий (йиллик) истиқболий режаларини тасдиқлайди ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини эшитади;

- олий маълумотли мутахассисларнинг малака ошириш режаларининг лойиҳаларини муҳокама этади, олий ўқув юртининг малака ошириш тармоқлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитади.

5. Илмий кенгаш ўз ишини ҳар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган режага мувофиқ амалга оширади. Илмий кенгаш режаси Илмий кенгаш томонидан кўриб чиқилгандан сўнг, олий ўқув юртининг ректори томонидан тасдиқланади.

6. Ўқув ва илмий ишларнинг барча масалалари бўйича Илмий кенгашнинг қарорлари очиқ овоз бериш тартибида кўпчиликнинг овоз билан қабул қилинади. Профессор-ўқитувчилар таркиби лавозимларини эгаллашга ўтказиладиган танловлар, профессор ва доцент илмий унвонларини беришга тақдимномалар эса ёпиқ овоз бериш йўли билан белгиланган тартибда қабул қилинади.

7. Илмий кенгаш қарорлари, олий ўқув юртининг ректори тасдиқлаганидан сўнг кучга киради.

8. Илмий кенгашнинг мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Баённомалар Илмий кенгашнинг раиси ва Илмий котиби томонидан имзоланади.

9. Илмий кенгаш раиси мунтазам равишда Илмий кенгаш қарорлари бажарилиши бўйича текширувларни ташкил этади ва Илмий кенгаш аъзоларига қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳақида ахборот беради.

### 2.1.4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Биринчи проректор ҳақидаги Низомнинг тўла амал қилишини таъминлаш тўғрисида «ги 2000 йил 26 июлдаги 206-сонли

### БУЙРУҒИ

«Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонунларини таълим тизимларига тўла жорий этишни таъминлаш, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашда Республика Президенти Фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш, талаба-ёшларни чуқур ватанпарварлик, фидойилик, миллий ғоя ва мустақиллик мафкураси руҳида тарбиялаш ишларини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда олий ўқув юртларининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректорлари масъулиятини янада кўтариш талабларидан келиб чиқиб

**БУЮРАМАН:**

1. Олий ўқув юрти ректорига:

1.1. «Олий ўқув юртининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректори ҳақида низом», унда белгиланган вазифалар, тадбирлар ва топшириқларни ўқув юртида тўла амалга ошириш юзасидан раҳбарлик учун қабул қилинсин.

1.2. Низомнинг олий таълим муассасасида тўла амал қилишини таъминлайдиган таъсирчан чора-тадбирлар кўрилсин. Ўқув юртида таълим-тарбия жараёнларини ўзаро мувофиқлаштириб олиб бориш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш ишларида Биринчи проректорга, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган ёрдам кўрсатиш мунтазам йўлга қўйилсин.

1.3. Низом ўқув юрти Илмий кенгашида атрофлича кенг ўрганиб чиқилсин, унинг мазмунидан жамоа тўла хабардор қилинсин. Илмий кенгашда Биринчи проректор ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари фаолияти ҳар йили камида икки марта муҳокама этилиши белгилаб қўйилсин.

1.4. Вазирликнинг 1996 йил 16 сентябрдаги 221-рақамли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» ги фармонини бажариш вазифалари ҳақида» ҳамда «Ўқув юртларида маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида» (1998 й. 28 июль №205) ги буйруқларида, шунингдек гуманитар таълим ва тарбиявий ишлар бўйича қабул қилинган ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар қатъий назорат остига олинсин ва уларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши таъминлансин.

1.5. Масала юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирликка ҳар чоракда тегишли равишда ёзма ахборот бериб борилсин.

2. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 2.1.5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2000 йил 22 сентябрдаги 251-сонли

## БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда олий таълим муассасаларини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. «Олий таълим муассасаси факультетининг кенгаши тўғрисида»ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2000 йил 22 сентябрдаги 251-сонли буйругига илова

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

## НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 5 декабрдаги 343-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, факультет декани қошида ва унинг раислигида факультет кенгаши ташкил этилади.

2. Факультет кенгашининг асосий вазифаси – Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштириш ҳамда талабалар ўртасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш асосида юқори сифатли мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунларининг бажарилишига факультет жамоасининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда унинг фаолиятини демократлаштириш ҳисобланади.

3. Кенгаш таркиби факультет декани (раис) ва унинг ўринбосарлари, кафедра мудирлари, факультетнинг айрим жамоат ташкилотлари раҳбарларидан ташкил этилади. Шунингдек, кенгаш таркибига мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг раҳбарлари, хорижий олимлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мутахассислари киритилиши мумкин. Факультетнинг етакчи ўқитувчилари, шунингдек, бошқа илмий-педагогик ходимлари олий таълим муассасасининг ректори белгилаган квоталарга мувофиқ факультет кенгаши таркибига сайланадилар.

4. Факультет кенгаши аъзоларининг сони ва шахсий таркиби олий таълим муассасасининг ректори томонидан уч йил муддатга тасдиқланади.

5. Факультет кенгаши:

- ишчи ўқув режа ва дастурлар лойиҳаларини, битирув малакавий ишлар мавзуларини, магистрлик диссертацияларни кўриб чиқади ва тасдиққа тавсия этади;
- ўқув йили натижалари бўйича ўқитувчиларнинг шахсий режаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни, кафедраларнинг ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот фаолияти ҳамда талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизимини кўриб чиқади;
- факультет профессор-ўқитувчилари таркибининг илмий-тадқиқот ишлари ва малака ошириш режаларини муҳокама этади;
- факультетнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишларига ва талабаларнинг малакавий амалиёт

ишларига якун ясайди;

- деканнинг факультетдаги ўқув, ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича, шунингдек, ҳомийлар орқали бюджетдан ташқари маблагларни жалб этиш, таълим хизматларини кўрсатиш, корхоналар буюртмаларини бажариш ва бошқа соҳалардаги фаолияти юзасидан ҳисоботларини муҳокама этади;

- белгиланган тартибда профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш ўринларга танлов ўтказади;

- профессор ва доцент илмий унвонларини бериш учун тақдим этилган тавсияларни кўриб чиқади;

- фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, докторлик диссертацияси устида ишлаётган ўқитувчилардан катта илмий ходим лавозимига ўтиш истагини билдирган номзодларни муҳокама қилади;

- «Устоз» ва «Умид» жамгармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва Навоий Давлат стипендиялари танловларида иштирок этиш учун ёш ўқитувчилар, олимлар ва иқтидорли талабалар таркибидан кўрсатилган номзодларни муҳокама этади ва тавсиялар беради ҳамда иқтидорли ёшлар билан ишлаш режаларини муҳокама этади;

- ушбу олий таълим муассасаси магистратурасини битирувчилар таркибидан аспирантурага қабул қилиш учун номзодларни муҳокама қилади;

- аспирантларнинг шахсий иш режаларини тасдиқлайди ва ҳар йили уларни аттестациядан ўтказиш материалларини кўриб чиқади;

- кафедраларнинг факультетни битириб кетган бакалаврлар, магистрлар, аспирантлар ҳамда «Умид» жамғармаси орқали таълим олаётган талабалар билан алоқалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади ва кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади;

- кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари томонидан дарслик, ўқув қўлланмалари, маъруза матнларини тайёрлаш бўйича, шу жумладан, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун ҳам, ҳисоботлар эшитади, уларнинг сифатини аниқлайди ва яхшиларини маънавий ва моддий рағбатлантиришга тақдим этади;

- бюджетдан ташқари маблағларнинг тушиши ва улардан ўқув мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокамага киритади;

- олий таълим муассасасининг маркетинг хизмати билан биргаликда корхона ва ташкилотларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини таҳлил этиш, бошқа таълим муассасалари билан алоқаларни ўрнатиш, ишлаб чиқариш билан интеграцияни такомиллаштириш, кафедралар филиалларини ташкил этиш билан боглиқ бўлган масалаларни кўриб чиқади;

- ҳомийлар (васийлар) Кенгашига номзодларни тавсия қилади;

- кафедраларнинг мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ўқув-услубий соҳадаги ҳамкорликлари бўйича режа ва ҳисоботларини муҳокама қилади;

- факультетнинг фаолиятига тегишли бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

6. Факультетнинг ўқув ва илмий ишларига тегишли барча масалалар юзасидан кенгаш қарори очиқ овоз бериш йўли билан, оддий кўпчиликнинг овози билан қабул қилинади. Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича ўтказиладиган танловларда ҳамда илмий унвонга тасдиқ этиш учун бериладиган тавсиялар муҳокамасида кенгаш қарори яширин овоз бериш йўли билан, белгиланган тартибда қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

7. Кенгаш мажлиси, унинг таркибидаги аъзоларнинг 2/3 қисми иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

8. Кенгаш мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Баённомалар кенгаш раиси ва Илмий котиб томонидан имзоланади.

9. Кенгаш раиси мунтазам равишда қарорлар бажарилишининг назоратини ташкил этади ва кенгаш аъзоларига қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши бўйича ахборот бериб боради.

**2.1.6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Вазирликнинг 1996 йил 26апрел 106-сонли республика таълим муассасаларининг давлат аттестацияси самарадорлигини ошириш ҳақидаги буйруғига Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришни мониторинги»ни амалга ошириш тўғрисида қўшимча киритиш» ҳақида»ги 2001 йил 23 апрелдаги 88-сонли**

**БУЙРУГИ**

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ва меъёрий ҳужжатларини бажарилиши юзасидан фаолиятини назорат қилишни, шунингдек олий ўқув юртларида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни» тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш мониторинги билан боғлиқ бўлган вазифалар олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган Ички назорат инспекциялари зиммасига юклатилсин.

2. Олий ўқув юртида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришни мониторинги»ни амалга ошириш тўғрисидаги вақтинча Низоми тасдиқлансин.

3. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Б.Раҳимов)га:

3.1. Уч ой муддат ичида Ички назорат инспекцияси ва «Мониторинг»нинг янги таҳрирдаги намунавий Низоми ишлаб чиқилсин ва тасдиққа киритилсин.

4. Олий ўқув юртлари ректорларига:

4.1. Республика ҳукуматининг қарор ва фармойишлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг қарори, буйруқ, йўриқ хат, модемограмма ва телефонограммаларини бажарилиши ҳақидаги мониторинг маълумотларини Вазирликнинг «Мониторинг» бўлимига ўз муддатида ва сифатли тақдим этиб бориш тизими шакллантирилсин ҳамда бажарилиши таъминлансин.

5. Мазкур буйруқ бажарилишининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 23 апрел 88-сонли буйруғига илова

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИ МОНИТОРИНГИ»НИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ВАҚТИНЧА**

**НИЗОМ**

1. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқаришни мониторинги» (бундан кейин «Мониторинг») олий ўқув юртидаги ички назорат инспекциясининг таркибий қисмидир.

2. «Мониторинг» ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва фармойишларига, республика ҳукуматининг қарорлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъат қарори, буйруқларига ва мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

3. «Мониторинг» хизмати олий ўқув юртида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш мониторингини амалга оширади, шунингдек, таълим муассасасида Ўзбекистон Республикаси-

нинг таълим соҳасидаги қонуни ва меъёрий ҳужжатларининг бажарилиши бўйича назорат қилади.

4. «Мониторинг» нинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- таълим муассасасида Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига оид қонунлари, юқори ташкилотларнинг қарор ва фармойишларини, вазирлик Ҳайъатининг қарори, буйруқ, йўриқ хат, модемограмма ва телефонограммаларини, шунингдек ўқув юртининг Кенгаш қарори ва буйруқларини бажарилиш назоратини таъминлаш;

- таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг ва билим сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши;

- кадрлар тайёрлаш сифати, уларга бўлган эҳтиёж ва меҳнат бозорини ривожлантириш ҳамда олий ўқув юрти моддий-техника базасининг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш.

5. «Мониторинг» ўзига юклатилган вазифаларни олий ўқув юрти ва унинг факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалари билан ҳамкорликда олиб боради.

6. «Мониторинг» ўзига юклатилган вазифалар доирасида:

- олий ўқув юртида таълим стандартлари мониторингини ташкил қилиш масалалари бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатади;

- таълим муассасасида таълимнинг ҳолати ва ривожланиши ҳақида маълумотлар банки ташкил қилади ва тартибга солиб туради;

- олий таълимни бошқариш органлари (вазирлик, ректорат Илмий кенгаши) га таълимни ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш бўйича таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

- олий ўқув юртининг қарор ва буйруқларини ижросини таъминлаш тизимини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- таълим муассасасида ижрочилик фаолиятини таҳлил қилиш асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатади;

- педагог кадрларнинг малакасини ошириш институтлари, ўқув юртларидаги илғор тажрибаларини ўрганади, умумлаштиради ва уларни оммалаштиришга имконият яратади.

7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш мониторинги таҳлил ва назорат тадбирлари натижалари бўйича:

- олий ўқув юртида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, таълим масалалари бўйича республика ҳукумати қарорлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъат қарори, буйруқ, йўриқ хат, модемограмма ва телефонограммаларини бажарилиши ҳақидаги мониторинг маълумотларини вазирликнинг «Мониторинг» бўлими ва тегишли бошқармаларига ўз муддатида, сифатли тақдим қилишни таъминлайди;

- хулоса, кўрсатилган камчиликлар ва муаммоларни бартараф ва ҳал қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлайди.

8. «Мониторинг» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- олий ўқув юртида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, таълим масалалари бўйича Республика ҳукумати қарорлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъат қарори, буйруқ йўриқ хат, модемограмма ва телефонограммаларини, шунингдек ўқув юртининг Кенгаш мажлиси қарори ва буйруқларини бажарилишини факультетларда, кафедраларда таҳлил қилиш;

- таълим муассасаси томонидан давлат таълим стандартларига ҳамда таълимга оид меъёрий ҳужжатларга амал қилинишини текшириш;

- таълим муассасасида бўладиган барча турдаги кенгаш ишларида иштирок этиш;

- ўқув юрти фаолиятини ўрганиш бўйича факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалардан ўз хизмат вазифаларини бажариш учун керакли ҳужжатларни талаб қилиш ва масалага оид мутахассисларни жалб қилиш;

- курс лойиҳаси (ишларини), битирув

малакавий ишларни ҳамда магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва давлат аттестацияларини ўтказилишини, барча турдаги назарий ва амалий машғулотларни кўриб чиқиш;

- «Мониторинг» ҳуқуқи доирасидаги масалаларни жойларда ўрганиш учун белгиланган тартибда ўқув юрти малакали профессор-ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда гуруҳлар тузиш.

9. «Мониторинг» ўз фаолиятини вазирликнинг «Мониторинг» бўлими, билан келишилган ва олий ўқув юрти ректори тасдиқлаган йиллик режага мувофиқ амалга оширади.

10. «Мониторинг» фаолияти ҳар йили олий ўқув юрти Илмий кенгашида муҳокама қилинади ва бу ҳақдаги ҳисобот вазирликнинг «Мониторинг» бўлимига ўқув йилининг охирида тақдим этилади.

## 2.1.7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг«Республика олий ўқув юртларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректор лавозимини жорий этиш ҳақида»ги 2001 йил 30 майдаги 5/6-сонли

## ҚАРОРИ

1. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари в маркетинг хизматлари бўйича проректор лавозимини жорий этилиши муносабати билан бошқарув аппарати лавозимлари сонини ўзгартирмаган ҳолда олий ўқув юртларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича проректори ўринбосари лавозими бекор қилинсин.

2. Барча олий ўқув юртларида академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректор лавозими жорий этилсин....

3. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси бошлиғи (М.Ҳ.Саидов)га:

академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректор лавозимини белгиланган тартибда олий ўқув юртларининг штат бирлиги рўйхатига киритилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири,**
**Ҳайъат раиси**

## 2.1.8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Республика олий ўқув юртлари томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда маркетинг хизматини янада такомиллаштириш ҳақида»ги 2001 йил 30 майдаги 125-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 77-сонли «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги ҳамда 1998 йил 28 январдаги 48-сонли «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирликнинг 2001 йил 30 майдаги 5\6 рақамли ҳайъат қарори ижросини амалга ошириш, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини замон талаблари даражасида ташкил этилишига амалий ёрдам кўрсатиш, таълим муассасалари ўртасида узвийликни таъминлаш ва маркетинг хизматини янада ривожлантириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Барча олий ўқув юртларида 2001 йил 1 июндан академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректор лавозими жорий этилсин.

2. Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти ҳамда Наманган муҳандислик-педагогака институтларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига педагогик ходимлар тайёрланишини инобатга олган ҳолда ушбу лавозимга биринчи проректор мақоми берилсин.

3. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректорнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

3.1. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида олий ўқув юртлари томонидан ташкил этилган кафедра филиаллари фаолиятини ўқув ишлари бўйича проректорлари билан ҳамкорликда мувофиқлаштириш, бозор талаблари асосида Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда таълим узлуксизлигини амалга оширишни таъминловчи талаблар бажарилишини доимий бошқариб бориш;

3.2. Ихтисослашган кафедралар ва олий ўқув юртлари маркетинг хизмати бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига бўлган бозор эҳтиёжининг минтақа ва соҳалар бўйича маркетинг изланишларига асосланган мунтазам таҳлилини амалга ошириш;

3.3. Минтақада ёшларнинг бандлик даражаси, билим ва ҳунар олишга бўлган эҳтиёжлари, уларнинг касбга йўналтирилганлиги ва истиқболда олий таълим муассасаларида ўқишга жалб этиш, таълим муассасаларини ўзгарувчан бозор талабларига тез мослашувчанлигини таъминлаш борасидаги изланишларни такомиллаштириш;

3.4. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ўқув-услубий таъминланганлик даражасини олий таълим муассасаларининг ўқув ишлари бўйича проректорлари билан биргаликда таҳлил этиш, бу борадаги камчилик, муаммо ва вазифаларни аниқлаш, уларни бартараф этишга оид таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилишини назорат этиш;

3.5. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг педагогик кенгашларида белгиланган режага мувофиқ иштирок этиш, ўқув жараёни сифатини оширишга оид вазифалар ҳақида таклифлар киритиш, бу борадаги таҳлилий хулоса ва таклифларни Вазирликка тақдим этиш;

3.6. Таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, таълим тизимининг демократик ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида маркетинг изланишларини янада такомиллаштириш;

3.7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий салоҳиятини ҳамда магистратура талабалари, аспирант ва докторантларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўриндошлик асосида жалб қилинишини таъминлаш;

3.8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Вазирлик олий таълим муассасалари илмий-педагогик салоҳиятларидан фойдаланиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари, диплом, курс ва лаборатория ишларини бажариш бўйича услубий қўлланмалар тайёрлашни олий таълим муассасаларининг ўқув ишлари бўйича проректорлари билан ҳамкорликда йўлга қўйиш ҳамда уларни кутубхоналарга етказилишининг назоратини олиб бориш;

3.9. Кутубхоналар ишини янги талаблар ва информацион технологая воситалари асосида ташкил қилиш, ўқув адабиёт фондларини уларнинг электрон версиялари билан бойитиш, улардан фойдаланиш шарт-шароитини яратиш ва шу кабилар.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 2.1.9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг «Болонья декларацияси ва дипломларни тан олиш муаммолари ҳақида»ги 2003 йил 28 май 5/6 сонли

## ҚАРОРИ

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг (КТМД) иккинчи босқичи – сифат босқичининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси олий таълиминииг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади. Шундай вазифа бирлашган Европа олий таълим тизимлари олдига қўйилгани Болонья декларациясида ўз аксини топган. Декларация миллийликни сақлаган ҳолда таълим сифатининг умумийлигига ва уларнинг стандартларига ишонч ҳосил қилишдан келиб чиқади.

Болонья декларациясипинг учта асосий талаблари қуйидагилардир:

- икки босқичли олий таълим тизимини жорий қилиш;
- синовлар бирлигини (зачетный единицы) тўплаш ва ўзга юртларда тан олинишини таъминловчи кредитларни тўплаш Европа системасини (КТЕС-Еигореаn Credit Transfer System (ECTS)) қўллаш;
- олий таълим муассасаси ва таълим дастурларини аккредитациядан ўтказишнинг адекват тартиб-қоидаларини яратиш.

Болонья декларациясининг принциплари 1999 йилда унга имзо чеккан 29 та Европа мамлакатларидан бирортасида ҳам ҳозирча тўла рўёбга чиққани йўқ. Болонья декларацияси принципларига кўра бу мамлакатлар Европанинг олий таълим тизимлари 2010 йилга келиб таққослай олиш, солиштира олиш, академик ва касбий дипломлар, малака ва даражаларни ойдинлаштира олиш ва тан олишларнинг зарурий ўлчовимезонига эга бўлишлари зарур. Натижада олий маълумотли мутахассисларнинг ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ишга жойлашувида эркинлик ва мобилликни таъминлайди. Алоҳида айтиб ўтиш керакки, бундай таълим инфраструктура яратишда бошқа давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам ҳамкорликда қатнашиши мумкин.

Ўзбекистон олий таълим тизими қатор позициялари билан Болонья декларацияси принциплари ва мақсадларига мос келади.

Биринчидан, Болонья декларациясининг мақсади (рақобатбардошлик, мобиллик, таълим сифати) – КТМД олий таълим олдига қўйган мақсад ва вазифаларга мос келади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг икки босқичли олий таълим тизими Европада тузилаётган таълим тизими структурасига ўхшайди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълимида мавжуд талаба билимини баҳолаш рейтинг тизими ECTSга осонгина ўтишга имкон беради.

Тўртинчидан, Болонья процесси олий таълим методологияси ва сифатини такомиллаштиришга рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси олий таълимини Болонья декларацияси принципларига мувофиқ равишда шакллантириш, унинг жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини ва академик ҳамда касбий дипломлар, даража ҳамда малакаларнинг халқаро тан олинишига кўмаклашувчи Болонья принципларини амалга оширишга қўшилиш мақсадида

**ҲАЙЪАТ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. ОЎМММИ (Э.Имамов)га:

1.2. Янги ўқув йилидан бошлаб ОТМ раҳбар ходимларининг Болонья декларацияси принциплари ва қоидаларини ўрганиш бўйича курслар тўлов-шартнома асосида ташкил этилсин. ОУМММИ 36 соатлик курснинг таълим дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлашга тақдим этсин.

Фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, кадрлар бош бошқармаси (Ш.Бўтаев)га:

Болонья декларацияси принциплари ва қоидаларини ўрганиш курсларига ОТМ раҳбар ходимларининг қатнашишини тўла таъминласин.

Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.А.Аюпов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Ҳайъат раиси**

**В Болонской декларации на предстоящее десятилетие чётко определена общая цель:**

## СПРАВКА

«О Болонской декларации и проблеме признания дипломов»

создание в Европе гармоничного пространства высшего образования для обеспечения:

мобильности и трудоустройства специалистов с высшим образованием и преподавателей;

международной конкурентоспособности и престижа европейского вьюшего образования в мире.

В рамках данной цели поставлены следующие задачи:

создание обшей структуры классификации точно определённых и сопоставимых степеней;

введение двух уровней высшего образования:

бакалавриата и магистратуры, учитывающих потребности рынка труда;

образование совместимых с ECT5 (European Credit Transfer System) систем кредитов;

обеспечение Европейского аспекта в контроле качества;

устранение препятствий к свободному перемещению студентов, аспирантов и преподавателей.

Болонская декларация не предполагает унификации систем образования. При сохранении многообразия национальных традиций она исходит из того, что надо иметь общее качество образования и уверенность в его стандартах.

Для реализации указанных целей и задач необходимо наличие эффективных средств, отвечающих современным условиям:

- для обеспечения свободы исследований и преподавания всем членам университетского сообщества должны быть предоставлены необходимые средства;

- подбор преподавателей и регламентирование их статуса должны соответствовать принципу неразделимости преподавательской и исследовательской деятельности;

- обеспечение студентам гарантий их свободы и создание необходимых условий для достижений требуемого культурного и образовательного уровня;

- свободный взаимный обмен между университетами информацией и документами, а также увеличение числа совместных проектов;

- поощрение мобильности преподавателей и студентов;

- осуществление единой политики предоставления стипендий и равнозначности статуса, званий и экзаменов.

Тремя китами, определяющими архитектуру будущего Европейского высшего образования являются:

- введение двухступенчатой системы высшего образования (бакалавр - магистр);

- применение Европейской кредитной системы ECTS, обеспечивающей перенос и наполнение зачётных единиц;

создание адекватных процедур аккредитации образовательных программ и высших образовательных учреждений.

В конечном счете, Европейская система высшего образования к 2010 году должна приобрести необходимую меру конвергентности, синергии, сравнимости, сопоставимости, признания и прозрачности академических и профессиональных дипломов, степеней и квалификаций.

Нужен ли Болонский процесс высшему образованию Республики Узбекистан?

Во первых, цели Болонского процесса – конкурентоспособность, мобильность, качество – отвечают нашим интересам, поставленных перед страной Национальной программой по подготовке кадров.

Во - вторых, Болонский процесс окажет стимулирующее воздействие на совершенствование культуры и качества высшего образования. Возникает потребность в создании более совершенной системы аттестации и контроля качества.

В – третьих, система высшего образования Республики Узбекистан по своей структуре аналогична создаваемой Европей-

ской системе. Она также имеет два уровня: бакалавриат и магистратуру. Причём трудоёмкость образовательных программ бакалавриата Узбекистана эквивалентна 240 кредитных единицам ECTS (четыре года по 60 кредитных единиц в год).

В четвёртых, система оценивания знаний студентов в Республике Узбекистан легко трансформируется в систему, аналогичную ECTS.

Одним из условий формирования общеевропейского пространства высшего образования, связанного с Болонским процессом, является внедрение и применение Европейской системы зачетного перевода (ECTS).

ECTS (European Credit Transfer System) направлена на решение следующих вопросов:

- помочь студентам обучаться зарубежом;

- обеспечить способ измерения и сравнения результатов обучения при переходе из одного вуза в другой;

- помочь сотрудничеству вузов в облегчении доступа к зарубежным учебным планам и обеспечении академического признания.

Что же дает система ECTS студенту?

- гарантирует академическое признание обучение зарубежом; обеспечивает доступ к полноценным учебным курсам (дисциплинам) и академической жизни в другом вузе;

- дает возможность дальнейшего обучения зарубежом.

Что делает вуз для реализации системы ECTS? обеспечивает прозрачность учебных планов (отражает детальную информацию о содержании учебного процесса);

- оказывает помощь при решении вопросов академического признания квалификаций (путем предварительного согласования содержания образовательной программы между студентом, его родным и принимающим университетом);

- четко отражает структуру курсов учебного плана, учебную нагрузку студентов и результаты обучения;

- сохраняет свою автономию и несет ответственность за все решения, касающиеся результатов обучения студентов.

| ECT5 | | Система оценивания в Узбекистане в % |
|---|---|---|
| Обозначение | Определение | |
| A | Отлично | 91-100 |
| B | Очень хорошо | 81-90 |
| C | Хорошо | 71-80 |
| D | Удовлетворительно | 61-70 |
| E | Достаточно, т.е. выполнены минимальные требования | 51-60 |
| FУ | Нсдостаточно: требуется определенная дополнительная работа | 41-50 |
| F | Недостаточно: требуется значительная дополнительная работа | Менее 40 |

## 2.1.10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими муассасаларининг давлат аттестацияси ва аккредитацияси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими педагог, профессор-ўқитувчи ва раҳбар кадрлар аттестацияси ҳақида»ги Низомлар лойиҳаларини апробациядан ўтказиш ҳақида»ги 2004 йил 14 майдаги 138-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий Комплексининг 2004 йил 4 майдаги 07/105-248-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМИЗ:**

1. Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат килиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими муассасаларининг давлат аттестацияси ва аккредитацияси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими педагог, профессор-ўқитувчи ва раҳбар кадрлар аггестацияси ҳақида»ги Низомлар лойиҳаларини апробациядан ўтказиш Тошкент темир йўл транспорти мухандислари институтида 2004 йилнинг 17-29 май кунларига белгилансии.

2. Олий таълим муассасасини тажрибавий давлат аттестациясидан ўтказиш мазкур Низомларга мувофиқ ишлаб чиқилган Тартиб ва Мезонлар асосида амалга оширилсин.

3. Тошкент темир йўл транспорти мухандислари институтининг тажрибавий давлат аттестациясига таълим муассасаларидан жамоатчи экспертларни танлаш ва жалб этиш, уларнинг фаолияти холисоналиги ва компетентлигини таъминлаш масъуллиги бўлим бошлиқлари Ш.Шохамидов ва Б.Ражабовлар зиммаларига юклатилсин.

4. Эксперт гуруҳи томонидан олий ўқув юртининг кадрлар тайёрлаш сифати, ўқув жараёнининг ташкил этилиши, таълим фаолиятининг асосий ҳужжатлари, ўқув ва илмий-услубий ишлар, моддий-техника ва ўқув-лаборатория базалари, маънавий-маърифий ҳамда халқаро ҳамкорлик соҳалардаги фаолиятлари, илмий-педагогик кадрлар салоҳияти ўрганилиб, апробация натижаларига кўра мазкур Низомлар лойиҳаларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин ҳамда белгиланган тартибда жорий йилнинг 4 июнигача Бошқармага тақдим этилсин.

5. Тошкент темир йўл транспорти мухандислари институти ректорига:

- эксперт гуруҳининг самарали ишлаши учун барча шароитлар яратилсин;
- институт жамоасига ўтказилаётган тадбирнинг моҳияти ҳақида тўлиқ ахборот берилсин ва Давлат тест маркази томонидан апробацияга оид ҳужжатлар деканат, кафедра ва бўлимларга ўз вақтида етказилиши таъминласин.

6. Мазкур буйруқнинг ижроси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ш.А.Аюпов ва Бошқарма бошлиғи М.А.Закиров зиммаларига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири,**
**Давлат тест маркази**

### 2.1.11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг фуқаро муҳофазаси бўйича 2010 йилги вазифалари ҳақида»ги 2010 йил 5 январдаги 5-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси 226-сонли Қонуни – «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2009 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2010 йилдаги вазифалар тўғрисида»ги 2009 йил 17 декабридаги 9-сонли буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятларда давлат тизими фаолиятини тўлақонли таъминлаш, таълим муассасалари ўқувчи-талаба ва ходимларини фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2009 йил 11 ноябрдаги 71-сонли Қарор ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизимининг бошқарув органлари, кучлари ва аҳолини тайёрлаш бўйича 2010 йил учун ташкилий кўрсатма» ва «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизимининг аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2010 йилги асосий тадбирлар режаси» ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари директорлари, фуқаро муҳофазаси бошлиқлари:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизимининг аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2010 йилги асосий тадбирлар режаси»да белгиланган вазифаларни муддатида тўлиқ бажарилишини таъминласин;

2.2. Юзага келиши мумкин бўлган табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга оид маълумотлар ва ҳисоботларнинг белгиланган тартибда вазирликка мунтазам равишда тақдим этилиши амалга оширилсин;

2.3. Раҳбар ходимлар таркиби ишчи-хизматчиларни юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш белгиланган тартибда ташкил этилсин;

2.4. Зилзила, сел, сув тошқини ва кўчкилар билан боглиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфларни тезкорлик билан бартараф этиш ишларини ташкиллаштириш мақсадида, ўз ичига муҳандислик техникасини олган (автокран, самосвал, автоюклагич, бульдозер, автобус, трейлер ва бошқалар) ҳаракатдаги механизация отрядлари тузилиши таъминлансин ва уларнинг навбатчилиги ташкиллаштирилсин;

2.5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тассаруфидаги олий таълим муассасалари ҳамда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва муҳофаза қилиш бўйича 2010 йилдаги асосий тадбирлар режаси» 1-иловага, «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг фуқаро муҳофазаси институтига 2010 йилдаги тингловчилар билан таъминлаш режаси» 2-иловага, «Олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқитувчи, ходим таркибидан ташкил топган тингловчиларни ўқитиш режаси» 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

2.6. Фуқаро муҳофазаси бошлиқлари бўлган олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг раҳбарлари, икки ҳафта муддатда юқорида кўрсатилган 1, 2, 3-иловаларга мувофиқ, «Таълим муассасаларидаги ходимларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида фуқаро муҳофазасига тайёрлаш бўйича махсус соатларнинг мавзулари» 4-иловага, «Таълим муассасаларидаги фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибини тайёрлаш бўйича «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанини узвий қисми бўлган фуқаро муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги махсус курс соатларининг мавзулари» 5-иловага, «Таълим муассасаларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ва фуқаро муҳофазасига тайёрлаш бўйича тавсия этиладиган мавзулар» 6-иловага, «Таълим муассасаларининг раҳбарлар таркибини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги»га тайёрлаш бўйича тавсия этиладиган мавзулар» 7-иловада кўрсатилган мавзуларни акс эттирган ҳолда ўз режаларини ишлаб чиқсинлар;

2.7. Фуқаро муҳофазаси борасидаги 2-сон ФМ шакли бўйича биринчи ярим йиллик ҳисоботни 2010 йилнинг 25 июнига қадар, 2010 йил якуни борасидаги ҳисоботни эса 2010 йилнинг 25 декабригача вазирликка тақдим этилишини таъминласин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари А.Ғуломхўжаев ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Р.Ниматовлар зиммасига юклатилсин.

**Фуқаро муҳофазаси бошлиғи**
**Олий ва ўрта махсус таълими вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 5 январдаги 5-сонли буйруғига 1- илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва муҳофаза қилиш бўйича 2010 йилдаги асосий тадбирлар**

**Р Е Ж А С И**

| т/р | Тадбирлар номи | Бажариш учун маъсул | Ўтказиш вақти | Бажарилишни назорат қилувчи | Кимга маълумот берилади |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | 1. Ташкилий тадбирлар. | | | | |
| 1. | 2010 йилдаги асосий вазифалари ижросини таъминлаш борасидаги ҳисоботлар муддати | ОЎМТВ тасаруфидаги барча таълим муассасалари | 2010 йил 25-июнь 25-декабрга қадар | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 2 | ОТМ да авария-қутқарув гуруҳлари билан республика қутқарувчилари кўпкураш мусобақасини ўтказиш | ОЎМТВ тасаруфидаги барча таълим муассасалари | Сентябрь | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 3 | Республика миқёсида «Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш кунига» бағишланган тадбирларни (учрашувлар, илмий-амалий семинар ва давра суҳбатлари) амалга ошириш | ОЎМТВ тасаруфидаги барча таълим муассасалари | 2010 йил октябр ойининг 2- чоршанбаси | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4 | Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ҳолатини комплекс текширувдан ўтказиш ва амалий ёрдам кўрсатиш: Фаргона ва Андижон вилоятлари касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари | Ҳудудий бошқарма бошлиқлари | Апрель | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 5 | Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ҳолатини текширувдан ўтказиш ва амалий ёрдам кўрсатиш. Самарқанд ва Бухоро вилоятлари олий таълим муассасалари | ОЎМТВ тасар-руфидаги барча таълим муасса-салари | Август | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 6 | Фавқулодда вазиятларни олдини олиш, уларнинг оқибатларини барта-раф этиш, ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазият-лардан муҳофаза қилиш | ОЎМТВ тасар-руфидаги барча таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 7 | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанини ўқитиш жараёнида ўта муҳим деб бел-гиланган, хавфли омилларни камай-тиришга асосланган услубият орқали етказиш, айниқса ёшларни тинчлик ва алоҳида даврда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри тезкор ҳаракат қилишга тайёрлаш борасида билим ва кўникмаларга эга бўлишишига эришиш | ОЎМТВ та-сарруфидаги Самарканд ва Бухоро таълим муассасалари-даги фуқаро муҳофазаси бошлиқлари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 8 | Фавқулодда вазиятлар хавфини ка-майтириш бўйича комплекс профи-лактика тадбирларини ишлаб чиқиш | ОЎМТВ тасар-руфидаги барча таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 9 | Фавқулодда вазиятлар вужудга кел-ганда потенциал хавф мавжуд бўл-ган объектларнинг баркарор фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратиш | ОЎМТВ тасар-руфидаги барча таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 10 | Ўта муҳим ва тоифаланган объект-ларни таҳлил этиб инсонлар ҳаёти ва саломатлигига хавф солувчи авария ҳолатларининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриб хавфсизликни таъминлаш | ОЎМТВ тасар-руфидаги барча таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 11 | Кимёвий, ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд бўлган жойларни аниқлаб, объектларнинг хавфсизлигини таъ-минлаш, қўриқлаш, жамоат тарти-бини сақлаш юзасидан тегишли иш-ларини олиб боришда жойлардаги ташкилотлар билан тегишли таш-килий ишларни амалга ошириш | ОЎМТВ тасар-руфидаги барча таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 12 | Мавжуд бинолар ва уларнинг ҳудуд-ларидаги моддий ва маданий бой-ликларни хавфсизлигини таъминлаш | ОЎМТВ тасар-руфидаги барча таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 13 | Ҳаракатдаги бошқарув пунктларини тайёргарлик даражасини ошириш, уларни жиҳозлаш ҳамда фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш | ОЎМТВ тасар-руфидаги барча таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 14 | Локал хабар бериш тизимиии яратиш, уларни хабар бериш тизими билан боглаш | ОЎМТВ тасар-руфидаги барча таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 15 | Табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун зарур молиявий ва моддий техника ресуслари захираларини яратиш ишларини давом эттириш | ОЎМТВ та-сарруфидаги таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 16 | Таълим муассасаларида фуқаро муҳофазаси тизимларининг куч ва воситаларини юзага келиши мумкин бўлган табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш борасида ўқув машғулотларида алоҳида эътибор қаратиш | ОЎМТВ тасар-руфидаги барча таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 17 | Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари учун фавқулодда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш бўйича ўқитиладиган фанларнинг мазмунан узвийлигини таъминлаган ҳолда 2010/2011 ўқув йилидан эътиборан «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» таълим йўналиши бўйича таянч олий таълим муассаси томонидан ишлаб чиқилган намунавий ўқув дастури асосида тўлиқ таълим жараёнига жорий этиш | ОЎМТВ та-сарруфидаги барча таълим муассасаларининг фуқаро муҳофазаси бошлиқлари | 2010/2011 ўқув йилидан эътиборан | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 18 | Фавқулодда вазиятларда Давлат тизими функционал ва ҳудудий қуйи тизимнинг авария-қутқарув ва қидирув-қутқарув кучларини замонавий талабларга жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида тегишли маблағларни талабнома асосида таъминлаш | ОЎМТВ та-сарруфидаги таълим муасса-салари | Режа асосида | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 19 | Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни давом эттириш | ОЎМТВ та-сарруфидаги таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 20 | Юзага келиши мумкин бўлган табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятлар тўғрисида тарғибот-ташвиқот тадбирларини кучайтириш | ОЎМТВ та-сарруфидаги таълим муасса-салари | Доимий | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 21 | Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг фуқаро муҳофазаси институтига 2010 йил тингловчилар билан таъминлаш режаси | ОЎМТВ тасарруфидаги олий таълим муассасалари | 1-жадвал асосида | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 22 | Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари ўқитувчи-ходимларини юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш тадбирлари махсус дастурлар асосида ўқув семинар, тренингларни хўжалик шартнома асосида амалга ошириш | ОЎМТВ тасарруфидаги таълим муассасалари | ХФХ таълим йўналиши бўйича таянч олий таълим муассасаси томонидан тақдим этилган режа асосида | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 23 | Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида «Фуқаро муҳофазаси кунлари»ни ўтказиш | ОЎМТВ тасарруфидаги таълим муассасалари | 2010 йил октябрь ойининг 2-якшанба куни ўтказиш | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 24 | Барча олий ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида биттадан ўқитувчи, ходим таркибидан тингловчилар иштирокини таянч олий таълим муассасасига таъминлаши ҳамда ўқитиш борасидаги харажатлар шартнома асосида ходимларнинг асосий иш жойидан қопланиши белгилаб қўйилсин. | Барча академик лицей ва касб-ҳунар ҳамда барча олий таълим муассасалари | 2-жадвалдаги режа асосида | ОЎМТВ «ХФХ» таълим йўналиши бўйича таянч олий таълим муассаси | ОЎМТВ |
| 25 | Таълим муассасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишчи ва хизматчиларни юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш тадбирлари, уларнинг иш жойларида 15 соатлик (мавзулар 3-жадвалга мувофиқ) хажмдаги машғулотлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади | ОЎМТВ тасарруфидаги таълим муассасалари | Режа асосида | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 26 | Фуқаро муҳофазаси тизимлари ходимларини тайёрлаш бевосита иш жойида 15 соат хажмда (бунда 10 соатлик умумий мавзулар ҳамма тузилмалар учун мажбурий) ташкил этилади (мавзулар 4 -жадвалга мувофиқ) | ОЎМТВ тасарруфидаги таълим муассасалари | Режа асосида | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 27 | Фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича тайёрлаш (жами 15 соат ҳажмда) суҳбатлар ўтказиш, маърузалар ўқиш, фуқаро муҳофазаси бўйича ўқув фильмларни намойиш этиш, шунингдек қўлланмалар, эслатмаларни мустақил ўрганиш, радиоэшиттиришларни тинглаш, теледастурларни кўриш орқали (мавзулар 5-жадвалга мувофиқ) амалга оширилади | ОЎМТВ тасарруфидаги таълим муассасалари | Режа асосида | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 28 | Объект, корхона ва муассаса раҳбарлари таркибининг тайёргарлиги (фуқаро муҳофазаси бошлиқлари томонидан) ўқув йили учун 15 соат ҳажмдаги (мавзулар 6-жадвалга мувофиқ) дастур асосида иш жойларида ташкил этилади, фуқаро муҳофазаси бошлиқлари эса вилоят, шаҳар, туман фавқулодда вазиятлар бошқарма (бўлим)лари бошлиқлари раҳбарлигида ушбу дастур асосида тайёргарликдан ўтказилади | ОЎМТВ тасарруфидаги таълим муассасалари | Режа асосида | ОЎМТВ | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 29 | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 3 апрелдаги 71-сонли Қарори билан тасдиқланган «Фавқулодда вазиятларни прогнозлаштириш ва уларни олдини олиш мақсадли Давлат дастури асосида ЎРОЎМТВ 28 октябр 318-сонли буйруғини ижросини таъмирлаш борасида «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанига 135 аудитория соат ажратилиши таъминлансин ва қуйидаги тартибда амалга оширилиши белгилаб олинсин: - 7 семестр 90 аудитория соатидан 52 соат маъруза, 16 соат лаборатория ишлари, 22 соат амалий машғулотларнга; - 8 семестрда 45 аудитория соатидан 27 соат маъруза ва 18 соат амалий машғулот соатларига ажратилсин; Шу билан бир қаторда малакавий битирув иши ва магистрлик диссертацияси ёзиш учун маслаҳат иши учун 2 соат (ҳар бир талабага) ҳамда «Ҳаёт фаолияти хафвсизлиги» фанидан машғулотлар олиб борган ўқитувчи бевосита иштирокида амалга оширилиши таъмин этилсин. | Барча олий таълим муассасаларининг фуқаро муҳофазаси бошлиқлари | Режа асосида 2010/2011 ўқув йилидан | ОЎМТВ фуқаро муҳофазаси штаб бошлиги | ОЎМТВ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 30 | «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» таълим йўналиши бўйича таянч олий таълим муассасида Фавқулодда вазиятлар, ва фуқаро муҳофазасига тегишли махсус жихозланган маъруза ва амалиётларни ўтказиш учун камида 50-60 тингловчига мўлжалланган намунавий хона ажратилиб бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан қопланган ҳолда зарур жихоз, ўқув қўлланма ва адабиётлар билан таъминлансин. | «ҲФҲ» таълим йўналиши бўйича таянч олий таълим муассасининг Фуқаро муҳофазаси бошлиғи | 2010 йил мобайнида | ОЎМТВ | ОЎМТВ штаб бошлиғи |

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 5 январдаги 5-сонли буйруғига 2-илова

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг фуқаро муҳофазаси институтига 2010 йилдаги тингловчилар билан таъминлаш РЕЖАСИ

| т/р | Тингловчилар тоифаси | Дастур бўйича соатлар сони | Олий таълим муассасалари номи | Ўқитиш санаси | Ўқитилиш режалаштирилган тингловчилар сони |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | Фуқаро муҳофазаси бошлиқлари | 40 | ФДУ | 11.01-15.01 | 1 |
| | | | ФПИ | 18.01-22.01 | 1 |
| | | | НамДУ | 0г.02-05.02 | 1 |
| | | | НамМИ | 01.03-05.03 | 1 |
| | | | АндДУ | 26.04-30.04 | 1 |
| | | | АндМИИ | 13.09-17.09 | 1 |
| | | | АндЧПИ | 22.11-17.12 | 1 |
| 2 | Ҳудудий бошқармалар, фукаро муҳофазаси бошлиқларининг ўринбосарлари (биринчи ўрин босарлари) | 40 | ТАЙИ | 11.01-15.01 | 1 |
| | | | ТДТУ | 25.01-29.01 | 1 |
| | | | ТДИУ | 01.03-05.03 | 1 |
| | | | ЎзМУ | 13.09-07.09 | 1 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3 | Таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари | 40 | ТошДПУ | 18.01-22.01 | 2 |
| | | | ТАҚИ | 25.01-29.01 | 1 |
| | | | ТМИ | 01.02-05.02 | 2 |
| | | | ТДШИ | 08.02-12.02 | 1 |
| | | | ТКТИ | 01.03-05.03 | 1 |
| | | | ГулДУ | 22.03-26.03 | 1 |
| | | | ҚКДУ | 26.04-30.04 | 1 |
| | | | УРДУ | 13.09-17.09 | 1 |
| | | | БухДУ | 22.11-26.11 | 2 |
| | | | БухООЕСТИ | 13.12-17.12 | 2 |
| 4 | Ҳудудий бошлиқларнинг, эвакуация комиссияси раислари ва уларнинг ўринбосарлари (умумий масалалар бўйича ўринбосарлари) | 80 | ТерДУ | 31.05-11.06 | 1 |
| 5 | Иқтисодиёт объектлари фаолиятининг барқарорлигини ошириш комиссияси раислари ва уларнинг ўринбосарлари | 80 | ЎзДЖТУ | 15.02-26.02 | 1 |
| | | | НамДУ | 29.03-09.04 | 1 |
| | | | НамМПИ | 20.09-30.09 | 1 |
| 6 | Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг фуқаро муҳофазаси ўқитувчилари ва цикл бошлиқлари | 80 | ЖизПИ | 03.05-14.05 | 1 |
| | | | СамИСИ | 31.05-11.05 | 3 |
| 7 | Фуқаро муҳофазаси бўйича масъул ходимлар | 80 | ТТЕСИ | 15.02-26.02 | 1 |
| | | | Анд.ДУ | 29.03-09.04 | 1 |
| | | | АДТПИ | 12.04-23.04 | 1 |
| 8 | Фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассислар (ЎР ВМ нинг 1997 йил 23 декабрдаги 558 -сон қарорига мувофиқ киритилган | 80 | ҚорДУ | 03.05-14.05 | 1 |
| | ЖАМИ: | | | | 37 |

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2010 йил 5 январдаги
5-сонли буйруғига 4-илова

**Таълим муассасаларидаги ходимларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида фуқаро муҳофазасига тайёрлаш бўйича махсус соатларининг**
**МАВЗУЛАРИ**

| т/р | Мавзу | Машғулот шакли | Соатлар |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими | маъруза | 1 |
| 2 | Юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг таснифи | маъруза | 1 |
| | Табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар, уларнинг таснифи ва улардан муҳофазаланиш. Трансчегаравий фавқулодда вазиятлар | Гуруҳ машғулоти | 2 |
| 4 | Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, уларнинг таснифи ва улардан муҳофазаланиш | Гуруҳ машғулоти | 2 |
| 5 | «Диққат, ҳаммага!» сигналини бериш усули, огоҳлантириш сигнал берилганда ҳаракатланиш тартиби. Фавқулодда вазиятларда аҳолининг ҳаракати | Гуруҳ машғулоти | 2 |
| 6 | Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалардан аҳолини муҳофаза қилишни ташкиллаштириш. Шахсий ва жамоа ҳимоя воситалари | Амалий машғулот | 2 |
| 7 | Заҳарланганда, жароҳат олганда, куйганда, қон оқиши, суяклар синишида ўз-ўзига ва бошқаларга ёрдам бериш | Амалий машғулот | 2 |
| 8 | Муҳандислик-ҳимоя иншоотларининг қурилишини ўрганиш. Асосий ва ёрдамчи бинолар, уларнинг жиҳозланиши, улардаги яшаш таъминоти тизими | Амалий машғулот | 2 |
| 9 | Террорчилик ҳаракатлари хавфи туғилганда ёки содир этилганда ҳаракат қилиш қоидалари | Амалий машғулот | 1 |
| | **ЖАМИ** | - | **15** |

ЭСЛАТМА: Объектларнинг фуқаро муҳофазаси бошлиқлари учун маҳаллий шароитлари ва соҳаларига қараб, ўқув соатларини қисқартирмаган ҳолда, мавзуларга қўшимчалар ва аниқликлар киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2010 йил 5 январдаги
5-сонли буйруғига 5-илова

**Таълим муассасаларидаги фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибини тайёрлаш бўйича «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанини узвий қисми бўлган фуқаро муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги махсус курс соатларининг**

## МАВЗУЛАРИ

| т/р | Мавзу | Соатлар |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| | **I. Умумий мавзулар** | |
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш Давлат тизими | 2 |
| 2 | Табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар, улардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш | 2 |
| 3 | Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, улардан аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш | 2 |
| 4 | Фуқаро муҳофазаси тузилмаларни тайёр ҳолатга келтириш ва фавқулодда вазиятларда хабар бериш ҳамда алоқани ташкил этиш | 2 |
| 5 | Тузилмалар шахсий таркибини қидирув-қутқарув, авария қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказишда уларнинг муҳофазасини ташкил этиш | 3 |
| 6 | Террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида юзага келган техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш | 2 |
| | **II. Махсус мавзулар бўйича амалий машғулотлар 1. Қутқарув тузилмалари** | |
| 1.1 | Бузилган бинолар ва иншоотлар остида қолган одамларни қутқариш тартиби ва усуллари | 2 |
| 1.2 | Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар ва радиоактив моддалар билан заҳарланган ҳудудлардан одамларни қутқариш усуллари | 3 |
| | **2. Авария -тиклаш тузилмалари** | |
| 2.1 | Коммунал-энергетика тармоқлари ва технологик линиялардаги авариялар. Аварияларни бартараф этиш усуллари | 3 |
| 2.2 | Объектлардаги кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар ва радиоктив моддалар Билан боғлиқ аварияларни бартараф этишда тузилмаларнинг ҳаракатлари | 3 |
| | **3. Радиацион -кимёвий разведка тузилмалари** | |
| 3.1 | Аҳолини кўчириш маршрутларини аниқлаш ва қидирув-қутқарув, авария -қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш | 2 |
| 3.2 | Қисман ва тўлиқ санитария ишлови. Техника ва иншоотларни зарарсизлантириш. Шахсий ҳимоя воситаларини тарқатиш пунктлари | 3 |

| | | |
|---|---|---|
| **4. Ёнғин хавфсизлиги тузилмалари** | | |
| 4.1 | Ўт ўчириш воситалари, уларни ишлатиш тартиблари ва усуллари. Ўт ўчиришда қўлланиладиган ёнғинга қарши воситалар | 3 |
| 4.2 | Маиший иншоотлар ва саноат корхоналаридаги ёнғинларни ўчириш. Ёнғинга қарши профилактика тадбирлари | 3 |
| **5. Жамоат тартибини сақлаш тузилмалари** | | |
| 5.1 | Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳуқуқий -меъёрий ҳужжатлари | 2 |
| 5.2 | Эвакуация тадбирларида тузилмаларининг ҳаракати. Тартибсизлик вақтида саросимага тушмаслик, тартибни сақлаш ва моддий қийматга эга мулкларни талончиликдан сақлаш | 3 |
| **6. Алоқа тузилмалари** | | |
| 6.1 | Алоқа воситаларининг қуролли тузилмаларда жойлашиши ва эксплуатация қилиш усуллари | 2 |
| 6.2 | Бахтсиз ходисалар, авария, ҳалокатлар содир бўлганда ҳудудларда барқарор алоқани таъминлаш ва ташкиллаштириш. | 3 |
| **7. Автомобиль тузилмалари** | | |
| 7.1 | Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлганда аҳолини, юкларни, шунингдек жабрланганлар учун хизмат кўрсатадиган автотранспортларнинг жиҳозланиши | 2 |
| 7.2 | Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун хизмат қиладиган автотранспорт воситаларини ташкил этиш | 3 |
| **8. Таъминот хизмати тузилмалари** | | |
| 8.1 | Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар хавфи юзаға келган шароитда аҳолини хавфсиз жойга кўчириш пайтида уларни озиқ - овқат билан таъминлаш | 3 |
| 8.2 | Таъминот пунктининг жойлашиши ва жиҳозланиши | 2 |
| **9. Панагоҳлар хизмати тузилмалари** | | |
| 9.1 | Ҳимоя иншоотларининг жойлашиши ва ички жихозланиши, улардаги авария ва талофатларин бартараф этиш | 3 |
| 9.2 | Шахсий таркиб ва техникалар учун ҳимоя иншоотлари қурилаётганда тузилмаларнинг ҳаракати | 2 |
| 10 | Жами | 60 |

ЭСЛАТМА: Объектларнинг фуқаро муҳофазаси бошлиқларига минтақа хусусиятига кўра белгиланган вазифаларни тайёрлаш учун ажратилган соатлар сонини қисқартирмасдан мавзуларга аниқликлар ва қўшимчалар киритишга рухсат этилади. Амалий машғулотларни маърузалар билан алмаштириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2010 йил 5 январдаги
5-сонли буйруғига 6-илова

**Таълим муассасаларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ходимларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ва фуқаро муҳофазасига тайёрлаш бўйича тавсия этиладиган**

## МАВЗУЛАР

| т/р | Мавзу | Соатлар миқдори | Шулардан | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Суҳбат, маъруза (учрашув) | Махсус -тактик ўқув машқи |
| 1 | Фавқулодда вазиятларда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари | 0,5 | 0,5 | - |
| 2 | Фуқароларнинг фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари | 0,5 | 0,5 | - |
| 3 | Ўзбекитон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими тўғрисида | 0,5 | 0,5 | |
| 4 | Табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар. Трансчегаравий фавқулодда вазиятлар ва уларнинг кўлами | 0,5 | 0,5 | |
| 5 | Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар | 0.5 | 0,5 | - |
| 6 | Маҳаллаларда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар | 0,5 | 0,5 | - |
| 7 | Маҳаллаларни фавқулодда вазиятларда огохлантиришни ташкиллаштириш | 0,5 | 0,5 | - |
| 8 | «Диққат ҳаммага!» сигналини бериш усули, огоҳлантирувчи сигнал берилганда ҳаракатланиш тартиби | 0,5 | 0,5 | - |
| 9 | Фавқулодда вазиятларда жамоани ҳаракатланишга тайёрлаш (маҳалла мисолида) | 0,5 | 0,5 | - |
| 10 | Фавқулодда вазиятларни бартараф этишда маҳаллий имкониятлардан фойдаланиш (маҳалла мисолида) | 0,5 | 0,5 | - |
| 11 | Аҳолининг моддий ва бошқа бойликларини суғЎрталаш, унинг фавқулодда вазиятлардаги афзаллиги | 0,5 | 0,5 | - |
| 12 | Жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш (тиббий ёрдам етиб келгунга қадар) | 0,5 | 0,5 | - |
| 13 | Ўзбекистон республикаси ФВВ ҳудудий тизимлари Авария-қутқарув отрядларининг фаолияти | 0,5 | 0,5 | - |
| 14 | Фавқулодда вазиятлар пайтида эвакуация ишлари | 0,5 | 0.5 | - |
| 15 | Фавқулодда вазиятлар юз берганда жамоат тартибини сақлаш | 0,5 | 0,5 | - |
| 16 | Жамоа ва шахсий ҳимоя воситалари ҳамда улардан фойдаланиш | 0,5 | 0,5 | - |
| 17 | Кимёвий зарарланган ҳудудларни муҳофазаланиш усуллари | 0,5 | 0,5 | - |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 18 | Террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида юзаға келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар | 0,5 | 0,5 | - |
| | Жами: Назарий қисми | 9 соат | 9 соат | |
| 19 | Фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ва содир бўлганда бошқарув органлари ва аҳолининг ҳаракатлари | 6 соат | - | 6 соат |
| | **Жами: Амалий қисми** | **6 соат** | | **6 соат** |
| | **Умумий:** | **15** | | |

ЭСЛАТМА: Назарий қисм бўйича режалаштирилган ўқув машғулотлари жойларга чиққан ҳолда бир иш куни давомида амалга оширилади, Амалий қисим эса ФВДТ асосий тадбирлар режасига асосан махсус тактик ўқув машқлари давомида ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2010 йил 5 январдаги
5-сонли буйругига 7-илова

**Таълим муассасаларининг раҳбарлар таркибини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги»га тайёрлаш бўйича тавсия этиладиган МАВЗУЛАР**

| т/р | Мавзу | Соатлар |
|---|---|---|
| 1 | Ўзбекистон -суверен, демократик давлат. Жамият тараққиётининг хозирги босқичда хавфсизлик ва барқарорликка тахдид | 2 |
| 2 | Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асоси | 1 |
| 3 | Ўзбекистон Республикаси ФВДТ | 2 |
| 4 | Ҳудудларни ва аҳолини эпизотик ҳамда эпифитотик вазиятлардан муҳофаза қилишни ташкил этиш | 1 |
| 5 | Аҳоли ва ҳудудларни табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни ташкил этиш: Гигиеник хавфли ходисалар; гидрометрологик хавфли ҳодисалар | 2 |
| 6 | Аҳоли ва ҳудудларни техноген хусусиятла фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни ташкил этиш: Гидротехника иншоотлардаги авариялар; Ёнғин, портлаш объектларидаги авария ва ҳалокатлар; Транспорт, энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар; Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар; Радиациявий хавфли объектлардаги авариялар | 2 |
| 7 | Аҳоли ва ҳудудларни террорчилик ҳаракатларидан муҳофаза қилишни ташкил этиш | 2 |
| 8 | Аҳоли ва ҳудудларни замонавий қирғин воситаларидан муҳофаза қилишни ташкил этиш | 2 |
| 9 | Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда бошқарувни ташкил этиш | 2 |
| 10 | Тармоқдар ва иқтисодиёт объектлари барқарорлигини ошириш: Хавфсизлик декларацияси | 2 |
| 11 | Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг муҳандислик -техник тадбирларни ташкил этиш | 2 |
| 12 | Аҳоли. ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш | 1 |
| 13 | Фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ва содир бўлганда аҳолини эвакуация қилиш | 1 |
| 14 | Фавқулодда вазият хавфи туғилганда ва содир бўлганда хабар бериш ва алоқани ташкил этиш | 1 |

| | | |
|---|---|---|
| 15 | ФВДТ нинг фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш кучлари ва воситалари | 1 |
| 16 | Аҳолини ФВДТ кучларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашни ташкил этиш: Ўқув машқларини тайёрлаш ва ўтказиш услубиёти | 2 |
| 17 | Аҳолини фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишни ташкил этиш | 2 |
| 18 | Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишни ташкил этиш | 2 |
| 19 | Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг тиббий таъминотини ташкил этиш: Фавқулодда вазиятларда жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш | 1 |
| 20 | Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг иқтисодий йўналишлари | 1 |
| 21 | Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг моддий -техник таъминотини ташкил этиш | 2 |
| 22 | Радиациявий кимёвий разведка ва дозиметрик назорат асбоблари | 2 |
| 23 | Хорижий мамлакатларда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни ташкил этиш хусусиятлар | 2 |

ЭСЛАТМА: Аниқ ва уларни ўрганиш учун ажратиладиган вақт объектларнинг Фуқаро муҳофазаси бошлиқлари томонидан тингловчиларнинг тайёргарлик даражаси, ишлаб чиқариш хусусияти ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

## 2.1.12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ҳамкорликдаги чора-тадбирлар мажмуаси режаси ижросини таъминлаш ҳақида»ги 2010 йил 15 январдаги 27-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 декабрдаги 06/1-30-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р.Шоисматов томонидан тасдиқланган «И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ҳамкорликдаги чора-тадбирлар мажмуаси режаси» ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р.Шоисматов томонидан тасдиқланган «И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ҳамкорликдаги чора-тадбирлар мажмуаси режаси» ижро учун қабул қилинсин (режа илова қилинади).

2. Вазир ўринбосарлари (А.Марахимов, А.Ғуломхўжаев), бошқарма бошлиқларига «И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ҳамкорликдаги чора-тадбирлар мажмуаси режаси»нинг тегишли бандлари бўйича уни амалга ошириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, белгиланган муддатларда ижроси таъминлансин.

3. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га «И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини янада ривожлантириш бўйича биргаликдаги чора-тадбирлар мажмуаси режаси»да ўқув-услубий, ўқув-ташкилий ва-

зифалар билан боғлиқ тадбирлар ижросини таъминлаш борасида Филиалга амалий ёрдам кўрсатиб бориш юклатилсин.

4. Маънавий ва ахлоқий тарбия бошқармаси (Э.Набиев)га:

«И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини янада ривожлантириш бўйича биргаликдаги чора-тадбирлар мажмуаси режаси»нинг 7-банди ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш;

ҳар ой якунида амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб бориш вазифалари топширилсин.

5. ТДТУ (Ш.Шообидов), ТКТИ (С.Туробжонов), БухООЕСТИ (М.Ҳожиев), ҚаршиМИИ (Р.Шодиев) ректорларига И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалини илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш, илмий ишларни ривожлантириш борасида ҳамкорликни кўчайтириш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари А.Марахимов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълими вазири**

**2.1.13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Таълим муассасаларида спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, уларни зарур спорт инвентарлари, асбоб-ускуналари ҳамда малакали кадрлар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 8 майдаги 178-сонли**

**БУЙРУҒИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1332-сонли қарорида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1332-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорлари ва Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларига:

Бир ой муддат ичида барча олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги мавжуд спорт заллари ва иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш;

Мунтазам равишда машғулот ва тренировкалар ўтказилаётган спорт турлари рўйхатини аниқлаш;

Таълим муассасаларида, айниқса қишлоқ жойларидаги касб-ҳунар коллежларида ўқувчи-қизларни спортнинг замонавий турлари, жумладан, бадиий ва спорт гимнастикаси билан шуғулланишларига жиддий эътибор қаратиш;

Спорт билан шуғулланиш самарадорлиги, яъни 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлар орасидан етишиб чиққан республика ва халқаро мусобақалар совриндорларини аниқлаш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантиришни йўлга қўйиш;

Мунтазам равишда спорт билан шуғулланувчи талаба-ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитларни таҳлил қилиш;

Спорт иншоотларининг мунтазам машғулот ва тренировкалар ўтказиш учун зарур бўлган спорт инвентарлари ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш ҳолатини инвентаризациядан ўтказиш;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими вилоят ҳудудий бошқармалари Халқ таълими

вилоят бошқармалари билан биргаликда болалар спорти объектларини тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ малакали тренер кадрларга, шу жумладан, қишлоқ болалар спорти объектларини аёл тренерларга бўлган эҳтиёжини иловага мувофиқ Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг раҳбар ва педагогик кадрларни танлаш, улар билан ишлаш бошқармаси (Н.Каримов)га тақдим этиш;

Бир ой муддатда амалга оширилган ишлар ҳамда инвентаризация натижаларига кўра, болалар спортини янада ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун аниқ таклифларни Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси ва Марказнинг маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бошқармасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

3. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти (О.Қурбонов)га:

Болалар спорти объектларини тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ малакали тренер кадрларга, шу жумладан, қишлоқ болалар спорти объектларини аёл тренерларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида олий таълим муассасаси битирувчиларини мақсадли йўллаш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва олий таълим муассасаларининг Жисмоний маданият факультетларида ҳамида 2 йилда бир марта тренерлар малакасини ошириш тизими бўйича Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва Ўрта махсус таълим вазирликларнинг тегишли бошқармалари билан келишилган таклифлар (эҳтиёж ҳисоби, малака ошириладиган олий таълим муассасалари, малака ошириш жадваллари, ўқув режалари, ўқув дастурлари нарда тутилган) ишлаб чиқиш;

Бир ой муддатда амалга оширилган ишлар ҳақида олий таълим муассасалари бош бошқармасига маълумотнома киритиш вазифалари топширилсин.

4. Жисмоний маданият факультетлари мавжуд олий таълим муассасалари ректорларига:

4.1. вилоятлардаги мавжуд болалар спорти объектларининг малакали тренер кадрларга, жумладан аёл тренерларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш асосида уларни олий таълим муассасалари битирувчилари таркибидан тренер-мутахассислар билан таъминлашнинг жорий ва истиқболий (3 йиллик) дастурларини ишлаб чиқиш;

4.2. бир ой муддатда амалга оширилган ишлар ҳақида Олий таълим муассасалари бош бошқармасига маълумотнома киритиш вазифалари топширилсин.

5. Моддий-техника ва ўқув-методик таъминоти бўлими (С.Тожиев), Биноларни қуриш ва эксплуатация қилиш мониторинги сектори (Ш.Мирзамухаммедов)ларга:

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг спорт залларининг замонавий талабларга жавоб бериши ва тасдиқланган нормативлар бўйича спорт анжомлари, ҳамда инвентарлар билан жиҳозланишига алоҳида эътибор қаратиш;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги спорт заллари, иншоотлари ва уларнинг жиҳозланиши бўйича ўтказилган инвентаризация натижаларини умумлаштириш вазифалари юклатилсин.

6. Идоравий метрологик назорат хизмати (Ў.Хидиров)га;

6.1. Таълим муассасаларининг спорт заллари ва бошқа иншоотларини талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда спорт инвентарлари ва тренажерларидан фойдаланиш муддатининг меъёрномага мос келишини ўрганиш;

6.2. Икки ой муддатда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг спорт залларини спорт инвентарлари ҳамда тренажерлар билан жиҳозланишини белгиланган меъёрларга мослигини таҳлил қилиш вазифалари топширилсин.

7. Моддий-техника ва ўқув-методик таъминоти бўлими (С.Тожиев)га;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларининг талабномаларга асосан «Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таълим жараёнини моддий-техник таъминлашнинг жиҳозлаш меъёрномаси»ги мувофиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг спорт инвентарлари ҳамда тренажерларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг спорт заллари ҳамда бошқа иншоотлари учун сифатли спорт инвентарлари ҳамда жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

8. Раҳбар ва педагогик кадрларни танлаш, улар билан ишлаш бошқармаси (Н.Каримов)га:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари ва тренер кадрлар билан таъминланиш даражасини танқидий таҳлил қилиш;

Таълим муассасаларини юқори малакали, профессионал тренер кадрлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари, шу жумладан, хотин-қиз тренерлар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тренерларни камида 2 йилда бир марта Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва олий таълим муассасаларининг Жисмоний маданият факультетларида малакасини ошириш тизими ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

8.3. Таълим муассасаларининг тасдиқланган штат жадвалларига мувофиқ жисмоний тарбия ўқитувчилари ва тренер кадрлар билан таъминланиш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва Жисмоний тарбия факультетлари мавжуд олий таълим муассасалари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифалари топширилсин.

9. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бошқармаси (М.Комилов)га:

9.1. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган болалар, қизлар ва ўсмирларнинг соғлигини мустаҳкамлашга, уларнинг маънавий камол топишига ёрдам берадиган спорт турлари, энг аввало, бадиий ва спорт гимнастикаси, спортнинг ўйин турлари бўйича янги қўшимча секция ва гуруҳлар ташкил этиш ҳамда спорт секцияларининг сифатини оширишга амалий ёрдам кўрсатиш;

9.2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан спорт секциялари фаолияти тўғрисида тақдим этилган маълумотларни доимий равишда таҳлил этиш ва умумлаштирилган маълумотларни ҳар чоракда таҳлил этиб бориш ҳамда тегишли ҳулоса ва таклифлар тайёрлаш;

9.3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини спорт билан мунтазам шуғулланишини қамраб олиш ва спорт тадбирларини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот қилиш вазифалари топширилсин.

10. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосарлари Ш.Жавлоновлар зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2010 йил 8 майдаги
178-сонли буйруғига илова

**__________вилояти халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари тасарруфидаги болалар спорти объектларнниинг тренер кадрлар, шу жумладан қишлоқ болалар спорти объектларининг аёл тренерларга бўлган эҳтиёжлари тўғрисида маълумот**

| Туман (шаҳар) номи | № | Болалар спорти объектлари номи | Болалар спорти объектлари жойлашган манзил | Болалар спорти объектлари учун зарур бўлган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари | | | | Таълим йўналишлари ва мутахассисликларига мувофиқ йиллар бўйича олий маълумотли тренер кадрлар ва истиқболли эҳтиёжлар (бўш иш ўринлари) сони | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бакалавриат йўналишлари | | Магистратура мутахассисликлари | | 2010 | | | | 2011 | | | | 2012 | | | | 2013 | | | | 2014 | | | |
| | | | | | | | | бак. | | маг. | | бак. | | маг. | | бак. | | маг. | | бак. | | маг. | | бак. | | маг. | |
| | | | | шифр | номи | шифр | номи | Жами | Шу жумладан, аёл тренерлар | Жами | Шу жумладан, аёл тренерлар | Жами | Шу жумладан, аёл тренерлар | Жами | Шу жумладан, аёл тренерлар | Жами | Шу жумладан, аёл тренерлар | Жами | Шу жумладан, аёл тренерлар | Жами | Шу жумладан, аёл тренерлар | Жами | Шу жумладан, аёл тренерлар | Жами | Шу жумладан, аёл тренерлар | Жами | Шу жумладан, аёл тренерлар |
| | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | п | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

## 2.2. Профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш

### 2.2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

### ҚАРОРИ

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 36-модда)*

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, олий таълим муассасаларига тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахсларни танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 10 февраль, 20-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил
10 февралдаги 20-сон қарорига илова

### Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида

### НИЗОМ

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, олий таълим муассасаларига педагог ходимларни (профессор-ўқитувчилар таркибини) танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

Чуқур касбий билимларга ва илмий ютуқларга, ижодий, илмий салоҳиятга, юксак интеллектуал қобилиятлар ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланишга муносиб бўлган энг малакали педагог кадрларни танлаш учун рақобат муҳитини яратиш ва таъминлаш танловнинг мақсади ҳисобланади.

**II. Лавозимлари танлов бўйича эгалланадиган педагог ходимлар ва танлов қатнашчиларига қўйиладиган малака талаблари**

2. Педагог ходимлар (профессор-педагоглар таркиби) тоифасига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимини эгаллаб турган шахслар киради.

3. Олий таълим муассасасининг кафедра мудири, профессори, доценти, катта ўқитувчиси, ўқитувчиси (ассистенти) лавозими беш йил муддатга танлов бўйича эгалланади.

Беш йиллик муддат тамом бўлгандан кейин кўрсатиб ўтилган лавозимлар мазкур Низомга мувофиқ танлов асосида эгалланади.

Икки ва ундан ортиқ тенг лавозимларга бир вақтда танлов ўтказилмайди.

4. Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, шунингдек профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар қатнашиши мумкин.

Доцент (фан номзоди) кафедра мудири лавозимини эгаллашга бир беш йиллик муддатга қўйилади.

Бир муддат тамом бўлгандан кейин кафедра мудири лавозимини эгаллаб турган ва фан доктори илмий даражасини олмаган доцент (фан номзоди) олий таълим муассасаси ректорининг тақдимномасига кўра ва бўйсунишига кўра тегишли вазирлик ёки идоранинг рухсати билан кафедра мудири лавозимини эгаллашга фақат фавқулодда ҳолларда танловда яна қатнашиши мумкин.

Фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган айнан бир шахснинг кафедра мудири лавозимига танловда кетма-кет учинчи муддатга қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тиллар, жисмоний тарбия ва спорт, графика ва чизмачилик, маданият ва санъат йўналишлари кафедра мудирлари лавозимини эгаллаш учун танловда доцент илмий унвонига (фан номзоди илмий даражасига) эга бўлмаган, бироқ камида 5 йиллик методик, илмий-педагогик, ижодий ва ташкилий фаолият тажрибасига эга бўлган шахс қатнашиши мумкин.

5. Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, профессор илмий унвонига ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлган шахс қатнашиши мумкин.

Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда, шунингдек камида 5 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, мазкур кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлган фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс бир муддатга қатнашиши мумкин.

6. Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, тегишли мутахассислик бўйича доцент, катта илмий ходим илмий унвонига ёки фан доктори (номзоди) илмий даражасига эга бўлган шахс қатнашиши мумкин.

Бир муддатга доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, шунингдек тегишли илмий унвонга ва илмий даражага эга бўлмаган, бироқ ушбу мутахассислик бўйича камида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, мазкур кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис ҳам қатнашиши мумкин.

7. Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.

8. Ўқитувчи (ассистент) лавозимини эгаллаш учун танловда тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис) қатнашиши мумкин.

9. Ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшгача болалари бўлган аёллар эгаллаб турган лавозимларга танлов эълон қилинмайди.

10. Олий таълим муассасаларига ўқитувчи лавозимига соатбай ҳақ тўлаш шартларида ишга кираётган шахслар танловсиз, ректор буйруғи билан, белгиланган тартибда қабул қилинади.

11. Аспирантурани битирувчи тугатиш йилида, шунингдек олий таълим муассасасини битирган мутахассис тақсимот бўйича ўқитувчи лавозимига танловдан ташқари, 3 йил муддатга тайинланади.

### III. Танловларни ўтказиш тартиби

12. Олий таълим муассасаси сайланиш муддати мазкур ўқув йилида тугайдиган кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар ва ассистентлар лавозимларини эгаллаш учун, шунингдек бўш лавозимларга танлов эълон қилади.

13. Танлов бўйича сайлов олий таълим муассасаларининг Илмий кенгашларида ёки

факультетларнинг Илмий кенгашларида ўтказилади. Олий таълим муассасасининг Илмий кенгашида ёки факультетнинг Илмий кенгашида сайланадиган лавозимларни белгилаш ҳуқуқи олий таълим муассасасининг ректорига тегишли бўлади.

Кафедра мудирлари ва профессорлар олий таълим муассасаларининг Илмий кенгашларида танлов бўйича ўтадилар.

14. Танловлар вақтли матбуотда ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан олий таълим муассасасининг кўп нусхали газетасида эълон қилинади. Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойдан кечикмай берилиши керак.

15. Танловда қатнашишни хоҳловчилар олий таълим муассасаси ректори номига ариза берадилар, аризага кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси илова қилинади.

Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

16. Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов лекциялари (мазкур олий таълим муассасаси ўқитувчилари учун – очиқ машғулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очиқ машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади. Кафедра мудири лавозимига номзодларни муҳокама қилиш бўйича мажлисни факультет декани (олий таълим муассасалари умумий кафедраларида – проректор) ўтказади.

Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

Кафедра илгари эгаллаб келган лавозими учун танловда қатнашувчи ҳар қайси номзод бўйича материалларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, очиқ ёки яширин овоз берган ҳолда, кафедранинг штатдаги ўқитувчиларининг (шу жумладан ўриндошлик тартибида ишлаётган ўқитувчиларининг) ва илмий ходимларининг оддий кўпчилик овози билан тавсиянома қабул қилади ва уни ўқитувчининг ҳисоботи билан бирга олий таълим муассасаси (факультет) Илмий кенгашига жўнатади.

Факультетнинг кафедра аъзоси ҳисобланмайдиган декани (проректор) кафедра мудири лавозимига номзодлар бўйича тавсияномалар қабул қилишда овоз беришда қатнашмайди. Эгаллаш учун танлов эълон қилинган лавозимни эгаллаб турган шахс материалларни кўриб чиқиш чоғида овоз беришда қатнашмайди.

17. Ҳар қайси номзод бўйича Илмий кенгаш мажлисида яширин овоз беришни ўтказишдан олдин кафедранинг тавсияномаси ўқиб эшиттирилади.

18. Мазкур лавозим учун танловда қатнашувчи барча шахсларнинг фамилияси яширин овоз бериш учун битта бюллетенга киритилади.

Овоз бериш бюллетенда овоз берилаётган номзоднинг фамилияси рўпарасига тегишли белги қўйиш йўли билан амалга оширилади. Фақат битта номзод учун овоз беришга йўл қўйилади.

Агар бюллетенда овоз бериш учун бирорта ҳам белги қўйилмаган бўлса ёхуд белги икки ёки ундан кўп фамилиялар рўпарасига қўйилган бўлса, у ҳолда бундай бюллетень бузилган ҳисобланади ва овозларни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

19. Овозларни ҳисоблаш учун Илмий кенгаш овоз бериш бошланишидан олдин таркибида Илмий кенгашнинг камида уч нафар аъзоси бўлган саноқ комиссиясини сайлайди. Саноқ комиссияси ҳар қайси номзод бўйича овоз бериш натижаларини эълон қилади.

Саноқ комиссияси протоколи Илмий кенгаш томонидан тасдиқланади ва танлов материалларига қўшиб қўйилади.

20. Танловни ўтказишда Илмий кенгаш

карори, агар овоз беришда Илмий кенгашнинг тасдиқланган (рўйхатдаги) таркибидаги аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Илмий кенгашнинг овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овозини, бироқ камида 50 фоиз овозини олган номзод танловдан ўтган ҳисобланади.

Бирортаси ҳам талаб қилинган миқдорда овоз ололмаган икки нафардан кўп номзодлар қатнашган тақдирда Илмий кенгашнинг айнан шу мажлисида дастлабки икки талабгор ўртасида такрорий овоз бериш ўтказилади. Агар икки номзод қатнашган танловни ўтказишда овозлар сони тенг бўлиб қолса, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Илмий кенгаш қарори олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Танловда қатнашиш учун аризалар мавжуд бўлмаган тақдирда, шунингдек муайян лавозим учун фақат битта номзоддан ариза тушганда танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

21. Лавозимларни эгаллаш учун ўқитувчиларни танлаш бўйича кафедра ва Илмий кенгаш мажлислари очиқ тартибда ўтади. Танловда қатнашувчиларга уларнинг номзодлари муҳокама қилинадиган кафедра ва Илмий кенгаш мажлисларида қатнашиш ёки уларнинг хоҳишига кўра кафедра ёки Илмий кенгаш қарори билан танишиш ҳуқуқи берилади.

22. Илмий кенгаш котиби танлов натижалари тўғрисида ўн кун муддатда унда қатнашган шахсларни ёзма равишда хабардор қилади.

23. Олий таълим муассасаси (факультет) Илмий кенгашининг қарори, агар у ушбу Низом талабларига риоя этилган ҳолда қабул қилинган бўлса, узил-кесил ҳисобланади.

## IV. Меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш, ўзгартириш ва тўхтатиш

24. Ушбу олий таълим муассасасида ишламайдиган ва профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимга танловдан ўтган шахслар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузилади, меҳнат шартномалари асосида уларни 5 йил муддатга ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Меҳнат шартномаларида иш берувчи томонидан ҳар 5 йилда ходим эгаллаб келган лавозим учун танлов ўтказилиши белгилаб қўйилади, ходим эса танловда қатнашишга ҳақлидир.

Ходим меҳнат шартномаси тузилгандан кейин ишга киришиши шарт бўлган муддат томонларнинг келишувига кўра белгиланади, бироқ ушбу муддат уч ойдан ошиши мумкин эмас.

25. Мазкур олий таълим муассасасида ишлайдиган ва танлов бўйича сайланган шахсларнинг меҳнат шартномаларига қуйидагилар ёзиб қўйилади:

а) улар илгари эгаллаб келган лавозим учун – меҳнат муносабатларини янги муддатга узайтириш тўғрисидаги маълумотлар ёзилади ва тегишли буйруқ чиқарилади;

б) бошқа лавозимлар учун – танловдан ўтганлик тўғрисида Илмий кенгаш протоколи қайд этилган ҳолда тегишли ўзгартиришлар ёзилади ва бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Давлат бошқаруви органи қарорига кўра профессор-ўқитувчилар таркиби аттестациядан ўтказилган тақдирда аттестация якунларига кўра иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари масалалари, шахснинг танлов бўйича эгалланадиган лавозимда бўлиш муддатидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

26. Илгари эгаллаб келган лавозими учун танловдан ўтмаган, шунингдек танловда қатнашиш учун ариза бермаган шахслар билан меҳнат шартномаси янги муддатга танловдан ўтмаганлиги ёхуд танловда қатнашишни рад этганлиги сабабли ўқув йили тугагандан кейин меҳнат қонунчилигига мувофиқ тўхтатилади.

27. Кафедралар бирлаштирилганда ёки кафедра бўлинганда профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича муддатидан олдин танловлар ўтказишга йўл қўйилмайди.

Кафедралар бирлаштирилган тақдирда янгидан ташкил этилган кафедра мудири лавозимини эгаллаш тўғрисидаги масалани олий таълим муассасасининг Илмий кенга-

ши олдиндан танлов эълон қилмасдан, яширин овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Кафедра бўлинган тақдирда унинг мудири сайланган муддати ўтгунгача, ректор буйруғи билан янгидан ташкил этилган кафедралардан бирининг мудири лавозимига тайинланади. Бошқа кафедранинг мудири лавозимига танлов бўйича мудир тайинланади.

28. Олий таълим муассасаси ректорига танлов ўтказилгунгача кафедранинг етакчи ўқитувчиларидан биттасига ёки деканга бўш кафедра мудири лавозими бўйича вазифаларни бажаришни юклашга рухсат этилади.

Вакиллик органларида сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланиши натижасида унинг билан меҳнат шартномаси тўхтатилган ўқитувчи унинг сайлов бўйича ваколатлари тугагандан кейин танлов натижаларига кўра сайланган муддати тугагунгача мазкур олий таълим муассасасининг илгари эгаллаб келган ёки унга тенг бўлган профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимга тайинланади.

29. Олий таълим муассасаси ректорига олий таълим муассасаси (факультет) Илмий кенгашида кўриб чиқиш учун педагог ходимларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани киритиш ҳуқуқи берилади.

Олий таълим муассасаси (факультет) Илмий кенгашида педагог ходимнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан олдин унинг ишлари ректор тасдиқлайдиган комиссия томонидан текширилиши керак. Илмий кенгаш қарори асосида педагог ходимни эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги бўйича вазифасидан озод қилишга унинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли илмий-методик ва тарбиявий ишлар, шунингдек, лекциялар ва семинар машғулотлари ўтказиш даражаси паст бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Агар Илмий кенгаш қарорига кўра кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) эгаллаб турган лавозимига номувофиқ деб эътироф этилса, у ҳолда унинг билан тузилган меҳнат шартномаси белгиланган тартибда тўхтатилади.

Кафедра мудири билан тузилган меҳнат шартномаси, шунингдек кафедрага раҳбарлик қилиш бўйича ўз функционал вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги сабабли Илмий кенгаш қарорига биноан тўхтатилиши мумкин.

30. Олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилар таркибидаги шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини тўхтатиш масалаларига доир меҳнат низолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади

### 2.2.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш ҳақида»ги 2008 йил 10 мартдаги 62 - сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 июлдаги «Умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-427-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги 1-сонли мажлис баёнларининг тегишли бандлари ижросини ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари таркибини малакали, чуқур касбий билимли, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларга эга бўлган ёш бакалавр ва магистр педагог кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларига:

Бир ҳафта муддатда фаолият кўрсатаётган ҳамда 2008 йилда фойдаланишга топшириладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари кесимида педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва жамланган маълумотларни 1-, 2- ва 3-иловаларга мувофиқ Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Академик лицейлар ва Касб-ҳунар коллежлари бошқармаларига тақдим этиш;

Бир ҳафта муддатда тегишли олий таълим муассасалари билан битирувчи бакалавр ва магистрларнинг ишга тақсимоти масалаларини мувофиқлаштириш учун ҳудудий бошқарманинг масъул ходимини белгилаш ва у тўғрисидаги маълумотни Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига ҳамда Олий таълим муассасалари бош бошқармасига тақдим этиш;

1.3. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ишга тақсимланган ҳар битта олий таълим муассасаси битирувчиси билан 2008 йилнинг 1 июнига қадар иш жойига етиб келиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, жойлашиш каби ташкилий масалалар бўйича шахсий мулоқот ўрнатиш;

1.4. 2008-2009 ўқув йилида таълим муассасаларининг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш мақсадида тегишли академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан олий таълим муассасаси ўртасида ҳамкорлик алоқасини ўрнатиш, битирувчилар билан учрашувлар ташкил этиш, уларни таълим муассасаси фаолияти билан таништириш ҳамда ишга жалб этиш чораларини кўриш;

Тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ишга тақсимланган тегишли олий таълим муассасаси бакалаврлари ва магистрларини жорий йилнинг 15 августига қадар тўлиқ ишга қабул қилиш чораларини белгилаш ва ушбу жараён натижалари бўйича 20 август, 10 сентябрь кунлари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига ҳисобот тақдим этиш;

Анъанавий Август кенгашлари доирасида ишга қабул қилинаётган бакалаврлар, магистрлар ҳамда умумтаълим мактабларидан бўшаб қолаётган педагог кадрлар учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг моҳияти бўйича амалий семинарлар ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллари директорларига:

2.1. Бир ҳафта муддатда олий таълим муассасасининг бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини давлат гранти асосида тугатаётган бакалавр ва магистрлар рўйхатини йўналишлар, мутахассисликлар, вилоятлар ва туманлар кесимида 4-, 5-, 6- ва 7-иловаларга мувофиқ аниқлаб, Олий таълим муассасалари бош бошқармасига тақдим этиш;

2.2. Бир ҳафта муддатда олий таълим муассасасининг бакалавр ва магистр кадрларга бўлган эҳтиёжини кафедралар (бўлинмалар) кесимида 8-иловага мувофиқ аниқлаб, Олий таълим муассасалари бош бошқармасига тақдим этиш;

Жорий йилнинг 15 мартига қадар олий таълим муассасасини давлат гранти асосида тугатаётган бакалавр ва магистрларни олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини қоплаш бўйича тегишли олий таълим муассасаси ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси масъул ходими билан мувофиқлаштирилган ишга тақсимлаш режасини ишлаб чиқиш (мувофиқлаштирилган тақсимот) ва натижаларини Олий таълим муассасалари бош бошқармасига тақдим этиш;

Зарурият бўлган ҳолларда олий таълим муассасасида тўлов - контракт асосида таълим олган бакалавр ва магистрларни уларнинг розилиги билан олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ишга тақсимлаш;

Олий таълим муассасаси билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларининг тақсимот масалаларини мувофиқлаштирувчи масъул ходимлари ўртасида узвий мулоқот ўрнатиш;

Жорий йилнинг 1 майига қадар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқар-

малари ҳамда тегишли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда (тақсимотнинг таълим муассасаларига тегишли қисмида) якуний тақсимотни тўлиқ якунлаш;

2.7. Битирувчиларнинг малакавий амалиётини улар ишга тақсимланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказиш чора - тадбирларини кўриш;

Ишга тақсимланган бакалавр ва магистрларнинг тегишли олий таълим муассасалари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига етиб бориши ва ишга жойлашишини тўлиқ таъминлаш, шунингдек мазкур жараённинг натижалари бўйича жорий йилнинг 20 август, 10 сентябрь кунлари Олий таълим муассасалари бош бошқармасига ҳисоботлар тақдим этиш;

2008-2009 ўқув йили бошлангунга қадар бириктирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқув машғулотларини ўтказиш ва услубий ишларда ҳамкорлик қилишга олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчиларини жалб этишни таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (А.Юнусов)га:

Бир ҳафта муддатда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан тақдим этилган таълим муассасаларининг педагог кадрларга бўлган эхтиёжини умумтаълим, умумкасбий, махсус фанлар, ўқув амалиёти машғулотлари ва таълим муассасалари кесимида таҳлил этиш;

Ўн кун муддатда педагог кадрларга бўлган эхтиёжни Олий таълим муассасалари бош бошқармасига тақдим этиш;

Олий таълим муассасалари бош бошқармаси билан ҳамкорликда 2008 йил 25 мартга қадар олий таълим муассасаларини давлат грантлари асосида тугатаётган бакалавр ва магистрларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига дастлабки тақсимоти натижаларини тегишли академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига етказилишини таъминлаш;

3.4. Олий таълим муассасаларини битирувчи бакалавр ва магистрларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тақсимоти масалалари бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари ҳамда тегишли олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

3.5. Ишга тақсимланган бакалавр ва магистрларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ишга жойлашиши мониторингини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га:

4.1. Ўн кун муддатда республика олий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини давлат гранти асосида тугатаётган бакалавр ва магистрлар рўйхатини вилоятлар ва туманлар кесимида аниқлаш ва умумлаштириш;

4.2. Икки ҳафта муддатда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог кадрларга бўлган эхтиёжлари тўғрисидаги маълумотларни барча олий таълим муассасаларига етказиш;

4.3. Идоравий бўйсунишидан қатъий назар барча олий таълим муассасаларини битирувчи бакалавр ва магистрларни олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ишга тақсимлаш назоратини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назорати Вазирнинг биринчи ўринбосарлари А.Муҳиддинов ва З.Сатторов зиммаларига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. Яиги ишга туширилаётган касб-ҳунар коллежлари бўйича | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | КХК бўйича ҳаммаси | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3.Фаолият кўрсатаётган академик лицейлар бўйича | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 4.Янги ишга туширилаётган академнк лпцснлар бўйича | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Академик лицейлар бўйича жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Умумий жами: | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

1-илова

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизиммда фаолият кўрсатаётган ва янги ишга туши-риладиган таълим йўналишлари**

| № | Таълим муассасалари номи | Давлат тилида иш юритиш ва нутқ маданияти | Она тили ва адабиёт | Рус (ўзбек) тили | Хорижий тил | Тарих | Шахс ва жамият | Математика | Информатика | Физика | Астрономия | Кимё | Биология ва экология | Иқтисодий география | ЁЧТ | Жисмоний тарбия | Давлат ва ҳуқуқ | Маънавият асослари | Информацион технологиялар | Оила психологияси | Эстетика | Миллий истиқлол ғояси | Ўзбекистон конституцияси | Иқтисодиёт асослари | Чизмачилик | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 1. Фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежлари бўйича | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

2-илова

## Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ва янги ишга тушириладиган касб-ҳунар коллежларининг 2008-2009 ўқув йили учун умумкасбий ва махсус фан ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжи ҳақида маълумот

| № | Таълим муассасалари номи | Умумкасбий ёки махсус фаннинг номи | Эҳтиёж | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| Фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежлари бўйича | | | | |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| ... | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| п | | | | |
| | ЖАМИ: | | | |
| Янги ишга тушириладиган касб-ҳунар коллежлари бўйича | | | | |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| ... | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | ЖАМИ: | | | |
| Умумий жами | | | | |

3-илова

## Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежларининг 2008-2009 ўқув йили учун ишлаб чиқариш таълими усталарига бўлган эҳтиёжи ҳақида маълумот

| № | Таълим муассасалари номи | Ўқув амалиётининг номи | Эҳтиёж | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| Фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежлари бўйича | | | | |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| ... | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| п | | | | |
| | ЖАМИ: | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Янги ишга тушириладиган касб-ҳунар коллежлар бўйича | | | | |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| ... | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| п | | | | |
| | ЖАМИ: | | | |
| Жами ҳаммаси: | | | | |

4-илова

**(ОТМ номи) нинг бакалавриат йўналишларини 2007-2008 ўқув йилида**

| | | давлат гранти асосида тугатаётган бакалаврлар рўйхати (йўналишлар кесимида) | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| № | Бакалавриат йўналишлариинг коди | Бакалавриат йўналишларининг номи | Битирувчининг фамилияси, исми шарифи | Доимий яшаш манзили | Изоҳ |
| | | | | | |
| | | | | | |

Изоҳ: белгиланган муддатда Олий таълим муассасалари Бош бошқармасига (otmbb-market@edu.uz электрон манзилига фақат Мюгозой Excc1да) тақдим этилади.

5-илова

**(ОТМ номи) нинг бакалавриат йўналишларини 2007-2008 ўқув йилида**

**давлат гранти асосида тугатаётган бакалаврлар рўйхати**

**(вилоятлар ва туманлар кесимида)**

| Битирувчининг доимий яшаш манзили | | № | Битирувчининг фамилияси, исми шарифи | Бакалавриат йўналишларининг коди | Бакалавриат йўналишлариинг номи |
|---|---|---|---|---|---|
| вилояти | тумани | | | | |
| Масалан | | | | | |
| ҚҚ Республикаси | Амударё | 1 | | | |
| | | 2 | | | |
| | Элликқалъа | 1 | | | |
| Хоразм | Гурлан | 1 | | | |
| | Шовот | 1 | | | |

Изоҳ: белгиланган муддатда Олий таълим муассасалари Бош бошқармасига (otmbb-market@edu.uz электрон манзилига фақат Мюгозой Excelда) тақдим этилади.

6-илова

**ОТМ номи) нинг магистратура мутахассисликларининг**
**2007-2008 ўқув йилида давлат гранти асосида тугатаётган магистрлар рўйхати**
(мутахассисликлар кесимида)

| № | Магистратура мутахассисликлари коди | Магистратура мутахассисликлари номи | Битирувчининг фамилияси, исми шарифи | Доимий яшаш манзили | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |

Изоҳ: белгиланган муддатда Олий таълим муассасалари Бош бошқармасига (otmbb-market@edu.uz электрон манзилига фақат Мюгозой Exce1да) тақдим этилади.

7-илова

**(ОТМ номи) нинг магистратура мутахассисликларини 2007-2008 ўқув йилида давлат гранти асосида тугатаётган магистрлар рўйхати**
**(вилоятлар ва туманлар кесимида)**

| Битирувчининг доимий яшаш манзили | | № | Битирувчининг фамилияси, исми шарифи | Магистратура мутахассислиги коди | Магистратура мутахассислиги номи |
|---|---|---|---|---|---|
| Вилояти | тумани | | | | |
| Масалан | | | | | |
| ҚҚ Республикаси | Амударё | 1 | | | |
| | | 2 | | | |
| | Элликқалъа | 1 | | | |
| Хоразм | Гурлан | 1 | | | |
| | Шовот | 1 | | | |

Изоҳ,: белгиланган муддатда Олий таълим муассасалари Бош бошқармасига (otmbb-market@edu.uz электрон манзилига фақат Мюгозой Exce1да) тақдим этилади.

8-илова

**(ОТМ номи) нинг 2008-2009 ўқув йилида бакалавр ва магистр кадрларга бўлган эҳтиёжлари**

| № | Кафедралар (бўлинмалар) номи | Кадрларга бўлган жами эҳтиёж (нафар) | Шу жумладан | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Бакалаврлар | | | Магистрлар | | |
| | | | Нафар | Бакалавриат йўналиши коди | Бакалавриат йўналиши номи | Нафар | Магистратура мутахассислиги коди | Магистратура мутахассислиги номи |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

Изоҳ: белгиланган муддатда Олий таълим муассасалари Бош бошқармасига (otmbb-market@edu.uz электрон манзилига фақат Exce1да) тақдим этилади.

## 2.3. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ИНТЕГРАЦИЯСИ

### 2.3.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисидаги 77-сонли Қарорини бажариш ҳақида»ги 1998 йил 27 февралдаги 50-сонли

### БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 77-сонли «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги Қарорини бажариш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 77-сонли «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази раҳбари (бундан кейин Марказ) Р.Х.Жўраевга:

2.1. Республикада ўрта махсус, касб-ҳунар таълими фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш.

2.2. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг турлари ва йўналишларини белгилаш:

- академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини республика минтақаларининг шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;

- академик лицейларни ва касб-ҳунар коллежларни лойиҳалаштириш ва қуриш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасасига айлантириладиган мавжуд ўқув юртларини таъмирлаш ва қайта қуриш;

- давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш;

- академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини педагог ва педагог-муҳандис кадрлар билан таъминлаш ҳамда малакасини ошириш ҳақида таклифлар тайёрлаш топширилсин.

2.3. Ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида малакали кадрлар тайёрлаш бўйича жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ва республикамиздаги илгор тажрибаларни умумлаштириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг моддий ва таълим базаси сифатига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш, ўқув юртларини ахборот воситалари, янги дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш, муассасалар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини яратиш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш.

2.4. Ходимлар сони ва штатлар жадвали бўйича Марказ тизимини ва жамоасини ташкил этиш.

2.5. Бир ҳафта муддатда Марказ тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этиш.

2.6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларини ташкил этиш, уларни маблағ билан таъминлаш, жойлаштириш, моддий-техника жиҳозлашни таъминлаш ва улар фаолиятини тўла назорат қилиш.

2.7. Икки ҳафта муддатда: ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига топшириш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек тармоқ вазирликлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда икки томонлама бўйсунишдаги касб-ҳунар коллежларининг Намунавий уставини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш, 1998 йилда

тажриба тариқасида ташкил этилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари рўйхатини аниқлаш.

2.8. Давлат тест маркази билан биргаликда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчилар қабул қилиш тартибини икки ой муддатда ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш топширилсин.

3. Икки ҳафта муддатда вазирнинг биринчи ўринбосари (Р.Х.Жўраев) вазир ўринбосари (Қ.Р.Аллаев), Фан ва иқтисодиёт Бош бошқармаси (Ш.О.Бўтаев) ва тармоқ вазирликлари ҳамда бошқалар битирувчиларни ишга жойлаштириш масалалари бўйича таклифларни тайёрласинлар.

4. Бир ой мобайнида тегишли ташкилотлар билан биргаликда касб-ҳунар коллежларига васий белгилаш ҳақида таклиф киритсинлар.

5. Республика Фанлар академияси билан ҳамкорликда академия институтларининг академик лицейлар устидан, Олий таълим муассасаларининг эса касб-ҳунар коллежлари устидан ҳомийлиги ҳақида таклифлар тайёрласинлар ва бир ой муддатда васийлик ҳамда ҳомийлик тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда амалга киритсинлар.

6. Икки ҳафта муддатда вазирнинг биринчи ўринбосари (Р.Х.Жўраев), вазир ўринбосари (У.Усмонов) билан биргаликда ташкил этилаётган Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти, Республика касб-ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш институти штатларини, мол-мулкини ва молиявий маблағларини белгиланган тартибда қабул қилиб олсин.

7. Касб-ҳунар коллежлари учун юқори малакали педагог ва педагог-муҳандислар тайёрлаш бўйича оталик олий таълим муассасалари ҳисобланган Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети, Наманган муҳандислик-педагогика институтларида кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратсинлар, шунингдек Вазирнинг ўринбосари (Р.И. Холмуродов) билан биргаликда 1998-1999 ўқув йилида ушбу институтлар қабул режасига касб-ҳунар коллежлари таснифномалари (классификаторлари) бўйича зарур таклифларни киритсинлар.

8. Бир ой муддатда вазирнинг биринчи ўринбосари (Р.Х.Жўраев) Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти тўғрисидаги Низомни, унинг илмий тадқиқотлар дастурини ва маблағ билан таъминлаш ҳажмларини ишлаб чиқиб тасдиқласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказининг Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 77-сонли «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги Қарорини амалга оширишга қаратилган тадбирлари иловага асосан тасдиқлансин.

10. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази раҳбари (Р.Х.Жўраев) Марказ ва ҳудудий бошқармалар ишини ташкил этиш жараёнида жойлардан тушган таклифлар асосида Марказ фаолиятини замон талаби бўйича янада такомиллаштириш учун тизимдаги баъзи ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида юқори ташкилотларга таклифлар киритиб борсин.

11. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**2.3.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 29 октябрдаги 263-сонли**

**БУЙРУҒИ**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли қарорини эълон қиламан:**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг**
**ҚАРОРИ**

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мусассасаларида кадрлар тайёрлаш даражаси ва сифатини янада ошириш ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини давлат таълими стандартлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига жавоб берадиган юқори малакади педагог ва мухандис-педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар 2001-2010 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

- академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагог кадрлари, шунингдек уларни ўқитишда иштирок этувчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби касбий савиясининг узлуксиз равишда ўсиши ва малакаси ошириб борилишини таъминлаш;

- ўқитиш жараёнига замонавий хорижий методикалардан фойдаланиш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагогларини тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркибининг ривожланган мамлакатларнинг етакчи ўқув марказларида тажриба ошириши амалиётини кенгайтириш орқали илгор халкаро педагогик тажрибаларни жорий этиш;

- замонавий технологияларга асосланган корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланган ҳолда уларнинг базавий олий таълим муассасалари билан кооперациялашувини ва ҳамкорлигини чуқурлаштириш йўли билан муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш;

- академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ва ўқитувчиларининг мунтазам равишда, камида уч йилда бир марта аттестациядан ўтказилишини ташкил этиш. Раҳбар ва ўқитувчиларнинг бўш лавозимларини танлов асосида тўлдириш;

- замонавий ахборот технологиялари ва Интернет халқаро ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда педагог кадрларни масофадан туриб ўқитиш методини жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

- 2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини педагог ва мухандис-педагог Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури 1 Иловага мувофиқ;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог ва мухандис-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасиии ихтисослаштирилган олий таълим, муассасаларининг рўйхати 2-Иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази биргаликда 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш сифати монито-

рингини олиб борсин ва давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ баҳолансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

- ҳар йили ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш касбий даражаси мониторинг натижаларига кўра академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг миқдорий кўрсаткичларини ва тартибини аниқласин. ...

**Вазирлар Маҳкамаси Раиси**
**Ислом КАРИМОВ**

**Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорини бажариш мақсадида**
**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари таркибидаги малака ошириш институтлари, факультетлари, марказлари ва курслари фаолиятига жавобгарлик академик лицей, касб-ҳунар коллеж ва маркетинг хизматлари бўйича проректор зиммасига юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон қарори бўйича ишлаб чиқилган ва 1-иловада келтирилган тадбирлар дастури тасдиқлансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли қарори бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар**

## ДАСТУРИ

| № | Тадбирлар | Муддат | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1 | Академик лицей ва касб-ҳунар коллежи педагог кадрлари малакасини оширишнинг 2001-2010 йилларга мўлжалланган режаларининг бажарилишини таъминлаш | 2001-2010 йиллар | УМКХТ Маркази, ҳудудий бошқармалар |
| 9 | Академик лицей ва касб-ҳунар коллеж педагоглари ва муҳандис-педагоглари малакасини ошириш жараёнида уларни энг илғор ишлаб чиқариш техникаси ва технологияларига эга бўлган қўшма корхоналарда амалиёт ўташларини ташкил қилиш | Ўқув йили давомида | Малака ошириш муассасалари, ЎМКХТРИ, ҳудудий бошқармалар |
| 10 | Малака ошириш таълими жараёнида видео-аудио, компьютер, мультимедиа каби техника воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш, илгор педагогик технологиялар ва тажрибаларни видеокассета, плакат, тўплам, альбом ва дискеталар кўринишида тайёрлаш | 2002 йилдан бошлаб | Малака ошириш муассасалари, ЎМКХТРИ |
| 11 | Замонавий компьютер тармоқлари, Интернет тизимидан фойдаланишни йўлга қўйиш. Ахборот технологияларига асосланган фанлар таркибини кенгайтириш. Ҳар бир малака оширувчининг компьютерда мустақил ишлашига эришиш | 2002 йилдан бошлаб | Малака ошириш муассасалари, ЎМКХТРИ |
| 12 | Янги педагогик ва информацион технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш, бу йўналишда илғор чет эл тажрибаларини татбиқ қилиш | 2002 йилдан бошлаб | Малака ошириш муассасалари, ЎМКХТРИ |
| 13 | Кутубхоналар ишини янги талаблар ва информацион технология воситалари асосида ташкил қилиш, ўқув адабиети фондларини электрон версиялари билан бойитиш, янги адабиётлар рўйхатини «Интернет» орқали олишга эришиш | 2002 йилдан бошлаб | Малака ошириш муассасалари, ўқув муассасалари |
| 14 | Академик лицей ва касб-ҳунар коллеж педагоглари, муҳандис-педагогларини Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбар ва йирик мутахассислари билан мунтазам учрашувлар ўтказишни ташкил килиш режасини тузиш | Йил давомида | Малака ошириш муассасалари, ҳудудий бошқармалар |
| 15 | Республика «Устоз» жамғармаси билан ҳамкорликда ташаббускор ёш педагог ва муҳандис-педагогларни ҳамда раҳбар ходимларни ривожланган хорижий давлатларга тажриба алмашишга юборишни ривожлантириш | Режа асосида | УМКХТ Маркази, «Устоз» жамғармаси |
| 16 | Малака ошириш ва қайта тайёрлаш педагогикаси ва методикасини ривожлантириш мақсадида ЎМКХТР институтида аспирантура ва докторантура очиш ва уларнинг илмий изланишларига ЎМКХТР йўналиши бўйича мавзуларни киритиш | 2002 йилдан бошлаб | УМКХТ Маркази ЎМКХТРИ |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 18 | Фан, олий таълим, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва маданият соҳаларидан амалиётчи мутахассисларни қисқа муддатли курслар орқали қайта тайёрлаш йўли билан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига жалб қилиш | Доимий | УМКХТ Маркази Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги |
| 19 | Малака ошириш курсларига маъруза ўқиш учун тажрибали хорижий мутахассисларни жалб қилиш | Доимий | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Республика «Устоз» жамғармаси маркази |
| 20 | Хорижий мамлакатларда тажриба алмашиб келган педагоглар, мухандис-педагоглар иштирокида жойларда ўқишлар, семинар-кенгашлар ташкил этиш | Доимий | ЎМКХТ Маркази, Республика «Устоз» жамғармаси, ҳудудий бошқармалар |
| 21 | Хорижий мутахассислар иштирокида амалий психологларни тайёрлаш бўйича Низомий номли ТДПУ амалий психологларни тайёрлаш факультетида маърузалар курсини ташкил қилиш | 2002-2010 йиллар | Республика «Устоз» жамғармаси, ЎМКХТ Маркази |

## Педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг эксперимент тариқасида малакасини оширишга мўлжалланган ҳудудлардаги замонавий жиҳозланган таянч академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг РЎЙХАТИ

| № | Ҳудудлар | Малака ошириш муассасалари | Малака оширувчилар | Малака оширишга белгиланган таълим муассасалари |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Қорақалпогистон Республикаси | ҚҚДУ | Умумтаълим фан ўқитувчилари | Нукус қурилиш касб-ҳунар коллежи |
| 2 | Андижон | АнДУ | Умумтаълим фан ўқитувчилари | Аидижон саноат касб-ҳунар коллежи, янгиси |
| 3 | Бухоро | БухДУ | Умумтаълим фан ўқитувчилари | Бухора шаҳар Ф.Хужаев туманидаги академик лицей |
| 4 | Қашқадарё | ҚарДУ | Умумтаълим фан ўқитувчилари | Карши тиббий касб-ҳунар коллежи |
| 5 | Наманган | НамДУ | Умумтаълим фан ўқитувчилари | НамДУ қошидаги академик лицей |
| 6 | Самарқанд | СамДУ | Умумтаълим фан ўқитувчилари | Самарқанд шаҳар енгил саноат касб-ҳунар коллежи |
| 7 | Сурхондарё | ТермизДУ | Умумтаълим фан ўқитувчилари | Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи |
| 8 | Сирдарё | ГулДУ | Умумтаълим фан ўқитувчилари | ГулДУ қошидаги академик лицей |
| 9 | Фарғона | ФарДУ | Умумтаълим фан ўқитувчилари | Фарғона ДУ қошидаги академик лицей |
| 10 | Хоразм | УргДУ | Умумтаълим фан ўқитувчилари | Урганч пахтакор- саноат касб-ҳунар коллежи |
| 11 | Тошкент шаҳри | Тошкент архитектура қурилиш институти | Мутахассислик фан ўқитувчилари | Тошкент қурилиш-комунал коллежи |
| 12 | Тошкент шаҳри | Тошкент ДТУ қошидаги ОМПИ | Мутахассислик фан ўқитувчилари | Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи |

**2.3.3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари Ассоциацияси»га амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги 2004 йил 4 майдаги 129-сонли**

## БУЙРУҒИ

**2. ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИҒА:**

2.1. «Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари Ассоциацияси» билан узвий алоқаларни ўрнатиш, Ассоциация томонидан ўтказиладиган тадбирларда (конференция, малака ошириш курслари, «Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» танлови) инглиз тили профессор-ўқитувчиларининг кенг иштирокини таъминлаш ва уларнинг хизмат сафари харажатларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ажратиш, жиҳозланган хоналар ва компьютерлар билан таъминлаш топширилсин.

2.2. ЎзДЖТУ ва Ассоциация томонидан инглиз тили фанидан таълим турлари ва ўқитувчилар тоифалари бўйича табақалаштирилган бир ҳафталик малака ошириш курслари маъқуллансин ва улардан унумли фойдаланилсин, Ассоциация раҳбарияти билан келишилган ҳолда (жадвал асосида), профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ташкил этилсин ҳамда Ассоциация томонидан малака оширганлик ҳақида берилган Сертификат (иловасида ўзлаштирилган янги билим ва кўникмалар кўрсатилган), профессор-ўқитувчиларнинг қисқа муддатли малака ошириш курсини ўтаганликлари ҳақидаги ҳужжат сифатида тан олинсин.

2.3. Ассоциация билан ҳамкорликда инглиз тилини ўқитишни такомиллаштириш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳамда республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг моддий ва услубий кўмагини кучайтириш ташкил этилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 августдаги «Олий таълим муассасалари тасарруфидаги лицей ва лицей-интернатлар негизида академик лицейлар ташкил этиш тўғрисида»ги 188-сонли қарорининг ижроси ҳақидаги 2007 йил 24 ноябрдаги 7/1-сонли**

## ҲАЙЪАТ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасида Олий ва ўрта махсус таълими, Соғликни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари қошида 2005-2006 ўқув йилига қадар 5395 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 20 та лицей ва лицей-интернатлар фаолият кўрсатган эди.

Мазкур лицей ва лицей-интернатларда ўқув жараёни икки йиллик ўқув режа асосида олиб борилган. Уларнинг ўқув бинолари, спорт иншоотлари, овқатланиш мажмуаси талаб даражасида эмаслиги, моддий-техника ва ахборот ресурс базасини эскирганлиги ўқув жараёни замон талаб даражасида олиб бориш имконини бермас эди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларида кўзда тутилган талабларга мавжуд лицей ва лицей-интернатлар жавоб бермаслигини ҳисобга олган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006 йил 31 августда «Олий таълим муассасалари тасарруфидаги лицей ва лицей-интернатлар негизида академик ли-

цейлар ташкил этиш тўғрисида»ги 188-сонли қарор чиқарди.

Мазкур карор асосида ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази ва тааллуқли вазирликларнинг 2006 йил сентябрь ойидаги қўшма буйруқлари билан 20 та лицей, лицей-интернатлар негизида академик лицейлар ташкил этилди.

Қўшма қарор асосида бир ой муддатда янги ташкил этилган академик лицейларнинг устави ҳамда штат жадвали ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда тасдиқланди.

Академик лицейларнинг қувватидан келиб чиққан ҳолда 2006-2007 ўқув йили учун ушбу таълим муассасаларига 3455 нафар, 2007-2008 ўқув йили учун 4197 нафар ўқувчилар қабул қилинди.

Академик лицейларнинг педагоглар таркиби танлов асосида малакали, чуқур касбий билимга эга бўлган ўқитувчилар билан тўлдирилди.

2006-2007 ўқув йилида лицей ва лицей-интернатлардаги 3770 нафар 11-синф ўқувчиларини умумий ўрта таълим ўқув дастурлари бўйича ўқишини тугатишлари таъминланди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази ҳудудий инжиниринг компаниялари билан биргаликда янги ташкил этилган ҳар бир академик лицей ўқув биноларининг ҳолатини ўрганиб чикди. Ўрганиш натижасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда 2007 йилги инвестиция дастурига киритиладиган академик лицейларнинг қурилиш манзилий рўйхати тасдиқланди. Бунинг асосида 2007 йилда 8 та (Бухоро давлат университети қошидаги 4-сон, Қарши давлат университети қошидаги 4-сон, Фарғона давлат университети қошидаги 3-сон, Қўқон давлат педагогика институти қошидаги 2-сон, Тошкент ахборот технологиялари унивесите-ти қошидаги 2-сон, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2- сон, Тошкент давлат авиация институти ва Тошкент кимё-технология институти қошидаги) академик лицейлар учун янги бинолар қуриб берилди ва жиҳозланди. Қолган академик лицейлар учун янги бинолар қурилиши 2008-2009 йилларда-ги қурилиш манзилий рўйхатига киритилди.

Ҳозирги кунда мазкур академик лицейларда 7652 ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 782 нафар ўқитувчи дарс бермоқда. Дарс бераётган ўқитувчилардан 112 нафари (14%) илмий даражага эга. Ўқувчиларга дарс бериш учун олий таълим муассасаларининг 135 нафар профессор-ўқитувчилари жалб қилинган, уларнинг 76 (56%) нафари илмий даражаларга эга.

Юқорилардан келиб чиққан ҳолда, вазирлик Ҳайъати **қарор қилади:**

1. Вазирнинг биринчи ўринбосари, Марказ директори А.Каримовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (А.Каримов)га:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 августдаги Олий таълим муассасалари тасарруфидаги лицей ва лицей-интернатлар негизида академик лицейлар ташкил этиш тўғрисида»ги 188-сонли қарори асосида ташкил этилган академик лицейларда ўқув жарёнини юқори даражада ташкил этилиши доимий назоратга олинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 августдаги 188-сонли қарор асосида ташкил этилган академик лицейларда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябридаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 473-сонли қарори билан тасдиқланган академик лицейлар қуриш бўйича 2008-2009 йиллар манзилий дастурда белгиланган қувватлар доирасида қуриладиган бинолар билан таъминланиши назоратга олинсин.

3. Барча олий таълим муассасалари ректорларига:

3.1. Олий таълим муассасалари қошида ташкил этилган академик лицейларда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчилари салоҳиятидан кенг ва самарали фойдаланиш;

3.2. Олий таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган умумтаълим фан олимпиадалари, илмий анжуманларга академик лицейларнинг иқтидорли ўқувчиларини жалб килиш;

3.3. Олий таълим муассасалари ва ака-

демик лицейларнинг турдош кафедралари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосарлари А.Парпиев ва А.Каримовлар зиммаларига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири,**
**Ҳайъат раиси**

### 2.3.4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Вазирлик ва олий таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2008 йил 10 январдаги 2-сонли

### БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари ижросини республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларига мувофиқ янги босқичга кўтаришни таъминлаш ҳамда вазирлик ва олий таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазир ўринбосарлари (Х.Ҳайдаров, А.Марахимов, А.Ғуломхўжаев), олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи (И.Мажидов), Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази (ОЎМКҲТРМ) директори (Б.Раҳимов)ларга хорижий тажрибаларни қиёсий таҳлил қилиш асосида икки ҳафта муддатда:

вазирлик фаолиятини республика ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамасига вазирлик тузилмасини қайта кўриб чиқиш таклифини киритиш, унинг фаолиятини такомиллаштириш ва ташкил этиш ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятини режалаштириш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

икки ой муддатда вазирлик ва олий таълим муассасаларида ижро интизоми назорати ва мониторингини олиб боришнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-январ 12-сонли қарори талаблари асосида компьютер дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

бир ой муддатда вазирлик аппарати ва олий таълим муассасаларида иш юритиш ҳужжатлари, ҳисоботлар шакли ва тартибини қайта кўриб чиқиш, такомиллашган электрон вариантларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

икки ой муддатда олий таълим муассасаларидаги бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари таркибини соҳалар ва иқтисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган аниқ эҳтиёжи асосида қайта кўриб чиқиш вазифалари юклатилсин.

2. Республика олий таълим муассасаларининг намунавий тузилмаларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Ишчи туруҳга:

бир ой муддатда республика иқтисодиёти тармоқлари (ижтимоий- гуманитар, техника, транспорт, тиббиёт, таълим соҳалари ва бошқалар) ҳамда олий таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлаш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг намунавий тузилмасини ишлаб чиқиш ва вазирликка ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этиш;

икки ой муддатда тасдиқланган намунавий тузилмалар асосида барча олий таълим муассасаларининг тузилмаларини қайта мувофиқлаштириш;

барча бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув-услубий, моддий-техник базасига қўйиладиган замонавий минимум талаблар мажмуасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

барча олий таълим муассасаларида моддий техник базага қўйиладиган минимум

талаблар асосида мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича режалар ишлаб чиқишни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

3. Вазир ўринбосари (Х.Ҳайдаров), маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи (Э.Набиев)га талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг самарадорлиги, ғоявий курашчанлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида бир ой муддатда:

талаба-ёшларнинг маънавий-касбий қиёфаси ва унинг мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқиш;

«Устоз-шогирд» тизими самарадорлигини танқидий қайта кўриб чиқиш, талаба-ёшларнинг вақт бюджетини режалаштириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ижодиётга жалб этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш;

маънавий-маърифий тадбирлар билан талаба ёшларни тўлиқ камраб олиш учун тадбирларни гуруҳий ва индивидуал шаклда ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

маънавий-ахлоқий тарбия ишларининг асосий йўналишлари, тадбирлар мавзулари ва мазмунини белгилаш, уларни самарали ташкиллаштиришни кафолатловчи педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

таълим муассасалари, ота-оналар, маҳалла, жамоат ташкилотлар ва фондлар билан ҳамкорликнинг такомиллаштирилган дастурларини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилсин.

4. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов), маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Э.Набиев), олий таълим муассасалари ректорларига икки ой муддатда:

олий таълим муассасаларини Давлат тест маркази томонидан аттестациядан ўтказиш натижалари асосида ҳар бир профессор-ўқитувчи, кафедра мудири ва деканлар фаолиятига баҳо берилсин ва қуйидаги кўрсаткичлар, олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асосларини билиш;

касбий малака ва педагогик маҳорат; илмий-ижодий салоҳият;

маънавий баркамоллик, ғоявий курашчанлик ва ижтимоий фаоллик; компьютер саводхонлиги;

хорижий тилни ўзлаштириш даражаси бўйича профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда тартиби ишлаб чиқилсин.

олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияни амалга ошириш шакл, услублари ҳамда тарбия мазмуни бўйича замонавий педагогик технологиялар борасидаги назарий ва амалий билимларини оширишга йўналтирилган тренинглар, махсус семинар ва курсларни узлуксиз ташкил этиш;

мавжуд Давлат таълим стандартлари, ўқитиш услублари ва педагогик технологияларини танқидий кўриб чиқиш, камчилик ва афзалликларини аниқлаш ҳамда уларни тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан такомиллаштириш;

барча олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг касбий малакаси, педагогик маҳорати ва маънавий камолотини аниқлаш ва уларни ривожлантиришнинг индивидуал дастур-режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Дастурда яқин уч йил ичида профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ёки қайта тайёрлаш курсларига юбориш, илмий ёки ишлаб чиқариш корхоналарида стажировка ўташ, салоҳиятини ошириш бўйича ўз устида мустақил ишлаш, ижодий таътил ҳамда зарур ҳолларда лавозимини ўзгартириш каби тадбирларни кўзда тутиш;

талабалар билимини баҳолаш тизимини замонавий ахборот технологиялари асосида такомиллаштириш борасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш ҳамда миллий онг ва миллий мафкурани тўлиқ ўзлаштирган баркамол инсонни шакллантириш талабини ўзида акс эттирган рейтинг тизимини ишлаб чиқиш;

икки ҳафта муддатда ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизими тўғрисидаги маълумотлар базаси ва ахборотлар тўпламини яратиш ҳамда қиёсий-таҳлилий ишларни амалга ошириш, уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш бўйича мунтазам таклифлар тайёрлайдиган ишчи гуруҳларини шакллантириш ва уларни режаларини тузиш вазифалари юклатилсин.

5. Вазир ўринбосари (А.Ғуломхўжаев)га икки ой муддатда:

олий таълим муассасалари бинолари ва талабалар турар жойларида яратилган маданий-маиший ва моддий-техник шарт-шароитларни таҳлилий ўрганиш, баҳолаш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича олий таълим муассасаларининг молиявий ва моддий манбалари аниқлансин ҳамда юқоридаги вазифалар ижросига йўналтириш чора-тадбирлари ишлаб чикилсин.

6. Вазир ўринбосарлари (А.Марахимов, А.Ғуломхўжаев)га:

бир ой муддатда вазирлик бошқарма ва бўлимлар ҳамда ОЎМКҲТРМ билан ҳамкорликда олий таълим муассасаларининг барча йўналишдаги фаолиятлари самарадорлиги, ректор, проректор, декан, кафедра мудирлари фаолиятини ҳамда битирувчиларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топиши натижаларини инобатга оладиган олий таълим муассасаларига баҳо бериш ва рағбатлантириш усули бўйича таклиф тайёрлансин ва ўрнатилган тартибда тасдиққа киритилсин;

7. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов), барча олий таълим муассасалари ректорларига:

икки ҳафта муддатда 2007 йил битирувчиларини ишга тақсимлаш натижалари ҳакида таҳлилий маълумот ҳамда 2008 йил битирувчиларини буюртмалар асосида корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлашга тайёргарлик бўйича маълумотлар тайёрлансин;

битирувчиларни ишга тақсимлаш жараёнида уларнинг бўлғуси амалий иш фаолияти турларига мойиллиги ва қобилиятларини инобатга олиш, кадрлар буюртмачилари иштирокини таъминлаш ҳамда битирувчиларнинг мониторингини ташкил қилиш бўйича таклифлар киритилсин;

икки ҳафта муддатда Давлат тест маркази билан биргаликда олий таълим муассасалари аттестация натижаларини эътиборга олган ҳолда олий таълим муассасалари деканларини аттестациядан ўтказиш жадвали ишлаб чиқилсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин;

олий таълим муассасалари раҳбариятига бир ой муддатда декан ўринбосарларини аттестациядан ўтказиб, натижаларини вазирликка етказиш вазифаси топширилсин.

8. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига оид норматив- ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Кадрлар бошқармаси (К.Ғофуров) ва юристконсульт (Р.Сулейманова)га ўн кун муддатда:

вазирлик раҳбарияти вазифалари ва функционал мажбуриятлари қайта кўриб чиқилиб, ўрнатилган тартибда тасдиққа киритилсин.

10. ЎМКҲТМ ва ОЎМКҲТРМ раҳбарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорларига:

жорий йилнинг 1 февралигача амалдаги олий ва ўрта махсус, касб ҳунар таълими тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қайта кўриб чикилиб, уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек янги ҳужжатларни яратиш бўйича таклифлар Ишчи гуруҳга ўрнатилган тартибда киритилсин.

11. Ишчи гуруҳ (И.Мажидов)га:

икки ой муддатда амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан тушган таклифлар жамланиб, улар асосида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрнатилган тартиб ва муддатларда тайёрлаш ҳамда тасдиқлаш таъминлаб борилсин.

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Махкамаси иш регламентларига қатъий риоя килган ҳолда киритилсин;

вазирлик буйруғи асосида тасдиқланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар «Идоравий норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби» (давлат рўйҳати 979, 16.10.2000 й.)га асосан тасдиққа тақдим этилиши белгилаб қўйилсин.

12. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 2.3.5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш ишларининг ахволини инвентаризациядан ўтказиш, йўналишлар ва мутахассисликларнинг меҳнат бозори талабларига жавоб бериши ва уларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 18 февралдаги 36-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш барчаислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги 1-сонли мажлис баёнининг 17-банди ижросини таъминлаш борасида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш ишларининг аҳволини пухта ўрганиб чиқиш ва инвентаризациядан ўтказиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йял 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» мавзусидан келиб чиқадиган асосий вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги 1-сонли мажлис баёнининг тегишли бандлари раҳбарлик ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таянч муассасаларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ихтисослик соҳалари ва тармоқларининг олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари кесимида инвентаризациядан ўтказиш ва таҳлил қилиш бўйича 1-иловага мувофиқ ҳудудий Ишчи гуруҳлар ташкил қилинсин ва уларнинг раҳбарлари тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ раҳбарларига:

3.1. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичи»га киритилган таълим йўналишлари, мутахассисликлар (касблар) ва «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига киритилган бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига бўлган талаб-эҳтиёжлар ҳудуд ҳокимликлари қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгашлар ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари (иш берувчилар) билан ҳамкорликда жорий йилнинг 22 февралига кадар 2- 3- ва 4-иловаларга мувофиқ инвентаризациядан ўтказиш ни обьектив таҳлил қилиш.

3.2. Ўтказилган инвентаризация натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичи» ва «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»нинг янги лойиҳалари учун жорий йилнинг 1 мартига қадар таклифлар ишлаб чиқиш;

3.3. Ҳудуд ҳокимликлари қошидаги мувофиқлаштирувчи кенгашлар ҳамда ҳудудий меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ҳудудий иқтисодиёт бош бошқармаси билан ҳамкорликда:

3.3.1. Жорий йилнинг 25 февралига қадар охирги уч йил ичида ҳудуддаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларинииг ишга жойлашиш даражасини бахолаш (олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимининг самарадорлиги мониторинги)ни 5-, 6- на 7-иловаларга мувофиқ амалга ошириш;

3.3.2. Жорий йилнинг 25 феврали-

га қадар касб-ҳунар коллежларида таълим йўналишлари ва олий таълим муассасаларида бакалавриат ҳамда магистратура мутахассисликларига талаб-эҳтиёж бўлмаганларини қисқартириш ва янгиларини очиш бўйича 8-. 9- ва 10-иловаларга мувофиқ аниқ таклифлар тайёрлаш;

3.3.3. Жорий йилнинг 5 мартига қадар ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг меҳнат бозори талабларига мувофиқлиги 11-иловага биноан аниқлаш;

3.3.4. Жорий йилнинг 5 мартига қадар ҳудудлар бўйича корхоналар (ташкилотлар, муассасалар)нинг олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган талаб эҳтиёжларини 11-12 иловаларга биноан аниқлаш;

3.3.5. Жорий йилнинг 25 мартига қадар ҳудудлар бўйича ҳар бир ўрта махсус, касб-ҳунар таълим йўналишлари ва олий таълим муассасасининг бакалавриат йўналишлари на магистратура кесимида қабул кўрсаткичлари ҳамда ҳажмини шакллантириш.

Амалга оширилаётган ишлар натижалари бўйича вазирликка белгиланган муддатларда тезкор ахборотларни бериб бориш вазифалари юклатилсин.

Қорақалпоғистон Рсспубликаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассис кадрларга бўлган талаб эҳтиёжларни инвентаризациядан ўтказиш ва таҳлил қилиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва белгиланган вазифаларнинг ўз муддатида бажарилиши ҳамда маълумотларни вазирликда жамлашни таъминлаш мақсадида вазирликнинг ҳудудлар бўйича масъуллари таркиби 14-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Р.Ниматов) ва Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (Мажидовга):

5.1. Ҳудудларда касб-ҳунар коллежларининг таълим йўналишлари, мутахассисликлари (касблар) ҳамда олий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини инвентаризациядан ўтказиш бўйича навбатдаги ишларни ташкил қилиш учун «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг таълим йўналишлари, мутахассислар ҳамда касблар таснифлагичи» ҳамда «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»нинг янги лойиҳалари жорий йилнинг 5 мартига қадар етарли миқдорда кўпайтириб таълим муассасалари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга тарқатиш;

5.2. Ҳудудлардан йиғилган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида касб-ҳунар коллежларининг таълим йўналишлари ҳамда олий таълим йўналишларининг бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига тузатишлар киритиш ва уларни ўзгартириш бўйича жорий йилнинг 25 мартига қадар Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш вазифалари юклатилсин.

6. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Р.Ниматов, О.Жўраев, А.Юнусов, Ж.Шосалимов)га янги академик лицейлар касб-ҳунар коллежларини фойдаланишга топшириш, фаолият кўрсатаётганларини мукаммал реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича 2008 йил учун белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, бунда 2009 йил якунларига кўра ўқувчиларнинг мажбурий уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишига эришиш вазифалари юклатилсин.

Қайд этилган вазифаларни ўз муддатида сифатли бажармаган ёки унга масъулиятсизлик билан юзаки ёндашган мансабдор шахсларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган чоралар кўрилсин.

Вазирликнинг ҳудудлар бўйича масъуллари таркиби 14-иловага мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга 19 февралдан 1 мартгача муддатларда хизмат сафарига юборилсин. Хизмат сафари харажатлари ўрнатилган тартибда асосий иш жойларидан тўлансин.

9. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосарлари А.Мухитдинов ва З.Саттаров зиммаларига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 2.3.6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, тармоқ корхоналари учун муҳандис-техник кадрлар ва ўрта махсус маълумотли техник мутахассислар тайёрлаш ҳамда таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида»ги 2010 йил 18 январдаги № 32- / 22 /кқ/ 4-п

## ҚЎШМА ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2009 йил 30 ноябрдаги 55-сон мажлис баённнинг 7-бандидаги топшириққа мувофиқ «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг олий ва ўрта махсус маълумотли техник-мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, аниқланган реал эҳтиёжларга асосан олий таълим муассасаларида «Муҳандислик ва муҳандислик иши», «Электротехника, электромеханика ва электротехнология» таълим соҳалари бўйича бакалавр ва магистр кадрлар, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида «Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш», «Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)» тайёрлов йўналишлари бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш ҳамда истиқболда тармоқни мутахассис кадрлар билан тўлиқ таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бу борада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг ўзаро амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида:

## ҚАРОР ҚИЛАМИЗ:

1. «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, тармоқ корхоналари учун муҳандис-техник кадрлар ҳамда ўрта махсус маълумотли техник мутахассислар тайёрлаш ва таъминлаш дастури» (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва ижро учун қабул қилинсин.

2. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Дастурини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг олий маълумотли муҳандис-техник кадрлар ҳамда ўрта махсус маълумотли техник мутахассисларга бўлган асосий эҳтиёжларига мос келувчи таълим йўналишлари ва мутахассисликлар рўйхати 3-иловага мувофиқ белгилаб қўйилсин.

4. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхона раҳбарларига:

4.1. 2010-2014 йилларда Уюшма ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжи 4-иловага мувофиқ аниқлансин ва ҳар жорий йилнинг 1 февралига қадар тегишли олий таълим муассасаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилсин;

4.2. 2010-2014 йилларда Уюшма ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг ўрта махсус маълумотли кичик мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжи 5-иловага мувофиқ аниқлансин ва ҳар жорий йилнинг 1 февралига қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига тақдим этилсин;

4.3. Ҳар жорий йилнинг 15 февралига қадар тегишли олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари билан юқори курс талабалари (ўқувчилари)нинг малакавий амалиётини Уюшма ва унинг таркибига кирувчи корхоналарда ташкил этиш (ўтказиш) ҳамда битирувчиларни малакалари ҳамда тугатган таълим йўналишлари ва мутахассисликларига мувофиқ иш жойи билан таъминлаш ҳақида шартномалар тўзилсин ва унда:

-талабалар (ўқувчилар)нинг малакавий амалиёти ўтказиладиган корхоналарда амалий-лаборатория машғулотлари ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил этиш бўйича зарурий шарт-шароитларни яратиш аниқ белгилансин;

-битирувчиларни малакалари ҳамда тугатган таълим йўналишлари ва мутахассисликларига мувофиқ иш жойи билан ўз вақтида таъминлаш, ёш мутахассислар учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилсин;

4.4. Уюшма таркибига кирувчи корхоналарда келишув асосида тегишли олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишни ташкил этиш ишлари йўлга қўйилсин;

4.5. Дастур бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасидаги тегишли бандлар ижроси ўз вақтида таъминлансин.

5. Тегишли йўналиш ва мутахассисликларга мувофиқ кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ректорлари ва ўрта махсус, касб- ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари (касб-ҳунар коллежлари директорлари)га:

5.1. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси томонидан тақдим этилган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларга бўлган истиқболли эҳтиёжларга мувофиқ ҳар жорий йилнинг 15 февралига қадар юқори курс талабалари (ўқувчилари)нинг малакавий амалиётини тегишли корхоналарда ташкил этиш бўйича шартномалар тузилсин ва малакавий амалиётнинг юқори савияда ўтказилиши таъминлансин;

5.2. Ўзэлтехсаноат» уюшмаси томонидан тақдим этилган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларга бўлган истиқболли эҳтиёжларга мувофиқ битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича тузилган ўзаро шартномаларга асосан ҳар жорий йилнинг 1 майига қадар битирувчилар тегишли корхоналарга ишга тақсимлансин (тавсия этилсин) ҳамда уларнинг ишга жойлашиш жараёни ва меҳнат фаолияти мониторинги олиб борилсин.

5.3.Олий таълим муассасалари қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказларида шартнома асосида Ассоциация тизимидаги корхоналарда фаолият кўрсатаётган муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ишлари йўлга қўйилсин.

5.4. Дастур бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасидаги тегишли бандлар ижроси ўз вақтида таъминлансин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси масъул ходимларига олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари билан Уюшма таркибига кирувчи корхоналар ўртасида шартномалар тузилиши, мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжларнинг аниқланиши, битирувчиларни ишга тақсимлаш (тавсия этиш), жойлаштириш ва уларнинг меҳнат фаолияти мониторингини йил давомида даврий равишда назоратга олишни таъминлаш вазифалари топширилсин.

7. Ушбу қўшма қарор ижросининг назорати Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари А.Марахимов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Р.Ниматов ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси ўринбосари А.Расулов зиммаларига юклатилсин.

| | | |
|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири** | **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори** | **«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси** |

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда
«Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг 2010 йил 18 январдаги
№ 32- / 22 /ққ/ 4-п –сонли қўшма қарорига 1-илова

**«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, тармоқ корхоналари учун муҳандис-техник кадрлар ҳамда ўрта махсус маълумотли техник мутахассислар тайёрлаш ва таъминлаш**

## ДАСТУРИ

Ҳозирги кунда «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг фаолияти ягона тизим ҳосил қилувчи таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси билан тавсифланмоқда.

Республикамиз олий таълим муассасаларида (Тошкент давлат техника университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Фарғона политехника институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва ҳ.к.), шунингдек, республикамиз турли ҳудудларидаги қатор касб-ҳунар коллежларида «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарда фаолият кўрсатиши мумкин бўлган «Муҳандислик ва муҳандислик иши», «Иқтисодиёт ва бизнес» таълим соҳалари бўйича олий маълумотли бакалавр ва магистр кадрлар, металларга ишлов бериш, шамоллатиш тизимлари, совутиш ва криоген техникалари агрегатлари ва машиналари, шишага ишлов бериш каби бир қанча мутахассисликлар бўйича ўрта техник маълумотли кичик мутахассислар тайёрлаб келинмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, тармоқ корхоналари учун муҳандис-техник кадрлар ҳамда ўрта махсус маълумотли техник мутахассислар тайёрлаш ва таъминлаш дастури» (кейинги ўринларда «Дастур» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2009 йил 30 ноябрдаги 55-сонли мажлис баёнининг 7-бандидаги топшириққа мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарда амалга оширилаётган илмий-техник, технологик ислоҳотларга мутахассис кадрлар тайёрлаш жиҳатидан кўмаклашиш принципларига асосланади.

Дастурнинг асосий қоидалари муҳандислик ва муҳандислик иши соҳасини барқарор ривожлантириш ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида кичик мутахассис, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш соҳасидаги таълим дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда ҳисобга олиниши керак.

### I. Дастурнинг мақсади

Ушбу Дастур «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи ташкилот ва корхоналарнинг буюртмаларига мувофиқ тармоқни мутахассис кадрлар билан бутлаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида муҳандислик ва муҳандислик иши, иқтисодиёт ва бизнес таълим соҳалари бўйича кичик мутахассис, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш, бу борада таълим сифати ва самарасини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

### II. Дастурнинг асосий вазифалари

Кўрсатиб ўтилган мақсадга эришиш учун касб-ҳунар коллежлари, олий таълим ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида муҳандислик ва муҳандислик иши, иқтисодиёт ва бизнес таъ-

лим соҳалари бўйича кадрлар тайёрлаш борасида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш назарда тутилмоқда:

- ўқув-меъёрий ҳужжатлар базасини қайта инвентаризациядан ўтказиш ва такомиллаштириш;

- ўқувчи-талабалар касбий таълимини бевосита «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш билан ташкил этиш;

касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарида иш ўринлари билан таъминлаш;

мазкур йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлашни амалга оширувчи профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳа муҳандис-техник кадрларининг малакасини ошириш;

соҳа учун мутахассислар тайёрлашнинг янги истиқболли йўналишларини ривожлантириш.

**III. Дастурни амалга оширишнинг асосий йўналишлари**

3.1. Касб-ҳунар коллежлари, олий таълим ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида муҳандислик ва муҳандислик иши, иқтисодиёт ва бизнес таълим соҳалари бўйича «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар учун кадрлар тайёрлашга оид ўқув-меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш.

Ушбу вазифага мувофиқ мазкур бўлимда қуйидаги тадбирлар назарда тутилмоқда:

- касб-ҳунар коллежларида металларга ишлов бериш, шамоллатиш тизимлари, совутиш ва криоген техникалари агрегатлари ва машиналари ҳамда шишага ишлов бериш бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашга оид ўқув-меъёрий ҳужжатлар базасини қайта кўриб чиқиб, ДТС, ўқув режалари, ўқув дастурлари, ўқув фанлари мазмуни ва методикасини такомиллаштириш, дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётларига бўлган эҳтиёжларни қондириш;

- олий таълим муассасаларида муҳандислик ва муҳандислик иши, иқтисодиёт ва бизнес таълим соҳаларининг тегишли йўналишлари ва мутахасисликлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашга оид меъёрий-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиб, ДТС, ўқув режалари, ўқув дастурлари, ўқув фанлари мазмуни ва методикасини такомиллаштириш, дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётларига бўлган эҳтиёжларни қондириш;

- «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар билан касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари ўртасида кадрлар тайёрлаш, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини корхоналарда ўтказиш бўйича шартномалар тузиш.

3.2. Ўқувчи-талабалар касбий таълимини бевосита «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси корхоналарида малака амалиётини ўтказиш йўли билан ташкил этиш ва битирувчиларни мазкур корхоналарда иш ўринлари билан таъминлаш.

Ушбу вазифага мувофиқ мазкур бўлимда қуйидаги тадбирлар назарда тутилмоқда:

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналарда муҳандислик ва муҳандислик иши, иқтисодиёт ва бизнес таълим соҳаларининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича, металларга ишлов бериш, шамоллатиш тизимлари, совутиш ва криоген техникалари агрегатлари ва машиналари ҳамда шишага ишлов бериш мутахассисликлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни сифатли ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш;

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида кафедралар фаолиятини йўлга қўйиш ва мавжудларини тармоққа йўналтириш;

- «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналарда олий таълим муассасалари кафедралари филиалларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини битирувчиларнинг соҳа бўйича билим ва малакаларини оширишга йўналтириш;

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналар эҳтиёжлари асосида муҳандислик ва муҳандислик иши, иқтисодиёт ва бизнес таълим соҳаларининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича битирувчиларни иш билан таъминлаш

бўйича шартномалар тузиш.

3.3. Олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларида тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳа муҳандис-техник кадрларининг малакасини ошириш ҳамда тармоқнинг янги истиқболли йўналишларини ривожлантириш.

Ушбу вазифага мувофиқ мазкур бўлимда қуйидаги тадбирлар назарда тутилмоқда:

- малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи профессор-ўқитувчилар ҳамда Уюшма таркибидаги корхоналарда фаолият кўрсатаётган муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш;

уюшма таркибидаги корхоналарда келишув асосида тегишли олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари профессор-ўқитувчиларининг қисқа муддатли малакасини оширишни йўлга қўйиш;

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналар учун кичик мутахассис, бакалавр ва магистрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида Ахборот-ресурс марказларини замонавий ўқув адабиётлари билан бойитиш ҳамда таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш.

**IV. Дастурни амалга ошириш механизми**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, таълим муассасалари билан ҳамкорликда мазкур Дастур чора-тадбирлари ижросининг мониторингини олиб боради. Дастур тадбирларининг бажарилишини бошқариш ва назорат қилиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, таълим муассасалари томонидан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилади, Вазирлик ва Марказ қуйидаги функцияларни бажаради:

мавжуд омиллар ва шарт-шароитларга мувофиқ тадбирларни аниқлаштиради ва уларга тузатишлар киритади;

тадбирларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш усуллари ва шартлари бўйича таклифлар киритади.

Дастур босқичлари ва тадбирларининг ўз вақтида бажарилишини ва сифатини назорат қилади.

**V. Дастурни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

Ушбу дастурдан кутилаётган натижалар қуйидагилардир:

- «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналар эҳтиёжларига мувофиқ металларга ишлов бериш, шамоллатиш тизимлари, совутиш ва криоген техникалари агрегатлари ва машиналари ҳамда шишага ишлов бериш мутахассислари бўйича малакали кичик, олий таълим муассасаларида эса муҳандислик ва муҳандислик иши, иқтисодиёт ва бизнес таълим соҳаларининг мувофиқ йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади;
- касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича таълим мазмуни юқори даражада такомиллаштирилади;

-зарурий ҳолларда тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичи» ҳамда «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»га, ДТС, ўқув режалари ва дастурларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади;

тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича қайта ишлаб чиқилган намунавий ва ишчи ўқув дастурлари яратилади, янги дарсликлар ва бошқа ўқув-услубий қўлланмалар туркуми нашр этилади, самарали таълим технологиялари жорий этилади;

тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўқувчилар, талабалар ва тингловчиларнинг касбий тайёргарлик ва маданият даражасини ошириш, тайёрланаётган кадрларнинг сифатини яхшилаш таъминла-

нади;

таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналарнинг мутахассис ходимлари соҳасидаги янги ютуқлар ва технологиялар билан таништирилади, уларнинг касбий тайёргарлик даражаси ва малакалари оширилади.

2-илова

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, тармоқ корхоналари учун муҳандис-техник кадрлар ҳамда ўрта махсус маълумотли техник мутахассислар тайёрлаш ва таъминлаш дастури»ни бажариш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар**

**РЕЖАСИ**

| № | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Касб-ҳунар коллежлари, олий таълим ҳамда кадрлар малакасини ошириш еа цайта тайёрлаш муассасаларида муҳандислик ва муҳандислик иши, иқтисодиёт ва бизнес таълим соҳалари бўйича «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар учун кадрлар тайёрлашга оид ўқув-меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш** | | | | |
| 1.1 | Олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларида «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси эҳтиёжларига мувофиқ тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича амалдаги Таснифлагичга киритилган йўналишлари ва мутахасисликларни қайта таҳлил қилиш, зарур ҳолларда эҳтиёжга асосан қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш | 2010-2014 йиллар, I-II- чорак | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар, Олий ва ўрта махсус, таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Тегишли таълим муассасалари | Тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш мақсадида Таснифлагичдаги мавжуд йўналишлар ва мутахассисликлар қайта инвентаризациядан ўтказилади ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг таклифларига асосан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади. |
| 1.2 | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси эҳтиёжларига мувофиқ тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича 2010-2014 йилларда кадрларга бўлган эҳтиёжлар буюртмасини шакллантириш | 2010-2014 йиллар, I-чорак | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар, Олий ва ўрта махсус, таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Тегишли таълим муассасалари | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг 2010-2014 йилларда олий ва ўрта махсус маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжлар базаси шакллантирилади |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1.3 | Касб-ҳунар коллежларида металларга ишлов бериш, шамоллатиш тизимлари, совутиш ва криоген техникалари агрегатлари ва машиналари ҳамда шишага ишлов бериш йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларини замон талаблари асосида такомиллаштириш | 2010-2014 йиллар, III-чорак | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар, Ўрта махсус, касб -ҳунар таълими маркази ва ҳудудий бошқармалари | Касб-ҳунар коллежларининг металларга ишлов бериш, шамоллатиш тизимлари, совутиш ва криоген техникалари агрегатлари ва машиналари ҳамда шишага ишлов бериш йўналишларининг ўқув-меъёрий ҳужжатлари иш берувчи корхоналарнинг талаблари асосида мазмунан такомиллаштирилади. |
| 1.4 | Касб-ҳунар коллежлари учун металларга ишлов бериш, шамоллатиш тизимлари, совутиш ва криоген техникалари агрегатлари ва машиналари ҳамда шишага ишлов бериш йўналишлари мутахассислик фанлари бўйича яратилиши лозим бўлган ўқув адабиётлари рўйхатини шакллантириш ва ҳудудлар кесимида мазкур ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш | 2010-2014 йиллар, II-чорак | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар | Мазкур мутахассисликларнинг касбий фанлар бўйича яратилиши лозим бўлган ўқув адабиётларининг рўхати, муаллифлар гуруҳи ва яратиш муддатлари шакллантирилади. |
| 1.5 | Олий таълим муассасаларида «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси эҳтиёжларига мувофиқ тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга оид меъёрий-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиб, ДТС, ўқув режалари, ўқув дастурлари, ўқув фанлари мазмуни ва методикасини такомиллаштириш, дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётларига бўлган эҳтиёжларни қондириш | 2010-2014 йиллар, II-III-чорак | Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, Олий таълим муассасалари, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси | Олий таълим муассасаларида тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга оид меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилади |
| 1.6 | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини Уюшма таркибига кирувчи корхоналарда ўтказиш бўйича шартномалар тузиш | 2010-2014 йиллар, I-чорак | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, ҳудудий бошқармалари, тасарруфидаги касб-ҳунар коллежлари, Олий таълим муассасалари, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси | Шартномалар тузилади |

5-илова

**2010-2014 йилларда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарда ўрта махсус маълумотли кичик мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжлар тўғрисида маълумот**

| Вилоят, туман (шахар) номи | № | Корхона номи | Корхона манзили | Корхона учун зарур бўлган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар | | | | Таълим йўналишлари ва мутахассисликларига мувофиқ йиллар бўйича олий маълумотли кадрларга бўлган жорий ва истиқболли эҳтиёжлар (бўш иш ўринлари) сони | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бакалавриат йўналишлари | | Магистратура мутахассисликлари | | | | | | | | | | | |
| | | | | шифр | номи | шифр | номи | 2010 | | 2011 | | 2012 | | 2013 | | 2014 | |
| | | | | | | | | Б | М | Б | М | Б | М | Б | М | Б | М |
| | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 5 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 6 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | n | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | Уюшма бўйича жами: | | | | | | | | | | | | | | | |

Изоҳ: Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичи бўйича аниқланади

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги**

## ҲАЙЪАТ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунларида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига алоҳида эътибор берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда Вазирлик томонидан олий таълим, фан ва амалиётнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ташкил этишнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-916 сонли Қарори бу борада амалга оширилаётган ишларни тизимли асосда давом эттиришга мустаҳкам замин яратди. Қарор ижроси юзасидан «Ўрта муддатли истиқболда инновацион махсулотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари комплексида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тадбирлар режаси» қабул қилинди ва ижроси таъминланмоқда. 2008 йилдан бошлаб ҳар йили мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган «Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси»да аксарият олий таълим муассасаларининг саноат, қишлоқ хўжалиги, соғликни сақлаш ва фармацевтика, ахборот-коммуникацион технологиялар, фан ва таълим каби соҳаларга амалий татбиқ этишга тайёр илмий-технологик ишланмалари муваффақиятли намойиш этиб келинмоқда, Мазкур ишланмаларни жорий қилиш юзасидан тегишли ишлаб чиқариш корхоналари билан хўжалик шартномалари, ҳамкорлик битимлари ва аҳдлашув баённомалари тузилиб, уларнинг ижро мониторинги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш масаласи ҳозирга қадар ўзининг тизимли асосдаги ечимини топмаганлигини таъкидлаш лозим. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун эса олий таълим ва ишлаб чиқариш манфаатларининг ўзаро уйғунлигини ўзида акс эттирган барқарор ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш зарур бўлади. Бу борада, олий таълим тизими ва унинг илм-фани олдида, энг аввало, олий таълим муассасалари, факультетлар, ва айниқса, мутахассис тайёрловчи кафедраларнинг тегишли ишлаб чиқариш соҳалари ва корхоналари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш, мазкур ҳамкорликнинг ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда замонавий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбигини йўлга қўйиш каби катор масалалар турибди. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ҳудудлараро кесимда кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжни аниқлашнинг самарали механизмларини яратиш, битирувчиларни иш ўринлари билан таъминлашни кафолатлашда бир томондан олий таълим тизими, иккинчи томондан эса потенциал истеъмолчи соҳаларнинг аниқ мажбуриятлар ва вазифаларини белгилаш, ишлаб чиқариш буюртмасига кўра мақсадли равишда кадрлар тайёрлаш, уларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари кўламини кескин ошириш каби вазифалар ўз ечимини кутмоқда.

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва мутахассис-олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар бўйича илмий-техника дастурларини шакллантиришда тегишли соҳа ва корхоналарда мавжуд реал илмий-технологик муаммолардан келиб чиқилишини таъминлаш, битирув малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва дсгсторлик диссертациялари ҳамда хўжалик шартномалари доирасидаги тадқиқотларни айнан шу муаммолар асосида шакллантирилган намунавий мавзулар асосида ташкиллаштириш, қолаверса, ҳар бир корхона ва ишлаб

чиқариш ташкилотлари бўйича амалий муаммолар ва инвестицион лойиҳалар банкини яратиш ва мунтазам янгилаб боришни йўлга қўйиш каби масалалар ҳам ҳали тизимли асосдаги ечимини топмаган.

Ўз навбатида, ишлаб чиқариш олдида ҳам олий таълим тизимига нисбатан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик позициясини эгаллаш, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ишлаб чиқаришга юклатилган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш, мавжуд техника ва технологияларни такомиллаштириш ва модернизация қилишда Республика олий таълим тизимида яратилаётган тадқиқотлар натижаларига суяниш, хўжалик шартномалари асосида бажарилаётган илмий тадқиқотлар ҳажмини ошириш, ярмаркалар доирасида олий таълим муассасалари билан тузилаётган ҳамкорлик битимлари ва шартномалар ижроси бўйича масъулиятни кескин кучайтириш каби вазифалар турибди.

Кўрсатилган вазифалар ечими кўп жиҳатдан инновацион ҳамкорлик масаласига янгича ёндошув тамойилларини шакллантириш, ва энг аввало, мазкур ҳамкорликни тизимли асосда амалга оширилишини таъминлайдиган инфратузилмани яратиш, унинг ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишни тақозо этади. Ишлаб чиқиладиган ҳужжатларда бир томондан олий таълим тизими, иккинчи томондан эса мазкур тизим тайёрлаётган кадрлар истеъмолчилари - соҳа корхоналари бажариши лозим бўлган вазифа ва мажбуриятлар аниқ белгиланиши лозим. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаси, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив (ўзаро манфаатли) ҳамкорлигининг самарали механизмини йўлга қўйиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни иш ўринлари билан таъминлаш жараёнида ишлаб чиқаришнинг ролини кучайтириш, олий таълим тизимида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг натижавий самарадорлигини янада ошириш, профессор-ўқитувчилар ва мутахассис-олимлар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот фаолияти натижасида яратилаётган илмий-технологик ишланмаларнинг тегишли соҳаларга оператив татбиғини таъминлаш мақсадида

**Вазирлик Ҳайъати Қарор қилади:**

1. «Олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича намунавий тадбирлар режаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишлаб чиқариш билан инновацион корпоратив ҳамкорликни йўлга қўйиш олий таълим муассасаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлиги ҳамда шахсан ректор масъуллигида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорларига бир ой муддатда «Олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлпгини ташкил этиш бўйича намунавий тадбирлар режаси» асосида муассасанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ижросини таъминлаш вазифалари юклансин:

3.1. Муассасанинг мутахассис чиқарувчи кафедраларида етук профессор-ўқитувчи, аспирант, докторант, иқтидорли талабалар ва тегишли ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари таркибидан иборат инновацион гуруҳларни шакллантириш ва ишлаб чиқариш билан икки томонлама имзоланган шартномалар асосида уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш;

3.2. Инновацион гуруҳлар томонидан кафедралар ихтисослашувига мос замонавий корхоналар тўғрисида маълумотлар банки шакллантирилишини назоратга олиш;

3.3. Корхоналарда мавжуд илмий-технологик муаммоларнинг ягона базасини шакллантирилиш;

3.4. Муассаса кафедраларида инновацион гуруҳлар томонидан шакллантирилган ягона ахборот базаси асосида битирув малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини шакллантириш, корхона манфаатига мувофиқ хўжалик шартномалари асосида изланишларни ташкил этиш;

3.5. Ишлаб чиқариш билан инновацион корпоратив ҳамкорликнинг жорий этилаётган механизмининг самарали тадбиғини йўлга қўйиш борасида муассасанинг ўқув ва илмий ишлар бўйича проректорлари, ўқув

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **2. Ўқувчи -талабалар касбий таълимини бевосита «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси корхоналарида малака амалиётини ўтказиш йўли билан ташкил этиш ва битирувчиларни мазкур корхоналарда иш ўринлари билан таъминлаш** | | | | |
| 2.1 | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарда муҳандислик ва муҳандислик иши, иқтисодиёт ва бизнес таълим соҳаларининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича, металларга ишлов бериш, шамоллатиш тизимлари, совутиш ва криоген техникалари агрегатлари ва машиналари ҳамда шишага ишлов бериш мутахассисликлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни сифатли ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш | 2010-2014 йиллар | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар, Олий таълим муассасалари, Касб-ҳунар коллежлари | Назарий ва амалий машғулотларни сифатли ўтказиш учун тегишли корхоналарда зарур шарт-шароитлар яратилади |
| 2.2 | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида кафедралар фаолиятини йўлга қўйиш ва мавжудларини тармоққа йўналтириш | 2010-2014 йиллар | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий таълим муассасалари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Касб-ҳунар коллежлари | Касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида кафедралар фаолияти йўлга қўйилади |
| 2.3 | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналарда олий таълим муассасалари кафедралари филиалларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини битирувчиларнинг соҳа бўйича билим ва малакаларини оширишга йўналтириш | 2010-2014 йиллар | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий таълим муассасалари | Корхоналарда олий таълим муассасалари кафедралари филиаллари ташкил этилади |
| 2.4 | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар эҳтиёжлари асосида муҳандислик ва муҳандислик иши, иқтисодиёт ва бизнес таълим соҳаларининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича битирувчиларни тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш бўйича шартномалар тузиш | 2010-2014 йиллар I-чорак | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари | Битирувчилар «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда иш билан таъминланади |

ва илмий бўлими бошлиқлари, тегишли факультет деканлари ҳамда мутахассислик кафедралари мудирларининг аниқ масъулиятлари белгиланишини таъминлаш ва уларнинг бу борадаги фаолиятларининг доимий назоратини олиб бориш.

4. Вазир ўринбосари (М.Каримов), Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов) ва Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (А.Даминов)га бир ой муддатда:

4.1. Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион-корпоратив ҳамкорликни йўлга қўйишнинг намунавий тартиби ишлаб чиқилсин ва амалиётга жорий этилиши таъминлансин;

Жойларда инновацион ҳамкорлик механизмининг самарали тадбиғини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларининг тегишли мутасаддилари учун амалий семинар(лар) ўтказилсин;

Инновацион ҳамкорликни амалга оширишда ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали иштирокини таъминлаш мақсадида тегишли соҳа вазирлик ва идоралари билан биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилсин ва раҳбариятга тақдим этилсин;

Олий таълим муассасаларида «Олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича намунавий тадбирлар режаси»нинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб бориш йўлга қўйилсин.

Ушбу Ҳайъат Қарори ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари У.Ташкенбаев ва вазир ўринбосари М.Каримовлар зиммасига юклансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири,**
**Ҳайъат раиси**

## 2.4. ЎҚУВ-ТАРБИЯ МАЖМУАЛАРИ, ЎҚУВ-ФАН-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАЛАРИ ВА УЮШМАЛАРИ

### 2.4.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўқув - илмий - ишлаб чиқариш мажмуаси тўғрисидаги намунавий Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2008 йил 4 апрелдаги 94 - сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, илмий тадқиқот натижаларини ўқув жараёнига ва амалиётга татбиқ этиш, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси самарадорлигини ошириш ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва корхоналар ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

«Ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуаси тўғрисидаги намунавий Низом» (ЎИИЧМ) нинг такомиллаштирилган янги таҳрири иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Олий таълим муассасалари ректорларига бир ой муддатда мазкур намунавий Низомга мос равишда илмий тадқиқот муассасалари ва ташкилотлар билан шартнома асосида ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш бўйича таълим муассасасининг кадрлар тайёрлаш борасидаги хусусиятидан келиб чиққан ҳолда таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирликка тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

Вазирликнинг 1999 йил 7 июлдаги 227-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 4 апрелдаги 94 -сонли буйруғига илова

# ЎҚУВ-ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУАСИ ТЎҒРИСИДА НАМУНАВИЙ НИЗОМ

(янги таҳрири)

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 7 июлдаги 227-сонли буйруғига биноан тасдиқланган «Ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуаси тўғрисида намунавий Низом» ўрнига жорий этилади.*

## I. Умумий қоидалар

Ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуаси (ЎИИЧМ) ассоциация уюшмаси бўлиб, олий таълим муассасаси (ОТМ), илмий тадқиқот муассасалари (ИТИ) ва тегишли иқтисодиёт соҳасининг корхоналари ташкилотларидан таркиб топади.

ЎИИЧМ ихтиёрийлик асосида ташкил этилиб, қатнашаётган томонларнинг қўшма қарори (буйруғи) асосида фаолият кўрсатади.

ЎИИЧМ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарори, муассис ташкилот(лар) қарорига асосан таълим муассасаси ва илмий тадқиқот муассасалари, шунингдек таълим муассасаси ва корхоналарнинг қўшилиш йўли билан ҳам ташкил этилиши мумкин.

ЎИИЧМ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, бошқа қонун ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек мажмуа тўғрисидаги Низом ва мазкур намунавий Низом асосида амалга оширади.

## II. ЎИИЧМнинг мақсад ва вазифалари

2.1. ЎИИЧМ мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш, ўқув жараёни, илмий-тадқикот ишлари ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқотлар натижалари, ишлаб чиқариш технологияларини ўқув жараёнида синовдан ўтказиш ва фойдаланиш, корхона ходимлари ва ўқитувчилар малакасини оширишни ташкил этиш мақсадларида тузилади.

ЎИИЧМ таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси шаклларидан биридир.

2.3. ЎИИЧМ асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўқув ва ўқув-услубий ишларда:

талабаларга ижодий ва мустақил фаолият юритиш, фан, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳаларида амалий кўникма, танқидий фикрлаш, касбий билимдонлик ва тўғри қарор қабул қилиш кўникмаларини сингдириш;

олий таълим муассасалари илмий-педагогик ходимлари, корхоналар мутахассисларининг малакасини ошириш, бозор муносабатлари шароитида қайта тайёрлаш;

замонавий ўқув-лаборатория ва илмий тадқиқот ишларини ўтказишда профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек амалий ва ишлаб чиқаришга оид муаммоларни ечишга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш:

фуқоролик бурчи ва ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш;

ўсиб келаётган авлодни маънавий тарбиялаш;

- иқтисодиёт соҳалари ва мамлакатнинг илмий-техник ривожланиши учун бошқарув кадрлари заҳирасини яратиш;

жисмоний баркамоллик ва талабалар соглигини мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

қобилиятли, истеъдодли ва ижодий салоҳиятли ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш;

талабалар малакавий амалиётини ишлаб чиқариш (илмий-тадқиқот муассасалари)да соҳа дастури асосида ташкил этиш;

талабалар узлуксиз таълимини таъминлаш, ҳал қилувчи босқичда меҳнат самарадорлиги асосида маъруза, лаборатория

ва амалий машғулотларни бевосита ишлаб чиқариш (ИТМ) ҳудудида ташкил этиш;

талаба ва ўқитувчиларга мўлжалланган ўқув-услубий ва меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- таълим муассасаларининг моддий-техник ва лаборатория базаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

**Илмий соҳада:**

талабаларни илмий-тадқиқот, конструкторлик, технологик лойиҳаларни жорий этиш ишларига кенг жалб этиш асосида таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш;

- талабаларни долзарб илмий ва технологик муаммоларни ечишда кенг иштирок этишга уларнинг бўлғуси мутахассисликларини эътиборга олган ҳолда таъминлаш;

- таълим жараёнига фан ва техниканинг илғор ютуқларини жорий этиш, уларни тадбиқ этилиш муддатларини қисқартириш;

соҳанинг энг долзарб муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш;

синов-тадқиқот тадбирларини ишлаб чикиш, якунланган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини таҳлил килиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, шунингдек ишлаб чиқаришга юқори самарали ишланмаларни жорий этилиши ва сотилишини таъминлаш;

талаба ёшлар (бакалавриат, магистратура) профессор-ўқитувчилар, аспират ва докторантларни асосий ишдан бўш пайтда ёки малакавий амалиёт даврида корхона (муассасалар)да ишлашини ташкил этиш;

касбга йўналтириш бўйича ишларни амалга ошириш.

## III. ЎИИЧМнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. ЎИИЧМ ҳуқуқлари:

- давлат буюртмаси асосида бажариладиган фундаментал ва амалий илмий тадқиқот ишларини бажариш учун танловларда иштирок этиш;

-минтақа ва соҳанинг илмий-техник дастур ва грантлари, шунингдек, жойлардаги инновацияга оид лойиҳаларда иштирок этиш;

-бажарилаётган илмий ишлар ва илмий-техник ишланмаларни экспертизадан ўтказиш ва хулоса бериш;

-ўзининг тугалланган ишлари асосида яратилган илмий ишланмаларни давлат ва шартнома баҳоларида сотиш;

-яратилган илмий маҳсулотдан фойдаланиш юзасидан муаллифлик назоратини амалга ошириш, мажмуа кучи билан яратилган илмий-техник ишланмаларга муаллифлик ҳуқуқига эга бўлиш;

-ўрнатилган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

3.2. ЎИИЧМ аъзоларининг муносабатлари:

- ЎИИЧМ аъзоларининг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида олиб борилади. Ўзаро мажбуриятлар сифатли олий маълумотли мутахассис тайёрлаш талаблари, шунингдек ўқув-лаборатория ва моддий базадан самарали фойдаланиш имкониятларидан келиб чиқади;

- ЎИИЧМ аъзоларининг молиявий ва моддий мажбуриятлари ўз ҳисоб рақамларидаги молиявий маблағлардан фойдаланишга асосланади.

3.3. ЎИИЧМ бошқаруви:

- ЎИИЧМни олий таълим муассасаси ректори раислигидаги Васийлик кенгаши бошқаради. Факультет деканлари, ЎИИЧМ таркибига кирувчи корхона ва ИТМ раҳбарлари Васийлик кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланади.

3.4. ЎИИЧМ Васийлик кенгаши:

- мутахассисларни узлуксиз касбий тайёрлаш доирасида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўтказишга оид барча масалалар бўйича қарор қабул қилади;

- ўқув-илмий-ишлаб чиқариш фаолиятида моддий-техник базадан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

ҳамкорликдаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларини жорий этиш бўйича режалар ишлаб чиқади;

ЎИИЧМ ўқув-илмий-техник фаолияти устидан услубий раҳбарликни амалга оширади;

- ЎИИЧМ ишини ташкил этиш ва бошқарувни такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқади.

3.5. ОТМ мажбуриятлари:

ўқув жараёнини ИТМ лабораториялари ёки корхона цехлари, бўлимлари ва бошқа таркибий бўлинмаларида ўтказилишини режалаштириш;

курс лойиҳаси (иши) ни бажарилишини ташкил этиш, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзуларини келишиш, илмий тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик, экспериментал-технологик ва корхона олдида турган ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилишга оид мавзулар билан талабалар илмий тадқиқот ишлари мавзуларини мувофиқлаштириш;

- ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича маърузалар ўқиш ва ўқув машғулотларини ўтказиш учун таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, илмий ходимларини корхоналар (муассасалар)га юбориш;

- илмий тадқикот ва синов-конструкторлик ишларини корхона буюртмаси бўйича шартнома асосида ва ижодий ҳамкорликда амалга ошириш;

корхона (муассаса)нинг тажрибали мутахассисларини ўриндошлик ёки соатбай тўлов асосида ўқув жараёнида иштирок этиш учун жалб қилиш;

келгусида корхона (муассаса)да фойдаланишни кўзда тутган ҳолда келишилган дастурлар бўйича талабаларни корхона буюртмаси асосида мақсадли тайёрлашни амалга ошириш;

корхона мутахассисларининг илмий тадқиқот ишлари натижаларини ОТМ илмий тўпламларида чоп этиш;

корхона ходимларига илмий-ахборот хизмати кўрсатишни ташкил этиш;

- докторантура ва мақсадли аспирантура орқали юқори малакали кадрлар тайёрлашни корхоналар буюртмасига кўра амалга ошириш;

- фан ва техниканинг алоҳида йўналишлари бўйича корхона ходимларига маслаҳатлар ва бошқа таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш.

3.6. Корхона (ИТМ) мажбуриятлари:

ўз ходимларини олий таълим муассасасида малака ошириш ва қайта тайёрлашга ўрнатилган тартибда юбориш;

ишлаб чиқаришнинг етакчи мутахассисларини ўқув жараёнида ва қўшма лойиҳалар бўйича илмий-тадқиқот фаолиятида иштирок этишга йўллаш;

талабаларга лаборатория ускуналаридан фойдаланиш, бўлим, цех ва бошқа таркибий бўлинмалар фаолияти билан танишиш имкониятини яратиб бериш, шунингдек уларга ОТМда таҳсил олаётган даврда ишлаб чиқаришда иштирок этишлари учун иш ўринларини ажратиб бериш;

- талабаларга курс лойиҳалари (ишлари)ни бажариш, ўқув илмий-тадқиқот фаолиятини юритиш, мавзу танлашда кўмаклашиш ва курс лойиҳаси, битирув малакавий иши магистрлик диссертациясини бажариш учун ишлаб чиқаришдан раҳбарлар (маслаҳатчилар) ажратиб бериш;

3.7.Васийлик кенгаши мажлисларида қуйидагилар кўриб чиқилиши кўзда тутилади:

режалаштирилган ишлар ёки босқичларининг натижаларини муҳокама қилиш;

талабаларнинг ишлаб чиқариш бошқарувини такомиллаштириш ва яхшилаш борасидаги корхоналар буюртмасига кўра бажарган ишлари ёки таклифлари;

зарур ҳолларда кафедра филиалларини ташкил этиш учун алоҳида хоналар ажратиб бериш ва моддий-техник базасини яратиш;

конструкторлик-технологик ишлар олиб борилишини таъминлаш, янги техника тажриба намуналарини ясаш, синаш, маромига етказиш ишларини тезкор ўзлаштириш;

талаба ва ўқитувчиларни корхонада қўлланилаётган техниканинг янги намуналари ҳамда янги технологиялар билан таништириш;

қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шартнома ишларини бажариш.

## IV. ЎИИЧМнинг низоми

4. Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 43-моддаси ва мазкур намунавий Низомга мувофиқ мажмуа Низоми ишлаб чиқилади ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

**V. Якуний қисм**

5.1. ЎИИЧМ фаолиятини тугатиш ёки қайта ташкил этиш томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

5.2. Томонлар ўртасида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал қилинади.

## 2.4.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Магистратура низомини тасдиқлаш тўғрисида» 2012 йил 29 октябрдаги 418-сонли

## БУЙРУҒИ

**(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 581-модда)**
**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2405]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012й., 30-сон, 346-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги 190-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 37-38-сон, 384-модда) мувофиқ буюраман:

1. Магистратура тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2007 йил 29 декабрдаги 269-сон «Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи (рўйхат рақами 1765, 2008 йил 4 февраль) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 6-7-сон 28-модда);

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 22 сентябрдаги 363-сон «Магистратура тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1765-1, 2010 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 347-модда).

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 346-модда), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда) ва 2007 йил 10 сентябрдаги 190-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 37-38-сон, 384-модда) қарорларига мувофиқ магистратура фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифати ва рақобатбардошлигини кучайтириш, «магистр» даражасини бериш бўйича диссертация иши мазмуни ва сифатига қўйиладиган мезонлар ва талаблар ҳамда халқаро таълим стандартлари даражасида олий таълим муассасаларида магистрлар тайёрлаш тартибини белгилайди.

I боб.Умумий қоидалар

1. Магистратурага қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

2. Тегишли мутахассисликлар бўйича магистрларни тайёрлаш кадрлар буюртмачиларининг таклифлари асосида, давлат аккредитациясидан ўтган олий таълим муассасаларида амалга оширилади.

3. Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида 2 йил давом этадиган олий таълимдир.

Магистратура таълим дастурини тугатган битирувчиларга якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра таълим йўналишининг аниқ мутахассислиги бўйича «магистр» академик даражаси тўғрисидаги давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом берилади.

Магистратура талабаларининг (бундан буён матнда талаба деб юритилади) якуний давлат аттестацияси Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1963, 2009 йил 5 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 23-сон, 267-модда) асосида амалга оширилади.

4. Таянч олий таълим муассасаларида магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачиларининг (бундан буён матнда буюртмачилар деб юритилади) таклифлари асосида илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ҳамда ишлаб чиқаришга йўналтирилган дастурлар бўйича мақсадли магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

5. Олий таълим муассасалари барча бўлинмаларининг магистрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш магистратура бўлими томонидан кафедра ва деканатлар билан бирга амалга оширилади.

6. Магистратурада иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот шартнома (тўлов-контракт) асосида олинади.

**II боб. Магистрларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий талаблар**

7. Магистрларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги

қарорига мувофиқ, шунингдек аниқ мутахассислик бўйича магистрларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган малака талаблари ушбу қарорга асосан олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартларида белгиланади.

8. Магистр:

танланган мутахассислик бўйича мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир фаолиятини юритиш;

тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича олий таълимдан кейин катта илмий ходим изланувчилар институтида таҳсил олиш;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

9. Магистр ўзининг мутахассислиги, илмий-фаолият ва илмий-педагогик тайёргарлигига мувофиқ касбий фаолиятининг:

лойиҳа-конструкторлик;

лойиҳа-технологик;

илмий тадқиқот ва тажриба;

ишлаб чиқариш бошқаруви;

илмий-педагогик;

илмий-ижодий турлари, шунингдек бакалавриат таълим йўналишига мос бошқа мутахассисликлари бўйича ҳам шуғулланиши мумкин.

**III боб. Магистратура таълим дастури ҳамда ўқув жараёнини ташкил этилиши**

10. Магистратура таълим дастурларига нисбатан қўйиладиган умумий талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шунингдек аниқ мутахассислик бўйича магистратура таълим дастурларига нисбатан қўйиладиган талаблар ушбу қарорга асосан олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартларида белгиланади.

11. Магистратурада ўқув жараёни тегишли таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган ҳамда Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) томонидан тасдиқланган мутахассисликлар бўйича Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари (бундан буён матнда Давлат таълим стандартлари деб юритилади) ва ўқув режалари асосида ташкил этилади.

Танлов фанлари магистрлик диссертацияларининг (бундан буён матнда диссертация деб юритилади) мавзуларидан ёки буюртмачилар томонидан мутахассис кадрларга қўйиладиган талаблар асосида белгиланган тартибда ўқув режага киритилади.

12. Айрим мутахассисликлар бўйича ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ва магистратурада таҳсил олиш муддатларини (3 йиллиги) инобатга олиб, магистратурада ўқиш даврининг умумий ҳажми (назарий таълим, аттестация, амалиёт, таътил ва илмий фаолият тақсимоти)га Вазирлик билан келишилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

13. Талабаларнинг мустақил иши ўқув режасидаги муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, билимларни мустақил ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш ва замонавий ахборот манбаларидан самарали фойдаланишга йўналтирилади.

14. Магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этишга қуйидаги талаблар қўйилади:

давлат таълим стандартлари талаблари даражасида назарий ва амалий таълим, лаборатория машғулотлари, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда диссертацияларни тайёрлаш учун зарурий ўқув-услубий ва моддий-техник базанинг мавжудлиги;

ташкилотларда давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларига мувофиқ талабаларнинг амалиётларини ўтказиш учун олий таъ-

лим муассасаси, факультет ёки кафедралар билан ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг мавжудлиги;

магистрлар тайёрлаш жараёнига юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчиларнинг жалб этилиши.

15. Магистратурада талабанинг мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган намунавий шаклдаги шахсий календарь иш режаси (бундан буён матнда иш режа деб юритилади) асосида таълим олишига магистратура бўлими бошлиғи, тегишли факультет декани ва кафедра мудири ҳамда илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) масъул ҳисобланади.

Иш режа ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, диссертацияни тайёрлаш, педагогик ва малакавий амалиёт фаолиятига оид таркибий қисмлардан иборат бўлади.

Айрим мутахассисликлар бўйича ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ва магистратурада таҳсил олиш муддатларини (3 йиллиги) инобатга олиб иш режага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

16. Илмий раҳбар билан биргаликда ишлаб чиқилган ва тегишли кафедрада тасдиқланган иш режа магистратура бўлими тавсияси асосида олий таълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича проректори томонидан тасдиқланади.

17. Талаба иш режанинг бажарилиши бўйича ҳар ойда кафедра йиғилишида расмий ҳисобот беради. Бунда талабалар ҳисоботини эшитиш жадвали тегишли кафедра томонидан ишлаб чиқилади ва магистратура бўлими билан келишган ҳолда тегишли факультет декани томонидан тасдиқланади.

Кафедра мудири талабаларнинг фанларни ўзлаштириши, уларнинг илмий-тадқиқот ишлари ҳолати бўйича ҳар семестрда 1 марта тегишли факультет Илмий кенгаши (ўқув-услубий кенгаш)га ҳисобот бериши лозим.

Талаба илмий раҳбари иштирокида семестрлар якунида тегишли факультет Илмий кенгаши (ўқув-услубий кенгаш) ва магистратура бўлимига диссертациянинг бажарилиш ҳолати, илмий, услубий мақолалар тайёрланиши, ўтказилган ижодий ишлар ва бошқалар ҳақида ёзма ҳисобот тақдим этади.

18. Талаба томонидан иш режасини тизимли равишда бузилиши ва талаба айби билан диссертациянинг ўз вақтида бажарилмаслиги ҳолатларида илмий раҳбар талабага илмий раҳбарлик қилишдан воз кечиши ва уни дастлабки ҳимояга тавсия этмаслиги мумкин.

**IV боб. Талабаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

19. Талабалар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таълим, фан, маданият, техника, иқтисодиёт, ижтимоий ёки бошқа соҳаларнинг замонавий тараққиёти даражасига мос келувчи билимларни олиш;

олий таълим муассасасининг муҳим масалаларини муҳокама этиш ва ҳал қилишда бевосита иштирок этиш;

ахборот-ресурс марказидаги ахборот ресурслари, ўқув, илмий, тиббий ва бошқа турдаги хизматлардан олий таълим муассасасининг уставида белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

илмий-тадқиқот ишларида, конференция ва симпозиумларда иштирок этиш;

ўз илмий-тадқиқот ишларини нашрга тақдим этиш;

олий таълим муассасаси раҳбариятининг қарорларидан норози бўлган тақдирда, уларнинг устидан шикоят қилиш;

талабалар учун белгиланган тартиб ва миқдордаги стипендия, шунингдек Давлат стипендиялари ҳамда ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар томонидан тайинлаган стипендияларни олиш.

Талаба қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

20. Талабаларнинг мажбуриятлари:

олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режада назарда тутилган билимларни эгаллаш;

ўқув режада назарда тутилган топшириқларнинг барча турларини, шунингдек диссертацияни белгиланган муддатда бажариш;

олий таълим муассасасининг Устави, ички тартиб қоидалари ва талабалар турар жойлари қоидаларига риоя этиш.

Талаба зиммасида қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## V боб. Диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилишга қўйиладиган талаблар

### 1-§. Диссертация мавзуларини тасдиқлаш ва илмий раҳбарларни тайинлаш

21. Диссертация талабанинг таълим дастурларини ўзлаштиришни якунловчи ва ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси ҳисобланади.

22. Диссертацияларнинг намунавий мавзулари кафедраларнинг етакчи профессор - ўқитувчилари томонидан (ташкилотларнинг ўз ечимини кутаётган ва истиқболли масалаларини ҳисобга олган ҳолда) ўқув йили бошланишигача шакллантирилади ва зарурият бўлганда буюртмачилар билан келишилган ҳолда, олий таълим муассасасининг илмий ишлар бўйича проректори томонидан тасдиқланади.

Диссертацияларнинг мавзулари олий таълим муассасасида шартнома ва лойиҳалар бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг бир қисми бўйича ҳам шакллантирилиши мумкин.

Диссертация мавзуси долзарб илмий-тадқиқот масалаларига ёки аниқ амалий вазифани ечишга бағишланган, шунингдек мутахассисликка мос бўлиши лозим.

23. Диссертацияга илмий раҳбарлик олий таълим муассасаси профессори, фан доктори, доценти ёки фан номзоди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказлар олимлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилари томонидан амалга оширилади.

24. Диссертация мавзуси ва диссертацияга илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) талабанинг диссертация мавзусини тасдиқлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш тўғрисидаги аризаси ҳамда тегишли кафедра тақдимномасининг факультет Илмий кенгаши (ўқув-услубий кенгаши) томонидан кўриб чиқилиши натижасига кўра 1-ўқув йилининг октябрь-ноябрь ойларида олий таълим муассасасининг ректори буйруги билан расмийлаштирилади.

25. Диссертацияга талаба ўқиётган олий таълим муассасасидан бошқа ташкилотлардан илмий раҳбар тайинланган ҳолда, кафедра аъзоларидан бири кафедра мудири томонидан мазкур талабага илмий маслаҳатчи этиб тайинланади.

Илмий маслаҳатчи диссертацияни белгиланган талаблар бўйича бажарилиши учун илмий раҳбар билан бир хилда масъул ҳисобланади.

26. Битта профессор ёки фан доктори бештагача, шунингдек битта доцент, фан номзоди, мутахассис ёки амалиётчи учтагача диссертацияга раҳбарлик қилиши мумкин.

27.Диссертацияларнинг мавзулари тасдиқлангандан ва илмий раҳбарлар тайинлангандан сўнг 1 ой муддатда улар ҳақидаги маълумот талабалар фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда диссертация мавзулари қисқача мақсади ва вазифалари кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади.

28. Илмий раҳбар вазифаларига қуйидагилар киради:

талабанинг иш режасини тузишда унга ёрдам бериш;

талабага тизимли равишда маслаҳатлар бериб бориш учун тегишли жадвални тузиш. Бунда илмий раҳбар талабага ҳафтасига камида 1 марта маслаҳат бериши кўзда тутилиши лозим;

тадқиқот услубларини танлаш ва уларни қўллашда талабага кўмаклашиш;

талаба томонидан иш режани бажарилишини назорат қилиш ва талабани баҳолаб бориш;

дастлабки ҳимоя санасидан камида 3 кун олдин диссертацияга ёзма тақриз бериш.

29. Диссертация мавзуси ва илмий раҳбарнинг ўзгартирилиши талабанинг уларни ўзгартириш сабаблари асослантирилган ёзма аризаси асосида олий таълим муассасасининг ўқув-услубий кенгаши қарори билан амалга оширилади ва олий таълим муассасасининг ректори буйруғи билан янги диссертация мавзуси ва илмий раҳбар тайинланади.

Диссертация мавзусини ўзгартиришда илмий раҳбарнинг розилиги ҳисобга олинади.

Ўзгартирилган диссертация мавзуси ва илмий раҳбар тўғрисидаги маълумот 1 ҳафта муддатда талабалар фамилияси, исми, шарифи ҳамда диссертация мавзулари қисқача

мақсади ва вазифалари кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади.

**2-§. Диссертациянинг таркиби ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар**

30. Диссертация қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак:

титул варақ;

икки тилдаги (ўқитиш тили ва инглиз тилида) диссертациянинг қисқача аннотацияси;

мундарижа;

кириш;

асосий қисм;

хулоса;

фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

иловалар (агар мавжуд бўлса).

Диссертациянинг титул варағи, аннотацияси, мундарижаси ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг намунавий шакли мазкур Низомнинг 2-5-иловаларида келтирилган.

31. Диссертациянинг кириш қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;

тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши;

тадқиқот мақсади ва вазифалари;

тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;

мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили;

тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи;

тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;

тадқиқотнинг илмий янгилиги;

диссертация таркибининг қисқача тавсифи.

32. Асосий қисм камида 3 бобдан иборат бўлиб, бунда тадқиқот масалалари тўлиқ ёритилиши лозим.

Асосий қисмнинг боблари ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиб бўлиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

тадқиқот мавзуси бўйича бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлилини;

талаба томонидан олиб борилган таҳлилий ишларнинг тавсифи, тадқиқот олиб боришда қўлланилган услублар ҳамда тадқиқот воситаларининг баёнини;

диссертацияда талабанинг таълим, фан, маданият, техника, иқтисодиёт, ижтимоий ёки бошқа соҳаларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қўшган шахсий ҳиссасини;

тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамасини.

*33. Диссертациянинг хулоса қисмида* барча қисмларда баён этилган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот муаммосининг ечими кўрсатилиши лозим. Ушбу қисм 4 бетдан ошмаслиги керак.

34. Диссертациянинг илова қисмига унинг мазмун моҳиятини тушуниш учун зарур бўлмаган, қўшимча сифатида қаралувчи маълумотлар киритилади. Бунда илованинг ҳажми диссертация умумий ҳажмининг 1/3 қисмидан ошмаслиги лозим.

35. Диссертацияда талабалар профессионал этика қоидаларини бузилишига (плагиат, маълумотларни сохталаштириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) йўл қўймасликлари лозим.

36. Диссертация қоида тариқасида, стандарт варақда 1,5 қатор оралигида ёзилиши лозим, ҳар бир бет ҳошияси: юқоридан, пастдан ва ўнгдан 2 см, чапдан 3 см бўлиши, хатбоши беш ёки олти белгига тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

Диссертация матнини компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтида ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

37. Диссертациянинг ҳажми титул варақ, мундарижа, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 80 бетдан ошмаслиги лозим.

38. Диссертация талаба ўқиган тилда (кафедра ёки магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ чет тилда ҳам) ёзилиши мумкин. Чет тилда бажарилган диссертацияга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда дастлабки ва расмий ҳимоялар таржима билан ўтказилади.

39. Магистратура мутахассислиги хусусиятидан келиб чиққан ҳолда диссертация

таркибий қисмларининг мазмуни ва ҳажми ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши мумкин.

**3-§. Диссертацияни дастлабки ва расмий ҳимоя қилиш**

40. Диссертация расмий ҳимоя санасидан камида 1 ой олдин дастлабки ҳимоядан ўтказилиши лозим.

Талабалар кафедра томонидан тузилган комиссия ва илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) иштирокида дастлабки ҳимоядан ўтади.

41. Дастлабки ҳимояга киргунга қадар талаба диссертация мавзусига доир камида 2 та илмий мақола ёки тезисга, ички ва ташқи ҳамда илмий раҳбар тақризига эга бўлиши талаб этилади.

Талабаларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ изланиш натижалари илмий нашрларда ва таълим муассасаларининг расмий сайтларида чоп этилиши мумкин.

Дастлабки ҳимояга бошқа кафедралар ва олий таълим муассасаларидан мутахассисларни таклиф этиш мумкин. Дастлабки ҳимоя натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

42. Ички ва ташқи тақризчиларни олий таълим муассасасининг тегишли кафедраси тавсия этади ва уларнинг рўйхати олий таълим муассасасининг илмий ишлар бўйича проректори томонидан тасдиқланади.

43. Тақризчилар вазифаларига қуйидагилар киради:

тақриз ёзиш учун унга тақдим этилган диссертацияда профессионал этика қоидаларининг бузилиш ҳолатларини (плагиат, маълумотларни сохталаштириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) аниқлаш ва диссертациянинг долзарблиги, илмийлиги ва якунланганлиги ҳақида хулосалар бериш;

белгиланган дастлабки ҳимоя санасидан камида 3 кун олдин диссертацияга ёзма тақриз бериш.

44. Тақризчи диссертацияда талаба томонидан профессионал этика қоидалари бузилганлигини (плагиат, маълумотларни сохталаштириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) аниқлаган тақдирда, мазкур қоида бузилишларини қисқа муддатда тузатиш имконияти мавжуд бўлмаса, мазкур диссертацияни дастлабки ҳимояга тавсия этмаслик ҳақида тақриз беради.

45. Талаба томонидан диссертация дастлабки ҳимоя санасигача қадар кафедрага босма муқоваланган ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши лозим.

46. Дастлабки ҳимоядан ўтмаган, шунингдек узрсиз сабабларга кўра расмий ҳимояга тақдим этиш муддати ва тартиби бузилган диссертациялар расмий ҳимоя қилишга рухсат этилмайди. Бунда узрли сабаблар деб талабанинг касаллиги (касаллик варақаси мавжуд бўлган ҳолда) ёки ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга мувофиқ олий таълим муассасасига келиш имконияти чекланган ҳолатлар тушунилади.

47. Дастлабки ҳимоядан кейин 1 ҳафта муддатда ҳимоядан ўтган диссертациянинг талаба фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда илмий раҳбари, мутахассислиги кўрсатилган ҳолда аннотацияси олий таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади. Диссертациянинг аннотацияси танланган мавзунинг долзарблигини, тадқиқотнинг мақсади ва вазифасини, объекти ва предметини ҳамда тадқиқот босқичларининг қисқача тавсифи ва методологик асосларини ўз ичига олиши керак. Аннотация ҳажми 200 сўздан ошмаслиги лозим.

48. Диссертацияларнинг расмий ҳимоя санаси олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан тасдиқланган жадвалга мувофиқ белгиланади.

49. Диссертация расмий ҳимояга тақдим этилганидан кейин унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга рухсат этилмайди.

50. Таркиби тасарруфида олий таълим муассасаси бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан келишилган ҳолда магистратура мутахассисликлари бўйича шакллантириладиган ва Вазирлик томонидан тасдиқланадиган Магистрлик диссертацияларни ҳимоя қилиш комиссиялар томонидан (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) диссертациянинг расмий ҳимояси ўтказилади.

Расмий ҳимоя натижалари Комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

51. Диссертациянинг расмий ҳимояси қуйидагиларни ўз ичига олади:

талабанинг тақдимотини;

талабанинг Комиссия аъзоларини саволларига берган жавобларини;

Комиссия аъзоларининг диссертация бўйича шарҳларини;

Комиссия аъзолари томонидан диссертацияга берилган тавсия ва эътирозларга талабанинг билдирган фикрларини.

52. Талабанинг диссертация тақдимоти 20 дақиқадан ошмаган ҳолда электрон шаклдаги материаллар билан бойитилиши лозим.

53. Талабанинг диссертация тақдимотида қуйидаги масалалар ёритиб берилиши лозим:

диссертация мавзусининг долзарблиги;

диссертациянинг мақсад ва вазифалари;

диссертация таркиби;

тадқиқотнинг назарий пойдевори, яъни манбаларни танқидий кўриб чиқиш натижасида ҳосил бўлган ва диссертациянинг асосий қисмини ташкил этувчи тизимлаштирилган назарий билимлар;

тадқиқотнинг методологик асосининг тавсифи;

тадқиқот олиб борилишига доир фаразлар ва чекловчи шарт-шароитлар;

талаба томонидан диссертацияни бажариш давомида олинган асосий натижалар ва уларнинг диссертация мавзусига тўғри келиши, ишончлилиги ва қўлланилиш соҳаси;

талаба томонидан олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти;

тадқиқот натижаларини ривожлантириш истиқболлари.

54. Талабадан тақдимотда ўрганилган муаммога тегишли масалаларни илгари суриш ва уларни ҳал этиш, умумий тенденциялар ва муайян ҳолатларни тизимли равишда ўрганиш, ҳодисаларни тадқиқ этиш, таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг методик услубларини билиши ва қўллай олишини намоён этиши талаб этилади.

55. Расмий ҳимояда Комиссиянинг ҳар бир аъзоси талабани қуйидаги мезонлар асосида баҳолайди:

диссертация мавзусининг долзарблиги, ундаги масалаларнинг аниқлиги ҳамда уларнинг мавзуга алоқадорлиги;

диссертация мавзусини очиб беришда ҳамда ундаги масалаларни ҳал қилишда талабанинг мустақил ёндашуви;

диссертацияни ёритишда фойдаланилган илмий адабиётлар, илмий нашрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек чет тилдаги манбаларни танқидий таҳлилининг тўлиқлиги ва чуқурлиги;

диссертациянинг мақсади, ундаги масалалар ва фаразларни шакллантиришда назарий ёндашувларнинг ишлатилиш даражаси;

диссертациядаги масалаларни ҳал қилишда сифат ва миқдорий тадқиқот усулларидан фойдаланишнинг асосланганлиги ҳамда фойдаланилган тадқиқот усуллари имкониятлари ва чегараларининг танқидий таҳлили;

талаба томонидан йиғилган ва шакллантирилган бирламчи ҳамда иккиламчи маълумотларнинг ҳажми ва янгилик даражаси, уларнинг диссертациядаги масалаларга мослигининг асосланиши, уларни тўплаш усулларининг танқидий таҳлили;

талаба томонидан тўпланган ва шакллантирилган маълумотлар асосида олинган натижаларнинг диссертацияга мослиги, ишончлилиги ва қўлланилиш соҳаларининг мавжудлиги;

олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларни диссертациянинг назарий қисмига алоқадорлиги ҳамда мақсад ва вазифаларига мослиги;

диссертациянинг илмий янгилик даражаси ва унинг натижаларини маҳаллий ҳамда халқаро амалиётдаги аҳамияти;

тадқиқот натижаларини ривожлантириш истиқболларини талабанинг моҳиятан тушуниб етганлиги;

диссертация ёзилишида назарий ва амалий қисмларининг ўзаро мантиқий боғлиқлиги ва тизимлилиги.

Расмий ҳимояда Комиссия аъзолари томонидан талабанинг илмий мунозара олиб бориши ҳамда аудитория билан ишлаш маданияти даражаси ҳам ҳисобга олинади.

56. Илмий раҳбар ва тақризчиларнинг тақризларидаги, шунингдек Комиссия ҳар бир аъзосининг юқорида қайд этилган мезонларга кўра қўйган баҳолари умумлаштирилган ҳолда диссертацияга якуний баҳо қўйилади.

талабанинг тақдимотини;

талабанинг Комиссия аъзоларини саволларига берган жавобларини;

Комиссия аъзоларининг диссертация бўйича шарҳларини;

Комиссия аъзолари томонидан диссертацияга берилган тавсия ва эътирозларга талабанинг билдирган фикрларини.

52. Талабанинг диссертация тақдимоти 20 дақиқадан ошмаган ҳолда электрон шаклдаги материаллар билан бойитилиши лозим.

53. Талабанинг диссертация тақдимотида қуйидаги масалалар ёритиб берилиши лозим:

диссертация мавзусининг долзарблиги;

диссертациянинг мақсад ва вазифалари;

диссертация таркиби;

тадқиқотнинг назарий пойдевори, яъни манбаларни танқидий кўриб чиқиш натижасида ҳосил бўлган ва диссертациянинг асосий қисмини ташкил этувчи тизимлаштирилган назарий билимлар;

тадқиқотнинг методологик асосининг тавсифи;

тадқиқот олиб борилишига доир фаразлар ва чекловчи шарт-шароитлар;

талаба томонидан диссертацияни бажариш давомида олинган асосий натижалар ва уларнинг диссертация мавзусига тўғри келиши, ишончлилиги ва қўлланилиш соҳаси;

талаба томонидан олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти;

тадқиқот натижаларини ривожлантириш истиқболлари.

54. Талабадан тақдимотда ўрганилган муаммога тегишли масалаларни илгари суриш ва уларни ҳал этиш, умумий тенденциялар ва муайян ҳолатларни тизимли равишда ўрганиш, ҳодисаларни тадқиқ этиш, таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг методик услубларини билиши ва қўллай олишини намоён этиши талаб этилади.

55. Расмий ҳимояда Комиссиянинг ҳар бир аъзоси талабани қуйидаги мезонлар асосида баҳолайди:

диссертация мавзусининг долзарблиги, ундаги масалаларнинг аниқлиги ҳамда уларнинг мавзуга алоқадорлиги;

диссертация мавзусини очиб беришда ҳамда ундаги масалаларни ҳал қилишда талабанинг мустақил ёндашуви;

диссертацияни ёритишда фойдаланилган илмий адабиётлар, илмий нашрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек чет тилдаги манбаларни танқидий таҳлилининг тўлиқлиги ва чуқурлиги;

диссертациянинг мақсади, ундаги масалалар ва фаразларни шакллантиришда назарий ёндашувларнинг ишлатилиш даражаси;

диссертациядаги масалаларни ҳал қилишда сифат ва миқдорий тадқиқот усулларидан фойдаланишнинг асосланганлиги ҳамда фойдаланилган тадқиқот усуллари имкониятлари ва чегараларининг танқидий таҳлили;

талаба томонидан йиғилган ва шакллантирилган бирламчи ҳамда иккиламчи маълумотларнинг ҳажми ва янгилик даражаси, уларнинг диссертациядаги масалаларга мослигининг асосланиши, уларни тўплаш усулларининг танқидий таҳлили;

талаба томонидан тўпланган ва шакллантирилган маълумотлар асосида олинган натижаларнинг диссертацияга мослиги, ишончлилиги ва қўлланилиш соҳаларининг мавжудлиги;

олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларни диссертациянинг назарий қисмига алоқадорлиги ҳамда мақсад ва вазифаларига мослиги;

диссертациянинг илмий янгилик даражаси ва унинг натижаларини маҳаллий ҳамда халқаро амалиётдаги аҳамияти;

тадқиқот натижаларини ривожлантириш истиқболларини талабанинг моҳиятан тушуниб етганлиги;

диссертация ёзилишида назарий ва амалий қисмларининг ўзаро мантиқий боғлиқлиги ва тизимлилиги.

Расмий ҳимояда Комиссия аъзолари томонидан талабанинг илмий мунозара олиб бориши ҳамда аудитория билан ишлаш маданияти даражаси ҳам ҳисобга олинади.

56. Илмий раҳбар ва тақризчиларнинг тақризларидаги, шунингдек Комиссия ҳар бир аъзосининг юқорида қайд этилган мезонларга кўра қўйган баҳолари умумлаштирилган ҳолда диссертацияга якуний баҳо қўйилади.

57. Диссертация расмий ҳимояга қўйилмаган ёки унга қониқарсиз баҳо қўйилган тақдирда талаба уни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш тартиб қоидаларига риоя қилган ҳолда кейинги 3 ўқув йили давомида қайта ҳимоя қилиши мумкин. Ушбу муддат ўтгандан сўнг диссертацияни ҳимоя қилишга рухсат берилмайди.

58. Расмий ҳимоядан ўтмаган диссертация масаласи илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) иштирокида олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилади. Бунда олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши диссертацияни ҳимоядан ўтмаганлигига илмий раҳбарнинг узрсиз сабабларга кўра қилган камчилиги ёки масъулиятсизлиги оқибатида йўл қўйилган деб қарор қилган тақдирда, ушбу илмий раҳбар диссертацияларга илмий раҳбарлик қилиш ҳуқуқидан кейинги 3 йилгача бўлган муддатга маҳрум этилиши мумкин.

59. Расмий ҳимоядан ўтган диссертациялар олий таълим муассасасида камида 10 йил сақланиши лозим.

## VI боб. Талаба фаолиятининг самарадорлиги мониторинги

60. Талабалар тайёрлаш сифатини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ белгиланади.

61. Вазирлик тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан ҳамкорликда ҳар ўқув йилининг апрель-май ойларида талабалар фаолиятининг самарадорлиги мониторингини (бундан буён матнда Мониторинг деб юритилади) олиб боради.

62. Мониторинг жараёнида талабалар фаолияти қуйидаги мезонлар асосида таҳлил этилади:

а) магистратуранинг 1-курсида:

иш режанинг мавжудлиги ва унинг расмийлаштирилиши;

иш режасидаги топшириқларнинг муддатида бажарилганлиги;

талабанинг битта илмий мақола ёки тезис чоп этганлиги;

талабанинг илмий семинарларда иштирок этиши;

талабанинг фанларни ўзлаштириш даражаси.

б) магистратуранинг 2-курсида:

иш режасидаги топшириқларнинг муддатида бажарилганлиги;

магистратурада ўқиш муддати давомида камида 2 та илмий мақола ёки тезис чоп этганлиги;

диссертацияларнинг дастлабки ҳимояси ўтказилган тақдирда диссертациянинг дастлабки ҳимоядан муваффақиятли ўтганлиги;

ўқув режасидаги барча фанларни ўзлаштирганлиги.

63. Айрим мутахассисликлар бўйича ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ва магистратурада таҳсил олиш муддатларини (3 йиллиги) инобатга олиб ушбу мезонларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мониторингни ўтказиш жараёнида талабалар билан суҳбат ўтказилиб, тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилади.

64. Мониторинг натижалари олий таълим муассасаси ёки тегишли факультет ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқилади ва тегишли чора-тадбирлар белгиланади ҳамда ушбу ўқув-услубий кенгаш тавсиясига мувофиқ талабанинг иш режасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бунда ўқув-услубий кенгаш тавсиясига мувофиқ талабанинг иш режасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш магистратуранинг 2-курс, шунингдек магистратурада таҳсил олиш муддати 3 йил бўлган ҳолатларда 3-курс талабаларига татбиқ этилмайди.

65. Мониторинг натижалари олий таълим муассасалари бўйича умумлаштирилган ҳолда Вазирликда муҳокама этилади.

## VII боб. Якуний қоидалар

66. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

67. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш

вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси билан келишилган.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Б. ИСМАИЛОВ**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси Г. БАХАДИРОВ**
**Халқ таълими вазири Т. ШИРИНОВ**
**Соғлиқни сақлаш вазири А. АЛИМОВ**
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З. РУЗИЕВ**
**Маданият ва спорт ишлари вазири Т. ҚУЗИЕВ**
**Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари**
**Давлат қўмитаси раиси Х. МИРЗАХИДОВ**
**«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК раиси О. РАМАТОВ**
**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**
**Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А. НУРИТДИНОВ**
**Ташқи ишлар вазири А. КАМИЛОВ**
**«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК бош директори Қ. САНАҚУЛОВ**

Магистратура тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА
«НАМУНА»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Магистратура бўлими бошлиғи «_____»
«_____»____________20 й.

__________________________________нинг
(талабанинг Ф.И.О.)
__________________________________ мутахассислиги бўйича
20__–20__ ўқув йилларига мўлжаллаган

## ШАХСИЙ КАЛЕНДАРЬ ИШ РЕЖАСИ

Мазкур иш режа ____________________ кафедрасининг 20___ йил «_____» _______даги ____-сон йиғилишида муҳокама қилинди.

Кафедра мудири: ____________ ____________
(Ф.И.О.) (имзо)

Режа билан таништирилди:
Магистратура талабаси ____________ ____________
(Ф.И.О.) (имзо)

Илмий раҳбар: ____________ ____________
(Ф.И.О.) (имзо)

Иш режадаги «Талабанинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, диссертацияни тайёрлаш, педагогик ва малакавий амалиёт фаолияти бўйича календарь иш режаси» магистратура талабасининг бутун магистратурада ўқиши давомидаги фаолиятини ташкил этиш учун мўлжалланган бўлиб, у магистратура талабасини қуйидаги йўналишлар бўйича мажбурий фаолияти ва уларни бажарилиш муддатларини белгилаб беради:
ўқув ва ўқув-услубий ишлар;
илмий-тадқиқот ишлари;
илмий-педагогик ишлар;
малакавий амалиёт фаолияти.
«Магистрлик диссертациясини бажаришнинг календарь режаси» магистрлик диссертациясини магистратурада ўқиш давомида тайёрлашга мўлжалланган ишлар кетма-кетлиги ва уларнинг таркибини белгилайди. Режада қайд этиладиган ишларни талаба илмий раҳбар билан келишган ҳолда тайёрлаши ва баён этиши керак.

Магистратура тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА
«НАМУНА»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Магистратура бўлими бошлиғи «_____»
«____»__________20 й.

______________________________нинг
(талабанинг Ф.И.О.)
___________________________ мутахассислиги бўйича
20__–20__ ўқув йилларига мўлжаллаган

ШАХСИЙ КАЛЕНДАРЬ ИШ РЕЖАСИ

Мазкур иш режа _______________ кафедрасининг 20___ йил «____»_______даги ____-сон йиғилишида муҳокама қилинди.

Кафедра мудири: _______________ _______________
(Ф.И.О.) (имзо)

Режа билан таништирилди:
Магистратура талабаси _______________ _______________
(Ф.И.О.) (имзо)

Илмий раҳбар: _______________ _______________
(Ф.И.О.) (имзо)

Иш режадаги «Талабанинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, диссертацияни тайёрлаш, педагогик ва малакавий амалиёт фаолияти бўйича календарь иш режаси» магистратура талабасининг бутун магистратурада ўқиши давомидаги фаолиятини ташкил этиш учун мўлжалланган бўлиб, у магистратура талабасини қуйидаги йўналишлар бўйича мажбурий фаолияти ва уларни бажарилиш муддатларини белгилаб беради:

ўқув ва ўқув-услубий ишлар;
илмий-тадқиқот ишлари;
илмий-педагогик ишлар;
малакавий амалиёт фаолияти.

«Магистрлик диссертациясини бажаришнинг календарь режаси» магистрлик диссертациясини магистратурада ўқиш давомида тайёрлашга мўлжалланган ишлар кетма-кетлиги ва уларнинг таркибини белгилайди. Режада қайд этиладиган ишларни талаба илмий раҳбар билан келишган ҳолда тайёрлаши ва баён этиши керак.

## I боб. Талабанинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, педагогик ва малакавий амалиёт фаолияти бўйича календарь иш режаси

### 1. Ўқув ва ўқув-услубий ишлар

| № | *Чора-тадбир номи* | *Бажарилиш муддати* | *Изоҳ* |
|---|---|---|---|
| 1. | Назарий таълим | 1—3-семестрлар | 1—3-семестрлар ҳафтасига ___ соатдан |
| 2. | Мустақил таълим учун ўқув топшириқларини бажарилиши | Ўқув даври мобайнида | Ҳар бир фаннинг ўқув режасига мувофиқ |
| 3. | Ўқув фанларидан реферат, маърузалар тайёрлаш | 1—3-семестрлар | Ҳар бир фаннинг ўқув режасига мувофиқ |
| 4. | Мутахассислик фанлар бўйича:<br>— Ўқув топшириқларни тўплами | 3-семестр охиригача | Аниқ бир ўқув фани бўйича |
| | — Масала ва топшириқлар тўплами | | Аниқ бир ўқув фани бўйича |
| | — Кейслар ишлаб чиқиш | | Шартнома тузилган ташкилотлар материаллари асосида |
| 5. | Давлат аттестациясидан ўтиш | 4-семестр тугаганидан сўнг | Ўқув жараёни жадвали асосида |

### 2. Илмий-тадқиқот ишлари

| Т/р | Чора-тадбир номи | Бажарилиш муддати | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1. | Диссертациясини танлаш ва мавзусини тасдиқлатиш | 1 семестр бошида | Илмий раҳбар маслаҳати бўйича |
| 2. | Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича мақолаларни тайёрлаш ва нашр этиш | Ўқув даври мобайнида (дастлабки ҳимояга киргунга қадар) | 2 та мақоладан кам эмас (тезис) |
| 3. | Амалиётга боғлиқ муаммоларни ўрганиб, уларни илмий ҳал қилиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш | 1—3 семестр | |
| 4. | Танланган тадқиқот мавзуси бўйича илмий-тадқиқот, тажриба синов ишларини ўтказиш | Ўқув даври мобайнида | Тадқиқот дастурига мувофиқ |
| 5. | Магистрлик диссертациясини тугаллаш | 4 семестр охирида | |
| 6. | Магистрлик диссертациясини ҳимоялаш | 4 семестр охирида | Ўқув жараёни ўқув графиги бўйича |
| 7. | Кафедранинг илмий ва инновация тадқиқотлари ва хўжалик шартнома ишларида иштирок этиш | Ўқув даври мобайнида | Илмий раҳбар маслаҳати бўйича |
| 8. | Талабалар ва ёш олимлар илмий конференцияларида иштирок этиш | Ўқув даври мобайнида | Илмий маъруза ёки мақола билан |
| 9. | Талабалар фан олимпиадаларида иштирок этиш | Ўқув даври мобайнида | Илмий раҳбар тавсияси асосида |
| 10. | Илмий тўгарак ва семинар ишларида фаол иштирок этиш | Ўқув даври мобайнида | Тадқиқот мавзуси бўйича |

### 3. Илмий-педагогик ишлар

| № | Чора-тадбир номи | Бажарилиш муддати | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1. | Кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларининг ўқув машғулотларига қатнашиш | 1—3 семестр | Ўқув машғулотлари бакалавриат (коллеж, лицей) да илмий раҳбар маслаҳати ва кафедранинг қарори бўйича ўтказилади. |
| 2. | Академик гуруҳларда машғулотлар ўтказиш (илмий раҳбар ёки етакчи профессор-ўқитувчилар иштирокида) | | |
| 3. | Фанлар бўйича педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва ўқув-услубий тўпламларни тайёрлашда иштирок этиш | 2-3 семестр | Аниқ ўқув фани бўйича |
| 4. | Бакалавриат талабалари билан ўқув-маслаҳат ва тарбиявий ишларни ўтказиш | 1—3 семестр | Факультет деканати тавсияси асосида |

### 4. Малакавий амалиёт фаолияти

| № | Чора-тадбир номи | Бажарилиш муддати | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1. | Илмий-тадқиқот ва малакавий амалиёт фаолиятини ўтказиш учун ташкилот (корхона, бўлинма) билан шартнома тузиш. (Шартномани тузишда олий таълим муассасаси раҳбарияти ва илмий раҳбар магистратура талабасига амалий ёрдам кўрсатади) | Магистратурага қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ расмийлаштирил-гандан сўнг 1 ой мобайнида | Магистратура талабаси бутун ўқув даври мобайнида илмий-тадқиқот ва амалий фаолиятини бевосита шартнома тузилган ташкилот (корхона, бўлинма) билан алоқада амалга оширади |
| 2. | Шартнома тузилган ташкилотда малакавий амалиёт ўтиш | 4 семестр | Ўқув режа асосида |
| 3. | Тадқиқот мавзуси бўйича тақдимотни тайёрлаш | 4 семестр, малакавий амалиёт тугаганидан сўнг | Амалиёт раҳбари иштирокида, график бўйича |

## II боб. Магистрлик диссертациясини бажаришнинг календарь режаси

| № | Иш босқичлари ва тадбирларнинг асосий мазмуни | Бажариш муддати | Натижалар: бажарил-ганлиги бўйича |
|---|---|---|---|
| | **1. Тадқиқот ўтказишга тайёргарлик** | | |
| 1. | Тадқиқот объекти ва мавзусини аниқлаш | | |
| 2. | Тадқиқот мавзусини танлаш | | |
| 3. | Танланган мавзу бўйича библиография ва ахборот ресурслар, кутубхона фондлари ва электрон ресурслари билан танишиш. Библиографик рўйхат тузиш. | | |
| 4. | Кафедрада мавзуни тасдиқлатиш | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5. | Ахборот манбалари ва ҳужжатларини (адабиёт ва электрон ресурслар) чуқур ўрганиш<br>Библиографик рўйхатга қўшимча адабиётларни киритиш<br>Конспект, аннотация ва тақризларни тайёрлаш<br>**Библиографик таҳлилни тузиш.**<br>Тадқиқот учун зарур бўлган усул ва йўналишлар рўйхатини тузиш<br>Келтирилган усул ва йўналишларни ўрганиб чиқиш, улардан асосий ва ёрдамчиларини шахсий тадқиқот ўтказиш учун танлаш | | |
| 6. | Илмий-тадқиқот муаммосини шакллантириш ва тавсифлаш<br>Тадқиқот жараёнида жавоблар олинадиган саволларни тузиш | | |
| 7. | Тадқиқот долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятга эгалигини асослаш.<br>Тадқиқот мавзуси бўйича мавжуд вазиятлар классификацияси ва нуқтаи назарлар қиёсий таҳлилини амалга ошириш. Хулосаларда муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий (назарий) жиҳатдан янгилик аломатлари, тадқиқот мавзусини долзарблигини акс эттириш<br>Замонавий ҳолатдаги масалалар таҳлилини амалда кўриш.<br>Хулосаларда амалий (қўшимча) жиҳатдан янгилик аломатлари, тадқиқот мавзусининг долзарблигини акс эттириш | | |
| 8. | Тадқиқот объектининг фарқловчи хусусиятларини аниқлаш ва шакллантириш | | |
| 9. | Ишчи гипотезани суриш ва шакллантириш | | |
| 10. | Ҳал бўлиши керак бўлган топшириқларни шакллантириш ва мақсадни, ҳамда жавоб олиши керак бўлган тадқиқот саволларини аниқлаш. | | |
| 11. | Тадқиқот ҳажми, назарий ва тажрибавий материалларни танлаш тамойил (принципи)ни аниқлаш | | |
| 12. | Терминологияни аниқлаш. Қўлланиладиган терминлар (атамалар) картотекасини очиш, карточкаларга уларнинг мазмунини киритиб бориш | | |
| | **II. Илмий-тадқиқот ишларни режалаштириш** | | |
| 1. | Тадқиқот календарь (дастур) режасини тузиш<br>Тадқиқот босқичларини кетма-кетлигини ва бажарилиш муддатини, ҳамда унинг айрим босқичлари ва масалаларини аниқлаш.<br>**Тушунтириш хатини тайёрлаш.** | | |
| 2. | Магистрлик диссертациясининг структура-мантиқий схемасини тузиш | | |
| | **III. Тадқиқотни амалга ошириш: материаллар йиғиш (ёки тажриба синовлар ўтказиш)** | | |
| 1. | Мақсад, масалалар ва гипотезага мувофиқ тадқиқот усулини танлаш ва асосламоқ (процедура услуби, усули, асбоблари) | | |
| 2. | Тадқиқот терминологиясини аниқлаш: асосий тушунчаларни аниқланишини таҳлил этиш, солиштириш, классификациялаш, умумлаштириш ва бошқалар орқали терминологияга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш<br>Натижаларни қайд қилиш ва расмийлаштириш. | | |
| 3. | Танланган илмий услубларни қўллаб, таклиф этилаётган, олға сурилаётган гипотезани исботлайдиган, янги илмий ахборотни тадқиқот ўтказиш асосида олиш:<br>Тажриба синовларни ўтказиш. Олинган маълумотларни дастлабки тизимлаштиришини ўтказиш<br>Тажриба синов материалларини йиғиш<br>Маълумотларни умумлаштириш, мавжуд маълумотлар билан солиштириш, таҳлил қилиш ва интерпертациясини ўтказиш, улар қандай маъно беришини аниқлаш | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4. | Олинган маълумот (натижалар)ни янгилик, объективлик ва шубҳасизлик, ишончлилик ва бутунлик (тўлиқлик) талабларига жавоб беришини текшириш. (Бунда математик статистика усулларини қўллаш) | | |
| 5. | Маълумот ва натижалар таҳлили тугалланган деган қарорга келиш:<br>а) Асосий иш қисмини тугаган деб билиш;<br>б) Маълумотларни қўшимча йиғиш ва танлаб олиш (саралаш) | | |
| 6. | Диссертациянинг асосий қисмини ёзиш | | |
| 7. | Ҳар бир иш қисмини (бўлимини) тугаллангани ва бутун иш ҳажмидаги ишончлилик далилларини қайта текшириш. | | |
| 8. | Хулосалар ва таклифларни шакллантириш:<br>а) қўйилган муаммонинг мавжудлиги ва ечимини изоҳлаш;<br>б) натижаларнинг амалий аҳамияти ва олинган натижалардан фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш | | |
| 9. | Хулоса ёзиш | | |
| 10. | Олға сурилган гипотезани олинган хулосалар билан солиштириш | | |
| 11. | Мақсад таърифланиши, асосий масалалар ва уларни хулосаларга мослигини аниқлаш | | |
| 12. | Диссертация ишига кириш қисмини ёзиш | | |
| | **IV. Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини расмийлаштириш** | | |
| 1. | Иш текстини дастлабки вариантини тайёрлаш | | |
| 2. | Ишни илмий раҳбарга тақдим этиш | | |
| 3. | Илмий раҳбарнинг ўзгартиришларини фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб ишни қайта кўриб чиқиш ҳамда ишга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш | | |
| 4. | Диссертацияни талабга мувофиқ расмийлаштириш | | |
| | **V. Илмий-тадқиқот ишининг натижаларини ҳимояга тақдим этиш** | | |
| 1. | Диссертацияга аннотация тайёрлаш | | |
| 2. | Диссертацияга 2 та (ички ва ташқи) тақриз олиш | | |
| 3. | Диссертацияга илмий раҳбарнинг тақризини олиш | | |
| 4. | Кафедра мудиридан диссертацияни ҳимоя қилишга рухсат олиш | | |
| 5. | Кўпи билан 20 дақиқалик маъруза ва тақдимот материалларини (слайдлар) тайёрлаш | | |
| 6. | Диссертация ишини дастлабки ҳимоясини кафедра(лар)дан (ишлаб чиқариш корхона-ташкилотдан) ўтиш | | |
| 7. | Дастлабки ҳимояда берилган таклиф ва тавсияларнинг зарур қисмларини диссертация ишига киритиш | | |
| 8. | Расмий ҳимоя учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва топшириш | | |

Ушбу иш режа шакли олий таълим муассасаси (факультет)нинг ўқув-услубий кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва 20___ йил _____________да _____-сон маъқулланган.

Магистратура тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА
«НАМУНА»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

| | |
|---|---|
| Факультет ________________ | Магистратура талабаси____________ |
| Кафедра _________________ | Илмий раҳбар __________________ |
| Ўқув йили ________________ | Мутахассислиги _________________ |

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ**

— мавзунинг долзарблиги;
— ишнинг мақсади ва вазифалари;
— тадқиқот объекти ва предмети;
— тадқиқот *услубияти ва услублари;*
— тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси;
— тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи;
— иш тузилиши ва таркиби;
— бажарилган ишнинг асосий натижалари;
— хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.

___________________________________________________________

Илмий раҳбар ____________________
(имзо)

Магистратура талабаси ____________________
(имзо)

Магистратура тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА
«НАМУНА»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

УМАРОВ РАСУЛ ТЕМУРОВИЧ

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш даврида ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш йўллари (Westone Asiya мисолида)

5А340404 - Халқаро бизнес
Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
и.ф.н. Юнусходжаев А.

Магистратура тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА
«НАМУНА»

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| | **Кириш** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 3 |
| **I боб.** | **Ташкилот ташқи иқтисодий фаолиятининг назарий асослари** . . . . . . . . . . . . | 8 |
| **1.** | Ташкилотнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва унинг турлари. . . . . . . . . . . . . . | 8 |
| **2.** | Ташкилотнинг хорижий бозорларга кириш ва у ердаги маркетинг стратегиялари . . . . . . . . . | 15 |
| **3.** | Ташкилотнинг маркетинг хизматини ташкил этиш тамойиллари... . . . . . . . . . | 26 |
| | **I боб бўйича хулоса** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | |
| **II боб.** | **«WESTONE AZIYA» МЧЖ фаолиятининг таҳлили** .. . . . . . . . . . . . . . . | 36 |
| **1.** | «Westone Aziya» ташкилот фаолияти, таркибий тузилиши ва бошқарув тизими | 36 |
| **2.** | «Westone Aziya» ташкилотнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили | 40 |
| **3.** | «Westone Aziya» ташкилотнинг ташқи иқтисодий ва маркетинг фаолияти . . . . . . | 49 |
| | **II боб бўйича хулоса** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | |
| **III боб.** | **Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш даврида «WESTONE AZIYA» МЧЖнинг ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш йўллари** . . . . . . . . . . . . | 60 |
| **1.** | Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш орқали ташкилотларни ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 60 |
| **2.** | «Westone Aziya» ташкилот фаолиятини такомиллаштириш йўллари. . . . . . . . . . | 68 |
| | **III боб бўйича хулоса** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 74 |
| | **Хулоса** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 78 |
| | **Илова** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 84 |
| | **Адабиётлар рўйхати** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 90 |

Магистратура тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

IV. Асосий адабиётлар

V. Қўшимча адабиётлар

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

VII. Интернет сайтлари

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати боблар бўйича келтирилади ва ундаги келтирилган манбалар бобдан бобга ўтишда кетма-кетлигини йўқотмаган ҳолда рақамланади.

**Адабиётлар қуйидаги тарзда расмийлаштирилади:**

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. 11 декабрь 2003 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги «2005-2006-йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-29-сонли Қарори.

**Дарслик ва ўқув қўлланмалар:**

Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2010. -604 б.

**Илмий журналлардаги мақолалар:**

Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизмати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 57-58.

**Интернет сайтлари қуйидаги тартибда келтирилади:**

http://www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).

## 2.5. ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШЛАРИ (МУТАХАССИСЛИКЛАРИ) БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ

### 2.5.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 март "Намунавий фан дастурларини тасдиқлаш ҳамда ўқув адабиётларини чоп этишга рухсат бериш тўғрисида"ги 82-сонли

### БУЙРУҒИ

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2013 йил 7 мартдаги йиғилишининг 1-сонли баёнига мувофиқ олий таълим тизимини намунавий фан дастурлари, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимини ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Олтита билим соҳасини қамраб олган Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори 2012 йилдан

бошлаб жорий этилганлиги эътироф этилсин.

2. Ҳаракатдаги Классификаторга асосланган ҳолда Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тузилмаси, Ўқув-услубий бирлашмалар ва Ўқув-услубий комиссияларнинг низомлари ва шахсий таркибига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар 1-, 2- ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3.Олий таълим тизими учун яратилган намунавий фан дастурлари рўйхати 4-илова, олий таълим тизими учун яратилган ўқув адабиётлари рўйхати 5-илова, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими учун яратилган ўқув адабиётлари рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг Ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялари томонидан ижобий хулоса олинган ўқув адабиётлари (5- ва 6-илова)га вазирликнинг нашр рухсатномаси ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиб, муаллифларга тақдим этилсин.

5. Олий таълим муассасалари ректорларига:

20 кун муддатда Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамаси учун тақдим этилган ўқув адабиёти ва меъёрий ҳужжатга профессор-ўқитувчи томонидан берилган хулосани йиллик юкламада инобатга олиниши ёки рағбатлантирилиши бўйича таклифлар киритилсин;

яратилган ўқув адабиётлари ва меъёрий ҳужжатларни олий таълим муассасасининг Илмий кенгашида муҳокама қилинишидан аввал жиддий тақриздан ўтказилиши ва чуқур таҳлил этилишини назоратга олиш белгилаб қўйилсин.

6. Мувофиқлаштирувчи кенгаш раёсати, Ўқув-услубий бирлашма ва Ўқув-услубий комиссиялар раисларига:

20 кун муддатда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишларини қамраб олувчи таълим йўналишлари гуруҳларидан ташкил топган Ўқув-услубий бирлашмаларнинг янги таркибини шакиллантириш ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

кўриб чиқиладиган ҳужжатлар, уларга бериладиган хулоса ҳамда тақризларга жиддий эътиборни кучайтириш, бу борада экспертлар масъулиятини янада ошириш вазифалари юклатилсин.

7. Вазирликнинг 2008 йил 20 мартдаги 76-сонли буйруғи 1-иловасининг 16-, 17- ва 18-бандлари, 2-, 3-иловаси, 2012 йил 26 декабрдаги 507-сон буйруқнинг 1-иловаси ҳамда ушбу буйруқ асосида расмийлаштирилган 507-065-сонли ўқув адабиётининг нашр рухсатномаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ишлар бошқармаси (А.Арзиматов) мазкур буйруқни ўрнатилган тартибда жойларга етказилишини таъминласин.

9. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2013 йил 13 мартдаги 82-сонли буйруғига
1-илова

**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш**
**ТАРКИБИ**

| Т/р | Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолияти | Фамилияси исми, шарифи | МК даги вазифалари | Лавозими |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Мувофиқлаштирувчи кенгаш | Б.Ю.Ходиев | МК раиси | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири |
| 2. | Дарслик ва ўқув қўлланмаларини чоп этишга рухсат олиш бўйича | Р.Ражаббаев<br>А.Авлиякулов | МК раиси ўринбосари<br>Модераторлар | Вазирнинг биринчи ўринбосари<br>ОЎМКҲТРМ директори ўринбосари ЎМКҲТМ бўлим бошлиғи |
| 3. | Узлуксиз таълимнинг илм-фан билан интеграциялашуви | Ш.Ш.Қаюмов<br>Р.Қ.Мусурмонов<br>Г.Ф.Голева | МК раиси ўринбосари<br>Модераторлар | Вазир ўринбосари<br>ОТВ ИТ бошқармаси бошлиғи<br>ЎМКХТМ бош мутахассиси |
| 4. | Таълим хизматлари соҳасини кенгайтириш | М.М.Иноятов<br>Т. Дадаев<br>У. Хидиров | МК раиси ўринбосари<br>Модераторлар | Вазир ўринбосари<br>ОЎМКҲТРМ Илмий котиби<br>ЎМКҲТМ бошқарма бошлиғи |
| 5. | Таълимнинг янги йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга рухсат бериш, ҳамда услубий хужжатларини такомиллаштириш | И.Маджидов<br>Ш.Джураев<br>З.Худойбердиев | МК раиси ўринбосари<br>Модераторлар | ОТМ ББ бошлиғи<br>ОЎМКҲТРМ директор ўринбосари<br>ЎМКҲТМ директор ўринбосари |
| 6. | Миллий гоя, ижтимоий-гуманитар соҳа | А.Т.Собиров<br>М.Тожиев<br>Ш.Жумаев | МК раиси ўринбосари<br>Модераторлар | ЎЭЯТМБМММ директори<br>ОЎМКҲТРМ бўлим бошлиғи<br>ЎМКХТМ бўлим бошлиғи |
| 7. | Давлат таълим стандартлари бўйича | Ғ.Мухамедов<br>А.Умаров<br>Р.Рустамов | МК раиси ўринбосари<br>Модераторлар | ЎзМУ ректори<br>ОЎМКҲТРМ бўлим бошлиғи в.в.б.<br>ЎМКҲТМ бошқарма бошлиги ўринбосари |
| 8. | Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш | У.Бегимкулов<br>С.Тошпўлатов<br>И.Алқаров | МК раиси ўринбосари<br>Модераторлар | БИММ директори<br>ЎМКҲТКМО ва ҚТИ ректори<br>ОЎМКҲТРМ бўлим бошлиғи |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9. | **Янги тиндаги таълим муассасаларини ташкил этиш** | **Н.Й.Тураев**<br><br>**М.Комилов**<br>**А.Мавлянов**<br>**У.Худойбердиев** | **МК раиси ўринбосари**<br>**Модераторлар** | Ўз ФА Илмий-ўкув маркази директори<br><br>ОЎМТВ МАТБ бошлиғи<br>ОЎМКҲТРМ бўлим бошлиғи<br>ЎМКҲТМ бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| 10. | **Мувофиқлаштирувчи кенгаш котибияти** | **Д.У.Қўчқаров** | **Масъул котиб** | ОЎМКҲТРМ бўлим бошлиғи ўринбосари |
| 11. | **Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ҳуқуқий масалалари бўйича маслаҳатчиси** | **Б.Қодиров** | | ОЎМТВ моддий-техника таъминоти бўлими бош мутахассиси |
| 12. | **Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва фан дастурлари эталонларини сақлаш бўйича масъул** | **Ш.Далиев** | | ОТМ ББ бош мутахассиси |

**Ўқув – услубий бирлашмалар**

| Т/р | Ўқув – услубий бирлашма номи | Фамилияси исми, шарифи | МК даги вазифалари | Лавозими |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Педагогика** | Д.Эргашев<br>Ш.Қурбонов | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ТДПУ ректори в.в.б.<br>Тошкент педагогика коллежи директори |
| 2. | **Ижтимоий соҳа ва гуманитар фанлар** | А.Маннонов | Бирлашма раиси | ТДШИ ректори |
| 3. | **Математика ва табиий фанлар** | А.Умаров | Бирлашма раиси | ЎзМУ проректори |
| 4. | **Санъат** | Б.Сайфуллаев<br>М.Шонасиров | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ЎзСМИ ректори<br>А.А.Хўжаев номли Республика дизайн коллежи директори |
| 5. | **Иқтисод** | А. Вахобов<br>А.Махмудов | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ТИДУ ректори<br>Тошкент банк коллежи директори |
| 6. | **Ҳуқуқ** | О.Мухаммаджонов<br>Н.Темирова | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ТДЮИ ректори<br>Тошкент юридик коллежи директори |
| 7. | **Муҳандислик иши ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги** | А.Адилходжаев<br>Ж.Қулмухамедов | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ТДТУ ректори<br>Тошкент автомобил йўллар КҲК директори |
| 8. | **Ишлаб чиқаришлар технологияси ва атроф-муҳит муҳофазаси** | С.Туробжонов<br>Е.Давлетов | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ТКТИ ректори<br>Тошкент гидрометеорология касб-ҳунар коллежи директори |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9. | **Архитектура ва қурилиш** | Т.Низамов<br>А.Санаев | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ТАҚИ ректори<br>Хамза қурилиш КҲК директори |
| 10. | **Ахборот хавфсизлиги, компьютер технологиялари ва информатика** | Х.А.Мухитдинов<br><br>С.Ю.Юсупов<br>О.О.Зарипов<br>Ғ.У.Жураев<br>А.Х.Махмудов<br>А.Шин | Бирлашма раиси<br>Бирлашма аъзолари<br><br><br><br><br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ТАТУ ректори<br><br>ТАТУ профессори<br>ТДТУ доценти<br>ЎзМУ доценти<br>РТАТМ катта ўқитувчиси<br>Тошкент АТ КҲК директори |
| 11. | **Қишлоқ, ўрмон, балиқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш** | Ш.Нурматов<br>И.Нуритов | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ТДАУ ректори<br>Кибрай к/х КҲК директори |
| 12. | **Ветеринария** | Т.Останақулов<br>Ш.Чориев | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | СамҚХИ ректори<br>Кенсой к/х КҲК директори |
| 13. | **Ирригация ва мелиорация** | Ў.Умурзоқов<br>И.Маматов | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ТИМИ ректори в.в.б.<br>Мархамат сув хўжалиги КҲК директори |
| 14. | **Соглиқни сақлаш** | Б.Даминов<br>Л.Ю.Юсупова | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ТПТИ ректори<br>П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи директори |
| 15. | **Хизмат кўрсатиш (сервис) соҳаси** | Ғ.Кудратов<br>Ф.Мамасаидов | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | СамИСИ ректори<br>Тошкент Радиотехника КҲК директори |
| 16. | **Транспорт** | М.Арипджанов<br>Р.Хикматов | Бирлашма раиси<br>ЎМКҲТ бўйича раис ўринбосари | ТАЙИ ректори<br>Шайхонтохур транспорт касб-ҳунар коллежи директори |
| 17. | **Электрон ўқув адабиётлар** | М.Омонбоев | Бирлашма раиси | ТМЭТЖЭМ директори |

**Ўқув – услубий комиссиялар**

| **Т/Р** | **Ўқув – услубий комиссия номи** | **Фамилияси исми, шарифи** | **МК даги вазифалари** | **ОТМ номи лавозими, илмий даражаси (унвон)** |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Олий математика ва физика** | Б.Шоимкулов | Комиссия раиси | ЎзМУ проректори, ф-м.ф.д., проф. |
| 2. | **Кимё ва экология** | Ш.Муталов | Комиссия раиси | ТКТИ проректори, т.ф.н., доц. |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 3. | **Информатика ва ахборот технологиялари** | М.М.Каримов | Комиссия раиси | ТДТУ проректори, т.ф.д., проф. |
| 4. | **Умуммуҳандислик фанлари** | О.Бозоров | Комиссия раиси | ТТЕСИ проректори, ф-м.ф.н., доц. |
| 5. | **Гуманитар фанлар** | Р.Муртазаева | Комиссия раиси | ЎзМУ, т.ф.д., проф. |
| 6. | **Иқтисодий фанлар** | Н.Ҳайдаров | Комиссия раиси | ТМИ проректори, и.ф.д., проф. |
| 7. | **Ижтимоий ва спорт фанлари** | Ш.Исроилов | Комиссия раиси | ЎДЖТИ проректори, п.ф.н., доц. |
| 8. | **Психологик-педагогик фанлар, замонавий педагогик технология ва педагогик маҳорат** | Ф.Юзликаев | Комиссия раиси | ТДПУ п.ф.д., проф |
| 9. | **Она тили ва хорижий тиллар** | Г.Бакиева | Комиссия раиси | ЎзДЖТУ проректори, ф.ф.д., проф. |
| 10. | **Мутахассислик фанлари** | Б.Тулаев | Комиссия раиси | ТДТУ, т.ф.д., проф. |

**Изоҳ:** Мувофиқлаштирувчи кенгаш раёсати, таълим йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалари ҳамда фанлар бўйича Ўқув-услубий комиссиялар раҳбарларининг лавозимлари ўзгарган тақдирда, уларнинг ўрнига тайинланган шахсга ушбу вазифа юклатилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси хизмат сафари ёки бошқа сабабларга кўра иш жойида бўлмаган холатларда, ўз ваколатини вазирнинг биринчи ўринбосари ёки ўринбосарларидан бирига МК йиғилишларига вақтинчалик раислик қилиш ваколати юклатилиши мумкин.

# III БОБ

## 3.1. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ЎҚИШИНИ КЎЧИРИШ, ЧЕТЛАТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ

### 3.1.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ҳукумат қарорини бажариш тўғрисида»ги 1999 йил 11 июлдаги 199-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июн «1999 /2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги 282-сонли қарорини бажариш, шунингдек, республика олий таълим муассасаларида замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини етук педагог кадрлар билан таъминлаш, олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги 282-сонли қарори дастуруламал сифатида ижро учун қабул қилинсин.

2. Кадрлар илм-фан ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш Бош бошқармаси (О.С.Бухоров)га Вазирлар Маҳкамасининг 282-сонли қарори билан тасдиқланган бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналарига мувофиқ, тегишли миқдорда дипломларни чоп этишга буюртмалар бериш ва олий таълим муассасаларини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

3. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Б.Ҳ.Рахимов)га:

3.1. Давлат тест маркази билан ҳамкорликда халқаро журналистика, журналистика, мусиқа таълими, чизмачилик ва тасвирий санъат, жисмоний маданият, санъат ва маданият, меъморчилик, дизайн, испан ва шарқ тиллари, чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия таълим йўналишлари бўйича абитурентларни тест синовлари билан бир қаторда касбий (ижодий) имтиҳонлардан ўтказишни ташкил этиш ҳамда касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказишга оид меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига бир ҳафта муддат ичида таклифлар киритиш топширилсин.

3.2. Бир ҳафта муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида магистратурага қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низом»ни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиққа киритиш вазифаси юклатилсин.

3.3. Бир ҳафта давомида «Олий малакали ҳамширалар тайёрлаш тўғрисида Низом» ва тегишли давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиққа тақдим этиш топширилсин.

4. Илм, фан ва таълимни молиялаштириш Бош бошқармаси (М.Х.Саидов). Таълим тизими маркетинги Бош бошқармаси (Т.М.Мағрупов) билан ҳамкорликда жорий йилнинг 15 июнига қадар, «Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низом»ни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э.З.Имомов)га жорий йилнинг 15 июлига қадар, магистратурага қабул рухсат этилган олий таълим муассасаларини тегишли Давлат таълим стандартлари, Намунавий ўқув режа ва дастурлар билан таъминлаш вазифаси юклатилсин.

6. Таълим тизими маркетинги Бош бошқармаси (Т.М.Мағрупов)га бир ҳафта муддат давомида, Давлат тест маркази ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги бакалавриат ва магистратура бўйича ўринлар квотасини ўқув шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқ учун киритиш топширилсин.

7. Олий таълим муассасалари ректорларига:

7.1. 1998/99 ўқув йили якунида, олий таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш давлат таълим стандартлари бажарилиши ва ўқув муддати тугаши муносабати билан, бакалавр кадрларнинг биринчи чиқишини таъминлаш топширилсин.

7.2. 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб, Вазирлар Маҳкамасининг 282 сонли қарорини 3-иловасида белгиланган олий таълим муассасаларида бакалавриат негизида аниқ мутахассисиликлар бўйича магистратурага қабул ташкил этилсин.

7.3. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилиши белгиланган фанлар бўйича дастурлар ва баҳолаш меъзонлари ишлаб чиқиш ҳамда жорий йилнинг 15 июнига қадар, белгиланган тартибда Вазирликка тақдим этиш топширилсин.

Жорий йилнинг 20 июнига қадар, касбий (ижодий) имтиҳон ўтказилиши белгиланган фан бўйича комиссия таркибини тайинлаш ва унинг раисини белгиланган тартибда Вазирликка тасдиққа тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ҳукумат қарорини бажариш тўғрисида»ги 2004 йил 28 майдаги 146-сонли, 28 май 2004 йилдаги 01-132-сонли

## ҚЎШМА БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги 116-сонли Қарорида белгиланган вазифаларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМИЗ:**

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

1.1. Жорий йилнинг 1 июнига қадар вилоят, шаҳар ва туман Мудофаа бўлимлари билан ҳамкорликда ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшлар ҳақидаги маълумотлар аниқлансин.

1.2. Бир ҳафта муддатда, жойларда ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшлар орасида касбга йўналтириш ишлари амалга оширилсин ва уларнинг қизиқишлари бўйича аниқлаиган маълумотлар асосида, мувофиқ олий таълим муассасаларида бепул махсус тайёрлов курслари ташкил этилсин ҳамда уларнинг фаолият муддати жорий йилнинг 1 июнидан 28 июлгача деб белгилансин.

Касбга йўналтириш ишлари жараёнида ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшларга олий таълим муассасаларига ўқишга киришда ҳукумат томонидан берилган имтиёзлар тушунтирилсин.

Тингловчилар танлаган таълим йўналишлари жойлардаги олий таълим муассасаларида мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, улар танлаган таълим йўналишлари бўйича махсус тайёрлов курсларида ўқитиш ташкил этилсин.

1.3. Махаллий оммавий ахборот воситалари орқали ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшларга, танланган таълим йўналишлари бўйича, тегишли олий таълим муассасаларида ташкил этилган бепул махсус тайёрлов курслар ҳақидаги аниқ маълумотлар етказилсин.

1.4. Махсус тайёрлов курслари тингловчиларини сифатли тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари жалб этилсин.

1.5. Махсус тайёрлов курсларининг дастурлари, таълим йўналишлари бўйича тест синовларида белгиланган фанлар блокларига мувофиқ ишлаб чиқилсин. Мазкур дастурларда шахснинг маънавий-маърифий юксалишига, Ватанга содиқлик ва уни ҳимоя қилиш, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» мавзусида қилган нутқида белгиланган вазифалар, асосий йўиалиш сифатида киритилсин.

Махсус тайёрлов курсларида тингловчиларнинг ҳафталик юкламаси 36 соат миқдорида белгилансин.

1.6. Махсус тайёрлов курсларига ўқишга кирган ва ётоқхонага мухтож бўлган тингловчиларга «Талабалар уйи»дан жой ажратилсин ҳамда тегишли шарт-шароитлар яратилсин.

1.7. Махсус тайёрлов курслари фаолияти билан боглиқ бўлган барча маълумотлар ҳар 10 кунда Олий ўқув юртлари бош бошқармасига тақдим этилсин.

2. Давлат тест маркази (М.Тўхтаев)га:

2.1. Республика олий таълим муассасаларида жорий этилган махсус тайёрлов курслари тингловчиларига тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча тартиб-қоидаларни тушунтириш ишлари ташкил этилсин.

2.2. Махсус тайёрлов курслари дастурларига киритилган ҳар бир фан бўйича тингловчиларнинг тайёргарлик даражаси тест синовлари орқали мунтазам равишда аниқлаб борилсин.

3. Олий ўқув юртлари бош бошқармаси (А.Каримов)га:

3.1. Олий таълим муассасаларида ташкил этилган махсус тайёрлов курслари фаолиятига мунтазам равишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг фаолиятини назорат этиш вазифалари юклатилсин.

3.2. Зарур ҳолларда Вазирлик ходимларини хизмат сафарига жўнатиш бўйича таклифлар киритиш топширилсин.

4. Махсус тайёрлов курслари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратилсин.

5. Ушбу қўшма буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммаларимизда қолдирамиз.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**Рекомендация выдана на основании приказа командира войсковой части 00000 (начальника учреждедения)**

**от « « 20 г. №____** **Рекомендация №**

**от «__» 200_ года**

________________________,19_____ года рождения,

(фамилия, имя, отчество)

проходил военную службу в Вооруженных Силах Республики Узбекистан с ____ г. по______________г

(месяц)

В соответствии с пунктом 3 Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 3 октября 1994 года № 496 «О дополнительных льготах военнослужащим срочной службы и членам их семей» ______________рекомендуется в предоставлении льготных

(фамилия, и.о.)

условий при зачислении в высшие и средние специальные, профессиональные образовательные учреждения.

Командир войсковой части (Начальник учреждения)

Место
Печати______________________________________

(воинское звание, подпись, инициал имени, фамилия)

Примечание: Бланк рекомендации нумеруется и является документом строгой отчетности.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга киришга тайёрланиши учун яратилган шарт-шароитни янада такомиллаштириш ҳақида 2010 йил 5 февралдаги 53 – сонли**

**БУЙРУҒИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-213-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларда ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни бўшатиш тўғрисида»ги ПҚ-1264-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларда ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни бўшатиш тўғрисида»ги ПҚ-1264-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисида»ги Мажлис баёни (07/1-56, 22.01.2010й.) да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

1.1. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни танлаган ихтисосликлари бўйича мамлакат олий таълим муассасаларига ўқишга киришлари учун ҳарбий қисмларда ҳафтасига камида 4 соатлик қўшимча машғулотлар ташкил этилсин.

1.2. Ҳарбий қисмларда ташкил этилган қўшимча машғулотларни олиб бориш учун юқори малакали, кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар жалб этилсин.

1.3. Ўқитилаётган фанларни зарурий услубий қўлланмалар ва дарсликлар билан таъминлансин ҳамда таълим олувчилар билими таълим йўналишиларига мос тест синови фанлари мажмуаси бўйича жадвал асосида назорат килиб борилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар учун бепул асосида ташкил этилган тайёрлов курслари фаолияти такомиллаштирилсин.

Тайёрлов курслари зарурий услубий қўлланмалар ва дарсликлар билан таъминлансин, ўқув машғулотларини олиб бориш учун юқори малакали, кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар жалб этилсин.

Таълим муассасаси сайтида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни мамлакатимизнинг олий таълим муассасаларига ўқишга киришлари учун масофали касбга йўналтириш ва ўкитишга йўналтирилган мақсадли ахборот ресурслари яратилсин.

«ZiyoNET» ахборот таълим тармоғи муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни масофадан касбга йўналтириш, ўкитиш ва услубий тайёрлаш бўйича таълим муассасасига тегишли мақсадли ахборот ресурслари билан мунтазам тўлдирилиб борилсин ва улардан фойдаланиш ишлари ташкил этилсин.

Амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳар чорак биринчи ойининг 5 санасида, март-июль ойлари эса ҳар душанба куни вазирликнинг олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га ҳисобот иловадаги 1-2-жадвалларга мувофиқ тақдим этиб бориш давом эттирилсин.

Ҳарбий қисмларда ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар учун ташкил этилган бепул тайёрлов курсларида дарс берган профессор-ўқитувчилар меҳнатига соатбай ҳак тўлаш таълим муассасаси ўрнатилган тарифларда бюджет харажатлари сметасининг соатбай иш ҳақи жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Олий таълим муассасасидан узоқ ҳудудда (бошқа шаҳар ёки туманда) жойлашган ҳарбий қисмларга бориб дарс берадиган профессор-ўқитувчиларнинг йўл харажатлари ўқув мақсадлари учун ажратилган сафар харажатлари маблағлари ёки бюджетдан ташқари маблагларнинг «Бошқа харажатлар» моддаси ҳисобидан ўрнатилган тартибда қопланиши ташкил этилсин,

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ҳамда ҳарбий хизматдан қайтганларни кутиб олишга бағишланган тадбирларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб олий таълим муассасасида таҳсил олаётган етакчи талабаларнинг иштирокини таъминлаб, уларнинг ҳарбий хизмат давомида орттирган ҳаётий тажрибалари жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани тўғрисида ўз нутқлари билан чиқишлари ташкил этилсин ва мазкур банд бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (ma1b1969@mail.ru)га жорий йил март-июнь ойларининг 20-санасигача ахборот берилсин.

Вазирликнинг Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукхонов)га

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сонли қарори 8-бандига мувофиқ олий таълим муассасаси ва ҳарбий қисмларда ташкил этилган тайёрлов курсларига жалб этилган ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашни олий таълим муассасаси сметасида кўзда тутилган харажатлар доирасида тўланишини ташкил этиш ва назорат этиш вазифаси юклатилсин.

Бошқарма бошлиғи (У.Муҳамедханов)га:

«ZiyoNET» ахборот таълим тармоғига жойлаштирилган таълим муассасаларига

тегишли ахборот ресурсларини мунтазам тўлдириб борилишини ташкил этиш;

Олий таълим муассасаларининг сайтларида ёшлар, жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни олий таълим муассасаларига кириши учун уларни қизиқтирадиган мавзуларнинг акс эттирилганлик ҳолати таҳлил қилиниб, назоратга олинсин.

Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари А.Марахимовга юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 5 февралдаги 53-сонли буйруғига илова

1 -жадвал

## Ҳарбий қисмларда ташкил этилган қўшимча ўқув машғулотлари ҳақида маълумот

| ОТМ номи | Ўқув машғулотлари ташкил этилган ҳарбий қисм рақами | Машғулотга жалб қилинган тингловчилар сони | Ўқитила-ётган фан номи | Ўқув машғулот-ларини ўтказишга жалб этилган профессор-ўқитувчилар сони | Шу жумладан | | Машғулотларни ўтказиш кунлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ф.н., доцент | ф.д., проф | |
| | | | | | | | |

Ректор_____________________________

| ОТМ номи | Ўқув машғулотлари ташкил этилган ҳарбий қисм рақами | Машғулотга жалб қилинган тингловчилар сони | Ўқитила-ётган фан номи | Ўқув машғулот-ларини ўтказишга жалб этилган профессор-ўқитувчилар сони | Шу жумладан | | Машғулотларни ўтказиш кунлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ф.н., доцент | ф.д., проф | |
| | | | | | | | |

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги «Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 118-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**
**2010 йил 22 июндаги 238 - сонли**

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги «Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 118-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

## БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги «Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 118-сонли карори ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирнинг биринчи ўринбосари У.Ташкенбаевга:

«Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги ва «Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомларга мувофиқ қабул жараёнларини ташкил этилиши;

талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштиришда «Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомга катъий риоя этилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

3. Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш бошқармаси (У.Муҳамедханов)га «Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги, «Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги ва «Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомлар вазирлик сайти(еёи.иг)даги «Абитуриент-2010» саҳифасига жойлаштирилсин.

4. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га: талабалар қабули жараёнларини «Олий таълим муассасаларининг

бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги ва «Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомларга мувофиқ ташкил этилишини мувофиқлаштириб бориш;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари таълим йўналишлари рўйхати ва тест синовлари бўйича уларга мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси ҳамда касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган таълим йўналишлари рўйхати ҳақида таклифлар тайёрлаш;

касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар бўйича дастур ва мезонларни тайёрланишини ташкил этиш;

олимпиада фани, танловлар билан олий таълим йўналишлари ўртасидаги касбий мувофиқлик бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

магистратурага қабул бўйича турдош олий таълим йўналишлари рўйхатини тузиш вазифалари топширилсин.

5. Олий таълим муассасалари ректорларига: талабалар қабули жараёнларини «Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги ва «Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомларга мувофиқ ташкил этиш, Низомлар билан қабул комиссиясининг барча аъзоларини таништириш, абитуриентлар ва ота-оналар эътиборига ҳавола этиш учун эълон тахтасига илиб қўйиш;

талабалар ўқишини кўчириш, қайта

тиклаш ва ўқишдан четлаштиришда «Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомга қатъий риоя этиш;

мазкур низомлар билан олий таълим муассасасининг тегишли бўлинмаларини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

Олий таълим муассасасининг қабул бўйича эълонлар тахтаси, маслаҳатлар пункти ва сайтида олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибларига оид барча Низомларни янгилаш ҳамда улардан бекор қилинган Низомларни чиқариб ташланишини таъминлаш бўйича масъулият шахсан ректорлар зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 3.1.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ТАЛАБАЛАР ЎҚИШИНИ КЎЧИРИШ, ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ЎҚИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 195-модда; 2012 й., 22-сон, 254-модда; 2012 й., 28-сон, 320-модда)*

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар ҳамда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ олий таълим муассасаларига қабул қилиш, шунингдек талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидаларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 12 *июлдаги 342-сон қарори* 1-бандининг иккинчи ва учинчи хатбоши ҳамда мазкур қарорга 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 18 июнь, 118-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил
18 июндаги 118-сон қарорига 1-ИЛОВА

## 3.1.3. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БАКАЛАВРИАТИГА ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

## НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом ҳарбий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Олий таълим муассасалари қабулни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида қабул квоталарига мувофиқ амалга оширадилар.

3. Олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб юритилади) томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

Танлов ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари, ўқитиш тиллари ва шаклларига кўра алоҳида ўтказилади.

Тест синовлари, шунингдек уларни ўтказиш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари жойларда тест синовларини ўтказиш учун зарур шароитларни таъминлайдилар.

4. Тест синовлари уч тилда – ўзбек, рус, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасаларида қорақалпоқ тилларида ўтказилади.

Олий таълим муассасасида таълим йўналишлари бўйича ўқитиш тили, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталари доирасида ҳужжатлар қабул қилинишига қадар вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Абитуриент тест синовларини олий таълим муассасасида ўқийдиган тилда топширади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари таълим йўналишлари рўйхати ва тест бўйича уларга мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Абитуриент чет тиллар сифатида инглиз, немис, француз тилларидан бири бўйича тест синови топширади. Абитуриент ўқиган чет тилидан қатъи назар, хоҳлаган (инглиз, немис, француз) чет тилидан тест топшириши мумкин.

Агар умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида инглиз, немис ёки француз тиллари ўтилмасдан бошқа чет тиллари ўқитилган ҳолда, шу чет тилидан

тест синови ўрнига кўп балли тизим бўйича имтиҳон топширилади.

Олий таълимнинг айрим йўналишлари бўйича тест синовлари билан бир қаторда қўшимча касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган таълим йўналишлари рўйхати Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

5. Айрим таълим йўналишлари бўйича ўқитиш тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб бориладиган таълим йўналишларига қабул кўп балли тизим бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар ва тест синовлари асосида амалга оширилади. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган таълим йўналишлари рўйхати Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Ушбу таълим йўналишларига аризалар кўрсатилган тилларда ўрта таълим муассасасини тугатган абитуриентлар ёки кўрсатилган тилларда умумий ўрта таълим муассасасини тугатиб, академик лицей (касб-ҳунар коллежи) дипломига эга бўлган абитуриентлардан қабул қилинади. Касбий (ижодий) имтиҳонлар, кўп балли имтиҳон баҳолари ва Давлат комиссияси тасдиқлаган тест синовлари натижаларининг умумий йиғиндиси шахсан олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланади.

*(5-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 июлдаги 205-сонли қарори таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2012 й., 28-сон, 320-модда)*

6. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида испан, араб, форс, дари, ҳинд, урду, хитой, корейс, уйғур тилини чет тили сифатида ўқиган абитуриентлар мазкур тилдан кўп балли баҳо тизими бўйича имтиҳон топширадилар, қолган фанлар бўйича эса тест синовларидан ўтадилар.

Мазкур қоида роман-герман филологияси (инглиз, немис ва француз филологияси) йўналиши бўйича ўқишга кирадиган абитуриентларга нисбатан қўлланилмайди.

Ушбу фанлар бўйича ягона дастур ва баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади ва олий таълим муассасаларига етказилади.

7. Олий таълим муассасаларида касбий (ижодий) ва кўп балли имтиҳонларни ўтказиш 1 ва 2-иловаларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш 3-иловада белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. Республика тиббиёт олий таълим муассасаларида ташкил этилган 3 йиллик «Олий ҳамширалик иши» таълим йўналишига қабул фақат ўрта махсус, касб-ҳунар тиббий маълумот (ҳамширалик, акушерлик иши ва фельдшерлик) негизида амалга оширилади. Мазкур йўналиш бўйича тест синовлари билан бир қаторда қўшимча касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади.

10. Олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимнинг таълим йўналишларига қабул фақат тегишли ёки турдош таълим йўналишига мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига ҳамда камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган, ишлаб турган соҳадан тавсиянома берилган кадрлар ҳисобидан амалга оширилади.

**II. Хорижий фуқароларни қабул қилиш**

11. Олий таълим муассасаларига хорижий фуқароларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 4 августдаги 169-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

Республика фуқароларини хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга жўнатиш давлатлараро шартномалар ва Давлат комиссиясининг тегишли қарорига, олий таълим муассасалараро шартномаларга ҳамда фуқароларнинг ташаббусига асосан амалга оширилади.

### III. Ҳужжатларни қабул қилиш

12. Олий таълим муассасаларида ўқишга қабулни сифатли ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган тартибда қабул комиссиялари ташкил этилади.

Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан 20 июндан 20 июлгача (шу куни ҳам), Ўзбекистон давлат консерваторияси учун 20 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Абитуриент олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада олий таълим муассасасини тугатганлиги ёки олий маълумоти йўқлиги, қайси чет тилидан тест топшириши, ҳарбий тавсияномага эга бўлганлар унинг рақамини кўрсатишлари ҳамда тест синовларини ўтказиш қоидалари ва жавоблар варақаларини тўғри тўлдириш билан танишганлиги кўрсатилади);

*(12-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 июлдаги 205-сонли қарори таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2012 й., 28-сон, 320-модда)*

ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

086-У – шакл бўйича тиббий маълумотнома;

паспорт (паспорт ёшига етмаганлар учун туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) нинг нусхаси;

3.5 х 4.5 см ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма ва ишлаб турган соҳадан тавсиянома (махсус сиртқи бўлим абитуриентлари учун).

Ариза шакли Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширадилар.

Абитуриент аризасида «ўзим ҳақимда қуйидагиларни маълум қиламан» графасига ҳужжатлар билан тасдиқловчи ҳолатлар (болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, чин етим ва етим, «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари ва боқувчиси йўқ) қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасининг аслини юқорида кўрсатилган ҳужжатлар билан биргаликда тақдим этадилар.

Ҳарбий қисм тавсияномасининг шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади.

Абитуриент томонидан паспорт (паспорт ёшига етмаганлар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Ҳарбий қисмлар қўмондонлиги тавсияномалари улар берилган кундан ҳамда муддатли ҳарбий хизматни тугатган давридан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда олий таълим муассасаси қабул комиссияси абитуриентнинг ҳужжатларини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Ҳужжатлар қабул қилишнинг белгиланган муддатлари тугагандан сўнг ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш қатъиян ман қилинади.

Абитуриент томонидан топширилган ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланса, у ҳолда абитуриент тест синовларидан (олий таълим муассасасидан) четлаштирилади ҳамда ҳужжатлари ўрнатилган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари 21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази орқали Давлат комиссиясига таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда, абитуриентларнинг сони

ҳақида белгиланган шаклдаги маълумотни имтиёзга эга бўлганлар тўғрисидаги маълумотлар билан қўшиб тақдим этадилар.

**IV. Касбий (ижодий) имтиҳонлар**

13. Касбий (ижодий) имтиҳонлар тест синовлари ўтказилишига қадар 11 июлдан 25 июлгача, тест мажмуаларида фаннинг ўрнига қараб унинг учун назарда тутилган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизигача бўлган оралиқда ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича амалга оширилади.

Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари бўйича тушган норозилик (апелляция) аризалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан 26 июлга қадар бўлган муддатда кўриб чиқилади.

жорий йилнинг 25 июлидан 20 августигача Низомга катъий риоя килган ҳолда талабалар ўқишини кўчириш ва тиклаш ҳақидаги вазирлик ваколатида бўлган аризаларни кўриб бориш, таҳлил қилиш ҳамда натижалари тўғрисидаги маълумотларни тегишли олий таълим муассасаларига юбориш вазифалари юклатилсин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари У.Ташкенбаев зиммасига юклансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

1-шакл

**Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоралараро комиссиясига**

**Олий таълим муассасаси доирасида талабалар ўқишини кўчириш (турдош бўлмаган таълим йўналишлари, мутахассисликлари) ҳақида**

## АРИЗА

| Т/р | Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми | Талаба ўқиётган ОТМ, курси, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи | Талаба ўқишини кўчираётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи |
|---|---|---|---|
| | | | |

2-қисм:

Менинг ўқишимни ______________________________________________

______________________________________________________________

______________________________________________________________

__________ сабабига кўра кўчиришга рухсат беришингизни сўрайман.

Илова: 1. Рейтинг дафтари (академик маълумотнома)нинг нусхаси

Фамилияси, имзоси, манзили_______________________________

Мурожат этган сана «____ » 2010 й.

Текширди:
Ҳудудий ишчи гуруҳ масъул ходими имзоси,
Ф.И.Ш.________________________________________________

2-шакл

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига (ёки талабани қабул қилаётган ОТМ бўйсунадиган вазирлиги (идора)га)**

**Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан иккинчисига кўчириш (мос ва турдош таълим йўналишлари, мутахассисликлари) ҳақида**

**АРИЗА**

| Т/р | Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми | Талаба ўқиётган ОТМ, курси, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи | Талаба ўқишини кўчираётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи |
|---|---|---|---|
| | | | |

2-қисм:

Менинг ўқишимни ________________________________________________
______________________________________________________________
______________________________________________________________
__________ сабабига кўра кўчиришга рухсат беришингизни сўрайман.

Илова: 1. Рейтинг дафтари (академик маълумотнома)нинг нусхаси

Фамилияси, имзоси, манзили________________________________________

Мурожаат этган сана «      »            2010 й.

Текширди:
Ҳудудий ишчи гуруҳ масъул ходими имзоси,
Ф.И.Ш.______________________________________________________

3-шакл

**Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идораларaро комиссиясига**

**Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан иккинчисига кўчириш (турдош бўлмаган таълим йўналишлари, мутахассисликлари) ҳақида**

**АРИЗА**

| Т/р | Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми | Талаба ўқиётган ОТМ, курси, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи | Талаба ўқишини кўчираётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи |
|---|---|---|---|
| | | | |

2-қисм:
Менинг ўқишимни ____________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
________________________________________________________ сабабига кўра кўчиришга рухсат беришингизни сурайман.

Илова: 1. Рейтинг дафтари (академик маълумотнома)нинг нусхаси

Фамилияси, имзоси, манзили_______________________________

Мурожаат этган сана «        » 2010 й

Текширди:

Ҳудудий ишчи гуруҳ масъул ходими имзоси
Ф.И.Ш.______________________________________________

4-шакл

**Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комисияси қошидаги талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоралараро комиссиясига**

**Хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабалар ўқишини кўчириш ҳақида**

## АРИЗА

| Т/р | Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми | Талаба ўқиётган давлат, ОТМ, курси, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи | Талаба ўқишини кўчираётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи |
|---|---|---|---|
| | | | |

2-қисм:

Менинг ўқишимни______________________________________________
_______________________________________________________________
_______________________________________________________________
_______________________________________________________________
_______________________________________________________сабабига
кўра кўчиришга рухсат беришингизни сурайман.

Илова: 1. Рейтинг дафтари (академик маълумотнома)нинг нусхаси

Фамилияси, имзоси, манзили ______________________________

Мурожаат этган сана « » 2010 й.

Текширди:

Ҳудудий ишчи гуруҳ масъул ходими имзоси
Ф.И.Ш. _____________________________________________

5-шакл

**Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоралараро комиссиясига**

**Талабалар ўқишини тиклаш ҳақида**

**АРИЗА**

| Т/р | Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми | Талаба ўқиган ОТМ, курси, таълим йўналиши (мутахассислиги), шифри ва номи | Талаба ўқишини тиклаётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи |
|---|---|---|---|
| | | | |

2-қисм:

Менинг ўқишимни ________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________
__________ сабабига кўра қайта тиклашга рухсат беришингизни сурайман.

Илова: 1. Рейтинг дафтари (академик маълумотнома)нинг нусхаси

2. Бола тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси / Қуролли кучларда хизмат қилганлиги ҳақидаги тегишли гувоҳнома нусхаси

Фамилияси, имзоси, манзили

Мурожаат этган сана «     » 2010 й.

Текширди:

Ҳудудий ишчи гуруҳ масъул ходими имзоси, Ф.И.Ш.

**Ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича мурожаат этган талабалар рўйхати**

(1-5-шакллар бўйича)

| № | Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми | Талаба ўқиётган ОТМ, курси, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи | Талаба ўқишини кўчираётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги), шифри ва номи | Талаба ўқишини кўчириш (тиклаш) сабаблари |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |
| 4. | | | | |
| 5. | | | | |

Изоҳ: Мазкур жадвал талабалардан қабул қилинган аризалар бўйича 1-5 шаклларга мувофиқ умумлаштирилади. Ҳар бир шакл бўйича умумлаштирилган жадвал мавжуд бўлиши лозим.

Таълимнинг махсус сиртқи шакли бўйича таҳсил олган талабалардан қабул қилинган аризалар тўғрисидаги умумлаштирилган маълумот алоҳида тақдим этилиши лозим.

## 3.2. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА АКАДЕМИК ТАЪТИЛ БЕРИШ

### 3.2.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Талабаларга академик таътил бериш ва ўқишга тиклашни тартибга солиш тўғрисида»ги 2006 йил 16 майдаги 100-сонли

### БУЙРУҒИ

Олий таълим муассасаларида талабалар контингенти ҳаракатини ўрганиш натижасида турли мақсадларда хорижий сафарларга борувчи талабаларга академик таътиллар берилиши, хорижий таълим муассасаларидан талабалар ўқишини ўрнатилган тартибга зид равишда кўчириш ва тиклаш холатлари мавжудлиги аниқланди. Бундай холатлар таълим сифатини пасайишига олиб келибгина қолмай, таълим муассасаларида ички тартиб-қоидалар ва Низомларнинг барча учун ягона ва мажбурийлик тамойилларига путур етказмоқда.

Талабаларға академик таътил бериш ва хорижий таълим муассасалардан ўқишини кўчириш ва тиклашни тартибга солиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

Талабаларга академик таътил бериш «Олий таълим тўғрисида Низом»га мувофиқ фақат тиббий комиссия кўрсатмасига асосан соғлигини тиклаш учун берилишига қатъий амал қилинсин.

Республика олий таълим муассасалари талабаларини хорижий таълим муассасаларида таълим олган ёки ўқув курсларини ўтгандан сўнг ўқишини кўчириш ва тиклаш «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари талабаларини ўқишини кўчириш, қайта

тиклаш ва ўқишдан четлатиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом»га асосан амалга оширилсин.

1.3. Хорижий таълим муассасаларидаги ўқув даврини ўқишга йўллаган ОТМдаги ўқув даврига тўғридан-тўғри тенглаштириб ўқишга тиклаш ҳолатларига йўл қўйилмасин.

2.Таълим муассасасининг хорижий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик ва талабалар алмашуви шартномалари доирасида ташкил этилган, ўқиш муддати бир семестр давомида 10 ҳафтадан ортмаган ҳамда хорижий таълим дастури ва йўналиши (мутахассислиги) ОТМ таълим дастурларига мос келган ҳолларда жорий ўқув йилида ўқишни давом эттириши идоравий бўйсунувига мувофиқ вазирликлар ва идоралар томонидан ҳал этилиши белгилаб қўйилсин.

3. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га академик таътилларни ўрнатилган тартибда берилиши ва хорижий таълим муассасаларида маълум муддат ўқиб келган (курсларни ўтган) талабалар ўқишини кўчириш ва тиклаш амалиётлари устидан назорат ўрнатиш топширилсин.

4. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 3.3. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИККИИЧИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМНИ ОЛИШ

### 3.3.1.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИНГ
### 2008 йил 13 августдаги 15-сонли
### БАЁНИ
### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИККИНЧИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**(Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 341-модда)**
**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 21 августда 1844-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди]**

**[Кўчирма]**

13. «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисидаги низом» 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Адлия вазирлиги мазкур Низомни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.».

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига
қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг
2008 йил 13 августдаги 15-сонли баёнига 5-илова

### 3.3.2. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисида
### НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига мувофиқ, барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тегишлидир.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) мувофиқ, олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумотга эга бўлган шахслар мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган тартибда иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумотни олиш ҳуқуқига эга.

Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумот бўйича ўқитиш тўлов-контракт (шартнома) асосида амалга оширилади.

Тўлов-контракт асосида ўқиш учун контракт (шартнома)ни тузиш тартиби ва шартлари «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 795, 1999 йил 6 август) билан белгиланади.

2. Олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумотга эга бўлган шахслар қуйидаги иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумотни олишлари мумкин:

-ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли мутахассис даражасига эга бўлган шахслар — ўрта махсус, касб-ҳунар таълим йўналишлари бўйича;

-бакалавр ва дипломли мутахассис даражасига эга бўлган шахслар — бакалавриат таълим йўналишлари бўйича;

-магистр даражасига эга бўлган шахслар — бакалавриат таълим йўналишлари ва турдош магистратура мутахассисликлари бўйича.

Иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш мумкин бўлган турдош магистратура мутахассисликлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

3. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумот олиш бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқига эга таълим муассасалари рўйхати ҳамда олий таълим муассасаларида уларнинг бакалавриат ва магистратурасига қабул кўрсаткичлари реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари учун малакали кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжга ҳамда таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳияти ва моддий-техник базасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумот олиш учун абитуриентлар қабулини таълим муассасаси қабул комиссияси амалга оширади. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълим бўйича қабул кўрсаткичлари таълим муассасаси учун муайян таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича ўрнатилган қабул режасидан (мувофиқ равишда бакалавриат ва магистратура бўйича) ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумот олмоқчи бўлган шахслар таълим муассасасининг қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

таълим муассасаси ректори (директори) номига ариза;

олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумот тўғрисида давлат намунасидаги диплом (асл нусхаси) иловаси билан (хорижий давлатлар таълим муассасаларининг 1992 йил 1 январдан кейин берилган дипломлари ўрнатилган тартибда нострификациядан ўтказилган бўлиши лозим);

3,5 х 4,5 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат;

№ 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат нусхаси.

Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

5. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумот олиш учун ҳужжатлар 20 июлдан 20 августгача қабул қилинади.

6. Таълим муассасасининг қабул комиссияси кирувчиларнинг билим даражасини баҳолаш мақсадида шакли ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишиладиган синовлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

7. Таълим муассасаси қуйидагиларни мустақил ҳал қилади:

- ҳужжатлар қабул қилиш;

- ҳужжатларни қабул қилишда ва улар-

нинг ҳақиқийлигини аниқлашда қабул комиссияси масъулиятини ошириш;

-иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумот олиш бўйича кирувчининг биринчи маълумоти билан таққосланган ҳолда, ўқув режалари ва дастурларидаги фарқларни аниқлаш;

-ўқув режалари ва дастурларидаги аниқланган фарқлар асосида таълим муассасасида ўқитиш курсини белгилаш (биринчи ёки иккинчи курсдан юқори бўлиши мумкин эмас);

-кирувчининг тегишли курсда ўқиш учун ўқув режалари ва дастурларидаги аниқланган фарқларни топшириш тартиби ва муддатларини белгилаш.

8. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумот бўйича ўқишга кирувчиларни талабалар сафига қабул қилиш таълим муассасасининг қабул комиссияси қарорига асосан ўқиш учун контрактда белгиланган маблағ миқдори белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, 15 сентябрдан кечиктирилмай таълим муассасасининг ректори (директори) буйруғи билан расмийлаштирилади.

9. Иккинчи олий маълумот олиш бўйича ўқув жараёни мазкур таълим муассасасида амалда кадрлар тайёрланаётган таълим йўналишлари (мутахассисликлари) ва таълим шакли бўйича, шунингдек, талаба қабул қилинган курсга оид амалдаги норматив-услубий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган қоидалар асосида ташкил этилади.

10. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумот бўйича талабалар сафига қабул қилинган шахслар ўзлаштириши уларнинг билимини назорат қилишнинг рейтинг тизимига асосан баҳоланади.

11. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумотини олган шахсларга, давлат аттестацияси якунлари бўйича, давлат намунасидаги ҳужжат (диплом, илова билан) берилади.

12. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) маълумотини олиш бўйича қабулни ташкил этиш ва амалга ошириш масъулияти таълим муассасасининг ректори (директори) зиммасига юклатилади.

II. Якуний қоидалар

13. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат тест маркази билан келишилган.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**
**Тошкент ш., 2008 йил 19 июль**

**Халқ таълими вазири**
**Тошкент ш., 2008 йил 19 июль**

**Молия вазири**
**Тошкент ш., 2008 йил 20 июль**

**Давлат тест маркази директори**
**Тошкент ш., 2008 йил 19 июль**

### 3.3.3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказининг “Республика олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни ташкил этилишини ўрганиш тўғрисида”ги 2008 йил 29 августдаги 269/01-291-сонли

## ҚЎШМА ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан 2008 йил 13 августдаги 15-сон баён билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 21 август куни 1844-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ ташкил этиш ҳамда ушбу таълимни олаётган талабалар таркибини таҳлил қилиш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМИЗ:**

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

- бир ҳафта муддатда олий таълим муассасасида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олаётган талабалар контингентини барча таълим йўналишлари ва шакллари кесимида таҳлилдан ўтказиш;

- таҳлил натижалари бўйича янги ўқув йили бошланишигача тегишли чоралар кўриш ҳамда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бўйича ўқув жараёнини “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисида Низом” талабларига мувофиқлаштириш;

-иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олаётган талабаларни фақат амалдаги кундузги таълим шаклида ўқитишни таъминлаш вазифалари юклатилсин.

2. Иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олаётган талабалар контингентининг “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисида Низом” талабларига мувофиқ шакллантирилганлигига шахсан ректор масъуллиги таъкидлансин.

3. Олий таълим муассасаларидаги мавжуд махсус сиртқи бўлимларда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бўйича ўқитиш ташкил этилмаслиги белгилаб қўйилсин.

4. Давлат тест маркази директорининг ўринбосари З.Тожихўжаев ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари У.Бегимқуловга жорий йилнинг 15-30 сентябригача бўлган муддатда келишилган жадвал асосида Давлат тест маркази ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакилларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан республика олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш Низом талабларига мувофиқ йўлга қўйилганлигини ўрганишни ташкил этиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қўшма қарор ижросининг назоратини ўз зиммамизда қолдирамиз.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири,**
**Давлат тест маркази директори**

## IV БОБ

## 4.1. ОТМларида ЎҚУВ-ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ. ТАҲСИЛ ОЛИШ МУДДАТЛАРИ

### 4.1.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш маркази тузиш тўғрисида»ги 1998 йил 7 июлдаги 172-сонли

### БУЙРУҒИ

1. Вазирлик қошида Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитишнинг самарадорлигини ошириш бўйича 4 штат бирлиги (бошлиқ, бош илмий ходим, етакчи илмий ходим ва илмий ходим)дан иборат Марказ тузилсин. Марказ таркибига иқтидорли ёш тарихчи олимларни жалб этиш белгилаб қўйилсин.

Марказ қуйидаги асосий йўналишларда фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилсин:

- ўқув юртларининг «Ўзбекистон тарихи» кафедраларида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини Республика Президентининг тарихчи олимлар билан бўлган суҳбатида қўйилган масалалар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш;

«Ўзбекистон тарихи»ни ўқитишда олий ўқув юртларида фойдаланилаётган адабиётларни аниқлаш ва Вазирликка таклифлар тақдим этиб бориш;

Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитишнинг долзарб масалаларига багишланган минтақавий ва республика конференциялари ва семинар-кенгашларини ўтказиб бориш;

- «Ўзбекистон тарихи»ни ўқитиш бўйича ўқув адабиётларини тайёрлаш, уларни ўрнатилган тартиб бўйича экспертиза ва тақриздан ўтказиш, чоп эттириш ва ўқув юртларини таъминлаш;

- ўқув юртларидаги тарихчи профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни назорат қилиш, улар учун Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари бўйича услубий семинар-кенгашларни мунтазам ўтказиб бориш;

- олий ўқув юртларининг «Ўзбекистон тарихи» кафедралари қошидаги мазкур йўналишдаги Марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- ёш ва қобилиятли тарихчи олимларни танлаб топиш, уларнинг хорижий тилларни ўрганишини ташкил этиш, чет мамлакатларга соҳа бўйича хизмат сафарларини режалаштириш;

- ёш (40 ёшгача) тарихчи олимлар ҳақида маълумотлар банки яратиш, уларни тарихимизнинг долзарб масалалари бўйича илмий тадқиқотларга жалб этиш.

**Олий ва ўрта масус талим вазири**

**4.1.2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосий қоидаларини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида» ги 1999 йил 9 июлдаги 230-сонли**

**БУЙРУҒИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июн 296-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосий қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган кўрсатмалар, топшириқлар ва тадбирларни Республика олий ва ўрта махсус таълим тизимида амалга оширишни таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш стратегиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасида белгилаб берилган асосий устувор йўналишларнинг амалга оширилишини таъминлаш олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосий қоидаларини амалга ошириш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Х.С. Кароматов томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар асосида иш олиб борилсин (1-илова).

5. Назорат ва мониторинг бўлими бошлиқлари (О.Абдувахобов, Ш. Шохамидов): чора-тадбирлар асосида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида вазирлик бўйича йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериш юклатилсин.

Ушбу қарор бажарилишини мунтазам равишда вазирлик аппарати йиғилишларида муҳокама қилиш, вазирликнинг ҳайъат йиғилишларида қарор бажарилишининг бориши ҳақида доимий ахборот бериб туриш таъминлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосий қоидаларини амалга ошириш бўйича ушбу қарор билан белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини вазирлик ҳайъат мажлисида ҳар йили 2 марта (ярим йиллик ва йиллик якунлари бўйича) муфассал кўриб чиқилсин.

| Т/р | Қарор банди | Дастурлар номи | Дастурларнинг асосий мазмуни | Ишлаб чиқиш | Ишлаб чиқиш учун масъуллар муддатлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Илова 2,1.1 | Фуқаролар ҳуқуқларини ва эркинлигини ҳимоя қилишни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш | Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг тизимини яратиш | Ҳар чоракда | К.Р.Аллаев<br>Д.Н.Ғаниев<br>Ш.Ш.Шохамидов<br>П.С.Бобомуҳамедов |
| 6. | Илова 2,1.2.4. | Сиёсий ташкилотлар, партиялар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш | Янгича шароитларда сиёсий партиялар фаолият услубларини такомиллаштириш мақсадида «Сиёсий тизимни ислоҳ қилиш шароитларида сиёсий партияларнинг роли», «Сиёсий партиялар ва сайловлар», «Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш амалиёти» мавзуларида мунтазам равишда давра сухбатлари ўтказиш | Доимо | К.Р.Аллаев<br>Д.Н.Ғаниев<br>М.Ф.Лафасов<br>Э.З.Имамов |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 7 | Илова 2, 2.2 | Болалар, ўқувчи ёшлар онгида муқаддас ахлоқий ва маънавий тушунчалар, инсоний ва демократик қадриятларни мустаҳкамлаш | Узлуксиз таълим тизимида « Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» махсус ўқув курсини амалга ошириш. Давлат ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик тамойилини изчил жорий этишга йўналтирилган чора-тадбирлар | Ўқув режалари бўйича | Д.Н.Ғаниев<br>М.Ф.Лафасов<br>Э.З.Имамов |
| 9. | Илова 2,4.2 | Янги поғонадаги дарсликлар, замонавий педагогика ва ахборот технологиялари билан таъминлаш, улар ўз вақтида ишлаб чиқарилиши ва жорий этилиши назорат қилиш | Узлуксиз таълимнинг барча тури учун янги погонадаги ўқув методика комплекслари (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, дидактик материаллар), прогрессив педагогика ва ахборот технологиялари танлов асосида танлаб олинишини таъминлаш | Босқич-ма-бос-қич | Р.Х.Жўраев<br>К.Р.Алласв<br>Э.З.Имамов<br>Х.Ф.Рашидов |
| 10. | Илова 2,4.3. | Юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш чора-тадбирлари | Халқ таълими вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича мақсадли дастурларини амалга ошириш, бунда қуйидаги йўллар назарда тутилади:<br>-базавий университет ва институтлар (Наманган муҳандислик-педагогика институти, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти, Тошкент давлат педагогика университети) га талабалар қабул қилиш ва ўқитиш;<br>-мактаб, ҳунар-техника билим юртлари ва техникумлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш;<br>-олий маълумотга эга бўлган амалиётчи-мутахасисларни қайта тайёрлаш;<br>- “Устоз” жамғармасининг грантлари ва таълим курслари бўйича малака ошириш | Босқич-ма-бос-қич | Р.Х.Жўраев<br>К.Р.Аллаев<br>Э.З.Имамов<br>Т.М.Магрупов<br>Б.Ҳ.Раҳимов<br>Х.Р.Раимов |
| 12 | Илова 3, 1.2.2. | | Демократик оммавий ахборот воситаларини, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда жамият ҳаётини ва давлат қурилишини демократлаштириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаш-тириш муаммолари бўйича мунтазам илмий-амалий ва ўқитиш семинарларини ўтказиш амалиётини ривожлантириш | Мунтазам равишда | Д.Н.Ғаниев<br>М.Ф.Лафасов<br>Ш.О.Бутаев |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 15. | Илова 3,4.1. | | Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш, шу жумладан молиявий ва техникавий кўмаклашишни қуйидагиларга жалб қилган ҳолда: - касб-ҳунар ва техника ўқув юртлари (академик лицейлар ва коллежлар) ни жиҳозлаш, шу жумладан ўқув асбоб ускуналарини ва материаллар (компьютерлар, дастурий таъминот, лаборатория асбоб ускуналари, таълим материаллари) ни маблағ билан таъминлаш, ўрта махсус касб-ҳунар таълимини бошқариш самарадорлигини ва сифатини такомиллаштириш, шу жумладан дастурларни нашр этиш, замонавий шароитларга мансуб предметларни жадал ривожлантириш | Доимо, 1999 йил сентябр охиригача ишлаб чиқиш | Р.Х.Жўраев |

### 4.1.3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ, биринчи сессияси иккинчи йиғилишида сўзлаган нутқи ва Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Иқтисодиётни эркинлаштириш ваислоҳотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз» маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги 2000 йил 17 февралдаги 43-сонли

### БУЙРУҒИ

Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессияси иккинчи йиғилишида сўзлаган нутқида мамлакатимизда барча ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларга раҳбарлик қилаётган шахсларнинг маънавий-ахлоқий ва ишбилармонлик хусусиятларига тўхталиб, улар Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини амалга оширишда ҳақиқий фидоий бўлишлари, халқимизнинг эртанги ҳаётдан кутаётган орзу-умидларини рўёбга чиқаришлари, қуруқ савлат ва баландпарвоз гаплар билан эмас, ўз вазифасини ҳалол меҳнат ва юқори малака билан, виждонан бажаргандагина жамиятда юксак обрў-эътибор қозониши, ҳурматга сазовор бўлишлигини уқтириб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида эса, кичик ва ўрта бизнесни мамлакатимиздаги аҳволи устида тўхталиб, бу соҳада кўп ҳолларда мулкчилик шаклининг ўзгариши расмиятчилик учун бўлаётгани, иш тўғри ташкил этилмагани, раҳбарларда янгича фикрлаш етишмаслиги каби масалаларга эътиборни қаратди.

Шу билан бирга Президент Ислом Каримов ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, эркин тадбиркорликка ғов бўлаётган буйруқбозлик ва сансоларликка барҳам бериш, чет эл сармоясини жалб этишни кўпайтириш, бозор инфратузилмаси институтларининг фаолиятини такомиллаштириш, ўзгариб бораётган бозор муносабатлари

талабларига жавоб берадиган юқори малакали ва юксак маънавиятли мутахассисларни тайёрлаш борасидаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Тараққиёт йўлидан бормоқчи бўлсак, эртанги куннинг заминини бугун яратмоғимиз керак, бунинг учун эса аввало иқтисодни эркинлаштириш зарур, деди Президент Ислом Каримов.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессияси иккинчи йиғилишида сўзлаган нутқи ва Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз» маърузасида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ, биринчи сессияси иккинчи йиғилишида сўзлаган нутқидан ва Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз» маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар дастуриламал сифатида ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирликиинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича 2005 йилгача бўлган тадбирлар режасида кўрсатилган вазифаларни босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ қилиш мониторинги таъминлансин.

4. Илм-фан ва педагог кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси (Х. Раимов, Ш. Бўтаев)га ўн кунлик муддатда:

4.1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш борасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида йўналишлар ва соҳалар бўйича кадрлар малакасини ошириш дастурлари ишлаб чиқилсин.

4.2. Вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган бизнес-мактабларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Низомда кўрсатилган вазифалар қайта таҳлилдан ўтказилиб, уларнинг қаторига эркин тадбиркорликни янада ривожлантиришга омил бўла оладиган вазифалар киритиш ҳақида таклиф тайёрлансин.

Вилоятлар олий ўқув юртлари бизнес-мактабларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича семинарлар ўтказиш режаси тузилсин.

5. Иқтисод, илм-фан ва таълимни молиялаштириш бош бошқармаси (М.Саидов)га икки ҳафталик муддатда:

5.1. Вазирлик тизимида чет эл сармояларини жалб қилишнинг аниқ йўл-йўриқлари ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.

5.2. Олий ўқув юртлари раҳбарлари иштирокида ушбу масалага бағишланган семинар-кенгаш ўтказилсин.

6. Олий ўқув юртлари бош бошқармаси (Б.Раҳимов)га икки ҳафталик муддатда:

2000 ва ундан кейинги йилларда олий ўқув юртларига кира олмаган абитуриентлар учун бандлик масаласини ҳал қилиш бўйича таклиф киритилсин.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ олий ўқув юртларида магистрлар тайёрлаш бўйича кенг қамровли режа ишлаб чиқилсин.

7. Гуманитар таълим ва шахс камолоти бош бошқармаси (Д. Ғаниев) га:

7.1. Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз» мавзусидаги маърузасини ўқув юртларида ўрганиш бўйича махсус курс дастури ишлаб чиқилсин ва ўқув юртларига тарқатилсин.

10. Назорат бўлими (О. Абдувахобов) ва Мониторинг бўлими (Ш. Шоҳамидов)га:

10.1. Ўқув юртларида хукумат қарорлари, вазирлик ҳайъатининг қарорлари ва буйруқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилиши доимо назорат этилсин, ушбу ҳужжатларда белгиланган топшириқларни бажариш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш ташкил қилинсин.

12. Олий ўқув юртлари ректорларига:

12.2. Олий ўқув юртида раҳбар лавозимга тавсия этиладиган кадрлар ўз касбкорининг чинакам устаси, шу ишнинг чинакам билимдони, бу борада бошқаларга ўрнак бўла оладиган, она юртини чин қалбидан севадиган ва унинг тинчлиги тўғрисида до-

имо қайғурадиган, фидоий инсон бўлишига алоҳида эътибор берилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилиши назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус талим вазири**

## 4.1.4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири «Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида»ги 2004 йил 6 февралдаги 1/3-сонли ҚАРОРИ

4. Олий ўкув юртлари бош бошқармаси (Ш.Д.Жонбоев)га:

4.1. Олий техника таълими Концепциясининг лойиҳаси бўйича келиб тушган таклиф-мулоҳазаларни жамлаш, таҳлил этиш ва Концепция лойиҳасига тегишли тузатишлар киритиш топширилсин.

4.2. Концепциянинг якуний таҳририни тасдиққа киритиш ва Вазирлар Маҳкамасига келишув учун тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

5. Кадрлар ва илм-фан бош бошқармаси (Ш.О.Бўтаев)га:

5.1. Техника соҳаларида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқотларини замонавий ва долзарб муаммолар ечимига қаратишни таъминлаш топширилсин.

5.2. Техника ва технология ихтисосликлари бўйича аспирантурага қабул қилиш режаларининг бажарилишини ва диссертациялар ҳимояларини алоҳида назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

5.3. Илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда халқаро ҳамкорлик кучайтирилсин, Россия ва Европада аспирантларни мақсадли тайёрлаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилсин.

6. Ташқи алоқалар бош бошқармаси (Д.Расулев)га:

6.1. Республика олий таълим муассаларига турдош соҳалар бўйича кадрлар тайёрловчи хорижий таълим муассасалари билан алоқа боғлашларига амалий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

6.2. Хорижий таълим муассасалари билан талабалар алмашуви бўйича тузиладиган шартнома ёки битимларда техника йўналиши ва мутахасссисликлари учун квоталарни кўпайтиришни ҳисобга олиш вазифаси юклатилсин.

6.3. Техникага оид Халқаро ва хорижий илмий лойиҳалар ва грантлар бўйича ахборотларни тўплаш ва мунтазам равишда олий таълим муассасаларига етказиш топширилсин.

7. Маркетинг хизмати маркази (А.Маманазаров)га: техника ва технология соҳаларидаги корхоналарнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжлари алоҳида таҳлил этилсин, уларда жаҳон техника ва технология ривожининг 5-10 йиллик истиқболи инобатга олинсин.

8. Иқтисод, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси (В.В.Алехина)га:

8.1. Техника олий таълим муассасаларининг бюджетлари ва сметаларига мувофиқ таълим жараёнини моддий-техника таъминотини (дарсликлар ва бошқа ўкув адабиётлари, лаборатория анжомлари, дарс ўтишнинг техник воситалари, кутубхона жиҳозлари ва ҳужжатлари) кучайтиришга қаратилган харажатларнинг бажарилиши назоратга олинсин.

8.2. Олий таълим муассасаларининг чорак, ярим йиллик ва йиллик молиявий ҳисоботларида актив (дарсликлар яратиш, нашр қилиш, малака ошириш, ўқитишнинг техник воситалари, лаборатория анжомлари ва ускуналари, тарқатма материаллар, дастурлар, компьютер дастурлари, дискеталар) ва пассив (биноларнинг қимматбаҳо ашёлар билан таъмирланиши, мебеллар, гилам-поёндозлар, люстралар, паннолар, юбилейлар, зиёфатлар ва бошқа дабдабали тадбирлар) харажатлар нисбатлари талаб қилинсин ва ҳайъат мажлисига етказилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳукумат мажлисларида сўзлаган нутқларида белгиланган дастурий вазифаларни бажариш тўғрисида »ги 2004 йил 2 мартдаги 48-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2003 йил 11 декабрдаги ҳамда 2004 йил 7 февралдаги ҳукумат мажлисларида сўзлаган нутқларида белгиланган дастурий вазифаларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси раҳбари котибияти мудирининг 2004 йил 23 феврал 07-1-20 сонли топшириқ хатини амалга ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлим бошлиқларига:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳукумат мажлисларида сўзлаган нутқларида кўрсатиб ўтилган камчиликларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиш, ҳайъат мажлислари муҳокамасига пухта тайёрланган ва мавжуд аҳвол танқидий таҳлил этилган долзарб масалалари киритиш ҳамда уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш вазифалари топширилсин.

1.2. Ҳар бир раҳбар ва ходимнинг 2004 йил 1-ярим йиллиги бўйича шахсий иш режаси тузилсин ва бир ҳафта муддатда тасдиққа тақдим этилсин.

1.3. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли қарорининг бажарилишини танқидий таҳлил этиш ва мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг тўла бажарилиши таъминлансин.

1.4. 2004 йилиинг 15 мартига қадар бошқарма ва бўлимларнинг тегишли маълумотлар бўйича архив базаси ташкил этилсин ва уни йилнинг ҳар чорагида янгилаб туриш амалга оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари бош бошқармаси (А.Каримов)га:

2.1. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари касбий малака даражасини аниқловчи ягона кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва унинг асосида ҳар ўқув йили якунида профессор-ўқитувчилар рейтингини холисона аниқлаш ва эълон қилиш, шунингдек, рейтинг натижалари бўйича профессор-ўқитувчиларни табақалаштирилган ҳолда моддий ва маънавий рағбатлантириш тўғрисида зарурий меъёрий ҳужжатлар лойиҳасини топширилсин.

2.2. Бир ой муддатда, ўқув жараёни сифатини мунтазам равишда ошириш учун, ўқув йили давомида олий таълим муассасаларидаги профессор ва доцент илмий унвонларига эга бўлган педагогларнинг очик маърузаларини ўтказиш ташкил этилсин. Очиқ маърузаларни ўтказиш тартиби ишлаб чиқилсин ва олий таълим муассасаларига етказилсин.

2.3. Бир ой муддатда, Давлат тест маркази билан ҳамкорликда олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини оператив ташқи назоратини (давлат аттестациясидан ташқари) ўтказиш ва уни амалга ошириш тартиби, шакли ва жадвалини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

3. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев)га:

3.1. Ишлар бошқармаси (И.Йўлдашев) билан биргаликда 2004 йилнинг 1 мартидан бошлаб, Вазирликнинг бошқарма ва бўлимларига тегишли маълумотларнинг архив базасини яратиш ва уни йилнинг ҳар чорагида янгилаб туриш бўйича ташкилий, техникавий ва услубий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

3.2. Мониторинг бўлими (М.А.Хўжаева) билан биргаликда Вазирликда йиғилган маълумотларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш алгоритми ишлаб чиқилсин.

3.3. Олий таълим тизими маълумотлар базасини ўз таркибига олувчи автоматлаштирилган бошқарув тизимини (АБТ) яратиш

бўйича техникавий топшириқ ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ фаолиятини мувофиқлаштириш ва мазкур гуруҳга амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

4. Мониторинг бўлими (М.Хўжаева)га:

4.1. Вазирлик фаолиятига доир маълумотларнинг электрон базаси яратилсин.

- маълумотлар базасини яратиш ва ундан фойдаланишда қуйидаги босқичлар ҳисобга олинсин:

- маълумотлар базасини яратиш мақсади, юритиш ва фойдаланиш тартибини аниқ белгилаш;

- кўрсаткич ва маълумотларни гуруҳларга бўлиш, уларнинг тақдим этилиш шакли ва тузилишини белгилаб бериш (маълумотнома, жадвал, диаграмма ва бошқа шакллар);

- ахборот манбаларини аниқлаш;

- маълумотлар базасини мунтазам янгилаб бориш учун масъул шахсларни белгилаш;

- ахборотларни йиғиш механизмини ишлаб чиқиш (модем, электрон почта, дискеталар ва бошқалар);

- маълумотларни мунтазам ва тизимли сақланишини таъминлаш.

5. Олий таълим муассасалари ректорларига:

Вазирликнинг 2004 йил 20 февралдаги «Талабаларни Интернет тармогида ишлашга ўргатиш тўғрисида»ги 38-сонли буйругининг бажарилиш ҳолати назоратга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳукумат мажлисларида сўзлаган нутқларида белгиланган дастурий вазифаларни бажариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва унинг бажарилиши қатъий назоратга олинсин.

6. Ушбу буйруқ бажарилишининг назорати Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 4.1.6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Журналист кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги 1999 йил 12 мартдаги 66-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралдаги «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини эълон қиламан.

Республика олий таълим муассасаларида журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг бугунги ҳолати қониқарсизлиги, таълим ва тарбия тизими, журналистика мутахассислиги бўйича ўқув режа ва дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда бошқа турдаги адабиётларнинг жаҳон андозаларига жавоб бермай қолганлиги, шунингдек, соҳа моддий-техник базасининг заифлиги сабабли ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқитиш усулларида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда дунё андозалари даражасига кўтариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факултети замон талабларига мувофиқ тарзда қайта ташкил этилсин, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факултети очилсин ва 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб олий маълумотли журналист кадрлар тайёрлаш ана шу ўқув юртларида амалга оширилиши, бошқа олий ўқув юртларидаги (Қорақалпоқ Давлат университетидан ташқари) журналистика факултетлари (бўлимлари) тугатилиши белгилаб қўйилсин.

Журналистлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Тошкент Давлат университети ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети журналистика факултетлари негизида мақсадли усулда амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

...1999/2000 ўқув йилидан бошлаб журналистика факултетлари қошида иккинчи мутахассислик бўйича тўлов-контракт асо-

сида бир йиллик махсус ўқув курсларини ташкил этиш;

Мазкур курслар тингловчилари бошқа ихтисосликка эга бўлган, журналистика соҳасида камида икки йил мобайнида ўз ижодий қобилияти ва истеъдодини кўрсатган тажрибали мутахассислар орасидан танлаб олиниши таъминлансин;

Бу ишга мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги чуқур билим ва катта тажрибага эга бўлган таниқли амалиётчилар ҳамда соҳа мутахассислари кенг жалб этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат университетининг журналистика факультети қошида ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар, соҳани яхшилаш бўйича таҳлилий тавсиялар тайёрлаш, журналистика истиқболларини прогнозлаш масалалари билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобидаги илмий-услубий марказ ташкил этсин.

Давлат тест маркази билан биргаликда 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб:

- журналистика факултетларига қобилиятли талабалар қабул қилиш мақсадида абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда ижодий имтиҳонлардан ўтказиш ташкил этилсин;

Ҳар йили янги меъзонлар асосида журналистика факултетларининг рейтингини аниқлаш ва таҳлил этиш, улардаги таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва амалий иш олиб боришни йўлга қўйилсин.

3. Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, ЎзА, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда:

- журналистика факултетларида юқори босқич талабалари учун ихтисосликлар бўйича машҳур ва таниқли журналистларнинг ўқув студияларини ҳамда ўз таҳририятлари қошида журналистика факултетларининг ҳаракатдаги филиаллари ёки ўқув марказларини ташкил этсинлар;

- қобилиятли ва ўз маҳоратларини намоён эта бошлаган талабаларнинг амалий тажрибаларини ошириб бориш мақсадида уларни иш ўрганувчи сифатида таҳририятларга ижодий ходимликка қабул қилиш чораларини кўрсинлар;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб мустақил Ватанга ва миллий истиқлол ғояларига садоқатли, юқори журналистик иқтидорни намоён этган, фаол жамоатчи, хорижий тилларни яхши биладиган талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўшимча Давлат стипендияси таъсис этилсин;

Давлат стипендиясининг совриндорларини аниқлаш ва стипендияни молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сонли қарорида кўрсатилган тартиб бўйича амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, «Умид», «Устоз», Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармалари ва бошқа манфаатдор идоралар журналистика факултетларининг илгор педагоглар ва иқтидорли талабаларининг хорижий давлатларнинг етакчи ўқув ва илмий марказлари, оммавий ахборот воситалари таҳририятларида ҳамда халқаро ташкилотларнинг матбуот хизматларида мақсадли ўқув амалиёти ва стажировкалар ўтиши учун шарт-шароит яратсин ва амалга оширсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**Ислом КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 26 февраль

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралдаги «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори дастур сифатида ижро учун қабул қилинсин.

2. ТошДУ ва ҚКДУ «Журналистика», ЎзДЖТУ «Халқаро журналистика» таълим йўналишлари бўйича республикада малакали кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлари деб белгилансин.

3. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факултети таркибидаги Журналистика бўлими тугатилсин.

4. «Журналистика» ва «Халқаро журналистика» факултетларининг тузилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Журналистика» ва «Халқаро журналистика» факултетлари ташкил этилиши муносабати билан қайд этилган университетлар уставига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети (Бўронов Ж.Б.)га:

5.1. ЎзДЖТУда 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб «Халқаро журналистика» таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашга киришилсин.

5.2. «Халқаро журналистика» таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида 1999/2000 ўқув йили бошланишига қадар 1-курсни тугатган, журналистика соҳасида қобилиятга эга бўлган талабалар сафидан икки гуруҳ (ўзбек ва рус) ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

6. СамДУ ректори (Сатторов Ж.)га:

6.1. «Ўзбек филологияси» таркибидаги «Журналистика» бўлими тугатилиши муносабати билан белгиланган тартибда «Тугатиш комиссияси» ташкил этилсин.

Журналистикага оид фанлардан дарс берувчи професор-ўқитувчилар амалдаги қонунчиликка мувофиқ қисқартирилсин.

6.2. «Журналистика» бўлими тугатилиши муносабати билан ушбу йўналишда таълим олаётган талабалар истакларига мувофиқ 1999/2000 ўқув йили бошланишига қадар СамДУнинг «Ўзбек (славян) филологияси», ТошДУ, ҚКДУ «Журналистика» ва ЎзДЖТУ «Халқаро журналистика» (хорижий тилларни талаб даражасида билувчилар) факултетларига кўчирилсин.

7. ТошДУ (Т.Долимов), ЎзДЖТУ (Ж.Бўронов) ва ҚКДУ (Қ.Ўтениёзов) ректорларига:

7.1. ТошДУ журналистика факультети қайта тузилиши сабабли факультетда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар билан тузилган шартномалар амалдаги қонунчиликка мувофиқ бекор қилинсин.

7.4. ТошДУ қошида ташкил этилаётган хўжалик ҳисобидаги марказ учун ТошДУ, ЎзДЖТУ ва ҚКДУ ҳар йили 1 млн. сўмдан ажратиб турсин.

7.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари таркибига журналистика таълим йўналиши киритилиши муносабати билан ҳар йили ўтказиладиган танловга номзодларни тавсия этиш топширилсин.

7.8. 1999/2000 ўқув йилидан журналистика факултетлари қошида журналистика соҳасида камида икки йил мобайнида ўз ижодий қобилияти ва бир йиллик махсус ўқув курслари ташкил этилсин.

7.9. ТошДУ «Журналистика» факултетининг декан лавозими проректор лавозими мақомига тенглаштирилсин.

8. Вазир ўринбосари (Аллаев Қ.)га:

8.1. Журналистлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ТошДУнинг «Журналистика» ва ЎзДЖТУнинг «Халқаро журналистика» факултетлари негизида ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин ҳамда ТошДУ хўжалик ҳисобидаги илмий-услубий марказга Давлат фан ва техника қўмитаси томонидан мақсадли грантлар ажратиш дастури мазкур қўмита билан келишилсин.

9. Кадрлар, фан ва иқтисодиёт, малака ошириш ва қайта тайёрлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари (Бўтаев Ш.) ва ТошДУ ректори (Долимов Т.)га:

9.1. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда 20 кун муддат давомида белгиланган тартибда ТошДУнинг журналистика факултети қошида дарслик, ўқув-услубий адабиётлар, соҳани яхшилаш бўйича таҳлилий тавсиялар тайёрлаш, журналистика истиқболини башорат этиш билан шуғулланувчи, хўжалик ҳисобидаги марказ ташкил этилсин. 1999/2000 йилдан бошлаб ҳар йили ушбу марказга учта махсус грант ажратилиши сўралсин. Марказнинг Низомини иш-

лаб чиқиш ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказиш ТошДУга юклатилсин.

10. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Рахимов Б.Ҳ.)га:

10.1. Журналист кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган олий ўқув юртларига мунтазам равишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

10.2. «Журналистика» ва «Халқаро журналистика» таълим йўналишларида ўқиётган қобилиятли, ўз маҳоратларини намоён эта бошлаган талабаларнинг ўқув амалиётини Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, ЎзА, «Жаҳон» ахборот агентликлари тармоқларида ташкил этиш мақсадида, улар билан тегишли шартномаларни расмийлаштириш топширилсин.

10.3. 1999/2000 ўқув йили қабулида ТошДУ, ЎзДЖТУ ва ҚҚДУларда ижодий имтиҳонга тайёргарлик кўришларида услубий ёрдам кўрсатиш ва имтиҳон жараёнини назорат этиш топширилсин.

10.4. Ягона мезонлар асосида журналистика факултетларининг рейтингини аниқлаш ва таҳлил этиш, улардаги таълим тарбия жараёнини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш топширилсин.

11. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Иминов Т.) ТошДУ (Долимов Т.), ЎзДЖТУ (Бўронов Ж.), ҚҚДУ (Утениёзов Қ.) ректорлари билан ҳамкорликда:

11.2. ТошДУнинг журналистика факултети қошида дарслик, ўқув-услубий адабиётлар, соҳани яхшилаш бўйича таҳлилий тавсиялар тайёрлаш, журналистика истиқболларини башорат этиш билан шуғулланувчи, хўжалик ҳисобидаги марказнинг фаолиятига услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

12. Ташқи алоқалар Бош бошқармаси (Бобомуҳамедов П.С.)га:

12.1. 1999/2000 ўқув йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, «Умид», «Устоз», Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармалари билан келишилган ҳолда журналистика факултетларининг илғор педагоглари ва иқтидорли талабаларининг хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий марказлари, оммавий ахборот воситалари таҳририятларида ҳамда халқаро ташкилотларининг матбуот марказларида мақсадли ўқув амалиёти ва стажировкалар ўташи учун квоталар ажратилиши таъминлансин.

**Олий ва ўрта махсус талим вазири**

### 4.1.7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ҳукумат қарорини бажариш тўғрисида”ги 1999 йил 8 июлдаги 228-сонли

### БУЙРУҒИ

3. Халқаро туризм факултетининг тузилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Халқаро туризм факултети ташкил этилиши муносабати билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Уставига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

9. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ректори (Р.Алимов) га:

...9.3. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда «1999/2000 ўқув йилидан бошлаб туризм факултети қошида ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар, соҳани ривожлантириш бўйича таҳлилий тавсиялар тайёрлаш, туризм иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда унинг истиқболларини башорат этиш масалалари билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобидаги илмий-тадқиқот марказини ташкил этсин.

9.5. «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан ҳамкорликда ТошДИУ нинг халқаро туризм факултети қошида, махсус туристик фирма ташкил этилсин ва унинг фаолиятида профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг кенг иштироки таъминлансин.

9.6. Халқаро туризм факултети қошида Республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган туристик ташкилот ва фирмалар ходимлари учун малака ошириш ва маиший хизмат кўрсатиш курсларини ташкил этиш топширилсин.

12. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э.З.Имомов) ва ТошДИУ ректорати (Р.Алимов) билан ҳамкорликда:

12.2. ТошДИУ нинг халқаро туризм факултети қошидаги хўжалик ҳисобидаги марказнинг фаолиятига услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус талим вазири**

### 4.1.8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги 2000 йил 27 январдаги 19-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги маърузасида XXI асрнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, давлат қурилиши ва бошқаруви, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, ташқи ва ички соҳаларда амалга оширилиши лозим бўлган истиқбол режалари чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиб берилди. Ватанимизнинг келгуси тақдирини белгилаб берувчи мазкур масалаларни аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг пухта ўрганишини таъминлаш, уларнинг бу жараёнларда ташаббус кўрсатиб фаол иштирок этишига эришиш, ҳар бир кишида бу вазифаларни бажаришда фуқаролик масъулиятини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда уларни олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талаба-ўқувчилари орасида атрофлича ва чуқур ўрганиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирлик ҳузурида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ юқори билимли ва юксак маънавиятли мутахассисларни тайёрлашнинг долзарб масалалари»га бағишланган, доимий фаолият кўрсатадиган республика амалий семинари ташкил қилинсин. Семинарда қуйидаги масалалар бўйича шўъбалар иш олиб бориши назарда тутилсин:

- таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичларида ўқув-услубий жараёнларни ва бошқарув тизимини янада такомиллаштириш вазифалари;
- талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим вазифалари;
- узлуксиз таълим тизимининг узвийлигини таъминлаш масалалари;
- олий таълим тизимидаги кадрлар таркибини ўрганиш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг долзарб масалалари;
- таълим тизимида фаннинг ўрни, аҳамияти, салмоғини ошириш, олий таълим тизимида фан йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштиришга, иқтидорли талабалар ва ёш олимларни унга жалб этишга қулай шароит яратиш масалалари;
- малакали кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш механизмини янада такомиллаштириш масалалари;
- олий таълим тизимида маркетинг хизматини такомиллаштириш вазифалари;
- вазирликда ва олий таълим муассасаларида илғор хорижий мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, инвес-

тициялар жалб қилинишини кенг йўлга қўйиш масалалари;

- олий ўқув юртлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув юрти жамоасини ижтимоий муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш масалалари;

- таълим тизимини замонавий дарслик, ўқув қўлланмалари, дастурлар ва бошқа услубий адабиётлар билан таъминлаш механизмини яратиш.

2. Семинар машғулотларига ўқув юртлари раҳбарлари, юқоридаги муаммолар бўйича етакчи мутахассислар, истеъдодли ёшларнинг бевосита иштирок этишлари таъминлансин. Семинар кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан унинг қатнашчилари ўзлари реферат тайёрлашлари ва шу рефератларни семинар машғулотларида ўқиб эшиттиришлари белгилаб қўйилсин. Мазмуни ва кўтарилган масалалар бўйича таклифлари амалий аҳамиятга эга деб топилган рефератлар танлаб олинсин ва нашрга тавсия этилсин. Рефератлар муаллифлари моддий рағбатлантирилсин.

3. Амалий семинар материаллари таҳлилини изчил ёритиб бориш мақсадида вазирликнинг мунтазам равишда чоп этиладиган бир босма табоқ ҳажмида «Бюллетени» чиқарилсин.

4. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ректорлари ва директорларига:

4.1. Мазкур буйруқнинг 1 ва 2-бандларида қўйилган вазифаларни олий ўқув юрти имконияти ва йўналишларидан келиб чиқиб амалга ошириш таъминлансин.

4.7. Маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишга, асосан «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраларининг профессор-ўқитувчилари, шунингдек, дастурда қайд этилган махсус мавзулар бўйича ижтимоий-гуманитар кафедраларининг етакчи мутахассис ўқитувчилари жалб этилсин.

4.8. Ўқув юртларида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» махсус курси бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчилар таркиби аниқлансин ва тасдиқлансин.

4.9. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» махсус курсида дарс берувчи профессор-ўқитувчилар учун уюштириладиган илмий-услубий семинар дастурида қайд этилган масалалар бўйича мулоқот ўтказилишини назарда тутиб, унинг қатнашчилари мавзулар бўйича тайёрланиб келишлари таъминлансин.

4.10. Ўқув юртидаги ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар кафедралари профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» номли нутқида илгари сурилган вазифаларни талаба-ўқувчиларга етказиш мақсадида ўз маъруза ва амалий машғулотларида ундан тўлиқ фойдаланишлари таъминлансин.

5. Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (Д.Ғаниев)га;

5.1. Бошқарма тавсия этган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» махсус курсининг ўқув режаси ва дастури тасдиқлансин (илова қилинади).

6. Ўқув адабиётлари, журналлар ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш Маркази (Н.Халилов)га:

6.1. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» махсус курсини ўқув режаси, дастури ҳамда мазкур мавзуга бағишланган илмий-услубий семинар дастурини етарли нусхада чоп этиш ва улар билан барча олий ўқув юртларини таъминлаш юклатилсин.

7. Иқтисод, илм-фан ва таълимни молиялаштириш Бош бошқармаси (М.Саидов)га:

7.1. Республика вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикаси олий ўқув юртларидан «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» илмий-услубий семинарига қатнашувчиларни турар-жой билан таъминлаш ва уларга бошқа зарур шароитлар яратиш юклатилсин.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилиш назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус талим вазири**

### 4.1.9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Фан дастурларини тасдиқлаш ҳамда ўқув адабиётларини нашр этишга рухсат бериш тўғрисида"ги 2011 йил 17 сентябрдаги 392-сонли

## БУЙРУҒИ

Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2011 йил 9 сентябрдаги 3-сонли баёнига мувофиқ олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимини ўқув-услубий мажмуа, фан дастурлари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги 3-сонли баёни 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг янгиланган таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган фан дастурлари 3-иловага, олий таълим тизими учун яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалари 4-иловага, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун тайёрланган ўқув адабиётлари рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тасдиқланган дарслик ва ўқув қўлланмаларни чоп этишга рухсат берилсин ҳамда муаллифларига ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган вазирликнинг гувоҳномаси тақдим этилсин.

5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгиланган Классификаторига мувофиқ таянч олий таълим муассасаларининг рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 31 мартдаги "Таянч олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" ги 88-сонли буйруғи билан тасдиқланган 2-иловадаги "Олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича республиканинг таянч олий таълим муассасалари рўйхати" ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари М.Арипджанов ва вазирнинг биринчи ўринбосари – Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори Ж.Исмоиловлар зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус талим вазири**

Вазирликнинг 2011 йил 17 сентябрдаги
392 - сонли буйруғига 6-илова

**Олий таьлим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича республиканинг таянч олий таьлим муассасалари**

**РЎЙХАТИ**

| № | Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари номи | Таълим йўналишлари шифри | Таянч олий таълим муассасалари | Кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* |
| | ***ГУМАНИТАР СОҲА***<br>***Педагогика*** | 100 000<br>110 000 | | | |
| 1. | Таълим йўналиши: *Математика ўқитиш методикаси* | 5110100 | ТДПУ | ТДПУ, НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 2. | Таълим йўналиши: *Физика ва астрономия ўқитиш методикаси* | 5110200 | ТДПУ | ТДПУ, НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 3. | Таълим йўналиши: *Кимё ўқитиш методикаси* | 5110300 | ТДПУ | ТДПУ, НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 4. | Таълим йўналиши: *Биология ўқитиш методикаси* | 5110400 | ТДПУ | ТДПУ, НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 5. | Таълим йўналиши: *География ўқитиш методикаси* | 5110500 | ТДПУ | ТДПУ, НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 6. | Таълим йўналиши: *Тарих ўқитиш методикаси* | 5110600 | ТДПУ | ТДПУ, НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 7. | Таълим йўналиши: *Информатика ўқитиш методикаси* | 5110700 | ТДПУ, ТАТУ | ТДПУ,ТАТУ, НукДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 8. | Таълим йўналиши: *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* | 5110800 | ТДПУ | ТДПУ, НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 9. | Таълим йўналиши: *Педагогика ва психология* | 5110900 | ТДПУ | ТДПУ, НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 10. | Таълим йўналиши: *Касбий таълим (йўналишлар бўйича)* | 5111000 | | ТДПУ, ТДТУ,ТДИУ, ТАҚИ, ТАЙИ, ТошФМИ, ТТЙСИ, ТКТИ, АндМИ, АндДУ, БухДУ, БЮТМТИ, ГулДУ, ЖизПИ, ҚҚДУ, ҚарДУ, ҚарМИ, НамДУ, НамПИ, СамДУ, СамИСИ, ТерДУ, ФарПИ, УргДУ, ТошФМИ, ТДМИ, ТАТУ, ТТЙМИ, ТИМИ, ТДАУ, АндҚХИ, СамҚХИ | |
| 11. | Таълим йўналиши: *Мусиқа таълими* | 5111100 | ТДПУ, ЎзДК | ТДПУ, ЎзДК, НавДПИ НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 12. | Таълим йўналиши: *Ўзбек тили ва адабиёти* | 5111200 | ТДПУ | ТДПУ, НавДПИ НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 13. | Таълим йўналиши: *Она тили ва адабиёти (тиллар бўйича)* | 5111300 | ТДПУ, ЎзМУ | ТДПУ, НавДПИ НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 14. | Таълим йўналиши: *Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)* | 5111400 | ТДПУ, ЎзДЖТУ | ТДПУ, ЎзДЖТУ, НавДПИ НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 15. | Таълим йўналиши: *Чақириққача ҳарбий таълим* | 5111500 | ТДПУ | ТДПУ | |
| 16. | Таълим йўналиши: *Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* | 5111600 | ТДПУ, ЎзМУ | ТДПУ, НавДПИ НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 17. | Таълим йўналиши: *Бошлангич таълим ва спорт-тарбиявий иш* | 5111700 | ТДПУ | ТДПУ, НавДПИ НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 18. | Таълим йўналиши: *Мактабгача таълим* | 5111800 | ТДПУ | ТДПУ, НавДПИ НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 19. | Таълим йўналиши: *Дефектология* | 5111900 | ТДПУ | ТДПУ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 20. | Таълим йўналиши: *Жисмоний маданият* | 5112000 | ТДПУ | ТДПУ, НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| 21. | Таълим йўналиши: *Меҳнат таълими* | 5112100 | ТДПУ | ТДПУ, НукДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ | |
| | ***Гуманитар фанлар*** | 120 000 | | | |
| 22. | Таълим йўналиши: *Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича)* | 5120100 | ЎзМУ, ЎзДЖТУ, ТДШИ | ЎзДЖТУ,ТДШИ, ЎзМУ, АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚҚДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТерДУ, УргДУ,СамДЧТИ | |
| 23. | Таълим йўналиши: *Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)* | 5120200 | ЎзДЖТУ, ТДШИ | ЎзДЖТУ, ТДШИ, ҚҚДУ, СамДЧТИ, | |
| 24. | Таълим йўналиши: *Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича,* Ислом тарихи) | 5120300 | ЎзМУ, ТИУ, ТДШИ | ЎзМУ, ТИУ, ТДШИ, АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚҚДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТерДУ, УргДУ | |
| 25. | Таълим йўналиши: *Археология* | 5120400 | ЎзМУ | ЎзМУ, СамДУ | |
| 26. | Таълим йўналиши: *Фалсафа* | 5120500 | ЎзМУ | ЎзМУ, ҚҚДУ | |
| 27. | Таълим йўналиши: *Диншунослик* | 5120600 | ТИУ | ТИУ | |
| 28. | Таълим йўналиши: *Жаҳон сиёсати* | 5120700 | ЖИДУ, ТДШИ | ЖИДУ, ТДШИ | |
| | ***Математика*** | 130 000 | | | |
| 29. | Таълим йўналиши: *Математика* | 5130100 | ЎзМУ | ЎзМУ, АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚҚДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТерДУ, | |
| 30. | Таълим йўналиши: *Амалий математика ва информатика* | 5130200 | ЎзМУ | ЎзМУ, БухДУ, ГулДУ, ҚҚДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТерДУ, УргДУ | |
| | ***Табиий фанлар*** | 140 000 | | | |
| 31. | Таълим йўналиши: *Биология* | 5140100 | ЎзМУ | ЎзМУ, АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚҚДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТерДУ, УргДУ, ФарДУ | |
| 32. | Таълим йўналиши: *Физика* | 5140200 | ЎзМУ | ЎзМУ, АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚҚДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТерДУ, УргДУ, ФарДУ | |
| 33. | Таълим йўналиши: *Механика* | 5140300 | ЎзМУ | ЎзМУ, СамДУ | |
| 34. | Таълим йўналиши: *Астрономия* | 5140400 | ЎзМУ | ЎзМУ, СамДУ | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 35. | Таълим йўналиши: *Кимё* | 5140500 | ЎзМУ | ЎзМУ, АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚҚДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТерДУ, УргДУ, ФарДУ | |
| 36. | Таълим йўналиши: *География* | 5140600 | ЎзМУ | ЎзМУ, АндДУ, БухДУ, ҚҚДУ, НамДУ, СамДУ, ТерДУ, ФарДУ, УргДУ | |
| 37. | Таълим йўналиши: *Гидрометеорология* | 5140700 | ЎзМУ | ЎзМУ, СамДУ | |
| 38. | Таълим йўналиши: *Геология* | 5140800 | ЎзМУ | ЎзМУ | |
| 39. | Таълим йўналиши: Геофизика | 5140900 | ЎзМУ | ЎзМУ | |
| 40. | Таълим йўналиши: *Тупроқшунослик* | 5141000 | ЎзМУ | ЎзМУ | |
| 41. | Таълим йўналиши: *Гидрология (тармоқлар бўйича)* | 5141100 | ЎзМУ, ТИМИ | ЎзМУ, ТИМИ | |
| | ***Санъат*** | 150 000 | | | |
| 42. | Таълим йўналиши: *Бастакорлик санъати* | 5150100 | ЎзДК | ЎзДК | |
| 43. | Таълим йўналиши: *Санъатшунослик (турлари бўйича)* | 5150200 | ЎзДСИ, ЎзДК, МРХОМ | ЎзДСИ, ЎзДК, МРХОМ ЎзДСИ (Нук.фил) | |
| 44. | Таълим йўналиши: *Актёрлик санъати (турлари бўйича)* | 5150300 | ЎзДСИ | ЎзДСИ, ЎзДСИ (Нук.фил) | |
| 45. | Таълим йўналиши: *Режиссёрлик (турлари бўйича)* | 5150400 | ЎзДСИ | ЎзДСИ, ЎзДСИ (Нук.фил) | |
| 46. | Таълим йўналиши: *Дирижёрлик (турлари бўйича)* | 5150500 | ЎзДК | ЎзДК | |
| 47. | Таълим йўналиши: *Вокал санъати (турлари бўйича)* | 5150600 | ЎзДК | ЎзДК | |
| 48. | Таълим йўналиши: *Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)* | 5150700 | ЎзДК | ЎзДК | |
| 49. | Таълим йўналиши: *Рангтасвир (турлари бўйича)* | 5150800 | МРДИ | МРДИ | |
| 50. | Таълим йўналиши: *Дизайн (турлари бўйича)* | 5150900 | МРДИ | МРДИ, ТДТУ, ТАҚИ, ТТЕСИ, СамДАҚИ | |
| 51. | Таълим йўналиши: *Графика (турлари бўйича)* | 5151000 | МРДИ | МРДИ | |
| 52. | Таълим йўналиши: *Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)* | 5151100 | МРДИ | МРДИ | |
| 53. | Таълим йўналиши: *Амалий санъат (турлари бўйича)* | 5151200 | МРДИ | МРДИ | |
| 54. | Таълим йўналиши: *Хореография (турлари бўйича)* | 5151300 | МРХОМ | МРХОМ | |
| 55. | Таълим йўналиши: *Техноген санъат (турлари бўйича)* | 5151400 | ЎзДСИ | ЎзДСИ, ЎзДК | |
| 56. | Таълим йўналиши: *Кино-телеоператорлик* | 5151500 | ЎзДСИ | ЎзДСИ | |
| 57. | Таълим йўналиши: *Халқ ижодиёти (турлари бўйича)* | 5151600 | ТДМИ | ТДМИ | |
| | ***ИЖТИМОИЙ СОҲА, ИҚТИСОД ВА ҲУҚУҚ*** ***Социология ва психология*** | 200 000 210 000 | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Таълим йўналиши: *Социология* | 5210100 | ЎзМУ | ЎзМУ | |
| 2. | Таълим йўналиши: *Психология (фаолият турлари бўйича)* | 5210200 | ЎзМУ | ЎзМУ, АндДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, БухДУ, УргДУ, ФарДУ | |
| | ***Журналистика ва ахборот*** | 220 000 | | | |
| 3. | Таълим йўналиши: *Журналистика (фаолият турлари бўйича)* | 5220100 | ЎзМУ | ЎзМУ, ЎзДЖТУ, ҚҚДУ | |
| 4. | Таълим йўналиши: *Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик (соҳалар бўйича)* | 5220200 | ТДМИ, ТАТУ | ТДМИ, ТАТУ | |
| 5. | Таълим йўналиши: *Архившунослик* | 5220300 | ЎзМУ | ЎзМУ | |
| | ***Иқтисод*** | 230 000 | | | |
| 6. | Таълим йўналиши: *Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | 5230100 | ТДИУ | ТДИУ, БухДУ, ГулДУ, АндМИ, СамДУ, ҚҚДУ, КарДУ, ФарДУ, УргДУ, СамИСИ, ТИМИ, ТДАУ, СамДЧТИ, ТТЙМИ | |
| 7. | Таълим йўналиши: *Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | 5230200 | ТДИУ | ТДИУ, ҚарМИИ, ТАҚИ, ТАЙИ, ТошФарМИ, ЖизПИ, НамМПИ, БЮТМТИ, СамДАҚИ, СамИСИ, ФарПИ, ТАТУ, ТИМИ, ТТЙМИ, ТДТУ, ТДАУ,ТКТИ | |
| 8. | Таълим йўналиши: *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (тармоқлар бўйича)* | 5230300 | ТДИУ | ТДИУ, ЎзМУ, ТошФМИ, ҚҚДУ, ТМИ | |
| 9. | Таълим йўналиши: *Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | 5230400 | ТДИУ | ТДИУ, ТДТУ, ТАЙИ, НамМТИ, СамИСИ, ТДАУ | |
| 10. | Таълим йўналиши: *Божхона иши (фаолият турлари бўйича)* | 5230500 | ТДИУ | ТДИУ | |
| 11. | Таълим йўналиши: *Молия* | 5230600 | ТМИ | ТМИ, ҚҚДУ, СамИСИ, ТерДУ | |
| 12. | Таълим йўналиши: *Банк иши* | 5230700 | ТМИ | ТМИ, ТДИУ, СамИСИ | |
| 13. | Таълим йўналиши: *Солиқлар ва солиққа тортиш* | 5230800 | СА | СА, ТДИУ, ТМИ | |
| 14. | Таълим йўналиши: *Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* | 5230900 | ТМИ | ТМИ, ТДИУ, ТТЕСИ, ҚҚДУ, СамИСИ, ТТЙМИ, ТИМИ, ТДАУ, АндҚХИ, СамҚХИ | |
| 15. | Таълим йўналиши: *Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)* | 5231000 | ТДШИ | ТДШИ | |
| 16. | Таълим йўналиши: *Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)* | 5231100 | ЖИДУ | ЖИДУ, ТИУ | |
| 17. | Таълим йўналиши: *Суғурта иши* | 5231200 | ТМИ | ТМИ | |
| 18. | Таълим йўналиши: *Пенсия иши* | 5231300 | ТМИ | ТМИ | |
| 19. | Таълим йўналиши: *Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | 5231400 | ТДИУ | ТДИУ | |
| 20. | Таълим йўналиши: *Баҳолаш иши* | 5231500 | ТМИ | ТМИ | |
| 21. | Таълим йўналиши: *Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси* | 5231600 | ТДИУ | ТДИУ | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | *Ҳуқуқ* | 240 000 | | | |
| 22. | Таълим йўналиши: *Юриспруденция (фаолият турлари бўйича, Халқаро ҳуқуқи фаолияти)* | 5240100 | ТДЮИ, ЖИДУ | ТДЮИ, ЖИДУ, ЎзМУ, ҚҚДУ, СамДУ | |
| | ***ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНИК СОҲА*** <br> ***Муҳандислик иши*** | 300 000 <br> 310 000 | | | |
| 1. | Таълим йўналиши: *Энергетика (тармоқлар бўйича)* | 5310100 | ТДТУ | ТДТУ, КарМИИ | |
| 2. | Таълим йўналиши: *Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)* | 5310200 | ТДТУ | ТДТУ, БЮТМТИ, ЖизПИ, ҚҚДУ, КарМИ, НамМТИ, ФарПИ, НавДКИ, | |
| 3. | Таълим йўналиши: *Металлургия* | 5310300 | ТДТУ | ТДТУ | |
| 4. | Таълим йўналиши: *Авиасозлик ва ҳаво кемаларидан техник фойдаланиш* | 5310400 | ТДТУ | ТДТУ | |
| 5. | Таълим йўналиши: *Автомобилсозлик ва тракторсозлик* | 5310500 | ТДТУ, ТАЙИ | ТДТУ, ТАЙИ, АндМИ | |
| 6. | Таълим йўналиши: *Ерусти транспорт тизимлари ва улардан фойдаланиш (транспорт турлари бўйича)* | 5310600 | ТДТУ, ТТЙМИ, ТАЙИ | ТДТУ, ТТЙМИ, ТАЙИ, АндМИ, ЖизПИ, ҚарМИИ, НамМПИ, ФарПИ, ТерДУ, ТТЙМИ | |
| 7. | Таълим йўналиши: *Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)* | 5310700 | ТДТУ | ТДТУ, ТАЙИ, АндМИ, ҚҚДУ, ФарПИ, ТТЙМИ, НавДКИ, | |
| 8. | Таълим йўналиши: *Электроника ва асбобсозлик (тармоқлар бўйича)* | 5310800 | ТДТУ | ТДТУ, БЮТМТИ, ФарПИ | |
| 9. | Таълим йўналиши: *Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)* | 5310900 | ТДТУ | ТДТУ, ТКТИ, ЖизПИ, ФарПИ, ТТЙМИ | |
| 10. | Таълим йўналиши: *Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)* | 5311000 | ТДТУ | ТДТУ, АндМИ, БЮТМТИ , ҚарМИ, ТТЕСИ, ТКТИ,,НавДКИ, ТИМИ | |
| 11. | Таълим йўналиши: *Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (тармоқлар бўйича)* | 5311100 | ТДТУ | ТДТУ, БЮТМТИ | |
| 12. | Таълим йўналиши: *Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш* | 5311200 | ТАТУ | ТАТУ | |
| 13. | Таълим йўналиши: *Телекоммуникация* | 5311300 | ТАТУ | ТАТУ, ТТЙМИ | |
| 14. | Таълим йўналиши: *Мобиль алоқа тизимлари* | 5311400 | ТАТУ | ТАТУ | |
| 15. | Таълим йўналиши: *Геодезия, картография ва кадастр (тармоқлар бўйича)* | 5311500 | ТАҚИ, ЎзМУ, ТДТУ | ТАҚИ, ЎзМУ, ТДТУ, ҚҚДУ, КарМИ, СамДАҚИ, ФарПИ, ТИМИ | |
| 16. | Таълим йўналиши: *Кончилик иши* | 5311600 | НавДКИ | НавДКИ, ТДТУ, ҚарМИИ | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 17. | Таълим йўналиши: *Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича)* | 5311700 | ТДТУ | ТДТУ, ҚарМИИ | |
| 18. | Таълим йўналиши: *Гидрогеология ва муҳандислик геологияси* | 5311800 | ТДТУ | ТДТУ | |
| 19. | Таълим йўналиши: *Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш* | 5311900 | ТДТУ | ТДТУ, БЮТМТИ, ҚарМИИ | |
| 20. | Таълим йўналиши: *Нефть-газни қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш* | 5312000 | ТДТУ | ТДТУ, | |
| | ***Ишлаб чиқаришлар технологияси*** | 320 000 | | | |
| 21. | Таълим йўналиши: *Материалшунослик ва янги материаллар технологияси* | 5320100 | ТДТУ | ТДТУ, АндМИ, БЮТМТИ | |
| 22. | Таълим йўналиши: *Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш* | 5320200 | ТДТУ | ТДТУ, АндМИ, НамМПИ, ФарПИ, НавДКИ | |
| 23. | Таълим йўналиши: *Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)* | 5320300 | ТДТУ | ТДТУ, ТТЕСИ, ТКТИ, БЮТМТИ, ҚарМИ, НамМТИ, НамМПИ,ФарПИ | |
| 24. | Таълим йўналиши: *Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)* | 5320400 | ТКТИ | ТКТИ , ТТЕСИ, БЮТМТИ, ЖизПИ, ҚарДУ, ҚарМИ,,НамМТИ, ФарПИ, УргДУ, НавДКИ, | |
| 25. | Таълим йўналиши: *Биотехнология (тармоқлар бўйича)* | 5320500 | ТКТИ | ТКТИ, ТДТУ, ТошФМИ, | |
| 26. | Таълим йўналиши: *Аудио-видео технологиялар* | 5320600 | ТАТУ | ТАТУ | |
| 27. | Таълим йўналиши: *Махсус ёритиш технологиялари* | 5320700 | ТАТУ | ТАТУ | |
| 28. | Таълим йўналиши: *Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси* | 5320800 | ТТЕСИ | ТТЕСИ, НамМТИ | |
| 29. | Таълим йўналиши: *Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тармоқлар бўйича)* | 5320900 | ТТЕСИ | ТТЕСИ, БЮТМТИ, ЖизПИ, ҚарДУ, НамМТИ | |
| 30. | Таълим йўналиши: *Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)* | 5321000 | ТКТИ | ТКТИ, БЮТМТИ, ҚарМИ, НамМПИ | |
| 31. | Таълим йўналиши: *Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси* | 5321100 | НавДКИ | НавДКИ | |
| 32. | Таълим йўналиши: *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси* | 5321200 | ТТЕСИ | ТТЕСИ, НамМТИ | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 33. | Таълим йўналиши: *Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси* | 5321300 | ТДТУ | ТДТУ, ТКТИ, БЮТМТИ, ҚҚДУ | |
| | ***Компьютер технологиялари ва информатика*** | 330 000 | | | |
| 34. | Таълим йўналиши: *Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича)* | 5330200 | ТАТУ | ТАТУ | |
| 35. | Таълим йўналиши: *Ахборот хавфсизлиги* | 5330300 | ТАТУ | ТАТУ | |
| 36. | Таълим йўналиши: *Компьютер графикаси ва дизайн* | 5330400 | ТАТУ | ТАТУ | |
| | ***Архитектура ва қурилиш*** | 340 000 | | | |
| 37. | Таълим йўналиши: *Архитектура (турлари бўйича)* | 5340100 | ТАҚИ | ТАҚИ, ҚарДУ, СамДАҚИ, ФарПИ, УргДУ | |
| 38. | Таълим йўналиши: *Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича)* | 5340200 | ТАҚИ | ТАҚИ, ЖизПИ, ҚарДУ, НамМПИ, СамДАҚИ, ФарПИ, ТТЙМИ | |
| 39. | Таълим йўналиши: *Шаҳар қурилиши ва хўжалиги* | 5340300 | ТАҚИ | ТАҚИ, ҚарДУ, СамДАҚИ, УргДУ | |
| 40. | Таълим йўналиши: *Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича)* | 5340400 | ТАҚИ | ТАҚИ, ЖизПИ, ҚарДУ, НамМПИ, СамДАҚИ, ФарПИ, ТТЙМИ | |
| 41. | Таълим йўналиши: *Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш* | 5340500 | ТАҚИ | ТАҚИ, НамМПИ, СамДАҚИ | |
| 42. | Таълим йўналиши: *Транспорт иншоотларидан фойдаланиш (транспорт турлари бўйича)* | 5340600 | ТАЙИ, ТТЙМИ | ТАЙИ, ТТЙМИ, ЖизПИ | |
| 43. | Таълим йўналиши: *Гидротехника қурилиши (турлари бўйича)* | 5340700 | ТАҚИ, ТИМИ | ТАҚИ, ТИМИ | |
| 44. | Таълим йўналиши: *Автомобиль йўллари ва аэродромлар* | 5340800 | ТАЙИ | ТАЙИ, ЖизПИ, ҚарДУ, СамДАҚИ | |
| 45. | Таълим йўналиши: *Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш* | 5340900 | ТАҚИ | ТАҚИ, СамДАҚИ | |
| 46. | Таълим йўналиши: *Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш* | 5341000 | ТАҚИ | ТАҚИ, СамДАҚИ | |
| | ***ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ***<br>***Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги*** | 400 000<br>410 000 | | | |
| 1. | Таълим йўналиши: *Агрокимё ва агротупроқшунослик* | 5410100 | ТДАУ | ТДАУ, СамҚХИ | |
| 2. | Таълим йўналиши: *Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)* | 5410200 | ТДАУ | ТДАУ, АндҚХИ, СамҚХИ | |
| 3. | Таълим йўналиши: *Ўсимликлар ҳимояси ва карантини* | 5410300 | ТДАУ | ТДАУ, АндҚХИ, СамҚХИ | |
| 4. | Таълим йўналиши: *Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги* | 5410400 | ТДАУ | ТДАУ, АндҚХИ, СамҚХИ | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Таълим йўналиши: *Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси* | 5410500 | ТДАУ | ГулДУ, ЖизПИ, ҚарМИ, НамМТИ, ФарПИ, ТДАУ, АндҚХИ, СамҚХИ | |
| 6. | Таълим йўналиши: *Зоотехния (турлари бўйича)* | 5410600 | СамҚХИ | СамҚХИ | |
| 7. | Таълим йўналиши: *Ер тузиш ва ер кадастри* | 5410700 | ТИМИ | ТИМИ | |
| 8. | Таълим йўналиши: *Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш* | 5410800 | ТДАУ | ТДАУ | |
| 9. | Таълим йўналиши: *Ипакчилик* | 5410900 | ТДАУ | ТДАУ | |
| 10. | Таълим йўналиши: *Мева-сабзавотчилик ва узумчилик* | 5411000 | ТДАУ | ТДАУ, АндҚХИ | |
| | ***Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш*** | 420 000 | | | |
| 11. | Таълим йўналиши: *Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш* | 5420100 | ТДАУ | ТДАУ, АндҚХИ, СамИСИ | |
| | ***Қишлоқ хўжалик техникаси*** | 430 000 | | | |
| 12. | Таълим йўналиши: *Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш* | 5430100 | ТДАУ | ҚарМИИ, ТДАУ, АндҚХИ, СамИСИ | |
| 13. | Таълим йўналиши: *Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш* | 5430200 | ТДАУ | ТДАУ | |
| | ***Ветеринария*** | 440 000 | | | |
| 14. | Таълим йўналиши: *Ветеринария* | 5440100 | СамҚХИ | СамҚХИ | |
| | ***Ирригация ва мелиорация*** | 450 000 | | | |
| 15. | Таълим йўналиши: *Ирригация тизимларида сув энергиясидан фойдаланиш* | 5450100 | ТИМИ | ТИМИ | |
| 16. | Таълим йўналиши: *Сув хўжалиги ва мелиорация* | 5450200 | ТИМИ | ТИМИ, АндҚХИ | |
| 17. | Таълим йўналиши: *Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш* | 5450300 | ТИМИ | ТИМИ | |
| 18. | Таълим йўналиши: *Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш* | 5450400 | ТИМИ | ҚарМИ, ТИМИ | |
| | ***СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ*** ***Соғлиқни сақлаш*** | 500 000 510 000 | | | |
| 1. | Таълим йўналиши: *Даволаш иши* | 5510100 | ТТА | ТТА, ТПТИ, АндДТИ, БухДТИ, СамДТИ | |
| 2. | Таълим йўналиши: *Педиатрия иши* | 5510200 | ТПТИ | ТПТИ, АндДТИ, СамДТИ | |
| 3. | Таълим йўналиши: *Тиббий профилактика иши* | 5510300 | ТТА | ТТА, ТПТИ | |
| 4. | Таълим йўналиши: *Стоматология* | 5510400 | ТТА | ТТА, БухДТИ, СамДТИ | |
| 5. | Таълим йўналиши: *Фармация (турлари бўйича)* | 5510500 | ТошФМИ | ТошФМИ | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Таълим йўналиши: *Саноат фармацияси (турлари бўйича)* | 5510600 | ТошФМИ | ТошФМИ | |
| 7. | Таълим йўналиши: *Олий ҳамширалик иши* | 5510700 | ТТА | ТТА, АндДТИ, СамДТИ, БухДТИ | |
| | ***Ижтимоий таъминот*** | 520 000 | | | |
| 8. | Таълим йўналиши: *Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)* | 5520100 | ТДМИ | ТДМИ, ЎзМУ,СамДУ, ФарДУ | |
| | ***ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ*** <br> ***Хизмат кўрсатиш соҳаси*** | 600 000 <br> 610 000 | | | |
| 1. | Таълим йўналиши: *Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)* | 5610100 | СамИСИ | СамИСИ, ТДИУ, ТАҚИ, ТАЙИ, ЖизПИ, НамМПИ, СамДАҚИ, СамИСИ, ФарПИ | |
| 2. | Таълим йўналиши: *Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* | 5610200 | СамИСИ | СамИСИ, ТДИУ, БухДУ, УргДУ | |
| 3. | Таълим йўналиши: *Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)* | 5610300 | СамИСИ | СамИСИ, НамДУ, УргДУ | |
| 4. | Таълим йўналиши: *Ижтимоий-маданий фаолият* | 5610400 | ТДМИ | ТДМИ, НамДУ | |
| 5. | Таълим йўналиши: *Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)* | 5610500 | ЎзДЖТИ | ЎзДЖТИ | |
| 6. | Таълим йўналиши: *Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича)* | 5610600 | ТДТУ | ТДТУ, ТТЕСИ, ҚарМИ, ТАТУ, ТТЙМИ | |
| | ***Транспорт*** | 620 000 | | | |
| 7. | Таълим йўналиши: *Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича)* | 5620100 | ТТЙМИ, ТАЙИ | ТТЙМИ, ТАЙИ | |
| 8. | Таълим йўналиши: *Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш* | 5620200 | ТДТУ | ТДТУ | |
| 9. | Таълим йўналиши: *Почта алоқаси технологияси* | 5620300 | ТАТУ | ТАТУ | |
| | ***Атроф-муҳит муҳофазаси*** | 630 000 | | | |
| 10. | Таълим йўналиши: *Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)* | 5630100 | ТДТУ | ТДТУ, ТАҚИ, ТКТИ, АндДУ, БухДУ, ЖизПИ, ҚҚДУ, ҚарМИИ, НамДУ,ТАЙИ, СамДУ, ТерДУ, ФарДУ,ТИМИ | |
| | ***Ҳаётий фаолият хавфсизлиги*** | 640 000 | | | |
| 11. | Таълим йўналиши: *Ҳаётий фаолият хавфсизлиги* | 5640100 | ТДТУ | ТДТУ, ТИМИ | |

## 4.1.10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг «Таълим сифатини оширишга киритилган 100 инновациялар тўғрисида»ги 2003 йил 28 майдаги 5/5-сонли

## ҚАРОРИ

...Олий ўқув юртлари ички резерв ҳисобига янгиликларни жорий қиладиган янги фикр ва фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнин натижаси ва даражасини кўтариш ҳисобига инновация таълим муассасаларига айланиши керак. Фойдали натижа берадиган педагогик ва касбий инновацияларни олий ўқув юртларида ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш – ўқув сифатини ошириш резервларидан биридир.

Кадрлар сифатини таъминлаш мақсадида вазирлик ҳайъати

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кадрлар, илм-фан ва педагогик кадрлар тайёрлаш Бош Бошқармаси (Бўтаев Ш.О.)га ОЎМММИ (Имамов Э.З) билан биргаликда 2004 йилда "Олий ўқув юртлари инновацион фаолияти натижалари" мавзусида ҳамма олий ўқув юртларидан маърузачилар иштирокида республика илмий-амалий семинари ўтказилсин.

2.ОЎМММИ (Имамов Э.З)га:

2.3. Янги ўқув йили бошланишига аспирантлар ва магистрантлар учун "Ижодий фикрлашни ривожлантириш" бўйича ўқитувчилар (психология кафедра ўқитувчилари) тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилсин.

3. ОЎЮ ректорларига:

3.2. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларни Интернетдан касбий ва педагогик инновациялар ҳақида маълумотлар олишни кенгайтириш йўлларини ишлаб чиқсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамга оламан.

**Олий ва ўрта махсус талим вазири**

## 4.1.11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий техника таълимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 12 январдаги 8-сонли

## БУЙРУҒИ

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган жадал ўзгаришлар, юртимиз иқтисодий тараққиётини янада тезлаштириш масалалари ва бу борада Президент И. Каримовнинг кўрсатмалари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, жумладан, олий техника таълими олдига янги вазифаларни қўймоқда.

Техника соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини замон талаблари даражасига кўтариш, янги техника ва технологияларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва улардан унумли фойдаланиш қобилиятига эга бўлган кадрларни тайёрлаш, техника таълимини ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграциясини янада кучайтириш, мазкур кадрларни тайёрлашнинг минтақа ҳудудида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда режалаштириш ва шу каби масалаларни амалга ошириш, олий техника таълимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан биридир. Юқоридагилардан келиб чиқиб

### БУЮРАМАН:

1.Республикада ва хориждаги олий техника таълими ҳамда техника ва технология йўналишларида кадрлар тайёрлаш бўйича мавжуд тажрибаларни таҳлил этиш ва унинг асосида олий техника таълимини такомиллаштиришга қаратилган масалаларни ўзида мужассамлаштирган Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилсин.

2. Республикада олий техника таълимини такомиллаштириш концепциясини тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Республикада олий техника таълимини такомиллаштириш» масаласи Вазирлик Ҳайъат мажлисининг феврал ойида муҳокама этилсин. Мазкур масалани тайёрлашда қуйидаги муаммоларни ечиш механизми тўғрисидаги таклифлар атрофлича ўрганиб чиқилсин:

- олий техника таълимида янги педагогик технологиялар;

- олий техника таълимини фундаменталлаштириш;

- фундаментал ва ихтисослик фанларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларни ўқитиш кетма-кетлиги;

- ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишни такомиллаштириш;

- талабанинг билим олишдаги фаоллигини ошириш;

-мустақил таълимнинг ташкилий-услубий таъминотини яратиш;

- замонавий ўқув адабиётлари, маълумотномалар, давлат стандартлари, илмий-техник журналлар билан таъминлаш;

- моддий-техник таъминотни кучайтириш, лаборатория асбоб-ускуналари, сарфланувчи (расходные) ашъёлар ва реактивлар билан мунтазам таъминлашни ташкил этиш;

-малакавий амалиётни илғор технологиялари мавжуд бўлган корхоналарда ташкил этиш;

-курс иши, малакавий битирув иши, магистрлик диссертациялари мавзуларини амалий эҳтиёжлардан келиб чиқиб белгилаш;

-ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграцияни кучайтириш ҳамда кафедралар филиалларини ташкил этиш;

-техника фанлари педагоглари малакаларини мунтазам равишда ишлаб чиқариш корхоналарида ошириш масалалари;

-устувор йўналишларда таълим олаётган талабаларга имтиёзли стипендиялар тайинлаш;

- таълим ва илм-фан интеграциясини кучайтириш;

-минтақанинг истиқболий тараққиёти ҳисобга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш; буюртмачи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик;

- кадрлар тайёрлаш, таълим хизматлари кўрсатиш, илмий-технологик ва конструкторлик ишлари бўйича маркетинг хизматини такомиллаштириш;

-иқтидорли талабаларни ва техника соҳасидаги ижодиётни рағбатлантириш;

-ОТМ да молиявий-ташкилий бошқарувни ислоҳ қилиш;

-халқаро алоқаларни ривожлантириш;

- талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимини ташкил этиш.

4. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Б.Ҳ.Раҳимов)га:

4.1. 2004 й. 28 январгача олий техника таълими соҳасида республикада ва хорижда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш, унинг асосида ДТС, ўқув режа ва дастурларини қайта кўриб чиқиш ва комиссияга тақдим этиш топширилсин.

5. Етакчи техника олий таълим муассасалари (ТДТУ, ТТЕСИ, ФарПИ, НамМИИ, НавДКИ, ТАЙИ, ТИҚХМИ) ректорларига :

5.1. 2004 й. 28 январгача ривожланган хорижий давлатлардаги таълим тизими тажрибаларини инобатга олган ҳолда олий техника таълимнинг давлат таълим стандарти, ўқув режа ва дастурларининг муқобил вариантларини тайёрлаш ва комиссияга топшириш вазифалари юклатилсин.

6. Олий таълим муассасалари ректорларига комиссия таркибига киритилган профессор-ўқитувчиларни жорий йилнинг 12 январидан Вазирлик ихтиёрига бир ҳафта муддатга хизмат сафарига жўнатиш топширилсин.

7. Ахборот технологиялари ва масофавий таълим бошқармаси бошлиги А.Абдуллаевга комиссия фаолиятига зарурий бўлган маълумотларни Интернет тармоғидан олишга амалий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

8. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Ш.Д.Жонбоев)га тўпланган материалларни умумлаштириш ва унинг асосида республика олий техника таълимини такомиллаштириш концепциясининг якуний таҳририни тайёрлаш, уни рўёбга чиқариш механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳайъат қарори лойиҳасини тайёрлаш вазифалари топширилсин.

9. Вазирлик ишлар бошқармаси бошлиғи И.Йўлдошевга комиссия фаолияти учун махсус иш жойини ажратиш ва компьютер билан таъминлаш вазифалари юклатилсин.

10. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус талим вазири**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2004 йил 12 январдаги 8-сон буйруғига
1-илова

**Олий техника таълимини такомиллаштиришга қаратилган концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ижодий гуруҳ таркиби**

1. Аюпов Ш.А. – Вазир ўринбосари, комиссия раиси
2. Жонбоев Ш.Д. – ОЎЮББ бошлиғи в.б.,комиссия раиси ўринбосари
3. Рўзиев Қ.И. – ОУЮББ бошлиғи ўринбосари, комиссия масъул котиби
4. Аллаев К.Р. – ТДТУ ректори
5. Тожиев Р.Ж. – ФарПИ ректори
6. Райимжонов Б. – НавДКИ ректори
7. АхматхўжаевХ.Т. – НамМИИ ректори
6. Абдуллаев П. – ТДТУ проректори
8. Норов Ю.Ж. – НавДКИ декани
9. Тошпўлатов С.А. – доцент,ТАҚИ декани
10 .Ш.Расулов М.Х. – доцент,ТТЙТМИ декани
11. Эргашев К.Э. – ТТЕСИ кафедра мудири
12. Комилова Х.Х. – ТТЕСИ декани
12. Зоиров И.У. – ТДТУ кафедра мудири
13. Қодиров Т.М. – ТДТУ кафедра мудирии
14. Ортиқов А.О. – ТКТИ декани
15. Перегудов Л.В. – ОЎМММИ директори ўринбосари
16. Тўйчиев Х.А. – ЎзМУ проректори
17. Абдуллаев А. – АТ ва МТ бошқармаси бошлиги

**Мамлакатдаги олий техника таълимини таҳлил этиш бўйича саволнома**

1. Охирги уч йил давомида техника ва технология йўналишларига қабул қилинаётган талабаларнинг тест синовларида тўплаган баллари таҳлили, шу жумладан давлат гранти ва тўлов-контракт бўйича.

2. Техник йўналишлардаги кафедраларни услубий меъёрий ҳужжатлар (давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалари ва фанлар дастурлари, Олий таълим меъёрий ҳужжатлари 1 ва 2-қисм), кадрлар ва лаборатория анжомлари билаи таьминланганлиги.

3. Техника ва технологияга оид фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва қўшимча ўқув адабиётлари (справочниклар, стандартлар, луғатлар, лойиҳалаш меъёрлари, рисолалар, техник журналлар) билан таъминланганлик.

4. Техника ва технологияга оид фанлар бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишни режалари ва уларнинг бажарилиши (уч ёклама шартнома асосида) Вазирлик грифи билан нашр этилган адабиётлар ва электрон дарсликлар яратиш ҳолати.

5. Техника ва техпология соҳасида олиб борилаётгаи илмий тадқиқотлар, уларнинг натижаларини республика ва халқаро миқёсда тан олинганлиги, ишлаб чиқаришда қўлланилаётганлиги ва самарадорлиги.

6. Курс ишлари ва лойиҳалари, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларида долзарб ва амалий масалаларнинг қўйилиши ва ечилиши.

7. Профессор-ўқитувчиларнинг ишлаб чиқаришда тажриба ва малака орттириши, у ердаги техник ва технологик масалаларии ҳал қилишдаги иштироки.

8. Техника ва технология мутахассисликлари бўйича илмий педагогик кадрлар тайёрлашнинг истиқбол режаси ва унинг амалга оширилиши.

9. Техника олий таълими мавқеини ошириш ва ёшларни техник ижодиётга жалб этиш бўйича режалаштирилган ва амалга оширилаётган тадбирлар.

10. Битирувчиларнинг ишга жойлашуви ва кейинги фаолиятлари мониторинги.

2-илова

**Республикада олий техник таълимни такомиллаштириш Концепцияси (тузилиши)**

11. ОТМ нинг техник олий таълимни ривожлантириш бўйича фаолиятига баҳо бериш.

1-бўлим. Эришилган даража (Расулов М.Х., Комилова Х.Х.)

Таълим йўналишлари ва тайёрланаётган кадрлар микдорининг эҳтиёжга мослиги абитуриентларнинг савияси, ўтиш баллари, таълим сифати, меъёрий-услубий ҳужжатлар ва дарсликлар, профессор-ўқитувчиларнинг сифат ва ёш таркиби, илм-фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқалар, инвестициялар, халқаро ҳамкорлик.

2-бўлим. Камчилик ва муаммолар (Расулов М.Х., Комилова Х.Х.)

Ёшларда техникага қизиқишнинг пасайиши, тест синовлари ва ўтиш балларининг пастлиги, айниқса тўлов-контракти бўйича, профессор-ўқитувчиларни ёшини ортиб бориши, техника мутахассисликлари бўйича аспирантурага кирувчиларнинг камайиши, илм-фаннинг орқада қолиши, ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлашдаги иштироки камлиги, дарсликларнинг камлиги ва сифатсизлиги, кадрлар тайёрлашнинг тарқоқлиги ва кам сонли гуруҳларнинг мавжудлиги ва унинг оқибатида бир ўқитувчининг кўп сонли фанлардан дарслар ўтиши, фанларнинг майдалиги ва кўплиги, моддий-техниканинг эскилиги, лаборатория анжом ва ашёларининг йўқлиги ва ш .ў.

3-бўлим. Концепциянинг мақсади ва вазифалари (Аллаев Қ.Р., Эргашев К.Э.). Республикада замонавий техника ва технологияларни ярата оладиган ва улардан самарали фойдалана оладиган миллий кадрлар тайёрлаш. Яқин 5-10 йилда амалга оширилувчи стратегик ва тактик вазифалар, олий техника таълимининг республика учун устувор йўналишлари, уни регионаллатириш ва соҳалаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарини кадрлар тайёрлашдаги фаоллигига эришиш, устувор йўналишлар бўйича амалий тадқиқотлар ўтказиш, натижаларни жорий этиш ва экспорт қилиш.

4-бўлим. Концепцияни амалга ошириш босқичлари ва муддатлари (Жонбоев Ш.Д., Рўзиев Қ.И.)

Концепцияни босқичлари ва бўлимлари, уларни амалга ошириш муддатлари ҳамда кутилаётган натижалар.

5-бўлим.Техник олий таълимнинг меъёрий-услубий ва ахборот таъминоти (Тўйчиев Х.А.Перегудов Л.В., Абдуллаев А.). Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари (Ўзбекистон, Россия ва Европа мамлакатлари тажрибасига асосан), дарсликлар, ўқув қўлланмалари, электрон ўқитиш воситалари, масофавий таълим, кутубхоналар, таълимда ахборот-коммуникация технологиялари, мустақил таълим ва унинг меъёрий-услубий таъминланганлиги ва ташкил этилиши ва б.

6-бўлим.Техник олий таълимнинг кадрлар билан ва моддий-техник таъминоти (Қодиров Т.М., Норов Ю.Ж.). Илмий-педагогик кадрларнинг тайёрлаш ва уларни малакаларини ошириш истиқболи, малака оширишда ишлаб чиқариш корхоналарининг ролини кўтариш, хорижий тажриба орттириш, малака ошириш тизими, профсссор-ўқитувчиларни

даврий аттестацияси, ижтимоий ҳимояси, мавқеи ва нуфузини кўтариш, ёш педагоглар ва юқори тажрибага эга мутахассисларни педагогик фаолиятга жалб қилиш.

Моддий-техника таъминотини тубдан янгилаш, замонавий лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминлаш, амалий дарслар учун зарурий ашёлар, материаллар ва реактивларни, кўргазмали қуроллар, макетлар ва моделларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ходимлар ва лаборантларни малакасини ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш ва б.

7-бўлим. Техника ва технология соҳасидаги илмий тадқиқотлар, илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш (Абдуллаев П.,Ортиқов А.С.). Амалий йўналишларда илмий тадқиқотлар ўтказиш, корхоналарнинг буюртмалари бўйича реал илмий, конструкторлик ишлари бажариш, ўқув ишлаб чиқариш ва конструкторлик бюроларини ташкил этиш, диссертациялар ва илмий ишларни корхоналар ва илмий тадқиқот институтларида ҳимоя қилиш, ёшларни илмий-техник ижодга қизиқтириш ва жалб қилиш, танловлар ва кўргазмалар уюштириш, техник йўналишдаги аспирантларга ва тадқиқотчиларга имтиёзлар белгилаш, аспирантлар раҳбарларини рагбатлантириш, долзарб мутахассисликлар бўйича илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш истиқбол ва жорий режалари ва б.

8-бўлим.Техник олий таълим ва ишлаб чиқариш (Зоиров И.У.,Тошпўлатов С.А.)

Ишлаб чиқариш корхоналарининг олий техника таълими соҳаларида кадрлар тайёрлашдаги ролини ва жавобгарлигини оширишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий усуллари, таълим муассасаларида корхоналар очиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тажриба базалари барпо этиш, корхоналарда кафедралар ва лабораториялар ташкил этиш, ҳамкорликда илмий ва конструкторлик ишлари бажариш ва ш.ў.

9-бўлим. Техника ва технология соҳасида кадрлар тайёрлашда халқаро ҳамкорлик (Тожиев Р.Ж., Ахматхўжаев Х.Т.). Хорижий тажрибаларни ўрганиш, ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш, малака ошириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, кафедра, факультет ва институтлар очиш, илмий симпозиумлар ўтказиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва б.

10-бўлим. Жамиятда техника ва технология соҳасидаги фаолият ва ижоднинг обрўэътиборини кўтариш (Рўзиев Қ.И., Раимжонов Б., ) Оммавий ахборот воситаларида, бадиий асарларда, киноларда техник ижодиёт ва шу соҳадаги фаолиятни тарғиб қилиш, техника соҳасидаги ижодкорлар учун фахрий унвонлар, давлат мукофотлари таасис этиш ҳақида таклифлар, муҳандислик академиясини ташкил этиш, ихтирочиликни кенг ёйиш, бу ҳақда киножурнал ва тележурналлар ташкил этиш ва б.

### 4.1.12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг «Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида»ги 2004 йил 6 февралдаги 1/3-сонли

### ҚАРОРИ

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар, юртимиз тараққиётини янада жадаллаштириш масалалари, бу борада Президент И.Каримовнинг кўрсатмалари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни тўла бажарилишини таъминлаш олий техника таълими олдига янги вазифаларни қўймоқда.

Техника соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини замон талаблари даражасига кўтариш, янги техника ва технологияларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва улардан унумли фойдаланиш қобилиятига эга бўлган кадрларни тайёрлаш, техника таълимини ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграциясини янада кучайтириш, мазкур кадрларни тайёрлашда ҳар бир минтақа ҳудудида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналарининг истиқболий ривожланишини назарда тутган ҳолда режалаштириш ва амалга оши-

риш, бугунги кунда олий техника таълимини такомиллаштиришда муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Вазирлик буйруғига (12.01.2004 й.8-сон) мувофиқ ташкил этилган ижодий гуруҳ мазкур вазифаларни чуқур англаган ҳолда “Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси” лойиҳасини ишлаб чиқди. Унда олий техника таълимининг бугунги ҳолати таҳлил этилиб, шу соҳада эришилган жаҳон тажрибалари асосида республикамизда олий техника таълимини такомиллаштиришнинг истиқболий йўналишлари келтирилган.

Концепция лойиҳасининг дастлабки муҳокамасида бир қатор кафедра мудирлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари ва илмий тадқиқот институтлари олимлари иштирок этдилар. Уларнинг таклиф ва мулоҳазалари эътиборга олиниб, лойиҳага тегишли ўзгартиришлар киритилди. Концепция лойиҳасининг сўнгги муҳокамасида техника йўналишидаги барча олий таълим муассасалари ректорлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этиб, олий техника таълимини такомиллаштириш тўғрисидаги Концепция бугунги куннинг энг долзарб масаласи эканлигини алоҳида таъкидлаб, уни ҳайъат мажлиси муҳокамасига киритиш ҳақида таклиф киритдилар.

Концепция лойиҳасини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ раҳбари, ТДТУ ректори Қ.Р.Аллаевнинг ахборотини тинглаб ва муҳокама этиб, Ҳайъат мажлиси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси” лойиҳаси маъқуллансин ва жамоатчилик муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

2. Техника олий таълими йўналишларида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари (ТДТУ, ТАҚИ, ТАЙИ, ТДАИ, ТТЕСИ, ТКТИ, ТАТУ, ТТЙТМИ, ТМҚХММИ, ТДАУ, АндМИИ, БухООЕСТИ, ЖизПИ, ҚарМИИ, НамМИИ, НамМГТИ, СамДАҚИ, СамКООПИ, ФарПИ, НавДКИ, АндҚХИ, СамҚХИ) ректорларига:

2.1.Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти билан ҳамкорликда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартларига ва ўқув режаларига Концепция талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритиш топширилсин ва уларда қуйидагилар албатта назарда тутилсин:

– фанларни ўқитишдаги узвийлик ва узлуксизлик;

– техника олий таълимини фундаменталлаштириш;

– таълимни инсонпарварлаштириш;

– кадрларни илдам (истиқбол учун) тайёрлаш;

– мустақил таълимни ролини ошириш;

– амалий ва тажриба дарслар ҳажмини кўпайтириш;

– амалиётларни меъёрий-услубий таъминлаш;

– таълим сифати назоратида холисликни таъминлаш;

– ўзлаштириш тўғрисидаги баҳоларнинг халқаро тан олиниши;

– таълимни замонавий ахборот ресурслари билан таъминлаш;

– профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятини кўтариш;

– таълимни ишлаб чиқариш ва фан билан интеграциясини кучайтириш;

– Болония жараёни иштирокчилари - Европа кенгаши талабларини инобатга олиш.

2.2. Ҳудудий ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжини инобатга олиб зарурий кадрларни тайёрлаш бўйича техника соҳасидаги олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш топширилсин.

2.3. Ахборот технологиялари йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурларида миллий дастурчилар (программистлар) тайёрлашга катта эътибор қаратилсин.

2.4. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касбҳунар таълим муассасалари ўқувчилари орасидан иқтидорли болаларни излаб топиш, уларни олий техника таълимига жалб этиш ишларини ташкил қилиш вазифаси юклатилсин.

2.5. Техник олий таълимни аҳоли ва айниқса ёшлар ўртасида мавқеини кўтаришга қаратилгаи тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш топширилсин.

3. ОТМ ректорларига: Концепциянинг иккинчи босқичини амалга ошириш билан

боғлиқ бўлган вазифаларнинг бажарилиш механизмлари ишлаб чиқилсин, уларда қуйидагилар албатта инобатга олинсин:

замонавий технологиялари мавжуд бўлган корхоналарда талабаларнинг амалиёт ўташи;

халқаро миқёсда тан олинадиган даражадаги амалий илмий тадқиқотларни бажариш;

олий техника таълимини моддий техника таъминоти учун бюджет, бюджетдан ташқари маблағлар ва хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш.

9. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Б.Ҳ.Раҳимов)га:

9.1. «Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси»га мувофиқ. «Мухандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари» (500.000) таълим йўналишлари ва мутахасисликлари классификатори, давлат таълим стандартлари, ўқув режаларини қайта кўриб чиқиш бўйича техника олий таълим муассасалари фаолиятларини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

9.2. Жорий йилнинг биринчи августига қадар 500000-чи бакалавриатура таълим йўналишлари классификатори давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг янги таҳрири Вазирликка тасдиққа киритилсин.

9.3. Хорижий тажрибаларга асосланиб, мустақил таълимни ташкил этиш бўйича услубий тавсияномаларини ишлаб чиқиш топширилсин.

9.4. Олий техника таълимини такомиллаштиришнинг илмий-услубий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларига бағишланган тадқиқотлар ўтказиш бўйича Фан ва технологиялар марказига таклиф киритиш топширилсин.

9.5. Тошкент давлат техника университети ва бошқа техника олий таълим муассасалариии жалб қилган ҳолда «Талабалар техник ижоди(ТТИ)» кўрик-танловларини ўтказиш низоми ишлаб чиқилсин.

10. Гуманитар таълим ва шахс камолоти бош бошқармаси (Э.Ғ.Набиев)га:

10.1. Техника ва технология соҳаларидаги бакалавриат йўналишлари давлат таълим стандартларини қайта ишлаш жараёнида таълимни гуманитарлаштириш ва инсонпарварлаштириш, фанларга миллий истиқлол ғоясини сингдириш масалаларини назоратга олиш топширилсин.

10.2. Ижтимоий-гуманитар фанларни режалаштиришда мавзулар ва фанларнинг (курсларнииг) асоссиз такрорланишига йўл қуймаслик вазифалари юклатилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест марказидан олий техника таълимига билимдон абитуриентларни саралаб олишни таъминловчи қабул тест синовларини жорий этиш сўралсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан мактабгача ва умумий ўрта таълим дастурларига болаларни кичик ёшдан техникага қизиқтирувчи дастурларни киритиш, ёш техниклар клублари фаолиятларини жонлаштириш сўралсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигидан олий техника маълумотли бакалавр ва магистрларнинг эгаллашлари мумкин бўлган лавозимлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш сўралсин.

14. Ўзбекистон Фан ва технологиялар марказидан:

14.1. «Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси»ни рўёбга чиқаришни таъминлаш мақсадида идоралараро мувофиқлаштирувчи Комиссияни ташкил этиш сўралсин.

14.2. Илмий-техник журналлар нашрларини қўллаб қувватлаш, техника соҳаларидаги хорижий янгиликларни реферат-ахборотлар шаклида нашр этишни ташкил этиш сўралсин.

15. Тошкент Давлат Техника университетида Республика Политехника музейини ташкил этиш масаласи манфаатдор идоралар билан ўрганиб чиқилсин.

16. Ўзбекистон Миллий ва Жаҳон тиллари университетларининг журналистика йўналишидаги бакалаврлар таркибидан техника соҳаларини ёритиш кўникмаларига эга бўлган магистрлар тайёрлаш топширилсин.

17. Ушбу Ҳайъат қарори ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.А.Аюпов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Лойиҳа

## 4.1.13. Ўзбекистонда 2010 йилгача бўлган даврда Олий техник таълимни такомиллаштириш

## КОНЦЕПЦИЯСИ

### Кириш

Жаҳон фани, техникаси ва технологияси жуда тез ривожланмокда. Кўп мамлакатлар XXI-асрнинг биринчи чорагида жаҳон бозори учун рақобатбардош маҳсулот етказиш ва хизмат кўрсатиш йўлини белгилаш учун олтинчи технологик тузумни ишлаб чиқмоқдалар. Техиик кадрлар ялпи ички маҳсулотнииг асосий қисмини яратадилар ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожланишини белгилайдилар. Ўзбекистон ушбу жараёнга қўшилиши учун барча имкониятларга эга. Республиканинг илмий салоҳиятини хом ашё ва инсон ресурслари билан бирлаштириш жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда таълим соҳасида, жумладан, олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» вазифаларини босқичма-босқич амалга оширилишининг натижаси бўлиб, мамлакатда бир неча ўн йиллар давомида тўпланган сиёсий, иқтисодий, мафкуравий тизимни тубдан ўзгартиришнинг ва иқтисодиётнинг янги асосини яратиш шароитида амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиёти олий таълим, жумладан, техника таълими олдига янги талабларни қўймокда, чунки мамлакатни замонавий цивилизациянинг илғор марраларига етказиш вазифасини юқори сифатли техник кадрларни тайёрлаш тизимини яратмасдан туриб бажариб бўлмайди. Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш ва юксак турмуш даражасига эришишда такомиллашган саноат ишлаб чиқаришининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир.

1. Олий техник таълим ривожланишининг долзарблиги

1.1. Жамият тараққиётида олий техник таълимнинг роли

XXI асрда, яъни информацион технологиялар, биотехнологиялар, кибернетика ва квант техникаси асрида цивилизация тараққиётининг устувор йўналишларини қуйидагилар ташкил этади:

-фанлараро фундаментал ва амалий тадқиқотлар;

-«инсон яшаш муҳити» тизимини ривожлантиришда узоққа мўлжалланган бошоратлаш;

-ген инженерияси асосидаги биотиббиёт ва биотехнологиялар (геобиотехнология, экобио-технология, тўқималарни ўстириш, инженерлик тиббиёти ва ҳ.к);

-чуқур илмга асосланган ва авиакосмик технологиялар;

-микроэлектроникани ривожланиши билан боғлиқ критиктехнологиялар (нано-, био-, опто- ва акустоэлектроника, сунъий интеллекттизими ва атоматлаштирилган таржима);

-амалий йўналтирилган энг янги ахборот технологиялари ва тизимлари, умумтизимли ва тадбиқий дастурлаш;

-ноанъанавий энергоресурслар, ресурс ва энергия тежаш технологиялари;

-табиий ресурслар ва техник материалларни қайта ишлашнинг янги технологиялари;

-белгиланган хусусиятли мутлоқ янги материаллар (ўта мустаҳкамлик, иссиқбардошлилик, ейилишга бардошлик, хотирага эга бўлган ва бошқа);

-машина ва ишлаб чиқариш мажмуалари тизимининг янги авлоди (мослашувчан ишлаб чиқариш тизимлари, роботлар ва робототехник мажмуалар ва бошқалар);

-транспорт ва алоқа воситаларининг янги авлоди (юқори тезликка эга, энергия тежовчи ва экологик тоза хусусиятли транспорт, глобал телекоммуникации ва экомониторинг глобал тизимлари).

XXI аср цивилизациясини янада тараққий эттиришда юқоридаги устувор жиҳатларни амалга ошириш учун барча иқтисодиёт соҳаларини тезкор ривожлантириш имкони-

ни берадиган техник кадрларнииг янги авлодини кенг кўламда тайёрлаш зарур.

Рақобатбардош техник мутахассисларни тайёрламасдан туриб рақобатбардош иқтисодиётни барпо этиш мумкин эмас.

Ўзбекистонда узлуксиз таълим, жумладан, олий техника таълим тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш бўйича концептуал ҳужжатлар, 1997 йилда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ҳисобланади. Улар юксак умумий ва касбий маданиятга эга бўлган, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил ҳолда ҳаракат қила оладиган, келажакка қаратилган вазифаларни қўя олиш ва уларни ечишга қодир бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган. Миллий дастурнинг муҳим вазифалардан бири «У мамлакат социал-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият талаблари, фан, техника ва маданиятнинг замонавий ютуқларидан келиб чиқадиган кадрлар тайёрлаш мазмуни ва структурасини қайта ташкил қилишдан иборатдир».

1.2. Ўзбекистонда олий техника таълимининг аҳволи

Ўзбекистонда 1995 йилдан буён икки босқичли олий техника таълими тизими амалда қўлланилмокда, жумладан:

- бакалавриат – ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган;
- магистратура – бакалавриат негизида ўқиш муддати икки йилдан кам бўлмаган.

Бу тизим ўз тузилишига кўра инглиз тилли мамлакатлар, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тизимларига, шунингдек, Болония жараёни доирасида яратилаётган Европа тизимига ўхшашдир. Олий техник таълимнинг икки босқичли тизими кўплаб мамлакатларнинг илмий техник ва иқтисодий ютуқлари учун самарали асос бўлиб хизмат қилмокда.

Ўзбекистонда техника соҳаси бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш 2 университет ва 16 та институтларда 50 таълим йўналиши ва 500 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича олиб борилмокда:

- нефт ва газ тармоқлари;
- энергетика;
- тоғ-кон ва қайта ишлаш тармоқлари;
- агросаноат мажмуаси;
- кимё саноати;
- енгил ва тўқимачилик саноати;
- транспорт ва транспорт тизимлари;
- ахборот – коммуникация тармоқлари;
- қурилиш саноати;
- юқори технологияли машинасозлик;
- жаҳон стандартларига жавоб берувчи туризм ва сервис соҳаси.

Сўнгги 6 йил ичида юқорида қайд этилган тармоқлари учун 32754 бакалаврлар ва 1660 магистрлар тайёрланди. Бакалавр ва магистрларнинг ишлаб чиқаришда касбий мослашуви, уларни замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиниши билан таъминланади. Лекин айрим тармоқларда маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлай оладиган чуқур таркибий технологик ўзгаришлар рўй бермаган, яъни:

- чуқур илмга асосланган ахборот технологиялари амалиётга кенг кўламда киритилмаяпти (автомобилсозлик бундан мустасно), шунингдек, ишлаб чиқаришнинг замонавий автоматлаштирилган воситаларидан фойдаланилмаяпти ёки амалиётга жорий этиш суст амалга ошириляпти;
- минерал хом ашё (нефт, газ, тошкўмир ва б.)ларни чуқур қайта ишлаш қўлланилмаяпти;
- мураккаб юқори технологик маҳсулотлар кам тайёрланмоқда;
- ривожланган мамлакатлар билан таққослаб кўрилганда, ўхшаш махсулотлар бирлиги учун сарфланаётган масса ва энергия харажати ғоят катта;
- қишлоқ хўжалик хом ашёларини чуқур қайта ишлаш кам қўлланилмокда;
- Ўзбекистондаги олий техника таълимини паст суръатларда ривожланишининг сабаблари қуйидагилардан иборат:
- Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда белгиланган олий техника таълими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг Ўзбекистонда кечаётган динамик ривожланиш жараёнидан ортда қолиши;
- таълим тизимидаги маънавий эскирган

инфраструктуранинг XXI аср муҳандислиги ва ишлаб чиқариши талабларига жавоб бермаслиги;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчиларининг «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур»да белгиланган мақсад ва вазифаларни бажаришда номуносиб иштироки.

1.3. Концепциянинг мақсади ва асосий вазифалари .

Олий техника таълими тизимини такомиллаштириш давлат, жамият ва шахс манфаатларини қондириш, бозор иқтисодиётига ҳос рақобатбардошликни кучайтириш ҳар бир инсонга таълим олишнинг шакл ва муддати, мазмун ва даражасини кенг танлаш имкониятини беради.

Ўзбекистонда олий техника таълимини такомиллаштиришдан мақсад, уни XXI аср муҳандислиги ва ишлаб чиқариш талаблари доирасида барқарор ва самарали фаолият кўрсатиши учун ривожланиш механизмлари ва шарт-шароитларини яратишдир. Олий техник маълумотли кадрлар қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

- ўзига тегишли ва турдош йўналишлар бўйича тобора ўсиб бораётган барча илмий-техник ахборотлар оқимида осон ва тез иш юрита олиши;

- компьютер технологиялари имкониятларидан кенг фойдалана олиши;

- касбий мослашувчанликка эга бўлиш, яъни фундаментал тайёргарликка суянган ҳолда амалий ва илмий фаолиятда доимо содир бўлиб турадиган ўзгаришларга тезкор муносабатда бўлиш;

- ўз раҳбарлигидаги жамоанинг фаолиятини оқилона ташкил этиш ва бошқариш каби фазилатларга эга бўлиш.

Такомиллаштиришнинг прагматик мақсади олий техника таълимининг фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро мустаҳкам алоқаси асосида малакали кадрлар тайёрлаш орқали рақобатбардош маҳсулот ва хизматларни таъминлашдан иборатдир.

Олий техника таълимини такомиллаштиришнинг мазмуни иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, хавфсизлик тизими, давлат хизмати, хизмат кўрсатиш соҳалари ва шу кабиларнинг талабларига мос бўлиши керак.

Кўрсатилган мақсадларга эришиш учун биринчи навбатда қуйидаги устувор ва ўзаро боғланган масалаларни ечиш зарур:

- техник кадрлар тайёрлашни жадаллаштирилган усулда ташкил этиш ва уни амалга ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш;

- таълим тизимини самарали ташкил этувчиларни тайёрлаш;

- олий техника таълимини фундаменталлаштириш, инсонпарварлаштириш ва гуманитарлаштиришни таъминлаш;

- илмий-педагогик кадрлар ва талабаларнинг илмий тадқиқот ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника, чуқур илмга асосланган ва ахборот технологияларини ривожлантириш;

- олий техника таълими тизимида таъсирчан менежмент ва маркетинг, самарали иқтисодий муносабатларни шакллантириш;

- иқтисодиётнинг таянч тармоқлари муҳандис кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда, рақобатбардош маҳсулот ва хизматларни яратишда қўлланилаётган замонавий фан, техника, технология ва иқтисодиёт ютуқларини тадбиқ этиш.

Натижада, янгиланган олий техника таълими, қуйидагиларни таъминлаши керак:

- фуқароларнинг муайян даромадларини ошириш ва яшаш шароитларини яхшилаш;

- чиқиндисиз, кам чиқиндили, ресурс ва энергияни тежовчи технологияларни ўзлаштириш, шунингдек, янги материалларни қўллаш;

- мамлакат ва унинг аҳолиси хавфсизлигини ҳамда экологик хавфсизликни мустаҳкамлаш.

2. Олий техника таълимининг устувор йўналишлари

2.1. Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш тамойиллари

Давлат таълим стандартлари (ДТС)ни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари қуйидагилардан иборат:

- «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим тизимини ва кадрлар тайёрлаш, баркамол авлод тарбиясини тубдан ислоҳ қилиш ҳақида»ги 1997 йил 6 октябрдаги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва киритиш ҳақида»ги 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш ҳақида»ги 2001 йил 16 август № 343-сонли қарори.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ва хорижий мамалакатлар тажрибасига мувофиқ ДТСни ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Олий техника таълимининг фундаменталлаштириш, гуманитарлаштириш ва инсонпарварлаштириш;
- техник таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги;
- техник кадрларни жадаллаштирилган ҳолда тайёрлаш;
- мустақил таълим, танқидий фикрлаш ва ижодий фаолият кўникмаларини ҳосил қилиш;
- таълим дастурларининг ҳаракатчанлиги;
- талабаларнинг академик ҳаракатчанлиги;
- таълимни давом эттириш имкониятларини кенгайтириш;
- техник кадрлар тайёрлашда кўп босқичли таълим сифати ва назорат.

Олий техник таълимнинг фундаменталлаштириш. Техник таълимнинг янгича парадигмаси нафақат юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни, балки кенг маълумотли ижодий шахсларни шакллантиришни назарда тутади. Буни эса ўқув жараёнини фундаменталлаштиришни кучайтирмасдан туриб, амалга ошириб бўлмайди.

Биринчидан, сўнгги йилларда фундаментал фанлар муҳандислик ва ишлаб чиқаришда доимий таъсир этувчи ва самарадор кучга айланди.

Иккинчидан, техник таълимнинг фундаменталлаштириш танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятни шакллантиришга самарали ёрдам беради.

Учинчидан, фундаментал фанлар табиий-илмий, касбий ва гуманитар билимларни самарали интеграциясини таъминлайди.

Таълимнинг фундаменталлаштириш олий техник маълумотли кадрларга жонли ва жонсиз табиатдаги жараёнлар ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар, билишнинг илмий усуллари ва тизимли ёндашув асосида билимларни яратиш, илгари суриш ҳамда оммалаштириш учун зарурдир. Чуқур илмга асосланган ва ахборот технологияларни, биотехнологияларни, микродаражадаги технологиялар (нанотехнологиялар, оптотехнологиялар, микротехнологиялар ва ҳ.к), берилган характеристика ва хоссаларига эга янги материаллар (шу жумладан, композит асосидаги), робот техникаси ва робот техникаси тизимларини ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва самарали қўллаш учун мутахассисга жиддий фундаментал тайёргарлик зарур.

Техника таълимининг инсонпарварлиги инсонни энг олий ижтимоий қадрият сифатида қарор топишига, унинг қобилиятларини намоён бўлиши ва турли таълимга бўлган эҳтиёжини қондирилишига, умуминсоний қадриятларни устуворлигига, инсоннинг атроф-муҳит билан муносабатларини уйғунлашувини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Техник таълимнинг гуманитарлаштириш таълим олувчиларда оламнинг яхлит манзараси, юқори маънавият, маданият ва самовий тафаккурни шакллантиришга йўналган бўлиши лозим. Замонавий мутахассис унинг маънавияти ва маданиятини белгиловчи кенг гуманитар билимларни эгаллаши лозим.

Олий таълимнинг гуманитарлашуви этик (ахлоқий), эстетик, эргономик, экологик, иқтисодий ва ҳуқуқий тарбия каби ташкил этувчиларини қамраб олиши лозим.

Узвийлик техника таълимини олдинги босқичидан чиқиш, кейинги босқичига кириши билан «туташиши»ни табиий бўлишини билдиради. Узвийлик натижасида ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлик техник таълим тизимининг барча босқичларида таъминланади. Биринчи навбатда бу қуйидаги босқичлар занжирига тегишли: ўрта махсус, касбий таълим-олий таълим (бакалавриат, магистратура)-олий таълимдан кейинги таълим (аспирантура, докторантура)кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Техника таълими босқичлари узвийлигининг меъёрий ва илмий-услубий асослари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- мавзулараро ва фанлараро узвий алоқаларни таъминловчи давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларининг интеграллашуви;

- техника таълимининг турли босқичларида таълим дастурлари таркибини аниқлашга тизимли ёндашиш;

- техника таълимининг турли босқичларида таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини руҳий-педагогик ва ташкилий-услубий асосларининг мувофиқлиги.

Ташкилий ва функционал техника таълими узвийлиги унинг узлуксизлигининг асоси бўлади. Бу борада иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар мониторингини олиб бориш зарур.

Техник кадрларни илдам ҳолда тайёрлашнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш, ҳозирги ва келгуси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига самарали кириб боришига йўналтирилган. Жадаллаштирилган ҳолда тайёрлашни таъминлаш учун, ДТС нинг тегишли элементлари фан, техника, технология, иқтисодиёт, таълим ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда таълим йўналиши ва мутахассисликни ривожлантиришга қаратилмоғи зарур. Муҳандисликдаги ва ишлаб чиқаришдаги кадрларга қўйиладиган илмий башоратланувчи малакавий талаблар жадаллаштирилган тайёрлашнинг асослари бўлади.

Техник кадрлар тайёрлашда мустақил таълим кўникмаларини ҳосил қилиш қуйидаги масалаларни ечишга қаратилган:

- бўлажак мутахассисларда ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантириш учун талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш;

- бутун ҳаёт давомида ўзининг касбий, маънавий ва маданий даражасини такомиллаштириш учун талабаларни мустақил билим олишга ўргатиш.

- педагогика фанининг сўнги ютуқларига асосланган ҳолда, талабаларнинг билим олиш фаоллигини ривожлантириш.

Таълим дастурларининг мослашувчанлиги шахс, жамият, давлат ва меҳнат бозори талабларини кузатишни таъминлаш учун зарур. Бу ҳаракатчанлик Давлат таълим стандартларидаги фанлар ва курслар, Олий ўқув юртлари кенгашида қабул қилинган, кадрлар буюртмачилари талабларига кўра олий ўқув юртлари аниқлайдиган махсус фанлар блокида таъминланади. Таълим дастурининг ҳаракатчан қисмлари вариантларини таълим олувчи мустақил танлайди.

Техник таълим сифатининг кўп босқичли назорати рақобатбардош кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ва олий таълим бошқарувининг уч босқичида амалга оширилади.

Биринчи босқичда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади:

- олий ўқув юрти, унинг раҳбари ва илмий педагогик кадрларини таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича аттестация, унинг асосида техника Олий ўқув юртини аккредитацияси масаласи ечилади;

ўқув тарбия жараёнининг самарадорлигини ва техник кадрлар тайёрлаш сифатини эксперт баҳолаш.

Иккинчи босқичда ваколатга эга бўлган таълимни бошқариш давлат органи олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда:

- давлат таълим стандартларида кўзда тутилган мазмун ва тайёргарлик даражасини таъминланишини;

- давлат таълим стандартида кўзда тутилган касбий вазифаларни ечиш асосида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қиладилар.

Учинчи босқичда олий ўқув юрти томонидан ўқув жараёнида талабаларнинг билими, малакаси ва кўникмалари рейтинг-назорати, шунингдек, Давлат аттестация комиссиялари томонидан уларнинг билими таянч фанлар ва битирув малакавий ишлар бўйича назорати амалга ошириш.

2.2. Олий техник таълим сифатининг омиллари

Олий таълим сифати серқирра концепция бўлиб, унинг барча функциялари ва фаолият турларини: ўқув ва академик дас-

турларни, илмий-тадқиқотлар ва стипендияларни, кадрлар билан таъминлашни, таълим олувчиларни, бинолар, моддий техник база ва жиҳозларни, жамият манфаати ва академик муҳит учун фаолиятни ўзида қамраб олиши керак (XXI аср учун олий таълим тўғрисидаги декларация. ЮНЕСКО).

Таълим сифати ва кадрларнинг касбий тайёргарлиги-таълим тизимининг асосий якуний натижаси бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- одамларни: профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар, ўқув-ёрдамчи ходимлар, маъмурий-бошқарув ходимлари ва бошқалар;

- технологияларни: педагогик, тарбиявий, ахборот, бошқарув, назорат қилиш ва бошқалар;

- моддий-техник таъминотни: бинолар, жиҳозлар, лаборатория-амалиёт базаси ва ҳоказо.

- меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-услубий таъминот;

- рағбат ва хоҳишлар;

- ташқи таъсирларни: бозор иқтисодиёти, шахс, жамият ва давлат талаблари.

Таълим тизимининг таркибий элементлари таълим сифатига ва касбий кадрлар тайёрлашга муҳим таъсир қилувчи устувор омиллар мажмуасини белгилаб беради:

1. Олий ўқув юртигача таълим омиллари: умумий ўрта, ўрта махсус касбий таълим битирувчиларини тайёрлаш сифати ва унинг олий таълим билан узвийлик даражасини ҳозирги кунда абитуриентларнинг тайёргарлик даражаси паст савияда бўлиб қолмоқда. Техника таълим йўналишларига давлат грантлари асосида қабул қилишдаги ўтиш (50 га яқин йўналишлар) балли умумий тўплаш мумкин бўлган (226 балл атрофида) балнинг 46% ни, тўлов шартнома асосида қабул қилишда эса 25% ни ташкил этмоқда.

2. Меъёрий-ҳуқуқий омиллар: давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, ўқув-услубий таъминот, моддий-техник таъминот, малакавий амалиётларни. Фан, техника, технология, экология, иқтисодиёт ва таълимнинг сўнгги, башорат қилинаётган ютуқларини ҳисобга олган ҳолда техник кадрлар сифатининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янги авлодини яратиш зарур.

3. Профессор-ўқитувчилар таркиби билан боғлиқ омиллар: касбий малака, психологик-педагогик тайёргарлик, маънавият ва маданият, хоҳиш ва рағбатлар, таълим олувчилар билан ҳамкорлик даражасини. Олий техника таълими тизимида юқори малакали кадрлар (фан номзодлари ва докторлари) тайёрлаш улушини камайиши билан бир қаторда илмий педагогик кадрларнинг ёшини улғайиш жараёни ривожланмоқда. Техникавий мутахассислик бўйича диссертация ҳимоя қилаётганларнинг улуши (барча ҳимояларга нисбатан 9% атрофида) ушбу мутахассисликларнинг (барча мутахассисликларнинг 26 % га яқини) умумий улушидан уч баробар камдир.

4. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси омиллари: ўқув жараёнида малакали мутахассислар ҳамда фан ва ишлаб чиқаришнинг замонавий моддий-техника базасидан фойдаланиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда қатнашиш. Ушбу интефация жараёни ҳозирча тикланиш босқичида бўлиб, унинг омиллари рақобатбардош кадрларни тайёрлашда сезиларли ўрин эгаллаганича йўқ.

5. Менежмент ва маркетинг омиллари: бошқарув тизими, бошқарув услуби ва усуллари, раҳбарларнинг индивидуал ва ижтимоий психологик фазилатлари.

6. Рақобатбардош бозор муҳити омиллари: шахс эҳтиёжлари ва манфаатлари, уларни қондириш имкониятлари, меҳнатни моддий ва маънавий рагбатлантириш, ижтимоий ҳимояси.

Таълим сифати на касбий кадрлар тайёрлаш муаммоларини ҳал қилишда тизимли ёндашувдан фойдаланмоқ зарур. Барча омиллар мажмуасини уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ҳамкорлиги ҳолида бошқариш керак.

Таълим сифатини ошириш ва таълимнипг конструкторлик, технологик ва эксплуатацион йўналишлари бўйича рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида қуйидагилар зарур:

- бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхатини мақбул-

лаштириш;

- юқори даражадаги ва чуқур илмга асосланган технологиялардан фойдаланган ҳолдаги чуқур мавзулар ва фанлараро алоқаларга эга бўлган интеграциялашган таълим дастурларини яратиш ва тадбиқ қилиш;

- техник кадрлар тайёрлаш сифатини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлган фаннинг мақомини ошириш;

- талабаларни муҳандислик ва ишлаб чиқаришнинг долзарб тадқиқий ҳамда амалий вазифаларини ҳал этишга кенг жалб қилишни таъминлаш;

- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим интеграллашувининг турли хил моделларини кенг қўллаш;

- олий техник таълим муаммоларини ҳал қилишда иш берувчилар ва бошқа ижтимоий ҳамкорларнинг кенг иштирокини таъминлаш;

- тармоқлар бўйича илмий техникавий бирлашмаларни яратиш.

2.3. Бакалаврларни ихтисослаштирилган тайёргарлиги.

Бакалаврни касбий йўналтирилган мутахассис бўлиб етишиши тез мосланувчан бозор механизми ҳаракатига мувофиқ ҳолда рўй бериши зарур, бу бир томондан ихтисослашувнинг муайян турлари ва даражалари хилма-хиллигига олиб келса, иккинчи томондан эса, уларни у ёки бу ташкилий шаклларда юзага чиқаради. Бунда, бакалаврнинг олий ўқув юртида мукаммал назарий тайёргарлик олишига таянишидан келиб чиқиш керак.

Бакалавр махсус тайёрлов ёки қайта тайёрловни, меҳнат бозори талабларига боғлиқ ҳолда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўтиши лозим, бунда:

- бакалаврларнинг муайян муаммони ҳал этишга йўналтирилган мутахассис сифатида шаклланишини таъминлаш;

- бакалаврларни касбий билими, қобилияти, кўникмаларини рақобатбардош даражада сақлаб туриш.

У ёки бу мутахассислик бўйича бакалавр тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, таълим йўналишига мувофиқ равишдаги эгалланган мутахассислик билан боғлиқ бўлган касбий фаолиятни олиб боришга ҳуқуқ берадиган давлат намунасидаги сертификат ҳисобланади.

2.4. Техник кадрлар тайёрлашнинг амалий-лаборатория ва илмий базасини takoмиллаштириш

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашда рақобатбардош техника ва чуқур илмга асосланган технологияларни яратиш, фойдаланиш ва лойиҳалаштиришнинг ижодий билим ва кўникмаларини талабаларда ҳосил қилишга мўлжалланган фундаментал, умумкасбий ҳамда махсус фанлар бўйича амалий-лаборатория базаси алоҳида ўрин тутади.

Қуйидаги йўналишлар бўйича мавжуд амалий-лаборатория базаларини чуқур замонавийлаштириш зарур:

- ўқув устахоналари ва лабораторияларини замонавий технологик жиҳозлар, асбоблар, ҳаракатланувчи макетлар, тренажёрлар ва ҳоказолар билан таъминлаш;

- ўқув жараёнига виртуал амалий-лаборатория воситаларини ҳамда ўқув амалий-дастурий маҳсулотларни яратиш ва кенг жорий этиш;

- замонавий техник ўқитиш воситалари бўлган компьютерлар, проекторлар, аудио ва видео воситалар, электрон намойиш материаллари кабилар билан таъминланган маъруза, семинар ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш учун махсус аудиториялар барпо қилиш;

- локал ахборот тармоқларини яратиш ва INTERNET тармоғидан кенг фойдаланиш;

- ўқув бўлинмаларини, талабаларни тарқатма материаллар, маъруза матнлари ва бошқалар билан таъминлаш учун зарур бўлган нусхалаш аппаратлари билан жиҳозлаш.

Масофавий таълим имкониятларидан фойдаланиш технологияси бўйича илмий муассасалар ва ташкилотларнинг ноёб асбоблари, чуқур илмга асосланган жиҳозлари олий техник ўқув юртларнинг амалий-лаборатория базаларининг муҳим элементи ҳисобланади. Бунда, амалий аҳамиятга эга бўлган ва иқтисодиёт соҳаларини кадрлар техник даражасини мустаҳкамлашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган илмий изланишлар ва тадқиқотлар тараққиётига алоҳида эътибор бериш зарур.

2.5. Олий техника таълими тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш

Олий техника таълимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири талабаларда табиий-илмий ва умумкасбий фанлар бўйича мустаҳкам асос ярата олишга қодир бўлган, уларни мустақил таълим олишга ўргата оладиган ҳамда илмий-тадқиқот ишлари кўникмаларни ҳосил қила оладиган профессор-ўқитувчилар таркибини яратиш ҳисобланади.

Бундай профессор-ўқитувчиларни тайёрлашда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими алоҳида рол ўйнаши лозим. У XXI аср ишлаб чиқариш ва муҳандислик талаблари даражасидаги ўқитувчилар кўникмалари ва қобилиятлари, касбий билимларини таъминлаб туриши керак.

Педагогик маънода ўқитувчилар талабаларга танқидий фикрлаш ва ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантира оладиган ўқитиш усуллари ва технологияларини эгаллаган бўлишлари керак. Хусусан:

- ахборот ва телекоммуникация технологиялари;
- креатив ўқитиш технологиялари;
- лойиҳалаш усуллари қўлланган ўқитиш технологиялари;
- муаммоли ўқитиш технологиялари;
- ўқитишнинг ўйинли технологиялари;
- ўқитишнинг инновация технологиялари.

Ривожланган мамлакатлар таълим муассасалари ва илмий марказларида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тажрибасидан, шунингдек, уларнинг замонавий ишлаб чиқариш бирлашмаларидаги стажировкасидан кенг фойдаланиш керак.

Муҳандислик ва ишлаб чиқариш соҳасида XXI аср учун техник кадрларни тайёрлаш ва махсус фанларни ўқитишда юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

2.6. Олий техника таълимининг ахборот ресурслари

Олий техника таълимининг ахборот ресурсларига хос алоҳида хусусиятлари, айниқса, махсус фанлар бўйича фан, техника ва технологиянинг ўта тезкор тараққиёти, улар мазмунининг маънавий жиҳатдан тез эскириши билан боғлиқ. Бундай шароитда ахборот ресурслари мазмунининг доимий ўзгариб туриши талаб қилинади.

Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, техник журналлар ва оммавий ахборот воситаларининг электрон маълумотлар мажмуаси (CD)-ROM, дискетлар, аудио-видео кассеталар ва бошқалар) таклиф этувчи янги авлод электрон кутубхоналарини яратиш мақсадга мувофиқдир. Махсус фанлар бўйича ахборот ресурслари, асосан, уларнинг мазмунини фан, техника ва технология ютуқларини доимий ҳисобга олган ҳолда янгилашга имкон берадиган электрон базада шаклланиши лозим.

Техника олий ўқув юртларида хорижий техника олий ўқув юртлари электрон ресурсларига кириш учун имкон бера оладиган INTERNET тармогидан кенг фойдаланган ҳамда локал тармоқларни яратган ҳолда таълим олувчиларнинг электрон ахборот ресурсларига кенг миқёсда жалб қилинишига эришмоқ лозим.

Техника соҳасида барча тоифадаги кадрларни тайёрлаш борасида ҳал этувчи ахборот ресурси сифатида мавжуд ва янги яратилаётган республика миқёсидаги ҳамда тармоқ илмий-техник журналлари хизмат қилиши керак.

2.7. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашда таълим, фан ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни ўз ичига олган интеграция тизимлари муҳим рол ўйнайди (масалан: ўқув-илмий ишлаб чиқариш марказлари, технополислар, технопарклар ва б.). Бундай тизимларда малакали кадрларни тайёрлаш вазифалари, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини тажрибавий-ишлаб чиқариш сифатида ўзлаштирилиши бирлашади.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси қуйидаги йўналишлар бўйича ривожланмоғи лозим:

1. Касб-ҳунар коллежи ва (ёки академик лицей) олий ўқув юрти типидаги таълим муассасаларининг тармоқларини ривожланиши. Бундай таълим муассасалари:

- касбий таълим даражалари ва босқичларига мувофиқ тарздаги ташкилий ва услубий узвийликни таъминлаш;

- кичик мутахассисларии тайёрлаш учуи олий ўқув юртлари амалий-лаборатория базалари ва профессор-ўқитувчилар таркибидаи фойдаланиш имконини беради.

2. Ўқув-илмий (ОЎЮ-ИТИ), ўқув-ишлаб чиқариш (ОЎЮ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ) ва ўқув-илмий-ишлаб чиқариш (ОЎЮ-ИТИ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ) бирлашмаларини яратиш.

Бундай бирлашмалар:

- бирлашаётган ташкилотларни педагогик, илмий ва моддий техник имкониятларидан самарали фойдаланиш;

- таълим жараёни билан академик ва тармоқ фанининг самарали ҳамкорлигини таъминлащ;

- илмий ходим, ўқитувчилар, аспирантлар ва студентларнинг биргаликда фойдаланишлари учун фундаментал ва амалий тадқиқотлар, тажриба, тадкиқот ҳамда прибор базаларини ривожлантириш;

- илмий тадқиқотлар, ихтиролар ва патентларнинг натижаларини рақобатбардош маҳсулотларга айлантириш;

- ўқув жараёнида фойдаланиш учун фундаментал тадқиқотларнинг ахборот базасини яратиш;

- касбий таълимнинг барча босқичларида узоқ муддатли иитеграциялашган малакавий амалиётларни ўтказиб туриш имконини беради;

- элита техник кадрларни тайёрлаш учун алоҳида ўқув бўлинмаларини ташкил этиш.

3. Касбий таълимнинг халқаро интеграциясини амалга ошириш йўллари:

- чуқур илмга асосланган технологиялар, биотехнологиялар, микродаражадаги технологиялар (нано, опто, микротехнологиялар ва бошқалар), муайян характеристика ва хусусиятларга эга бўлган янги материаллар (жумладан: композит асосда), робот техникаси ва робот техникаси тизимлари соҳаларида кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликдаги таълим муассасаларини яратиш;

- иқтидорли ёшларни ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим муассасаларида ўқитиш;

- талабалар, аспирантлар ва ўқитувчилар билап ўзаро алмашишни кенг йўлга қўйиш мақсадида чет элдаги таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш;

- олий техника таълим муассасаларини халқаро таълим ва илмий дастурларга киритиш.

2.8. Олий техника таълимида самарали иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши олий техника таълимини такомиллаштиришда самарали иқтисодий муносабатлар шаклланишининг асосий элементлари:

- кадрлар буюртмачиларидан, турли таълим хизматларидан, жамғармалардан, донорлардан, илмий лойиҳалар учун ички ва ташқи грантлардан, ҳомийлардан ва бюджетдан тушадиган маблаглар;

- олий техника таълимини такомиллаштириш талабларини ҳисобга олган ҳолда, уни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини ривожлантириш;

- олий таълимни ҳамкорликда таъсис этишни ва кўп тармоқли молиялаштиришни рағбатлантириш, тўлиқ миқёсда шартнома асосида молиялаштиришга босқичма-босқич ўтиш;

- олий техника таълими тизимига қўшимча маблағларни жалб қилиш учун шароит яратиш, имтиёзларни, шунингдек, солиқларни тизимлаштириш;

- таълимни инновациялашув жараёнини рағбатлантириш, таълимга бўлган юқори талабни қондириш ва ички молиявий манбаларни маблаг билан таъминлаш мақсадида олий техника муассасалари заминида қўшимча пуллик таълим хизматларини кенгайтириш;

- олий техника ўқув муассасалари заминида ихтисослашган ўқув ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш кабилардан иборат бўлиши керак.

Олий техника таълим тизими нафақат давлатдан бериладиган топшириқларни бажаришга, балки ўсиб бораётган ижтимоий таълим эҳтиёжига ҳамда муҳандислик ва ишлаб чиқаришнинг аниқ талабларига қаратилиши лозим. Таълим хизматларида аниқ эҳтиёжларни кўзда тутиш, қўшимча молиявий ва моддий-техника манбаларини жалб қилиш учун асос яратиш керак.

2.9. Олий техника таълимини бошқариш

Олий техника таълимининг ҳуқуқий ва бошқарув оид масалаларини ишлаб чи-

қишда, қабул қилишда ва амалга оширишда жамоатчилик, кадрларнинг буюртмачилари, ташкилот ва муассасалар иштирокини кенгайтириш зарур. Бу жараён тегишли меъёрий-ҳуқуқий асос, шунингдек, техник кадрларни тайёрлашда жамоатчиликнинг амалий қатнашувини аниқ механизмлари билан таъминланиши зарур.

Амалий фанни, техника, технологияни, иқтисодиёт ва экологияни ривожлантиришда муҳим рол ўйновчи олий техника таълимини жамият ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши зарур.

Пуллик таълим хизмати турларини шаклланишини таъминловчи, касбий йўналишлар ва техник сиёсатни аниқловчи, кадрлар масаласини ҳал қилувчи, донорларни жалб қилувчи, таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини сарфлашни жамоатчилик назоратини ташкил қилувчи техника олий ўқув юртларининг Васийлик кенгашлари ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш зарур.

Олий техника таълимини бошқаришнинг асосий тамойиллари қуйидагилар бўлиши керак:

- муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашув;
- сифатли натижаларга эришиш учун тизимни режалаштириш;
- вазиятдан келиб чиққан ҳолда бошқаришнинг энг мақбул услуби;
- техника таълимининг мақсад ва вазифаларига ўзаро тушуниш ва бир хил муносабат;
- жамоа аъзолари ва коммуникацияларнинг ўзаро ҳамкорлиги;
- техник кадрлар ва таълим хизматлари бўйича буюртмачиларнинг талабларини таъминлашни кўзда тутиш;
- соғлом муҳит ва бир-бирини тушуниш;
- ходимларнинг касбий ўсишига имкон ва ваколат бериш.

Бошқаришни такомиллаштиришнинг пировард мақсади ўқитишнинг юқори даражасини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ва илмий-тадқиқотлар, шунингдек, жамиятга хизмат қилиш йўли билан олий техника ўқув юртлари муассасавий вазифасини мустаҳкамлашдан иборат бўлиши лозим.

3. Халқаро ҳамкорлик

Олий техника таълими тизими соҳасида халқаро ҳамкорлик-рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистонда бундай ҳамкорлик қуйидаги йўналишларда ривожланиши лозим:

- чуқур илмга асосланган ва ахборот технологиялари бўйича ҳамкорликдаги олий техника таълими муассасаларини барпо этиш;
- олий техника таълими муассасаларида таълим фаолияти учун хорижий олимлар ва ўқитувчиларни таклиф қилиш;
- Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар техника олий ўқув юртлари билан талабалар ва аспирантларининг ўзаро алмашувини йўлга қўйиш;
- ўқитувчиларни хорижий олий ўқув юртлари ва илмий марказларга малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш мақсадида юбориш;
- амалий фанларнинг турли соҳаларида, шунингдек, олий таълимда, ҳамкорликда тадқиқот ўтказиш;
- муҳандислик ва ишлаб чиқариш соҳасида хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда ўқув адабиётларини яратиш;
- чуқур илмга асосланган ва ахборот технологиялари, муҳандислик ва ишлаб чиқаришда, саноат экологиясида ресурслар ва энергия тежамкорлиги, инсон омиллари бўйича халқаро конференциялар ва семинарлар ташкил қилиш.

4. Олий техника таълимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, босқичлари ва чора-тадбирлари

Олий техника таълимини такомиллаштириш XXI асрда муҳандисликда ва ишлаб чиқаришда илмий-техника тараққиётини белгилайдиган янги сифатга эга бўлган кадрларни тайёрлашга олиб келиши лозим. Бу давлатнинг кенг қамровли дастури бўлиб, бозор иқтисодиёти ва жамиятнинг фаол ҳамкорлигида амалга оширилади.

Биринчи босқич 2004-2005 йилларда, шунингдек, муҳандислик ва ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишлари учун ҳозирги замон даражасида кадрларни тайёрлашни кўзда тутадиган меъёрий ва ўқув услубий ҳужжатларнинг (Давлат таълим стандартла-

ри, ўқув режалари, фан ва курс дастурлари, ўқув услубий таъминот ва ҳ.к.) янги авлодини ишлаб чиқиш ва ҳаракатга келтиришдан иборатдир.

Рақобатбардош техник кадрларни тайёрлашдаги асосий воситалар:

- ташкилий жиҳатдан таълим мажмуалари (касб-ҳунар коллежлари ёки академик лицейлар-ОЎЮлари) ўқув-илмий (ОЎЮ-ИТИ), ўқув ишлаб чиқариш (ОЎЮ-ишлаб чиқариш) ва ўқув-илмий-ишлаб чиқариш (ОЎЮ-ИТИ-ишлаб чиқариш) бирлашмалари;

- мазмуний жиҳатдан юқори ва чуқур илмга асосланган, ресурс ва энергия тежовчи технологиялар, чиқиндисиз ва экологик тоза жараёнлар, компьютерлаштирилган муҳандислик, ишончли юқори меҳнат унумдорлигига эга техника, инсон омиллари ва бошқалар;

- ахборот жиҳатдан-ахборот ва телекоммуникация технологиялари;

- педагогик жиҳатдан бўлажак мутахассисларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантирадиган таълим усуллари ва технологиялар;

- ижтимоий жиҳатдан таълим жараёни объектлари фаолиятининг афзаллиги, интилишлари, ижтимоий ҳимоя;

- ресурс жиҳатдан компьютер технологиялардан кенг фойдаланилган замонавий лаборатория амалиёт ва илмий база;

- сифатни назорат қилиш жиҳатидан олий ўқув юртлари аттестацияси, давлат ижтимоий бошқарув тизими органларидан мустақил бўлган таълим сифатини бошқарув тизими ва мониторинги;

- молиявий жиҳатдан бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаштиришни кенгайтириш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;

- менежмент ва маркетинг жиҳатдан-олий техника таълими тизимидаги ҳуқуқий ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва жорий этишда жамиятнинг фаол қатнашуви, техник кадрларнинг таълим бериш ва илмий йўналишлардаги амалий маркетингини таъминлаш.

Яратилиши зарур:

- техник олий ўқув юртлари битирувчиларини, уларда иш танлаш, жумладан, шахсий фаолиятини бошлаш масалаларида мустақил бўлишига тайёр бўлишларини шакллантирувчи ишга жойлаштиришга ёрдам берувчи самарали тизим;

- меҳнат бозорининг турли малакадаги ва мутахассисликдаги кадрларга бўлган жорий ва истиқболли доимий мониторинги тизими.

Иккинчи босқич давомида, яъни 2006-2010 йилларда техника олий ўқув юртларининг илмий, лаборатория-амалиёт базаларининг такомиллаштирилиши тўла тугалланган бўлиши керак.

Концепция лойиҳасини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ таркиби: Аюпов Ш.А. (раҳбар), Жонбоев Ш.Д. (раҳбар ўринбосари), Рўзиев Қ.И.(масъул котиб), Аллаев Қ.Р., Тожиев Р.Ж., Райимжонов Б., Ахматхўжаев Х.Т., Перегудов Л.В., Абдуллаев П., Комилова Х.Х., Расулов М.Х., Зоиров И.У., Ортиқов, Концепция лойиҳасини тайёрлашда Фанлар Академияси, Фан ва технологиялар маркази, Давлат тест маркази, Олий аттестация комиссияси ва йирик саноат корхоналари, вазирликлар мутахассисларининг фикр-мулохазалари ва таклифлари инобатга олинди.

### 4.1.14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим муассасаларида таълим-тарбиявий ишлар жарёнини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 31 мартдаги 88-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ватанимиз мустақиллигига таҳдид солаётган хавф, жумладан диний экстремизм ва террорчилик ҳаракатларига муросасиз бўлиш, уларнинг ғайриинсоний ва ғайри-қонуний моҳияти ва мазмунини, мақсад ва фаолиятларида ислом динининг маънавий-ахлоқий қадриятларига алоқаси йўқлиги ва зидлиги тўғрисида аҳоли орасида ва айниқса ёшлар орасида ишонарли далиллар билан тушунтириш ишларини олиб бориш ҳақида доимо уқтириб келмоқда.

Президентимизнинг бу кўрсатмалари ва унга мувофиқ қабул қилинган ҳукумат қарорларини, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1998.26.03. №130) ҳужжатида белгиланган вазифалар ва топшириқларни бажариш юзасидан вазирликда бир қатор самарали тадбирлар амалга ошириб борилмоқда.

Республика олий таълим муассасаларининг диншунос ўқитувчиларини ҳозирги вақтда динларда кечаётган айрим жараёнлар билан яқиндан таништириш, диний экстремизм, террорчилик, «Хизбут таҳрир», «Ваҳҳобийлик», «Нурчилар», «Диний фундаментализм» ҳаракатларининг моҳиятини очиб ташлаш ҳамда бу борада талаба-ёшлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш мақсадида республика миқёсида бир қанча семинарлар, конференциялар, малака ошириш курслари ташкил этилди. Уларда республикамиз давлат арбоблари, етакчи олимлар, педагоглар, мутахассислар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Бундай тадбирлар барча олий таълим муассасаларида ҳам ташкил этилди.

Олий таълим муассасалари раҳбарияти, деканлари, кафедра ва марказ мудирлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун ҳар ойда бир марта дин ва сиёсат, дин ва қонунчилик ҳамда диний экстремизм ва фундаментализм, ақидапарастлик каби масалаларга бағишланган «Мустақиллик ва дин» мавзусида маърифий ўқувлар ўтказилмоқда.

Олий таълим муассасалари жамоалари ва талаба-ўқувчиларнинг жойлардаги ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари билан учрашувлари, давра суҳбатлари, савол-жавоб тадбирлари ташкил қилинмоқда.

Талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчилар учун «Ислом: бағрикенглик ва мугаассиблик», «Ислом: ханафийлик ва ваҳҳобийлик», «Дунёвий давлат ва дин», «Кўнгилдаги бузилиш», «Қонун, виждон эркинлиги ва дин», «Терроризм-инсоният душмани», «Терроризм - тараққиёт кушандаси» каби оммабоп рисолалар кўп нусхаларда нашр этилди ва барча таълим муассасаларига тарқатилди.

Ўқув режасида мавжуд бўлган «Диншунослик» фани ҳажми оширилди, барча таълим муассасаларида «Диний экстремизм ва фундаментализмнинг ижтимоий моҳияти» умумий мавзуси остида 10 соатлик курси ўқитилмоқда.

Олий таълим муассасаларининг етакчи мутахассис педагоглари республика диний ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул ходимлари билан биргаликда марказий матбуотда, радио ва телевиденияда маънавий-ахлоқий ва миллий қадриятлар мавзуларида, шунингдек, диний экстремистик ва ақидапарастлик ҳодисалар, ғайри қонуний ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирлари ҳақида маърузалар, суҳбатлар ўтказмоқдалар. Талаба-ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини сифатли ва самарали ўтказиш мақсадида олий таълим муассасаларида «Қувноқлар ва зукколар», «Ниҳол», «Ўзбекистон қўшиқ байрами»,

«Универсиада» каби бадиий, маданий спорт мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда.

Ана шундай амалий ишлар олиб борилаётган бир пайтда жорий йилнинг 28, 29 март кунлари мамлакатимизда содир этилган террористик ҳаракатлар ҳаммани диққат эътиборини ўзигартирди.

Воқеа содир этилган кундан бошлаб Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев бошчилигида барча таълим муассасаларида ўқув жараёни ўрнатилган тартибда олиб борилмоқда. қолаверса, 2004 йилнинг 29 март куни А.Азизхўжаев Вазирликда Тошкент шаҳар олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари раҳбарларига, бўлиб ўтган воқеалар ҳусусида ахборот бериб, ҳаммани огоҳликка даъват этди ва тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш ҳамда ички тартиб-интизомни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тўла-тўкис таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

1.1.Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро вилоятида содир этилган террористик ҳаракатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг оммавий ахборот воситаси (29.03.2004 йил) ходимига берган интервьюси олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари ва ишчи ходимлари ўртасида ўрганилсин, атрофлича таҳлил қилинсин ва тегишли чора-тадбирлар белгилансин.

1.2. Вазирликнинг «Февраль воқеаларининг сабоқлари ва ўқув юртларида таълим-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда уларнинг тарбиявий-маърифий имкониятларидан кенг фойдаланиш вазифалари тўғрисида» (16.03.1999й. №77), «Диний экстремизм ва фундаментализмнинг ижтимоий моҳияти» курсини ўқитиш тўғрисида (31.03.1998й. №78), «Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ётоқхоналарида паспорт тартиби ҳамда хорижий фуқароларнинг яшаш қоидаларига риоя қилиш масъулияти ҳақида» (05.02.1999й. №34), «Талабалар уйларида тартиб ва интизомни кучайтириш тўғрисида» (22.03.1999й. №81), «Хусусий хонадонларда ижарада яшовчи талабалар билан олиб бориладиган ишларни янада кучайтириш тўғрисида» (07.06.1999й. №190), «Ўқув муассасаларида тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг ташкилий масалалари тўғрисида» (22.09.1999й. №279), «Талабалар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисида» (14.10.1999й. №304), «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Москвада нашр этиладиган «Время МН» газетасига берган баёнотини ўқув юртларида ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» (19.10.1999й. №306) каби Вазирлик буйруқларининг ижроси қайта танқидий кўриб чиқилсин ва мазкур ҳужжатларда қайд этилган топшириқларни бажариш бўйича қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилсин.

1.3. Талабалар уйларида кечаю-кундуз тинчлик ва осойишталикни сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг шаҳар ва туман бўлимлари билан ўзаро шартномалар тузилсин ҳамда ҳуқуқ-тартибот ходимларининг назорати ўрнатилсин.

1.4. Дарс вақти тугагандан сўнг ўқув хоналари ва залларида раҳбариятнинг рухсатисиз йиғилишлар ўтказилмасин, шунингдек, олий таълим муассасалари бинолари ва талабалар уйлари ҳудудида кечаю-кундуз навбатчилик ташкил этилиб, навбатчиликни қайд этиш журналларининг тўғри юритилишига эътибор кучайтирилсин.

1.5. Дарс жараёни давомида талабаларнинг давомати мунтазам назорат остига олинсин.

1.6. Хусусий хонадонларда яшовчи талабалар аҳволидан хабар олиб туриш учун мураббийлар масъулиятини ошириш ва уларнинг одоб-ахлоқи, тарбияси тўғрисида хонадон эгалари билан суҳбатлар уюштириш вазифалари юклатилсин.

1.7. Кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож талаба-ёшларга мунтазам равишда моддий ва маънавий ёрдам бериб борилсин.

1.8. Барча олий таълим муассасалари ректорларининг вақтинча хориж сафарларига чиқишлари тўхтатилсин.

1.9. Мазкур вазифалар юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот буйруқ кучга кирган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичида Вазирликка тақдим этилсин.

2. Ушбу буйруқнинг ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2004 йил 1 апрелдаги 88-сонли буйругига илова

Ўқув бинолари ва талабалар уйлари ҳудудида хавфсизликни таъминлашда амалга ошириладиган чора-тадбирлар доирасида қуйидагилар амалга оширилсин:

1. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавобларидан талабалар хабардор қилинсин.

2. Олий таълим муассасаси раҳбарияти талабалар билан суҳбатлар ўтказсин.

3. Ташкил этилган навбатчиликларда проректор ва деканлар шахсан фаол иштирок этсинлар.

4. Бинолар атрофига навбатчи-назоратчилар тайинлансин.

5. Навбатчи талабаларнинг ҳар бири қўлбоғ (повязка) билан таъминлансинлар.

6. Умумий овқатланиш жойлари ва санитария тармоқлари (душхона, ҳожатхона) доимий равишда тоза тутилсин ҳамда мунтазам ишлаши таъминлансин.

7. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвали тузилсин ва унинг бажарилиши таъминлансин.

8. Ўқув ва талабалар уйлари биноларининг ертўла ҳамда чордоғи эшиклари доим қулфланган ҳолда сақлансин.

8.1. Маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш

## 4.1.15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорини эълон қилиш тўғрисида»ги 1998 йил 12 январдаги 7-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 5 январдаги 5 сонли «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги Қарорини

### ЭЪЛОН ҚИЛАМАН:

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг республикада амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар талабларига, шунингдек таълим, фан-техника ва технологиялар ривожланишининг илғор жаҳон даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. “Давлат таълим стандартлари тўғрисида”ги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси ҳузурида таълимнинг тегишли турлари бўйича Давлат таълим стандартлари лойиҳаларининг ҳуқуқий ва техник экспертизаси бўйича эксперт гуруҳ ташкил этилсин (2-илова).

3. Таълим муассасалари Уставини ишлаб чиқиш тартиби тасдиқлансин (3-илова).

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар Академияси, Олий аттестация комиссияси билан биргаликда

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини ва касб-ҳунар меҳнати бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда:

- касб-ҳунар таълим турлари бўйича йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар классификаторини;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълим ва олий мутахассисларнинг малака тавсифларини;

- таълимнинг тегишли турини тамомлаганлик тўғрисидаги Давлат ҳужжатлари намуналарини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация Маркази, таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар, идоралар билан ҳамкорликда «Давлат таълим стандартлари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқсинлар ва:

- ўрта умумий таълимда 1999-2000 ўқув йилида тугаллаган ҳолда;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида 1999-2000 ўқув йилида тугаллаган ҳолда;

- олий таълимда 1998-1999 ўқув йилида тугаллаган ҳолда босқима-босқич жорий этсинлар.

6. Молия вазирлиги давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш бўйича инновация лойиҳаларини Фан ва техника давлат қўмитаси тақдим этадиган ҳисоб-китобларга мувофиқ маблағ билан таъминлашни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сон қарорининг 1, 2 ва 3-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**Ислом КАРИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли «Узлуксиз таълим тизими учун давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва уни тадбиқ этиш ҳақида»ги Қарорини бажариш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ушбу қарор бевосита ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий ва ўрта махсус мактаблар муаммолари институти (С.З.Ғуломиддинов) Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (П.Р.Исматуллаев) ва ўрта махсус, профессионал таълим Бош бошқармаси (Р.К.Ниматов) билан ҳамкорликда икки ой муддат давомида қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва тасдиқ учун тақдим этиш топширилсин:

профессионал таълим турлари бўйича, йўналишлар, мутахассисликлар ва касб классификатори;

ўрта махсус, профессионал ва олий таълим мутахассисларининг квалификацион таснифномаси.

3. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (П. Р.Исматуллаев) ва ўрта махсус, профессионал таълим Бош бошқармаси (Р. К. Ниматов) 1998 йил 1 мартга қадар ўрта махсус, профессионал ва олий таълимни битириш ҳақида бериладиган давлат ҳужжатларининг намуналарини ишлаб чиқсинлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

4. Давлат стандартлари, намунавий ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич тадбиққа киритиш мақсадида олий таълим бўйича 1998-1999 ўқув йилидан ва ўрта махсус, профессионал таълим бўйича 1999-2000 ўқув йилидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида альтернатив муваққат ижодий жамоалар ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳлар (илова 1, илова 2) га мувофиқ ташкил этилсин.

4.1. Қуйидагилар ишчи гуруҳларга юклатилсин:

- альтернатив муваққат ижодий жамоалар фаолиятига илмий-услубий раҳбарлик қилиш ва уларни олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида амалга оширилаётганислоҳотлар бўйича зарурий материаллар билан таъминлаш;

- давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режа ва дастурлар лойиҳалари экспертизасини ташкил этиш.

4.2. Олий ва ўрта махсус мактаблар муаммолари институти (С.З. Ғуломиддинов) га:

- 10 кунлик муддат давомида альтернатив муваққат ижодий жамоаларни ташкил этиш ва тасдиққа тақдим этиш топширилсин;

- альтернатив муваққат ижодий жамоалар билан шартномалар тузишни ташкил этиш топширилсин.

5. Вазир муовини У.А.Усмоновга:

- тузилган шартномаларга мувофиқ альтернатив муваққат ижодий жамоалар ишларини молиявий таъминлаш учун бюджетдан ташқари фонддан зарурий маблағ ажратиш топширилсин;

- альтернатив муваққат ижодий жамоалар зарурий оргтехника (икки шахсий компьютер, лазер ва матричный принтер, ксерокс) билан таъминлансин.

6. Фан ва иқтисодиёт Бош бошқармаси бошлиғи (Ш.А.Бўтаев) Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳаларини молиявий таъминлаш учун Фан ва техника давлат қўмитасига таклиф билан чиқиш топширилсин.

7. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Фанларни модул тизими бўйича ўқитиш тўғрисидаги 1998 йил 11 мартдаги 58-сонли

### БУЙРУҒИ

Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини такомиллаштириш ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи олий ўқув юртларида талабаларга фанларни Модул тизими бўйича ўқитиш борасида тўпланган тажрибаларни республикамиз олий ўқув юртларида қўллашни тажрибадан ўтказиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

3. ФарДУ, ТошДУ, БухООЕСТИ, ТошДУ ва ТТЕСИ ректорларига:

3.1 Модул тизимини қўллаш мумкин бўлган фанлар аниқлансин ва уларни ўқитишда мантиқий кетма-кетликка амал қилинсин.

3.2 Ўқув режалар ва дастурларга тегишли ўзгартиришлар киритилсин ва профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнида улар томонидан бажариладиган ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларнинг бажарилиши назарда тутилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Қарорида қўйилган талабларга мувофиқ олий таълим тизимида юқори малакали тарихчи-кадрларни тайёрлаш вазифалари тўғрисида»ги 1998 йил 3 августдаги 220-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тарихчи олимлар, ёзувчи ва журналистлар билан бўлган суҳбатида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июл 315-сонли «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида

белгиланган вазифаларда келиб чиқиб ва олий ўқув юртларида тарихчи кадрларни, хусусан, «Ўзбекистон тарихи» бўйича тайёрланаётган мутахассисларни янги талаблар асосида ўқитишни ташкил этиш, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи, ўзбек халқи этногенезиси масалаларини чуқур илмий тадқиқ этиш ва улар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, ёшларни мустақиллик мафкураси билан суғорилган янги ва объектив билимлар билан қуроллантириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ижро учун қабул қилинсин ва "Ўзбекистон тарихи" бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш олий ўқув юртларининг бош масалаларидан бири этиб белгилансин.

2. ТошДУ, ТошДПУ ва ТошДШИ ректорларига:

2.2. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси билан биргаликда олий ўқув юртларининг "Тарих" таълим йўналишининг 2 ва 3 курсларида таҳсил кўраётган талабалар сафидан иқтидорлиларини танлаб олиш, уларни ТошДУ, ТошДПУ ва ТошДШИнинг Тарих факультетларида "Ўзбекистон тарихи" бўйича мақсадли тайёрлашни ташкил этиш ҳамда талабаларига манбашунослик, этнография, археология, антропология ва бошқа ноёб ихтисосликлар, шунингдек, араб, форс, инглиз ва бошқа тилларни ўргатиш бўйича янги услубларни ишлаб чиқиш, маъруза ўқишга юқори малакали йирик тарихчи-олимларни кенг жалб этиш вазифалари юклатилсин.

2.3. Махсус гуруҳлар талабаларининг ўқув амалиётини ўтказишни тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан мувофиқлаштириш топширилсин.

3. Фан ва иқтисодиёт Бош бошқармаси (Бўтаев Ш.О.)га:

3.1.Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон тарихи» бўйича диссертация ишларига қўйиладиган талаблар мезони олий ўқув юртлари аспирант ва докторантларига ҳамда уларнинг илмий раҳбарларига етказишни таъминлаш топширилсин.

3.2. Янги талаб ва вазифаларга мувофиқ «Ўзбекистон тарихи» соҳаси бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг мавзулари қайта кўриб чиқилсин ва зарурий ҳолларда уларга ўзгартиришлар киритилсин.

3.3. Янги талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, «Тарих» мутахассислигини имтиёзли диплом билан тугатганларни аспирантурага кенг жалб этиш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш, аспирантура ва докторантурага қабул режаларини ошириш топширилсин.

3.5. 1998/99 ўқув йилидан бошлаб, барча мутахассисликлар бўйича, хусусан, «Тарих» бўйича белгиланган муддатга ёки ундан эртароқ ҳимоя қилган аспирант ва докторантларни 5 та стипендия миқдорида ҳамда уларнинг илмий раҳбарларини 5 ойлик маош миқдорида моддий рағбатлантириш бюджетдан ташқари тушган маблағ ҳисобидан амалга оширилсин.

5. Илм-фан ва таълимни молиялаштириш Бош бошқармаси (Саидов М. Ҳ.)га:

5.1. Аспирант ва докторантларга ахборот ва илмий манбалардан кенг фойдаланишлари учун зарурий имкониятлар яратиш мақсадида, олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари тушган маблағлари ҳисобидан ҳар бир аспирант учун бир йилда 2-3 мартагача республика ҳудудида илмий сафарга боришини таъминловчи маблаг ажратиш бўйича таклиф киритсин.

6. Олий ва Ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Ғуломиддинов С.З.)га:

6.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига мувофиқ Олий таълимнинг йўналишлар ва мутахассисликлар классификаторини қайта кўриб чиқиш ва тегишли ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

6.4. Кутубхоналараро абонент фаолияти ва янги адабиётлар рўйхати (каталоги)ни қайта тиклаш, адабиётлар ва ахборотлар билан таъминлаш бўйича Интернет алоқасини йўлга қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш юклатилсин.

9. Олий ўқув юртлари ректорларига:

9.1. Тарих соҳасидаги диссертация

ишлари ва илмий тадқиқотлар мавзулари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида белгиланган вазифалар ва устувор илмий йўналишлар ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилсин.

9.2. Олий ўқув юртларининг «Тарих» факультетлари қошида эски ўзбек тили, араб, форс ва бошқа хорижий тилларни ҳамда эски ноёб қўлёзмаларни ўрганиш тўгараклари ташкил этилсин.

9.3. Тарих, археология ва шу каби фанлардан талабаларнинг ўқув амалиётини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уни мамлакатимизда олиб борилаётган йирик илмий экспедициялар ва археологик қазилмалар фаолияти билан уйғунлаштирилсин.

9.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорининг 10 бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг архиви ва «Ўзбошархив», ФА Тарих институти ва шу қарор доирасида фаолият кўрсатаётган илмий тузилмалар учун зарур тарихий ҳужжатлардан фойдаланишга имконият яратишга тегишли кўрсатма берилганлиги тарих соҳасида изланишлар олиб бораётган мутахассис-олимлар, аспирант ва докторантлар эътиборига етказилсин.

9.5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мувофиқ олий таълим тизимининг тарихга тааллуқли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар, айниқса, магистр ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти ва минтақавий бўлимларининг илмий-педагогик салоҳиятидан кенг фойдаланишга эришиш, Фанлар Академиясининг тегишли илмий муасасалари билан бевосита илмий ва ижодий ҳамкорликни ўргатиш, уларда педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларини уйгунлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

9.6. Профессор-ўқитувчилар, мутахассис-олимлар, аспирант ва докторантларни тарихимизнинг долзарб масалаларига багишланган илмий мақолалари билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти томонидан нашр этиладиган «Ўзбекистон тарихи» илмий журналида фаол иштирок этишини таъминлаш юклатилсин.

9.7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти илмий салоҳиятини ёш ва истеъдодли, замонавий фикрловчи олимлар билан тўлдиришга ёрдам бериш мақсадида аспирантура ва докторантурани тугатган малакали мутахассисларни белгиланган тартибда ишга жойлаштириш учун, тегишли ташкилий ишларни амалга ошириш топширилсин.

9.8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти томонидан мунтазам равишда ўтказилиши режалаштирилган «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи» республика илмий семинари ишида ўқув юртларининг тарихчи-олимлари, аспирант ва докторантларининг фаол иштироки таъминлансин.

9.9. Вазирликнинг «Ўзбекистон тарихи»ни ўрганиш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш марказини тузиш тўғрисида»ги буйруғи (1998 йил 7 июль 172-сонли ) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ва олий таълим тизимида юқори малакали тарихчи-кадрларни тайёрлаш вазифалари» семинар-кенгашининг мажлис баёни (1998 йил 5 август) да қайд этилган топшириқлар инобатга олинсин ва уларни амалга ошириш таъминлансин.

9.10. Буйруқнинг бажарилиши бўйича батафсил ахборот ҳар йилнинг январь ва июль ойларида Олий ўқув юртлари Бош Бошқармасига тақдим этилсин.

10. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Раҳимов Б.Ҳ.)га:

10.1. Ўзбекистон тарихи» бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнини мунтазам равишда назорат этиб бориш ва услубий ёрдам кўрсатиш юклатилсин.

11. Ушбу буйруқ бажарилишининг назорати Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.И.Холмуродов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Республика Президенти Ислом Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви ва унда «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мавзусидаги сухбати материалларини ўқув юртларида ўрганиш тўғрисида»ги 1998 йил 27 августдаги 238-сонли

### БУЙРУҒИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви ва унда Ўзбекистан тарихини ўрганиш билан боғлиқ масалалар юзасидан илгари сурилган ғоялар, кўтарилган масалалар ва муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар бу соҳада фаолият кўрсатувчи муассасалар, ташкилотлар, илмий ходимлар ва бутун халқимиз учун муҳим дастурамал бўлди. Президентимиз ўз суҳбатида Ўзбекистонда тарих фани тараққиётининг янги йўналишларини бслгилаб берди. Миллий тарихимизни ўрганишнинг янги тамойилларга асосланган йўл-йўриқлари бўйича илғор ғояларни илгари сурди. Президентимиз Ислом Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви ва унда (Ислом Каримов, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ,», Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа бош таҳририяти, 1998 йил) мавзусидаги суҳбати материалларини талаба-ўқувчиларга ўқитиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий ва ўрта махсус ўқув юрти ректори ва директорига:

1.1. Президент Ислом Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашувига оид материалларни ўқув юртининг барча гуруҳларида ўрганиш ва ўқитиш мақсадида 1998 йил 2 сентябрдан бошлаб, ўқув режасига факультатив соатлар ҳисобидан «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мавзусида 4 соатлик (2 соат маъруза, 2 соат амалий машғулот) махсус курс киритилсин ва уни амалга ошириш таъминлансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.19. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» курсини жорий этиш тўғрисида»ги 1998 йил 2 сентябрдаги 241-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистонда демократик жамият қуришга, унинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга каратилган туб ислоҳотларнинг амалий ва назарий қоидаларини ўрганиш ва ўзлаштириш самараларини ошириш ҳамда талаба-ўқувчиларга, аспирантларга мамлакатда янги жамият қуриш бўйича кенг ва чуқур назарий-амалий билимлар беришни йўлга қўйиш мақсадларидан келиб чиқиб, Вазирлик ўз Ҳайъатининг 1995 йил 17 ноябрдаги 101-рақамли қарорига ҳамда 1995 йил 20 ноябрдаги 254-рақамли буйруғига кўра ТошДУ, ТДТУ, ТДИУ, ҚорДУ» СамДУ, АндДУда 1996 йил январдан бошлаб тажриба сифатида «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраларини ташкил қилган эди. Ўтган 2 йил мобайнида мазкур кафедралар 72 соатлик ўқув дастури асосида «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» курси бўйича талаба-ўқувчиларга Республика Президентининг нутқ ва рисолалари, асарлари, Олий Мажлис ва Ҳукумат фармойишлари, қарорлари, шунингдек вақтли матбуотнинг мамлакатимизда кечаётган туб ислоҳотлар тўғрисидаги материалларидан маърузалар ўқидилар ва амалий машғулотлар ўтказдилар. Орттирилган тажрибалар мазкур курс борасида Вазирлик қабул қилган қарорнинг тўғри эканлигини тасдиқлади ва бу курсга бўлган қизиқишни янада кучайтирди. Мамлакатимизда демократик жамият қуришнинг на-

зарий ва амалий масалалари билан талаба-ўқувчиларни янада кенгроқ таништиришни ва уларни бу борада фундаментал билимлар билан қуроллантиришни кенг йўлга қўйиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Тошкент Давлат университети, иқтисодиёт ва техника университетлари, Қорақалпогистон, Самарқанд ва Андижон Давлат университетларида "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" курси бўйича олиб борилган назарий ва амалий машғулотлар тажрибалари ўзини тўла оқлади деб ҳисоблансин.

2. 1998-99 ўқув йилидан бошлаб "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" курси республиканинг барча олий ўқув юртларида асосий курс сифатида жорий этилсин.

3. Олий ўқув юртлари ректорларига:

3.1. "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" янги кафедраси ўқув юртининг штатдаги ходимлари миқдоридан келиб чиқиб ташкил этилсин ва унга "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" курсини белгиланган тартибда ўқитиш топширилсин.

3.2. Янги кафедра учун тегишли хоналар, жиҳозлар, ўқув хоналари, таълимнинг техник воситалари ва бошқа зарур асбоб-ускуналар ажратилсин.

3.3. Мазкур курс профессор-ўқитувчиларининг йиллик соат юкламалари 2-3 ўқув йили давомида кўпи билан 550 соат ҳажмида бўлиши назарда тутилсин.

3.4. "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси мудири лавозимига лойиқ номзодлар олий ўқув юртлари ректорлари тавсиясига кўра вазирликнинг Ҳайъати томонидан тасдиқланиши инобатга олинсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» китобини ўқув юртларида ўрганиш тўғрисида»ги 1998 йил 4 ноябрдаги 307-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» (Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1998) янги китобида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий хаётида содир бўлаётган туб ўзгаришлар, истиқболдаги улкан вазифалар кенг ва чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топиши, республикамиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, амалга оширилаётган ислохотларнинг манбалари ва ҳаракатлантирувчи кучлари баён этиб берилган. Мазкур китобда илгари сурилган буюк ғояларни, чуқур фикр-мулоҳазаларни, кўрсатмалар ва таклифларни талаба-ўқувчилар орасида кенг ва атрофлича ўрганиб чиқишни ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон буюк келажак сари" китобини республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба-ўқувчилари орасида ўрганиш учун 24 (12 соат маъруза, 12 соат амалий машғулот) соат микдорида махсус курс киритилсин. Махсус курснинг 12 соати Ижтимоий-гуманитар блокка кирган фанларга ажратилган соатлар ҳисобидан (курслар бўйича), қолган 12 соати факультатив соатлар ҳисобидан таъминлансин.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон буюк келажак сари" китобини ўрганиш бўйича ўқув дастури тасдиқлансин.

3.1. Олий ўқув юртлари ректорларига:

3.1. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон буюк келажак сари" китобини ўрганишга бағишланган 24 соатлик махсус курс ўқув юртида 1998 йил 9 ноябрдан бошлаб жорий этилсин. Курс-

ни ўқишга юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб этилсин. Маърузалар потоклар бўйича ташкил қилинсин. Курс баҳоли синов билан якунлансин.

3.2. Курсга жалб этилган профессор-ўқитувчилар учун ҳар бир ўқув юртида китоб юзасидан ўқув-услубий семинар ташкил қилинсин.

3.3. Ўқув юрти кутубхоналари, қироатхоналари ва тегишли кафедралар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон буюк келажак сари" китоби билан тўла таъминлансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Оилани ҳаётга тайёрлаш курсини киритиш тўғрисида»ги 1998 йил 17 декабрдаги 348-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январдаги 45-сонли "Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида"ги қарорини ҳамда Вазирликнинг 1998 йил 17 феврал 29-сонли буйруғи билан тасдиқланган «1998 йил-Оила манфаатлари йили» муносабати билан Республика ўқув юртларида баркамол авлодни тарбиялаш масалалари бўйича тадбирлар режасини амалга ошириш мақсадида.

**БУЮРАМАН:**

1. Жорий ўқув йилнинг 2-семестридан барча олий ўқув юртларида "Оилавий ҳаётга тайёрланиш" курси киритилсин ва унинг дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Оилавий ҳаётга тайёрланиш" курси "Маънавият асослари" фани туркумида ўқитилсин.

3. "Оилавий ҳаётга тайёрланиш" курси соатлари Илмий кенгаш томонидан белгиланадиган фанларга ажратилган соатлар ҳисобидан ажратилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.22. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Президеити Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси ва «Туркистон-пресс» агентлиги мухбирларининг саволларига жавоблари, Тошкентда содир бўлган февраль воқеалари ҳамда Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида илгари сурилган ғоялар, берилган кўрсатмалар муносабати билан Республика олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёиларини такомиллаштириш бўйича қилинган ишлар ва истиқболдаги долзарб вазифалар тўғрисида»ги 1999 йил 2 апрелдаги 101-сонли

### БУЙРУҒИ

1. Ўқув юртлари ректор ва директорларига:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг юқорида баён қилинган масалалар бўйича оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига берган жавобларида, шунингдек Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида илгари сурилган ғоялар ва белгиланган вазифалар асосида талаба-ўқувчиларни мустақиллик мафкураси заминида, ҳозирги вақтда мамлакатимиз тинчлигига хавф солаётган мафкуравий таҳдидларнинг кўринишлари ва уларнинг моҳияти ҳақида ҳаётий мисоллар асосида мунтазам равишда тарбиявий тадбирлар амалга оширилсин.

1.2. Тошкентда малака ошириш курсини битирган «Диншунослик асослари» ўқитувчилари фаолиятидан фақат дарс

машғулотлари жараёнидагина эмас, балки, шу билан бирга, ўқув юртида, шунингдек, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида диний экстремизмга қарши ўтказиладиган барча тадбирларда унумли фойдаланилсин. Уларнинг бу масала юзасидан вилоят, туман, қишлоқ, маҳалла меҳнат жамоалари аҳоли орасида чиқишлари режаси тузилсин ва унга қатъий риоя қилинсин. Уларнинг маҳаллий ахборот воситаларида-масала юзасидан мунтазам равишда фаол иштирок этишлари таъминлансин.

1.3. Ўқув гуруҳлари сардорларининг талабалар орасидаги обрў-эътибори ва мавқеини, маънавий-ахлоқий фазилатларини, ташкилотчилик қобилиятларини ва бошқа сифатларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг таркибини амалдаги қоидалар асосида кўриб чиқиб мустаҳкамлансин.

Талабаларнинг дарс машғулотларида ва бошқа тарбиявий тадбирларда давомати қатъий назорат остига олинсин. Талабалар уйларида паспорт режимига риоя қилиш, рухсатномалар орқали киришчиқишни назорат қилиш йўлга қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий ва маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 16 мартдаги 130-сонли қарори ва Вазирликда шу масала юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлари ҳамда Вазирликнинг «Февраль воқеаларининг сабоқлари ва ўқув юртларида таълим-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда уларнинг тарбиявий-маърифий имкониятларидан кенг фойдаланиш вазифалари тўғрисида» 1999 йил 16 мартдаги 77-сонли буйруғини бажариш бўйича тадбирларни қатъий назорат остига олиш, ҳар чоракда Вазирликка ахборот беришни ташкил этиш шахсан ўқув юртлари ректори ва директорлари зиммасига юклатилсин.

2. Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори (Н. Иброҳимов)га:

2.1. «Диншунослик асослари» ўқитувчиларини малака ошириш курсларида ўқилган маърузаларнинг видео-ёзув материалларини кўпайтириб, ўқув юртларига тарқатиш сўралсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**4.1.23. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосида «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» махсус курсини ўқув дастурларига киритиш тўғрисида»ги 1999 йил 24 апрелдаги 126-сонли**

**БУЙРУҒИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессияси материаллари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг унда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни ўрганиш олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида атрофлича ташкил этилсин.

2. Олий ўқув юртлари ректорларига:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиядаги маърузаси асосида “Ўзбекистон XXI асрга иитилмоқда” махсус курсини 16 соат ҳажмда (10 соат маъруза, 6 соат семинар машғулоти) ўқув юртлари барча гуруҳларинипг дарс жадвалига 1999 йил 1 майдан бошлаб киритилсин ва дастур асосида ўрганишни ташкил этилсин. Маъруза ва семинар машғулотлари ўқув режадаги факультатив соатлар ҳисобидан қоплансин.

2.2. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” курс мазмунининг сифатли ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида унинг якуни бўйича талабалар орасида коллоквиум ўтказилсин.

2.3. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” курси бўйича машғулотлар олиб борувчи профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақлари соатбай ҳисобидан тўлансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.24. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ҳукумат қарорини бажариш тўғрисида»ги 1999 йил 8 июлдаги 228-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги "2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида" ва 1999 йил 30 июндаги "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги Фармонлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июлдаги "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал сифатида ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент Давлат иқтисодиёт Университети таркибида халқаро туризм факультети ташкил этилсин ва 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб, қуйидаги таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга киришилсин:

А.341100 - Туризм менежменти

В.341200 - Туризм маркетинги

В.310300 - Туризм сервиси

12. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э.З.Имомов) ва ТошДИУ ректорати (Р.Алимов.) билан ҳамкорликда:

12.3. Туризм соҳаси бўйича янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни белгиланган тартибда Классификаторга киритиш топширилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.25. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим тизимида намунавий ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокини ўқув жараёнига татбиқ этиш тўғрисида»ги 1999 йил 2 сентябрдаги 255-сонли

## БУЙРУҒИ

Олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичларида юқори малакали ва юксак маънавиятли, ватанпарвар мутахассис кадрларни тайёрлаб етиштиришда гуманитар, ижтимоий-тарбиявий, педагогик аҳамиятини янада ошириш ҳамда бу блокдаги фанлар бўйича таълим-тарбиянинг юқори даражадаги сифати ва самарадорлигига эришишни таъминлаш мақсадида

## БУЮРАМАН:

1. Олий ўқув юрти ректорига:

1.1. Биринчи блокнинг мазкур тузилмаси 1999-2000 ўқув йилида олий ўқув юртида ўқиб турган барча курслар учун тавсия этилсин;

1.2. Биринчи блокда кўрсатилган фанлар бўйича назарий ва семинар машғулотларни соатлари тақсимоти масаласида ўқув юртларига ўз имкониятларидан келиб чиқиб, маъруза соатларини семинар (амалий машгулот) соатлари ҳисобига камайтирилишига рухсат этилсин;

1.3. Мазкур блокдаги фалсафа фани бўйича дарс машгулотлари режалаштирилганда ва назорат шакллари белгиланганда бу фан таркибидаги этика, эстетика, мантиқ фанларининг ҳар бири учун айрим-айрим дарс машғулотлари, назорат шакллари, рейтинг-балл кўрсаткичлари алоҳида белгиланиши зарурлиги назарда тутилсин;

1.4. Биринчи блокдаги талабалар танлаб ўқийдиган фанлар қаторига киритилган Педагогика фани Республикадаги барча университетларда асосий фанлар қаторига киритиб ўқитилсин ва дарс соатлари, машғулот турлари, назорат шакллари, рейтинг-балл кўрсаткичлари асосий фанлар учун белгиланган тартибда амалга оширилсин;

1.5. Факультатив курслар, талабалар

танлаб ўқийдиган фанлар бўйича машғулотларнинг юқори даражада ва самарали ташкил қилиниши таъминлансин;

1.6. Биринчи блокдаги гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича профессор-ўқитувчиларнинг йиллик соат юкламалари барча олий ўқув юртларида кўпи билан 650 соатдан оширилмаслиги белгилаб қўйилсин ва таъминлансин;

1.7. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» курсини жорий этиш тўғрисида»ги вазирликнинг 1998 йил 2 сентябрдаги 241 рақамли буйруғининг 3.3 банди ўз кучида қолганлиги эътиборга олинсин.

2. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Қурбоновга юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.26. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги 2000 йил 27 январдаги 19-сонли

### БУЙРУҒИ

4. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ректорлари ва директорларига:

...4.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси бўйича 12 соатлик махсус курс (6 соат маъруза, 6 соат амалий машғулот) ўқув юртлари барча гуруҳларининг дарс жадвалига жорий ўқув йилининг 2 семестри бошидан бошлаб киритилсин ва махсус ўқув дастури асосида ўрганиш ташкил этилсин. Маъруза ва семинар машғулотлари ўқув режасида белгиланган факультатив соатлар ҳисобидан қопланcин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.27. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Соғлом авлод» Давлат дастури бўйича янги тиббиёт курсларини жорий қилиш тўғрисида»ги 2000 йил 30 мартдаги 89-сонли

### БУЙРУҒИ

«Соғлом авлод» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, ёш авлодни жисмонан соғлом, маънавиятли, баркамол этиб тарбиялаш, уларни зарур тиббий билимлар билан қуроллантириш, оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилада бола тарбиясига боғлиқ масалалар билан таништириб бориш, турли касалликларнинг олдини олиш йўлларини ўргатишни ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликла ишлаб чиқилган “Тиббиёт билимлари асослари” ва “ОИТС” (СПИД) “ОИВ” (ВИЧ) профилактикаси” янги курслар бўйича ўқув дастурлари тасдиқлансин.

Жорий ўқув йилида Республика олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларининг битирувчи курсларида, 2000-2001 ўқув йилининг сентябридан бошлаб барча курслар ва ўқув гуруҳларида “Тиббиёт билимлари асослари” (16 соатлик) ва “ОИТС (СПИД) “ОИВ” (ВИЧ) профилактикаси” (10 соатлик) янги курсларни ўқитиш жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишувга мувофиқ мазкур янги курсларни республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларида юқори савияда ўқитишни ташкил этиш мақсадида ви-

лоятларнинг ҳар бирида курсни ўқитишга жалб қилинадиган вилоят, туман соғлиқни сақлаш бошқарма ва бўлимлари мутахассислари олий ва ўрта тиббиёт ўқув юртларининг ўқитувчилари, “Соғлом авлод” жамгармалари мутасадди ходимларининг 2000 йил апрель-май ойларида икки кунлик малака ошириш машғулотлари ташкил этилсин.

Вилоятларда малака ошириш машғулотларини ташкил этиш бўйича Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган мутасадди ходимларнинг рўйхати маъқуллансин ва маълумот учун қабул қилинсин (1-илова).

5. Вилоятларда малака ошириш машғулотларини юқори савияда ўтказишда масьул этиб Вазирликнинг Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (Д.Н. Ғаниев), ўрта махсус, касб-ҳунар таълим марказининг маънавият ва маърифат, гуманитар таълим ва ахборот бўлими (М.Ф.Лафасов), Кадрлар, илм-фан ва кадрлар тайёрлаш Бош бошқармаси бошлиғи муовини (Х.Райимов) тайинлансин.

6. ЎАЖБНТМ директори (Н.А.Халилов) га:

6.1. Мазкур курс дастурлари ва улар бўйича қўшимча адабиётларни етарли нусхада нашр этиш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига тарқатиш юклатилсин.

7. Олий ўқув юртлари ректорлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларига:

1999-2000 ўқув йилидаги битирувчи курс талабаларига «Тиббиёт билимлари асослари» ва «ОИТС» (СПИД) «ОИВ» (ВИЧ) профилактикаси» янги курсларини ўқув жадвалига киритиб, ўқитиш таъминлансин. Курсларни ўқитишга вилоят ва туман соғлиқни сақлаш бошқармалари ва бўлимларининг мутахассислари, олий ва ўрта тиббиёт ўқув юртларининг ўқитувчилари, «Соғлом авлод» жамғармалари мутасадди ходимлари жалб этилсин.

2000-2001 ўқув йилининг сентябридан бошлаб ўқув юртининг барча курс ва гуруҳларда мазкур курсларни ўқитиш йўлга қўйилсин. Маъруза ва амалий машғулотларни ўтишда мазкур курс бўйича ихтисослик малакасини оширган мутахассислардан фойдаланилсин.

Янги курс ўқитувчиларига ҳак тўлаш ўриндошлик ёки соатбай шаклида амалга оширилсин.

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб «Тиббиёт билимлари асослари» ва «ОИТС» (СПИД) «ОИВ» (ВИЧ) профилактикаси» дарсларини ўқув юртларининг биринчи курсларида ўқитиш белгилаб қўйилсин.

Мазкур курсларни ўқитишга ажратилган вақт ўқув режасидаги факультатив соатлар ҳисобидан қоплансин.

8. Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (Д.Н.Ғаниев) ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим марказининг маънавият ва маьрифат, гуманитар таълим ва ахборот бўлими (М.Ф.Лафасов)га:

8.1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўқув услубий идораси билан ҳамкорликда мазкур курслар бўйича ўқув қўлланмалар ва қўшимча адабиётларни тайёрлаш ва нашр эттириш юклатилсин.

9. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Қурбонов ва Р.Жўраевларга юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**4.1.28. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини Республика таълим тизимига жорий этиш юзасидан кўрилган тайёргарлик ҳақидаги маълумотнома» ва мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг топшириқлари ҳақида 2001 йил 15 январдаги 8 «а»-сонли**

**БУЙРУҒИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Маълумотномада баён этилган тадбирларнинг тўла қўллаб-қувватлаганлигини қайд этган ҳолда, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини республика таълим тизимига жорий ташкилий, илмий-педагогик жиҳатдан юқори савияда амалга ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. "Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини таълим тизимига жорий этиш, дарслик ва дастурларни ўқув-методик ва тажрибавий ҳужжатларни тайёрлпашни ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси қошида махсус методологик комиссия тузилганлиги эътиборга олинсин.

2. Олий ўқув юртлари ректорларига:

2.2. Бакалаврлар учун назорат шакли сифатида семестр якунида жорий синов ва ўқув йили охирида ижтимоий фанлар билан уйғунлашган давлат аттестацияси белгилансин.

2.3. Магистратура босқичида назорат шакли сифатида "Фаннинг фалсафий муаммолари" ҳамда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанлари уйғунлаштирган ҳолда давлат аттестацияси ўтказилсин.

2.5. Бакалавриат босқичининг қуйи курсларида "Миллий иетиқлол гояси: асосии тушуича ва тамойиллар" фани ижтимоий-гуманитар фанлар таркибига сингдирилган ҳолда ўқитилсин.

2.6. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича маъруза матнларини Вазирликда тайёрланган компьютер (дискет) варианти билан 25 январдан бошлаб ўқув юртларини таъминлаш ва уларни кўпайтириб профессор-ўқитувчилар ва талабаларга етказиш топширилсин.

2.7. Ўқув юртларининг "Маънавият ва маърифат" бўлимлари қошида тузилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўрганиш ва тарғиб қилиш Маркази"нинг таркиби ва раҳбари тўғрисида буйруқ билан расмийлаштирилган ҳужжат ҳамда рўйхат, Марказнинг иш режаси, шунингдек, ўқитувчиларнинг дарсларга ўзаро ташриф жадвали Вазирликка тақдим этилсин.

3. Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (Д. Ғаниев)га:

3.1. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўқитиш сифати ва савиясини тажрибадан ўтказиш мақсадида республика олий ўқув юртларида Тажриба майдонларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятии билан танишиш бўйича эксперт ишчи гуруҳи таркиби тўғрисида бир ҳафта ичида таклиф киритсин.

3.2. Олий ўқув юртларида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўқитиш сифати ва савиясини мунтазам равишда ўрганиш ва уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

4. Кадрлар, илм-фан ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бош бошқармаси (Ш. Бўтаев)га:

4.1. Олий ўқув юртлпарида белгиланган ва олиб борилаёиган илмий тадқиқотлар мавзулари Истиқлол гояси асосида қайта кўриб чиқилсин ва уларнинг таркибига Миллий истиқлол гоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ўзида акс эттирган янги мавзулар киритилсин ҳамда уларнинг юқори савияда бажарилиши таъминлансин.

4.2. Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг ихтисослик малакаларини янада ошириш тадбирлари белгилансин ва амалга оширилсин.

5. Вазирлик қошидаги Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э. Имомов)га:

5.1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини олий ўқув юртларида ўқитиш жараёнларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, бу фан бўйича янги дидактик технологияларни қўллаш услубларини яратиш, қўшимча дидактик ва кўргазмали ўқув материаллари ва адабиётларни тайёрлаш режасини тузсинлар ва амлга оширсинлар.

6. Вазирликнинг 2000 йил 17 октябрдаги 279-рақамли буйруғининг 2.1., 3.5. бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, 2000 йил 24 ноябрдаги 319 рақамли буйруғининг 3.1. бандидаги "бакалавр босқичининг биринчи ва битирувчи курслари" сўзлари "бакалавр босқичининг тўртинчи битирувчи курси" сўзлари билан алмаштирилсин. Шу буйруқнинг 3.2. бандидаги "бакалавр босқичи 44 соат") сўзлари "бакалавр босқичи 52 соат ") сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ушбу буйруқ бажарилиши назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.29. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Магистратурада чет тилларни ўқитилиш ҳолати ва такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 8 февралдаги 34-сонли

### БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш Миллим дастурининг иккинчи босқичи таълим сифатини ошириш, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кснгайтиришга қаратилган. Магистратура босқичида таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнида INTERNET глобал тармоғидан самарали фойдаланиш, хусусан чет тилларни ўқитишда талаба томонидаи дастурларни тўла ўзлаштирилишини таъминлаш билан боғликдир.

Магистратурада таълим олаётган ҳар бир талаба чет тилида эркин мулоқот қила олиши, мутахассислиги бўйича чоп этилган адабиётлар тушиниши ва ўз фикрини ифода этиш даражасига эришишини ҳамда ўқув жараёнини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Магистратура талабаларининг чет тиллар бўйича билим даражасини аниқлашга мўлжалланган талаб ва мезонларни ишлаб чиқиш, ёзма тестлар намуналарини тайёрлаш ва талабаларни билим даражасини таҳлил қилиш ҳамда магистратурада «Чет тили»ни ўқитилишини мониторинг натижаларини умумлаштириш учун, доимий амалдаги Бош гуруҳ қуйидаги таркибда тузилсин:

Ирисқулов М. – ЎзДЖТУ,
гуруҳ раҳбари;
Абдуазизов А. – ЎзМУ;
Саттарова З. – ТДШИ;
Ҳамдамов Т. – ТДИУ;
Ҳошимов У. – ЎзДЖТУ.

2. Олий таълим муассасалари магистратурасида «Чет тили» фанининг мазмуни, ўқув жараёнини ташкил этилиши, замонавий техник воситалардан фойдаланиши ва магистратура талабаларининг ушбу фандан билим даражаларини Вазирлик томонидан аттестациялаш бўйича гуруҳлар таркиби ва жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Доимий амалдаги Бош гуруҳ (Ирисқулов М.)га магистратура талабаларини аттестация натижаларини таҳлил этиб, чет тилларни ўқитилишини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

4. Магистратурада чет тилларни ўқитиш ҳолати ва уни такомиллаштиришга бағишланган масала Вазирликнинг навбатдаги Ҳайъат мажлиси кун тартибига киритилсин.

5.Ушбу буйруқ бажарилишининг назорати Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Б.Ҳ. Раҳимов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**4.1.30. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасаларида ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 12 февралдаги 42-сонли**

**БУЙРУҒИ**

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳамда ўқув жараёнида ўқитиш услуб-шаклларини такомиллаштириш ва Фаргона водийсида ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, марказлаштириш ва мавжуд профессор-ўқитувчилар салоҳияти ҳамда моддий-техника базасидан унумли фойдаланиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Фарғона водийсида 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб “Ҳуқуқ” таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш марказлаштирилган ҳолда, белгиланган қабул квоталари доирасида Наманган давлат университетида амалга оширилсин.

2. Андижон ва Фарғона давлат университетларининг “Ҳуқуқ” таълим йўналишларига 2002/ 2003 ўқув йилидан бошлаб талабалар қабули тўхтатилиши тўгрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилсин.

3. АндДУ (С.З.Зайнобидинов) ва ФарДУ (А.А.Ўринов) ректорларига:

3.1. «Ҳуқуқ» таълим йўналиши бўйича талабалар қабули тўхтатилиши сабабли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.08.2001йилдаги 343-сонли қарори билан тасдиқланган Классификаторга мувофиқ 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун «Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари» таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасидаги педагог-кадрларни тайёрлашга тўлиқ ўтилсин.

4. Олий ўқув юртлари. Бош бошқармаси (Б.Ҳ.Раҳимов)га: Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда Наманган давлат университетига мунтазам равишда ўқув-услубий масалалар бўйича амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**4.1.31. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2002 йил 21 февралдаги 54-сонли**

**БУЙРУҒИ**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилганлигини назарда тутиб ҳамда мазкур Дастурнинг биринчи босқичида тўпланган тажрибаларни амалда татбиқ этилишини жадаллаштириш, ўқув жараёнига оид асосий меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Таянч олий таълим муассасалари иштирокида тайёрланган, Мувофиқлаштирувчи кенгаш экспертизасидан ўтган таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.32. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ижтимоий-гуманитар фанлардан давлат таълим стандарти бўйича бакалаврга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2002 йил 3 апрелдаги 108-сонли

### БУЙРУҒИ

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича бакалавр йўналишида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг зарурий тайёргарлик даражаси, уларнинг билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар ҳамда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида олинган билимларни тўлдириши, ривожлантириши, Миллий истиқлол ғояси ва демократия, миллий-умуминсоний қадриятлар негизида илмий ҳамда гуманитар дунёқарашини шакллантириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирлик, Республика “Устоз” жамғармаси ҳамда Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти ҳамкорлигида тайёрлаган “Ижтимоий-гуманитар фанлардан давлат, таълим стандарти бўйича бакалаврга қўйиладиган талаблар”и (иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

4. Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси бошлиғи (З.Тошматов)га:

4.1. «Ижтимоий-гуманитар фанлардан давлат таълим стандарти бўйича бакалаврга қўйиладиган талаблар» чоп эттирилгандан сўнг таълим муассасаларига тарқатишни ташкил этиш топширилсин.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.33. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Магистратура босқичида чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 15 апрелдаги 119-сонли

### БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда Вазирликнинг “Магистратурада чет тилларни ўқитиш ҳолати ва уни такомиллаштириш тўғрисида”ги 34-сонли буйруғига (8.02.2002 й.) биноан ташкил этилган махсус гуруҳ жорий йилнинг феврал ойида Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари магистратурасида таълим олаётган талабаларнинг инглиз тили бўйича эгаллаган билимларини аниқлаш мақсадида олий таълим муассасаларининг ихтисослиги ҳисобга олиниб тузилган ёзма ва оғзаки тестларни ўтказиб, натижаларини Вазирликка тақдим этди.

Инглиз тили бўйича магистратура талабалари билимларининг саёзлиги бевосита профессор-ўқитувчиларнинг махсус матнлар устида кам ишлашлари, талабаларда оғзаки нутқни ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмаслиги, янги педагогик технологияга асосланган замонавий услублар кенг татбиқ этилмаганлиги, малака ошириш жараёнида мутахассислик бўйича таълимнинг старли эмаслиги, шунингдек, замонавий тестлар (TOEFL, GMAT, GRE кабилар) билан талабалар таниш эмасликларининг оқибатидир.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб ҳамда магистратура босқичида чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

3. Олий таълим муассасалари ректорларига:

3.2. Магистратурада таълим олаётган ҳар бир талабанинг чет тилларидан эркин сўзлашиши даражасига етказиш, чет тиллари кафедраларининг асосий вазифаларидан этиб белгилансин.

3.3. Чет тиллари кафедраларини малакали профессор-ўқитувчилар билан кучайтириш, чет тиллари ўқитилиши учун ажратил-

ган аудиторияларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлашга ҳамда уларнинг янги авлодини яратишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3.4. Чет тили машғулотларида янги педагогик технологияларни қўллаш, чет элларда нашр этилган адабиётлар, газета ва журналлардан ҳамда Internet материалларидан кенг фойдаланиш ташкил этилсин.

3.5. Талабаларда TOEFL, GMAT, GRE каби тестларни ишлаш, хорижий адабиётларни ўқиш, тинглаб тушуниш, реферат ёзиш ва баҳс юритиш кўникмаларини шакллантириш топширилсин.

3.6. Инглиз тили профессор-ўқитувчиларини ЎзДЖТУ қошида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги бир ҳафталик малака ошириш курсларига жўнатиш ҳамда сарф-харажатларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ажратиш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 4.1.34. ПРИКАЗ
## Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан № 171 от 10 июня 2002 года Об одобрении «Методики развития критического (аналитического) мышления в системе высшего образования»

2.2. Олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (Долимов Т.) билан биргаликда бакалавриат йўналишлари, магистратура мутахассисликларини очиш бўйича тақдим этилган материалларни экспертизадан ўтказиш ва тегишли хулосаларни тайёрлаш вазифаси топширилсин.

3. Таълим тизими маркетинги Бош бошқармаси (Т.Маъруфов)га:

3.2. Магистрлар тайёрлашга вазирликнинг рухсати бўлган олий ўқув юртларининг магистратура мутахассисликларига 1999/2000 ва кейинги ўқув йилларига талабаларни қабул қилиш учун ўрин ажратиш тўғрисида ўрнатилган тартибда таклиф киритилсин.

4. Олий ўқув юртлари ректорларига:

Бакалавриат йўналишлари ва магис-

тратура мутахассисликларини очиш бўйича таклифлар белгиланган тартибда Вазирликнинг олий ўқув юртлари Бош бошқармасига тақдим этиш юклатилсин (муддат ҳар йили 31 декабрга қадар).

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.46. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Талабаларнинг қишки таътили даврида педагог кадрлар учун мақсадли курслар ташкил этиш ҳақида»ги 2000 йил 25 декабрдаги 349-сонли

### БУЙРУҒИ

Талабаларнинг қишки таътили даврида вақтдан унумли фойдаланиш учун профессор-ўқитувчилар педагогик маҳоратини ошириш, янги педагогик ва ахборот технологиялари такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. ОЎЮлари ректорларига талабаларнинг қишки таътиллари даврида педагоглар учун Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаати ва Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари олдидаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш юзасидан XXI асрдаги стратегик вазифалари ҳақида ҳамда янги педагогик ва ахборот технологияларни ўқув жараёнида кенг қўллашга қаратилган мақсадли семинарлар ташкил қилиш ва ўтказиш топширилсин.

2. Кадрлар, илм-фан, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси (Ҳ.Р.Раимов), ОЎМММИ (Э.З.Имамов) ва малака ошириш институтлари директорлари (Г.Н.Охунова, Ш.Ш.Шаропов, С.А.Абдурахимов, Ф.Ш.Шамсутдинов)га вилоят университетлари билан келишилган ҳолда мақсадли сайёр семинарлар ўтказиш топширилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорати вазир ўринбосари Қ.Р.Аллаевга топширилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.47. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Магистратура босқичида чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 15 апрелдаги 119-сонли

### БУЙРУҒИ

1. ЎзДЖТУ ректори (Р.Б.Шоумаров)га:

1.1. ЎзДЖТУ ва Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциациясининг ЎзДЖТУ қошида инглиз тили бўйича хўжалик ҳисобидаги бир ҳафталик инглиз тили ўқитувчилариниң касбий малакасини ошириш курсларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи асосида икки ҳафта муддатда хўжалик ҳисобида бир ҳафталик касбий малака ошириш курсининг Низоми, жадвали ва сарф-харажатлари сметасини ишлаб чиқиш вазифалари топширилсин.

1.3. Профессор-ўқитувчиларнинг касбий малака ошириш курслари «Битирув иши»ни ёзиш ва уни ҳимоя килиш билан якунланиши белгилаб қўйилсин.

1.4. Малака ошириш курсларида профессор-ўқитувчилардан ҳар бир мутахассислик хусусиятлари эътиборга олинган терминологик луғатларни тузиш, инглиз тили фанидан амалий машғулотларга услубий қўлланмалар яратиш каби ишларни йўлга қўйиш вазифаси юклатилсин.

Малака ошириш курсларида тайёрланган услубий қўлланмаларни мавзулар бўйича тўплаш, умумлаштириш ва улар асосида дарслик, ўқувғуслубий қўлланмаларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорларига:

3.6. Инглиз тили профессор-ўқитувчиларини ЎзДЖТУ қошида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги бир ҳафталик малака ошириш курсларига жўнатиш ҳамда сарф-харажатларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ажратиш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.48. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ва имлосини ўргатиш курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги 2003 йил 18 сентябрдаги 232-сонли

### БУЙРУҒИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 июндаги 304-сонли, 1996 йил 19 мартдаги 104-сонли қарорларига илова қилинган "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни таъминлаш юзасидан қабул қилинган давлат дастурини бажариш мақсадида ҳамда 2006 йилдан бошлаб таълимнинг барча турларида лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг тўла жорий этилиши муносабати билан олий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчиларнинг лотин имлосида ўқув-услубий қўлланмалар яратиш, дарс бериш ва иш юритиш намуналарини тайёрлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

3. Олий таълим муассасаларининг ректорларига:

3.1. Малака ошириш институтлари, факультетлари, марказлари қошида барча профессор-ўқитувчилар учун 2003-2004 ўқув йили давомида лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ва имлосини ўргатиш мақсадли курслари ташкил этилсин.

3.2. Ташкил этилган курсларда асосий штатдаги ходимларни бепул ўқитиш ва харажатларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплашга рухсат берилсин.

3.3. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ва имлосини ўргатиш мақсадли курслари ёзма битирув имтиҳон олиш билан якунлансин ва курсни муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга сертификат бериш ташкил этилсин.

3.4. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўргатиш бўйича жалб қилинган педагогларга соатбай иш ҳақи тўлаш учун таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланишга рухсат берилсин.

...5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.49. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўқув жараёнига оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 1999 йил 21 декабрдаги 379-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 4 июндаги 282-сонли "1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорининг магистратурага оид бандларини бажариш ҳамда ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни назарда тутиб ҳамда олий таълимнинг II босқичи-магистратура бўйича кадрлар тайёрлашга кирилиши муносабати билан қайта кўриб чиқилган "Олий таълим муассасалари профессор-

ўқитувчилари томонидан бажариладиган ўқув–услубий, илмий-тадқиқот ва бошқа ишлар ҳажмини белгилаш бўйича вақт меъёрлари" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика олий таълим муассасалари ректорларига:

2.1. Профессор-ўқитувчилар юкламаларини белгилашда ушбу буйруқ билан тасдиқланган вақт меъёрлари ва ишларнинг асосий турларига амал қилиш топширилсин.

2.2. Вақт меъёрлари профессор-ўқитувчиларнинг сони ва иш ҳақи фонди доирасида, 1999/2000 ўқув йилидан жорий этилсин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 10 июлдаги 188-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан бажариладиган ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва бошқа ишлар ҳажмини белгилаш бўйича Вазирликнинг1999 йил 21 декабрдаги 379-сонли буйруғи билан тасдиқланган ВАҚТ МЕЪЁРЛАРИ

| № | Иш турлари | Юклама Белгилаш учун вақт меъёрлари | Эслатма |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | Бакалавриат ва магистратура босқичларида маъруза ўқиш | 1 акад. соат учун 1 соат | 1 акад. соат 45 мин. ҳисобида |
| 2 | Бакалавриат ва магистратура босқичларида лаборатория ишлари, амалий ва семинар машғулотларини ўтказиш. | 1 гуруҳга (гуруҳчага) 1 акад. соат учун 1 соат | Бакалавриатда акад. гуруҳ 15-20, гуруҳчада 8-10 та талабадан иборат бўлиши мумкин. |
| 3 | Бакалавриат ва магистратура ўқув режаларида назарда тутилган якка тартибдаги машғулотларини ўтказиш | 1 гуруҳга (гуруҳчага) 1 акад. соат учун 1 соат | |
| 4 | Бакалавриат ва магистратура босқичларида фанлар бўйича жорий консультацияларини ўтказиш | Ўқув режада ҳар бир фанга ажратилган маъруза соатлари ҳисобидан:<br>кундузги ўқув шаклида – 5% гача;<br>сиртқи ўқув шаклида–15% гача | |
| 5 | Рейтинг тизими: бакалавриат ва магистратурада таълим олувчилар билимини баҳолаш. | Бир талабага фан бўйича ёзма шаклдаги баҳолашда – 1 соат: қолган ҳолларда – 0,5 соатгача. | Олий таълим муассаси Илмий (Илмий-услубий) Кенгашнинг қарори билан машғулот турлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, фан бўйича дифференциялашган меъёрлар белгиланиши мумкин. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6 | Ўқув дастурларида назарда тутилган ҳисоб чизма ишлари, контрол ишлари ва уй вазифаларини қабул қилиш ва текшириш:<br>Бакалавриатда<br>Магистратурада | - 1 вазифага 0,4 соатгача , лекин бир семестрда фан бўйича 1 талабага 1 соатдан ошмаган ҳолда:<br>- 1 вазифага 0,5 соатгача, лекин бир семестрда фан бўйича 1 талабага 1,5 соатдан ошмаган ҳолда: | |
| 7 | Курс ишларига раҳбарлик қилиш, консультация бериш, тақриз ёзиш, ҳимоясини қабул қилиш, рейтинг назорати | 1 ишга 3 соатгача | |
| 8 | Курс лойиҳасига раҳбарлик қилиш, консультация бериш, тақриз ёзиш, ҳимоясини қабул қилиш, рейтинг назорати | 1 лойиҳага 4 соатгача | Шу жумладан, тақриз учун 0,5 соатгача ажратиш мумкин |
| 9 | Битирув иши, магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш, тақриз ёзиш, консультация бериш ва ДАК ишида қатнашиш | Ҳар бир талаба ва магистрантга 30 соат (ижодий мутахассисликлар учун 35 соат). ДАКнинг ҳар бир аъзоси учун 1 соатгача (ДАК аъзоларининг сони 8 киши, раис билан биргаликда) | Соатлар тақсимоти: ДАК раиси ва аъзолари учун 4 соатгача: тақриз (оппонентлик) – 4 соатгача. қолган соатлар раҳбарлик ва консультация учун |
| 10 | Давлат аттестация комиссиялари | Ҳар бир аттестациядан ўтувчи шахс учун Комиссия аъзоларининг ҳар бирига 0,5 соат. | Комиссиянинг ҳар бир йиғилиши 6 соатгача давом этиши мумкин |
| 11 | Магистратурага, аспирантурага кириш ва номзодлик синовларини қабул қилиш | Ҳар бир синов олувчига ҳар бир магистрант, аспирант ёки тадқиқотчи учун 1 соат | Синов олувчилар сони 4 тагача |
| 12 | Магистрант, аспирант ва тадқиқотчига раҳбарлик қилиш | Йилига ҳар бир аспирантга 50 соат, магистрантга – 30, тадқиқотчига 25 соат. | Профессор ёки фан докторига 5 тагача, фан номзодига 3 тагача магистрант ва аспирант бириктирилади |
| 13 | Докторантга илмий раҳбарлик қилиш | Ҳар бир докторантга 100 соат. | |
| 14 | Стажерга раҳбарлик | Стажировканинг ҳар ойи учун 8-10 соат, йилига 25 соатгача. | |
| 15 | Шахсий режа асосида ўқиётган магистрантга якка тартибдаги оғзаки ва ёзма консультациялар бериш | Ҳар бир фан бўйича ўқув режасида ажратилган жами аудитория соатларини10%гача | |
| 16 | Малакавий ва битирув олди амалиётига раҳбарлик қилиш, ҳисоботларни текшириш ва назорат шакли билан биргаликда | Бир гуруҳга (гуруҳчага) бир иш куни учун 4-6 соат, меҳнат сафарида 6-8 соат | Ректорат қарори билан гуруҳ амалиёти ҳар хил базаларда ўтказилганда, ихтисослашган талабалар бригадаси тузилганда ёки бошқа асосланган ҳолларда гуруҳ иккига бўлиниши мумкин |
| 17 | Шахсий режага мувофиқ ўтказиладиган амалиётга раҳбарлик қилиш | Ҳар бир талабага 1 ҳафтага 1 соатгача | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 18 | Олий ўқув юртларга кириш имтиҳонларини (профил, ижодий) қабул қилиш | Ёзма имтиҳон учун (поток бўйича) 4 соат. ҳар бир ёзма ишни текшириш учун 0,3 соатгача, ҳар бир огзаки имтиҳон топширувчига 0,5 соат | |
| 19 | Олий ўқув юртларга кириш тест синовлари олдидан ўтказиладиган профил (ижодий) имтиҳонлар фанларидан консультациялар ўтказиш | Ҳар бир шаклланган поток (гуруҳ) учун ҳар бир фан бўйича 2 соат | Иш бўйича суҳбатга 0,25 соат |
| 20 | Аспирантурага киришда ихтисослик бўйича ёзилган рефератларга тақриз ёзиш | Бир босма табоқ хажмдаги иш учун 3 соат | |
| 21 | Сиртқи бўлим талабаларининг назорат ишларига тақриз ёзиш | 1 ишга 0,75 соат, лекин 1 семестрга 1 фанга 1,5 соатгача | Иш бўйича суҳбатга 0,25 соат. |
| 22 | Сиртқи бўлим талабалари учун якка тартибдаги огзаки ва ёзма консультациялар бериш | Бир фан бўйича йилига бир талабага 1 соатгача | Консультация ўтказиладиган фанлар рўйхати ўқув бўлими томонидан белгиланади |
| 23 | Кафедрага раҳбарлик қилиш | Кафедра профессор -ўқитувчилар штат бирлиги 10 тагача бўлса 60 соат, ундан ортиқ бўлганда 100 соат | |
| 24 | Ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда маъруза матнларини тайёрлаш | Ўқув режа учун –20 соат: янги киритилаётган фан дастури учун –20: маъруза матнлари тайёрлаш (бир босма табоқ учун) – 20 соат | |
| 25 | Малака ошириш институти ва малака ошириш факультетида дарс бериш | Алоҳида низом билан белгиланади | Кафедра юкламасига штат бирлиги ёки малака ошириш институти ва малака ошириш факультетидан соатбай ҳақ тўлаш ажратилган ҳолда киритилади |

1 – банд бўйича изоҳ

1. Маъруза соатларини имконият даражасида муайян курс талабалари ва талаба-магистрантларни тўла қамраб оладиган потокларда ўқитишни режалаштириш тавсия этилади. Курсни потокларга бўлиб ўқитиш, фақат ўқув дастури ҳар хил тилларда олиб борилганда ҳамда катта сиғимли аудиториялар мавжуд бўлмаган ҳоллардагина рухсат этилади.

2. Ўта мураккаб махсус фанлардан (ректорат томонидан белгиланадиган) маърузалар, лаборатория ва амалий машғулотлар ўтказувчи ўқитувчиларнинг йиллик ўқув юкламаси, қайд этилган машғулотларнинг ҳажмига қараб, 30 % гача қисқартирилиши мумкин.

3. Амалий машғулотлар соатларини ҳисоблаш жараёнида асосий ўқув бирлиги бўлиб, академик гуруҳ ҳисобланади:

бакалавриатда 15-20 киши;

магистратурада 3-4 киши.

Бакалавриатура босқичида чет тиллари, муҳандислик графикаси чизмалари, чизмачилик, чизма геометрия бўйича амалий машғулотларни ҳамда лаборатория иш-

лари, компьютер синфларида машғулотлар ўтказиш жараёнида гуруҳлар 8-10 талабадан иборат гуруҳчаларга бўлиниши мумкин.

4. Битирув ишини бажарувчи ҳар бир талабага ажратиладиган умумий соатлар сонини айрим кафедралар ўртасида тақсимланиши, мутахассис чиқарувчи кафедраларнинг тақдимоти бўйича ректорат (деканат)нинг қарори билан амалга оширилади.

Худди шундай тартиб магистрлик диссертациясини бажарувчи ҳар бир магистрантга ажратиладиган умумий соатлар сонини айрим кафедралар ўртасида тақсимланишида қўлланилади.

Ўқув-услубий ишлар

1. Маъруза, амалий семинар, лаборатория машғулотларига ва ўқув амалиётига тайёргарлик кўриш.

2. Маъруза матнларини ёзиш ва қайта таҳрир этиш. Маъруза матнларини, машқ ва масалалар тўплами, лаборатория амалиёти ва бошқа ўқув-услубий материалларни, жумладан, курс ва битирув ишлари ҳамда магистрлик диссертациясини бажариш бўйича қўйиладиган талабларга оид услубий қўлланмаларни чоп этишга тайёрлаш.

3. Контроль ишлари ва тест саволлари вариантларини ҳамда ўзлаштиришни аниқлашга доир рейтинг назоратининг бошқа турларини ишлаб чиқиш.

4. Проекция воситалари эскизлари (диапозитивлар, диафильмлар ва шунга ўхшашлар)ни ишлаб чиқиш. Ўқув теле ва кинофильмлар сценарияларини яратиш.

5. Талаба ва магистрантларнинг ишлаб чиқариш амалиётига тайёргарлик кўриш.

Педагогик малакани ошириш бўйича қилинадиган жорий ишлар (ўқув-илмий-услубий адабиётларни ўқиш, илғор ишлаб чиқариш тажрибасини ўрганиш ва ҳоказо) натижаси бўйича ҳисобот тақдим этилади.

Кафедранинг ўқув ва ўқув-услубий ишларига раҳбарлик қилиш.

Амалиётни ўтказиш бўйича календар жадвалларни тузиш.

9. Маърузалар матнига, машқ ва масалалар тўплами, лаборатория амалиётини ўтказиш бўйича услубий қўлланмаларга ва бошқа ўқув-услубий қўлланмаларга тақриз ёзиш.

Ўқув жараёнида техника воситалари ва ЭҲМ ни қўллаш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш.

Амалдаги лаборатория ишларини замонавийлаштириш ва янгиларини жорий этиш.

Малака ошириш институти, малака ошириш факултетининг махсус факултетлари тингловчилари учун топшириқлар ва услубий кўрсатмаларни тузиш.

Контроль ва уй вазифалари, индивидуал лаборатория ишлари, амалиётда илмий–тадқиқот ишлари бўйича топшириқ ва ҳар хил материалларни тўплашни ташкил этиш.

Талаба ва магистрантлар билан олимпиадаларни тайёрлаш ва ўтказиш.

Ишбилармонлар ўйини, ишлаб чиқариш масалалари ва муайян ўқув услубий материалларни тайёрлаш.

16. Кафедра раҳбарлари ва ўқитувчиларининг ўзаро дарсларга киришни ташкил этиш.

17. Ўқув жараёнига ЭҲМни татбиқ қилиш билан боғлиқ бўлган (вазифаларни ишлаб чиқиш, программаларни созлаш ва ҳоказо) ишларни ташкил этиш ва натижаси бўйича ҳисобот бериш.

18. Видео-маьрузаларнинг қисқа мазмунли (аннотированный) тематик режаларини тузиш, барча расм, чизма ва схемалар бажарилган аннотациявий режа бўйича видео-маърузалар матнларини ёзиш.

Телевизион маьрузанинг сценариясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг адабий сценариясига тақриз ёзиш.

Телемаьрузаларни кўриш ва муҳокама этиш бўйича услубий комиссия ишида иштирок этиш. Кафедра мажлисида (услубий комиссия) телевизион маьрузалар курсининг аннотациявий тематик режаларини ва телевизион маьрузалар сценарияларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Фан бўйича талаба ва магистрантлар ўқув адабиётлари билан таьминланганлик даражасини кўрсатувчи хариталарни тузиш.

Илмий–тадқиқот ишлари

Режалаштирилган илмий тадқиқот ишларининг бажарилиши (илмий тадқиқот мавзуига раҳбарлик қилиш, илмий тадқиқот ишларининг бевосита бажарилиши, илмий тадқиқот ишлари натижаларининг татбиқ

этилиши бўйича бажарилган ишлар, ҳисобот тақдим этиш).

Дарслик, ўқув қўлланмалар, монографиялар, илмий мақола ва маърузаларни ёзиш ва нашрга тайёрлаш.

Дарслик, ўқув қўлланмалар, монографиялар, илмий мақола ва маърузаларни илмий таҳрир қилиш.

Дарслик, ўқув қўлланмалар, монографиялар, илмий мақола, маъруза ҳамда диссертацияларга ва ҳоказо материалларга (кафедранинг топширигига биноан) тақриз ёзиш.

Авторефератларга, муаллифлик ихтиро ва таклифларга тақризлар ёзиш.

Докторлик ёки номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўриш.

Ихтиро ва рационализаторлик таклифлар бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш.

Илмий журналлар таҳририятида, илмий мақолалар тўпламлари таҳририят кенгашларида ва ҳоказо органларда ишлаш.

Илмий-техникавий бўлимларда ва илмий-услубий кенгашлар ҳамда олий мактаб, вазирликлар ва ташкилотларнинг бошқарув органлари қошидаги комиссияларда ишлаш.

Олий таьлим муассасасининг ихтисослашган кенгашлари, илмий-техникавий ва илмий-услубий комиссиялари ишларида иштирок этиш.

Кафедрада, КБ факултетида, олий таьлим муассасасида талаба ва магистрантларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш.

12 . Илмий-тадқиқот лабораториясига раҳбарлик қилиш.

13. Илмий-тадқиқот ва илмий-услубий ишларнинг бошқа турлари, ишлаб чиқариш, олий таьлим муассасалари ва бошқаларнинг ходимларига консультациялар бериш.

Ташкилий-услубий ишлар

1. Олий таьлим муассасаларига кирувчи ёшларга касбий йўналтириш бўйича ишларни амалга ошириш ва натижаси бўйича ҳисобот тақдим этиш.

2. Қабул комиссиясида ишлаш.

3. Материаллар тайёрлаш ва кафедра мажлисларида, олий таьлим муассасаси (факультет) кенгашида, илмий-услубий кенгашларда ҳамда семинарларда иштирок этиш.

4. Олий мактаб ва малака ошириш тизимини бошқарув органлари топшириқлари бўйича ташкилий-услубий ишларни бажариш.

5. Дарсдан ташқари вақтларда спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш (спорт-соғломлаштириш лагерлари ва ўқув-машқ йиғинларида талаба ва магистрантлар билан жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотлар, спорт байрамлари, кечалар ва спорт мусобақаларини ўтказиш).

Маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар

1. Академик гуруҳларда маьнавий-ахлоқий, тарбиявий ва индивидуал ишларни амалга ошириш.

2. Мураббийлик иши (устоз ва шогирд тарзида).

3. Конференцияларни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ишлар.

4. Кечки вақтларда ва дам олиш кунларида ётоқхоналарда талаба ва магистрантлар билан тарбиявий ишларни амалга ошириш.

Академик гуруҳларда, потокларда ва ётоқхоналарда қизиқарли мавзуларга бағишланган маърузалар билан чиқиш ҳамда суҳбатлар ўтказиш.

Талаба ва магистрантларни қизиқтирувчи соҳалар бўйича клублар, ижодий тўгараклар, спорт секциялари ва ҳоказоларни ташкил этиш ва уларни бошқариш.

Умумий эслатмалар

1. Юқорида қайд этилган намунавий вақт меъёрлари ва иш турлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ва факультетларнинг профессор-ўқитувчилари фаолиятига ҳам тарқалади.

2. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва ташкилотлар, ўз соҳалари талабларидан келиб чиқиб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, иш турлари ва вақт меъёрларига айрим ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

3. Ўқув юкламаси ва барча бошқа иш турлари ўқитувчиларнинг шахсий режаларида тўла ва аниқ акс эттирилган бўлиши керак.

4. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва ўқув-услубий фаолиятини (дарслик, монографиялар, ўқув қўлланмалар ва хоказоларни ёзиш) рағбатлантириш мақсадида олий таълим муассасаси ректорига, зарурий ҳолларда кафедранинг таклифига биноан, олий таълим муассасаси Илмий Кенгаши (факультети)нинг қарори билан, ўқитувчининг ўқув юкламасини камайтириш ёки муайян муддатга унга ўқув юкламасини режалаштирмаслик ҳуқуқи берилади. Ушбу ҳолатда, ўқитувчининг ўқув юкламаси кафедранинг бошқа аъзоларининг амалдаги ўқув юкламасига қўшимча равишда тақсимланади.

### 4.1.50. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги 2000 йил 27 январдаги 19-сонли

### БУЙРУҒИ

4. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ректорлари ва директорларига:

4.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси бўйича 12 соатлик махсус курс (6 соат маъруза, 6 соат амалий машгулот) ўқув юртлари барча гуруҳларининг дарс жадвалига жорий ўқув йилининг 2 семестри бошидан бошлаб киритилсии ва махсус ўқув дастури асосида ўрганиш ташкил этилсин. Маъруза ва семинар машғулотлари ўқув режасида белгиланган факультатив соатлар ҳисобидан қоплансин.

4.6. Махсус курс бўйича машғулотлар олиб борувчи профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақлари соатбай ҳисобидан тўлансин.

...7.2. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» илмий-услубий семинарда ўз маърузалари билан қатнашган юқори малакали мутахассисларнинг ҳар бирига Вазирликнинг бюджетидан ташқари маблаглари ҳисобидан 5000 (беш минг) сўмдан ҳақ тўлансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.51. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор лавозимини киритиш тўғрисида”ги 2005 йил 2 мартдаги 39а-сон

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 28 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ҳамда 2005 йил 7 февраль куни Оқсарой қароргоҳида Ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари билан ўтказилган амалий кенгашдаги нутқларида узлуксиз таълим тизими олдида қўйилган вазифаларни руёбга чиқариш, шунингдек вазирлик Ҳайъатининг ушбу масалаларга бағишланган 2005 йил 14 февралдаги қарорини бажариш максадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиииng 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон қарори билан тасдиқданган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларии қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун белгиланган ихтисослаштирилган базавий ва етакчи олий таълим муассасаларининг (олий таълим муассасалари рўйхати мазкур Қарорнинг 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган) ташкилий тузилмасига, тасдиқланган бошқарув хо-

димларининг умумий сони ва иш ҳаки фонди доирасида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор лавозими киритилсин.

2. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича олий таълим муассасаси проректори зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилсин:

- академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг мурожаатлари асосида олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари, магистрантлари ва аспирантларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўриндошлик асосида педагогик фаолият олиб боришларини ташкил этиш;

- олий таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига зарурий ўқув адабиётларини яратиш борасида кўмаклашиш;

- олий таълим муассасаси кутубхоналарида мавжуд бўлган анъанавий ва электрон ўқув адабиётларидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш;

- академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига келтирилган замонавий асбоб-ускуналарни ишга тушириш, янги лаборатория ишларини йўлга қўйиш ва ўқув жараёнига жорий этиш, лаборатория ва амалий машгулотларни услубий қўлланма ва кўрсатмалар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш;

- олий таълим муассасасининг ихтисослаштирилган кафедраларида касб-ҳунар коллежлари педагоглари ва муҳандис-педагогларига тажриба алмашиш ва малака ошириши учун шарт-шароитлар яратиш.

3. Қуйидагилар:

-академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича олий таълим муассасаси проректори хизматининг намунавий ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

-академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича олий таълим муассасаси проректори тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари учун базавий ва етакчи ҳисобланган олий таълим муассасалари ректорларига:

4.1. Бир ҳафта муддатда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор лавозимига номзодлар аниқланиб, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар вазирликнинг Кадрлар бошқармасига тақдим этилсин.

4.2. Бир ой муддатда ҳамкор академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари базасида олий таълим муассасаси тегишли кафедраларининг филиалларини ташкил этиш бўйича таклифлар киритилсин.

5. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (А.Каримов), Тошкент давлат техника университети (Қ.Аллаев)га 2005 йил 1 апрелигача Тошкент давлат техника университети базасида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича олий таълим муассасалари проректорлари фаолиятини ташкил этишга бағишланган республика семинари ўтказилсин.

6. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбари (Ж.Хусанов)га:

6.1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари учун базавий ва етакчи ҳисобланган олий таълим муассасалари ректорлари билан биргаликда, икки ҳафта муддатда, ҳамкор академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари аниқлансин ва уларнинг директорлари олий таълим муассасалари Илмий кенгашлари таркибига киритилсин.

6.2. Икки ой муддатда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг базавий ва етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш дастурлари ишлаб чиқилсин, тегишли шартномалар расмийлаштирилсин ва булар ҳақида вазирликка ахборот берилсин.

6.3. 2005 йил давомида вазирлик Ҳайъати мажлислари кун тартибига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими худудий бошқармалари бошлиқларининг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлари тўғрисида ҳисобот бериши амалиётга киритилсин.

7. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (В.Алехина)га академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича олий таълим муассасаси проректори лавозими ўрнатилган тартибда олий таълим муассасаси намунавий штатлари рўйхатига киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 31 майдаги 125-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2005 йил 2 мартдаги
39а-сонли буйруғига ИЛОВА

**Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича олий таълим муассасаси проректори тўғрисида**

## НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича олий таълим муассасаси проректори лавозими (бундан кейин – проректор) олий таълим муассасаси ташкилий тузилмасига Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 2 мартдаги 39а-сон буйруги асосида киритилади. Проректор лавозими киритиладиган олий таълим муассасалари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон қарорининг 2-иловасига мувофиқ белгиланади.

2. Проректор ўз фаолиятини Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси ҳамда ҳамкор академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан биргаликда олиб боради. Ўқув-услубий масалаларнинг ечимини топишда олий таълим муассасасида ташкил этиладиган Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим интеграцияси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, шунингдек олий таълим муассасаси муайян кафедраларининг ҳамкор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги филиалларининг таклиф ва тавсияларига таянади.

### II. Проректорнинг асосий вазифалари

3. Проректорнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳамкор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг мурожаатлари асосида олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари, магистрантлари ва аспирантларини ушбу академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўриндошлик асосида педагогик фаолият олиб боришларини ташкил этиш;
- олий таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига зарурий ўқув адабиётларини яратиш борасида кўмаклашиш;
- олий таълим муассасаси кутубхоналарида мавжуд бўлган анъанавий ва электрон ўқув адабиётларидан ҳамкор академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш;
- ҳамкор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига келтирилган замонавий асбоб-ускуналарни ишга тушириш, янги лаборатория ишларини йўлга қўйиш ва ўқув жараёнига жорий этиш, лаборатория ва амалий машғулотларни услубий қўлланма ва кўрсатмалар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш;
- олий таълим муассасасининг ихтисослаштирилган кафедраларида касб-ҳунар коллежлари педагоглари ва муҳандис-педагогларига тажриба алмашиш ва малака ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим ўртасида узвий алоқани ўрнатиш, ҳамкор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим сифатини ошириш ва малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- педагог ва муҳандис-педагогларни тайёрлаш учун ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини мамлакатимиз ва чет эл таълим муассасала-

рида орттирилган ижобий тажрибалар асосида такомиллаштириб боришни ташкил этиш;

- академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан расмийлаштирилган ҳамкорлик шартномалари ижросини назорат килиш;

- академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига самарали таълим хизматларини кўрсатаётган олий таълим муассасаси профессор- ўқитувчиларини маънавий ва моддий рағбатлантиришга тавсиялар бериш;

- ҳамкор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида олий таълим муассасаси кафедралари филиалларини очиш учун таклифлар тайёрлаш, уларнинг ишини ташкил этиш ва назорат килиш.

### III. Проректор фаолиятини ташкил этиш

4. Проректорнинг фаолияти ушбу Низомда белгиланган асосий вазифаларига мувофиқ ҳамда муайян академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ўрнатилган тартибда тузилган ва расмийлаштирилган ҳамкорлик шартномалари асосида ташкил этилади.

5. Ҳамкорлик шартномаларининг ижроси мунтазам равишда олий таълим муассасаси Илмий кенгашида ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларида муҳокама этиб борилади.

6. Проректор Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбарининг таклифига биноан ушбу марказ Ҳайъат мажлисларида иштирок этади.

7. Проректор лавозимига номзодлар ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Олий таълим муассасасида проректор фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратилади.

8. Проректор ўз ваколати доирасида иш юритади ва зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича шахсан ўзи жавоб беради.

## 4.1.52. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Меъёрий ва услубий ҳужжатлар сифатини таъминлаш жараёнини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2006 йил 7 мартдаги 51-сонли

## БУЙРУҒИ

Меъёрий ва услубий ҳужжатлар, ўқув адабиётларини тайёрлаш ҳамда экспертизадан ўтказишда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ходимлари, етакчи педагог ва олимлар, тажрибали мутахассислар салохиятидан кенгроқ фойдаланиш, ДТСлари, ўқув режалари ва фан дастурларида жамиятимизда кечаётган демократик ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотларни тўлақонли акс эттириш, таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги, инсонпарварлиги, дунёвийлиги ҳамда миллий истиқлол ғояси билан уйғунлигини таъминлаш максадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими илмий-услубий ва ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш» деб юритилсин.

2. Меъёрий ва услубий ҳужжатлар, ўқув адабиётларини яратишда узлуксиз таълимнинг демократлашуви, инсонпарварлашуви, ижтимоийлашуви, миллий йўналтирилганлиги ва комил инсонни шакллантиришга каратилганлиги каби тамойилларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида Мувофиқлаштирувчи кенгаш, ўқув-методик бирлашмалар ва шўъба раисларининг маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосарлари лавозими киритилсин.

3. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби 1-илова, Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилмаси 2-илова, ўқув-методик бирлашмалар тузилмаси 3-илова ва Мувофиқлаштирувчи

кенгашниинг бошқарув тизими 4-иловага мувофиқ. тасдиқлансин.

4. Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси (М.Зиёев)га:

4.1 Билим соҳалари бўйича ўқув-методик бирлашмалар таркиби тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ходимлари, етакчи педагог ва олимлар ҳамда тажрибали мутахассисларни жалб этган ҳолда қайтадан шакллантирилсин.

4.2 ДТСлари, ўқув режалари, фан дастурлари ва ўқув адабиётлари сифатининг замон талаблари даражасида бўлиши таъминлансин.

4.3 Ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини ўрганиш, илғор тажрибаларни таълим тизимига жорий этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш ҳамда мавжуд камчилик ва муаммоларни кенг жамоатчилик фикри асосида бартараф этиш мақсадида Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисларида ўқув-методик бирлашмалар ҳисоботини эшитиш тажрибаси жорий этилсин.

5. Ўқув-методик бирлашмалар раисларига:

5.1. ДТСлари, ўқув режалари, фан дастурлари ва ўқув адабиётларини ўз вақтида сифатли экспертизадан ўтказиш таъминлансин.

5.2. Экспертиза жараёнида меъёрий ва услубий ҳужжатлар, ўқув адабиётларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг акс эттирилишига эришилсин.

6. Шўъбалар раисларига:

Экспертизадан ўтказилган меъёрий ва услубий ҳужжатлар, ўқув адабиётларининг мазмун-моҳияти учун масъуллиги кўрсатиб ўтилсин.

Шўъба мажлисларида режа асосида бажарилган ишлар сифати, экспертларнинг фаолияти таҳлил қилиб борилсин.

6.3. Шўъба фаолиятига оид барча ҳужжатларнинг тартибли ёритилиши, экспертиза хулосаларининг Мувофиқлаштирувчи кенгашга ўз вақтида топширилиши таъминлансин.

7. ОУМКХТРМ (Б.Раҳимов)га:

7.1. Меъёрий ва услубий ҳужжатлар, ўқув адабиётларининг мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда шакллантирилиш таъминлансин.

8. Вазирликнинг 2004 йил 12 ноябрдаги 270-сон буйругининг 1-банди билан тасдиқланган 4, 5 ва 6–иловалар ҳамда 2005 йил 20 майдаги 109-сон буйруғининг 1-бандли билан тасдиқланган 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу буйруқ ижросининг иазорати вазирнинг биринчи ўринбосари М.Зиёевга юклатилсин.

(ушбу буйруқ ўз кучини йўқотган)

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.53. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» номли махсус курсни ўқитишни ташкил этиш тўғрисида"ги 2006 йил 18 майдаги 104-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 10 февралда ўтказилган «2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган мажлисида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов маъруза қилиб, ўтган йилда эришилган ижобий натижалар, мавжуд муаммо ва камчиликларга танқидий баҳо берди. Шунингдек, 2006 йил ва ундан кейинги йилларда мамлакатни иқтисодий ривожлантириш бўйича режа ва мақсадлар, ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Президентимиз томонидан иқтисодиётимизни ривожлантириш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларни таълим жараёнида ўрганишни ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 2005/2006 ўқув йили дарс жадвалларига «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил харакат қилишимиз лозим» номли 8 соатлик (6 соат маъруза, 2 соат семинар) махсус курс киритилсин ва унинг жорий ўқув йили якунига қадар ўқитилиши таъминлансин.

«Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» мавзусидаги махсус курснинг ўқув дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликнинг Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Э.Набиев), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бўлими (А. Қирғизбоев) га мазкур махсус курсдан дарс берадиган профессор-ўқитувчиларни жойларда 2006 йилнинг 20 майигача малакаларини ошириш ишларини ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатилсин.

Олий таълим муассасалари ректорлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларига:

Жорий йилнинг 20 майигача олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида махсус курсни гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ҳамда махсус курслар учун ажратилган ва таълим муассасалари ихтиёридаги соатлар ҳисобидан ўқитилишини юқори савияда ташкил этиш чоралари кўрилсин.

Махсус курсни ўқитишда ўқувчи-талабаларнинг мустақил фикрлаш малакаларини шакллантириш, ундаги фикр ва ғояларни пухта ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратилсин.

Махсус курс ўқитилишининг натижалари 2005/2006 ўқув йили якунида таълим муассасаларининг илмий (илмий-педагогик) кенгашларида атрофлича муҳокама қилинсин.

Махсус курс бўйича машғулотларни ўтган ўқитувчиларга соатбай ставкаси бўйича ҳақ тўлансин.

2006-2007 ўқув йилида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқув дастури ва услубий қўлланмаларига «Эришилган ютуқларни мустахкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» мавзусидаги маъруза ғояларини сингдирган ҳолда дарс ўтилишини таъминлаш чоралари кўрилсин.

Вазирликнинг ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ишлар бошқармалари (Б.Мавлонов, А.Жонузоқов)га, жорий йилнинг 15 майигача «Эришилган ютуқларни мустахкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» номли махсус курс ўқув дастурининг электрон варианти таълим муассасаларига етказиб берилсин.

Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М.Қуронов ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази директорининг биринчи ўринбосари Р.Ниматовлар зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**4.1.54. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Услубий-меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2006 йил 14 августдаги 189-сонли**

## БУЙРУҒИ

Узлуксиз таълим тизимини меъёрий ҳужжатлар ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги «Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар таёрлаш Давлат дастури тўғрисида»ги 163-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ва Вазирликнинг Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2006 йил 13 майдаги 12-сонли ва 8 июлдаги 14-сонли баёнларига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Олий таълимнинг бакалавриати учун ишлаб чиқарилган «Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик» курси дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2 Юридик таълим йўналиши бўйича Тошкент давлат юридик институти томонидан ишлаб чиқилган ва қўшимча экспертизадан ўтган намунавий фан дастурлари тасдиқлансин (2-иловадаги рўйхат).

3 «Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик» 36 соатли курси 3-иловага мувофиқ Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ишчи ўқув режаларига киритилсин ва 2-курсларда 2006/2007 ўқув йилининг баҳорги семестридан бошлаб ўқитилсин.

4. 3-иловада кўрсатилган Олий таълим муассасалари ректорларига:

4.1. «Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик» курсини олиб бориш учун тавсия этилган (27.06.2006 й. № 87-02-496 –сон модемномага мувофиқ) педагогик кадрларни малака оширишини ташкил этиш;

4.2. Намунавий дастур асосида «Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик» курси бўйича ишчи дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4.3. «Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик» курси бўйича талабаларни ўқув адабиётлари, кўргазмали қуроллар билан таъминлаш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

5. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га «Истеъдод» жамғармаси билан ҳамкорликда «Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик» курсини олиб бориш учун тавсия этилган педагогик кадрларни малакасини ошириш дастури ва жадвалини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва 2006 йилнинг 1 октябридан амалга ошириш юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Парпиев зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.55. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўғрисида”ги 2006 йил 13 сентябрдаги 210-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 163-сонли “Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 7 августдаги 163-сонли “Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва кайта тайёрлаш Давлат дастури тўғрисида”ги Карори асосий ҳужжат сифатида ижро учун қабул қилинсин.

2. 2006-2010 йиллар даврида оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастурини олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унинг ижроси таъминлансин.

3. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га:

3.1. Журналист кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари (Ўзбекистон Миллий, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ҳамда Қорақалпоқ Давлат университетлари) мутахассисларини жалб қилган ҳолда 2 ой муддатда Оммавий ахборот воситалари учун кадрлар тайёрлашнинг янги йўналиш ва мутахассисликларини очиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда олий таълим йўналиши ва мутахассисликлари классификаторига киритилсин;

3.2. Янги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича намунавий ва ишчи ўқув режалари, замонавий талаблар асосида такомиллаштирилган ўқув дастурлари ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказилсин.

4. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоботи бошқармаси (С.Бузрукхонов)га:

Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури асосида ўзлаштириш учун белгилаб берилган маблағларни 2-иловага мувофиқ вазирликнинг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасидан ўз вақтида мақсадли сарфлаш ва хар йили ўзлаштирилиши лозим бўлган маблағлар назоратини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Ўзбекистон Миллий (Ғ. Мухамедов), Ўзбекистон Давлат жахон тиллари (Ғ. Шоумаров), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия (Ҳ.Кароматов) ва Қорақалпоқ Давлат университетлари ректорларига:

Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув режаси ва дастурларини қайта ишлаб чиқиш ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказиш;

Давлат дастурини бажариш мониторингини олиб бориш ва бу ҳақида ҳар чоракнинг охирги 10 кунлигида вазирликнинг Олий таълим муассасалари бош бошқармасига маълумот бериб борилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

6. Ушбу буйруқ ижроси назорати Вазирнинг биринчи ўринбосари А.Парпиев зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2006 йил 13 сентябрдаги
210-сонли буйруғига 1-илова

**2006-2010 йиллар даврида оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастурини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси**

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул бажарувчилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Норматив ва ўқув-методик базани такомиллаштириш, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг тузилмаси ва фаолиятини мақбуллаштириш** | | | | |
| 1. | Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларини тартибга солувчи барча базавий норматив ҳужжатларни бакалавриат йўналишлари, магистратура мутахассисликлари классификаторини; бакалавриат, магистратура, икки йиллик Олий журналистика курслари учун давлат таълим стандартларини, ўқув режалари ва дастурларни; олий таълим муассасапари учун ўқитувчи кадрларни танлаб олиш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби малакасини ошириш бўйича низомини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш. | 2006-2007 йиллар | Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари | ОУМТВ (И.Мажидов, К.Рўзиев), ОЎМКҲТРМ (Б.Раҳимов) |
| 2. | Магистратуранинг янги мутахассисликлари: Жамоатчилик билан алокалар; Оммавий ахборот воситаларида реклама; Таҳририят-матбаа иши; Интернет-журналистика бўйича ўқитиш учун зарур бўлган намунавий дастурларни тайёрлаш. | 2006-2007 йиллар | Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамгармаси, олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари | ОУМТВ (И.Мажидов), ОЎМКҲТРМ (Б.Раҳимов) |
| 3. | Қуйидагилар: «Оммавий ахборот воситалари иқтисодиёти ва менежменти»; «Ахборот-психология хавфсизлиги», «Оммавий ахборот воситалари социологияси» «Оммавий ахборот воситалари психологияси» мутахассисликлари бўйича ўқув режаларини ва намунавий дастурларини ишлаб чиқиш | 2006-2007 йиллар | Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари | ОЎМТВ (И.Мажидов). ОЎМКҲТРМ (Б.Раҳимов) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Қуйидагилар: Журналистик ижодиёт технологияси ва методикаси;<br>Адабий таҳрир;<br>Матбуот хизматлари ишини ташкил этиш; Жамоатчилик билан алокалар;<br>Реклама иши масалалари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, шунингдек электрон-ўқитиш ва бошқа билим берувчи ресурсларнинг янги авлодини яратиш. | 2006-2010 йиллар | Ҳар йили олий таълим муассасаларига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида | ОЎМКҲТРМ (Б.Раҳимов)<br>ОЎМТВ (А.Марахимов),<br>ЎзМУ (Ғ.Мухамедов)<br>ЎзДЖТУ (Ғ.Шоумаров),<br>ҚҚДУ (О.Матчанов) |
| 5. | Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психология хавфсизлиги масалаларини ўрганиш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва олий ўқув юртлари гуманитар (психология, социология, философия, журналистика, юриспруденция, сиёсатшунослик, тарих, филология) факультетлари ўқув жараёнига жорий этиш. | 2006-2007 ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб | Олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари, грант асосида маблағ билан таъминлаш, хар йили олий таълим муассасаларига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида | ОЎМТВ (И.Мажидов, Э.Набиев)<br>ЎзМУ (Ғ.Мухамедов),<br>ЎзДЖТУ (Ғ.Шоумаров), |
| 6. | Ўзбекистон миллий университетида қуйидаги мутахассисликлар бўйича магистратура очиш: «Сиёсий шарх»; «Оммавий ахборот воситалари иқтисодиёти ва менежменти»; «Ахборот-психология хавфсизлги»; «Оммавий ахборот воситалари социологияси»; «Оммавий ахборот воситалари психологияси». | 2007-2010 йиллар даврида босқичма-босқич | Хар йили олий таълим муассасаларига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси | ОЎМТВ (И.Мажидов),<br>ЎзМУ (Ғ.Мухамедов) |
| 7 | «Оммавий ахборот воситалари иқтисодиёти ва менежменти»; «Оммавий ахборот воситалари социологияси ва психологияси» кафедраларини ташкил этиш. | 2008 йилгача | Хар йили олий таълим муассасаларига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида. Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси | ЎзМУ (Ғ.Мухамедов) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | **II. Ўқув жараёнларига замонавий ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш** | | | |
| 8. | Ўқитишнинг интерактив методларини кенг жорий этиш тажрибали амалиётчи журналистлар раҳбарлигидаги «уста-синф»лар сонини кўпайтириш; мажбурий тартибда ўқув газетасини чиқарган ҳолда таҳририятнинг кундалик ишига жуда яқин бўлган амалий ўйинлардан фойдаланиш; радиотелеэшиттиришлар тайёрлаш, ўқув жараёнига ўқув ҳужжатли фильмларни жорий этиш; муаммоли лекциялар ўқиш учун турли мутахассисларни таклиф этиш. | 2006-2007 йиллар | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | ОЎМКҲТРМ (Б.Раҳимов), ЎзМУ (Ғ.Мухамедов). ЎзДЖТУ (Ғ.Шоумаров), ҚҚДУ (О.Матчанов) |
| 9. | Ўқув жараёнларига «ZiyoNET» тармоғи ахборот ресурсларини жалб этиш, унинг илмий-ўқув, маданий-маърифий ва маълумотнома-таҳлилий материаллар билан бойитилишида журналистика факультетлари талабаларининг иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш. Талабаларни чет эл мутахассислари ва хорижий олий ўқув юртлари ўқитувчилари олиб боришлари мумкин бўлган айрим махсус курслар бўйича масофадан туриб ўқитиш учун глобал Интернет тармоғидан фойдаланиш. | 2006-2007, 2007-2008 ўқув йиллари | Молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги 282-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади. 2006 йилда тармоққа улаш билан боғлик харажатлар ҳар йили олий таълим муассасаларига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади. 2007-2010 йилларда тармоқда улаш ва алоқа хизматларига ҳақ тўлаш учун зарур маблағлар ҳар йили | ОЎМТВ (А.Марахимов), ОЎМКҲТРМ (Б.Раҳимов), Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда |

## 4.1.56. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича такомиллаштирилган давлат таълим стандартларини яратиш тўғрисида"ги 2006 йил 16 ноябрдаги 262-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларини бажариш, таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларига мувофиқ кадрлар буюртмачиларининг юқори малакали рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш, тўпланган тажрибалар ҳамда олий таълимни ривожлантиришнинг жаҳон тенденциясини таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўқув-методик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича такомиллаштирилган давлат таълим стандартларини яратиш тамойиллари Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тавсиялари асосида 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Таянч олий таълим муассасалари ректорларига:

бир ҳафта муддатда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича такомиллаштирилган дав-

лат таълим стандартлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчи ижодий ишчи гуруҳлар таркибига киритиладиган ўқув ишлари бўйича проректорлар, мутасадди ва тажрибали мутахассисларнинг номзодларини (таълим йўналишлари бўйича) ОЎМКҲТРМга тақдим этиш;

икки ой муддатда тасдиқланган тамойиллар асосида бириктирилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда фан дастурларини ишлаб чиқилишини якунлаш;

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда фан дастурларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган ижодий ишчи гуруҳ вакилларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан рағбатлантириш;

яратилган меъёрий ҳужжатларни кадрлар буюртмачилари ва турдош таълим муассасаларида экспертизадан ўтказиб, ўқув-методик бирлашмаларга тақдим этиш учун ОЎМКҲТРМга топшириш вазифалари юклатилсин.

3. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази (Б.Х.Рахимов)га:

3.1. Таянч олий таълим муассасаларининг таклифлари асосида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчи ижодий ишчи гуруҳлар тузиш;

Ижодий гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш, таянч ва турдош таълим муассасалари ҳамда кадрлар буюртмачилари мутахассислари иштирокида мунтазам семинарлар ўтказиш, такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш ҳамда мониторингини олиб бориш;

Ўн кун муддатда такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг намунавий шаклини (бакалавриат йўналиши, магистратура мутахассислиги) вазирликнинг тегишли бошқармалари билан келишган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда таянч олий таълим муассасаларига етказиш вазифаси юклатилсин.

Олий ўқув юртлараро ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашга давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларини экспертизадан ўтказиш вазифаси топширилсин.

Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Маджидов)га давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларини ўрнатилган тартибда тасдиққа киритиш, рўйхатдан ўтказиш, эталонни саклаш ҳамда юритиш топширилсин.

6. Вазирликнинг ишлар бошқармаси (Б.А.Мавлонов)га такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларини кўпайтириш ҳамда олий таълим муассасаларига етказиш вазифаси топширилсин.

7. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукхонов)га давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ҳамда нашр этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун белгиланган тартибда маблағ ажратиш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Парпиев зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2006 йил 16 ноябрдаги
262- сон буйруғига 1-илова

**Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича асосий тамойиллар**

1. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторида кадрларни илдам (опережаюшая подготовка) тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан имкон даражасида унификациялаш.

2. Бакалавриат таълим йўналиши ва унга тегишли магистратура мутахассисликлари ДТСлари бир вақтда ишлаб чиқилиши ва биргаликда экспертизадан ўтказилишига амал қилиш.

3. ДТСларини ишлаб чикишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал килиш.

4. Ҳар бир таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича малакавий талаблар мамлакатда ва хорижда мавжуд тажрибаларни инобатга олган ҳолда диққат билан қайта ишлаб чиқилиши, у тегишли соҳалар бўйича амалиётчи мутахассислар билан келишувлардан ўтказиш.

5. Малакавий талабларда келтирилган сифатларни шакллантирувчи энг зарур фанларнинг киритилиши, уларнинг хажмлари ва кетма-кетлиги узлуксиз таълим турлари билан узвийликни инобатга олган ҳолда илмий асослаш.

Бакалавриатура ва магистратура ДТСларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатларини битирувчиларнинг танлаган йўналиши ва мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш. Бакалавриат ва магистратура босқичлари фанларини ўқитиш кетма-кетлиги 1-жадвалга мувофиқ тақдим этиш.

Ижтимоий-гуманитар ҳамда табиий-илмий фанлар таркиби ва мазмунини шакллантиришда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда бакалавриатура ва магистратура фанларининг узвийлигини таъминлаш. Фанлар учун белгиланган вақт, бюджетининг назарий амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратиш.

Ўқув режаларига киритилган фанлар сонини бир семестрда 5- 7 тадан ортмаслик шартини инобатга олиб белгилаш. Ажратилган аудитория ўқув юкламаларини семестр ҳафталарига самарали (қолдиқсиз) тақсимланишига риоя этиш. Кичик ҳажмли фан аудитория соатларини бир семестр давомида мумкин қадар ҳафтасига камида икки академик соатдан белгилаш (яъни, 20x2=40).

ДТСларида белгиланган аттестация ва назоратларга мувофиқ бир фан ёки мавзу бўйича такрорий синовлар ўтказилишига йўл қўймаслик.

Малакавий амалиётлар сони, муддатлари ва белгиланиш даври таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланаётган соҳадаги ишлаб чиқариш жараёни ва технологияларининг ўзига хослигини инобатга олиши шарт. ДТСларида малакавий амалиёт сифати ва нуфузини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва уларнинг мазмунини буюртмачилар талаблари билан мувофиқлаштириш.

12. ДТСлар, ўқитиладиган фанлар таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар муайян йўналиш, мутахассисликлар бўйича тайёрланаётган кадрларнинг асосий буюртмачи ва истеъмолчиси бўлган вазирлик, идора, корхона ва ташкилотлар билан келишиш.

**Бакалавриат ва магистратура таълим боскичларида фанларнинг кетма-кетлиги жадвали намунаси**

| № | Фанлар | Бакалавриатура йўналишлари | | | | Магистратура мутахассисликлари | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Таълим йўналиши номи | | | | Мутахас номи | | Мутахас номи | | Мутахас номи | | Мутахас номи | |
| | | I | II | III | IV | I | II | I | II | I | II | I II | |
| 1. | Умумий физика | | * | | | * | | | * | | | * | |
| 2. | Аналитик геометрия | * | | | | | | | * | | * | | |
| 3. | Оптика | | | * | | | * | | | | | * | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |

Изоҳ: Такрорланган бўлим ҳажми (фоизларда %) ва мавзулар номи алоҳида келтирилади.

## 4.1.57. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Таълим муассасаларида «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир» номли факультатив ва семинар машғулотларини ташкил этиш тўғрисида»ги 2007 йил 13 мартдаги 53-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суратлари, инфляция даражасининг пасайиши ва халқ фаровонлигининг ошиши тенденциялари мустаҳкамланганлиги, аҳолининг энг муҳтож тоифаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар ҳамда таълим, кадрлар тайёрлаш, соғликни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсадли умуммиллий дастурлар изчил амалга оширилаётганлиги қайд этилди ҳамда ҳал қилинмаган мавжуд муаммоларга эътибор қаратилди ва 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир" номли маърузаси моҳиятини ўқувчи-талабалар онгига сингдириш ва таълим тизимида факультатив дарс ҳамда семинар машғулотларини йўлга қўйиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Жорий ўқув йилининг иккинчи ярми давомида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Янгиланиш ва барқарор та-

раққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароит яратиш асосий вазифамиздир" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича 12 соатлик (8 соат маъруза, 4 соат семинар) факультатив дарс ва семинар машғулотлари ташкил этилсин.

2. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун тайёрланган "Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир" мавзусидаги махсус курс ўқув дастурлари ва улар асосида тайёрланган ўқув қўлланмалари 1-2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий таълим муассасалари ректорлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларига:

3.1 Мазкур курсдан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар таркиби белгилансин ва улар учун ўқув семинарлари ўтказилсин;

3.2 Таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқи юзасидан 4 соатлик семинарлар ташкил этилсин;

3.3 Факультатив дарс ва семинар машғулотларини гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ҳамда махсус курслар учун ажратилган ва таълим муассасалари ихтиёридаги соатлар ҳисобидан жорий ўқув йилининг II семестри давомида ўқитилиши таъминлансин;

Машғулотлар ўқитилиши натижалари таълим муассасаларининг Илмий (педагогик) кенгашларида атрофлича муҳокама қилинсин ва ҳисобот вазирликка (МАТБ, МАТСБ) тақдим этилсин;

Факультатив ва семинар машғулотларидан дарс берган ўқитувчиларга соатбай ставкаси бўйича ҳақ тўлансин.

4. Тасарруфида малака ошириш таълим муассасалари мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ректорларига:

Малака ошириш курсларида ўқиётган педагоглар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузасини ўрганиш ташкил этилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Х.Ҳайдаров ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази директорининг биринчи ўринбосари Р.Ниматовлар зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**4.1.58. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Тошкент шаҳри «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан махсус дарс соатини ташкил қилиш тўғрисида"ги 2007 йил 10 майдаги 99-сонли**

## БУЙРУҒИ

Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳрини 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши жаҳоншумул эътироф бўлиб, мамлакатимизда ислом маданияти ва қадриятларини тиклаш ҳамда ривожлантиришда Президент И.А.Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил сиёсатнинг ёрқин тантанасидир. Юртбошимиз бу воқеага "Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи", – деб таъриф бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳри "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида" 2007 йил 15 мартдаги 51-сон қарорида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда ўқувчи-талабалар ўртасида Тошкент шаҳри 2007 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилинишининг мазмунмоҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. 2007 йилда Тошкент шаҳри ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказиладиган тадбирларни ташкил этиш бўйича ташкилий қўмита мажлисининг 2007 йил 22 март ва 7 апрелдаги

07/1-150-сонли баёнларининг тегишли бандлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Барча олий таълим муассасалари ректорлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларига:

2.1 Тошкент ислом университетида тайёрланган "Тошкент – Ислом маданияти пойтахти" номли 4 соатлик махсус курс ўқув дастури ва маъруза матни (1, 2-илова) тасдиқлансин.

2.2. "Ислом маданияти пойтахти" номли 4 соатлик махсус дарс ўқув дастури ва маъруза матни асосида 2007-2008 ўқув йилининг сентябр ойида ("Маънавият кунида") барча академик гуруҳларда машғулотлар ўтилиши ташкил этилсин.

Ўқувчи-талабалар орасида "Тошкент – Ислом маданияти пойтахти" мавзусида олимлар, уламолар иштирокида учрашув ва суҳбат тадбирлари ўтказиш режаси ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Таълим муассасасида аъло баҳоларга ўқиётган ўқувчи-талабаларни рағбатлантириш мақсадида имтиёзли равишда Тошкент шаҳридаги тегишли масканлар (обидалар, музейлар, кўргазмалар ва бошқалар)га йил давомида экскурсиялар уюштирилсин.

Ушбу буйруқ бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори А.Каримов ҳамда вазир ўринбосари Х.Хайдаров зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**"Тошкент – ислом маданияти пойтахти" махсус курсининг**

# ЎҚУВ ДАСТУРИ

**Олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура йўналиши талабалари учун**

**Тошкент - 2007**

Маълумки, Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси (АЙСЕСКО) томонидан мамлакатимизнинг бош шаҳри – Тошкент 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилинди. Мазкур юксак мақомнинг берилиши истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий ва диний қадриятларни тиклаш, аждодларимиз меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг эътирофидир десак муболаға бўлмайди. Ушбу ўқув дастурида пойтахтимизга берилган ушбу мақомнинг илмий, тарихий ва замонавий асослари тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ислом дини, исломий маданият ва маърифатнинг ривожи, виждон эркинлиги ва диний эътиқодни тўлиқ таъминлаш масалаларида амалга оширилган муҳим ишларнинг кўлами қисқача факт ва рақамларда очиб берилган.

Тузувчилар:
Зоҳиджон ИСЛОМОВ, Тошкент ислом университети (ТИУ) профессори, филология фанлари доктори,
Убайдулла УВАТОВ, ТИУ, тарих фанлари доктори
Неъматулло МУҲАМЕДОВ, ТИУ, тарих фанлари номзоди.

Тақризчилар: т.ф.д., проф. М.Исҳоқов, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти (ТДШИ), т.ф.н. Қ.Зоҳидов, ТДШИ,

**“Тошкент - ислом маданияти пойтахти”**
**бўйича махсус курс**

# ЎҚУВ ДАСТУРИ

## КИРИШ

Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси (АЙСЕСКО) томонидан мамлакатимизнинг бош шаҳри – Тошкент 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди.

Ислом конференцияси ташкилоти 1969 йилда Марокаш пойтахти Работ шаҳрида тузилган. Ҳозирги вақтда асосан, Осиё ва Африка қитъаларидаги 57 мамлакатни бирлаштирган ушбу ташкилотнинг қароргоҳи Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган. 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳам мазкур ташкилот аъзолигига қабул қилинган.

Осиё қитъасининг минглаб шаҳарлари ичидан айнан пойтахтимиз Тошкентнинг шу юксак мақомга лойиқ кўрилганлигининг омили, бу юксак унвоннинг замирида, унинг мазмун-моҳиятида нималар асосий рол ўйнаганлиги ҳақида Президентимиз Ислом Каримовнинг “Туркистонпресс” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида мукаммал равишда батафсил баён қилинган.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

*1-мавзу.* “Тошкент – ислом маданияти пойтахти” мақоми берилишининг илмий-тарихий асослари.

Маълумки, ислом дини бизнинг юртимизда қарийб бир асрдан кейин, яъни VIII асрнинг биринчи чоракларида муқим равишда қарор топиб, маҳаллий халқлар томонидан қабул қилинган. Улуғ аждодларимиз бу янги диннинг асл манбалари Қуръон ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари билан танишиб, уларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича идрок этиб, чуқур англагандан кейин, бу дин инсонни маънавий камолотга, ижтимоий тараққиётга ундайдиган буюк бир таълимот, беқиёс ҳаётий фалсафа эканлигига комил ишонч ҳосил қилдилар. Исломнинг ҳақиқий инсонпарварлик, бунёдкорлик ғоялари, унинг юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассам этганлиги ота-боболаримиз томонидан қалбан ва чин юракдан қабул қилиниб, уларнинг ҳақиқий эътиқодига замин яратди. Бинобарин, бизнинг юртда бу улуғ дин чуқур ўрганиб, унга амал қилиш илмий маърифий асосга таянган ҳолда олиб борилди.

Муҳими, юртимиздаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Шош (Тошкент) ва бошқа шаҳарлар бутун мусулмон Шарқидаги илмий-маданий марказлар қаторида машҳур бўлган. Шунинг учун Тошкент шаҳрига ушбу юксак мақом берилишининг ўзига хос илмий-тарихий ва замонавий асослари мавжуд.

Тошкент шаҳри ва воҳаси ҳақидаги дастлабки маълумотлар қадимги Хитой манбалари ва “Авесто”да учрайди. Милоддан аввалги II аср – милодий V асрларга мансуб Хитой манбаларида Тошкент вилояти Лоюени,

Юни, сўнгра Чжеше, Чжечжи, Чжеси ва Ши деб номланган.

Қадимий Қанғ давлати Хитой ёзма манбаларида Тошкент «Кангкия» («Канизюй») номлари билан тилга олинади. Қадимий тохарлар тилида «қанғ» сўзи ҳам «тош» маъносини англатган. Бу давлатнинг пойтахти – Битянь шаҳри бўлган. Битяннинг бизгача сақланиб қолган харобалари маҳаллий аҳоли ўртасида «Қанқатепа» номи билан машҳур.

Ўрта асрлардаги манбаларда Тошкент «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Мадинат аш-Шош», «Бинкат» ва «Таркан» номлари билан аталган. Бу ҳақдаги маълумотлар Хоразмий, Табарий, Истахрий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий асарларида учрайди.

Тошкент қадимдан илм-фан, маданият маркази бўлиб келган. Ушбу ҳудудда ўрта асрларда турли фан соҳалари бўйича фаолият юритган 100 дан ортиқ олимлар номлари аниқланган. Жумладан, "Ҳазрати Имом" деб улуғланган Абу Бакр Қаффол Шоший (904-976), ишончли муҳаддис сифатида танилган Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший (ваф. 947) ҳамда «Фахр ул-ислом», «ал-Имом ал-кабир» номларига сазовор Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший (1038-1114) номларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Тошкент воҳасида Занги ота, Қаффол Шоший, Шайх Хованди Тоҳур, Хожа Аламбардор, Юнусхон, Мўйи Муборак, Бароқхон, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари ҳамда Тилла Шайх, Намозгоҳ, Хожа Аҳрори Валий, Шайх Зайниддин номлари билан боғлиқ ислом маданиятининг кўплаб тарихий обидалари мавжуд.

Чор Россияси ва советлар даврида ҳам Тошкент сиёсий, маданий ва диний-маърифий марказ ҳисобланган. Ушбу даврда минтақада бўлиб ўтган асосий воқеа-ҳодисалар Тошкент билан бевосита боғлиқ.

**Шош воҳаси олимларининг ислом маданиятига қўшган ҳиссаси**

Кўҳна Шош ҳам Марказий Осиёдаги йирик маданият марказларидан бири сифатида қадим замонларданоқ сайёҳлар, географлар, тарихнавислар диққатини ўзига жалб этиб келган. Тарихий манбалар ва адабиётлардан яхши маълумки, IX–XII асрлар Ўрта Осиёда илм-фан ва маданият, айниқса, ислом илмлари тараққий қилган. Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош деб номланиб, бу ердан ҳадис, фиқҳ каби исломий илмларда кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққан. Бу ерда туғилиб фаолият кўрсатган кўплаб буюк зотлар, олимлар "Шоший", "Тошкандий" (XVI асрдан) нисбати (нисбат) билан бутун дунёга танилганлар.

Айниқса, ўрта асрларда фаолият кўрсатган Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Қаффол Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший, Шайх Умар Боғистоний, Шайх Хованди Тоҳур, Хожа Аҳрор каби алломалар ислом маърифати ва маданияти тафаккурига беқиёс ҳисса қўшишган.

XIV – XIX асрларда Шош воҳаси ижтимоий-маънавий ҳаётида шоирлар, табиблар, хаттотлар ва тарихчи олимлар муҳим ўрин тутади. XIV асрда Шошда яшаган "Малик уш-шуаро" ("Шоирлар пешвоси") сифатида танилган ҳамда кўзга кўринган муаррихлардан бири Абу Сулаймон Банокатийдир. Унинг қаламига мансуб "Равзат ул-албоб фит-таворих вал-ансоб" ("Улуғ кишиларнинг тарихи ва насаблари ҳақида оқиллар боғи") асари "Тарихи Банокатий" сифатида машҳур бўлган. Шу даврда яшаб ижод этган шоирлардан бири Бадриддин Чочий бўлиб, у умрининг аксарият қисмини Ҳиндистонда ўтказади. У гўзал шеър ва қасидалар битиб Деҳлидек азим шаҳарда "Фахр уз-замон" даражасига эришади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа ва Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар Туркистонга ҳам ўзининг таъсирини кўрсата бошлади. Халққа зиё тарқатиш, унинг маданий тараққиётини кўтаришда маърифатпарварлик ҳаракати катта рол ўйнади. Бу жараёнларда Тошкент маърифатпарварлари ҳам ўзига хос ўрин эгаллади. Бунга Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Тавалло, Сидқий Хондайлиқий, Хислат каби кўплаб шоир, олим ва зиёлилар фаолияти яққол мисол бўла олади.

***2-мавзу.*** "Тошкент – ислом маданияти пойтахти" мақоми берилишининг замонавий асослари.

Тарихан ниҳоятда қисқа муддатда – атиги ўн беш йил мобайнида узоқ йиллар

даҳрийлик (атеистик) муҳитида яшаган Ўзбекистонда ислом дини, исломий маданият ва маърифатнинг ривожи, виждон эркинлиги ва диний эътиқодни тўлиқ таъминлаш масалаларида амалга оширилган муҳим ишларнинг кўламини қуйидаги омилларда кўриш мумкин:

– “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши (1991 йил июнь);

– Ҳар бир мўмин мусулмон учун муқаддас Рўза ва Қурбон ҳайитларининг умумхалқ байрами сифатида дам олиш куни деб эълон қилиниши;

– Ислом маданияти ва меъморчилигининг бетакрор намуналарини ўзида мужассам қилган тарихий ва исломий осори атиқалар ва обидаларга бой Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизнинг бир неча минг йиллик юбилейларини халқаро ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда дунё миқёсида кенг кўламда нишонланиши, шу муносабат билан бу шаҳарларда ислом тарихи, маданияти ва санъатига оид мавжуд иншоотларни қайтадан таъмирлаш ёки тамоман бошқатдан қуриш каби ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши;

– Исломий илмлар ва ислом фалсафасини ривожига ўзларининг ўлмас асарлари ва таълимотлари билан салмоқли хисса қўшган буюк алломаларимиз (Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний ва бошқалар)нинг таваллуд саналарини нишонланиши, улар ҳаёти ва асарлари ҳақида тадқиқотлар, рисолалар нашр этилиши ва бу буюк сиймолар мақбараларини батамом қайтадан қуриб, ислом меъморчилигини кенг кўламда қўллаган ҳолда бетакрор мажмуаларининг барпо этилиши;

– Республикамизнинг пойтахти Тошкентда, шунингдек, барча вилоятлар ва шаҳарларда фаолият кўрсатаётган беш юзга яқин каттакичик музейларда башарият тарихининг қадимий даврларига оид бир неча минглаб ашёвий буюмлар ва қадриятлар билан бир қаторда ислом тарихи, маданияти, санъати, айниқса, меъморчилигига мансуб кўплаб бебаҳо моддий бойликлар давлат муҳофазасида бўлиб, уларни асраб-авайлаб сақланиши ва келгуси авлодларга етказилиши Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Тошкент – пойтахт сифатида бутун дунёга танилди. Пойтахтдаги ислом маданияти обидаларининг аксарияти, жумладан, Кўкалдош, Абулқосим мадрасалари, Хожа Аҳрори Валий, Шайх Зайниддин масжидлари айниқса, Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мавзеидаги тарихий-маданий ёдгорликлар ўзининг иккинчи ҳаётини бошлади. Улар қайта таъмирланиб, ўзининг илгариги маҳобатли манзарасини кашф этди.

Тошкент шаҳрида ҳам дунёвий, ҳам диний соҳаларда билим берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, “Хадичаи Кубро” хотин-қизлар ва “Кўкалдош” ислом ўрта махсус билим юртлари жойлашган, улар шаҳарнинг республика илмий, диний, маърифий, маданий ҳаётидаги тутган юксак мақомини белгилайди.

Маданий меросимиз дурдоналари – қўлёзма манбаларнинг аксарияти айнан Тошкент шаҳридаги қўлёзмалар фондларида, жумладан, ЎзР ФА Шарқшунослик институти, ЎзР ФА Адабиёт музейи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхоналари ва Тошкент ислом университети Манбалар хазинасида жамланган. Жумладан, Қуръоннинг энг қадимий қўлёзма нусхаси “Усмон Мусҳафи” Тошкентда сақланади.

Миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати қадимдан ривожланган Тошкент ҳозирги кунда ҳам бу соҳадаги юксак салоҳиятини сақлаб қолган.

Мустақиллик йилларида илмий-маънавий, диний-маърифий адабиётларнинг чоп этилишига кенг имкониятлар яратилди. Айнан Тошкентда Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар, шунингдек, ислом маънавий меросига улкан ҳисса қўшган алломалар асарларининг ўзбек тилидаги нашрлари амалга оширилди.

## 4.1.59. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 2007 йил 25 сентябрдаги 195-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 190-сонли қарори ижросини таъминлаш, “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ магистратура фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда кадрлар рақобатбардошлигини кучайтириш, илгор халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 190-сонли қарори ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Магистратурани ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришнинг тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари (А.Парпиев)га:

жорий йилнинг 10 октябригача Магистратура тўғрисидаги низомга ушбу қарор талабларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, ўрнатилган тартибда тасдиққа киритилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилсин;

қарорнинг 6-бандига мувофиқ 2008 йил 1 январига қадар вазирликлар, идоралар ва кадрлардан асосий фойдаланувчилар бўлган республика ташкилотлари билан уларнинг магистрлар тайёрлаш жараёнида фаол қатнашишлари ҳамда магистрлар меҳнатидан самарали фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳамкорликни ривожлантириш чоралари кўрилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари (А.Марахимов) га бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси билан биргаликда магистратура таълим жараёнини фундаментал ва амалий фанлар билан реал интеграллаш, Фанлар академиясининг етакчи олимларини ҳамда унинг моддий-техник базасини магистрантларни ўқитиш ва улар томонидан илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, уларнинг натижаларини амалиётга жалб этиш бўйича ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилсин ҳамда уни 2008 йилдан бошлаб амалга ошириш чора-тадбирлари белгилансин.

Олий таълим муассасалари ректорларига:

магистрлар тайёрлаш жараёнига энг юқори малакали ўқитувчилар, фан доктори ва профессорлар, фан номзоди ва доцентлар, шунингдек, давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш шароитларида иш тажрибасига эга бўлган амалиётчилар жалб этилсин;

-магистратурада машғулотлар олиб борадиган ўқитувчилар ва ёш олимларни мамлакатимиз ва чет эллардаги етакчи университетларда ва илмий марказларда тажриба орттиришларини ташкил этиш мақсадли режалари бир ой муддатда тузилсин ва вазирликка тақдим этилсин;

-хорижий мутахассислар билан биргаликда магистратура мутахассисликларида тажрибавий ўқув дастурлари асосида махсус курсларни ташкил этиш ҳамда ҳамкорликда дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш ва нашр этиш тадбирлар дастури тузилиб, вазирликка бир ой муддатда тақдим этилсин;

-таълим муассасасида педагогик фао-

лият кўрсатаётган магистратура битирувчиларига уларнинг бошқа университетларда ва илғор технологияли илмий марказларда малака оширишлари учун зарур шарт-шароитларни, шунингдек, магистратура ўқув предметлари бўйича ўқув-методик материаллар ишлаб чиқилишини ҳамда ўқув жараёнига замонавий илм-фан ютуқлари жорий этилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларнинг истиқболли дастурлари 2007 йил 10 октябргача ишлаб чиқилиб, вазирликка тақдим этилсин;

-магистратура мутахассисларида таълим-тарбия жараёни олиб бораётган педагог кадрлар салоҳияти, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини ўрганиш мақсадида 3 ой муддат ичида педагоглар ўз-ўзини баҳолаш мезонлари асосида ички аттестациядан ўтказилсин ва бу жараён ҳар ўқув йили бошланишида амалга ошириш режалаштирилсин;

-ҳар ўқув семестри якунида магистрларни ўқитиш ва тайёрлаш сифати кадрлар истеъмолчиси ҳамда ташқи экспертлар жалб этилган ҳолда ўрганилсин ва натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилансин;

-магистратура мутахассисликлари рўйхати бўйича таклифлар 1 декабрга қадар вазирликка киритилсин;

-қарорнинг 5-банди ва 2-иловасига мувофиқ магистратура бўлимлари ташкил этилиб, у ўқув ишлари бўйича проректор бошқаруви тизимига бириктирилсин. Бўлимга юклатилган вазифаларни амалга оширишлари учун шарт-шароитлар яратилсин;

-магистрларга иш берувчи ташкилот ва идораларда амалий машғулотлар ўтказилиши, тааллуқли соҳалар етук мутахассисларини магистрлик тайёргарликларига раҳбарлик қилишларига жалб этиш, реал топшириқлар бўйича диссертациялар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилсин ва ташкилотлар билан тегишли шартномалар тузилсин.

Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га олий таълим муассасаларида Магистратура бўлими фаолияти ташкил этилиши таъминласин.

Олий таълим муассасалари магистратура бўлимларига кафедралар ва деканатлар билан биргаликда қуйидаги вазифалар юклатилсин:

магистрлар тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва таъминлаш, улардаги таълим ва ўқитиш сифатини назорат қилиш;

ўқув-изланиш ва илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилишини таъминлаш;

олий таълим муассасаси барча бўлинмаларининг магистрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

магистрларни ўқитиш ва уларнинг ишга жойлашиши устидан мунтазам мониторингни амалга ошириш, магистрлар тайёрлаш масалаларини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва улар юзасидан ҳисоботлар тайёрлаш.

8. Вазирликнинг 2005 йил 3 февралдаги № 21-сон буйруғи билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг намунавий ташкилий тузилмасига Магистратура бўлими киритилсин.

9. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Парпиев зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.60. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини тажрибадан ўтказиш тўғрисида"ги 2007 йил 8 октябрдаги 207-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 343-сонли ва 2004 йил 20 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 341-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан барча соҳалар бўйича такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

Ушбу давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари ва Тошкент давлат юридик институтларида амалдаги бакалавриат йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган такомиллаштирилган тажрибавий давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари тасдиқлансин ва 2007-2008 ўқув йилидан биринчи курслардан бошлаб тажриба синовдан ўтказилсин.

2. Тажриба-синов жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилсин:

ўқув жараёнини жорий этиладиган такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларига мос ўқув дастурлари, услубий ва ахборот базаси билан таъминлаш;

-тажриба ўтказиладиган академик гуруҳларда ўзлаштириш ва давомат кўрсаткичлари мониторингини олиб бориш;

-мустақил таълим жадвалларини кафедраларда ҳар бир фаннинг хусусиятидан келиб чикиб, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режасидаги ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ҳамда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга режалаштирилган юкламалардан келиб чиққан ҳолда тузиш;

-олиб бориладиган маънавий-ахлоқий тарбия ишларини асосан академик гуруҳларда амалга ошириш ва индивидуал шаклларини ривожлантириш ҳамда уларни алоҳида жадваллар асосида ташкил этиш.

3. ТТЙМИ ва ТДЮИ ректорларига:

-бир ҳафта муддатда такомиллаштирилган ДТС ва ўқув режаларини тажриба-синовдан ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш;

-ўқув жараёнларини ташкил қилишга оид ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш ва самарали татбиқ этишни ташкил этиш;

-профессор-ўқитувчиларга тажриба-синов ишларини самарали ташкил этишлари учун шароитлар яратиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш ҳамда амалга ошириш;

-ўқув йили якунида тажриба-синов натижаларини Илмий кенгашда муҳокама қилиб, хулоса ва таклифларни Вазирликка топшириш вазифалари юклатилсин.

4. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Маджидов)га:

-тажриба-синов натижалари бўйича барча олий таълим муассасалари ректорлари ва проректорлари иштирокида семинар ташкил этиш;

-2008-2009 ўқув йилидан янги ДТС ва ўқув режаларини олий таълим муассасаларида татбиқ этиш бўйича услубий кўрсатма тайёрлаш вазифалари юклатилсин.

5. ОЎМКҲТРМ (Б.Ҳ.Раҳимов)га:

-такомиллаштирилган ДТС ва ўқув режаларини тажриба-синовдан ўтказиш бўйича семинарлар ташкил этиш, амалий ёрдам кўрсатиш ва ушбу жараён мониторингини олиб бориш вазифалари топширилсин.

6. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Парпиевга юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 4.1.61. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Сифат менеджменти тизими асослари курсини ўқитиш тўғрисида"ги 2007 йил 10 декабрдаги 256-сонли

## БУЙРУҒИ

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳамда хизматларнинг ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлигини янада ошириш, экспорт потенциалини кўпайтиришга йўналтирилган "Ўзбекистон Республикасида халқаро стандартларга мос бўлган менеджмент тизимини татбиқ этиш ва ривожлантириш Дастури"нинг "Кадрлар тайёрлаш (Сифат менеджерлари, консультантлар, аудиторлар)" бўлими тегишли бандлари (2.2 ва 2.4) ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН**

1. 2008/2009 ўқув йилидан бошлаб

“Менеджмент” таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрланаётган барча олий таълим муассасаларида мутахассислик фанлари блокига танлов фанлари соатлари ҳисобидан “Сифат менеджменти тизими асослари” курси киритилсин

2. ТДТУ ректори (Ш. Шообидов) га:

- ушбу курсни ўқитиш билан боғлиқ бўлган ўқув-услубий материалларни яратиш режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш вазифаси топширилсин;

- режага «Менеджмент» таълим йўналиши ўқув режаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш, мазкур курснинг намунавий ва ишчи дастурларини ишлаб чиқиш, университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва Ўзстандарт агентлигининг мутахассисларидан иборат муаллифлар жамоасини ташкил этиш ва улар томонидан “Сифат менеджменти тизими асослар” ўқув қўлланмасини яратиш, машғулот турлари бўйича тегишли услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар ва саволлар тўпламини яратиш каби масалалар киритилсин;

- ишлаб чиқилган ўқув-услубий материаллар ва норматив ҳужжатларни ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказилсин ва турдош олий таълим муассасаларига етказилсин;

- «Сифат менеджменти тизими асослари» ўқув қўлланмасини яратишда иштирок этган муаллифлар ўрнатилган тартибда рағбатлантирилсин.

3. ОЎМКҲТРМ директори (Б.Раҳимов) га “Сифат менеджменти тизими асослари» ўқув қўлланмасини мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан берилган гриф асосида нашр режасига киритиш, кўпайтириш ва олий таълим муассасаларига етказиш вазифаси топширилсин.

4. Олий таълим муассасалар бош бошқармаси бошлиғи (И. Маджидов)га 2008/2009 ўқув йилидан бошлаб “Менеджмент” таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрланаётган барча олий таълим муассасаларида «Сифат менеджменти тизими асослари курсининг ўқитилишини таъминлашда ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатинсин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. Парпиевга юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.1.62. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим муассасаси магистратура бўлими ҳақидаги Намунавий Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2008 йил 22 апрелдаги 34-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 190-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. «Олий таълим муассасаси магистратура бўлими ҳақида»ги Намунавий Низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:

Магистратура бўлими фаолиятини Низомга мувофиқ ташкил этиш;

олий таълим муассасаси магистратура бўлимини алоҳида хона, телефон, компьютер ва бошқа оргтехника воситалари ҳамда зарурий норматив ҳужжатлар билан таъминлаш;

ҳар ўқув йили давомида камида икки марта олий таълим муассасаси илмий Кенгашида магистратура фаолияти натижаларини муҳокама қилиш вазифалари юклатилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Мухитдиновга юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 22 апрелдаги 34-сонли буйруғига Илова

## Олий таълим муассасаси магистратура бўлими ҳақида

## НАМУНАВИЙ НИЗОМ

### 1. Умумий қоидалар

1. Олий таълим муассасаси Магистратура бўлими (бундан кейин матнда бўлим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 190-сонли қарорининг 5-бандига мувофиқ ташкил этилади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

3. Бўлим тузилмаси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги 190-сонли қарорининг 2-иловасига мувофиқ шакллантирилади ва олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланади.

### II. Бўлим мақсади ва вазифалари

Бўлим мақсади олий таълим муассасасида Кадрлар тайёрлаш миллий модели вазифаларига мувофиқ мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда тегишли мутахассислик бўйича касбий, ҳуқуқий, педагогик ва психологик билимларни чуқур ўзлаштирган жамият, давлат ва оила олдида масъулиятини тушунган юқори малакали магистр-мутахассисларни тайёрланишини ташкил этишдан иборат.

Бўлимнинг асосий вазифалари:

магистратура мутахассисликлари учун давлат таълим стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, кадрлар буюртмачилари талаб ва таклифлари асосида уларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

магистрлар тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим ва ўқитиш сифатини назорат қилиш;

магистратура фаолиятини бошқариш, таълим жараёнларини ташкил этишнинг шакл ва механизмларини модернизация килиш;

магистратура мутахассисликларини зарурий дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлаш, бу ишга етук олимлар, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, илмий соҳани ривожлантириш;

магистратура талабалари томонидан ўқув-изланиш ва илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилишини назорат қилиш;

олий таълим муассасаси барча бўлинмаларининг магистрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

магистрларни ўқитиш ва уларнинг ишга жойлашиши устидан мунтазам мониторингни амалга ошириш, магистрлар тайёрлаш ишларини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва улар юзасидан ҳисоботлар тайёрлаш.

магистратурада дарс бераётган педагог кадрларга юклатилган вазифаларни амалга оширишлари учун мақсадга йўналтирилган шароитларни яратиш ва уларни ижтимоий-касбий ва шахсий фаоллигини ошириш, уларнинг рағбатлантириш тизимларини ишлаб чиқиш;

магистратура ахборот таъминоти тизимларини шакллантириш ва ривожлантириш;

республикадаги ва илғор хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий-таълимий лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ишларида иштирок этиш;

мавжуд ҳолатни тизимли равишда таҳлил қилиш, аниқлаш, муаммоли ҳолат-

ларни аниқлаш, магистратурани ривожлантириш тенденциялари бўйича устувор йўналишларни аниқлаш;

магистрлар тайёрлаш соҳаси бўйича талаб ва таклифларни ўрганишни ташкил этиш, таълим хизматлари ва касбий меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда магистрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш;

бюджет асосида таълим олган магистратура талабаларини ишга тақсимлаш борасида меҳнат бозоридаги иш ўринлари тўғрисида ахборот банкини яратиш, иш берувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

магистрлар тайёрлаш жараёни иштирокчи-ҳамкорлар қизиқишлари акс этган таклиф ва кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

халқаро, давлатлараро, республикадаги ва ҳудудий тузилмалар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

магистратурага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, уни ривожлантиришга қаратилган дастурлар, лойиҳалар, ташаббуслар тузиш ва амалга ошириш.

### Ш. Бўлимии бошқариш

Бўлим олий таълим муассасасининг ташкилий тузилмаси таркибига кириб, олий таълим муассасасида магистратура фаолиятига оид бошқарувни деканат ва кафедралар билан биргаликда мувофиқлаштириб боради.

Бўлим ишига раҳбарликни бўлим бошлиғи амалга оширади. Бўлим бошлиғи олий таълим муассасаси ректори томонидан илмий даражали (унвонли), таълим жараёнини ташкил этиш бўйича амалий тажрибага эга ходимлар сафидан тайинланади.

8. Бўлим бошлиғи олий таълим муассасаси Илмий кенгашининг аъзоси ҳисобланиб, ҳар ўқув йили якунида Илмий кенгашда йиллик фаолияти ҳақида ҳисобот беради ва у бевосита ўқув ишлари бўйича проректорга бўйсунади.

9. Бўлим ўз фаолиятини ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий, илмий-тадқиқот ва бошқа йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган истиқболли ва йиллик (жорий) режалар асосида юритади.

10. Бўлим олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан иш ҳақи фонди ва маъмурий-бошқарув ходимлари сони доирасида ташкил этилади.

11. Бўлим бошлиғи магистратура фаолияти ҳамда магистратурада ижодий ва илмий муҳит яратиш учун шахсан масъул ҳисобланади.

### IV. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Бўлим ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-олий таълим муассасаси раҳбариятига ва илмий Кенгашига магистратура фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

-давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан магистратура мутахассисликларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда олиш;

-олий таълим муассасаси барча бўлинмаларининг магистрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни назорат қилиш.

13. Бўлим мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

-ўқув режа ва дастурларда кўзда тутилган ўқитишнинг ҳамма шакллари (маъруза, лаборатория, амалиёт, семинар ва бошқа ўқув машғулотлари турлари) бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш;

-магистрларни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялаш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш жараёнини ташкил қилиш;

-тасдиқланган режа асосида илмий-тадқикот ишлари, шунингдек, инновацион лойиҳалар, грантлар ва бошқалар бўйича ишларни олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга қўллаш, тугалланган илмий ишларни чоп этишга тавсия этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

-магистрларни илмий-тадқиқот ишларини бажаришга йўллаш ва уларнинг илмий тадқиқот ишларини бажаришни координация қилиш;

-магистрларнинг малака амалиётлари,

лойиҳалари (ишлари), магистрлик диссертациялари, шунингдек, уларнинг мустақил ишларини сифатли ташкил этилишини назорат қилиш;

-магистрларнинг илмий раҳбарлари шахсий иш режаларидаги магистратурага оид ўқув, илмий, услубий ва тарбиявий ишлари бажарилишини назорат қилиш;

-республика ва хориждаги илғор тажрибалар, дунёдаги етакчи илмий ва таълим марказлари фаолияти, олимлар ва энг яхши педагогларнинг илғор ишларини ўрганиш, умумлаштириш ва татбиқ этиш;

-замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш ва ўқув жараёнига жорий этиш;

-ёш педагогларга педагогик маҳоратга эга бўлишлари учун ёрдам уюштириш ҳамда устоз-шогирд традицияларини ривожлантириш;

-ахборот базаларини яратиш, ўқув машғулотларида техник воситаларни қўллаш ва индвидуал ўқитиш, мустақил ўқиш воситаларини яратиш, масофадан ўқитиш тизимларини такомиллаштириш;

-ҳар хил шаклдаги ҳалкаро ҳамкорликлар, ўзаро ахборотлар алмашинувини ривожлантириш, конференцияларда иштирок этиш, хорижий таълим муассасалари магистратуралари ишлари тажрибасини ёритиш;

-магистрлик диссертацияларининг мавзуларини кўриб чиқиш ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳамда илм-фан муаммоларини ҳал этишга йўналтирилишини таъминлаш;

-магистрлар билимини рейтинг тизими бўйича назорат қилишни ташкил этиш, натижаларини таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш чораларини кўриш;

-магистрларни аудиториядан ташқари ишларини асосан ижод қилиш, илмий ишлар билан шуғулланиш, тўгарак ва секцияларга қатнашишга йўналтириш;

-ўрнатилган тартибда магистратура мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув режа ва дастурлар ҳамда дарс жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиққа киритиш;

-магистратура учун дарсликлар, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмалар тайёрлашни ташкил этиш;

-иқтидорли магистрлар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловларда, шу жумладан Президент ва Давлат стипендияси танловларида иштирок этишга тайёрлаш;

-магистратура битирувчиларини илмий-педагогик фаолиятга йўллаш, Устоз-шогирд тизимидан ҳамда «Истеъдод» жамғармаси имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда уларни аспирантурада ўқишни давом эттириш ҳамда кафедраларда педагогик фаолият олиб боришга тавсия этиш;

-ишлаб чиқариш ва қишлок хўжалиги корхоналари, деҳқон, фермер ва бошқа хўжаликлар билан алоқаларни кенгайтириш ҳамда уларга илмий-техник ёрдам уюштириш;

-магистратура битирувчилари билан тизимли, доимий алоқаларни ташкил этиш улар фаолиятининг мониторингини олиб бориш;

-магистратура мутахассисликлари бўйича профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар малакаларини оширишларини таъминлаш;

-таълим хизматлари соҳасини ривожлантириш;

-чет эллик ҳамкорлар, илмий ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш, республика ва хорижий инвестицияларни таълим жараёнига жалб қилиш.

**V. Бўлим ҳужжатлари**

14. Бўлимда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

норматив ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълимга оид Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, фан ва маданият соҳаларига оид қарорлари ва фармойишлари;

-бўлим йўналишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

-Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфида олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идораларнинг магистратурага оид буйруқлари ва фармойишлари;

-Илмий кенгаш қарорлари, олий таълим муассасаси буйруқлари ва фармойишлари;

-магистрлар, илмий раҳбарлар, профессор-ўқитувчилар таркибининг шахсий иш режалари;

-ўқув, илмий-тадқиқот, услубий ва тарбиявий ишлар режалари;

-«Маънавият ва маърифат» марказлари, Талабалар турар жойлари, жамоат ташкилотлари ва фондлар билан биргаликда ўтказиладиган тадбирлар режалари;

-ўқув-услубий ва бошқа ўқув жираёнини ташкил этишга тааллуқли ҳужжатлар;

-магистрлар ва уларнинг илмий раҳбарлари, магистратура фаолиятига жалб қилинган педагоглар рўйхати;

-бажарилган ишлар ҳисоботи ва йиғилиш баённомалари.

15. Бўлим олий таълим муассасаси илмий Кенгаши қарори асосида ректорнинг буйруғи билан тугатилиши мумкин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 4.1.63. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида таълим тарбия жараёни самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2008 йил 23 февралдаги 42-сонли

## БУЙРУҒИ

Олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишда вазирлик тизимидаги масъул ходимларнинг бевосита иштирокини, таълим муассасалари билан алоқаларни мунтазамлигини таъминлаш, жойларда ижро интазомини янада мустаҳкамлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирликнинг масъул ходимлари иловага мувофиқ республика олий таълим муассасаларига бириктирилсин. Бириктирилган ходимлар тегишли олий таълим муассасалари филиалларига ҳам масъуллиги белгилаб қуйилсин.

2. Бириктирилган масъул ходимлар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

2.1. Вазирлик буйруқлари, Ҳайъат қарорлари ва бошқа тезкор топшириқларни ўз муддатида бажарилишини, йил давомида ҳисоботлар, маълумотномаларни белгиланган тартибда тақдим этилишини назорат қилиш;

2.2. Таълим муассасадаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини таҳлил килиш, ёшларнинг ғоявий-сиёсий фаоллигинии ошириш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини олдини олиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш чораларини белгилаш;

2.3. Олий таълим муассасасининг электрон паспортини тайёрлаш, ҳар йили паспортга тегишли ўзгартиришлар киритишга эришиш;

2.4. Олий таълим муассасасининг интернетдаги сайти сифатини, ахборотларнинг тўлиқлигини, уларни мунтазам янгиланиб боришни назорат қилиш;

5.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий кризисини келиб чиқиши, оқибатлари ва уларни бартараф этиш йўналишлари бўйича монография ва ўқув қўлланмалар яратиш, китобнинг мазмунидан келиб чиқиб кўргазмали воситалар туркумини ишлаб чиқиш ва зарур нусхада нашр қилиш ишларини ташкил этиш;

5.3. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида жорий йилнинг 2 апрель куни ўтказиладиган семинар-тақдимотни юқори савияда ташкил қилиш, ҳар бир иштирокчини тарқатма материаллар билан таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. Олий таълим муассасалари ректорлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш масканлари раҳбарлари ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларига:

- китобнинг мазмун-моҳиятини таълим муассасаси ва кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини ташкил этиш, раҳбар ва педагог кадрлар учун мазкур китобни самарали ўқитиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга ошириш;

- оммавий ахборот воситаларида таълим муассасасининг иқтисод йўналишидаги профессор-ўқитувчиларнинг йил давомидаги чиқишлари жадвалини шакллантириш ва вазирликка жорий йилнинг 30 мартига қадар тақдим этиш;

- махсус курсни ўқитишга жалб этилган профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, шахсий-инсоний фазилатларига алоҳида эътибор қаратиш ва уларнинг пухта тайёргарликка эга бўлишини таъминлаш;

- «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» махсус курсини олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг барча босқичларида сифатли ўқитилишини, машғулотларни юқори савияда ўтказилишини таъминлаш;

- таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби билан етарли миқдорда таъминлаш;

- Тошкент давлат иқтисодиёт университетида жорий йилнинг 2 апрель куни ўтказиладиган семинар-тақдимотда таълим муассасасидан белгиланган ходимларнинг иштирокини таъминлаш;

- жаҳон молиявий-иқтисодий кризисини келиб чиқиши, оқибатлари ва уларни юмшатиш масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш;

- махсус курснинг ўқитилиши бўйича маълумотларни ҳар ойнинг 5 санасидан кечиктирмасдан Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси (И.Мажидов) ва Марказнинг таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш бошқармаси (Р.Ниматов)га тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

7. Вазир ўринбосари А.Мараҳимовга:

7.1. Бир ҳафта муддатда жаҳон иқтисодий кризисини келиб чиқиши, оқибатлари ва уларни юмшатиш масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари мавзуларини тузиш, ижодий гуруҳларни шакллантириш, амалга оширилиши режалаштирилган тадқиқотларнинг режаси ҳамда дастурларини тайёрлаш ва вазирлик аппарати йиғилишига тақдим этиш;

7.2. Бир ҳафта муддатда профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар иштирокида жаҳон иқтисодий кризисини келиб чиқиши, оқибатлари ва уларни юмшатиш масалалари бўйича ўтказиладиган илмий-амалий анжуманлар рўйхатини тайёрлаш, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва уларни белгиланган муддатларда юқори савияда ўтказилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

8. Вазир ўринбосари А.Ғуломхўжаев ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази директорининг ўринбосари О.Жўраевларга:

8.1. Таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобини етарли миқдорда бўлишини, ТДИУ ва ТМИ томонидан тайёрланган зарурий кўргазмали воситалар ҳамда тарқатма материаллар билан таъминлаш бўйича молиявий масалаларни ўз вақтида ҳал этиш топширилсин.

9. Мазкур буйруқ ижросини назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2009 йил 28 март
90-сонли буйруғига 1-илова

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобини олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида ўқитишни ташкил этиш бўйича

## ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

| Тадбирлар | Бажариш Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|
| Таълим муассасалари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"китобини ўрганиш бўйича комплекс чораларни амалга оширишга бағишланган семинар-тақдимотни ўтказиш | 2 апрель | У.Бегимкулов, ОТМББ (И.Мажидов), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов) |
| "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" мавзусида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида илмий конференция ўтказиш | 5 май | А.Марахимов, ТДИУ (Б.Ходиев) |
| Олий таълим муассасаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби билан етарли даражада таъминлаш:<br>Мазкур китобга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;<br>Олий таълим муассасалари учун асарга буюртмалар бериш;<br>Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига китобни ва унинг электрон версиясини етказиш. | <br><br><br><br>26 март<br>26 март<br><br>2 апрель | У.Бегимкулов, А.Ғуломхужаев, ОЎМКҲТРМ (Б.Раҳимов) |
| Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобини ўрганиш бўйича таълим муассасаларининг барча курсларида махсус ўқув курсини киритиш:<br>Ноиқтисодий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)да: бакалавриат, магистратурада - 8 соат ҳажмида (6 соат маъруза, 2 соат семинар).<br>Иқтисодий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)да: бакалавриат, магистратурада - 12 соат ҳажмида (8 соат маъруза, 4 соат семинар).<br>Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида - 8 соат (6 соат маъруза, 2 соат семинар)<br>Малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари тингловчилари, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари профессор-ўқитувчилари учун 4 соат ҳажмида (2 соат маъруза, 2 соат семинар).<br>Ҳаракатдаги ўқув режаларига махсус курсни киритиш;<br>Таълим муассасалари тегишли кафедралари ўқув юкламаларини махсус курс соатларини ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш ва қўшимча соатлар ҳажмини режалаштириш. | 10 апрель | ОТМББ (И.Мажидов), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов), Таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | |
|---|---|---|
| Махсус курсни ўқитишга жалб этилган профессор-ўқитувчиларни танлаб олиш ва уларнинг малакасини ошириш:<br>Махсус курсни ўқитиш салоҳиятига эга бўлган профессор-ўқитувчиларни танлаш;<br>Танланган профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ва уларни зарурий материаллар билан таъминлаш; | 30 март<br>10 апрель | У.Бегимкулов, ОЎМКҲТРМ (Б.Раҳимов), ОТМББ (И.Мажидов), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ИБХМОКТИ (Г.Охунова) |
| Профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаларини белгилаш | 5 апрель | И.Мажидов |
| Махсус курсни ўқитиш бўйича таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини ўқув, илмий ва ахборот материаллари, электрон ва мультимедиа дастурлари билан таъминлаш:<br>Махсус курсни ўрганиш бўйича адабиётлар рўйхатини тузиб чиқиш ва улар билан ахборот-ресурс марказларини таъминлаш;<br>Интернет тизимидан махсус курсга доир маълумотларни жамлаш ва улар билан ахборот-ресурс марказларини таъминлаш;<br>Махсус курс бўйича электрон ва мультимедиа дастурларини яратиш ва уларни ахборот-ресурс марказларига жойлаштириш. | 10 апрел<br>20 апрель<br>20 апрель | У.Бегимкулов, ОЎМКҲТРМ (Б.Раҳимов), ОТМББ (И.Мажидов), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов) |
| "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" махсус курси дастурини ишлаб чиқиш:<br>Ноиқтисодий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)да: бакалавриат, магистратурада - 8 соат ҳажмида (6 соат маъруза, 2 соат амалий машғулот);<br>Иқтисодий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)да: бакалавриат, магистратурада - 12 соат ҳажмида (8 соат маъруза, 4 соат амалий машғулот);<br>Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида - 8 соат (6 соат , 2 соат семинар);<br>4. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари тингловчилари, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари профессор-ўқитувчилари учун 4 соат ҳажмида (2 соат маъруза, 2 соат семинар). | 10 апрель | ОТМББ (И.Мажидов), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов) |
| Махсус курс бўйича ўқув қўлланма яратиш ва тақдимотларнинг электрон вариантини тайёрлаш:<br>Ўқув қўлланманинг муаллифлари гуруҳини тузиш, ўқув қўлланма проспект-режасини ишлаб чиқиш ҳамда уни тайёрлаш;<br>Махсус ўқув курси бўйича ўқув-услубий мажмуа таркибини аниқлаш ва уни яратиш.<br>Ўқув қўлланма ва ўқув-услубий мажмуани яратган муаллифлар жамоасини рағбатлантириш. | 5 апрель<br>28 март<br>5 апрель | У.Бегимкулов, ОЎМКҲТРМ (Б.Раҳимов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов) |
| Махсус курс бўйича машғулотларни ташкил этиш мақсадида тарқатма, ёрдамчи услубий ҳамда ахборот материалларини ишлаб чиқиш:<br>Мавзулар бўйича тарқатма назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда уларни таълим муассасаларига етказиш;<br>Мавзулар бўйича статистик маълумотларни жамлаш ҳамда уларни таълим муассасаларига етказиш;<br>Жаҳон молия институтлари маълумотлари асосида рўй бераётган глобал иқтисодий ўзгаришлар таҳлилига бағишланган мақола ва тезисларни талабаларга етказиш. | 10 апрель<br>1 апрель<br>5 апрель<br>10 апрель | ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов) |

| | | |
|---|---|---|
| Яратилган асарни ҳисобга олган ҳолда, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, номзодлик ва докторлик диссертация мавзуларини янгилаш:<br>Ноиқтисодий йўналишларда: жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон Республикаси тармоқлари иқтисодиётига таъсири.<br>Иқтисодий йўналишларда: бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари хусусиятини эътиборга олган ҳолда молиявий инқирозни бартараф этиш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланиш истиқболларини белгилаш.<br>Мазкур асардаги устувор вазифалардан келиб чиқиб битирув малакавий иш мавзуларини янгилаш, тасдиқлаш ва улар бўйича тадқиқотлар олиб бориш;<br>Магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини мазкур асардан келиб чиқиб янгилаш, тасдиқлаш ва улар бўйича тадқиқотлар олиб бориш. | 10 апрель<br><br><br><br><br><br><br><br>5 апрель<br><br><br>5 апрель | А.Марахимов, ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов) |
| Ташкилот раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, илмий ходим ва мутахассислар орасида асарни ва инқирозга қарши дастурни ўрганиш бўйича семинар ва тренинглар ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш. | 30 март | МАТБ (Э.Набиев), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов), Таълим муассасалари раҳбарлари |
| Оммавий ахборот воситаларида асарнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, илмий ва илмий оммабоп мақолалар чоп этиш, телевидение ва радиода етук иқтисодчи олимларнинг мазкур асарда келтирилган муаммолар бўйича чиқишларини ташкил этиш жадвалини тайёрлаш. | 30 март | А.Марахимов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов), Таълим муассасалари раҳбарлари |
| Йирик олимлар, мутахассислар, талаба ва ўқувчиларни жалб этган ҳолда, давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар, мулоқотлар ҳамда баҳс-мунозараларни ташкил этиш жадвалини ишлаб чиқиш. | 5 апрель | МАТБ (Э.Набиев), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов), Таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | |
|---|---|---|
| Мазкур асарда кўтарилган вазифалар бўйича ўқув, услубий, илмий ҳамда ахборот маълумотларини ZiyoNet тармоғига жойлаштириш.<br>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, мутасадди вазирликлар ва ташкилотларнинг жаҳон ва Ўзбекистон молия бозорлари тўғрисидаги расмий маълумотларини ZiyoNet тармоғига жойлаштириш;<br>Профессор-ўқитувчиларнинг глобал молиявий инқирозга қаратилган илмий-амалий мақолалари ва таҳлилларини ZiyoNet тармоғига жойлаштириш.<br>Ушбу асарни ўқитишга йўналтирилган ўқув қўлланмаси ва ўқув-услубий мажмуанинг электрон версияларини ZiyoNet тармоғига киритиш. | 30 март | У.Бегимқулов, ОТМББ (И.Мажидов), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов), Таълим муассасалари раҳбарлари |
| Талаба ва ўқувчилар орасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларига бағишланган танловлар, викторина ва ишбилармон ўйинларини ташкил этиш:<br>Талаба ва ўқувчиларни жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари бўйича ташкил этиладиган танловлар низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;<br>Танловни ўтказиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бунда етук иқтисодчи-олимлар, амалиётчи мутахассисларни эксперт сифатида сафарбар этишга алоҳида эътибор бериш;<br>Энг зукко ва билимдон талабалар ва ўқувчиларни тақдирлаш, танловлар, викротиналар ва ишбилармон ўйинлар ғолибларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш. | 5 апрель<br>доимий<br>доимий | МАТБ (Э.Набиев), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов), Таълим муассасалари раҳбарлари |
| Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларига бағишланган ўқув қўлланма ва монографияларни яратиш:<br>Мазкур ўқув қўлланма ва монографияларни яратиш учун муаллифлар гуруҳларини тузиш, уларга тегишли шароитлар яратиб бериш;<br>Яратилган ўқув қўлланма ва монографияларни вазирлик орқали белгиланган тартибда чоп этилиши ва таълим муассасаларига етказилишини таъминлаш; | 10 апрель<br>15 апрель | У.Бегимқулов, ОТМББ (И.Мажидов), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов), Таълим муассасалари раҳбарлари |
| Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш бўйича илмий конференциялар ўтказиш.<br>Асар мавзулари бўйича илмий конференциялар ва семинарлар ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;<br>Конференция ва семинарларни режага мувофиқ ўтказиш, уларнинг материалларини чоп этиш, электрон версиялари таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари порталларига киритиш. | Йил давомида<br>5 апрель<br>Белгиланган муддатларда | А.Марахимов, А.Даминов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов), Таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | |
|---|---|---|
| Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳолати ва оқибатларига бағишланган фундаментал, инновацион ва илмий-амалий изланишларни ташкил этиш:<br>Глобал молиявий инқирознинг сабаблари ва унинг оқибатларига бағишланган фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқотлар мавзуларини ишлаб чиқиш ва ижодий гуруҳларни шакллантириш;<br>Лойиҳаларни амал ошириш бўйича танловлар ўтказиш; | 10 апрель<br>5 апрель<br>10 апрель | А.Марахимов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов), Таълим муассасалари раҳбарлари |
| Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва китобнинг мазмуни бўйича кўргазмали плакатларни ишлаб чиқиш ва нашр қилиш:<br>Плакатлар лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиқлаш.<br>Плакатлар мазмунини, унга киритиладиган материалларни йиғиш, таҳрир қилиш ва тайёрлаш.<br>Плакатларни нашр қилиш ва таълим муассасаларига тарқатиш. | 6 апрель<br>17 апрель<br>24 апрель | А.Ғуломхўжаев ТДИУ (Б.Ҳодиев), ТМИ (А.Вахобов) |
| Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобини ўрганиш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, жойларда янги киритилаётган курсни ўқитишни ташкил этиш бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари иштирокида семинар-тақдимотларни ўтказиш. | 2 апрель | З.Сатторов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |
| Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби асосида Тошкент Банк коллежи базасида бўйича илмий конференция ўтказиш. | 24 апрель | З.Сатторов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" деб номланган китоб билан етарли даражада таъминлаш:<br>Мазкур китобга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;<br>Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази томонидан асарни олиш бўйича буюртмалар бериш;<br>3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига китобларни етказиб бериш. | 30 март<br>30 март<br>5 апрель | З.Сатторов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |
| Асарни ўрганиш бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг барча курсларида махсус ўқув курсини - 8 соат ҳажмида (6 соат маъруза, 2 соат амалий машғулот) киритиш.<br>Ҳаракатдаги ўқув режаларига махсус курсни киритиш;<br>Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бўлимлари ўқув юкламасини махсус курс соатларини киритиш муносабати билан қайта кўриб чиқиш ва қўшимча штатлар ажратиш. | 10 апрель | З.Сатторов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |
| Махсус курсни ўқитишга жалб этилган ўқитувчиларни танлаб олиш ва уларнинг малакасини ошириш:<br>Махсус курсни ўқита олиш салоҳиятига эга бўлган ўқитувчиларни танлаш;<br>Танланган ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ва уларни зарурий материаллар билан қуроллантириш;<br>Малака ошириб қайтган ўқитувчиларнинг бўлимларда (кафедраларда) маъруза қилишларини таъминлаш орқали билимларини тарғиб қилишни йўлга қўйиш. | 30 март<br>10 апрель<br>15 апрель | ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |

| | | |
|---|---|---|
| Махсус курсни ўқитиш бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ахборот-ресурс марказларини ўқув, илмий ва ахборот материаллари, электрон ва мультимедиа дастурлари билан таъминлаш:<br>Махсус курсни ўрганиш бўйича адабиётлар рўйхатини тузиб чиқиш ва улар билан ахборот-ресурс марказларини таъминлаш;<br>Интернет тизимидан махсус курсга доир маълумотларни жамлаш ва улар билан ахборот-ресурс марказларини таъминлаш;<br>Махсус курс бўйича электрон ва мультимедиа дастурларини яратиш ва уларни ахборот-ресурс марказларига жойлаштириш. | 5 апрель<br>15 апрель<br>20 апрель | З.Сатторов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини ўқитилиш ҳолати мониторингини олиб бориш:<br>Қатъий жадвал асосида махсус курсни ўқитилиши юзасидан назоратни олиб бориш;<br>Махсус курснинг ўқитилиш савиясини ва талабаларнинг қизиқишларини билиш мақсадида, ўқув бўлими ходимларидан доимий вакилларни дарсларга киритишни таъминлаш;<br>Дарс тугаши олдидан талабалардан анкета сўровномаларини олишни йўлга қўйиш. | йил мобайнида | ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» махсус курси дастурини ишлаб чиқиш:<br>Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун - 8 соат ҳажмида (6 соат маъруза, 2 соат амалий машғулот) ўқув дастурини ишлаб чиқиш;<br>Махсус ўқув курси бўйича ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;<br>Видеомаърузаларни тайёрлаш ва турли хилдаги кўргазмали тақдимотларни яратиш. | 10 апрель | ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» махсус курси бўйича ўқув қўлланмани яратиш ва тақдимотларнинг электрон вариантини тайёрлаш:<br>Муаллифлар гуруҳини тузиш; ўқув қўлланма режасини тасдиқлаш; ўқув қўлланмани тайёрлаш календар жадвалини ишлаб чиқиш;<br>Ўқув қўлланмани тайёрлаш мониторингини олиб бориш ва тайёр бўлган вариантини вазирликка гриф олиш учун топшириш;<br>Яратилган ўқув қўлланмани керакли ҳажмда чоп этиш; | 1 апрель<br>5 апрель<br>10 апрель | З.Сатторов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |

| | | |
|---|---|---|
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» махсус курси бўйича машғулотларни ташкил этиш мақсадида тарқатма, ёрдамчи услубий ҳамда ахборот материалларини ишлаб чиқиш:<br>Мавзулар бўйича тарқатма назарий ва амалий материалларни жамлаш;<br>Мавзулар бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва уларни талабаларга етказишни ташкил этиш;<br>Жаҳон молия институтлари берган маълумотлар асосида рўй бераётган глобал иқтисодий ўзгаришлар таҳлилига бағишланган мақола ва тезисларни талабаларга етказишнинг энг мақбул ечимларини ишлаб чиқиш. | 1 апрель<br>10 апрель<br>15 апрель | ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), Таълим муассасалари раҳбарлари |
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиладиган "Иқтисодиёт асослари" фанига жаҳон молиявий инқирозига бағишланган махсус бўлим ва мавзуларни киритиш.<br>"Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар" мавзусини киритиш;<br>"Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш-Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир" мавзусида маърузалар тайёрлаш. | 10 апрель<br>5 апрель<br>10 апрель | ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), Таълим муассасалари раҳбарлари |
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ташкилот раҳбарлари, лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари орасида асарни ва инқирозга қарши дастурни ўрганиш бўйича семинар ҳамда тренинглар ўтказиш:<br>Ушбу асарни ўрганишга қаратилган барча ўқув-услубий, амалий ва илмий тадбирларни ташкил этиш режасини тузиш;<br>Ушбу асар ва инқирозга қарши дастурни ўрганиш давомида юзага чиққан фикр-мулоҳазалар ва қарашлар мажмуаси акс эттган маърузалар тўпламини чоп этиш. | Жадвал асосида<br>2 апрель<br>10 апрель | З.Сатторов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), Таълим муассасалари раҳбарлари |
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида йирик олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар, мулоқотлар ҳамда бахс-мунозараларни ташкил этиш жадвалларини ишлаб чиқиш:<br>Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатларига бағишланган давра суҳбатларини ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш;<br>Ўқувчи ёшлар ўртасида мазкур курсни ўрганиш бўйича мустақил иш, реферат ёки эсселар ёзиб келишларини тарғиб қилиш;<br>Энг яхши деб топилган реферат ва эссе учун талаба-ёшларни мукофотлаш тизимини ишлаб чиқиш. | 28 март | З.Сатторов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), Таълим муассасалари раҳбарлари |
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг ZiyoNet тармоғида мазкур асарда кўтарилган вазифалар бўйича таълимий, илмий-услубий ҳамда ахборот маълумотларини жойлаштириш.<br>Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасидан олинган ҳамда тегишли ташкилотларнинг жаҳон ва Ўзбекистон молия бозорлари тўғрисидаги ишончли маълумотларини ZiyoNet тармоғига жойлаштириш;<br>Ўқитувчиларнинг глобал молиявий инқирозга қаратилган мақола ва аналитик таҳлилларни ZiyoNet тармоғига жойлаштириш. | 15 апрель | З.Сатторов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), Таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | |
|---|---|---|
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилар орасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларига бағишланган танловлар, викторина ва ишбилармон ўйинларини ташкил этиш жадвалини ишлаб чиқиш:<br>Ўқувчиларни жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитда уни бартараф этишнинг йўллари бўйича ташкил этиладиган танловга тайёрлаш учун илмий раҳбарларни тайинлаш;<br>Танловни ўтказиш дастурларини ишлаб чиқиш;<br>Етук иқтисодчи олимларни, амалиёт мутахассисларни эксперт сифатида сафарбар этишни ташкиллаштириш;<br>Энг эхши билимдон ўқувчини аниқлаш мезонини ишлаб чиқиш. | 4 апрель<br>1 апрель<br>2 апрель<br>3 апрель<br>4 апрель | З.Сатторов, ЎМКҲТМ (Р.Ниматов), Таълим муассасалари раҳбарлари |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида белгиланган масалалар, кўрсатмалар ва хулосаларни ўрганиш бўйича комплекс чораларни олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида бажарилишини доимий мониторингини ташкил қилиш. | Йил давомида | У.Бегимкулов, З.Сатторов |
| Ишчи гуруҳга комплекс чоралар бажарилиши бўйича ҳар ойлик маълумот тақдим этиш. | Ҳисобот давридан кейинги 5 санасига | ОТМББ (И.Мажидов), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |
| Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойлик маълумотларни умумлаштириш ва тайёрлаш. | Ҳисобот давридан кейинги 7 санасига | ОТМББ (И.Мажидов), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |
| Жойларга бориш асосида комплекс чоралар бажарилишини тизимли назоратини ташкил қилиш. | Ҳар чоракда | ОТМББ (И.Мажидов), ЎМКҲТМ (Р.Ниматов) |

### 4.1.73. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобини ўрганиш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида"ги 2009 йил 20 апрелдаги 112-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобидаги материаллар, қоидалар ва хулосаларни ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар комплекси тўғрисида"ги 125-Ф-сонли фармойишининг ижросини таъминлаш бўйича Бош вазир ўринбосари раислигида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2009 йил 2 апрелда ўтказилган мажлис қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг талаба-ўқувчилари орасида Ўзбекистон Республикаси Президен-

ти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобини ўрганиш юзасидан кўрик-танловни ўтказиш тўғрисидаги намунавий Низом» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин, кўрик-танлов учун тузилган саволнома намуналари 2-иловага мувофиқ тавсия этилсин.

2. «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг талаба-ўқувчилари орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобини ўрганиш юзасидан “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон” мавзусидаги викторина ўтказиш тартиби тўғрисидаги Намунавий Низом» 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг талаба-ўқувчилари орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобини ўрганиш юзасидан тузилган ўзбек ва рус тилларидаги тест саволлари намуналари 4 ва 5-иловаларга мувофиқ тавсия этилсин.

4. Олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида ва инқирозга қарши дастурда баён қилинган материаллар, қоидалар ва хулосаларни таълим муассасалари раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилари ўртасида ўрганиш бўйича семинар-тренингларни ўтказиш жадвали 6-иловага, намунавий дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Олий таълим муассасалари ректорларига:

5.1. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобини ўрганиш бўйича ўқув курсларининг самарали ўтказилиши устидан шахсан ректор, проректорлар ва деканлар томонидан доимий назорат ва мониторинг ўрнатиш;

5.2.Ўқув курси учун ўқитишнинг техник воситалари, компьютер техникаси, кўргазмали намойиш материаллари билан жиҳозланган аудиториялар ажратиш, дарс жадвалларига тегишли ўзгартиришларни киритиш;

5.3.Ўқув курсларини олиб боришга фақат махсус малака ошириш курсларидан ўтган юқори савияли иқтисодиёт йўналишидаги профессор-ўқитувчиларни жалб этиш;

5.4.Ўқув курсларида фақат республика Ишчи гуруҳи қошидаги эксперт гуруҳи томонидан тасдиқланган материаллар (ўқув дастурлари, ўқув-методик қўлланмалар, плакатлар, электрон дарслик, видео маъруза ва бошқалар)дан амалда фойдаланиш;

5.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобини олий таълим муассасаларида чуқур ўрганиш асосида тегишли фанларнинг ишчи ўқув дастурларини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар, банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлларини ёритиб беришга қаратилган билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга йўналтириш;

битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларининг кириш қисмини И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобидаги материаллар, қоидалар ва хулосалар билан боғлаш;

тадқиқотлар иқтисодий самарадорлигини республикамизнинг бугунги кундаги ҳолати ва уни яхшилаш нуқтаи назаридан асослаш;

иқтисодий йўналишлар бўйича бажарилаётган битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларида иқтисо-

диётимизнинг турли соҳаларига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсир этиши мумкин бўлган жиҳатларини кенг ёритиш, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг реал имкониятларини таҳлил қилиш ва башоратлаш;

ноиқтисодий таълим йўналишларида корхона, ташкилот ва муассасаларда инновацион технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш масалаларига бағишланган битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари салмоғини ошириш, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ечимларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш таъминлансин.

5.6. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобини ўрганиш бўйича ўрнатилган мониторинг кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар 8-иловага мувофиқ ҳафтанинг ҳар чоршанба кунида вазирликка (daliey@edu.uz) электрон манзилига тақдим этиб борилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари У.Бегимқулов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 20 апрелдаги 112-сонли буйруғига 1-илова

**4.1.74. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг талаба-ўқувчилари орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобини ўрганиш юзасидан кўрик-танловни ўтказиш тўғрисидаги Намунавий**

## НИЗОМ

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобидаги материаллар, қоидалар ва хулосаларни ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар комплекси тўғрисида"ги 25-Ф-сонли Фармойиши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2009 йил 28 мартдаги "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги 90-сонли буйруғига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талаба-ўқувчилари орасида жаҳон молиявий-иқисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларига багишланган кўрик-танловлар ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Кўрик-танлов олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талаба-ўқувчилари орасида ректор (директор)нинг буйруғи асосида ўтказилади.

**II. Кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари**

3. Кўрик-танловнинг асосий мақсади – талаба-ўқувчиларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар, 2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини баҳолаш ва таҳлил қилиш кўникмасини ҳосил қилиш, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларини билиш, таълим муассасалари талаба-ўқувчилари ора-

сидан иқтисодиёт ва бизнесга қизиқадиган, иқтисодий билим ва маданият савияси юқори бўлган талаба-ўқувчиларни танлаш ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришдан иборат.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, кўрик-танловда иштирок этаётган талаба-ўқувчилар қуйидаги вазифаларни билиш бўйича кўникма ҳосил қилишни кўзда тутади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобидаги материаллар, қоидалар ва хулосаларни билиш;

иқтисодиёт ва бизнеснинг мазмун-моҳиятини тушуниш;

жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабабларини билиш;

Ўзбекистон шароитида молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг йўллари ва чораларини билиш.

**III. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби**

4. Кўрик-танловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга таълим муассасаларининг ректор (директор)лари масъулдирлар.

5. Кўрик-танлов 2008/2009 ўқув йилининг 2-семестри апрель-май ойларида ҳар бир олий ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 3 (уч) босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич - гуруҳлар ўртасида бўлиб, унда 10 нафаргача талаба-ўқувчилар иштирок этади;

Иккинчи босқич – таълим муассасаси миқёсида (факультетлар, бўлимлар, йўналишлар бўйича) бўлиб, унда 10 нафаргача талаба-ўқувчилар иштирок этади;

Учинчи босқич - ҳудудий таълим муассасалари ўртасида бўлиб, унда 10 нафар талаба-ўқувчи иштирок этади.

6. Биринчи босқич гуруҳ миқёсида ўтказилиб, талаба-ўқувчилар тест саволлари билан текширилади. Энг юқори балл тўплаган талаба-ўқувчилар танлаб олинади ва ўн кишилик (факультетлар, бўлимлар, йўналишлар бўйича) жамоа ташкил қилиниб, уларга кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқи берилади.

7. Иккинчи босқичда танловнинг биринчи босқичида ғолиб бўлган (факультетлар, бўлимлар, йўналишлар бўйича) жамоалар таълим муассасалари биринчилиги учун ўзаро баҳслашадилар. Таълим муассасалари миқёсида голиб бўлган жамоа ҳудудий танловга йўлланма олади.

8. Учинчи босқичда ҳудудий (туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси) таълим муассасаларининг ғолиб жамоалари ўзаро баҳслашадилар.

9. Иштирокчилар(талаба-ўқувчилар)ни кўрик-танловда баҳолаб борувчи Ҳайъат аъзолари олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси томонидан тузилиб, унинг таркибига муассасанинг масъул ходимлари ва юқори малакали профессор-ўқитувчилари киритилади.

10. Кўрик-танлов Ҳайъати аъзоларининг миқдорий таркиби биринчи босқичда 5(беш) нафар, иккинчи босқичда 7(етти) нафар ва учинчи босқичда 9(тўққиз) нафардан ошмаслиги керак.

11. Кўрик-танлов Ҳайъати аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда, унинг фаолияти ваколатли ҳисобланади.

12. Кўрик-танлов Ҳайъатининг иш муддати ва жадвали унинг раиси томонидан белгиланади.

**IV. Кўрик-танлов шартлари**

13. Биринчи босқичда талаба-ўқувчилар тест саволлари билан текширилади.

14. Иккинчи ва учинчи босқич иштирокчилари:

жамоани таништириш - 3 дақиқа, 5 балли тизимда баҳоланади;

иқтисодиёт тушунчаси, танлаган касбий йўналиши ва унинг иқтисодиётдаги аҳамиятини очиб бериш - 5 дақиқа, 10 балли тизимда баҳоланади;

жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз тушунчаси ва унинг юзага келиш сабабларини тушунтириш - 5 дақиқа, 10 балли тизимда баҳоланади;

глобаллашув даврида Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини изоҳлаш - 5 дақиқа, 10 балли тизимда баҳоланади;

жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,

Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларини изоҳлаб бериш - 5 дақиқа, 10 балли тизимда баҳоланади.

15. Кўрик-танлов иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби материаллари ва хулосалари доирасида Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча йўналтирувчи саволлар берилиши мумкин.

**V. Кўрик-танлов натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар ва уларни расмийлаштириш**

16. Кўрик-танлов Ҳайъатининг қарори талаба-ўқувчиларга кўрик-танлов якунлангандан сўнг эълон қилинади.

17. Кўрик-танлов натижаси тўғрисидаги қарор очиқ овоз бериш йўли билан, унда қатнашаётган Ҳайъат аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Ҳайъат раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

18. Кўрик-танлов Ҳайъатининг қабул қилинган қарорига кўра унинг ғолибларига биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар берилади.

**VI. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш**

19. Ҳудудий кўрик-танловда голиб бўлган жамоалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланишади.

20. Таълим муассасалари миқёсида ғолиб чиққан жамоалар эса таълим муассасалари фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланишади.

21. Кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

2-илова

**4.1.75. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг талаба-ўқувчилари орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини ўрганиш юзасидан ўтказиладиган кўрик-танлови учун тузилган**

## САВОЛНОМА НАМУНАЛАРИ

### I ҚИСМ

Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари неча қисмдан иборат ва қандай номланади?

Жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиши сабаблари ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари нималардан иборат ?

Етакчи мутахассислар ва экспертлик марказлари молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатлари хусусида қандай хулосаларга келмоқдалар?

Асарда келтирилган экспертлик марказларининг молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш натижасида берган биринчи хулосасини изоҳлаб беринг?

Асарда келтирилган экспертлик марказларининг молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш натижасида берган иккинчи хулосасини изоҳлаб беринг?

Асарда келтирилган экспертлик марказларининг молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш натижасида берган учинчи хулосасини изоҳлаб беринг?

Асарда келтирилган экспертлик марказларининг молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига

доир материалларни ўрганиш натижасида берган тўртинчи хулосасини изоҳлаб беринг.

Глобал молиявий инқирознинг сабаблари ва жаҳон молия тизимини ислоҳ этиш принциплари қачон ва қаерда бўлиб ўтган саммитда тасдиқланди?

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарлик даражаси ва кўлами қандай омилларга боғлиқ бўлади?

Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини юмшатувчи қандай омилларни биласиз?

Асарда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш учун Республикамиз банк-кредит тизимидаги мустаҳкам заҳираларининг ва зарур ресурслар базаси мавжудлиги қандай мисоллар билан изоҳланган?

Асарда Ўзбекистоннинг ташқи қарзлари ва уни узиш билан боғлиқ масалалар қандай изоҳланган?

Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканлиги, мамлакатимизда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратилганлиги асарда қандай изоҳланган?

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган капитал қўйилмаларнинг таркиби ва умумий ҳажми ЯИМга нисбатан қандай даражада бўлмоқда ва жорий йилда қандай бўлиши режалаштирилмоқда?

Республикада юртимизнинг фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишда кўзда тутилган энг муҳим устувор мақсадларга эришишда қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Ўзбекистон бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми эканлигини нималарда кўришимиз мумкин?

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланишига ва самарадорлик ҳолатларига қай даражада таъсир этади?

Қандай омиллар Ўзбекистон макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсиш суръатларига салбий таъсир этади?

Жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун бизда қандай зарур шарт-шароитлар мавжуд?

Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқирозга қарши чоралар дастурининг моҳияти, таркиби ва амалга ошириш йўналишларини айтиб беринг.

## II ҚИСМ

Банк тизимини қўллаб-кувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш.

21. Ўзбекистон иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири борми?

22. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини юмшатиш жараёнида мамлакатдаги макроиқтисодий ҳолат қандай баҳоланмоқда?

23. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини пасайтиришда мамлакат пул – кредит сиёсатининг ўрни қандай изоҳланади?

24. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирининг ташқи иқтисодий фаолиятга боғлиқлигини кўрсатиб беринг.

25. Мамлакатимиздаги инвестиция муҳитига халқаро иқтисодий ҳолатнинг таъсири даражасини тушунтириб беринг.

26. Мамлакатимизда давлат инвестиция сиёсати иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ривожига қандай йўналтирилган?

27. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан фермер хўжаликларига бўлган эътиборни ифодалаб беринг.

28. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ресурслар ва маблағлар ажратилиши тўғрисида маълумот беринг.

29. Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш юзасидан истиқболдаги вазифалар тўғрисида тушунча беринг.

30. Хўжалик юритувчи субъектлар учун мавжуд солиқ механизми ва уни такомиллаштиришдаги имтиёзлар нималардан иборат?

31. Иқтисодиётнинг ривожланиши ва аҳоли бандлиги муаммосини ҳал қилиш йўллари тўғрисида маълумот беринг.

32. Республикамизда касаначилик ва унинг ривожланиш истиқболларини қандай тушунасиз?

33. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар нималардан иборат?

34. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банкларнинг капиталлашуви ва ликвидлигини оширишга қандай эътибор берилади?

35. Қайси етакчи банклар фаолиятида ўзгаришлар амалга оширилмоқда?

36. Республика ҳукумати томонидан банкларнинг ривожланишига оид қандай меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди?

37. Мамлакатимиз банк тизимининг капитал етарлиги даражаси ва Базель қўмитаси талаблари ўртасидаги боғлиқлик нималарда акс топади?

38. Республика банк тузилмасининг ликвидлиги ва активлар миқдори қанча баҳоланган?

39. Республика банк – молия тизими барқарорлиги тўғрисидаги халқаро агентликларнинг баҳолари қандай?

40. Халқаро мезонлар бўйича республикамизнинг жами ташқи қарзи ҳолатига баҳо беринг.

41. Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

42. Инқирозга қарши чоралар дастурида қандай вазифалар қўйилган?

43. Дастурнинг биринчи вазифасида кўзда тутилган чора – тадбирлар қайси соҳаларга тааллуқли?

44. Экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг рақобатбардош бўлиши бўйича қандай конкрет чора – тадбирлар амалга оширилди?

45. Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш нималарда ўз аксини топади?

46. Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш қандай самаралар беради?

47. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қандай чора – тадбирлар қабул қилинган?

48. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишдаги қўшимча рағбатлантириш нималарга олиб келади?

49. Узоқ муддатга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурининг мақсади нималардан иборат ?

50. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш учун мамлакатимизда қандай салоҳият яратилган?

51. Инқирозга қарши чоралар дастури бўйича амалга оширилиши лозим бўлган инвестициялар ва уларни молиялаштириш манбалари тўғрисида маълумот беринг.

52. Режалаштирилаётган лойиҳаларни самараси қандай имкониятларни юзага чиқаради?

53. Иқтисодий дастурнинг иккинчи энг муҳим устувор йўналиши нималарни ўз ичига олади?

54. Даструрни амалга ошришда раҳбар ходимларнинг муҳим вазифалари нималардан иборат бўлади?

55. Қишлоқ турмуш даражасини юксалтиришда кенг кўламли чора-тадбирлар нималарни ўз ичига олади?

56. Дастурнинг принципиал аҳамиятга эга бўлган йўналишларини санаб беринг.

57. Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қандай аҳамият берилмоқда?

58. Ишлаб-чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга эътибор берилаётганлигини асослаб берувчи сабабларни санаб беринг.

59. Иқтисодиётни барқарор ва изчил юксалтириш учун қандай махсус дастур қабул қилинган?

60. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда қандай ишлар амалга оширилиши белгиланган?

61. Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудудини ташкил этиш мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

62. Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш бўйича қандай режалар кўзда тутилган?

63. 2009 йилдаги банк секторидаги устувор вазифалар нималардан иборат?

64. Инқирозга қарши чоралар дастуридаги банк тизимининг вазифалари нималардан иборат?

**4.1.76. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг талаба-ўқувчилари орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобини ўрганиш юзасидан “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон” мавзусидаги викторина ўтказиш тартиби тўғрисидаги Намунавий**

## НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобидаги материаллар, қоидалар ва хулосаларни ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар комплекси тўғрисида”ги 125-Ф-сонли Фармойиши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2009 йил 28 мартдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги 90-сонли буйруғига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талаба-ўкувчилари орасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларига бағишланган викториналар ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Викторина олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талаба-ўқувчилари орасида ректор (директор)нинг буйруғи асосида ўтказилади.

### II. Викторинанинг мақсади

3. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон” мавзусидаги викторинани ўтказиш талаба-ўқувчиларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар, 2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини баҳолаш ва таҳлил қилиш кўникмасини ҳосил қилиш, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларини билиш, таълим муассасалари талаба-ўқувчилари орасидан иқтисодиёт ва бизнесга қизиқадиган, иқтисодиётда таркибий ўзгартиришлар амалга ошириш, диверсификациялаш ва модернизация қилиш борасидаги билим ва маданият савияси юқори бўлган талаба-ўқувчиларни танлаш ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида ўтказилади.

### III. Викторинани ўтказиш тартиби

4. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон” мавзусидаги викторина 2008/2009 ўқув йилининг 2-семестрида апрель-май ойларида ҳар бир олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 3(уч) босқичда:

Биринчи босқич – гуруҳлар ўртасида ўтказилади. Ушбу босқичда ҳар бир гуруҳдан 10 нафаргача талаба-ўқувчи иштирок этади;

Иккинчи босқич – таълим муассасаси факультетлари ва бўлимлари ўртасида. Ушбу босқичда ҳар бир факультет ёки бўлимдан 15 нафаргача талаба-ўқувчи иштирок этади;

Учинчи босқич – ҳудудий таълим муассасалари ўртасида. Ушбу босқичда ҳар бир таълим муассасаси номидан 1 та жамоа қатнашади ва унда 15 нафаргача талаба-ўқувчилар аъзо сифатида иштирок этади.

5. Биринчи босқич гуруҳлар ўртасида ўтказилиб, сараланган талаба-ўқувчилардан ташкил топган 10 кишидан иборат жамоалар факультет биринчилиги учун ўзаро баҳслашади. Биринчи ва иккинчи ўринга эга бўлган гуруҳдан факультет жамоаси шакллан-

тирилади ҳамда таълим муассасаси босқичига тавсия этилади.

6. Иккинчи босқичда факультетлар ва бўлимлар ўртасида таълим муассасалари биринчилиги учун ўзаро баҳслашадилар. Жамоалар викторина мавзусидан келиб чиққан ҳолда ўз номига, рамзи ва шиорига эга бўлади. Таълим муассасасалари миқёсида ғолиб бўлган жамоа ҳудудий танловга йўлланма олади.

7. Учинчи босқичда ҳудудий (туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси) таълим муассасаларининг ғолиб жамоалари ўзаро беллашадилар.

Конституцияси қабул қилинганининг
17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини
ўрганиш бўйича

## ЎҚУВ ДАСТУРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети Ўқув-услубий кенгаши томонидан 2010 йил .. январь ..-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Тузувчилар: доц. Р.Икрамов, проф. Р. Рўзиев, ю.ф.н, А.Тошпўлатов

Тақризчилар: ТДЮИ 1-ҳуқуқ факультети декани доц. Н.Сабуров
Ўзбекистон Миллий университети хуқуқшунослик факультети «Давлат ва ҳуқуқ асослари» кафедраси мудири доц. Э.Р.Ҳайитбоев

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганиниинг 17 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маърузасиии ўрганиш бўйича

## ЎҚУВ ДАСТУРИ

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллиги муносабати билан 2009 йилнинг 5 декабрида мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, жамоатчилик вакиллари, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирокида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ушбу йиғилишдаги «Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевор-

дир» деб номланган маърузасида мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, яъни демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимизнинг туб моҳияти Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва имкониятларни, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлашда ўтган йилни сарҳисоб қилиш ва кириб келаётган янги йилдаги асосий вазифаларни белгилаб олищдек муҳим анъана шаклланган. Бунда биринчи навбатда давлатимиз ва жамиятимиз тараққиёти билан бевосита боглиқ бўлган, кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутадиган режа ва вазифалар ҳисобга олинади.

Ушбу йиғилишда Президентимиз кириб келаётган 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном беришни таклиф қилди.

Ушбу ўқув дастури Президентимизнинг «Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир» деб номланган маърузасининг мазмун-моҳиятини ҳамда ундан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни чуқур ўрганишга ёрдам беришга хизмат қилади деган умид қиламиз.

Маърузани ўрганишда энг асосий вазифаларга эътибор қаратиш мақсадида 4 соатлик маъруза «Конституция-жамият ҳаётининг ҳуқуқий пойдевори», «Сайловлар – демократия кўзгуси:» «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури: якунлар ва натижалар, «Баркамол авлод – олий мақсадимиз» деб номланган мавзуларга бўлинган.

Маърузани ўқитишда янги технологиялар. Ўқитиш жараёнида компъютер, информацион ва бошқа янги технологияларни қўллаш, ўқитишнинг анъанавий ва илғор услублари, яъни экспресс сўров, тест сўровлари, давра суҳбатларини ўтказиш ва бошқа усуллардан фойдаланилади.

Мазкур маъруза билан аксарият талабаларнинг таниш эканлигини инобатга олган ҳолда, машғулотларнинг сўнгги 15-20 минут вақтини ўзаро савол-жавоб шаклида ўтказиш, мавзунинг кенгроқ қамраб олинишига, ёшларнинг мустақил фикрлаш ва ўз фикрини ҳимоя қила олиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

**Маъруза соатлари тақсимоти**

| № | Мавзу номи | Ажратилган соат |
|---|---|---|
| 1. | Конституция – жамият ҳаётининг ҳуқуқий пойдевори. Сайловлар – демократия кўзгуси | 2 |
| 2. | Қишлок тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастури: якунлар ва натижалар. Баркамол авлод – олий мақсадимиз | 2 |

Маъруза машғулоти 1-мавзу: Конституция-жамият ҳаётининг ҳуқуқий пойдевори.

Сайловлар – демократия кўзгуси (2 соат)

1.1. Мавзу бўйича эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий масалалар.

Конституция–жамият ҳаётининг пойдевори.

Мамлакатда демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциянинг ўрни ва аҳамияти. Конституция қоида ва принципларининг ҳаёт синовлари орқали исботланаётганлиги. Одамларнинг руҳияти ва дунёқараши ўзгариб, сиёсий фаоллиги, фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаш туйғуси ошиб боришида конституциянинг аҳамияти.

Давлат ҳокимиятининиг ислоҳ қилиниши, жамоат ташкилотлари ролининг жамият ҳаётида ошиб бориши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш тизимининг такомиллаштирилишида конституция яратган ҳуқуқий имкониятлар.

Конституция–демократик сайловларнинг ҳуқуқий пойдеворидир. Ўзбекистонда сайлов тизими. Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг ролини кучайтирилиши. Миллий сайлов тизимимиз асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар ва 2001 йил ва ундан ксйинги йилларни ўз ичига олган иккинчи босқичда сайлов қонунчилиги. Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган ўзгаришлар. Сайловларни ўтказишда амал қилиниши лозим бўлган мезонлар. 2009 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутутлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказилган сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари.

1.2. Такрорлаш учун саволлар

1. Конституция–жамият ҳаётининг ҳуқуқий пойдеври эканлигини шархлаб беринг.

2. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги деганда нимани тушунасиз?

3. Аҳоли сиёсий онги ва фаоллигининг ошишида Конституциянинг ўрни қандай?

4. Демократик янгиланиш ва фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини амалга оширишда Конституциянинг аҳамиятини тушунтиринг.

5. Эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуришнинг конституциявий асосларини тушунтиринг.

6. Инсон хуқуқларини ҳимоя қилишда мамлакатимизда қандай ислоҳотлар амалга оширилмоқда?

7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришларни тушунтириб беринг.

8. Конституцияда сайлов ҳуқуқининг кафолатланиши;

Сайловларни очиқлик, эркинлик ва ҳаққонийлик асосида ўтказиш деганда нималарни тушунасиз?

9. 2009 йилда ўтказилган сайловларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг?

10. Ўзбекистон сайлов тизимини тушунтириб беринг?

11. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини кўрсатинг?

12. Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ҳақида нималарни биласиз?

13. Президент И.Каримов сайловларни ўтказишда амал қилиниши лозим бўлган қандай мезонларни назарда тутганлар?

14. Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатининг мақсад ва вазифаларини тушунтиринг.

### 1.3. Адабиётлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2007

Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.

Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. // Ўзбекистон Рсспубликаси Конституцияси қабул қилинганлигинииг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърyза. «Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 6 декабрь.

Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамияти барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. «Халқ сўзи» газетаси, 2009 йил 6 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил 4-сон. 162-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни, 2008 йил 4 декабрь.

2-мавзу: Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастури: якунлар ва натижалар. Баркамол авлодни тарбиялаш – олий мақсадимиз

**2.1. Мавзу бўйича эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий масалалар**

2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланишининг аҳамияти. Қишлоқнинг Ўзбекистон тараққиётида тутган ўрни. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш – Ватанимиз барқарор ривожланишининг муҳим омили. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да амалга оширилган ишлар. Қишлоқ инфратузилмаси тармоқлари ва уни ривожлантириш. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизи. Фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашнинг устуворлиги. Қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш масалалари.

2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши аҳамияти «Баркамол авлод йили» дастури ўзига қамраб оладиган йўналишлар, амалга оширилиши зарур бўлган асосий чора тадбирлар. «Соғлом она – соғлом бола» ғоясининг мазмуни. Таълим соҳасини замонавий технологиялар билан таъминлаш. Битирувчи кадрларни иш билан таъминлаш, уларни бизнес соҳаларига жалб қилиш.Таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий ҳамкорлигини ривожлантириш. XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср.

2.2. Такрорлаш учун саволлар

1. 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланишининг аҳамияти нимада?

2. «Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади» деган ғоянинг мазмунини тушунтиринг.

3. Қишлоқда уй-жой қурилиш соҳасида қандай ишлар амалга оширилди?

4. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида 2009 йилда қандай ишлар амалга оширилди?.

5. Фермерлик ҳаракатининг Республикамиз иқтисодиётидаги ўрни қандай?

6. Қишлоқда янги иш ўринларини яратиш борасидаги тадбирлар.

7. Қишлоқ мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқув сифатини ва моддий- техника базасини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ҳақида нималарни биласиз?.

8. 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши аҳамияти нимада?

9. «Баркамол авлод йили» дастури ўзига қамраб оладиган йўналишлар, амалга оширилишга зарур бўлган асосий чора тадбирларни тушунтиринг?

10. “Соғлом она – соғлом бола” гоясини ҳаётга татбиқ қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни кўрсатинг.

11. Таълим муассасалари моддий-техник базасини такомиллаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Битирувчи кадрларни иш билан таъминлаш, уларни бизнес соҳаларига жалб қилишда нималарга эътибор қаратиш керак?

XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср – мазмунини тушунтиринг.

Таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий ҳамкорлигини ривожлантиришда нималарга эътибор қаратиш керак?

15. Маърузадаги илм-фанни ривожлантириш ҳақида фикрлар.

2.3. Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

2. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш–бизнинг олий мақсадимиз. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. «Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 6 декабрь.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамияти барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъру-

за. “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

5. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури 2009 йил 26 январь.

6. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида». 2009 йилнинг 25 декабрь.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши «Баркамол авлод йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 9 декабрь

8. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни 1997 йил 29 август

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» 1997 йил 29 август

## 4.1.80. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Давлат таълим стандартларининг бажарилиши ҳамда талабалар билим сифати кўрсаткичларини ошириш тўғрисида 2010 йил 26 мартдаги 128-сонли

## БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси Хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари бўйича Комплексининг “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида Давлат таълим стандартларининг бажарилиши ҳамда ўқувчи ва талабалар билим сифати кўрсаткичлари тўғрисида”ги қўшма мажлиси Баёни ижросини таъминлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида Давлат таълим стандартларининг бажарилиши, талабалар билим сифати кўрсаткичлари ҳамда ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилиш ҳолатини танқидий ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси Хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари бўйича Комплексининг “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида Давлат таълим стандартларининг бажарилиши ҳамда ўқувчи ва талабалар билим сифати кўрсаткичлари тўғрисида”ги қўшма мажлиси Баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш бўйича ишлари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида Давлат таълим стандартларининг бажарилиши ҳамда ўқувчи ва талабалар билим сифати кўрсаткичларининг қониқарсиз деб топилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қўшма мажлис Баёни асосида ишлаб чиқилган «Олий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар режаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда қуйидаги масалалар назарда тутилганлиги белгилаб қўйилсин:

-вазирлик ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини танқидий ўрганиш;

-юқори даражада профессионал бошқарув кадрлари, таълим муассасалари раҳбарларини шакллантириш ва жой-жойига қўйиш ҳамда реал кадрлар потенциалини яратиш;

-таълим муассасалари тузилмаларини такомиллаштириш;

-олий таълимда ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

-таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш;

-талабаларни маънавий-маърифий тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш,

-таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш;

-таълим сифати назорати ва мониторингги ҳамда таълим муассасаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш.

4. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорларига:

-талабалар давомати ва ўзлаштиришини таъминлашга асосий эътибор қаратилган ҳолда «Олий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар режаси»нинг ижроси қатъий назоратга олинсин;

-ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга, уларнинг онгини маънавий ва ғоявий таҳдидлардан мустаҳкам ҳимоя қилиш ва гоявий иммунитетини шакллантиришга, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга асосий эътибор қаратилсин;

-спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин;

-жисмонан бақувват, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, ҳар томонлама ривожланган баркамол ёшларни шакллантириш таъминлансин.

5. Вазирнинг биринчи ўринбосари, Кадрлар бошқармаси (К.Ғофуров) ва олий таълим муассасалари ректорларига икки ҳафта муддатда:

-кафедра мудири лавозимларига ўрнатилган тартибда тўлиқ штатда ишлайдиган шахсларнинг тайинланиши таъминлансин;

-2009 йил қабули натижаларига кўра Академик лицейлар битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари ниҳоят паст даражада бўлганлиги учун Андижон давлат университети, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти, Термиз давлат университетининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректорлари (Ш.Исраилов, Т.Алматаев, Ҳ.Тўраев) ўрнатилган тартибда лавозимларидан озод этилсин, ректорлари (Т.Мадумаров, А.Сотиболдиев, М.Ҳайдаров)га, шунингдек, Гулистон давлат университетининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори (Г.Саматов) га ҳайфсан эълон қилинсин.

6. Вазирликнинг Назорат ва мониторинг бошқармасига ҳар чорак охирида «Олий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар режаси»нинг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш вазифаси топширилсин.

7. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га:

-Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 26 февралдаги 95-сон буйруғи билан ташкил этилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари дастурларининг узлуксизлиги ва узвийлигини танқидий таҳлил қилиш бўйича ишчи гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

-уч ой муддатда талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимини соддалаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш вазифалари топширилсин.

8. Вазирнинг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Ш.Жавлонов), Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов), Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази (Б.Раҳимов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти (Х.Рашидов), Тошкент давлат педагогика университети (Ф.Ҳайдаров), Наманган муҳандислик педагогика институти (П.Маткаримов), Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологиялари институти (М.Хожиев) га:

-бир ой муддатда олий таълим муассасалари раҳбарларининг таълим сифатига масъулиятини белгилаган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун педагогик кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими муассасалари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш вазифалари юклатилсин.

9. Олий таълим муассасалари ректорларига:

-2010 йил 1 майгача бўлган муддатда ўқув-услубий мажмуалар, ахборот-таълим, электрон ресурсларнинг мазмуни ва сифатини бакалавриат ва магистратурада кадрлар тайёрлашнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратган ҳолда таҳлил қилиб чиқиш ва умумлашган маълумотларни Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига белгиланган шаклларда тақдим этиш;

-10 майгача бўлган муддатда таянч олий таълим муассасалари билан бакалавриат ва магистратура фанлари бўйича ўқув дастурларининг узлуксизлик ва узвийлик талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш вазифалари топширилсин.

10. Вазирнинг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Р.Ниматов), Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси (И.Мажидов), Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази (Б.Рахимов)га Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда:

-бир ой муддатда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг умумтаълим ва махсус фанлари бўйича ҳамда бакалавриат ва магистратура таълим йўналишлари ва мутахассисликлари дастурларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш бўйича комплекс ишларни ташкил этиш, шунингдек, таълим муассасалари кадрлар захирасини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида Ҳудудий таянч олий таълим муассасалари қошидаги Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тўғрисида Низом ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин;

-таълим муассасаларини бошқариш тизими қайта кўриб чиқилсин. Бунда: муассасалар ўқитувчилари ва маъмурий ходимларининг кўп вақтини оладиган топшириқлар ва турли ҳужжатлар сўрови, шунингдек, вазирлик ва Марказ томонидан ўтказиладиган текширувлар сонини камайтириш чораларини кўриш; таълим жараёнини ташкил этишга амалий, ўқув-услубий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш назарда тутилсин.

11. Маънавий ва ахлоқий тарбия бошқармаси (Э.Набиев)га: Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари ва бошқа вазирлик, идоралар билан биргаликда талабалар томонидан ҳар ойда музейлар, театрлар ва бошқа маданий-маърифий муассасаларга бориш дастури ишлаб чиқилсин ва доимий равишда амалга оширилсин.

12. Олий таълим муассасалари ректорлари ва проректорлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларига:

-ўқув машғулотларига доимий кириш (ҳафтасига камида 4 марта), ўқув жараёнини таҳлил қилиш, натижаларини педагогик ва илмий кенгашлар ҳамда Ҳайъат мажлисларида танқидий муҳокама қилиш амалиётга жорий этилсин.

13. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосарлари зиммаларига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 4.1.81. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(«Халқ сўзи» газетаси, 11.12.2012 й., 240 (5660)-сон)**

Қайд этиб ўтилсинки, мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон

ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди.

Мустақиллик йилларида 51,7 минг нафардан зиёд чет тиллар ўқитувчилари тайёрланди, умумтаълим мактабларининг 5 — 9 синфлари учун инглиз, немис ва француз тиллари бўйича мультимедиа дарсликлари, бошланғич синфларда инглиз тилини ўрганиш бўйича электрон ресурслар тайёрланди, умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда 5 мингдан кўпроқ лингафон кабинетлари жиҳозланди.

Шу билан бирга, чет тилларни ўрганишни ташкил қилишнинг амалдаги тизимини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар замон талабларига, хусусан, илгор ахборот ва медиа-технологиялардан фойдаланиш борасидаги талабга тўлиқ жавоб бермаяпти. Таълим асосан анъанавий услубларда олиб борилмоқда. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш янада такомиллаштирилишини тақозо этади.

Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб:

республиканинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва огзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади;

олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилади;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини чет тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-услубий комплекслар билан таъминлаш, уларни белгиланган муддатларга риоя этилган ҳолда қайта нашр этиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг айланма маблағлари ҳисобидан бепул амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни ўрганишни кенгайтириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 1-илова берилмайди

Дастурга киритилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларга мувофиқ сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирликлар, идора ва ижрочи-ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

3. Чет тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича доимий ишлайдиган Мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) 2-иловага* мувофиқ таркибда ташкил қилинсин, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети унинг ишчи органи этиб белгилансин.

* 2-илова берилмайди

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Икромов) манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда ҳамда етакчи олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда:

2013 йилнинг 1 мартигача бўлган муддатда ҳар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонларини назарда тутувчи янги таълим стандартлари тасдиқланишини таъминласин;

2013 йилнинг 1 майигача бўлган муддатда умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаб чет тиллар таълимини узлуксиз жорий этилишини, шунингдек таълимнинг барча босқичларида унинг давомий-

лигини назарда тутувчи умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларининг янги ўқув режалари ва дастурлари тасдиқланишини таъминласин;

таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари, дарсликларни ишлаб чиқиш, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этиш учун етакчи хорижий ўқув марказларини, чет тиллар бўйича халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб этсин;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда чет тилларни ўқитиш тизими тубдан қайта кўриб чиқилиши ва кучайтирилишини, ўқув якунлари бўйича умумэътироф этилган тестлар (имтиҳонлар) топширилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибида Чет тилларни билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси ташкил қилинсин, Марказ ходимларининг сони 12 кишига кўпайтирилсин ва унинг вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрганувчиларни чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлашни тўлов асосида тест ўтказиш (жумладан, Интернет орқали масофавий) ва давлат намунасидаги тегишли малака сертификатини беришни ташкил этиш;

ўрганувчиларнинг мустақил равишда, чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш учун, тестга тайёрланишларига зарур маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғига жойлаштириш.

Марказнинг бюджетдан ташқари даромадлари ҳисобидан унга юкланган вазифаларни бажариш учун Марказга тўлов асосида мустақил экспертларни ва имтиҳон олувчиларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Давлат тест маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, икки ой муддатда, 2015/2016 ўқув йилларидан бошлаб, барча олий таълим муассасаларига кириш тестлари блокига хорижий тилни киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаларида чет тиллар ўқитувчиларига зарур эҳтиёжи бўлган узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшаётган аҳоли ичидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослигига олий таълим муассасаларига мақсадли қабулни амалга оширишга рухсат этилади;

мақсадли қабул асосида олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган шахслар, ўқишни битирганларидан сўнг, ўзлари яшайдиган жойларда жойлашган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тавсияномаларида кўрсатилган таълим муассасаларида 5 йилдан кам бўлмаган муддатда олинган мутахассисликлари бўйича ишлаб беришлари шарт.

7.Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг чет тиллар ўқитувчилари ва муаллимларига қонун ҳужжатлари билан белгиланган рағбатлантирилувчи тўловлар ва қўшимчаларни ҳисоблашда, уларнинг лавозим маошлари таркибига киритган ҳолда қишлоқ жойларда жойлашган таълим муассасаларида уларнинг тариф ставкаларига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз ставкалари миқдоридаги ҳар ойдаги қўшимчалар қўшиб беришни белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази уч ой муддатда, молиялаш манбалари Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, хорижий кредитлар ва халқаро грантлар, шунингдек, ҳомийлар ва хайриячилар маблағлари кўзда тутилган ҳолда, 2013 - 2016 йилларда таълим муассасалари хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан (қўшимча жиҳозлаш) жиҳозлашнинг жадаллаштирилган дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда уни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, болалар ва ёшларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини инобатга олган ҳолда, қуйидагиларни таъминласин:

телевидение, шу жумладан маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ҳамда мультипликациявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш;

«ZiyoNet» тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини сезиларли орттириш, унинг ресурс марказини мультимедия ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобиль ускуналар учун иловалар билан бойитиш, шунингдек, инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни чоп этиш, уларга махсус рукнлар ҳамда иловаларни ташкил қилиш.

10. 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ҳар йили бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар, шунингдек идоравий меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ**

**Тошкент ш.,**
**2012 йил 10 декабрь,**
**ПҚ-1875-сон**

## 4.2. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИ

### 4.2.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий мактабнинг меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда (1998 йил 20 октябр № 07/108-83), биринчи босқич тадбирларининг бажарилишини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан мувофиқ ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига қадар, меъёрий ҳужжатлар тасдиқлансин ва амалда қўлланишга киритилсин:

...Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида Намунавий Низом (Илова 5)...

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

### 4.2.2. Ўзбекистон республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида

### НИЗОМ

**1. Умумий қоидалар**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мос равишда ишлаб чиқилган. Унда олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиётини ўтказиш шакллари, тартиби ва услублари белгиланган.

1.1. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг муҳим қисми бўлган талабалар амалиёти – илгор корхона, муассасалар ва ташкилотларда ўтказилади.

Талабалар амалиёти бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари фанларининг назарий қисмини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, ўқиш жараёнининг бевосита ишлаб чиқариш шароитларида ўтказиладиган давомидир.

Малакавий амалиётлар бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари давлат таълим стандартларида (ДТС) кўзда тутилган турли шаклларда ташкил қилинади.

Олий таълим муассасаси таълим йўналишларининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, кадрлар буюртмачилари талабларига биноан, илмий кенгаш қарорига мувофиқ амалиётнинг бошқа гуруҳларини киритиш ҳуқуқига эга.

1.2. Ҳар бир амалиётнинг мақсади, муддати ва мазмуми ДТС, ўқув режалари ва амалиёт дастурларида белгиланган.

1.3. Амалиёт дастурлари танланган йўналиш (ихтисослик) нинг малакавий талаблари, корхона, муассаса, ташкилотларниинг (бундан буён – амалиёт объектлари) тавсифи ҳисобга олинган ҳолда тегишли ўқув муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ва уларни олий ўқув юртлари ректорлари тасдиқлайди.

**2. Амалиётни ташкил қилиш ва унга раҳбарлик**

2.1. Талабалар амалиёти олий таълим муассасаларининг давлат ва акциядорлик корхоналари, муассаса, ташкилот, фирма, қўшма корхоналар ва бошқалар билан тузган шартномалари асосида ташкил қилинади.

2.2. Юридик шахслар билан тузилган контракт асосида ўқийдиган талабалар амалиёт ўтиш учун тегишли амалиёт объектларига юбориладилар.

2.3. Амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш учун жавобгарлик олий ўқув юртининг ректори зиммасига юкланади.

2.4. Амалиёт жойлари, талабаларнинг катта гуруҳлари ўтишини ҳисобга олиб, олий таълим муассасаси яқинида жойлашган амалиёт объектларидан танланади.

Мазкур таянч жойда талабалар амалиёт ўтайдиган корхона йўқ бўлса, амалиёт объектлари сифатида олий таълим муассасасига яқин жойлашган корхоналардан фойдаланилади.

Икки томонлама битимлар асосида амалиётни хорижий давлатлар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ўташ мумкин.

2.5. Олий ўқув юртлари:

- ҳар йили, 1 дскабрдан кечикмаган ҳолда, навбатдаги календарь йили учун амалиёт объектлари билан шартномалар тузади. Амалиёт бошланишидан икки ой олдин талабалар амалиётини ўтказиш дастури ва календарь жадвалини амалиёт объектлари билаи келишиб олади;
- амалиёт раҳбари тажрибали профессор, доцент ва ўқитувчилардан тайинланади;
- фан, техника ва маданиятнинг энг янги ютуқлари, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, уни илмий ташкил этиш, бошқариш ва шунга ўхшаш масалалар бўйича амалиёт объектлари маъмурияти билан биргаликда мутахассисларнинг маърузаларини ташкил этади;
- талабалар ва амалиёт объектларини амалиёт дастурлари билан таъминлайди;
- объектлардаги талабалар амалиётининг ташкил этиш тартиби ва ўтказилишини ҳамда амалиёт муддати ва мазмунига риоя қилинишини назорат этади.

2.6. Олий ўқув юрти тайинлаган амалиёт раҳбари:

- талабалар келишига зарурий тайёргарлик ташкил этиш учун объектларга амалиёт бошланишидан олдин боради;
- талабаларнинг амалиётга боришидан олдин ташкилий тадбирлар (амалиёт ўтказиш тартиблари, хавфсизлик техникаси ҳақида кўрсатмалар бериш ва ҳ.к.) ни ўтказишни таъминлайди;
- талабаларнинг кафедра топшириқларида кўзда тутилган илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилади;
- амалиёт объектлари талабаларнинг меҳнат ва маиший хизмат шароитлари меъёрдагидек таъминланганлигини назорат қилади;
- талабаларнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилишларини назорат қилади;
- амалиёт якунлари бўйича талабалар илмий анжуманлари тайёрланишида ва амалиёт натижаларини баҳоловчи комиссия ишида иштирок этади;
- талабаларнинг амалиёт бўйича ҳисоботини кўриб чиқади, уларнинг иши ҳақида тавсиянома беради. Талабалар амалиёт ўтганлиги, уларнинг амалий тайёргарлигидаги камчиликлар кўрсатилган амалиётни такомиллаштириш ҳақида таклифлар киритилган ёзма ҳисоботни кафедра мудирига тақдим этади;
- барча ишларни амалиёт объекти томонидан бириктирилган раҳбар билан биргаликда ўтказади.

2.7. Талабалар амалиётининг умумий раҳбарлиги амалиёт объекти раҳбарининг буйруги билан масъул ходимларнинг бирига юклатилади.

Цех, бўлим, лаборатория кабиларда талабалар амалиётининг бевосита раҳбарлиги амалиёт объекти бошлиғининг буйруги билан кўрсатилган таркибий бўлимнинг юқори малакали мутахассиси зиммасига юкланади.

2.8. Шартнома мажбуриятларига мувофиқ амалиёт объектлари:

- талабалар амалиётини амалиёт дастури ва мазкур Низомга мувофиқ ташкил қилади ва ўтказади;
- дастурга мувофиқ талабалар амалиёт ўтказишининг самарадорлигини таъминловчи иш жойлари билан таъминлайди;
- талабалар таълим йўналишлари бўйича бўш иш жойлари мавжудлигида, амалиётчиларни тегишли иш ҳақи билан лавозимларга қабул қилади;
- амалиётни ўташда олий таълим муассасаси билан келишилган ой-кунлик иш жадвалига амал қилади;

- талабаларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятларини беради;

- курс иши ва малакавий битирув ишлари учун мавзулар танлашда ёрдам кўрсатади;

- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мажбурий кўрсатмалар беради, зарур бўлган ҳолларда талабаларни меҳнатнинг хавфсиз усулларига ўргатади ва бу ҳақда ҳужжатлар расмийлаштирилади;

- амалиётчи талабаларнинг мазкур амалиёт объектида жорий қилинган ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилишларини таъминлайди ва назорат қилади:

- яқин атрофда жойлашган бошқа корхона, муассаса, ташкилотларга биргаликда ташрифлар ўтказади;

- талабаларнинг амалиёт ўташ вақтида мазкур амалиёт объектининг тегишли ишчилари учун жорий қилинган шахсий ҳимоя воситалари ва махсус овқат, пойабзал, ҳимоя кийимлари билан таъминлайди;

- шартнома асосида талабалар яшаши учун қулай шароитли ётоқхоналар билан таъминлайди. Зарур бўлганда уларни жойлаштириш учун турар жойларни ижарага олади;

- зарур бўлган ҳолларда, ички меҳнат интизомини бузган амалиётчи талабаларга амалиёт объекти раҳбарининг буйруғи билан жазо чоралари кўради ва бу ҳақда олий таълим муассасаси ректорига хабар қилади;

- амалиёт ўтаётган талабалар бахтсиз ҳодисага учраган ҳолда тўла жавобгарликни олади.

2.9. Талаба амалиёт ўташда:

- амалиёт дастурида кўзда тутилган топшириқларни тўлиқ бажариши;

- амалиёт объектининг ички меҳнат тартиб-қоидаларига бўйсуниши;

- меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини ўрганиши ва қатъий риоя қилиши;

- бажарилган иш ва унинг натижалари учун шу корхона ишчилари қатори жавобгарлик олиши;

- кундалик дафтар юритиши, чизмалар, тасвирлар ва бошқаларни бажариши;

- амалиёт раҳбарига барча топшириқлар бажарилгани ҳақида ёзма равишда ҳисобот бериши ва амалиёт бўйича синов топшириши шарт.

### 3. Амалиёт натижаларини якунлаш

3.1. Амалиёт якунида талаба ёзма равишда ҳисобот тайёрлайди ва уни бевосита амалиёт объектидан тайинланган раҳбар имзолаган кундалик дафтар билан бирга олий таълим муассасасидан тайинланган раҳбарга топширади. Ҳисобот талабанинг амалиёт даврида бажарган муайян ишлари тўғрисидаги маълумотлар, амалиёт объекти бўлимларининг қисқача изоҳи (цех, бўлим, лаборатория ва бошқалар), улар фаолиятининг ташкил қилиниши, ҳаёт фаолиятининг хавфсизлиги тўғрисидаги масалалар, амалиёт натижалари бўйича хулоса ва таклифларни ўз ичига олиши лозим.

3.2. Амалиёт якунида талаба ўз ҳисоботини олий таълим муассасаси томонидан тайинланган комиссия олдида ҳимоя қилади.

Комиссия таркибига ўтилаётган амалиёт фанини олиб борувчи ўқитувчи, олий таълим муассасаси томонидан бириктирилган раҳбар ва имкони бўлса, амалиёт объектидан тайинланган раҳбар ҳам киритилади.

Амалиёт натижаси баҳоси талабанинг курсдан курсга ўтиши ва стипендия белгилашда ҳисобга олинади.

Амалиёт якуни олий таълим муассасасининг илмий-услубий анжумани ва амалиёт объектининг ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинади.

Олий таълим муассасаси ва факультет илмий кенгашида амалиётнинг натижаларига якун ясалади.

3.3. Амалиёт дастурини бажармаган, иши ҳақида қониқарсиз тақриз ёки ҳисобот, ҳимоясида қониқарсиз баҳо олган талаба таътил вақтида ўз ҳисобидан қайта амалиёт ўташга жўнатилади.

Айрим ҳолларда, бундай талабанинг келгусида олий таълим муассасасида ўқиши мумкинлиги масаласи ректор томонидан кўриб чиқилади.

### 4. Моддий таъминот

4.1. Амалиёт объекти ходимларига амалиётга раҳбарлик қилгани учун иш ҳақи олий таълим муассасаси билан тузилган шартно-

мада кўзда тутилган маблағлар ҳисобига тўланади. Бунинг учун бутун муддат давомида тегишли талабалар гуруҳига битта раҳбар ҳисобидан қуйидаги меъёрлар бўйича ҳар ойда ҳақ тўланади (асосий иш жойининг ўртача иш ҳақидан фоиз ҳисобида);

а) амалиётчи талабаларнинг сонига қараб умумий раҳбарлик қилувчи амалиёт раҳбарига:

11 дан 20 кишигача- 25%

21 дан 30 кишигача-35%

31 дан 40 кишигача-45%

41 дан 50 кишигача - 50%

б) амалиётчи талабаларнинг сонига қараб амалиётга бевосита раҳбарлик қилувчи раҳбарга;

Кишигача - 20%

1 дан 7 кишигача - 35%

8 дан 10 кишигача - 50%

Фермер хўжалигидаги амалиёт раҳбари, ҳамда педагогик амалиёт учун раҳбарлик қилган мактаб ходимининг иш ҳақи олий таълим муассасасининг амалиёт учун кўзда тутган маблаглар ҳисобидан берилади. Уларнинг иш ҳақи меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Сув ва қишлоқ хўжалиги ва Халқ таълими вазирликлари биргаликда тузган махсус кўрсатмалари асосида Молия, шунингдек Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан келишилган ҳолда жорий қилинади.

Талабалар амалиётига раҳбар бўлмаган мутахассислар томонидан амалиёт обьектида ўтказилган маъруза, маслаҳат ва ташрифлар учун тўловлар, олий таълим муассасаларининг амалдаги тартибда кўрсатилган, соатбай тўлов маоши бўйича, ишлаб чиқариш амалиёти учун кўзда тутилган маблаглар ҳисобидан олий таълим муассасаси амалга оширади.

4.2. Талаба амалиёт даврида амалиёт ўтиш жойидан иш ҳақи олиш-олмаслигидан қаътий назар, унинг умумий қоидалар асосида стипендия олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

4.3. Сиртдан ўқийдиган охирги босқичдаги талабаларга, танланган йўналиш (ихтисослик) бўйича бевосита ишлаб чиқаришда иш билан танишиш ва битирув иши (лойиҳа) га зарур маълумотларни тайёрлаш учун, тегишли ўқув юртининг тавсиясига кўра, муассаса раҳбарлари иш ҳақи сақланмаган ҳолда бир ойлик қўшимча таътил берадилар.

Ушбу талабаларга кўрсатилган таътил даврида умумий қоидалар асосида стипендия берилади.

4.4. Олий таълим муассасаси ҳудудидан кетиш билан боғлиқ амалиётга жўнатилган кундузги талабаларга олий ўқув юртининг сарф-харажатлар жадвали ҳисобидан бутун амалиёт даври учун кунбай-сафар пули тўланади. Сафар пули тўлаш амалиётчи талабаларнинг объектга бориш ва қайтиш вақти ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Амалиёт даврида экспедиция ва геологик гуруҳларнинг мансаб лавозимларига қабул қилинган ва иш ҳақи, дала таъминоти ёки текин овқат бериладиган талабаларга сафар пули тўланмайди.

4.5. Кундузи ўқувчи талабаларнинг амалиёт объекти жойлашган жойга бориш ва келиши учун йўлкира ҳақи олий ўқув юрти маблағи ҳисобидан тўланади.

4.6. Амалиёт даврида маош оладиган лавозимларда ишлайдиган талабаларга шу мутахассис учун тегишли меъёрда навбатдаги таътил товони тўланади. Аввал ишламаган талабаларга лавозими, ишнинг бошланиши ва тугалланишини кўрсатувчи буйруқ, нусхаси ва меҳнат шартномаси тузилганлиги ва тўхтатилганлиги ҳақида саналари кўрсатилган маълумотнома берилади.

Талабалар амалиёт даврида тўловли иш жойи ва лавозимга қабул қилинган вақтдан бошлаб, амалиёт объектидаги умумий меҳнат қонунлари, меҳнат хавфсизлиги ва ички меҳнат тартиб қоидаларига амал қилади. Иш жойига қабул қилинмаган талабаларга ҳам меҳнат ва иш кунининг тартиб-қоидалари тааллуқлидир.

4.7. Амалиётга раҳбарлик қилишга кетган ўқитувчи хизмат сафарининг тўлови, хизмат сафарида бўлган бутун давр учун хизмат сафари тўлови ҳақидаги қоида асосида олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилади.

4.8. Амалиётни ўтиш давридаги талабалар бошқа корхоналарга ташрифларини ўтказиш билан боглиқ бўлган харажатлар олий таълим муассасаларининг амалиётни ўтказиш учун харажатлар рўйхатида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

4.9. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси билан келишилган ҳолда ўз тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг талабалари амалиёт ўтиши учун йўл-йўриқларни мазкур низом асосида ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

### 4.2.3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ҳукумат қарорини бажариш тўғрисида»ги 1999 йил 8-июлдаги 228-сонли

### БУЙРУҒИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги 1999 йил 30 январдаги “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуруламал сифатида ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент Давлат иқтисодиёт Университети таркибида халқаро туризм факультети ташкил этилсин ва 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб, қуйидаги таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга киришилсин:

А.341100 - Туризм менежменти

В.341200 - Туризм маркетинги

В.310300 - Туризм сервиси

1999/2000 ўқув йили бўйича туризм факультетининг қабул квотаси 80 деб белгилансин (40 та давлат грантлари, 40 та тўлов-контракт асосида).

3. Халқаро туризм факультетининг тузилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Халқаро туризм факультети ташкил этилиши муносабати билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Уставига тегишли ўзгаришлар киритилсин.

4. Вазирнинг биринчи ўринбосари (Р. Х. Жўраев)га:

Тошкент шаҳар ҳамда вилоятларнинг ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда:

4.1. Ўн кун муддатда Тошкент шаҳар меҳмонхона хўжалиги ва туризм лицейи негизида Тошкент туризм касб-ҳунар коллежини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритиш топширилсин.

4.2. Бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 сентябрдаги “1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида”ги 400 сонли қарори доирасида ҳамда 2000-2005 йиллар мобайнида педагогик кадрлар тайёрлашнинг назарда тутган ҳолда Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона, Термиз ва Шахрисабз шаҳарларида туризмга ихтисослашган касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Давлат таълим стандартлари ва талаблари ҳамда янги педагогик технологияларни илмий-амалий ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими (О.Д. Мусурмонов) ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти (Х. Рашидов)га жорий йилнинг 1 августига қадар Тошкент туризм касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишлар ва мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш вазифаси топширилсин.

6. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг касб-ҳунар коллежлари бошқармаси (Х. Маъсудов)га жорий йилнинг 1 августига қадар Тошкент туризм касб-ҳунар коллежининг Устави, тузилмаси ва штат бирликларини ишлаб чиқиш ва тасдиққа тақдим этиш юклатилсин.

7. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари таъминоти Бош бошқармаси (Х. Саидкулов)га туризм бўйича ташкил эти-

лаётган касб-ҳунар коллежларини зарурияти асбоб-ускуналар, мебел, компьютер техникаси ва чет тилларни ўқитиш воситалари билан жиҳозлаш топширилсин.

8. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Ўқув адабиётлари нашрини режалаштириш, нашр ва таъминот бўлими (С. О. Бобожонов)га туризмга оид дарслик ва ўқув адабиётларини яратиш ва чоп этиш ҳамда етакчи хорижий давлатларнинг нуфузли таълим муассасаларида қўлланилаётган дарсликларни чуқур ўрганиб чиқиш ва улардан унумли фойдаланиш вазифалари юклатилсин.

9. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ректори (Р. Алимов)га:

9.1. 1999/2000 ўқув йили бошланишига қадар халқаро туризм факультетини малакали кадрлар билан шакллантириш мақсадида профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилинсин.

Профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш жараёнида мамлакатимиз ва хорижий давлатларда чуқур билим ва тажрибага эга бўлган амалиётчилар ва соҳа мутахассисларини кенг жалб этиш назарда тутилсин.

9.2. Жорий йилнинг 15 июлига қадар халқаро туризм факультетини жойлаштириш масаласи ҳамда унда ўқув жараёнини юқори савияда ташкил этиш учун зарурий бўлган техник воситаларнинг номлари ва нархлари кўрсатилган рўйхат тузилсин ва Вазирликка тақдим этилсин.

9.3. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда "1999/2000 ўқув йилидан бошлаб туризм факультети қошида ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар, соҳани ривожлантириш бўйича таҳлилий тавсиялар тайёрлаш, туризм иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда унинг истиқболларини башорат этиш масалалари билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобидаги илмий-тадқиқот марказини ташкил этилсин.

9.4. Халқаро туризм таълим йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида 1999/2000 ўқув йили бошланишига қадар олий таълим муассасаларининг 1-курсини тугатган, туризм соҳасига қизиқиш билдирувчи талабалар сафидан икки гуруҳни (ўзбек ва рус) ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

9.5. "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан ҳамкорликда ТошДИУнинг халқаро туризм факультети қошида махсус туристик фирма ташкил этилсин ва унинг фаолиятида профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг кенг иштироки таъминлансин.

9.6. Халқаро туризм факультети қошида республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган туристик ташкилот ва фирмалар ходимлари учун малака ошириш ва маиший хизмат кўрсатиш курсларини ташкил этиш топширилсин.

10. Кадрлар, фан ва иқтисодиёт, малака ошириш ва қайта тайёрлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари (Ш.О. Бўтаев)га:

10.1. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда 20 кун муддат давомида белгиланган тартибда ТошДИУнинг халқаро туризм факультети қошидаги хўжалик ҳисобидаги марказга 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили учун грант ажратилиши сўралсин.

11. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Б.Ҳ. Раҳимов)га:

11.1. ТошДИУнинг халқаро туризм факультетига мунтазам равишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

11.2. Туризм таълим йўналишларида ўқиётган қобилиятли ва ўз маҳоратини намоён эта бошлаган талабаларнинг ўқув амалиётини "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва унинг хориждаги туристик тармоқларида ташкил этиш мақсадида тегишли шартномаларни расмийлаштириш топширилсин.

11.3. Халқаро туризм таълим йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида 1999/2000 ўқув йили бошланишга қадар олий таълим муассасаларининг 1-курсини тугатган, туризм соҳасида қизиқиш билдирган талабалар сафидан халқаро туризм факультетида икки гуруҳни (ўзбек ва рус) ташкил этиш масаласини назорат этиш юклатилсин.

12. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э.З.Имомов) ва ТошДИУ ректори (Р.Алимов.) билан ҳамкорликда:

12.3. Туризм соҳаси бўйича янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни белгиланган тартибда Классификаторга киритиш топширилсин.

13. Ташқи алоқалар Бош бошқармаси (К. Т. Қосимов)га:

13.1. 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, «Умид», «Устоз» ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан келишилган ҳолда халқаро туризм факультетининг илғор педагоглари ва иқтидорли талабаларини хорижий давлатларнинг туризмга оид етакчи таълим ва илмий марказлари ҳамда туристик ташкилотларида амалиёти ва стажировкалар ўташи учун квоталар ажратилиши таъминлансин.

14. Режа-иқтисод ва таълимни молиялаштириш Бош бошқармаси (М.Х. Саидов) га:

14.1. Жорий йилнинг 15 июлигача халқаро туризм факультетига ажратилган бинони таъмирлаш учун тузилган сарф-харажатлар сметасини молиявий таъминлаш вазифаси юклатилсин.

14.2. Халқаро туризм факультетида ўқув жараёнини замон талаблари даражасида ташкил этиш ҳамда илмий-тадқиқот маркази ва малака ошириш бўлимининг фаолияти учун зарурий бўлган техника воситаларининг рўйхатини умумлаштириш ва белгиланган тартибда жорий йилнинг 20 июлига қадар Молия вазирлигига таклиф киритиш топширилсин.

14.3. Халқаро туризм факультетининг ташкил этилиши муносабати билан ТошДИУнинг штат бирликлари жадвали қайта кўриб чиқилсин ва тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## 4.3. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВА МУСТАҚИЛ ИШЛАР. КУРС ЛОЙИҲАЛАРИ (ИШЛАРИ)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34-сон буйругига илова

### 4.3.1. Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида

### НАМУНАВИЙ НИЗОМ

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сон қарорига мувофиқ кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1.2. Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатидан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

1.3. Олий таълим муассасасида талабанинг ҳафталик мустақил ишларининг умумий ҳажми бакалавриатнинг кундузги бўлимида 22 соатни ташкил этади.

1.4. Ўқув семестри якунида талабанинг мустақил иши бўйича тўплаган рейтинг баллари ҳар бир фан бўйича аудиториядаги ўқув ишларига берилган рейтинг баллари билан биргаликда гуруҳ рейтинг қайдномасида, талабанинг рейтинг дафтарчасида ва ўқиш якунида битирувчига тақдим этиладиган диплом иловасида қайд этилади.

**II. Талаба мустақил ишининг мақсад ва вазифалари**

2.1. Талаба мустақил ишининг асосий мақсади ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

2.2. Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топиш қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий хужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.

**III. Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари**

3.1. Талаба мустақил ишини ташкил этишда муайян фан (курс)нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш:
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёрғарлик кўриш;
- ҳисоб-график ишларини бажариш;
- курс иши (лойиҳаси)ни бажариш;
- малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш (кейс-стади);
- макет, модель, бадиий асар, мусиқа ва намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш.

Ўқитилаётган фанннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, талаба мустақил ишини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланилиши мумкин.

3.2. Ўқув фанлари бўйича намунавий ва ишчи дастурларда талаба мустақил ишининг шакли, мазмунн ва ҳажми ифода этилади.

3.3. Талаба мустақил иши учун ажратилган вақт бюджетига мос равишда ҳар бир фан бўйича тегишли кафедраларда мустақил ишнинг ташкилий шакллари, топшириклар вариантлари ишлаб чиқилади ва факультет илмий-услубий кенгашда тасдиқланади.

3.4.Мустақил ишни бажариш учун фанлар бўйича талабаларга зарурий методик қўлланма, кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

**VI. Талаба мустақил ишининг ахборот таъминоти**

4.1. Талаба учун муайян фан бўйича мустақил иш топшириқлари тегишли кафедра профессори (ёки етакчи доценти) томонидан ўқув машгулотларини бевосита олиб борувчи ўқитувчи билан биргаликда тузилади ҳамда кафедра томонидан тасдиқланади. Талабага берилган топшириқда мустақил ишни бажариш бўйича дастлабки кўрсатма ва тавсиялар қайд этилади.

4.2. Мустақил ишни бажариш учун талабага ахборот манбаси сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ва банки илмий ва оммавий даврий нашрлар, Интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар банки ва бошқалар хизмат қилади.

4.3. Кафедра мудири ва тегишли факультет декани тақдимномаси асосида олий

таълим муассасаси раҳбарияти талабаларга мустақил ишларни бажариш учун зарурий ахборот манба ва воситаларини белгилайди, талабаларга турли кутубхоналар, музейлар, тармоқ муассасалари ва корхоналаридан мустақил иш учун зарурий маълумотлар тўплаш юзасидан сўровнома хатларини расмийлаштириб беради.

4.4. Олий таълим муассасаси раҳбарияти томонидан талабаларга мустақил ишларни ўз вақтида бажариш учун компьютер техникаси ва Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиб берилади.

**V. Талаба мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш**

5.1 Ҳар бир фан бўйича талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш юкламаси ишчи ўқув режасининг 10-устунида келтирилган) профессор-ўқитувчи шахсий иш режаснинг ташкилий-услубий бўлимида (1540 соат доирасида) қайд этилади.

Талаба курс иши (лойиҳаси)ни ҳамда малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлашга ажратилган соатлар, профессор-ўқитувчи шахсий иш режасининг ўқув ишлари бўлимида қайд этилади.

5.2. Талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш кафедрада тузиладиган ва факультет декани томонидан тасдиқланадиган консультациялар жадвали асосида амалга оширилади.

5.3. Талабанинг мустақил иши бўйича консультация соатлари гуруҳ журналида қайд этиб борилади.

5.4. Талаба мустақил ишини назорат қилиш ўқув машғулотларини бевосита олиб борувчи ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

5.5. Талабанинг мустақил иши, муайян фан ишчи дастурида ажратилган соатларга мос рсйтинг баллари билан баҳоланади ва натижаси фан бўйича талабанинг умумий рейтингига киритилади.

Талабанинг рейтинг кўрсаткичлари, шу жумладан мустақил иши бўйича, анъанавий гуруҳ рейтинг ойнасида ва (ёки) факультетнинг махсус электрон тармоғида ёритиб борилади.

5.6. Талаба мустақил ишини назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш мезонлари тегишли кафедра томонидан белгиланади ва факультет Илмий кенгашида тасдиқланади. Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари талабаларга ўқув йили (семестри) бошланиши олдидан методик материаллар билан биргаликда тарқатилади.

5.7. Мустақил иш бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55%дан кам балл тўплаган талаба фан бўйича якуний назоратга қўйилмайди.

5.8. Фанлар кесимида талабаларнинг мустақил ишлари бўйича ўзлаштириши мунтазам равишда талабалар гуруҳларида, кафедра йиғилишлари ва факультет Илмий кенгашларида муҳокама этиб борилади.

5.9. Талабанинг мустақил иши кафедра архивида рўйхатга олинади ва ўқув йили мобайнида сақланади.

Талабанинг курс иши (лойиҳаси)ни ҳамда малакавий битирув иши ёки магистрлик диссертациясини рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

5.10. Олий таълим муассасасида юқори даражада баҳоланган талабаларнинг мустақил ишлари маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

## 4.4. ТЕСТ СИНОВЛАРИ, РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ ВА АТТЕСТАЦИЯСИ

### 4.4.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Талабалар билимнни рейтинг тизими бўйича баҳолашнинг «Таянч» ибораларга асосланган ёзма иш усули тўғрисида»ги 1999 йил 12 мартдаги 67-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 5 октябр 87-01-392 сонли “Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашнинг

таянч” ибораларга асосланган ёзма усулини тадбиқ этиш бўйича йўриқ хати”га мувофиқ барча олий ўқув юртларида “таянч” ибораларга асосланган ёзма иш усули кенг тадбиқ этилмоқда. Ушбу шаклнинг амалда қўлланиши билан яқиндан танишиш, аксарият олий ўқув юртларида бу услуб ижобий натижалар бераётганлигини, хусусан, талабаларга ўз билимини доимий равишда ошириб боришга интилиш кучайганлиги, мустақил ишлаш, вазифага ижодий ёндошиш, қўшимча адабиётлардан фойдаланиш, ўз фикрини ёзма равишда аниқ ва лўнда ифодалаб бериш каби хусусиятлар шаклланиб, тез ривожланиб бораётганлиги, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ўз фанларини янада чуқурроқ эгаллашга бўлган масъулият ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Талабалар билимини баҳолашда “таянч” ибораларга асосланган ёзма иш шаклини янада такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий ўқув юртлари ректорларига:

1.1. Жорий ўқув йилидан бошлаб, таълим йўналишлари бўйича ўқув режалардаги фанларни ўқитиш жараёнида, ҳар бир фаннинг муайян блоклари ўқитилаётган семестр якунида «таянч» ибораларга асосланган, 2 соатга мўлжалланган, ёзма иш назоратини ўтказиш ташкил этилсин.

1.2. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма иш ҳажми 800-1000 сўздан иборат бўлиши белгилаб қўйилсин.

1.3. Фанлардан «таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни ўтказиш жараёнига, ушбу фанларга алоқадор бўлмаган шахслар жалб этилсин.

1.4. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни ҳоли шахслар томонидан текширилиши ва баҳоланишини таъминлаш мақсадида бошқа олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, шунингдек, Фанлар Академияси тасарруфидаги институтларнинг олимлари ҳамда таълим йўналишларига алоқадор бўлган ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари жалб этилсин.

1.5. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни баҳолаш критериялари 15 кун давомида ишлаб чиқилсин ва Олий ўқув юртлари Бош бошқармасига тақдим этилсин.

1.6. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларнинг натижаларини талабаларга эълон қилиш муддати 2 ҳафта деб белгилансин.

1.7. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни текшириш ва баҳолашда субъектив ёндашиш ҳолларини олдини олиш учун, тскширилган ёзма ишларнинг 8-10% Вазирлик томонидан белгиланган экспертлар томонидан қайта кўриб чиқилиши ва баҳоланиши ташкил этилсин.

1.8. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма иш натижалари талабаларнинг мазкур фан бўйича тўплаган баллари билан солиштирилсин ва катта тафовут бўлган ҳолда, талабанинг мазкур фандан тўплаган баллари бекор қилинсин ҳамда фанни ўқитган профессор-ўқитувчидан вазиятни изоҳлаб бериш бўйича тушунтириш хати (ёзма равишда) олинсин ва тегишли чора кўрилсин.

1.9. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни сақлаш муддати 2 йил деб белгилансин ва масъулият факультет деканлари зиммасига юклатилсин.

2. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Раҳимов Б.Ҳ.)га:

2.1. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Иминов Т.К.) билан ҳамкорликда олий ўқув юртларига «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни ўтказишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

2.2. 1998/99 ўқув йили ниҳоясида олий ўқув юртларида «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни ўтказилиши натижаларини таҳлил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш топширилсин.

2.3. Ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашда тадбиқ этилаётган ёзма назорат шаклларини ўрганиш юклатилсин.

3. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

таянч" ибораларга асосланган ёзма усулини тадбиқ этиш бўйича йўриқ хати"га мувофиқ барча олий ўқув юртларида "таянч" ибораларга асосланган ёзма иш усули кенг тадбиқ этилмоқда. Ушбу шаклнинг амалда қўлланиши билан яқиндан танишиш, аксарият олий ўқув юртларида бу услуб ижобий натижалар бераётганлигини, хусусан, талабаларга ўз билимини доимий равишда ошириб боришга интилиш кучайганлиги, мустақил ишлаш, вазифага ижодий ёндошиш, қўшимча адабиётлардан фойдаланиш, ўз фикрини ёзма равишда аниқ ва лўнда ифодалаб бериш каби хусусиятлар шаклланиб, тез ривожланиб бораётганлиги, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ўз фанларини янада чуқурроқ эгаллашга бўлган масъулият ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Талабалар билимини баҳолашда "таянч" ибораларга асосланган ёзма иш шаклини янада такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий ўқув юртлари ректорларига:

1.1. Жорий ўқув йилидан бошлаб, таълим йўналишлари бўйича ўқув режалардаги фанларни ўқитиш жараёнида, ҳар бир фаннинг муайян блоклари ўқитилаётган семестр якунида «таянч» ибораларга асосланган, 2 соатга мўлжалланган, ёзма иш назоратини ўтказиш ташкил этилсин.

1.2. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма иш ҳажми 800-1000 сўздан иборат бўлиши белгилаб қўйилсин.

1.3. Фанлардан «таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни ўтказиш жараёнига, ушбу фанларга алоқадор бўлмаган шахслар жалб этилсин.

1.4. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни ҳоли шахслар томонидан текширилиши ва баҳоланишини таъминлаш мақсадида бошқа олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, шунингдек, Фанлар Академияси тасарруфидаги институтларнинг олимлари ҳамда таълим йўналишларига алоқадор бўлган ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари жалб этилсин.

1.5. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни баҳолаш критериялари 15 кун давомида ишлаб чиқилсин ва Олий ўқув юртлари Бош бошқармасига тақдим этилсин.

1.6. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларнинг натижаларини талабаларга эълон қилиш муддати 2 ҳафта деб белгилансин.

1.7. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни текшириш ва баҳолашда субъектив ёндашиш ҳолларини олдини олиш учун, текширилган ёзма ишларнинг 8-10% Вазирлик томонидан белгиланган экспертлар томонидан қайта кўриб чиқилиши ва баҳоланиши ташкил этилсин.

1.8. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма иш натижалари талабаларнинг мазкур фан бўйича тўплаган баллари билан солиштирилсин ва катта тафовут бўлган ҳолда, талабанинг мазкур фандан тўплаган баллари бекор қилинсин ҳамда фанни ўқитган профессор-ўқитувчидан вазиятни изоҳлаб бериш бўйича тушунтириш хати (ёзма равишда) олинсин ва тегишли чора кўрилсин.

1.9. «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни сақлаш муддати 2 йил деб белгилансин ва масъулият факультет деканлари зиммасига юклатилсин.

2. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Раҳимов Б.Ҳ.)га:

2.1. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Иминов Т.К.) билан ҳамкорликда олий ўқув юртларига «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни ўтказишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

2.2. 1998/99 ўқув йили ниҳоясида олий ўқув юртларида «Таянч» ибораларга асосланган ёзма ишларни ўтказилиши натижаларини таҳлил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш топширилсин.

2.3. Ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашда тадбиқ этилаётган ёзма назорат шаклларини ўрганиш юклатилсин.

3. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.4.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнини самарали ташкил этиш ҳақида”ги 2007 йил 13 январдаги 6-сонли

### БУЙРУҒИ

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳамда унда холислик ва ҳалолликни таъминлаш мақсадида вазирлик ва олий таълим муассасалари томонидан маълум тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий ва оралиқ назоратларнинг нуфузини ошириш мақсадида рейтинг тизими низоми қайта ишлаб чиқилди, фанлар бўйича талабалар билимини баҳолаш мезонлари киритилди, баҳодан норози талабаларга апелляция тартиби жорий этилди, оғзаки, тест ва ёзма назорат турларидан самарали фойдаланиш имконияти берилди. Деканат, кафедра ва ўқув бўлимларида талабалар рейтингини компьютерлашган тизимларда қайд этиш, уларни мунтазам ва очиқ намойишлари йўлга қўйилди. Юқорида келтирилган чора-тадбирларга қарамай, айрим таълим муассасаларида талабаларнинг юқори натижаларга интилишини сўндириш, якуний назорат нуфузини сунъий равишда ошириб, имтиҳон даражасига келтириш ҳолатлари учрамоқда.

Талабалар билимини рейтинг тизими асосида назорат қилиш ва баҳолаш ҳақида Низомнинг жойлардаги ижросини самарали ташкил этишда олий таълим муассасаларига услубий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. 2006-2007 ўқув йилдан битирувчи курс талабалари ўртасида таълим сифатини кўтариш, профессор-ўқитувчилар таркибини, фанларнинг ўқув-услубий таъминотини яхшилашга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказиш йўлга қўйилсин.

Ижтимоий сўровларни ташкил этиш ва ўтказиш, натижалари бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш олий таълим муассасалари ички назорат ва мониторинг бўлимлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Вазирлик қошидаги Таълим-тарбия жараёнларини социологик, педагогик ва психологик қўллаб-қувватлаш хизмати (М.Бекмуродов)га олий таълим муассасаларида ўтказилувчи ижтимоий сўровларни ташкил этишга услубий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

3.Олий таълим муассаса ректорларига:

3.1. 2006/2007 ўқув йилининг кузги семестр давомида жорий ва оралиқ баҳолашларнинг ташкил этилиши ва натижаларининг якуний баҳолашга таъсири таҳлилдан ўтказилсин.

3.2. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган талабалар иштирокида талабалар фикрларини ўрганиш, уларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолашдаги негатив ҳолатларни аниқлаш ташкил этилсин.

3.3. Битирувчи курс талабалари ўртасида якуний давлат аттестациясигача бўлган даврда ижтимоий сўровлар ўтказилсин, уларнинг натижалари ўқув-тарбиявий жараённи режалаштириш ва ташкил этишда инобатга олинсин.

3.4.Таҳлиллар ва ижтимоий сўровлар натижасида аниқланган ижобий тажрибалар оммалаштирилсин, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилсин, жиддий камчиликка йўл қўйган педагоглар ва раҳбарлар фаолиятига баҳо берилсин.

3.5. Талабалар билимини баҳолашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўймаслик чоралари белгилансин.

4. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га: «Талабалар билимини назорат қилиши ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги мувақкат Низом»ни олий таълим муассасалари таклифларини инобатга олиб такомиллаштириш вазифалари юклатилсин.

5. Талабалар билимини рейтинг тизими асосида назорат қилиш ва баҳолашни самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинарлар ўтказиш мақсадида вазирлик

масъул ходимлари 1-иловада келтирилган жадвалга мувофиқ хизмат сафарига юборилсин. Ҳудудий семинарлар ўтказиш бўйича йўриқнома 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукхонов)га иловага мувофиқ вазирлик ходимлари хизмат сафари харажатларини ўрнатилган тартибда қоплаш топширилсин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Парпиевга юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

2-илова

**Ҳудудий семинарлар ўтказиш бўйича йўриқнома**

1. Талабалар билан норасмий суҳбатлар ўтказиш, таълим сифатига салбий таъсир этаётган ҳолатларни муҳокама қилиш.

2. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ҳарбийдан қайтган фаол талабалар билан мулоқот, уларнинг таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш борасида амалга ошираётган ишлари ва долзарб масалалар муҳокамаси.

3. Профессор-ўқитувчилар билан норасмий суҳбат, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш йўллари ва муаммолари муҳокамаси.

4. Кафедрада ўқитилаётган фанларнинг услубий таъминланганлиги, фанга ажратилган рейтинг балларини машғулот турлари бўйича тақсимоти, жорий, оралиқ назоратларни ўтказиш шакллари, саволномалар, вазифа вариантлари, баҳолаш мезонлари мавжудлиги (айрим кафедраларда) текширилади.

Айрим педагогларнинг оралиқ ва жорий назоратлар бўйича журнали, якуний назорат учун тайёрлаган саволномалари, вазифа вариантлари, баҳолаш мезонлари текширилади.

Кафедра мудирининг жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ташкил этиш, адолат ва ҳалолликни таъминлаш борасидаги ишлари ўрганилади.

5. Деканатдаги жорий, оралиқ ва якуний назоратлар бўйича ахборот-таҳлил хизматини ташкил этилиши, таълим сифатини бошқариш жараёни ўрганилади.

6. Олий таълим муассасасининг ўқув бўлимида таълим сифатининг бошқариш жараёни. Негатив ҳолатларни аниқлаш ва чоралар кўриш.

7. Вилоятдаги олий таълим муассасалари ўқув ишлари проректорлари, ўқув бўлими бошлиқлари, деканлар ва кафедра мудирлари иштирокида семинар ўтказилади. Семинарда рейтинг тизими, жорий ва оралиқ баҳолаш натижалари, якуний баҳолашдаги негатив ҳолатлар (сунъий равишда баҳоларни пасайтириш, якуний назоратни имтиҳонга айлантириш, талабалар учун ноқулай иш жадваллари тузиш, таъмагирликни олдини олиш, ўтган йилдаги таъмагирлик билан боғлиқ жиноятлар муҳокама этилади.

Мазкур масала бўйича олий таълим муассасалари таклифлари тингланади ва муҳокама қилинади.

Ҳududдаги олий таълим муассасаларида аниқланган камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида тавсиялар берилади.

Аниқланган камчилик ва муаммолар, амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот тузилади ва ОТМББга тақдим этилади.

### 4.4.3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг “рейтинг” тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2009 йил 11 июндаги 204-сонли

### БУЙРУҒИ

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 28-сон, 330-модда; 2010 й., 34-сон, 297-модда)*

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981]**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 29-сон, 332-модда) мувофиқ, шунингдек, олий таълим муассасалари талабаларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида буюраман:

1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг «рейтинг» тизими тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ 2009 йил 3 сентябрдан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2009 йил 11 июндаги 204-сон буйругига
ИЛОВА

### Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг “рейтинг “ тизими тўғрисида

### НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда) мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг «рейтинг» тизимини тартибга солади.

**I. Умумий қоидалар**

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва «рейтинг» тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

2. «Рейтинг» тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

б) талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

г) талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

д) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

е) талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ж) ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

3. Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш «рейтинг» назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

**II. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби**

4. Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари кафедра мудири тавсияси билан олий таълим муассасасининг (факультет) ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.

5. «Рейтинг» назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

6. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

жорий назорат – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллоквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

оралиқ назорат – семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратининг сони (бир семестрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

*(6-банднинг учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚХТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда)*

якуний назорат – семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган «Ёзма иш» (тиббиёт олий таълим муассасалари учун «Ёзма иш» ёки ОТКС (объектив тизимлаштирилган клиник синов) шаклида ўтказилади.

Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айрим фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда факультет Илмий кенгаши қарори асосида кўпи билан 40% фанлардан якуний назоратлар бошқа шаклларда (оғзаки, тест ва ҳоказо) ўтказилиши мумкин.

7. Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ҳамда оралиқ назорат қайта ўтказилади.

8. Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг

бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ҳамда якуний назорат қайта ўтказилади.

**III. Баҳолаш тартиби ва мезонлари**

10. Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг «рейтинг» тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

11. Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

якуний назоратга – 30 балл;

*(11-банднинг учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

жорий ва оралиқ назоратларга – 70 балл (фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 70 балл кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади).

*(11-банднинг тўртинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(12-банд Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғига (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) мувофиқ ўз кучини йўқотган– ЎР ҚҲТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда).*

13. Талабанинг «рейтинг» дафтарчасига алоҳида қайд қилинадиган курс иши (лойиҳаси, ҳисоб-график ишлари), малакавий амалиёт, фан (фанлараро) бўйича якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ва магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси – 100 баллик тизимда баҳоланади.

14. Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар (кейинги ўринларда намунавий мезонлар деб юритилади) тавсия этилади:

а) 86 – 100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

хулоса ва қарор қабул қилиш;

ижодий фикрлай олиш;

мустақил мушоҳада юрита олиш;

олган билимларини амалда қўллай олиш;

моҳиятини тушуниш;

билиш, айтиб бериш;

тасаввурга эга бўлиш.

б) 71 – 85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

мустақил мушоҳада юрита олиш;

олган билимларини амалда қўллай олиш;

моҳиятини тушуниш;

билиш, айтиб бериш;

тасаввурга эга бўлиш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

в) 55 – 70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

*(14-банд «в» кичик бандининг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда).*

моҳиятини тушуниш;

билиш, айтиб бериш;

тасаввурга эга бўлиш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

г) қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0 – 54 балл билан баҳоланиши мумкин:

*(14-банд «г» кичик бандининг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда).*

аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;

билмаслик.

15. Намунавий мезонлар асосида муайян фандан жорий ва оралиқ назоратлар бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, кафедра мудири томонидан тасдиқланади ва талабаларга эълон қилинади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

16. Намунавий мезонларга мувофиқ мутахассислик фанлар бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан якуний назорат учун баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, олий таълим муассасаси Илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади ва турдош олий таълим муассасаларига етказилади.

*(16-банд Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда)*

17. Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

18. Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтинги қуйидагича аниқланади:

*(18-бандининг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда)*

$$R_r = \frac{V \times O^r}{100}$$, бу ерда:

V – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда);

$O^r$ – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

19. Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга киритилмайди.

Жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича 55 ва ундан юқори баллни тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади ва бунда жорий ва оралиқ назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 ва ундан юқори фоизидаги баллни тўплаган талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга киритилади.

*(19-банд Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда)*

20. Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

## IV. Назорат турларини ўтказиш муддати

21. Оралиқ ва якуний назорат турлари календарь тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган «рейтинг» назорат жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охирги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

22. Талаба фан бўйича курс лойиҳаси (иши)ни ушбу фан бўйича тўплаган баллари умумлаштирилишига қадар топшириши шарт.

23. Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(23-бандининг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғига (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) мувофиқ чиқарилган – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда)*

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралиқ ва якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факультет декани

фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда қайта топширишга рухсат берилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

24. Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўпланган баллари ушбу назорат турлари умумий баллининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр якунида жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўпланган баллари йиғиндиси 55 баллдан кам бўлса, у академик қарздор деб ҳисобланади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида семестр якунида фан бўйича жорий, оралиқ ёки якуний назорат турларининг ҳар бири бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

*(24-банд Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚХТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда)*

25. Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

26. Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

**V. «Рейтинг» натижаларини қайд қилиш ва таҳлил этиш тартиби**

27. Талабанинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида «рейтинг» қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. «Рейтинг» дафтарчасининг «Ўқув режасида ажратилган соат» устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўқув юклама соатлари, «Фандан олинган баҳо» устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириши қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши «рейтинг» дафтарчасига қайд этилмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

28. Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ журнали ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, 2 (икки) кун муддат ичида) талабалар эътиборига етказилади.

*(28-банд Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚХТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

29. Якуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда «рейтинг» дафтарча ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдиради.

*(29-банд Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚХТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда)*

30. Талабанинг рейтинги унинг билими, кўникмаси ва малакалари даражасини белгилайди. Талабанинг семестр (курс) бўйича умумий рейтинги барча фанлардан тўпланган «рейтинг» баллари йиғиндиси орқали аниқланади.

31. Талабалар умумий рейтинги ҳар бир семестр ва ўқув йили якунлангандан сўнг эълон қилинади.

32. Диплом иловаси ёки академик маълумотномани деканат томонидан расмийлаштиришда фан бир неча семестр давом этган бўлса, рейтинглар йиғиндиси олинади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Талабага имтиёзли диплом белгилашда унинг ҳар бир семестр якунидаги фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи ҳисобга олинади.

*(32-банд Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғига (рўйхат рақами 1981-1, 26.08.2010 й) мувофиқ иккинчи хатбоши билан тўлдирилган – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

33. Талабаларнинг назорат турлари бўйича эришган натижалари кафедралар, деканатлар ва ўқув-методик бўлинмаларда компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади.

*(33-банд Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981-1, 26 08.2010 й) таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2010 й., 34-сон, 297-модда)*

34. Жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва олий таълим муассасаси Илмий кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

**VI. Якуний қоидалар**

35. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест баҳолари ва рейтинг балларининг холислигини текширишни ташкил этади ва назорат қилади.

36. Ушбу Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

37. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Навоий кон-металлургия комбинати билан келишилган.

**Давлат тест маркази директори Б. ИСМАИЛОВ**

2009 йил 9 июнь

**Халқ таълими вазири Ғ. ШОУМАРОВ**

2009 йил 9 июнь

**Соғлиқни сақлаш вазири А. ИКРОМОВ**

2009 йил 9 июнь

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ**

2009 йил 9 июнь

**Маданият ва спорт ишлари вазири А. ЖАББОРОВ**

2009 йил 9 июнь

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А. АРИПОВ**

2009 йил 9 июнь

**«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК раиси О. РАМАТОВ**

2009 йил 9 июнь

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

2009 йил 9 июнь

**Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т. ҚЎЗИЕВ**

2009 йил 9 июнь

**Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Қ. САНАҚУЛОВ**

2009 йил 9 июнь

## 4.5. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАР. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ НАМУНАВИЙ ТАРТИБИ

### 4.5.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 31 декабрдаги 392-сонли

### БУЙРУҒИ

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш намунавий тартиби Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябр 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Магистратура тўғрисидаги Низом»га асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бандларини тўлдирувчи ва изоҳловчи ҳужжат ҳисобланади.

Магистрлик диссертацияси (кейинчалик-диссертация) магистратурада таълим олаётган талабанинг якунловчи иши ҳисобланади.

Диссертация магистрантнинг ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий тадқиқот ишларининг натижасидир.

Диссертация мавзуси ишлаб чиқаришда, таълим, иқтисодиёт, фан-техника тараққиётида, ижтимоий соҳаларда илғор ва долзарб масалаларга бағишланиб муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлилига қаратилган бўлиши шарт.

Диссертациянинг мазмуни мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб албатта натижавий ечимга эга бўлиши талаб этилади.

Диссертация мавзулари магистрантларга танлаш учун биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри (иккинчи ярми) бошлангандан кейин икки ҳафта давомида тақдим этилади. Контракт бўйича таълим олаётган магистрантларнинг диссертация мавзулари буюртмачи томонидан таклиф этилиши мумкин. Мавзу кафедрада магистрант ва унинг илмий раҳбари иштирокида муҳокамадан ўтказилади.

Кафедра тақдимномасига мувофиқ магистрантларнинг диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари олий ўқув юртининг Магистратура Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

Магистрантнинг амалиёт ўташ жойи ва тартибини кафедра аниқлайди.

Магистратура раҳбарининг тақдимномаси асосида магистрантларнинг диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари, амалиёт ўташ жойлари ва тартибини тасдиқлаш тўғрисида олий ўқув юрти ректорининг буйруғи иккинчи семестр бошлангандан кейин 2 ойдан кечиктирилмасдан чиқарилади. Шундан кейин икки ҳафта муддатда диссертация ишиниинг ўрнатилган шаклдаги топшириги илмий раҳбар томонидан ишлаб чиқилади ва кафедра йиғилишида тасдиқданади.

Магистрлик диссертацияси қуйидаги тузилишдан иборат бўлади:

Титул варағи (илова 1);

Мундарижа;

Кириш;

Асосий қисм боблари (2-3 боб тавсия этилади);

Хулосалар;

Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхати;

Иловалар.

Мундарижада, кириш, боблар ва уларга тегишли параграфлар номлари, уларнинг бошланиши бетлари рақами, диссертациядаги бошқа бўлимлари кўрсатилади.

Кириш қисмида тадқиқотлар мавзуининг долзарблиги, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, амалий аҳамияти, илмий янгилик ёки муаммоли томонлари, тадқиқот предмети, тадқиқот объекти, диссертациянинг тузилиши ёритилади.

1-бобда тадқиқот олиб борилган объект бўйича қисқача характеристика бериш билан бирга мавзунинг умумназарий муаммолари ёритилади.

2-бобда диссертацияга оид вазифа қўйиш, илмий изланишлар, амалиётлар жараёнида тўпланган материаллар, статистик маълумотлар, иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили, услубиёт, таклифлар келтирилади.

3-бобда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили асосида эришилган натижалар, янгиликлар, ихтиролар, меъёрий кўрсаткичлар, илгари сурилаётгаи ғоя ва фикрлар илмий жиҳатдан асосланади, исботланади.

Хулоса ва таклифлар қисмида диссертация иши бўйича чиқарилган хулосалар ва аниқ таклифлар, магистрант диссертация устида ишлаш даврида ўзи иштирок этган изланишларда эришган натижалари мужассамлаштирилади. Хулоса ва таклифлар диссертация боблари якунида ҳам берилиши мумкин. Қатъий назар, ушбу қисм якун сифатида бўлиши шарт.

Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхатида диссертация ишини бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, нашр қилинган илмий мақолалар, олинган патентлар рўйхати келтирилади. Адабиётлар рўйхати алфавит тартибида тузилади. Хорижий адабиётлар рўйхати охирида берилади.

Иловалар қисмида диссертация матнидаги айрим қисмлар учун зарур бўлганда кўргазмали чизмалар келтирилади.

Диссертация магистрантнинг ўқиган тилида, кафедра тавсиясига мувофиқ хорижий тилларда ёзилиши мумкин. Хорижий тилда бажарилган ишга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда ҳимояси таржима билан ўтказилади.

Диссертация хажми 60-80 варақдан (иловаларсиз) иборат бўлиб, А4 (21x29) формат қоғозга компьютерда (2 интервалда, 12-14-ўлчамли шрифтга мос) терилган ҳолатда тайёрланади (матн қоғоз варағига чапдан 2.5 см, юқоридан ҳамда пастдан 2 см четлаб туширилади).

Диссертация ҳимояси учун зарур кўргазмали чизмалар мувофиқ стандартлар (шартли белгилар, шрифт, масштаб ва ҳ.к.) талабларига жавоб бериб А2 формат қоғозда (5-6 тагача) бажарилиши ёки техник воситаларда экранда намойиш этилиши мумкин. Архитектура, техника, муайян санъат мутахассисликлари бўйича чизмаларга талаблар мувофиқ Илмий-услубий бирлашмалар томонидан ишлаб чиқилади.

Диссертациянинг қўйилган талабларга амал қилиниб, берилган топшириққа мувофиқ тўла ҳажмда бажарилишига магистрант шахсан жавобгардир.

Зарур ҳолларда илмий раҳбарнинг тавсияси билан диссертация ишининг алоҳида қисмларига, диссертацияга раҳбарликка ажратилган вақт бюджети ҳисобидаи маслаҳатчилар таклиф этилиши мумкии.

Тайёр диссертация иши илмий раҳбарнинг имзоси, тақризи билан кафедрага тақдим этилади. Кафедра муҳокамасидан ўтган ва маъқулланган диссертация ишига кафедранинг қарори билан оппонент тайинланади. Оппонент соҳа мутахассислари, илмий муассасаларнинг ходимлари, бошқа олий ўқув юртларининг профессор ўқитувчилари бўлиши мумкин. Оппонент илмий даражали бўлиши шарт.

Магистратура марказининг раҳбари диссертация ишини илмий раҳбар ва оппонент тақризлари билан Давлат аттестация комиссиясига йўллайди.

Диссертация ҳимоядан кейин 10 кун давомида магистратура марказига топширилади ва ўқув юртида 10 йилгача сақланади.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 1999 йил 31 декабрдаги
392 сонли буйруғига 1-илова

_______________________________________________
*(вазирлик)*

_______________________________________________
*(Олий ўқув юртининг номи)*

қўлёзма ҳуқуқида________________________________
*(Магистрантнинг фамилияси, исми-шарифи)*

_______________________________________________
*(Магистрлик диссертациясининг мавзуси)*

_______________________________________мутахассислиги
*( Мутахассислик шифри)*

бўйича магистр даражасининг олиш учун

_______________________________________________
*(Мутахассислик номи)*

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Раҳбар: _______________________________________
*( илмий унвони, ф.и.ш.)*

ТОШКЕНТ ______й

### 4.5.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини Республика таълим тизимига жорий этиш юзасидан кўрилган тайёргарлик ҳақидаги маълумотнома»ва мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг топшириқлари ҳақида 2001 йил 15 январдаги 8 а-сонли

### БУЙРУҒИ

2. Олий ўқув юртлари ректорларига:

2.2. Бакалаврлар учун назорат шакли сифатида семестр якунида жорий синов ва ўқув йили охирида ижтимоий фанлар билан уйғунлашган давлат аттестацияси белгилансин.

2.3. Магистратура босқичида назорат шакли сифатида «Фаннинг фалсафий муаммолари» ҳамда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанлари уйғунлаштирган ҳолда давлат аттестацияси ўтказилсин.

2.5. Бакалавриат босқичининг қуйи курсларида «Миллий иетиқлол гояси: асосии тушуича ва тамойиллар» фани ижтимоий-гуманитар фанлар таркибига сингдирилган ҳолда ўқитилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.5.3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Битирув малакавий иши ва магистрлик диссертациялари сифатини ошириш ва ҳимоясини ташкил этиш ҳақида”ги 2008 йил 5 майдаги 120-сонли

### БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда таълим сифатини ошириш, битирувчиларнинг назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш, уларни ижодий ишлаш ҳамда битирув малакавий ишлари (БМИ) ва магистрлик диссертациялари (МД)ни бажариш ва ҳимоя қилишда масъулиятни ҳис этиш, мустақил ишлашга ўргатиш, шунингдек ушбу жараёнда олий таълим муассасалари раҳбарлари, факультет деканлари, кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилари масъулиятини ошириш ҳамда БМИ ва МДлари ҳимояларини юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

10 кун муддатда олий таълим муассасалари битирувчилари томонидан БМИ ва МДларини бажарилиш ҳолатини фоизларда аниқлаш ва ҳимоягача бўлган муддат давомида ҳар ҳафтада БМИ ва МДларининг бажарилиш мониторингини олиб боришни ташкил этиш (ҳар бир кафедрада мудирнинг назорати ва иштирокида битирувчи ва раҳбарнинг ҳафталик ҳисобот бериб бориши бўйича аниқ санаси, соати ва аудиторияси кўрсатилган жадваллар асосида ҳисоботни баҳолаб (фоизлаб) бориш тартибида);

БМИ ва МДларини бажаришда белгиланган муддатлардан кечикиш ҳоллари аниқланганда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш;

кафедраларда махсус жадвал асосида ўтказилаётган битирувчилар ҳисоботларини шахсан ва ўқув, маънавий-маърифий ҳамда илмий ишлар бўйича проректорлар томонидан масъулиятни белгилаб назоратга олиш;

БМИ ва МДларини бажариш учун зарур жиҳозлар ва техника билан таъминланган махсус хоналар ажратиш (шу жумладан, кафедра филиалларида);

- якуний давлат аттестацияси (ЯДА) комиссиялари таркибини қайта кўриб чиқиш, ЯДА комиссиялари раислари ва аъзолари билан ҳимояларни юқори талабчанлик, ошкоралик ва адолатли ўтказиш масаласида махсус йиғилиш ўтказиш;

- БМИ ва МДларининг бажарилиш, ташкил этилиш, ҳимоя қилиниш жараёнларини

ўрганиб бориш, тавсиялар ишлаб чиқиш, ўрнатилган талаб ва тартибга риоя этилишини назорат қилиш бўйича ОТМ комиссияси ишини ташкил этиш;

- архив, ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда сақланаётган БМИ ва МДларидан нусха кўчиришни олдини олиш чораларини кўриш;

- натижаларни Илмий кенгашда муҳокама қилиш ва қабул қилинган қарорни жорий йилнинг – 10 майига қадар вазирликка етказиш вазифалари юклатилсин.

2. Ўқув ишлари бўйича проректорларга:

- кафедраларда битирувчилар ҳисоботларини юқори талабчанлик руҳида ўтказишни ташкил этиш;

- битирувчиларга раҳбарликни таъминламаётган профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудирларига нисбатан қатъий чоралар кўриш, жумладан раҳбарликдан четлаштириш бўйича таклифлар киритиш;

БМИ ва МДларини бажариш ва ҳимоясини ўқув жараёни жадвалида белгиланган муддатларда ўтказишни таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Факультет деканларига:

- битирувчилар томонидан БМИ ва МДларининг мустақил бажарилаётганлиги устидан назоратни ташкил этиш;

БМИ ва МДлари бўйича консультация жадвалларига амал қилинишини назоратга олиш;

битирувчилар томонидан белгиланган муддатларда кафедраларда ҳисоботлар бериб борилишини назорат қилиш таъминлансин.

4. Кафедра мудирларига:

- БМИ ва МДларига раҳбар бўлган ўқитувчиларнинг битирувчилар билан фаол ишлашини назорат қилиш;

- БМИ ва МДларини бажаришда кечикиш ҳолларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- битирувчилар томонидан БМИ ва МДларини бажарилиш ҳолати ҳақида ҳисобот бериш жадвалини ишлаб чиқиш ва унга қатъий риоя қилиш;

- ЯДА таркибига ва тақризчи сифатида тажрибали профессор-ўқитувчилар, олимлар ва ишлаб чиқариш ходимларини жалб этиш;

- БМИ ва МДларнинг ҳимоясини замонавий ахборот технологиялари воситасида презентация шаклида ташкил этиш;

- ЯДА хулосасига мувофиқ юқори даражада бажарилган БМИ ва МДлари (илмий, амалий, лойиҳалар асосида, хорижий тилларда бажарилган ишлар) муаллифларини рағбатлантиришга тавсия этиш ва ОАВларида ёритиш вазифалари юклатилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Мухитдиновга юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.5.4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Таълим соҳалари бўйича «Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси» республика танлови ғолибларини тақдирлаш тантаналарини ўтказиш тўғрисида”ги 2008 йил 18 сентябрдаги 290-сонли

### БУЙРУҒИ

Истеъдодли ва билимли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий-ижодий фаолияти ривожлантириш, шунингдек, таълим соҳалари бўйича «Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси» республика танлови ғолибларини тақдирлаш тантаналарини юксак савияда ўтказилишини ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

«Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси» республика танлови голибларини тақдирлаш тантаналарини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси» республика тан-

лови ғолибларини тақдирлаш тантаналари 2008 йил 27 сентябрь куни Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказилсин.

Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори (Д.Муродова)га: танлов ғолибларини тақдирлаш тантаналари ўтказиладиган жойлар тадбирга тайёрлансин ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилсин.

«Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси» республика танлови ўтказиладиган олий таълим муассасалари ректорларига:

- жорий йилнинг 20 сентябригача танловни Низомга мувофиқ ўтказиш ва натижаларини олий таълим муассасаларига етказиш;

- 2008 йил 22 сентябргача танлов натижалари бўйича ғолиблар ва совриндорлар рўйхати ҳамда ҳисоботни вазирликнинг Олий таълим муассасалари бош бошқармасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

5. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га: танлов иштирокчилари рўйхатини олий таълим муассасалари билан келишиш;

танлов ўтказиладиган жойларда кўргазмали материаллар намойиш этилишини ташкил этиш;

энг яхши битирув малакавий иши (магистрлик диссертацияси) республика босқичи танлови ғолиби бўлган талабани илмий раҳбари билан биргаликда Танлов ғолибларини тақдирлаш тантаналарига келишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

6. Вазир ўринбосари (А.Марахимов) Маънавий ва ахлоқий тарбия бошқармаси (Э.Набиев) билан биргаликда:

- «Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси» республика танлови ғолибларини тақдирлаш тантаналари ўтказиш тартиби (сценарияси)ни жорий йилнинг 20 сентябригача ишлаб чиқиш;

- олий таълим муассасалари ректорлари билан биргаликда танлов ғолибларига ҳомийлар томонидан бериладиган совғаларни аниқлаш ва тақдирлаш тантаналарида уларни ғолибларга тақдим этиш чораларини кўриш;

- танловда иштирок этувчи ва ғолибларни тақдирловчи таниқли фан ва маданият арбоблари рўйхатини тузиш, уларга таклифномалар йўллаш ҳамда иштирокини таъминлаш;

- танлов ғолибларини тақдирлаш тантаналари бадиий қисмида республиканинг таниқли халқ артистлари иштирокини ташкил этиш;

- танловни ўтказилиш жараёнини республика оммавий ахборот воситалари (телеведение, радио ва газеталар)да ёритилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Тошкент давлат техника университети ректори (Ш.Шообидов)га: 50 нафар танлов иштирокчилари учун 26-27 сентябрь кунлари (2 кунга) университет профилакториясидан жой ажратилсин.

8. Олий таълим муассасалари ректорларига ғолибларни рағбатлантириш учун олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қимматбаҳо совғалар харид қилиш вазифаси юклатилсин.

9. Вазир ўринбосари А.Ғуломхўжаевга совғалар тури ва таркибини аниқлаш ҳамда уларни жорий йилнинг 24 сентябригача тайёрланишини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

Вазирликнинг Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукхонов) ва Ишлар бошқармаси (Б.Мавлонов)га республика танлови голиби ва совриндорларига бериладиган дипломларни ҳамда совғаларни тайёрлаш вазифаси топширилсин.

10. Мазкур буйруқнинг ижросини назорати вазирнинг биринчи ўринбосари У.Бегимқулов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 4.5.5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида” 2010 йил 9 июндаги 225-сонли

### БУЙРУҒИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31 декабрдаги «Меъёрий ҳужжатларни тасдиқдаш тўғрисида»ги 362-сонли буйруғи билан «Олий ўқув юртларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар» тасдиқланган. Ўтган давр мобайнида битирув малакавий ишларни бажариш тартиби, мавзуларини танлаш ва ҳимоя қилиш тартибига қўйиладиган талабларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида таълим муассасаларидан таклифлар тушмокда. Битирув малакавий ишларни бажаришни олий таълим муассасаларидаги ўқитишнинг замонавий техник воситалари ва услубларга мувофиқлаштириш, ишларни ҳимояга тайёрлаш жараёнида кафедра ва раҳбарнинг масъулиятини ошириш ҳамда янги тахрирдаги талабларни тасдиқлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

«Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар»нинг янги таҳрири иловага мувофиқ тасдиқлансин.

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигиниғ 1998 йил 31 декабрдаги «Меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий ўқув юртларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар» ўз кучини йўкотган деб ҳисоблансин.

2.Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари У.Ташкенбаев зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
талим вазирлигининг 2010 йил 9 июндаги
225-сонли буйруғига илова

### 4.5.6. Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган

### ТАЛАБЛАР

**1. Битирув малакавий ишни бажаришнинг мақсад ва вазифалари**

Битирув малакавий ишни бажариш олий таълим муассасаси бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир.

Битирув малакавий ишни бажаришдан мақсад:

-таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустахкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни хал этишда қўллаш;

- ижодий ишлаш, ҳал этилаётган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла нихоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш;

замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёргарлигини таъминлащдан иборат.

- Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари таълим йўналишларида битирув малакавий иши унинг шаклларидан бири бўлган диплом лойиҳаси сифатида тайёрланиб, Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолияти-

ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-847-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2008 йил 31 июлдаги №16/226-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида диплом лойиҳасини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан бажарилади.

**2. Битирув малакавий ишларнинг мавзуси**

Битирув малакавий ишлар мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, техника, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболий ривожланишини акс эттириши керак.

Битирув малакавий ишлар мавзуси мутахассис чиқарувчи кафедра томонидан белгиланади ва олий таълим муассасаси ёки факультетнинг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда ҳар ўқув йили бошида қайта кўриб чиқилади.

Битирув малакавий ишлар мавзусининг йиллик рўйхати битирув амалиёти бошланишига қадар ёки битирув курсининг бошида эълон қилинади.

Талабаларга (рейтинглари бўйича камайиш тартибида) битирув малакавий ишларнинг мавзуларини танлаш ҳуқуқи берилади. Талаба ёки талабанинг ўқиши учун тўлов-контракт маблағини тўлаётган буюртмачи зарурий асослар билан битирув малакавий ишлар мавзуси бўйича ўз вариантларини таклиф этишлари мумкин.

Битирув малакавий иш мавзуси ва раҳбарни талабага бириктириш кафедранинг тақдимномаси бўйича ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Иш раҳбари, битирув малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага битирув малакавий ишга тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ беради. Топшириқнинг шакли олий таълим муассасанинг ўқув бўлими томонидан белгиланади. Топшириқ битирув малакавий иш билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

**3. Битирув малакавий ишини бажаришга раҳбарлик қилиш**

Битирув малакавий ишларга раҳбарлар ушбу олий таълим муассасасининг профессор ва доцентлари ёки илмий ходимлари, бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сафидан тайинланади.

Битирув малакавий иш раҳбари:

- топшириқ беради;
- битирув малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради;
- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;
- талабалар билан мунтазам равишда консультациялар ўтказади;
- битирув малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади;
- талаба бажарган битирув малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларнинг қайтарилишига ёки бошқа манбалардан айнан кўчирилишига йўл қўймайди.

Битирув малакавий иш раҳбарининг таклифига биноан, кафедра битирув малакавий ишга раҳбарлик қилишга ажратилган вақт бюджети ҳисобидан ишнинг айрим бўлимлари бўйича консультантларни таклиф этиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг бўлимлари бўйича консультант (маслахатчи)лар этиб, олий таълим муассасасининг профессорлари ва доцентлари, илмий ходимлари ҳамда бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари тайинланиши мумкин. Консультантлар талаба бажарган ишнинг мувофиқ қисмини текширади, тегишли кўрсатмалар беради.

Мутахассис чиқарувчи кафедра битирув малакавий ишга қўйиладиган талаблар ҳажмини белгилаган ҳолда битирув малакавий ишни бажариш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқади ва улар билан талабаларни таъминлайди.

Битирув малакавий иш берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

Битирув малакавий ишнинг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар, ва хуло-

салар билан ёритилади. Битирув малакавий ишда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва мақолалари, ҳисоб-графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта, номлари кўрсатилган ҳолда) ишлари, таҳилий-киёсий маълумотлар сифатида акс эттирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

Тушунтириш қисми (пояснительная записка) битирув малакавий ищнинг мазмунини киска ва муайян шаклда ифодалаши лозим. Зарурий ҳолларда тушунтириш қисмига графиклар, расмлар, эскизлар, диаграммалар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий қўшимча ахборот ёзилган электрон шаклдаги маълумотлар илова этилиши мумкин.

Битирув малакавий ишларнинг таркибига битирув малакавий ишнинг мавзуси, мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электрон шаклдаги тақдимот материаллари киритилиши мумкин.

Тушунтириш қисми камида 10-15 минг сўз хажмида белгиланади.

Чизмаларнинг формати, шартли белгилари, шрифт ва масштаблари амалдаги стандартлар талабларига қатъий мувофиқ келиши зарур, одатда чизмалар А2 форматли қогозда (5-6 варақ ҳажмида) қаламда бажарилади ёки техника воситалари орқали тайёрланиб, экранда электрон доскада кўрсатилади. Архитектура йўналишидаги чизмаларга қўйиладиган талаблар уларга мувофиқ келувчи ўқув-услубий бирлашмалар (ассоциациялар) томонидан белгиланади.

Кафедранинг тавсиясига биноан битирув малакавий иш чет тилларининг бирида бажарилиши мумкин. Чет тилда бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

**4. Битирув малакавий ишнинг бажарилиши**

Битирув малакавий иш олий таълим муассасасининг, одатда, ушбу мақсадда махсус ажратилган хоналарда бажарилади. Айрим ҳолларда, битирув малакавий иш корхоналар, муассасалар, илмий, лойиҳалаш ва бошқа муассасаларда бажарилиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини деканат назорат этади. Деканат белгилаган муддатларда, талаба битирув малакавий ишининг бажарилиш ҳолати ҳақида раҳбар ва кафедра мудири олдида ҳисобот беради. Кафедра мудири битирув малакавий ишнинг тайёрлик даражасини белгилайди. Шу мақсадда кафедрада ҳар бир битирувчи кесимида битирув малакавий ишларнинг бажарилиш мониторинги ташкил этилиб, унинг бажарилиш ҳолати раҳбарнинг ҳафталик ҳисоботлари асосида фоизларда аниқлаб борилади.

Талаба – иш муаллифи, танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувофиқлигига, битирув малакавий ишда кўчирмачилик ҳолатини йўқлигига жавоб беради.

Битирув малакавий ишларни бажариш боскичларида белгиланган муддатлардан кечикиш ҳоллари аниқланганда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кафедра мудири томонидан белгиланади.

**5. Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш**

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган битирув малакавий иш (компьютерда бажарилган ҳолда унинг электрон варианти билан бирга) талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар, битирув малакавий иш талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедра мудирига тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлар ва битирув малакавий ишнинг бошқа ижобий томонлари тавсифланади. Кафедра мудири, тақдим этилган материаллар асосида, битирув малакавий ишни талаба томонидан Якуний давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул килади.

Агар, кафедра мудири талабанинг битирув малакавий ишини ҳимояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида, раҳбар иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлисининг баённомаси факультет декани томонидан тасдиқ учун ректорга тақдим этилади.

Ҳимояга киртилган битирув малакавий иш тақризга юборилади.

Тақризчилар таркиби битирувчиларга иш берувчи соҳа мутахассислари сафидан

танланади. Тақризчилар сифатида бошқа олий таълим муассасасининг профессор ва ўқитувчилар ҳам жалб этилиши мумкин.

Факультет декани малакавий ишни тақриз билан ҳимоя учун Якуний давлат аттестация комиссиясига тақдим этади.

Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистсн Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларини якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Битирув малакавий ишлар ҳимояси замонавий ахборот технологиялари воситасида тақдимот (презентация) шаклида ташкил этилади ва ўтказилади.

Битирув малакавий ишлар мавзуси, мазмун-моҳияти ва хусусиятларига мувофиқ, уларнинг ҳимоясини ташкил этиш ва ўтказишнинг бошқа шакллари олий таълим муассасаси Илмий кенгаши томонидан ўрнатилиши мумкин.

Архив, ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда сақланаётган ёки интернет ресурсларидан фойдаланиб айнан кўчириб олинганлиги расмий ҳимоягача аниқланиб тасдиғини топган битирув малакавий ишлари кафедра мудири тақдимномасига асосан ректор буйруғи билан бекор килинади ва битирувчига қониқарсиз баҳо қўйилиб, иш раҳбари кейинги уч йил давомида битирув малакавий ишларга раҳбар этиб тайинланмайди.

Олий таълим муассасасида ахборот технологиялари воситасида тақдимот шаклида битирув малакавий ишлар ҳимоясини ташкил этиш учун етарли даражада махсус жиҳозланган аудиториялар белгиланади.

Битирув малакавий иш ҳимоясидан сўнг (камида 10 йил) олий таълим муассасасида сақланади. Ҳар хил сабаблар бўйича битирув малакавий ишни бошқа ташкилот ёки ходимларга топшириш зарурияти мавжуд бўлган ҳолда (тадбиқ этиш, танловлар ва ҳоказо), ишдан нусха олинади ва уларни мазкур нусха берилади, ишнинг асл нусхаси олий таълим муассасасида қолдирилади.

## 4.6. БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ

### 4.6.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2009 йил 22 майдаги 160-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган, олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси жараёнларини такомиллаштириш ва олий таълим муассасаларини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 469-сонли қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида»ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 2009 йил 2 сентябрдан кучга киради.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1996 йил 26 апрелдаги 106-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида»ги вақтинчалик низом (рўйхат рақами 242, 1996 йил 2 май) мазкур буйруқ кучга киргандан сўнг ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2009 йил 22 майдаги
160-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида**

## НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ва Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига мувофиқ олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув жараёни жадвалига мувофиқ ўтказилади.

2. Якуний давлат аттестацияси олий таълим муассасасидаги ҳар бир таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича ташкил этиладиган якуний давлат аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади.

3. Якуний давлат аттестацияси комиссияларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- битирувчининг билим, малака ва кўникма даражасининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ келишини комплекс баҳолаш;

- якуний давлат аттестацияси натижалари бўйича битирувчиларга бакалавр (магистр) академик даражасини бериш масаласини ҳал қилиш;

- комиссия фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида олий маълумотли кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

4. Якуний давлат аттестацияси комиссиялари ўз фаолиятларини мазкур Низом ҳамда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва таълим мазмунига қўйилган Давлат таълим стандартлари талабларини бажаришга йўналтирилган бошқа ҳужжатларга таянган ҳолда олиб борадилар.

### II. Якуний давлат аттестацияси синовлари

5. Якуний давлат аттестацияси қуйидаги кўринишдаги бир ёки бир неча аттестация синовларидан иборат:

- айрим фан бўйича якуний аттестация синови;

- таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синови;

- битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимояси.

6. Айрим фан бўйича якуний давлат аттестацияси синови мазкур фаннинг мувофиқ давлат таълим стандартида белгиланган зарурий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув дастурида назарда тутилган материалларни талаба томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак.

7. Таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синови айрим фанлар мазмунига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, талаба тайёргарлигининг мазкур йўналиш (мутахассислик) бўйича давлат таълим стандартида битирувчига нисбатан назарда тутилган умумий талабларга ҳам жавоб бера олиш даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак.

8. Якуний давлат аттестациясига албатта битирув малакавий ишнинг (магистрлик диссертацияси) ҳимояси киритилади. Айрим йўналишлар учун бу тартибга истисно киритиш фақат Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ҳал этилади.

ди ва ушбу тартиб олий таълим муассасаси Илмий кенгаши қарори асосида таълим муассасаси ректори томонидан белгиланади ҳамда якуний давлат аттестацияси бошланишидан олти ой илгари талабалар эътиборига етказилади. Талабалар дастурлар билан таъминланадилар, уларга тайёргарлик кўриш ва маслаҳатлар бериш учун зарур шароитлар яратилади.

18. Таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синовларига ва битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимоясига тегишли таълим дастурларини тўлиқ тугатган ва ўқув режасида назарда тутилган барча синовлардан муваффақиятли ўтган талабалар қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчилари тегишли таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин якуний давлат аттестациясидан ўтишлари мажбурийдир.

19. Якуний давлат аттестацияси синовлари ва битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимояси якуний давлат аттестация комиссияларининг очиқ мажлисларида, аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган ҳолда ўтказилади.

Якуний давлат аттестациясига киритилган барча турдаги аттестация синовлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимига мувофиқ аниқланади ҳамда якуний давлат аттестацияси комиссиясининг мажлис баёни белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг, шу куннинг ўзида эълон қилинади.

20. Якуний давлат аттестация комиссияси битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси синовлари натижалари асосида уларга таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича бакалавр (магистр) даражаси бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Якуний давлат аттестация комиссияларининг қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан, мажлисда иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

21. Олий таълим муассасаси битирувчиси якуний давлат аттестацияси таркибига киритилган аттестация синовларининг барча турларидан муваффақиятли ўтгандан сўнг унга мувофиқ даража ва олий маълумот тўғрисидаги диплом берилади.

22. Ўқув дастурларини ўзлаштиришда катта ютуқларга эришган ва ўқув режасидаги барча фанларнинг камида 3/4 қисми бўйича 86 балл ва ундан юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган, (бошқа фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 71 баллдан кам бўлмаган), шунингдек, якуний давлат аттестацияси синовларининг ҳар бири бўйича камида 86 балл ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлган бакалавриат битирувчисига «имтиёзли» диплом берилади.

23. Якуний давлат аттестацияси синовларидан (ёки аттестация синовлари турларидан бири бўйича) ўтолмаган талаба уч йил ичида якуний давлат аттестациясига (ўтолмаган аттестация синовларининг ҳар бир тури бўйича бир марта) қайтадан киритилади.

Муддатли ҳарбий хизматда бўлиш ва 3 ёшга тўлмаган бола парвариши бўйича таътил кўрсатилган 3 йиллик муддатга кирмайди.

Якуний давлат аттестацияси синовидан иккинчи марта ҳам ўта олмаган талабалар масаласи уларнинг аризасига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан кўриб чиқилади.

24. Якуний давлат аттестацияси синовларидан (ёки аттестация синовлари турларидан бири бўйича) қайта ўта олмаган талабага академик маълумотнома берилади ва у ўрнатилган тартибда, тўлов-контракт асосида тегишли курсга ўқиш учун қайта тикланиши мумкин.

25. Айрим фан (ёки фанлараро синовлар) бўйича якуний давлат аттестацияси синовидаги қониқарсиз кўрсаткич (55 баллдан кам) талабани бошқа фанлар (ёки фанлараро синовлар) бўйича аттестация синовларидан ўтиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

26. Узрли сабаб билан якуний давлат аттестацияси синовларига келмаган талабалар ректорнинг буйруги билан якуний давлат аттестация комиссиясининг иши якунланишига қадар бошқа муддатларда ўтказиладиган якуний давлат аттестацияси синовларига киритилиши мумкин.

27. Якуний давлат аттестацияси синовларида олган баҳосига эътироз билдирган битирувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун ректор буйруғи билан апелляция комиссияси тузилади.

28. Якуний давлат аттестацияси жараёнида қўйилган баҳодан норози бўлган битирувчилар якуний давлат аттестацияси баҳолари эълон қилинган кундан эътиборан уч кун муддат ичида апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

29. Апелляция комиссияси ўз хулосасини битирувчига бир кун муддат ичида маълум қилиши лозим.

30. Якуний давлат аттестацияси комиссиясининг иши бўйича йиллик ҳисобот олий таълим муассасаси Илмий кенгашида кўриб чиқилади. Мазкур Илмий кенгашга якуний давлат аттестацияси комиссиялари раислари таклиф қилинади.

31. Якуний давлат аттестацияси комиссиясининг ҳисоботи якуний аттестация синовлари тугаганидан сўнг бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган тегишли вазирлик, идораларга тақдим этилади.

**V. Якуний қоидалар**

32. Мазкур Низомда белгиланган қоидалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

33. Ушбу Низом Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Давлат солиқ қўмитаси, Бадиий академия, Навоий кон-металлургия комбинати, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

## 4.7. МАХСУС СИРТҚИ ТАЪЛИМ

### 4.7.1 Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Сиртқи таълим шаклига оид меъёрий ҳужжатни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2000 йил 15 ноябрдаги 307-сонли

### БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳамда олий таълим муассасалари сиртқи ўқув шаклини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

"Олий таълимнинг сиртқи ўқув шакли тўғрисидаги Низом" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 15 ноябрдаги 2000 йил 307-сонли буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

### 4.7.2. Олий таълимнинг сиртқи ўқув шакли тўғрисида мувaққат НИЗОМ

**1. Умумий қоидалар**

1.1. Сиртқи ўқув шакли олий таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган шахсларга бакалавр ва магистр даражаларига эга бўлиш имкониятини берувчи шакллардан биридир.

1.2. Муайян таълим йўналиши бўйича сиртқи ўқув шаклидаги ўқув жараёни, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан

кундузги ўқув шакли учун тасдиқланган Намунавий ўқув режа асосида тузилган, Вазирлик билан келишилган ҳамда олий ўқув юртининг Илмий Кенгашида тасдиқланган ўқув режага мувофиқ ташкил этилади.

1.3. Сиртқи ўқув шаклига ўқишга кирган талабалар, одатда, танланган ёки турдош йўналишлар бўйича ишлашлари мақсадга мувофиқдир.

1.4. Сиртқи ўқув шаклига ўқишга кирган шахсга талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси берилади.

1.5. Сиртқи ўқув шаклида таълим олаётган талабалар олий таълим муассасасининг лаборатория, аудитория, ўқув заллари, кутубхоналари, ҳисоблаш маркази ва бошқа ўқув ҳамда ёрдамчи муассасаларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.

1.6. Олий таълим муассасасининг ректори сиртқи ўқув шаклида таълим олаётган талабаларни ўқув жадвали, услубий кўрсатма ва қўлланмалар, дарсликлар билан таъминлашга ҳамда ўқишлари учун тегишли шароитлар яратишга масъулдир.

2. Курс аттестацияси

2.1 Ўқув режасидаги фан ёки унинг бир қисми бўйича, курс атгестацияси, талабанинг ушбу фандан олган назарий билимларини ва уларни амалий масалаларини ечишда қўллай олишини, ижодий фикрлаш доирасини баҳолашга йўналтирилган.

2.2. Фан бўйича талабанинг лаборатория машғулотлари, ҳисоб-графика ишлари, курс лойиҳалари (ишлари) муваффақиятли бажарилишини, назарий билимларини, амалий ва семинар машғулотларини ўзлаштириш ҳамда битирув олди амалиёти тасдиқланган дастурга мувофиқ, бажарилганлиги баҳолаш шакли ҳисоблаиади.

Талабалар билими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ баҳоланади.

2.3. Талаба, тасдиқланган ўқув режага мувофиқ, барча аттестация ва синовларни топширишга мажбурдир.

2.4. Сиртқи ўқув шакли талабалари учун, ҳар ўқув йили давомида ўтказиладиган аттестация синовларнинг вақти ва сони ўқув юрти томонидан тасдиқланган ўқув жараёни графигида акс эттирилади.

2.5. Олдинги курс бўйича академик қарзлари бўлмаган, аттестация синовлари бошланишига қадар, барча назорат ишлари ва курс лойиҳаларини (ишларини) топширган талабалар, синовларга киритилади.

2.6. Таълим олинаётган курсдаги ўқув режани тўлиқ бажарган ва муваффақиятли ўқиётган талаба олий ўқув юрти ректорининг буйруғи билан кейинги курсга ўтказилиши мумкин.

2.7. Ўқув режасида белгиланган барча синовларни топширган талаба ўқув йили ўртасида кейинги курсга ўтказилиши мумкин.

2.8. Касаллик туфайли ёки корхона, муассаса томонидан тақдим этилган ҳужжат асосида (оилавий аҳволи, узоқ муддатли хизмат сафари, табиий офат ва ҳ.к.), белгиланган муддатда аттестация синовларини топшира олмаган талабаларга факультет декани аттестация синовларни топшириш учун шахсий график белгилайди. Шахсий график ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

2.9. Сиртқи ўқув шакли талабаси учун шахсий варақа очилади ва унда, талаба ҳақидаги асосий маълумотлар, аттестация синовлари натижаси, синовлар топширилган муддат, синов қабул қилган ўқитувчини исми-шарифи қайд қилинади. Талабани курсдан курсга ўтказиш ҳамда якуний давлат аттестациясига киритиш буйруқлари ҳам шахсий варақага киритилади.

2.10. Муваффақиятли ўқиётган талабаларга аттестация синовлари бошланишига қадар, ўрнатилган шаклдаги (илова-1) чақирув маълумотномаси юборилади.

2.11. Муваффақиятли ўқиётган талабалар сафига қуйидагилар киради:

а) академик қарзи бўлмаган ва жорий аттестация давомида ўтилган фанлар бўйича барча назорат иши ва курс лойиҳаларини (иш) топширган талабалар;

э) шахсий жадвал асосида ўқиётган талабалар.

2.12. Жорий курс ўқув режасини бажармаган ва ҳақ тўланадиган қўшимча таътил олиш хуқуқига эга бўлмаган, лекин аттестация синовларига мустақил ёки олий ўқув юрти чақириғига мувофиқ келган талаба-

ларга лаборатория амалиётларини бажариш, ўқитувчилардан маслаҳат (консультация) олиш ва ўрнатилган тартибда синовларда қатнашишга рухсат берилади. Бундай талабаларга белгиланган тартибдаги ҳақ тўланмайдиган маълумотнома берилади.

2.13. Талабалардан аттестация синовларини қабул қилишга тажрибали профессор-ўқитувчилар тайинланади.

2.14. Талабага бир курсда иккинчи марта қайта ўқишига, тиббий-консультация комиссиясининг хулосаси асосида рухсат берилиши мумкин.

2.15. Сиртқи ўқув шаклида таълим олган талабаларга Давлат аттестация комиссиясининг қарори билан давлат намунасидаги диплом берилади.

Диплом иловаси намунавий ўқув режасидаги фанлар ва уларнинг ҳажмига мувофиқ равишда тўлдирилади.

3. Сиртқи ўқув шакли талабаларининг имтиёзлари

3.1. Биринчи ва иккинчи курс талабаларига лаборатория машғулотларини бажариш, аттестация синовларни топшириш учун ўқув йили давомида 30 календар иш кунлик, ўртача маош сақланган қўшимча таътил берилади.

3.2. Учинчи ва ундан кейинги курс талабаларига лаборатория машғулотларини бажариш, аттестация синовларини топшириш учун ўқув йили давомида 40 календар иш кунлик, ўртача маош сақланган қўшимча таътил берилади.

3.3. Якуний давлат аттестацияси даврида камида 15 календар иш куни, битирув малакавий ишни бажариш ва уни ҳимоя қилиш учун амалдаги ўқув режада белгиланган муддатга ўртача маош сақланган қўшимча таътил берилади.

3.4. Битирув олди амалиёти даврида корхона ва муассаса маъмурияти талабага 30 календар кун муддатга маош сақланмаган ҳолда таътил бериши зарур. Бу муддатда талабага олий ўқув юрти умумий тартибда стипендия белгилайди. Талаба иш жойидан корхона раҳбари ва бош ҳисобчи имзоси билан мазкур даврда хақ тўланмайдиган таътилда эканлиги тўғрисида деканатга маълумотнома тақдим этиши шарт.

3.5. Талаба ишлайдиган корхона талабга жавоб берадиган даражада жиҳозланган бўлса, битирув олди амалиёти ўша корхонада ўтказилиши мумкин.

3.6. Битирув олди амалиёти юзасидан талаба кафедрага белгиланган шаклда ҳисобот топширади.

1-илова

_______________________________________________
*(корхона, ташкилот номи)*

**ЧАҚИРУВ МАЪЛУМОТНОМАСИ**

Амалдаги "Олий таълимнинг сиртқи ўқув шакли тўғрисидаги Низом"га мувофиқ _____
_______________________________________________
*(олий ўқув юртининг номи)*

Сиртқи ўқув шаклининг талабаси_______________________________

______курснинг________семестри ўқув Машғулотлари ва аттестация синовларда иштирок этиши учун 2000 йил "___"___________дан 2000 йил "___"__________гача иш сақланган ҳолда, қўшимча таътил беришингизни сўрайди.

Факультет декани _________ ___________________________
*(имзо) (Ф.И.Ш.)*

## ТАСДИҚ МАЪЛУМОТНОМАСИ

Талаба________________________________________________дан

*(Ф.И.О.) (иш жойи)*

2000 йил "___"_______________ дан қўшимча таътилга чиқарилди.

Корхона ташкилот раҳбари________________________________

*(имзо) (Ф.И.Ш.)*

М.Ў.

---

Талаба____________2000 йил «___»______________________дан

*(Ф.И.Ш.)*

2000 йил «______»_____________гача___________курс_______________

*(ўқув амалиёти, аттестация*

________________________________________________________________

*синовлари битирув малакавий ишни тайёрлаш, ҳимоя қилиш)*

Факультет декани________________________________________

(имзо) (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Талаба_______________2000 йил «___»____________да қўшимча

(Ф.И.Ш.)

таътилдан қайтди.

Корхона, ташкилот раҳбари_______________________________

(имзо) (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

## 4.7.3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълимнинг махсус сиртқи бўлимига оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 3 октябрдаги 241-сонли

## БУЙРУҒИ

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги “2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистан Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги 250- сонли Қарорининг 5-бандида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда махсус сиртқи бўлимни меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. “Олий таълимнинг махсус сиртқи бўлими тўғрисидаги Низом” Иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## Олий ва ўрта махсус сиртқи бўлими тўғрисида НИЗОМ

**1. Махсус сиртқи бўлимнинг фаолиятини белгаловчи ҳужжатлар**

2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги 250-сонли қарори.

2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига қабул квоталари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 28 июндаги 279-сонли қарори.

Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарори.

«Олий таълимнинг сиртқи ўқув шакли тўғрисида Низом». Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2000 йил 15 ноябрдаги 307-сонли буйруги.

**2. Умумий қоидалар**

2.1. Махсус сиртқи бўлим ўрта махсус билимга эга бўлган ва камида 3 йил педагогик иш билан шуғулланиб турган, тест-синов натижалари ҳамда талабаларни қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарори асосида олий ўқув юртига қабул қилинган шахсларни бакалавр даражасида ўқитиш фаолият кўрсатадиган олий ўқув юртининг тузилмасидир.

2.2. Махсус сиртқи бўлимда «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»га кирган йўналишларнинг давлат таълим стандартлари асосида тайёрланган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган таянч ўқув режалари ва шу режага мувофиқ ОЎЮнинг Илмий Кенгашида маъқулланган жорий (ишчи) ўқув режаси бўйича таълим жараёни ташкил этилади.

2.3. Махсус сиртқи бўлимда ўқиш муддати 3 йилдир.

2.4. Махсус сиртқи бўлимга кирган шахсларга талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

2.5. Олий таълим муассасаси ректори махсус сиртқи бўлим талабаларини ўқув-методик адабиётлар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, тарқатма материаллар билан таъминлашга ва билим олишлари учун зарур шароитларни яратишга масъулдир.

**3. Таълим жараёнини бошқариш**

3.1. Махсус сиртқи бўлимни факультет декани мақомидаги мудир бошқаради.

3.2. Махсус сиртқи бўлимнинг ўқув-ёрдамчи ходимлари штат жадвали ўрнатилган тартибларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва олий ўқув юрти ректорати билан келишилган ҳолда белгиланади ва тасдиқланади.

Махсус сиртқи бўлим мудири қошида ўқув жараёнини такомиллаштириш, унинг илмий методик муаммоларини муҳокама қиладиган ўқув-методик комиссия ташкил этилади ва бу комиссия факультет Илмий Кенгаши мақомида бўлади.

**4. Ўқув жараёни**

4.1. Махсус сиртқи бўлимда ўқув жараёни графиги жорий ўқув режаси асосида тузилади ва ҳар йили ректор буйруғи билан тасдиқланади.

4.2. Талаба тасдиқланган ўқув режасидаги барча фанлар бўйича ўқув дастурларидаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллашга мажбурдир ҳамда уларни бевосита амалий фаолиятга, мустақил ижодий фикрлашга йўналтира олиши зарур.

4.3. Махсус сиртқи бўлим мустақил билим олиш шакли сифатида амалда бўлиб, унинг аудиторияларида ўқиладиган маъруза, ўтказиладиган тажриба ва лаборатория, семинар ва амалий машғулотлар талабага ўз мустақил ишини, сессия оралиғи ишини, асосий ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш методлари, технологиялари билан қуроллантиришга қаратилади.

4.4. Махсус сиртқи бўлимда маъруза ўқиш, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларини ўтказишда илғор метод ва технологиялардан фойдаланилади, жумладан, муаммоли, интерактив, ижодий фаолиятни ривожлантириш, ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш, ҳамкорлик педагогикаси, табақалаштириш, индивидуаллаштириш ва ҳоказолар.

4.5.Махсус сиртқи бўлим ўқув жараёнида талабанинг сессия оралиғи ишлари энг асосий компонент сифатида иштирок этади. Сессия оралиги ишлари мазмуни, уни бажариш усул ва тартиблари тўғрисида ҳар бир фан бўйича тайёрланган жорий (ишчи) ўқув дастурларида белгилаб берилади.

Сессия оралиғи вазифалари мазмунидан қуйидаги мустақил иш турлари ўрин олади:

- курс (лойиҳаси) иши;
- савол ва топшириқлар рўйхати;
- тест-синов саволлари;
- машқлар, мисол ва масалалар;
- тажриба натижалари;
- методик ишланмалар, тавсияномалар;
- график ишлар ва ҳ.к.

Сессия оралиғи вазифаларипи бажаргандан сўнг талаба уни тегишли кафедрада қайддан ўтказади ва у мутахассислар томонидан текширилиб, рейтинг талаблари асосида баҳоланади. Талаба текширув натижаларига кўра уни ҳимоя қилади ҳамда фан бўйича якуний баҳолашга кириш ҳуқуқини олади.

4.6. Махсус сиртқи бўлимда ҳам талабалар билимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 8 июнда 194-буйруқ билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги намунавий Низом» асосида амалга оширилади, лекин махсус сиртқи бўлим рейтинг тизимида оралиқ ва якуний баҳолаш модуллари жорий қилинади ҳамда оралиқ баҳолаш фанга ажратилган баллнинг 70%, якуний баҳолаш эса 30% ини ташкил этади.

4.7 Муайян босқич фанларини тўлиқ ўзлаштирган талабалар кейинги босқичга ОЎЮ ректори буйруғи билан ўтказилади.

4.8. Узрли сабаблар туфайли муайян босқич ўқув режасидаги фанларни ўрнатилган муддатларда ўзлаштиришга улгурмаган талабаларга муддати қўйилган шахсий жадвал берилади. Узрли сабабларга ҳужжат билан тасдиқланган қуйидагилар киритилади: касаллик, табиий офат, хизмат сафари, оғир оилавий аҳвол ва ш.к.

Шахсий жадвал тегишли проректор томонидан тасдиқланади.

Шахсий жадвални бажара олмаган талаба олдинги босқичда қолдирилади.

4.9. Талабалар биринчи босқичда ва такроран (икки марта), бир босқичда қолдирмайди, балки у ОЎЮ талабалари сафидан чиқарилади.

4.10. Махсус сиртқи бўлимда ҳар бир талаба учун шахсий варақа очилади ва унинг шахсияти ҳақидаги маълумотлар ёзилади ҳамда олий ўқув юртидаги фаолиятини тўлиқ мониторинги юритилади: сессия оралиғи вазифаларининг бажарилиши, жорий ва давлат аттестацияси, битирув малакавий ишининг бахоланиши ва умумий рейтинг балли.

4.11. Махсус сиртқи бўлим талабасига ўқув сессиясига қадар ўрнатилган шаклда

хабарнома маълумотнома юборилади.

4.12 Махсус сиртқи бўлим талабаларига маъруза ўқиш учун ўз соҳасининг етук, салоҳиятли профессор-ўқитувчилари жалб қилинади.

**5. Давлат аттестацияси**

5.1. Давлат аттестацияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31 декабрдаги 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациялари тўғрисида Низом»га мувофиқ ташкил этилади.

5.2. Давлат аттестациялари махсус сиртқи бўлим таянч ўқув режасида кўрсатилган фан ва фанлар мажмуаси бўйича ўтказилади.

5.3. Битирув малакавий иши олий ўқув юрти бакалавриатида ўқитишнинг якуний босқичи ҳисобланади ва махсус сиртқи бўлимда битирув малакавий иши бевосита уларнинг амалий фаолияти билан боглиқ мавзулар бўйича бажарилади.

5.4.Махсус сиртқи бўлим таянч ўқув режасини тўлиқ бажарган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчига давлат аттестацияси комиссиясининг қарорига кўра ОЎЮи ректори уларнинг олий таълим муассасани битирганлиги ва бакалавр даражасининг берилганлиги тўғрисида буйруқ эълон қилади ҳамда уларга ўрнатилган нусхада диплом берилади. Диплом Иловасида таянч ўқув режасидаги фанлар рўйхати ва улар бўйича тўпланган рейтинг кўрсаткичи, малакавий битирув иши мавзуси, унга қўйилган баҳо акс этади.

**6. Махсус сиртқи бўлим талабаларининг ҳуқуқ ва имтиёзлари**

6.1. Махсус сиртқи бўлим талабалари олий ўқув юрти муассасасининғ барча ўқув жиҳозлари, аудитория, лаборатория, кутубхона, ҳисоблаш маркази ҳамда ўқув-ёрдамчи тузилмалар хизматидан бепул фойдаланади.

12. Тегишли архив идораси билан келишилган ҳолда вазирлик таркибий қисмлар ва унга тобе муассасалар ЭКларига маълум даврга муносиб доимий ва узоқ муддатли сақланувчи йиғма жилдлар рўйхатини кўриб чиққандан сўнг мустақил равишда ҳужжатларни йўқ қилиш ҳуқуқи бериш тўғрисида қарор чиқара олади.

13. Амалдаги рўйхатларда кўзда тутилган ҳужжатларга сақлов муддатини белгилаш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқади ва белгиланган тартибда уларни архив муассасалари кўриб чиқиш учун тегишли фикр-мулоҳазалар билдиради.

14. Вазирлик ва унинг тармоқ бўлимлари таркибий қисмлардаги ЭК аъзоларига кўрсатма ва маслаҳатлар уюштирилади. Вазирлик архиви билан ва иш юритиш хизмати билан биргаликда иш юритиш хизмати ва архивларнинг ишчиларининг тармоқ идораларига ЭК аъзоларининг иш тажрибасини ошириш бўйича ўтказилган тадбирларда иштирок этади.

15. Архив муассаса ҳисобида турмайдиган тобе идораларга йигма жилдлар номенклатурасини тузишда, кўриб чиқишда ва келтиришда, ҳужжатларни ташкил этишда, сақлаш ва ҳисоблаш бўйича қўлланмалар яратишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатилади.

**III. МЭКнинг ҳуқуқлари**

1. Белгиланган тартибда вазирлик бўлимларига ва унинг тармоқ идораларига ҳужжатлар билан ишлашни ташкил қилиш масалалари бўйича ҳужжатлар қийматини экспертиза етишмаётган доимий ва узоқ муддат сақланувчи йиғма жилдларни қидиришни йўлга қўйиш ҳамда юритиш бўйича тавсиялар беради: йиғма жилдлар ва ҳужжатлар йўқлиги хусусида ёзма тушунтириш талаб қилади.

2. Ўз йиғилишларида таркибий қисмлар раҳбарларининг иш юритиш хизматларининг ва тармоқ идораларига архивларнинг иш юритишда ҳужжатларни расмийлаштириш ва ташкил этиш сифати тўғрисидаги, доимий ва узоқ муддатли сақланувчи йиғма жилдларнинг ҳисоб ва сақланиш аҳволи тўғрисидаги ахборотларни тинглайди.

3. Вазирлик таркибий қисмларидан ва унинг тармоқ идораларидан ҳужжатларнинг сақлов муддатини аниқлаш учун зарур бўлган хулосалар ва бошқа материалларни талаб қилади.

4. МЭК йиғилишларига маслаҳатчи ва экспертлар сифатида вазирлик таркибий қисмлари ва унинг таркибидаги муассасалар мутахассисларидан, зарур ҳолларда тегишли архив идораларидан мутахассислар таклиф этилади.

5. Вазирлик тармоқ архивларида иш юритиш аҳволини текшириш, жамоатчилик кўрикларини ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этади.

6. Вазирлик ва унинг тармоқ муассасалари раҳбариятига МЭК, таркибий қисмлар ЭКСИ фаолияти масалалари бўйича маълумот беради.

**IV. МЭК ишини ташкил этиш.**

1. МЭК тегишли архив идораси эксперт-текширув услубий комиссияси билан биргаликда ишлайди ва ундан керакли ташкилий-услубий кўрсатмалар олади.

2. МЭК вазирлик раҳбарияти тасдиқ-

лаган режа бўйича ишлайди ва унинг олдида ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беради.

3. МЭК ечим доирасига кирувчи масалалар унинг зарур бўлган ҳолларда, лекин йилига 2 маротабадан кам бўлмаган йиғилишларида кўриб чиқилади.

4. МЭК қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади. МЭК йиғилишлари баённомалар билан олиб борилади.

5. МЭК иш юритишини олиб бориш ва унинг ҳужжатларини сақлаш комиссия котибига юклатилади.

### 4.9.3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ва олий таълим муассасаларида ахборотлаштириш бўйича белгиланган асосий чора-тадбирлар тўғрисида 2003 йил 24 ноябрдаги 10/4-сонли

### ҚАРОРИ

ОТМларда ахборотлаштириш ишларини жадаллаштириш, компьютерлаштиришни ривожлантириш ва АКТларини ўқув-таълим жараёнларига кенг жорий этиш, ҳамда тегишли ҳужжатларни ОТМларига вазирлик томонидан оператив етказилишини таъминлаш мақсадида Ҳайъат

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

3. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев)га:

3.2. Девонхона бўлими (С.Ўринова) билан биргаликда 2004 йил 15 январдан бошлаб вазирликдан ОТМларга юбориладиган ҳужжатлар мазкур Ҳайъат қарори билан тасдиқланган Муваққат Тартиб асосида юборилиши таъминлансин.

Приложение 2

### ВРЕМЕННЫЙ ПОРЯДОК
### рассылки основных раздаточных документов в системе высшего образования

**1. Область применения**

Настоящий Порядок устанавливает основные положения по управлению и обмену документацией в системе Министерства Высшего и Среднего Специального Образования рассылочных документов (далее документ), а также способы доставки (передачи) их Куратору по работе с информационными ресурсами и информационному взаимодействию в Высших Образовательных Учреждениях, а также ведение их учета.

**2. Нормативные ссылки**

Постановление Кабинета Министров от 6 июня 2002 года №200 «О мерах по дальнейшему развитию компьютеризации и внедрения ИКТ».

Постановление Кабинета Министров от 12 января 1999 года №12 «О мерах по укреплению исполнительной дисциплины».

Постановление Кабинета Министров от 29 марта 1999 года №140 «Об утверждении нормативных документов по делопроизводству и организации контроля исполнения в органах государственной власти и управления Республика Узбекистан».

Решение Коллегии Министерства высшего и среднего специального образования от 28 мая 2003 года.

O'z DST ISO 8402 1998. Управление качеством и обеспечение качества. Словарь.

**3. Основные определения**

Рассылочные документы – документы, предназначенные для оперативной и текущей передачи ВУЗам. Рассылочные документы делятся в две категории:

1-я категория. Документы подготавливающиеся с многосторонним согласованием (между управлениями и соответствуюшими

структурами министерства. К категории этих документов следует отнести решения Коллегии МВССО, раздаточные материалы по Коллегии, приказы министерства.

2-я категория. Документы подготавливающиеся без многостороннего согласования и подписывающийся одним уполномоченным лицом. К категории этих документов следует отнести вебограммы, модемограммы.

Вебограммы – документ, подписанный уполномоченным лицом в установленном порядке, размещаемый, после соответствующей регистрации, в электронно-цифровой форме в веб-страницу и (или) передаваемый на электронный адрес получателя через сеть Интернет (Интранет).

Модемограмма – документ, подписанный уполномоченным лицом в установленном порядке и передаваемый, после соответствующей регистрации, в электронно-цифровой форме на электронный адрес получателя через сеть Интернет (Интранет).

Администратор рассылочных документов – ответственное лицо для администрирования документа рассылки (размещение на веб-странице и (или) отправляюший по необходимым электронным адресам, архивирование документов после истечения установленного срока, ведения базы данных по архивным документам).

Жизненный цикл документа рассылки – совокупность всех последовательных этапов управления документом (подготовка, согласование, подписание, регистрация, размещение на Веб-сайте, отправка через электронную почту, получение, передача непосредственным исполнителям и архивации).

Отправитель рассылочного документа - официальное и уполномоченное для подписи лицо министерства.

Получатель рассылочного документа – Образовательное учреждение, к которому адресован документ, в лице ответственного по приему документов.

**4. Общие положения**

4.1. Настоящий документ устанавливает правила регистрации, учета, передачи и хранения рассылочных документов в системе высшего образования.

4.2 Жизненный цикл рассылочного документа включает следующие этапы:

1-этап. Подготовка проекта документа.

2-этап. Согласование документа.

3-этап. Утверждение документа.

4-этап. Исходящая регистрация документа.

5-этап. Передача админстратору копии и электронной формы документа.

6-этап. Размещение на веб-странице и (или) отправка через электронную почту электронной формы документа.

7-этап. Доставка документа из веб-страницы или электронной почты и добавление в базу документов.

8-этап. Распечатка документа, входящая регистрация, представление к руководству.

9-этап. Передача к ответственному исполнителю.

10-этап. Отметка о выполнении.

4.3. Документы для рассылки подготавливаются (1- и 2-этапы) ответственными лицами из структурных подразделений министерства в ранее установленном порядке, согласно требованиям к электронным документам п.1 Приложение 1.

4.4. После подписания документа (3-этап) уполномоченным лицом, производится исходящая регистрация документа в соответствии с ранее установленным порядком ответственным сотрудником канцелярии (4-этап).

4.5. Структура (руководитель структуры) подготовившая документ, передает в канцелярию электронную форму документа (оформление согласно требованиям, приведенным в п.1 Приложении 1). После регистрации документа и установления идентичности подписанного документа с его электронной формой, в электронную форму заносится номера исходящей регистрации, и копия документа с его электронной формой передается (5-этап) администратору по рассылочным документам.

4.6. За идентичность содержания оригинала документа и его электронной формы ответственность возлагается на руководителя структурного подразделения, где подготов-

лен документ и руководителя канцелярии.

4.7. Администратор рассылочных документов обеспечивает размешение электронной формы документа на веб-странице и (или) отправку (6-этап) на электронный адрес получателя (получателей), согласно п.2 Положению 1.

4.8. Документы, размещенные на веб-странице по рассылке документов, по истечении недельного срока подлежать архивированию и добавлению в базу данных. Ответственность за своевременное размещение документа и отправки по соответствующим электронным адресам, архивированию по истечении установленного срок и архивирование возлагается администратора по рассылке документов.

4.9. Получатель (Куратор по работе с информационными ресурсами и информационному взаимодействию) рассылочного документа получает документ путем регулярного, не менее два раза в день (утром и после обеда) просмотра и скачивания (7-этап) с веб-страницы или с базы по рассылочным документам, а также с электронной почты образовательного учреждения.

4.10. Ответственность за прием и учет полученных (скачанных) рассылочных документов, а также их доставку до исполнителей в печатном виде (7-, 8-, 9-, 10-этапы) возлагается на Куратора по работе с информационными ресурсами и информационному взаимодействию, назначенным приказом руководителя образовательного учреждения.

4.11. Относительно документов 2-й категории, не подлежащих многостороннему согласованию (вебограмма, модемограмма) 2-этап жизненного цикла не распространяется.

**5. Порядок учета**

5.1. На рабочем участке канцелярии, администратора и получателя ведется журнал учета и регистрации документов, который хранятся в специально отведенном для этого месте, согласно ранее установленному порядку ведения делопроизводства.

5.2. Контрольные экземпляры хранятся на ответственном хранении в канцелярии министерства и получателя, согласно ранее установленному порядку ведения делопроизводства.

**6. Хранение документов**

6.1. Порядок и условия хранения документов (контрольных экземпляров и бумажных копий) осуществляется согласно ранее установленному порядку ведения делопроизводства.

6.2. Электронные оригиналы документов хранятся в специально созданных базах данных отвечающим оптимальным требованиям хранения, управления и контроля, на отдельном сервере или на специально отведенном для этих целей сервере образовательного учреждения.

6.2. По мере выполнения, следует проводить архивацию электронных рассылочных документов.

6.4 Условия хранения всех типов документации должно обеспечивать ее сохранность в течение установленного срока, а также ее конфиденциальность.

6.5 Оригиналы документов (электронная и печатная версия) 1-й категории подлежат бессрочному хранению. Документы 2-й категории следует хранить согласно ранее установленного порядку (печатные), а также согласно ране приведенным пунктам.

**7. Уничтожение рассылочных документов**

7.1. Документы 2-й категории, утратившие практическую надобность, должны уничтожаться не ранее чем через 1 год после окончания срока действия.

7.2. Отбор и уничтожение архивных документов, всех видов с истекшими сроками хранения производятся ответственными исполнителями по ведению документации, по каждому виду документов отдельно. Результаты этих работ проверяются ответственным руководителем. Проверка правильности отнесения документов к делам с соответствующими сроками хранения проводятся путем полистного просмотра дел.

**8. Контроль учета и хранения документации**

8.1. Контроль за деятельностью по учету

и хранению документов осуществляет руководитель канцелярии, а также Куратором по работе с информационными ресурсами и информационному взаимодействию.

8.2. Периодически, как правило, не реже чем два раза в год, проводится независимая внутренняя проверка деятельности по ведению документации. Комиссия и программа проверки формируются ответственным руководителем.

Приложение 1
к временному порядку
по рассылке документации

1. Требования к электронным версиям рассылочных документов, представляемые с целью размещения (Все указанные требования являются необходимым условием для правильного отображения электронной версии в сети Интернет и поиска информации):

1.1. Шрифт.

- Times New Roman, размер 12-14 (по необходимости), Кириллица или Латинский.

- Panda Times Uz, размер 12-14 (по необходимости).

- Гиперссылки. Текст гиперссылки выделяется подчеркиванием.

1.2. Таблицы. Необходимо избегать применения символов табуляции и структурированный текст желательно оформлять в виде таблицы Word или через Excel. При этом не следует использовать сложные элементы оформления таблиц.

1.3. Форматы файлов. Файлы подготовленные средствами Microsoft Office.

1.4. По передаче (приему): Все должно быть скомпоновано в виде файла(ов), пакованный(е) в zip, rar или ace – архив (без использования sfx). Просим не посылать за из большие файлы (не более 1 Mb). В случае иллюстрирования текста рекомендуем использовать облегченные форматы графических файлов (jpg, gif и bmp).

1.5 Рассылочные документы, передаваемые ВУЗам считаются достоверными до тех пор, пока не доказано обратное. Ответственность за достоверность сведений несет автор (авторы) и структурное подразделение министерства, направляющая электронную версию.

2. Требования к оформлению и размещению (передаче) электронных версий рассылочных документов (Все указанные требования являются необходимым условием для правильного отображения электронной версии в сети Интернет и поиска информации):

2.1 Электронные версии рассылочных документов размещается (отправляется) ВУЗам в формате pdf.

2.2 Наименования файла идет в соответствии типа (Условное сокращение по типам прилагается, см. Табл. 1. рассылочного документа, на латинице. Например: Тип – модемограмма за № 98-03-64 от 2-10-03.

Имя файла – modem №98-03-64 from 2-10-03.pdf

**Таблица 1. Условные сокращения по типам документов.**

| № | Тип документа | Условное сокращение | Образец именования файла |
|---|---|---|---|
| | Приказ | Buyruq | buyruq №______from _____.pdf |
| | Решение коллегии | Kollegiy | kollegiy №______from _____.pdf |
| | Модемограмма | Modem | modem №______from _____.pdf |
| | Вэбограмма | Messweb | messweb №______from _____.pdf |

и хранению документов осуществляет руководитель канцелярии, а также Куратором по работе с информационными ресурсами и информационному взаимодействию.

8.2. Периодически, как правило, не реже чем два раза в год, проводится независимая внутренняя проверка деятельности по ведению документации. Комиссия и программа проверки формируются ответственным руководителем.

Приложение 1
к временному порядку
по рассылке документации

1. Требования к электронным версиям рассылочных документов, представляемые с целью размещения (Все указанные требования являются необходимым условием для правильного отображения электронной версии в сети Интернет и поиска информации):

1.1. Шрифт.

- Times New Roman, размер 12-14 (по необходимости), Кириллица или Латинский.

- Panda Times Uz, размер 12-14 (по необходимости).

- Гиперссылки. Текст гиперссылки выделяется подчеркиванием.

1.2. Таблицы. Необходимо избегать применения символов табуляции и структурированный текст желательно оформлять в виде таблицы Word или через Excel. При этом не следует использовать сложные элементы оформления таблиц.

1.3. Форматы файлов. Файлы подготовленные средствами Microsoft Office.

1.4. По передаче (приему): Все должно быть скомпоновано в виде файла(ов), упакованный(е) в zip, rar или ace – архив (без использования sfx). Просим не посылать за раз большие файлы (не более 1 Mb). В случае иллюстрирования текста рекомендуем использовать облегченные форматы графических файлов (jpg, gif и bmp).

1.5 Рассылочные документы, передаваемые ВУЗам считаются достоверными до тех пор, пока не доказано обратное. Ответственность за достоверность сведений несет автор (авторы) и структурное подразделение министерства, направляющая электронную версию.

2. Требования к оформлению и размещению (передаче) электронных версий рассылочных документов (Все указанные требования являются необходимым условием для правильного отображения электронной версии в сети Интернет и поиска информации):

2.1 Электронные версии рассылочных документов размещается (отправляется) ВУЗам в формате pdf.

2.2 Наименования файла идет в соответствии типа (Условное сокращение по типам прилагается, см. Табл. 1. рассылочного документа, на латинице. Например: Тип – модемограмма за № 98-03-64 от 2-10-03.

Имя файла – modem №98-03-64 from 2-10-03.pdf

**Таблица 1. Условные сокращения по типам документов.**

| № | Тип документа | Условное сокращение | Образец именования файла |
|---|---|---|---|
| 1 | Приказ | Buyruq | buyruq №______from _____.pdf |
| 2 | Решение коллегии | Kollegiy | kollegiy №______from _____.pdf |
| 3 | Модемограмма | Modem | modem №______from _____.pdf |
| 4 | Вэбограмма | Messweb | messweb №______from _____.pdf |

### 4.9.4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2008 йил 2 июндаги 159-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралдаги ПҚ-805-сонли қарори билан тасдиқланган “Ёшлар йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, амалдаги норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш ва олий таълим муассасаларини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 469-сонли қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. «Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида», «Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида», «Олий таълим муассасаси факультетининг Кенгаши тўғрисида» ва «Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг намунавий тартиби» тўғрисидаги намунавий норматив ҳужжатларнинг янги таҳрирлари 1-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига бир ой муддат ичида мазкур норматив-хуқуқий ҳужжатларни амалиётга татбиқ этиш бўйича олий таълим муассасасининг барча бўлинмалари, факультет ва кафедраларида семинарлар ўтказилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилигининг 1998 йил 5 декабрдаги 343-сонли буйруғи, 1999 йил 31 декабрдаги 392-сонли буйруги (Магистрлик диссертациясини тайёрлаш намунавий тартибини тасдиқлашга оид қисми) ва 2000 йил 22 сентябрдаги 251 -сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу буйруқнинг ижросини назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Муҳитдиновга юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2008 йил 2 июндаги 159-сонли буйруғига
ИЛОВА

### 4.9.5. Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида
### НИЗОМ

1. Факультет – олий таълим муассасасининг ўқув-илмий ва маъмурий бўлинмаси ҳисобланиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаларни ўқитиш, таълим-тарбия жараёнларини узвий ва уйғунлашган ҳолда олиб боришни таъминлаш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ишлари билан шуғулланади.

2. Олий таълим муассасасининг факультети таълим, фан ва ишлаб чиқариш интефациясини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида йирик корхона ва муассасалар қошида, шунингдек, белгиланган тартибда тузилган битим асосида хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ҳам ташкил этилиши мумкин.

3. Факультет мутахассислар тайёрлашни ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда амалга оширади.

Кадрлар истеъмолчилари талаблари ва соҳа хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқув жараёни самарадорлигини ошириш

мақсадида факультет таркибида янги бўлимлар ташкил этилиши мумкин.

Факультет, одатда, ўз таркибига киритилган бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари)га тааллуқли кафедра ва лабораторияларни, шунингдек, олий таълим муассасаси таркибидаги, фаолият мазмуни бўйича факультет ихтисослигига мос бўлган бошқа кафедраларни бирлаштиради. Факультет олий таълим муассасаси илмий Кенгашининг қарори асосида ректорнинг буйруғи билан ташкил этилади. Кундузги бўлим факультети талабалар сони 200 дан ортиқ бўлганда, махсус сиртқи бўлим факультети ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган талабалар сони 400 дан кам бўлмаганда ташкил этилади.

Факультет ишига раҳбарликни факультет декани амалга оширади. Факультет декани, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, олий таълим муассасаси ректори томонидан фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцентлар сафидан 5 йил муддатга тайинланади. Декан лавозими мустақил штат лавозими ҳисобланади ва уни ўриндошлик тартибида эгаллашга рухсат этилмайди.

6. Факультет деканининг асосий вазифалари:

- факультетда ўқув, илмий, маънавий-маърифий ва илмий-услубий ишларга бевосита раҳбарлик қилади;
- олий таълим муассасаси ва факултет илмий Кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилади;
- ўқув-тарбиявий жараён ҳамда талабаларнинг битирув малакавий иши ва амалиёт устидан назоратни амалга оширади;
- ўқув машғулотлари жадвалини тузишга раҳбарлик қилади, унинг бажарилишини назорат қилади, талабалар давомати учун масъул ҳисобланади;
- талабаларнинг мустақил иши, шунингдек уларнинг билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш устидан назоратни ташкил этади;
- талабаларни курсдан курсга ўтказиш, талабалар сафидан четлатиш, давлат аттестациясига ва битирув малакавий ишларини ҳимоя қилишга киритиш, академик таътил бериш ва стипендия тайинлаш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаларини тайёрлайди, факультетда хорижий талабалар мавжуд бўлган ҳолларда, улар билан ишлашни таълим муассасасининг халқаро бўлими билан келишилган ҳолда амалга оширади;
- иқтидорли талабаларни излаш ва улар билан ишлаш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси, номли стипендиялар, «Истеъдод» жамғармалари, ҳамда фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадалар танловида иштирок этишга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ташкил этади;
- талабалар илмий-ижодий фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш, иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни илмий тадқиқотларга жалб этиш, илмий-тадқиқот ишларини индивидуал ва жамоа бўлиб бажаришга ўргатиш, уларнинг илмий-ижодий фаолиятини рўёбга чиқариш учун зарур ташкилий, услубий ва моддий-техникавий шарт-шароитлар яратиш;
-аспирантларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштиради, алоҳида ўрнак кўрсатганларни турли танловларда иштирок этишлари учун тавсия этади;
- факультет таркибига кирувчи кафедраларнинг фанлари бўйича, шу жумладан хорижий олимлар билан ҳамкорликда, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмаларни тайёрлашга умумий раҳбарликни амалга оширади, компьютер саводхонлиги бўйича машғулотлар ташкил этади;
-«Йилнинг энг яхши факультети» унвони учун ўтказиладиган кўрик-танловда факультет иштирокини ташкил этади;
- факультет илмий Кенгашига раҳбарлик қилади, кафедралараро йиғилишлар, илмий-услубий конферениияларни (шу жумладан, хорижий мутахассислар иштирокида) ташкил этади;
-олий таълим муассасасининг маркетинг хизмати билан ҳамкорликда корхона ва муассасаларнинг факультет чиқараётган малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ўрганади, шунингдек, педагог кадрлар, талабалар ва илмий ахборотлар билан ўзаро алмашиш учун бошқа таълим муассасалари билан

ўзаро ҳамкорлик алоқаларни ўрнатади;

-таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга оширишга жавоб беради, бюджетдан ташқари маблағларни топиш ва улардан ўқув мақсадларида фойдаланишни амалга оширади;

-факультетда маънавий-маърифий ишларга раҳбарлик қилади, шу жумладан талабалар турар жойларида;

-факультетни тамомлаганлар билан алоқа ўрнатади, уларнинг амалий ишлари сифатини таҳлил қилади;

-факультет ихтисослиги бўйича халқ хўжалигида банд бўлган олий маълумотли мутахассисларнинг малака оширишини ташкил этади;

-ўз ваколати доирасида, факультетнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа ўқувчилари учун мажбурий бўлган фармойиш, йўриқнома ёки кўрсатмалар чиқаради.

- таълим мазмунини мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари асосида шакллантиради;

-факультетда ўқитиладиган фанларни мазмунан ва ўқув аудитория соатлари ҳажми бўйича ривожланган чет эл мамлакатлари даражасида мувофиқлаштириш учун фанларнинг анъанавий мазмунини сақлаган ҳолда замонавий ахборот, услублар, янгилик ва бошқалар билан бойитиш чораларини кўради;

-таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири бўлган ахборот-ресурс манбалари базасини кенгайтириш чораларини кўради;

-таълимни ривожлантириш бўйича устувор илмий-тадқиқотларни ривожлантиради ва истиқбол режаларини тузади;

талабалар турар жойларида яшаётган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда фойдали меҳнат машғулотлари билан шуғулланишларини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар ташкил этади, талабаларни ҳар хил норасмий оқимларга қўшилиб қолишларининг олдини олади;

-вазирлик талаблари асосида талабаларнинг ҳафталик ўқув юкламалари ва мустақил иш соатлари ҳажмини ўқитиладиган фанлар тизимига мувофиқлаштиради;

-талабалар орасида ўқув интизомини яхшилаш механизмини янада такомиллаштириш, фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни амалиётга татбиқ қилади;

-факультет бошқарув кадрлари захирасини яратиш, тайёрлаш ва ўқитишни амалга оширади;

-касбий этикани шакллантириш масалаларига кенгроқ эътибор беради, адолатли, фидойи, ватанпарвар ва эътиқодли ёш кадрларни тайёрлашни таъминлайди;

-факультет жамоаси ва талабалари орасидаги расмий ва норасмий муносабатларда ўзаро ишонч ва ҳурмат, самимийлик ҳамда меҳр-оқибат туйғуларини шакллантиради;

-ўқув-тарбия тизимига янги ахборот технологияларини жорий этилишини назорат қилади;

-факультет илмий-услубий Кенгаши қошида устозлар тажрибасини ўрганиш, янги педагогик технологияларни жорий қилиш ва малака ошириб келган профессор-ўқитувчиларнинг ҳисоботларини муҳокама қилиш бўйича семинарлар ташкил этади.

Низом бўйича факультет декани олий таълим муассасаси илмий Кенгаши ва қабул комиссиясининг аъзоси, шунингдек Давлат аттестация комиссиясн раисининг муовини ҳисобланади.

Факультет декани ҳар йили олий таълим муассасаси илмий Кенгашида ўтган ўқув йилида амалга оширилган ўқув, нлмий ва илмий-услубий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича ҳисобот беради ҳамда факультет фаолиятининг натижалари бўйича тўла масъулиятни ўзига олади. Кундузги ўқув шаклида талабалар сони 200 дан 300 гача бўлган холатда, факультет деканига ёрдам тарикасида 0,5 штат бирлигига эга бўлган декан муовини штат вазифаси киритилади. Талабалар сони 300 дан ортиқ бўлса ҳар 150 талаба учун кўшимча равишда 1,0 штат бирлиги берилади.

Махсус сиртқи бўлим факультетларида талабалар сони 400 дан ортиқ бўлганда декан муовини лавозими белгиланади.

Декан муовинлари, аксарият ҳолларда,

илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахслар сафидан, факультет деканининг тавсиясига кўра, олий таълим муассасасининг ректори томонидан тайинланади.

Факультет фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун декан қошида факультетнинг илмий Кенгаши ташкил этилади.

Факультетлар олий таълим муассасаси илмий Кенгашининг Қарори асосида ректорнинг буйруғи билан қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2008 йил 2 июндаги 159-сонли буйруғига
ИЛОВА

## 4.9.6. Олий таълим муассасаси факультетининг кенгаши тўғрисида НИЗОМ

(Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 30 майдаги 159 - сонли буйруғи билан тасдиқланган)

1. «Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, факультет декани қошида ва унинг раислигида факультет кенгаши ташкил этилади.

2. Факультет кенгашининг асосий вазифаси – факультет жамоасининг саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда унинг интеллектуал салоҳияти ва бошқа барча имкониятларни олий таълимнинг давлат таълим стандарти талаблари даражасида мукаммал билим, малака, кўникмаларга эга бўлган профессионал мутахассислар тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунларида белгаланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга йўналтиришдан иборат.

Кенгаш таркиби факультет декани (раис) ва унинг ўринбосарлари, факультетга бириктирилган кафедралар мудирлари, етакчи ўқитувчи ва илмий-педагогик ходимлари, жамоат ташкилотлари раҳбарларидан ташкил этилади. Шунингдек, кенгаш таркибига мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, кадрлар буюртмачилари бўлган корхона, ташкилот, муассасаларнинг раҳбарлари ва мутахассислари киритилиши мумкин.

Факультет кенгаши аъзоларининг сони ва шахсий таркиби олий таълим муассасасининг ректори томонидан уч йил муддатга тасдиқланади.

Факультет кенгаши:

ишчи ўқув режа ва дастурлар лойиҳаларини, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзуларини кўриб чиқади ва тасдиққа тавсия этади;

ўқув йили натижалари бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан шахсий режаларининг бажарилиши, кафедраларнинг ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ҳамда талабалар билимини рейтинг тизимида баҳолаш натижаларини кўриб чикади;

факультет профессор-ўқитувчилари илмий-тадқиқот ишлари ва малака ошириш режаларини муҳокама қилади;

факультетнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишларига ва талабаларнинг малакавий ва бошқа турдаги амалиёт ишларига якун ясайди;

факультет деканининг ўқув, ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича, шунингдек, ҳомийлар орқали бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, таълим хизматларини кўрсатиш, корхоналар буюртмаларини бажариш ва бошқа соҳалардаги фаолияти юзасидан ҳисоботларини муҳокама этади;

белгиланган тартибда профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш ўринларга танлов ўтказади;

профессор ва доцент илмий унвонларини бериш учун тақдим этилган тавсияларни кўриб чиқади;

«Истеъдод» жамғармаси, Ўзбекистон

Республикаси Президенти Давлат стипендияси, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва Навоий Давлат стипендиялари танловларида иштирок этиш учун ёш ўқитувчилар, олимлар ва иқтидорли талабалар таркибидан кўрсатилган номзодларни муҳокама этади ва тавсиялар беради ҳамда иқтидорли ёшлар билан ишлаш режаларини муҳокама этади;

ушбу олий таълим муассасаси магистратурасини битирувчилар таркибидан аспирантурага қабул килиш учун номзодларни муҳокама қилади;

аспирантларнинг шахсий иш режаларини тасдиқлайди ва ҳар йили уларни аттестациядан ўтказиш материалларини кўриб чиқади;

кафедраларнинг факультетни битириб кетган бакалаврлар, магистрлар, аспирантлар ҳамда «Истеъдод» жамғармаси орқали таълим олаётган талабалар билан алоқалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади ва кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади;

кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан дарслик, ўқув қўлланмалари, монография, рисолалар, маъруза матнларини тайёрлаш бўйича, шу жумладан, академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун ҳам, ҳисоботларни эшитади, уларнинг сифатини аниқлайди ва яхшиларини маънавий ва моддий рағбатлантиришга тақдим этади;

бюджетдан ташқари маблағларнинг тушиши ва улардан ўқув мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама килади;

олий таълим муассасасининг маркетинг хизмати билан биргаликда корхона ва ташкилотларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ишлаб чиқариш билан интеграцияни такомиллаштириш, кафедралар филиалларини ташкил этиш ва шу каби бошқа долзарб йўналишлар боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқади;

Ҳомийлар (Васийлар) Кенгашига номзодларни тавсия килади;

кафедраларнинг мувофиқ академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ўқув-услубий соҳадаги ҳамкорликлари бўйича режа ва ҳисоботларини муҳокама қилади;

факультет фаолиятига тегишли бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини жадаллаштириш, факультет фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастур, режа ва чора-тадбирларни муҳокама қилади;

факультет ва кафедралар моддий-техник базасини ривожлантириш;

ёш илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, диссертацияларни ўз вақтида ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади.

6. Кенгашда муҳокама этилган масалалар юзасидан кенгаш қарори очиқ овоз бериш ва оддий кўпчиликнинг овози билан кабул килинади. Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича ўтказиладиган танловларда ҳамда илмий унвонга тақдим этиш учун бериладиган тавсиялар муҳокамасида кенгаш қарори яширин овоз бериш йўли билан белгиланган тартибда кабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

7. Кенгаш мажлиси унинг таркибидаги аъзоларнинг 2/3 қисми иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Кенгаш мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Баённомалар кенгаш раиси ва илмий котиб томонидан имзоланади.

Мажлисда қабул килинган қарорлар илмий котиб томонидан факультет таркибидаги барча кафедраларга етказилади.

9. Кенгаш раиси мунтазам равишда қабул қилинган қарорлар бажарилишининг назоратини ташкил этади ва кенгаш аъзоларига уларнинг ижроси бўйича ахборот бериб боради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2008 йил 2 июндаги 159-сонли буйруғига
ИЛОВА

### 4.9.7. Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисида

**Низом**

(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 30 майдаги 159 - сонли буйруғи билан тасдиқланган)

1. Кафедра олий таълим муассасаси ёки факультетнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб унда бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув, услубий, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва кайта тайёрлаш ҳамда ташкилий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар амалга оширилади.

Кафедра факультет деканига ёки бевосита олий таълим муассасаси ректорига бўйсунади.

Кафедра таркибига педагог ходимлар тоифасига кирувчи кафедра мудири, профессор, доцент, катга ўқитувчи, ўқитувчи, (ассистент) лардан ташқари, катта ва кичик илмий ходимлар, докторант ва аспирантлар, шунингдек стажёр, инженер-техник ва ўқув-ёрдамчи ходимлар киради.

Кафедрани одатда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, шунингдек профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган ҳамда белгиланган тартибда танловдан ўтган кафедра мудири бошқаради ва унга кафедра фаолияти учун шахсий масъулият юклатилади.

Кафедра мудири:

олий таълим муассасаси миқёсила кафедра фаолиятига тааллуқли масалалар муҳокамаси ва ҳал этилишида иштирок этади;

кафедра иш режаси, профессор-ўқитувчи ва ходимларининг шахсий иш режалари ҳамда кафедра фаолияти доирасидаги бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;

кафедра педагог ходимларига ўқув юкламаларни таксимлайди ҳамда уларнинг ўз вактнла ва сифатли бажарилишини назорат килади;

кафедрага ишга олиш, ишдан бўшатиш ва ходимларни янги вазифаларга тайинлаш, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, интизомий чора кўриш тўғрисида олий ўқув юрти раҳбариятига белгиланган тартибда таклифлар киритади;

олий таълим муассасасининг тегишли хизмат бўлинмаларидан ўқув- тарбиявий ва илмий-тадқиқот жараёнини талаб даражасида ўтказиш учун зарур бўлган шароитларни таъминлашни талаб этади;

белгиланган тартиб ва муддатларда ўқув йилидаги фаолияти бўйича кафедра ҳисоботини тайёрлайди, илмий Кенгаш мажлисларида ҳисобот беради.

6. Кафедра мудирининг шахсий режаси олий таьлим муассасасининг ректори ёки ўқув ишлари бўйича проректори томонидан тасдиқланади.

7. Кафедра иши ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва тарбиявий ҳамда бошқа фаолият турларини қамраб олган истиқболий ва жорий (йиллик) режаларга мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу режалар ва кафедра фаолиятига тегишли бошқа вазифаларнинг бажарилиши кафедра мудири раислигида ўтказиладиган мажлисларда муҳокама этилади. Кафедра мажлисларига бошқа кафедралар ва олий таълим муассасаларидан ходимлар таклиф этилиши мумкин.

8. Кафедра зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

барча ўқув шакллари (ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолларда) бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режаларидаги фанлар бўйича белгиланган машғулот турларини юксак назарий, илмий-услубий ва касбий даражада ўтказиш, таълим сифатини таъминлаш;

талабаларнинг малакавий амалиёти, курс лойиҳаларн (ишлари), битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларига, шунингдек, мустақил ишлари ва илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

талабалар билимининг рейтинг назоратини жорий этиш, талабаларнинг аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берувчи юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;

кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш, шунингдек турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларга тақриз ва хулосалар тайёрлаш;

дарслик, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларнн тайёрлаш, қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, шу жумладан хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилган адабиётларга хулосалар тузиш;

кафедра йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ДТС, ўқув режалари ва дастурларини ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим дастурлари билан қиёсий таҳлилини мунтазам равишда олиб бориш ва такомиллаштириш;

иқтидорли талабаларни танлаш ва уларни тарбиялаш, олимпиада ва танловларда, шу жумладан, «Истеъдод» жамғармаси танловида иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил ишлаш шакл ва услубларини такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

талабалар илмий-ижодий фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш, иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни илмий тадқиқотларга жалб этиш, илмий-тадқиқот ишларини иидивидуал ва жамоа булиб бажаришга ўргатиш, уларнинг илмий-ижодий фаолиятини рўёбга чиқариш учун зарур ташкилий, услубий ва моддий-техникавий шарт-шароитлар яратиш;

тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама этиш, нашр этишга тавсия бериш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

кафедра ўқитувчиларининг шахсий иш режаларидаги ўқув, илмий- услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишларини кўриб чиқиш, тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш, умумлаштириш ва илғор тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган ишларни ташкил этиш;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ёш ўқитувчиларга педагогик малака ва кўникмаларни эгаллашда ёрдам бериш, ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотларида замонавий ўқув-техника воситаларидан, якка тартибда ўқитиш ва мустақил таълим олиш услубларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, ўқитишни замонавий конпьютер техникалари билан жиҳозланган махсус ўқув аудиторияларида ташкил килиш, масофали ўқитиш элементларини ривожлантириш;

илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, кафедра мутахассислигига мос ёки турдош ихтисосликлар бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларни илмий семинарларда муҳокама қилиш, таълим ҳужжатларининг меъёр талабларига жавоб беришини белгилаш бўйича эксперт гуруҳлари таркибида иштирок этиш;

бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек, илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

олий таълим муассасаси ва мазкур кафедрада аспирантурани битирганлар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш, битирувчилар мониторингини олиб бориш;

кафедра ихтисослиги бўйича мутахассислар малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўтказиш, таълим хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш;

хорижий таълим муассасалари билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик алокаларини ривожлантириш;

талабаларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда турли мавзулар, йўналишлар ва ихтисосликлар, касб-ҳунар турлари бўйича тўгараклар ташкил қилиш, кичик

корхоналарда, талабаларни дарсдан бўш вақтини унумли ва фойдали меҳнат билан банд қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

кафедрада ўқитиладиган фанлардан лаборатория ишларини тўлиқ ва сифатли ўтказилишини таъминлаш, ҳамда кафедра лабораторияларини замонавий ускуна, қурилма ва жиҳозлар билан жиҳозланишига ҳомийларни кенг жалб этиш;

институт ахборот-ресурс марказини кафедра таълим йўналишлари ва мутахассисликларига оид янги ўқув, илмий-техникавий ва даврий адабиётлар билан узлуксиз тўлдириб бориш ва янгиланишини доимий назорат қилиш.

9. Кафедра, камида еттита ўқитувчи мавжуд бўлганда уларнинг бири, одатда, профессор илмий унвони ёки фан доктори илмий даражасига ва камида иккитаси фан номзоди илмий даражаси ёки доцент илмий унвонига эга бўлганда ташкил этилади. Жисмоний тарбия, чет тиллари (нолисоний олий ўқув юртларида), графика ва чизмачилик, расм ва мусиқа кафедралари эса, одатда, камида икки ўқитувчи илмий даража ёки унвонга эга бўлган тақдирда, ташкил этилади.

Кафедра ўқув-тарбиявий ва илмий жараённи таъминловчи ўқув ва илмий лабораторияларга, кабинетларга, марказларга ва бошқа бўлинмаларга эга бўлиши мумкин.

Мутахассис чиқарувчи кафедралар кадрлар буюртмачилари бўлган корхона ёки ташкилотлар ҳудудида филиаллар ташкил этиши ва уларнинг моддий-техника базасидан фойдаланиши мумкин.

Кафедра филиали фаолияти тегишли Низом асосида ташкил этилади.

12. Кафедра, олий таълим муассасаси илмий кенгашининг қарори асосида ректорнинг буйруғи билан ташкил этилади ва тугатилади.

Кафедранинг тузилиши ва унинг штатлари олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланади.

Олий таълим муассасаси кафедраларининг профессор-педагоглари таркиби «Таълим муассасаларида педагогик ходимларини танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида» Низомга мувофиқ ишга қабул қилинади.

Кафедрада қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

ўқув, ўқув-услубий, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ва тарбиявий ишларни қамраб олган иш режалари;

талабаларда ватанпарварлик, ўз ватани билан фахрланиш, бой миллий анъаналарга, халк меросига ва умуминсоний қадриятларга ҳурматни шакллантириш бўйича «Маънавият» марказлари, талабалар турар жойларида ўтказиладиган тадбирлар режалари;

кафедра фанлари бўйича амалдаги меъёрий, ўқув-услубий ва бошқа ҳужжатлар;

- анкета маълумотларига эга бўлган кафедра таркибининг рўйхати (докторант ва аспирантлар учун тадқиқот мавзулари, раҳбарлари ва тадқиқотнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак);
- мажлислар баённомалари.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2008 йил 2 июндаги 159-сонли буйруғига
ИЛОВА

**4.9.8. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва режалаштиришнинг**

## НАМУНАВИЙ ТАРТИБИ

(Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 30 майдаги 159 - сонли буйруги билан тасдиқланган)

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш намунавий тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 29 декабр 269-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Магистратура тўғрисида»ги Низомга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бандларини тўлдирувчи ва изоҳловчи ҳужжат ҳисобланади.

1. Магистрлик диссертацияси (бундан кейин матнда – диссертация иши) магистратурада таълим олаётган талабанинг ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси ҳисобланади.

2. Диссертация иши мавзуси ишлаб чиқариш, таълим, иқтисодиёт, фан-техника, ижтимоий соҳаларнинг долзарб масалаларга бағишланиши, муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлилига қаратилган бўлиши шарт.

Тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар томонидан бажариладиган диссертация ишлари мавзулари буюртмачи ташкилотлар томонидан таклиф этилиши мақсадга мувофиқ. Диссертация иши мавзулари мутахассислик кафедралари йиғилишларида муҳокамадан ўтказилади.

3. Диссертация иши мавзулари ва илмий раҳбарлар кафедра тақдимномасига мувофиқ «Магистратура бўлими» тавсияси асосида биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри бошлангунича ректор буйруғи билан тасдиқланади.

Тасдиқланган диссертация иши мавзулари талабаларга биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри (иккинчи ярми) бошлангандан кейин икки ҳафта давомида тақдим этилади.

Диссертация иши мавзулари тақдим этилганидан кейин бир ҳафта муддатда илмий раҳбар билан биргаликда талаба (магистрант)нинг ўрнатилган шаклдаги «Шахсий иш режаси» ишлаб чиқилади ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

Магистрлик диссертацияси таркиби: титул варағи (илова 1); мундарижа; кириш; асосий қисм (2-3 бобдан иборат) хулоса; фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

7. Мундарижада кириш, боб ва параграфлар номлари, улар жойлашган саҳифа бетлари кўрсатилади.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, диссертация ишнининг мақсад ва вазифалари, амалий аҳамияти, илмий янгилиги, тадқиқот объекти, предмети ҳамда диссертациянинг тузилиши (ҳажми, расмлар ва жадваллар, фойдаланилган адабиётлар сони) ёритилади.

Диссертация ишининг асосий қисмида мавзу бўйича шу кунгача амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, янгиликлар, ихтиролар, меъёрий кўрсаткичлар таҳлил қилинади ҳамда уларга таянган ҳолда илгари сурилаётган ғоя ва фикрлар илмий жихатдан асосланиб тегишли ечимлар, таклифлар тавсия этилади.

10. Диссертация ишининг хулоса қисмида тадқиқот натижасида чиқарилган хулосалар ва аниқ таклифлар, шу жумладан, диссертация ишини бажариш даврида магистрантнииг шахсан эришган натижалари ҳам мужассамлаштирилади. Қисқа хулоса ва таклифлар диссертация ишининг айрим боблари якунида ҳам берилади.

11. Диссертация ишини бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, шу жумладан, хорижий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, нашр қилинган ил-

мий мақолалар, олинган патентлар рўйхати ва маълумотлари матнда ишлатилиш кетма-кетлигида берилади.

12. Иловалар қисмида диссертация ишининг айрим қисмлари учун зарур бўлган кўргазмали чизма, схема, жадвал ва расмлар келтирилади.

13. Диссертация иши талаба ўқиган тилда, кафедра тавсиясига мувофиқ хорижий тилларда ҳам ёзилиши мумкин. Хорижий тилда бажарилган ишга давлат (ёки рус) тилида аннотация илова этилади ҳамда диссертация ҳимояси хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси иштирокида таржима билан ўтказилади.

14. Диссертация ишининг ҳажми 60-80 варақ матндан (иловалардан ташқари) иборат бўлиб, А4 (21х29) формат қоғозда компьютерда 1,5 интервалда, 14 шрифтда ёзилган бўлиши шарт. Матннинг чап томони 30 мм, юқори томони 2,5 мм, ўнг томони 1,5 мм ва қуйи томонида 2,5 мм бўш майдон бўлиши керак.

15. Диссертация ҳимояси учун зарур бўлган кўргазмали чизмалар мувофиқ стандартлар (шартли белгилар, шрифт, масштаб ва х.к.) талаблари асосида А1 формат қоғозда (5-6 тагача) бажарилиши ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда экранда намойиш этилиши мумкин. Архитектура, техника, муайян санъат мутахассисликлари бўйича чизмаларга талаблар тегишли Илмий-услубий бирлашмалар томонидан ишлаб чиқилади.

16. Тайёр бўлган диссертация иши илмий раҳбарнинг имзоси ва тақризи билан кафедра мудирига тақдим этилади. Кафедра муҳокамасидан ўтган ва маъқулланган диссертация ишига кафедранинг қарори билан битта оппонент тайинланади. Оппонент сифатида соҳа мутахассислари, илмий муассасалар ходимлари, бошқа турдош олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари тайинланиши мумкин.

17. Магистратура бўлимининг бошлиғи диссертация ишини илмий раҳбар ва оппонент тақризлари билан ҳимоя қилиш учун Давлат аттестация комиссиясига йўллайди.

Диссертация иши ҳимоядан кейин 10 кун давомида магистратура бўлимига топширилади ва ўқув юртида 10 йилгача сақланади.

## 4.9.9. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ ВАЗИРИ ПРЕМЬЕР МИНИСТР РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Бош вазир ўринбосарларига,**
**Департамент мудирларига,**
**Бўлим мудирларига**

1. Республика вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида ҳужжатлар (қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари) билан ишлаш ва уларнинг ижросини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришнинг илова қилинаётган тартибига розилик берилсин.

2. Республиканинг тегишли вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида Тартиб талаблари бажарилиши, шунингдек улар томонидан ҳисобот маълумотлари ва зарур материаллар Вазирлар Маҳкамасининг тармоқ департаментларига тасдиқланган муддатларда тақдим этилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилсин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига (рўйхат бўйича)

1. Қуйидагилар:

Тартиб талаблари вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва хўжалик бирлашмаси тизимида ҳар бир раҳбар ва мутахассисга етказиш;

тегишли бошқарув органининг бутун вертикали бўйича, айниқса шаҳар (туман) ва вилоят бўлинмаларида ижро интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ҳужжатлар ижроси ҳақида ҳисобот бериш ва назоратни ташкил этиш тизимини жорий этишнинг илова қилинаётган Тартиби талабларини сўзсиз бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминласинлар.

2. Ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 7 августдаги 02-1-113-сон топшириғи 11-бандининг учинчи хат бошига мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмаларида ташкил этилган ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича махсус гуруҳларга юклансин.

Р.Абдуқодиров, Ф.Ғайбуллаев, С.Ахуновга

Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бўлинмаларининг ишлари амалда мувофиқлаштирилишини ва умумлаштирилган таҳлил ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиумига муҳокама қилиш учун тақдим этилишини таъминласинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири**

2009 йил 28 август №11-10

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири Ш.М.Мирзиёевга**

**Ҳурматли Шавкат Миромонович!**

Ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича 2009 йил 5 августда бўлиб ўтган селектор йиғилиши протоколига мувофиқ Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмаларида ҳужжатлар билан ишлаш ва уларнинг ижросини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тартиби лойиҳаси ишлаб чиқилди (илова қилинмоқда). Тартибда қуйидагилар назарда тутилади:

биринчи – давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бутун вертикали: корхона ®

| Босқичлар | Функция | Масъуллар | Бажариладиган тадбирлар | Муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1-босқич | Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасидан келаётган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш | Умумий бўлим (Девонхона) | Кириш журналларида ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш, 1а, 2а-назорат карточкаларини 3 нусхада тўлдириш. | Ҳужжат олингандан кейин 30 дақиқа мобайнида |
| 2-босқич | Раҳбарга ҳужжатни киритиш | Умумий бўлим (Девонхона), ёрдамчи | Раҳбарга ҳужжатни танишиш ва тегишли резолюция қўйиш учун киритиш. | Рўйхатдан ўтказилгандан кейин дарҳол |
| 2а-босқич | Ижрочилар учун ҳужжатни кўпайтириш ва уларга бериш | Умумий бўлим (Девонхона), масъул ижрочи | Агар ҳужжат зудлик билан ижрога киритилиши зарур бўлганда, ҳужжатдан нусхалар олинади ва олдиндан танишиш мақсадида ҳужжат нусхаси ижрочига берилади. | Рўйхатдан ўтказилгандан кейин дарҳол |
| 3-босқич | Раҳбар томонидан ҳужжатни кўриб чиқиш | Раҳбар (Вазир, раис, директор, бошқарувчи) | Раҳбар томонидан ҳужжат диққат билан ўрганиб чиқилади ҳамда масъул ижрочи ва топшириқнинг ижро муддати аниқ кўрсатилган ҳолда мақсадга йўналтирилган ўз муносабат белгисини (резолюциясини) қўяди. | Ҳужжатни олиши билан |
| 4-босқич | Раҳбарнинг резолюциясидан кейин ҳужжатни Умумий бўлим (Девонхона)га қайтариш | Умумий бўлим (Девонхона), (ёрдамчи) | Раҳбарнинг резолюциясига кўра ҳужжат зарур миқдорда нусхада кўпайтирилади (нусха олинади). | Ҳужжатни олиши билан |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 5-босқич | Раҳбарнинг резолюциясига кўра ҳужжатни ижрочиларга етказиш | Умумий бўлим (Девонхона), Назорат гуруҳи, ижрочи | Умумий бўлим (Девонхона) томонидан назорат карточкаларида ҳужжатнинг ижрочиси ва олган вақти кўрсатилган ҳолда ҳужжатни тарқатиш.<br>1 нусха назорат карточкаси билан ҳужжатнинг асли асосий ижрочига* берилади.<br>Ҳужжатнинг 1 нусхаси ва назорат карточкаси назорат бўлинмасига назорат гуруҳига (масъул ходимга) берилади.<br>1 нусха назорат карточкаси ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш ҳамда ҳужжатнинг асли қайтарилишини назорат қилиш учун Умумий бўлимда қолдирилади.<br>Ҳужжатнинг қолган нусхалари резолюцияда кўрсатилган бошқа ижрочиларга берилади. | 30 дақиқа мобайнида |
| 5а-босқич | Қарор лойиҳасини тайёрлаш ва қарор қабул қилиш | Ижрочи, тегишли бўлинма мудири<br><br>Раҳбар (Вазир, раис, директор, бошқарувчи) | Аниқ чора-тадбирлар (назорат-режа, тадбирлар режаси, жадваллар ва ҳ. к.), ижро муддатлари илова қилинган ва қарорнинг тегишли бандларини амалга оширишни таъминлайдиган ижрочилар кўрсатилган ҳолда раҳбарнинг қарори лойиҳасини тайёрлаш.<br>Қарор қабул қилиш. | 3 кун муддатда (вилоят, туман ва шаҳар бўлинмалари 2 кун муддатда) |
| 6-босқич | 1а, 2а-назорат карточкаларини тўлиқ расмийлаштириш 3а, 3б-назорат карточкаларини тўлдириш | Умумий бўлим (Девонхона), Назорат гуруҳи, ижрочи | Назорат карточкасига қарор қабул қилинганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритиш. Ҳужжатнинг тарқатиш рўйхатини тузиш (1,2-жадваллар (3,4-жадваллар) ни тўлдириш).<br>Қарор қабул қилингандан кейин назорат карточкасига ўз қарори қабул қилинганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритилади.<br>Ҳужжат ижросининг кейинги назорати қабул қилинган қарорнинг назорат-режаси ёки тадбирлар режаси ва 3а, 3б-назорат карточкалари асосида олиб борилади.<br>Қабул қилинган қарор (назорат-режа ёки тадбирлар режаси) нинг ҳар бир назорат банди бўйича 2 нусхада 3а, 3б-назорат карточкалари тўлдирилади.<br>Ҳужжатнинг асл нусхаси Девонхонага қайтарилади. | Қарор қабул қилинган кунда |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 7-босқич | Қабул қилинган қарорни:<br>- тегишли бўлинма ва бўлимларга; | Умумий бўлим (Девонхона) | Қабул қилинган қарор ижрочи томонидан тузилган тарқатиш рўйхатига асосан зарур нусхада кўпайтириш ва тегишли ижрочиларга жўнатиш.<br>Бир нусхадан назорат карточкаси ва қабул қилинган қарор, назорат-режаси:<br>а) Назорат гуруҳи (масъул ходим);<br>б) ижрочининг бўлинмасига берилади. | Қарор қабул қилинган вақтдан кейин бир соат мобайнида |
| | - бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органларига;<br>- Вазирлар Маҳкамасининг тегишли департаменти (бўлими) га етказиш | Умумий бўлим (Девонхона) | Раҳбарнинг қарори ва назорат-режаси шунингдек:<br>а) бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органларига етказиш;<br>б) Вазирлар Маҳкамасининг тегишли департаменти (бўлими)га етказиш | Қарор қабул қилинган кундан бир сутка мобайнида |
| 8-босқич | Қабул қилинган қарорнинг ижросини ташкил этиш | Мансабдор шахс, Назорат гуруҳи | Назорат топшириқларини бажариш | Белгиланган муддатларда |
| 8а-босқич | Тадбирларни амалга ошириш | Таркибий бўлинма раҳбари, Ижрочи | Топшириққа мувофиқ белгиланган муддатларда ва вертикаль ҳамда горизанталь бўйича тўлиқ ҳажмда ҳужжатнинг ижросини таъминлаш:<br>Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорларини диққат билан ўрганиб чиқиш ҳамда асосий устуворликлар, мезонлар ва йўналишларни белгилаб олиш. | Белгиланган назорат муддатларида |
| 9-босқич | Ижроси юзасидан назорат | Назорат гуруҳи, ижрочи | Назорат бандлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш, ҳар бир назорат банди бажарилишининг ҳолати тўғрисида раҳбарга ҳар куни, ҳар ҳафта ва ҳар ойда ахборот тайёрлаш, 1, 2 (3,4) – жадвалларни тўлдириш. | Ҳар куни, ҳар ҳафта, ҳар ойда |
| 9а-босқич | Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг бажарилиши бўйича ижро интизомининг ҳолатини мақсадли ва комплекс ўрганиш | Бошқарув органи, Ишчи гуруҳи ёки Вазирлар Маҳкамасининг Ишчи гуруҳи | Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг бажарилишини ўрганиш учун режа-жадвал тасдиқлаш, вертикаль бўйича мақсадли ўрганишни амалга ошириш: вазирлик, идора, хўжалик бирлашмаси | Давр учун тасдиқланган иш режага асосан |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **9б-босқич** | Ўрганиш якунларини Ҳайъатда, умумий йиғилишда ва Вазирлар маҳкамасининг Президиумида кўриб чиқиш | Вазир, Раис, Бошқарувчи, Директор, Ишчи гуруҳи | Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг айрим ҳужжатлари ижросининг ҳолати, умуман вазирликда, давлат қўмитасида, идорада, хўжалик бирлашмасида, вилоят, туман, шаҳар бошқармаларида, корхоналар ва ташкилотларда ижро интизомининг аҳволи тўғрисида таҳлилий маълумотнома тайёрлаш | Давр учун тасдиқланган иш режага асосан |
| **10-босқич** | Йиғмажилдларни шакллантириш | Ижрочи, Умумий бўлим (Девонхона) | Қарорнинг ҳар бир банди бажарилиши бўйича йиғмажилдларни шакллантириш Йиғмажилдларни 2 йил мобайнида маълумотнома ишлари учун бўлинмада сақлаш | Ҳужжатнинг ижроси тугалланиши билан |
| **11-босқич** | Ҳужжатларни архивга топшириш | Ижрочи, Умумий бўлим (Девонхона) | Ҳужжатларни архивга тайёрлаш ва топшириш | Ҳар йили жадвал бўйича |

**- Раҳбар резолюциясида биринчи кўрсатилган мансабдор шахс асосий ижрочи ҳисобланади (8-босқич)**

Вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари учун

## 3а-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ

Рўйхатга олиш санаси ____________

Карточка рақами ____________ Рўйхатдан ўтказиш рақами ____________

Ҳужжатнинг номи (Ҳайъат *(йиғилиш) қарори, вазир, раис фармойиши):*

200__ йил «____» __________________ даги _____ - сонли

Назорат бандлари:

№ - ______________________________

№ - ______________________________

№ - ______________________________

№ - ______________________________

Масъул ижрочи:
(Ф.И.О., лавозими)
Ижро муддати:
(сана)

Ҳужжатларни бериш:

| Т/р | Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О. | Имзо | Сана | Вақти |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Ижро ҳолати
назорат бандлари:
№ -

№ -

№ -

№ -

Ижро ҳолати қачон, қаерда муҳокама этилди, кимга нисбатан қандай ташкилий ва интизомий чоралар кўрилди (Тартибга илова қилинаётган 3-жадвалнинг 10 ва 11-устунлари):

Назорат гуруҳининг масъул шахси (масъул ходим):

Ф.И.О. имзо сана

Бажарилган ҳужжатлар тикилган йиғма жилд рақами, масъул:

Бошқарувнинг ҳудудий (вилоят, шаҳар (туман)) тармоқ органлари, ташкилотлар корхоналар учун

**3б-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ**

Рўйхатдан ўтказиш санаси ______________

Карточка рақами ______________ Рўйхатдан ўтказиш рақами ____________

Ҳужжатнинг номи (раҳбарнинг буйруғи, фармойиши):

200 __ йил « ____ » ______________________ даги _____ - сонли

Назорат бандлари:

№ - ____________________________________________

№ - ____________________________________________

№ - ____________________________________________

№ - ____________________________________________

№ - ____________________________________________

Масъул ижрочи:
(Ф.И.О., лавозими)

Ижро муддати:
(сана)

Ҳужжатларни бериш:

| Т/р | Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О. | Имзо | Сана | Вақти |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Ижро ҳолати
назорат бандлари:

№ - ____________________________________________

№ -

№

№ -

| |
|---|
| Ижро ҳолати қачон, қаерда муҳокама этилди, кимга нисбатан қандай ташкилий ва интизомий чоралар кўрилди (Тартибга илова қилинаётган 1-жадвалнинг 10 ва 11-устунлари): |
| |
| |
| |
| |
| Назорат гуруҳининг масъул шахси (масъул ходим): Ф.И.О. имзо сана |
| Бажарилган ҳужжатлар тикилган йиғма жилд рақами, масъул: |

Чорак якуни бўйича кейинги ойнинг:
2-санасида – электрон шаклда;
5-санасида – чоп этилган ва вилоят бошқармаси (корхона-хўжалик бирлашмаси учун) раҳбари томонидан имзоланган ҳолда вазирлик, қўмита, идора, хўжалик бирлашмасининг Назорат гуруҳига тақдим этилади.

1-жадвал

_______________________________________________ да
(вилоят бошқармаси (корхона-хўжалик бирлашмаси учун)

**Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишларининг бажарилиши юзасидан**

**МАЪЛУМОТ***

**200___ йил «____» чораги якуни бўйича**

| № | Ҳужжатнинг номи | Ҳужжат қабул қилинган сана ва тартиб рақами | Юқори ташкилот раҳбари (вазир, раис)нинг қарори (буйруқ, фармойиш), рақами, тадбири, санаси | Ҳужжатнинг вилоят бошқармаси (корхона) девонхонасига кириш санаси, қайд этиш рақами | Раҳбар резолюция қўйган сана | Резолюция мазмуни (тўлиқ ёзилсин) | Қабул қилинган қарор (буйруқ, фармойиш), тадбирлар рақами, санаси | Қабул қилинган қарор (буйруқ, фармойиш) бўйича назорат режаси (график, ҳаракат дастури ва б.), тасдиқланган санаси | Ўз қарорлари кимларга етказилган (тарқатма реестр бўйича рўйҳат), реестр рақами, санаси | Ижро ҳолати, топшириқларнинг ижроси қандай амалга оширилган, мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилиши (ижро ҳолати қисқа, аниқ ва хронологик тартибда берилсин) | Ижро ҳолати қочон, қаерда муҳокама этилди, кимга нисбатан қандай интизомий чоралар кўрилди |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5а | 5б | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| Ўзбекистон Республикаси Қонунлари (Картотека №1б) | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари (Картотека №1б) | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойишлари (Картотека №1б) | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |

| Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари (Картотека №1б) | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |

Вилоят бошқармаси (корхона) раҳбари: ____________ /имзо/ ________________________ /Ф.И.Ш./

* - Чорак якуни бўйича кейинги ойнинг: 2 санасида – электрон шаклда, 5 санасида – чоп этилган ва вилоят бошқармаси (корхона хўжалик бирлашмаси учун) раҳбари томонидан имзоланган ҳолда вазирлик, қўмита, идора, хўжалик бирлашмасининг Назорат гуруҳига тақдим этилади.

Кўрсатмалар:

1. Жадвалда кўрсатилган ҳар бир устун мазмунига мос ҳолда аниқ тўлдирилади. Маълумотноманинг шаклини ўзгартириш маън этилади.
2. Жадвалда маълумотлар Times New Roman шрифтида 8 ўлчамда ёзилади.
3. Жадвалнинг электрон шакли А3 ўлчамли форматда бўлиши шарт, чоп этилган кўриниши А4 ўлчамли форматда берилади.

Чорак якуни бўйича кейинги ойнинг:

8-санасида – электрон шаклда;

10-санасида – чоп этилган ва вазирлик, қўмита, идора, хўжалик бирлашмаси раҳбари томонидан имзоланган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Йигма ахборот-таҳлил департаментига тақдим этилади

3-жадвал

__________________________________________________________ да

(вазирлик, қўмита, идора, хўжалик бирлашмаси)

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишларининг бажарилиши юзасидан

МАЪЛУМОТ*

200___ йил «____» чораги якуни бўйича

| № | Ҳужжатнинг номи | Ҳужжат қабул қилинган сана ва тартиб рақами | Ҳужжатнинг вилоят бошқармаси (корхона) девонхонасига кириш санаси, қайд этиш рақами | Раҳбар резолюция қўйган сана | Резолюция мазмуни (тўлиқ ёзилсин) | Қабул қилинган қарор (буйруқ, фармойиш), тадбирлар рақами, санаси | Қабул қилинган қарор (буйруқ, фармойиш) бўйича назорат режаси (график, ҳаракат дастури ва б.), тасдиқланган санаси | Ўз қарорлари кимларга етказилган (тарқатма реестр бўйича рўйхат), реестр рақами, санаси | Ижро ҳолати, топшириқларнинг ижроси қандай амалга оширилган, мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилиши (ижро ҳолати қисқа, аниқ ва хронологик тартибда берилсин) | Ижро ҳолати кочон, қаерда муҳокама этилди, кимга нисбатан қандай интизомий чоралар кўрилди |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| Ўзбекистон Республикаси Қонунлари (Картотека №1а) | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари (Картотека №1а) | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойишлари (Картотека №1а) | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари (Картотека №2а) | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |

Вазир, Раис: _____________ /имзо/ ___________________ /Ф.И.Ш./

* - Чорак якуни бўйича кейинги ойнинг: 8-санасида – электрон шаклда, 10-санасида – чоп этилган ва вазирлик, қўмита, идора, хўжалик бирлашмаси раҳбари томонидан имзоланган ҳолда Вазирлар Маҳкамасиининг Йиғма ахборот-таҳлил департаментига – тармоқ мутасаддисига тақдим этилади.

Кўрсатмалар:

1. Жадвалда кўрсатилган ҳар бир устун мазмунига мос ҳолда аниқ тўлдирилади. Маълумотноманинг шаклини ўзгартириш маън этилади.

2. Жадвалда маълумотлар Times New Roman шрифтида 8 ўлчамда ёзилади.

3. Жадвалнинг электрон шакли А3 ўлчамли форматда бўлиши шарт, чоп этилган

кўриниши А4 ўлчамли форматда берилади.

Чорак якуни бўйича кейинги ойнинг:

8-санасида – электрон шаклда;

10-санасида – чоп этилган ва вазирлик, қўмита, идора, хўжалик бирлашмаси раҳбари томонидан имзоланган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Йиғма ахборот-таҳлил департаментига тақдим этилади

4-жадвал
Намуна

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг ижроси тўғрисида**

**ҲИСОБОТ**

**2009 йил III чораги учун**

| № | Ҳисобот даврида қабул қилинган ҳужжатлар / Ўз қарорларини, тадбирларини ишлаб чиқиш, мақсадли ўрганишлар | Жами | шундан: Ўзбекистон Республикаси қонунлари | Президент фармонлари | Президент қарорлари | Президент фармойишлари | Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| I | Вазирликда кирим қилинган ҳужжатлар | 45 | 4 | 4 | 12 | 1 | 24 |
| II | Кирим қилинган ҳужжатлар бўйича вазирликда ишлаб чиқилган | | | | | | |
| | Умумий йиғилиш қарори | 1 | - | - | 1 | - | - |
| | Вазир буйруғи | 37 | 3 | 3 | 9 | - | 22 |
| | Вазир фармойиши | 1 | - | - | - | 1 | - |
| | Тадбирлар | 6 | 1 | 1 | 2 | - | 2 |
| III | Тегишли ҳужжатлар ижроси бўйича мақсадли ва комплекс ўрганишлар, жами* | 3 | - | 1 | 1 | - | 1 |
| | шу жумладан: | | | | | | |
| | Жиззах вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида | 1 | - | 1 | - | - | - |
| | Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида | 1 | - | - | 1 | - | - |
| | Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида | 1 | - | - | - | - | 1 |

| | | |
|---|---|---|
| IV | Топширик ижроси ҳолати қачон, қаерда муҳокама этилди, кимга нисбатан қандай интизомий чоралар кўрилди ** | 2009 йил 20 июлда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳайъат йиғилишида Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш масаласи бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2009 йил 21 февралдаги селектор мажлиси протоколи қарорларининг бажарилиши тўғрисида масала кўриб чиқилди.<br>Ҳайъат йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари бошлиқлари иштирок этди.<br>Ҳайъатда Инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш ва аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларининг юзасидан янги иш ўринларини ташкил қилиш, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилди.<br>Ҳайъат йиғилиши якунлари бўйича Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Мирхоновга, Янгиқўрғон (Ю.Отахўжаев), Зангиота (Т.Жўрабоев), туманлари ҳамда Марғилон шаҳар (У.Юлдашев) бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбарларига ҳайфсан эълон қилинди.<br>Андижон (С.Юсуфов), Жиззах (С.Алмамедова), Тошкент (Х.Исамуҳамедов), Фарғона (Ф.Қосимов) вилоятлари бошқармалари ишлари қониқарсиз деб ҳисобланди.<br>Ҳайъат йиғилиши протоколи Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар йиғма ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси Э.М.Муҳитдиновага тақдим этилди (2009 йил 21 июлдаги чиқиш рақами 01-10/1850-сонли хат). |

Изоҳ: * - Ўтказилган ўрганишлар якунлари бўйича якуний маълумотлар Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаменти томонидан талаб қилиб олиниши мумкин.

** - Ўтказилган мажлислар баёнлардаги қарорлар ушбу жадвалга илова қилинади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментига тақдим этилади.

Вазир в.б.: ____________________ /имзо/ Хаитов А. /Ф.И.О./ /сана/

**4.9.10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси ижросини таъминлаш ҳақида”ги 2010 йил 25 майдаги 200 - сонли**

**БУЙРУҒИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг 2010 йил 6 майда ўтказилган кенгайтирилган мажлиси (07-1-26, 15.05.2010й.)нинг 26-банди ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:

Болаларни согломлаштириш ва дам олдириш бўйича мутасадди ташкилотлар буюртмалари ва ўрнатилган тартибда тузилган шартномалар асосида оромгоҳларни малакали педагог-тарбиячилар ва етакчилар билан таъминлаш;

-тарбия жараёнига оид услубий қўлланмалар ишлаб чиқилишида амалий ёрдам кўрсатиш;

-болалар оромгоҳларига ишга жалб этиладиган олий таълим муассасаси талабаларининг якуний назоратларини олдин топширишларига имкониятлар яратиш;

-талабаларнинг болалар оромгоҳларида ишлаган даврини педагогик амалиётдан ўтиш дастурига киритиш вазифалари юклатилсин.

3. Вазирликнинг маънавий ва ахлоқий тарбия бошқармаси (З.Каримов)га:

-оромгоҳларда ишлашга маънавий жиҳатдан етук талабалар жалб этилиши;

-маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректорлар билан биргаликда оромгоҳларда ишлайдиган талабалар ўқувини олий таълим муассасаларида ташкил этиш вазифалари топширилсин.

Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари У.Ташкенбаев зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

## V БОБ

## 5.1. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

### 5.1.1 Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим муассасаларини битираётган педагог ва муҳандис-педагог кадрларни академик лицей, касб-ҳунар коллежларига ишга жойлашишига кўмаклашиш тўғрисида»ги 2002 йил 16 апрелдаги 121-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2001 йил якунларига багишланган йигилишда сўзлаган нутқида кадрлар тайёрлаш тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог, муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг Вазирлар Маҳкамасининг 4 октябр 2001 йилдаги 400-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларини мақсадли ишга жойлашишига маркетинг изланишлари асосида кўмаклашиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

- охирги 3 йилда олий таълим муассасаларини битирган ёш мутахассисларнинг ишга жойлашганлиги мониторингини ўтказиш чораларини кўриш;

- академик лицей, касб-ҳунар коллежлари билан битирувчиларни ишга жойлаштириш борасида ҳамкорлик қилиш, мазкур таълим муассасаларида ишлашга йўналтирилган ҳамда тўлов контракт асосида битирувчиларнинг шу таълим муассасаларида ишлаш хоҳишини билдирган ҳар бир номзоднинг исми-шарифлари рўйхати тузиш ва тегишли касб-ҳунар коллежлари раҳбариятига тақдим этиш;

- вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишлаб қолишлари учун қўшимча маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш амалиёти бевосита замонавий янги типдаги лицей ва коллежларда, илғор технологияга эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилишини режалаштириш вазифалари юклатилсин.

2. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг директорлари, олий таълим муассасаларининг академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректорларига:

академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагог кадрлар таркибини шакллантиришда биринчи навбатда олий таълим муассасаларининг тавсиясига эга бўлган иқтидорли магистр ва бакалаврлар устуворлигини таъминлаш топширилсин.

3. Мазкур буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

### 5.1.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ёш мутахассисни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисида намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 2002 йил 3 декабрдаги 350-сонли

### БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2000-2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги 2002 йил 4 июн 198-сонли қарорининг 6-бандида қўйилган ёш мутахассисларни иш билан таъминланишига кўмаклашиш тўғрисидаги шартномалар тузиш вазифаси амалиётга жорий этиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг 2002 йил 9 октябрдаги 8-сонли баёни, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва Адлия вазирликларининг келишув хатларига асосланиб

### БУЮРАМАН:

1. Ёш мутахассисни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисидаги намунавий шартнома шакли 1-Иловага мувофиқ тасдиқлансин ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:

- ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва таълим муассасалари раҳбарлари билан давлат гранти асосида билим олувчи ёш мутахассисни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисидаги шартномалар тузиш йўлга қўйилсин;

- умумтаълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг педагог-мутахассисларга бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ёш мутахассисларни педагогик фаолиятга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилсин;

- амалга оширилган ишлар бўйича маълумот ҳар ойнинг 5-санасига, якуний маълумот 2003 йилнинг 1 мартигача вазирликка топширилсин.

3. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси бошлиғи М. Саидовга юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2002 йил 3 декабрдаги 350-сонли буйругига
1-илова

**Вазирликнинг 350-сонли буйруғи билан тасдиқланган**
**Ёш мутахассисни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисида**

## НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

(давлат гранти асосида қабул қилинган талаба, олий таълим муассасаси ва потенциал иш берувчи ўртасида ихтиёрий асосда тузилади) №________"___"________200 й
______________________________________________
*(олий таълим муассасининг номи)*

(кейинги ўринларда «Олий таълим муассаси» деб номланади) номидан муассаса Уставига асосланиб иш юритувчи рсктор________________________бир
*(Ф.И.Ш.)*
томондан,______________________ номидаги корхона Уставига асосланиб иш кўрувчи________________________________
*(ташкилот раҳбари, Ф.И.Ш.)*

иккинчи томондан, (кейинти ўринларда «потенциал иш берувчи» деб номланади) ва олий таълим муассасасини мутахассислиги бўйича 200___йилда битирувчи ___________да яшовчи___________________________
*манзили (кейинги ўринларда (талабанинг Ф.И.Ш.)*

"Битирувчи" деб номланади) учинчи томондан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 июлдаги 198-сонли қарорининг 6-бандига асосан ёш мутахассисларни ишга жойлашишига кўмаклашиш мақсадида ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Давлат грантлари ҳисобидан олий таълимга эга бўлган ёш мутахассис (бакалавр, магистр)ларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уларни иш билан таъминлашда кўмаклашиш.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

2.1. Олий таълим муассасаси:

Ноёб таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича эҳтиёж кўп бўлган тақдирда Потенциал иш берувчиларни тендер асосида танлаш.

Талаба ўқув амалиётини ўташи учун «Потенциал иш берувчи»нинг интеллектуал ва моддий-техникавий базасининг имкониятларини ўрганиш ва шу асосда тегишли таклиф киритиш.

2.2. «Потенциал иш берувчи»:

2.2.1. «Олий таълим муассасаси» ўқув режа ва дастурлари билан танишиш уларни ишлаб чиқариш талабларига мувофиқлаштириш юзасидан ўз таклифларини бериш.

2.2.2. «Битирувчи»нинг Давлат имтиҳонларида аттестация комиссияси аъзоси сифатида қатнашиш.

2.3. «Битирувчи»:

2.3.1. Ўқиш фаолияти даврида белгиланган амалиётларни «Потенциал иш берувчи» корхонасида ўташ.

2.3.2. Таълим муассасасини битиргандан сўнг эга бўлган мутхассислиги доирасида иш билан таъминлашни талаб қилиш.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 . Олий таълим муассасаси:

3.1.1. «Битирувчи» Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган малакали мутахассис этиб тайёрлаш.

3.1.2. «Потенциал иш берувчи»га «Битирувчи» тўғрисида тегишли тавсияномалар бериш ҳамда «Битирувчи»нинг корхонадаги меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш.

3.1.3. «Битирувчи» иш жойлашгандан кейин 2 йил давомида унга зарур услубий ёрдам кўрсатиш.

3.1.4. Шунингдек, томонларнинг розилигига асосан қуйидаги шартларни бажариш мажбуриятини ҳам олади:

а)

б)

в)

3.2. «Потенциал иш берувчи»:

3.2.1. «Битирувчи»ни тегишли тартибда Ўзбекистон Республикасининг машғулотлар миллий стандарти Таснифлагичи (Классификатори)га мувофиқ иш билан таъминлаш.

3.2.2. «Битирувчи»га меҳнат фаолияти давомида услубий ёрдамлар кўрсатиш.

3.2.3. Қуйидаги ижтимоий ёрдам ва имтиёзларни кўрсатиш:

а)

б)

3.3. «Битирувчи»:

3.3.1. Ўз мутахассислиги бўйича малака тавсифномасида назарда тутилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонуилари талаблари асосида мустақил фаолият олиб бориш учун мустақил билим ва малакага эга бўлиш.

3.3.2. «Потенциал иш берувчи» корхонасига таълим муассасасини тўлиқ битиргандан сўнг 2 ой муддатда етиб келиш.

3.3.3. «Потенциал иш берувчи»нинг корхонасида камида 2 йил ўз мутахассислиги бўйича ишлаб бериш.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонларнинг бири ушбу шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда бошқа тарафга етказилган зарарни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тўлайди.

## V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома қуйидаги ҳолларда қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин:

5.1. «Битирувчи»нинг малакаси, билими ушбу мутахассис учун амалда ўрнатилган Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бермаса.

5.1.2. «Потенциал иш берувчи» (иш берувчи) томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда.

5.2. Ушбу шартнома томонларнинг барчаси имзолаганидан сўнг кучга киради ҳамда шартнома тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

## ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| | |
|---|---|
| “Олий таълим муассасаси” | “Потенциал иш берувчи” |
| (номи) | (номи) |
| Манзил__________________________ | Манзил__________________________ |
| Тел.Факс:________________________ | Тел.Факс:________________________ |
| х/р______________________________ | х/р______________________________ |
| код______________________________ | код______________________________ |
| ИНН_____________________________ | ИНН_____________________________ |
| Имзо____________________________ | Имзо____________________________ |
| Сана____________________________ | Сана____________________________ |

### 5.1.3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларида тадбиркорлик малакаларини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 20 февралдаги 81-сонли

### БУЙРУҒИ

Узлуксиз таълим тизимида ўқувчи ва талаба-ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллашлари учун мустаҳкам замин яратиш, уларни бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз даврида иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга муносиб ҳисса қўша оладиган, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур кўникма ва малакаларга эга бўлган замон талаблари даражасида мутахассис кадрлар қилиб тайёрлаш ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг 54-банди ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўқувчи ва талабаларда тадбиркорлик фаолияти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган махсус курслардан ўқув-услубий таъминотни яратиш ва такомиллаштириш бўйича Ишчи гуруҳлари таркиби 1- ва 2- иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳлари (М.Болтабоев, А.Набиев)га:

-тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш асослари бўйича ўқувчи ва талабалар билим ва малакаларини шакллантиришга қаратилган ўқув курсининг дастурини тайёрлаш;

-таълим йўналишларига мувофиқ ўқув курсининг мазмуни, ҳажми, ўқитиш курслари ва ўқув режасидаги ўрнини аниқлаш;

-тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқувчи ва талабаларда зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган ўқув-услубий қўлланма тайёрлаш;

-ўқув курси дастури ва ўқув-услубий материалларни ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига киритиш;

-ўқувчи ва талабаларда амалий машғулотлар, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини бажариш жара-

ёнида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, бизнес-режа тузиш ва шу каби бошқа мавзулар ва ишланмалар кўламини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш вазифалари топширилсин.

3. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш асослари бўйича махсус курс 2010/2011 ўқув йилидан бошлаб жорий этилсин.

4. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (З.Худойбердиев), олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Маджидов) ларга:

Ишчи гуруҳларига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш асослари бўйича ўқув курсидан ўқув-услубий таъминотини ишлаб чиқишда ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш тавсияси асосида ўқув курси дастури ва ўқув-услубий материалларни вазирлик буйруғи билан тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш вазифалари топширилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

2-илова

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мутахасислари ўқувчиларида тадбиркорлик фаолияти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган махсус курслардан ўқув-услубий таъминотни яратиш бўйича Ишчи гуруҳи**

**ТАРКИБИ**

1. А.Набиев - ЎМКҲТМ касб-ҳунар коллежлари бошқармаси бош мутахассиси, гуруҳ раҳбари

2. А.Нуруллаев - Тошкент банк ҳисоб кредит коллежи директори в.б.

3. К.Хомитов - Тошкент банк коллежи «Банк иши» кафедраси мудири

4. М.Тожибоев - Идоравий метрологик назорати хизмати бош мутахассиси

**5.1.4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бакалавр ва магистр кадрларга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ битирувчиларни ишга тақсимлаш ва жойлаштиришни таъминлаш тўғрисида”ги 2010 йил 26 февралдаги 129 - сонли**

**БУЙРУҒИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижроси бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 9 февралдаги 2/1-сонли Ҳайъат қарори билан тасдиқланган «Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўйича 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплекси»нинг 44-бандига мувофиқ олий таълим муассасаларини 2009-2010 ўқув йилида битирувчиларни академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари (корхона, ташкилот ва муассасалар) талаб-эҳтиёжларига мувофиқ ишга тақсимлаш (тавсия этиш) ҳамда уларнинг ишга жойлашиш жараёнини самарали ташкил этиш максадида

**БУЮРАМАН:**

1. Республикада фаолият кўрсатаётган ва 2010/2011 ўқув йилида янгидан ишга тушириладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг умумтаълим ва махсус фанлар ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълим усталарига бўлган эҳтиёжлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида 1-иловага мувофиқ кадрларга бўлган талаб сифатида қабул қилинсин.

2. Республика олий таълим муассасаларининг 2010/2011, 2011/2012 ва 2012/2013 ўқув йилларида кафедралар ва магистратура мутахассисликлари кесимида магистр кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари 2-иловага мувофиқ кадрларга бўлган талаб сифатида қабул қилинсин.

3.Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларига:

3.1. Олий таълим муассасаларини 2009-2010 ўқув йилида битириб ишга тақсимланган (тавсия этилган) ёш мутахассислар учун жорий йилнинг 10 августига қадар ишга жойлашиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа тегишли шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилсин.

3.2.Таълим муассасаси раҳбари ишга тақсимланган (тавсия этилган) ёш мутахассиснинг педагогик лавозимларга сунъий тўсиқларсиз, маълумотига мувофиқ қабул қилинишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4.Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларига:

4.1. Ҳудудий бошқарма тасарруфида фаолият кўрсатаётган ва 2010-2011 ўқув йилида янгидан ишга тушириладиган ҳар бир академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг умумтаълим ва махсус фанлар ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталарига бўлган эҳтиёжлари 2009-2010 ўқув йилида олий таълим муассасаларини битираётган ёш мутахассислар ҳисобидан тўлиқ қопланиши таъминлансин.

4.2.Ҳудудий бошқармада олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жалб этиш, қабул қилиш ва жойлаштириш масаласини ташкил килувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус ишчи гуруҳи шахсан бошқарма бошлиғи раҳбарлигида ташкил этилсин ва унинг зиммасига тасарруфидаги ҳар бир таълим муассасасининг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлашдан тортиб то уни тўлиқ қоплашгача бўлган барча вазифалар юклатилсин.

Ишчи гуруҳ тегишли олий таълим муассасалари билан ўзаро келишилган жадвал асосида тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ишга тақсимланган (тавсия этилган) ҳар бир битирувчи билан 2009 йилнинг 1 июнига қадар шахсий мулоқот ўрнатсин, бу жараёнда битирувчиларга белгиланган таълим муассасасига етиб келиш ва иш бошлаш муддатлари, манзили, боғланиш телефонлари, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, режалаштирилган ўқув фанлари ва юкламаси, маоши ва бошқа маиший шарт-шароитлари ҳақида тушунчалар берилишини таъминлансин.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ишга тақсимланган (тавсия этилган) олий таълим муассасалари битирувчиларини жорий йилнинг 10 августига қадар тўлиқ ишга жалб этиш ҳамда ҳар бир таълим муассасасида мутахассислиги бўйича педагогик кадрлар бутлигини тўлиқ таъминлашга ҳудудий бошқарма бошлиғи шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

5.Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллари директорларига:

5.1. Жорий йилнинг 10 апрелига қадар академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг педагог кадрларга бўлган реал эҳтиёжларига (1-иловага) мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари билан алоқалар ўрнатиб, ҳар бир бакалавриат йўналиши ва магистратура мутахассислигини давлат грантлари асосида битирувчиларни дастлабки ишга тақсимлаш лойиҳаси ишлаб чиқилсин.

5.2. Жорий йилнинг 10 апрелига қадар республика олий таълим муассасалари кафедраларининг илмий-педагогик кадрларга бўлган реал эҳтиёжларига (2-иловага) мувофиқ тегишли олий таълим муассасалари билан алокалар ўрнатиб, ҳар бир магистратура мутахассислигини давлат грантлари асосида битирувчиларни дастлабки ишга тақсимлаш лойиҳаси ишлаб чиқилсин.

5.3. Жорий йилнинг 1 майига қадар барча давлат гранти асосида битирувчиларни якуний ишга тақсимлаш жараёни тўлиқ амалга оширилсин ва унинг натижалари

буйича 5 майга қадар Олий таълим муассасалари бош бошқармасига ёзма (электрон) ахборот тақдим этилсин.

5.4.Жорий йилнинг 10 майига қадар битирувчиларнинг якуний ишга тақсимоти натижалари ёш мутахассис ишга тақсимланган корхона, ташкилот ва муассасаларга ўз вақтида ўрнатилган тартибда етказилиши таъминлансин.

5.5.Олий таълим муассасасини тўлов-контракт асосида тугатаётган бакалавр ва магистрларни уларнинг аризаларига (хоҳишига, розилигига) мувофиқ Тақсимот комиссиясининг қарори билан ишга тақсимлаш ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг сўровига (ёки тузилган шартномаларга) мувофиқ ишга тавсия этиш (йўллаш) имкинлиги белгилаб қўйилсин.

5.6. Битирувчиларни дастлабки ишга тақсимлаш лойиҳасини ишлаб чиқишда, якуний тақсимотни ўтказишда ва уларни ишга жойлаштиришда мутахассислик кафедралари, факультет деканатлари ва маркетинг хизмати даражаларида буюртмачи – иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасалар билан мунтазам алоқалар ўрнатилиб, амалий ҳамкорлик йўлга қўйилсин.

5.7.Жорий йилда битирувчиларнинг белгиланган муддатда иш жойларига етиб бориши ва жойлашишини тўлиқ таъминлаш чора-тадбирлари ҳар бир битирувчи ва мутахассислик кафедраси кесимида ишлаб чиқилсин ҳамда амалга оширилсин, мазкур жараённинг натижаси буйича 25 августга қадар Олий таълим муассасалари бош бошқармасига ёзма (электрон) ахборот тақдим этилсин.

6. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Ш.Жавлонов)га:

6.1. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 10 майига кадар олий таълим муассасаларини давлат гранти асосида битирувчиларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига якуний ишга тақсимланиши натижалари барча ҳудудий бошқармаларга (тегишли академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига) етказилиши таъминлансин.

6.2.Ҳудудий бошқармаларда ташкил этилган олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жалб этиш, қабул қилиш ва жойлаштириш масаласини ташкил қилувчи ва мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар фаолияти қаттиқ назоратга олиниб, зарурий ҳолларда уларнинг фаолиятига тегишли тузатишлар киритиб борилсин.

6.3.Бўш иш ўринлари бўла туриб, олий маълумотга эга бўлган бакалавр ва магистр битирувчиларни ишга қабул қилмаган ёки унга тўскинлик қилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорларига нисбатан қатъий интизомий чоралар курилсин.

6.4.Олий таълим муассасаларини 2009-2010 ўқув йилида битирувчиларнинг республикада фаолият кўрсатаётган ва янгидан ишга тушириладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ишга жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар жорий йилнинг 25 августига қадар Олий таълим муассасалари бош бошқармасига тақдим этилсин.

7. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов)га:

7.1. Идоравий бўйсунишидан катъий назар, барча олий таълим муассасаларини 2009-2010 ўқув йилида битирувчиларнинг академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари ва бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларга ўзаро шартномалар асосида ишга тақсимланиш ва жойлашиш жараёни мунтазам назоратга олинсин.

7.2. Жорий йилнинг 28 августига қадар республика олий таълим муассасаларини давлат гранти ва тўлов-контракт асосида тугатган бакалавр ва магистрларнинг академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари ва бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларга дастлабки ишга жойлашиш натижалари умумлаштирилсин.

8. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосарлари У.Ташкенбаев ва Ш.Жавлонов зиммаларига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

Мундарижа

Сўз боши.....................................................................................................................4

I БОБ
**1.1.ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ...............................6**
1.1.1 Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни………………………6
1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни……………………………………………………………………12
1.1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори.............................................................................................30

**1.2. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ.........................................39**
1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим муассасасининг Намунавий Ички тартиб қоидалари ҳамда Уставини тасдиқлаш ҳақида»ги 2010 йил 1 июндаги 257-сонли буйруғи..................................39
1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Вазирлик Регламентини тасдиқлаш ҳақида»ги 2011 йил 11 ноябрдаги 447-сонли буйруғи..................................................................................................................88
